

Э.А. АКРАМОВ

**ИКТИСОДИЙ  
ТАРАККИЁТНИНГ  
"ЎЗБЕК МОДЕЛИ"  
АМАЛДА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ӨЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Э.А. АКРАМОВ**

**ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
«ЎЗБЕК МОДЕЛИ» АМАЛДА**

*Ўқува қўлинига*

Тошкент  
«ИҚТИСОД-МОЛІЯ»  
2011

**УДК33(075)  
ББК65.9(5Ў)  
A42**

**Такриҷчилар:** Узбекистон фанлар академияси академиги,  
и.ф.д. С.С. Гуломов;  
Тошкент молия институти Иқтисодий навария  
кафедраси мудири, и.ф.д. проф. Т. Жураев

Акрамов Э.А.

**A42      Иқтисодий тараққиётниң «Ўзбек модели» амалда.**  
Ўкув кўлланма/Э.А. Акрамов; Узбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA»,  
2011 – 528 б.

Унбу ўкув қўлланмада Республика Президенти И.А. Каримов томо-  
видан «Ўзбек модель», унга асосланган иқтисодий иштохатларини ишлаб  
чикинини, уларниң боекичлари, амалга ошириш йўналишлари, иқтисодий  
ишлоҳотларни янада чукурлаштиришини объектив зарурлиги, асосий йўна-  
лишлари, уларни амалга оширишда кўнга киритилган социал-иктисодий  
нажижалар ва И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози.  
Ўзбекистон шароитида уни бартарағлиниш йўллари ва чоралари»номини  
асаридан жениб чиқиб, умумат иқтисодий инқирозлариниң асослари, яшни  
жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг кениб чиқини сабабларти, унинг  
мамлакатлар иқтисодистига таъсирин. Узбекистон Республикасининг инқироз  
шароитидаги ҳосрати ва инқироздан чиқини максадида республикаси амалга  
отиришгаётган чора-тадбирар ёритилиган.

Ўкув қўлланма республика иқтисодиётни наварияси ва амалиёти билан  
қизиқувчи китобхоняларга, иқтисодий соҳа мутахассисларига, иқтисодиёт  
фанилари бўйича олий ва ўрга маҳсус ўкув юртлари ўқитувчи, таъаба-  
асирионг ва магистрансларининг кенин доираси учун мўжжадланмои

**УДК33(075)  
ББК65.9(5Ў)**

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш мақсадида Республика Президенти И.А. Каримов томонидан «ўзбек модели» ишлаб чиқилди ва унинг раҳбарлигига амалга оширилмоқда.

«Ўзбек модели»нинг асосланганлиги, тўғри йўналтирилганлиги, замон таъабларига жавоб берадиганлиги республика аманданида ўзини оқламоқда ва халкаро миқёсда тан олинмоқда.

«Биз истиқтолният дастлабки йилларида қабул қилиган, машхур осиён тамойинга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга изгарилаб боришимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини ишботламоқда, деб айтиш учун бутун барча асосларимиз бор»<sup>1)</sup> – гейдизлар И.А. Каримов.

Иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели» га ҳам республикада, ҳам халкаро миқёсда эътибор ошиб бормоқда.

2010 йили Тошкентда ўтказилган халкаро илмий-амалий конференцияларда «ўзбек модели» муаммолари мухокама марказида бўлди. унинг ҳар томонлама асосланганлиги тасдиқланди.

Лекин Республика Президенти И.А.Каримов асарларидан келиб чиқиб, республикада чоп этилган монография, рисолаларда, рўзиомаларда чоп этилаётган мақолаларда ҳозирги пайтгача республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг «ўзбек модели»нинг мазмуни, моҳияти ва уларнинг социал-иктисодий натижалари етарли даражада, тўлиқ ёрнилмаяпти, таҳлил гилемаяпти.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиган қўшма мажисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли» мавзуусидаги маърузаларида таъкидладиларки:

<sup>1)</sup> Каримов И.А. Жадон молиявий-иқтисодий инқарози. Ўзбекистон шароитида учи берароғ этишини ўйларни во поралари. Ташкент. 2009. 30-31 б.

«Мұхтарам дүстлар! Шу күнларда халқымыз Ватанимиз мұстакиллигининг 16 йилдік қуттуғ саңасини көңг миқәсда нишонлаш учун катта хозирлик күрмекда. Барчамыз учун ҳақиқатан ҳам әнг улут, әнг азиз бүлған бу байрам арағасыда ўтған давр мобайнида босиб ўтған мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мұстакил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, зришган қатижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини көңг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Албатта, юртимизда яшаётган ҳар бир фукаро ана шу ишларга ўз баҳосини бериш билан бирга, ҳар қайси инсон ва бутун мамлекат учун ҳәёттүй мұхим бүлған бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзининг таңқидий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдиришта тұла ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мұстакилликка зришші даври ҳақида, әски тузум инициаторынан дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутған бир пайтда мамлекатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталған миллий ғуруримизни тиклашга каратилған инициативаның күнде күнде кечгави ҳақида яхлат, ягона ва холис күз билан қараб баҳо берадиган жиһдий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тұғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай максадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантиқий ва конуний заманини ва оминалари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига тухфа тарқасида берилмагани – буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чукур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил буғунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур»<sup>11</sup>

«Ўзбек мөденийининг долзарблиги ва ҳозирги замон иқтисодий тараққиетидаги аҳамияти 2008 йилда боштанган жаҳон молиявий-иктисодий инициатори даврида яна бир бор тасдикланды.

<sup>11</sup> «АДОЛАТ» газетаси 2007 шаары 31 наурыз

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инқирознинг республика иқтисодиётига таъсири бўлсалада, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётни юкори суръатларда ривожланиб бормоқда.

Бу вазиятнинг асоси «ўзбек модели» эканлигини таъкидлаб И.А. Каримов шундай дейдилар: «Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация килиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация кинни борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чукур унинган спёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қўладиган кучли тўсик, айтиш мумкинки, мусулкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»<sup>1</sup>.

Демак, «ўзбек модели»нинг моҳияти ва аҳамияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида янада ошиб бормоқда ва «ўзбек модель»нинг мазмунини, моҳиятини, келиб чиқшини, амалга ошириш йўналишларини, натижаларини, уни доимо такомиллашиб боришини мутахассислар кенг омма учун ёритиб бериши катта ахамиятга эга.

Бу масалани иложи борича ечиш мақсадида Республика Президенти И.А. Каримовнинг асарларидан, республикада қабул кишишган Конун, Фармон, Қарорлардан келиб чиқиб, мустакиллик даврида республиканинг социал-иқтисодий тараққиётини таҳдил килиб, чоп этилаётган ўқув кўлланмада куйидаги масалаларни ёритиб бериш кўзда тутилган:

республика иқтисодиётининг мустакилликкача бўлган даврлари ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишнинг обьектив зарурлиги;

«ўзбек модель»нинг назарий асосларини – республика шартнамоларига мосланганлиги, тамойил ва устуворлари, амалга ошириш йўналишларини И.А. Каримов томонидан асослаб берилганини;

«ўзбек модель» – республика иқтисодий ислоҳотларини амалга ошириш босқичлари; мақсад ва вазифалари;

иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўналишлари;

иқтисодий ислоҳотларни доимо такомиллашиб боришининг обьектив зарурлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари;

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қўлга киритилган социал-иқтисодий натижалар;

Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида унинг тарифи оғизининг йўллари ва чоравари. Тошкент, 2009, 31 б.

– жаҳон малийий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси иктисолиётининг ҳолати.

Муаллиф томонидан 1992-2009 йилларда Республика иктисолий ислоҳотлари муаммолари бўйича бажарилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида 1993 йили Тошкентда биринчи монография – «Ўзбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода». 1998 йили иккинчи монография – «Экономические реформы Республики Узбекистан», республиканка журналларида ўзбек ва рус тилларида 25 та илмий мақолалар, 25 та халқаро илмий-назарий, илмий-амалий конференциялар материалларида маъруза-тезислари чоп этилган.

Ушбу ўқув кўлланма муаллифнинг 1995 йилдан бошлаб «Иктисолий таракқиётнинг «ўзбек модели» амалда (Республика Президенти И.А. Каримовнинг асарлари асосида)» номли маҳсус ўқув курсини ишлаб чиқиб, уни Молия-банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқлараро институтида, кейинчалик бир қанча йиллар мобайнида Банк-молия академиясида. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва ижтимоий қурилиш академиясида, охирги йилларда Тошкент молия институти магистратурасида ва малака ошириш институтида ўқитувчиллик фаолиятининг ва амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг натижасидир.

Бу маҳсус ўқув курс амалиётда ўзини оқламоқда, чунки Республика иктисолий ислоҳотлари ва уларнинг амалга оширилиши Республика раҳбариятининг иктисолий сиёсати негизини ташкил этади ва бундан ҳамма ҳабардор бўлиши лозим.

Шу сабабли, фикримизча, буни ўқув курс сифатида ҳамма олий ва ўрга маҳсус ўқув юртларида ўқитилса максадга мувоғик бўлар эди.

## **1 бор. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ**

### **1.1. Бозор муносабатларининг назарий асослари ва иқтисодий йўналтирилганилиги**

Кенг китобхонлар эътиборига йўналтирилган ўкув қўлланмадан максад, республика иқтисодиётини бозор муносабатларига укказиш борасида «ўзбек модели»ни ишлаб чиқиб, уни амалга ошириб, республика мустақиллиги даврида унинг социал-иктисодий натижаларини таҳлил этиб, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш йўналишларини курсатиб беришдан иборат, лекин ўкув қўлланмада республика мустақиллигидан олдинги даврда республика иқтисодиёти ҳолатини кисқача ёритишни ҳам мақсадга мувофиқ деб топдик.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов гавқидадиларки: «Ислоҳотлар бошлангунга қадар вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳар томонлама таҳсил қилмай, чукур иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий инқирозга олиб келган сабабларни, хўжалик тизимидағи катъян воз кечиш лозим бўлган иллатларни аннектамай туриб, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтиб бўлмайди»<sup>1</sup>. Биз кўп қаҳрамонлик ва драматик мисраларга эга бўлган ва ўтган авлодларининг ва боболаримизнинг кураши ва меҳнатини ўчира олмаймиз. Улар мамлакатимизни қолок, яримфеотаптиқдан замонавий социал ва фан-техника даражасига қўташибди. Бу объектив омил, уни ҳеч ким инкор қила олмайди<sup>2</sup>. Биз янги қуришга киришдик. Лекин бигза ўтган даврга нисбатан газабланиш йўқ. Халқнинг доно сўзи борки: ўтмишга қаҳрлик гашини отиц – бў катта гуноҳ<sup>3</sup>.

Хозирги Ўзбекистон Республикаси худудидағи маданий ёдгорниклар, социал-иктисодий тараққиётининг тарихи 4-5 минг йилларни ғашкил этади. Бу худудда жойлашган ҳалқлар ўз вақтида ўнларча

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишими ўзига хое йўли, Ташкент, 1995, 8 б.

<sup>2</sup> «Правда Востока» газетаси, 1990, 5 июн,

<sup>3</sup> «Правда Востока» газетаси, 1992, 3 декабрь.

шарқ ва ғарб хорижий мамлакатлари билан ташқи алоқаларда бўлиб, ирригация иншоотларини қуришда, сұғориладиган дәқончиликни ташкил қилишда, ҳалқ ҳунармандчилитгини, савдо, фан, маданият ва санъатни ривожлантиришда юкори ютукларга эга бўлганлар.

Бу ҳудудда Ал Хоразмий ва Умар Хайём, Абу Наср Форобий ва Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва Мухаммад Фарғоний, Мирзо Улугбек ва Али Қушчи, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Аҳмад Доңиш ва Фурқат, Завқий ва Муқимий ва бошқа бутун жаҳонга номи ёйилган фан ва маданият намоёндалари ўзларининг ўчмас асарларини ёзиб қолдиришган.

Ўзбекистон ССР иттифок таркибидаги иттифокдош республикалар билан биргаликда Иттифок даврида ҳамма социал-иктисодий ўзгаришларни босиб ўтди, яъни ҳалқ хўжалигини индустриялаш, кишлоп хўжалигини кооперациялаш, фуқаролик уруши кийинчиликлари, совет ҳалқининг II жаҳон уруши йиллари, урушдан кейинги ҳалқ хўжалигини тиклаш ва иқтисодиётни тинчлик йилларда ривожлантириш даврларини ўз бошидан қечирди.

Иттифок даврида Ўзбекистон Чор ҳукуматининг мустамлакасидан замонавий давлатга айлантирилди, унда саноат ва бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларини шакллаштиришда, ривожлантиришда, социал соҳаларни барпо этиб, уларни ривожлантиришда маътум ижобий натижалар кўлга киритилди.

Лекин мамлакатда ҳукм сурган ҳаддан ташқари марказлаштирилган маъмурий бошқарув тизими, иттифок раҳбариятининг ижтимоий стратегияси, иқтисодий сиёсатида зонмо ечилмаган муаммолар бўлганлиги ва амалий фаолиятида катта камчиликлар бўлганлиги сабабли бошқа иттифокдош республикалар каторида Ўзбекистоннинг социал-иктисодий ривожланишида ечилмаган, но тўғри ечилган муаммолар тўплланган ва улар республикани иқтисодий инқирозга олиб кетган.

Бу ечилмаган, иотўғри ечилган муаммолар режалаштиришга асосланган иқтисодий тизимнинг ижтимоий ривожланиш натижасидир.

Чунки бу тизимнинг ривожланишида назарий, ташкилий, амалий католиклар бўлган ва улар ўз вақтида бартараф этилмаган.

Бизнинг иқтисодий адабиётимизда кўп вактлар бозорни режалаштиришга, режалаштиришни бозорга қарши қилиб кўрсатиш назарий, амалий мезонга айлантирилган эди.

Капиталистик социал-иқтисодий жамият товар ишлаб чиқаршига асосланган, режалаштиришга асосланган жамият эса товар ишлаб чиқаришни инкор килади деб қабул қилинган эди.

Бу фикр-мулоҳазалар товар ишлаб чиқаришни, товар-пул муносабатларини ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириштиги ролини асоссиз, нотўғри, ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи шардан тушуниш ва қабул қилиш натижаси бўлган эди.

Иқтисодчи олимларнинг илмий таъдқиқотларида, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатида қўйидаги назарий тушунчаларга эътибор берилмаган эди:

Биринчидан, товар ишлаб чиқариш жараёни, бозор муносабатлари аниқ бир социал-иқтисодий жамиятга тегишли, тааллуқли бўймасдан, умуман ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларига тегишли ва тааллуклиги.

Иккинчидан, товар ишлаб чиқариш, бозор муносабатларининг олиг ривожланган даражаси капитализм социал-иқтисодий жамиятининг биринчи босқичида – капитализмнинг эркин ракобат ва хусусий мулкнинг якка ҳукмонлик даврига тўғри келганлиги

Учинчидан, капитализм социал-иқтисодий жамиятининг ривожланиш босқичларида товар ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларининг роли ўзгариб бориши, унинг биринчи босқичида энг ривожланиш даври бўлса, кейинчалик капитализмнинг қўйи ривожланиш босқичида иқтисодиётни ривожлантиришда давлат аралашуви амалга оширилиши, давлат-монополистик босқичида эркин ракобатнинг чегараланиши, хусусий мулк якка ҳукмонлигининг камайтиристиши, умуман ишлаб чиқариш, товар ишлаб чиқариш, бозор муносабатлари давлат томонидан йўналтирилганлиги.

Демак, товар ишлаб чиқариш, бозор, бозор муносабатлари умумисоний қадриятлардан бўлиб, улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида фойдаланилган, фойдаланилмоқда ва фойдаланилади.

Товар ишлаб чиқариш, бозор, бозор муносабатлари тўғрисида назария ўзгариб борди.

Марксизм-ленинизм назариясига кўра бозор муносабатлари факат капиталистик жамият учун тааллукли. Бу таълимотга асосланниб, социалистик жамиятда бозор муносабатларининг амал қилмаслиги қабул қилинган эди. Бу назарияга асосланниб, 1921 йилнинг август ойида ҳукуматнинг декретига биноан мамлакатда савдо

миллийлаштирилди ва товар-маҳсулотларни тақсимлаш савдо орқали эмас, давлат томонидан тақсимлаш тизимиши амалга ошириш тасдиқланди.

Лекин жамият ривожланишида бозор муносабатларининг зарурлиги тасдиқланба бошланди.

Тасодиф эмаски, 1921 йили «Янги иктисадий сиёсат» тасдиқланди ва бу сиёсатнинг негизини товар ишлаб чиқаришдан, бозор муносабатларидан фойдаланиш ташкил этган эди, лекин бу сиёсат охирингача амалга оширилмади.

Товар ишлаб чиқариш, бозор муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқаришининг асосий қуролига айлантирилмади. Савдо муносабатлари шакллантирилди, лекин савдо муносабатлари ҳам давлат режаларини бажариш жараёнида факат омиллардан бирига айлантирилган эди.

Савдони ташкил этишда, нарх-наво сиёсатини шакллантиришда талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат, муносабаг асосий тамойилга айлантирилмаган эди.

Демак, савдо, товар ишлаб чиқариш, бозор муносабатлари мамлакатда бўлган улардан фойдаланилган, шу билан бирга улар ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришда асосий қуролга асосий хўжалик юритиши механизмига айлантирилмаган эди.

Бозор, бозор муносабатларининг мазмuni, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги моҳияти, тутган ўрни нималардан иборат?

Биринчидан, бозор, бозор муносабатлари умуминсоний қадриятлардан бўлиб, улар ижтимоий ишлаб чиқаришининг деярли ҳамма босқичларида мавжуд бўлган ривожланган ва бу босқичларда жамиятни, ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири бўлган.

Иккинчидан, бозор, бозор муносабатлари хеч вақт ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантириш босқичларининг бирортасида ишлаб чиқаришининг мақсади бўлмаган, бўлмайди ҳам. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришда асосий йўналишлардан, қуроллардан, омиллардан бири бўлган ва бўлиб келмоқда.

Бозор, бозор муносабатларининг мазмuni, моҳияти, хусусиятлари қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

-- савдо-сотик тамойилларига асосланган ҳолда хўжалик субъектлари, жамият аъзолари алокаларини оқилона ташкил этишга хизмат килади;

- ижтимоий тизимнинг бир элементи бўлиб, хўжалик субъектларининг жисмоний шахсларнинг ўз мол-мулкига, ўзларининг меҳнат натижаларига барто этилган даромадларига эгалик килингта имконият яратади;
- сотувчи, сотиб олувларни эркин равишда ташлаш, иктисолётни, ишлаб чиқариш, техника ва ташқилтӣ соҳаларда ракобат-бардошликий амалга оширишни, ишлаб чиқарувчи ва сотиб олувларнинг якка хукмронлигини чегаралайди;
- минимал ишлаб чиқариш харажатлар билан юкори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ташаббускорликни кенг микёсда амалга оширишга ёрдам беради;
- инсон калор-книйматини, адолатлиликка шончни, яхши турмуш даражасига интишини, этишини тиктайди;
- пулларга, уларнинг асосий функциясини - умумёқвивалент функциясини тўлиқ амалга ошириб, пулга хоҳлаган жойда, хоҳлаган товарни сотиб олиш имконини беради;
- жамиятнинг ҳамма аъзолари учун пул топишни ва топишган пулга тегинчили товарларни сотиб олиш учун бир хил имкониятларни барто этади;
- юкори меҳнат унумдорлиги хўжалик субъектлари, ташаббускор жисмоний шахслар хизматига ижобий таъсир кўрсатиб, колок хўжалик субъектларининг ташаббусиз жисмоний шахслар фаолиятининг синишига, банкрот бўлишига олиб келади;
- ҳалқ хўжалигини, ахолининг ҳақиқий эҳтиёжларини оътиборга олиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатларининг нисбатини таъминтайди;
- ишлаб чиқаришин ривожлантишда фан-техника ютукларидан фойдаланиш учун имкониятлар яратади;
- ишлаб чиқаришин, меҳнатни ташкил килишни доимо такомиллаштириб турнига йўналтиради;
- хўжалик субъектларининг иктисадий мустакиллигини таъминтайди;
- ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳар хил социал-иктисодий ишлаб чиқариш секторлари барто этилишини таъминтайди;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиштарни уюштиради ва улар ўргасидаги иктисадий алокаларни ривожлантиради;
- меҳнатга ҳак тўлов тизимини такомиллаштириб, юкори унумдорликка йўналтиришган меҳнатни рағбатлантира.

Кўриниб турибдики, бозор, бозор муносабатлари кўп киррали жараён, мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакли ва унинг ривожланишини тъминловчи омиллардан биридир.

Лекин бозор, бозор муносабатлари хамма ефатлардан сакловчи чора эмас, у автоматик равишда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантира олмайди. Бу худосани хорижий мамлакатлар тажрибасидан кўришимиз мумкин.

Маълумки, ҳозирги пайтда дунёning аксарият мамлакатларида бозор муносабатлари мавжуд. Лекин баъзи мамлакатлар юкори, баъзилари ўрга, баъзилари эса паст суръатларда ривожланяшти, колганилари иктисодий инкорозга учрамоқдалар.

Бозор, бозор муносабатларининг шаклланиши учун тегишли тайёргарлик чора-тадбирлари амалга оширилиши ва уларнинг самарали шаклланиши учун кераюти шарт-шароитлар барпо этилиши лозим.

Бозор, бозор муносабатларининг ривожланиши бир томондан ҳаддан ташкири кўп капитал кўйиамаларни, узок муддатли курилишларни, бошкарув харажатларини кисқартиrsa, фан-техника тараққиётини жадаллаштиrsa, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини, унинг самарадорлигини кўтарса, иккинчи томондан, бозор муносабатларининг ривожланиши нарх-навониниг кўтарилишига, ишсиззар сонининг кўпайишига, корхоналариниг банкрот бўлишига олиб келиши мумкин. Бу вазиятни янги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози тўлиқ тасдиқламоқда.

Шундай килиб, бозор, бозор муносабатлари умумисоний қадриятлардан бири бўлиб, ҳозирги замонда бутун жаҳон иктисодиёти бозор муносабатларига мосланган.

Демак, бозор, бозор муносабатлари аник назарий асосларга эга. Уларни эътиборга олиб, ҳар томонзама ўқиб-ўрганиш, республика иктисодиётини бозор муносабатларига мослашни жадаллаштириш, амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси иктисодий ривожланишини тъминловчи асосий омилларидан биридир<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ўкув қўлланманинг бу бобисда берилган амалий маълумотлар муаллифинг илари чоп этилган ишларидан: «Ўзбекистон на пути к рынку. теоретические основы, условия и практика перехода» номли китобидан (Ташкент, Узбекистон, 1993 г.), «Гуренская модель социально-экономического развития» номли маколасидан (журнал «Экономика и статистика», 1999 г. 4 и 5 номера) келтирилган материаллардан фойдаланилган.

## **1.2. Бозор муносабатларидан фойдаланишда жаҳон тажрибаси**

Одатда капиталистик иқтисодиётни бозор иқтисодиёти дейишиштада. Бунинг сабаби иккита:

Биринчидан, капиталистик жамиятда товар ишлаб чиқариш ҳам умуман ривожлантирилади, ҳам кенгайтирилади. Товар сифатида факат ижтимоий меҳнатнинг натижаси - товар маҳсулотлар эмас, меҳнатнинг ўзи ҳам - иш кучи ҳам товарга, олди-сотди предметига айланади.

Иккинчидан, капитализм жамиятининг өркин ракобат, хусусий мулк хукмронлиги даврида товар ишлаб чиқариш, бозор, бозор муносабатлари ўзининг энг ривожланган даражасига кўтарилади.

Лекин бозор иқтисодиёти социал иқтисодиёт тизимига айланмасдан ижтимоий ишлаб чиқаришининг капиталистик жамиятининг ташкил этилиш шакли бўлиб колаверади. Шу сабабни капитализмин давлат-монополистик даврида бозор, бозор муносабатлари давлат томонидан тартибга солинади ва капитализм иқтисодиётида хусусий мулк билан биргаликда давлат, кооператив, акциядорлик, жамоа мулклари барно этилади, ривожлантирилади ва капиталистик жамият кўп укладди иқтисодиётга айлантирилади.

Иқтисодчи олимларининг хисоб-китобларига қараганда, хозирги найтда жаҳонда 20 тадан кўп тур ва шакларда кооператив ташкилотлари барно этилиб, улар ўз таркибига 60 миллион кишини камраб олади.

Кишлок хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларининг саломиги Швеция, Данія, Норвегия, Финляндия, Исландия, Нидерландия, Японияда 100 фонзни, Франция, Германияда 80 фонзни, АҚШ, Буюк Британия ва Италияда 25-30 фонзни ташкил этади.

Капитализм жамиятида бозор, бозор муносабатларидан фойдаланишнинг асосий хусусиятиларидан бири – бу умуман иқтисодиётни, бозор, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солишдир.

Давлатнинг бозор, бозор муносабатларини тартибга солиш фаолияти музик, шартнома, мажбуриятлар, меҳнат, ахолининг аник турухларини, истеъмолчиларни, табиатни ҳимоя қилиш тўғрисида конуналарни қабул қилиш, солик ва нарх-наво сиёсатини амалга оширишда ўз ифодасини топади. Масалан корхоналар фойдасидан олинадиган солик Германияда-56, Бразилия, Буюк Британияда-35,

Грецияда-40, Нидерландияда-42, Мисрда-40, Ирландияда-50, Францияда-42, Жанубий Африкада – 50 фоизни ташкил этади. Швецияда бу солик 52 фоиздан 33 фоизга камайтирилди. АҚШда бу солик тармоқлараро ҳар хил бўлиб, 15-33 фоизни ташкил этади.

Жаҳон амалиётида нарх-навонинг ўргача 10-30 фоизи давлат томонидан бевосита тартибга солинади. Швецияда 50 фоиз нарх-наволар ҳукумат томонидан тартибга солинади.

Японияда бозор, бозор муносабатларини тартибга солишда Адлия вазирлигининг маҳсус бошкармаси, савдо бўйича Федерация комиссияси фаолият олиб боради. Францияда нарх-навони тартибга солишда ракобат ишлари бўйича Кенгаш фаолият кўрсатади.

Шундай китоб, ҳозирги замон капиталистик ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бозор, бозор муносабатларидан кенг фойдаланиляпти ва бу муносабатлар давлат томонидан тартибга солиниб турибди.

Бозор, бозор муносабатларини ташкил килишда, уни ривожлантиришда, тартибга солишда капиталистик мамлакатлар тегишли хусусиятларга эга.

**Германия.** Германия Федератив Республикаси иқтисодиёт вазири Эрхарднинг бозор муносабатларидан фойдаланиш асосида Германия халқ хўжалигини урушдан кейинги йилларда барқарорлаштириш ва уни келгусидаги тараққиётини таъминлашга бағишлиланган иқтисодий ислохотлари катта эътиборга лойик.

Бозор муносабатларидан фойдаланиш борасидаги Эрхарднинг иқтисодий ислохоти уч йўналишда амалга оширилди:

- пул ислохоти;
- нарх-наво ислохоти;
- давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантиришга аралашуви.

Пул ислохотига асосан рейхмарка ўрнига музаллагага Германия маркаси киритилди.

Нафака ва иш ҳаки тўлашда Германия маркаси билан рейхмаркаси ўртасида нисбати 1:1 эди. Омонат кассалардаги жамгармалардан ярмиси 1:10 нисбатда айирбошланди, колган ярмиси музлатилди, ишлатилмасдан қўйилди, кейинчалик улар ҳам 1:20 нисбатда айирбошланди. Корхоналарга янги маркалар факат биринчи иш ҳакига берилди, кейинчалик маҳсулотларнинг сотилишига қараб ажратилди.

Бозор муносабатларидан фойдаланиш ва бозор иктисодиётини ривожлантиришда давлат томонидан аралашувни амалга оширишда Швеция тажрибаси алоҳидаги сътиборга сазовор.

Швеция социал-демократик партиясининг фаолияти инсон манфаатлари учун курашга йўналтирилган. Мамлакатда умум-фирновонлик жамиятини барпо этиш социал-иктисолий ривожланиш максади килиб қўйилган. Бу сиёсат онларрга ёрдам беришда, давлат соғлиқни саклаш тизимида, халқ хўжалини учун мутахассислар тайёрлаш, уларни қайтадан тайёрлашида ўз ифодасини топмоқда.

Бозор муносабатлари ҳукумат томонидан тарбиғга солинади. Шу мақсадда Маъмурий фуқаролар вазирлиги ҳузурида нарх-наво устидан назорат қилиш учун нарх-наво ва рақобат давлат бошкармаси ташкил этилган. Унинг идоралари ҳамма 23 губернияларда ташкил этилган.

Мамлакатда нарх-навони тарбиғга солиш тўгрисида Конун кабул килинган. Унга биноан ҳукумат истеъмол товарларига нархларниң максимал даражасини, нархлар ўзгаришини тарбиғга солади.

Давлат молия-кредит тизими орқали аҳолининг меҳнат билан бандлиги, инвестиция сиёсати, экспорт, импорт ва инфляция жараёнлари устидан назорат олиб боради.

Давлат сиёсатида солик сиёсати алоҳидаги ўрин оғалтайди. Швеция фуқаролари ўз даромадларидан 50 фоизини, юкори иш ҳаки олувчилар эса 75 фоизини давлатга берадилар. фуқаролар даромадлари дифференциялашган. Паст ва юкори иш ҳаки ўртасидаги нисбат 1:2 ва капиталдан олинган даромадлар хисобга олинса 1:3 бўлиши мумкин. Демак, тадбиркорларнинг ўртача даромади фуқароларнинг ўртача даромадига нисбатан уч маротаба юкори бўлиши мумкин.

Социал гаъминотдан бутун аҳоли фойдаланади. Яъни миълий маҳсулотнинг 70 фоизи иш ҳаки ва бошка тўловларга тўғри келади.

Демак, бозор муносабатларидан фойдаланишда «швед модель»нинг асосий ҳусусиятилари – бу бозор иктисодиётининг социал йўналтирилганинига ва иктисодиётни ривожлантиришда давлатнинг аралашувидадир. Бу модель мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада Швецияда жаҳон аҳолисининг 0,2 фоизи яшасада, жаҳон моддий ишлаб чиқаришида 1 фоиз, халкаро савдода 2 фоиз узушга эга.

Швецияда кўп укладли бозор иқтисодиёти шаклланган бўлиб, 4,5 миллион аҳолидан 41 фоизи давлат секторида, 59 фоизи хусусий секторда банд.

Кишлек хўжалигида 4 фоиз аҳоли банд бўлиб, унар мамлакатнинг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжининг 80 фоизини таъминтайди.

Кишлек хўжалигида асосий хўжалик субъектлари бўлиб оиласвий фермер хўжаликлар хисобланади. Ҳар бир фермер хўжаликка ўртacha 79 гектар ер ва 30 бош қорамол тўғри келади. Ҳамма фермер хўжаликлар 5-6 кооператив уюшмалар – ишлаб чиқариш, майший хизмат кўрсатиш, истеъмол ва ҳар хил хизматлар кўрсатиш кооператив уюшмалар таркибида фаолият олиб боради.

Швецияда 90 фоиз оиласлар атоҳида квартиralарда, уйларда яшашади. Ҳар битта яшовчига иккитадан хоналар ёки  $45\text{ m}^2$  яшаш майдони тўғри келади. Ҳар 100 оиласдан 98 таси қир ювиш машинаси, 97 таси телевизор, 92 таси холодильник, 64 таси телефон билан таъминланган.

Швеция ҳар бир кишига истеъмол қилиш бўйича дунёда АҚШ ва Канададан кўзинчи ўринда туради.

Юкоридаги кўрсаткичларга қарамасдан Швеция социалистик давлат эмас, балки капиталистик давлат хисобланади. Мамлакатда хусусий мулк сезиларли ўрин эгалайди, жамият аъзолари меҳнаткашларга ва тадбиркор капиталистларга бўлинади.

Кўриниб турибдики, Швеция бозор муносабатларидан фойдаланиш борасида ўзига хос хусусиятларга эга, унар фикримизча қўйидагилардан иборат:

- бозор муносабатларини ривожлантиришда, иқтисодиётни ривожлантиришда давлат томонидан аралашув тегишли даражада шакллантирилган;
- жамиятда социал йўнаттирилган бозор иқтисодиёти барпо этилган;
- ишлаб чиқариши ривожлантиришда хусусий мулкнинг тегишли хукмронлигига қарамасдан жамиятда олинадиган даромад нуқтai назаридан жамият аъзоларининг ҳаддан ташқари табакалашига йўл қўйилмайди;
- кишлек хўжалигида асосий хўжалик субъектлари бўлиб оиласвий фермерлар хисобланади;
- ижтимоий ишлаб чиқариши ташкил этишда давлат социалистисодий укладининг юкори ўрни саклаб қолинган ва у 41 фоизни ташкил этади;

– кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳар хил шаклда бўйган – ишлаб чикариш, майший ва бошқа хизматлар қўрсатиш кооперативлари кенг миқёсда ривожлантирилган.

Шу ва бопка хусусиятларга кўра, бозор, бозор муносабатларидан оқилона фойдаланиб, Швеция дунёда энг ривожланган давлатлардан, аҳолисининг фаровонлиги бўйича энг таъминланган мамлакатлардан бирига айланган.

Туркия Республикасининг ҳам бозор муносабатларидан фойдаланиши тажрибаси алоҳида эътиборга сазовор.

1923 йили 23 апрелда Туркия Улуғ Миллий мажлисининг карорига биноан машхур давлат ва ҳарбий арбоб Мустафо Камол (Отатурк) раҳбарлигига Туркия буржуа парламент республикасига айлантирилди.

Отатурк раҳбарлигига республикада буржуа-демократия иктисолий ислоҳотлари амалга оширилди, уларниң асосий хусусиятлари қўйидағилардан иборат эди:

мамлакатда кўп укладни бозор иқтисодиётини барпо этиш;

– бу укладлар таркибида давлат укладини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш;

– давлат социал-иқтисодий укладини ишлаб чикариш воситаларини экспроприация килиш йўли билан эмас, уларни давлат томонидан сотиб олиш йўли билан ташкил этиш;

– иқтисодиёт ривожини давлатнинг аралашуви асосида амалга ошириш;

– пожимолий ишлаб чикаришни ривожлантиришда режалаштириши принципларидан фойдаланиш. Республика иқтисодиёти беш йиллик режалар асосида ривожлантирилмоқда;

– Туркия Республикаси ислом республикаси бўлиб, мамлакатда дин давлатдан ажратилган, лекин давлат билан дин ўртасидаги алоқалар ҳамкорликда, давлат устуворлигига амалга оширилади;

– мамлакатда «модний тарб» социал иқтисодий қийматларидан фойдаланиб, ислом индустрисал жамиятини куриш;

– мамлакатда кўп партияликка, касаба уюшматари харакатига руҳсат бериб, жамият хаётини ҳар томонлама демократлаштириш;

– социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш.

Республика Президенти Отатурк раҳбарлигига бу хусусиятларга асосланиб, ривожлана бошлади ва керакли пжобий натижаларни кўлга кирита бошлади.

Лекин Отатуркнинг вафотидан кейин (1938 йил) Туркия ўз вактида боштанган прогрессив буржуа-демократия социал-иктисодий ўзгаришлардан воз кеча бошлади.

Туркия АҚШ билан яқинлашди. 1952 йилни НАТОга аъзо бўлиб кирди, ҳарбий ҳаражатлар давлат бюджети ҳаражатларининг 20 фоизини ташкил кила бошлади. Мамлакат иктиносидий инкиrozга учради. Ундан чиқиб кетиш учун янги иктиносидий стратегия амалга оширилиши лозим эди.

Мамлакат бу вазифани амалга оширишини 1980 йили давлат арбоби Тургут Ўзалига юклади.

Тургут Ўзат Туркия Республикаси Бош Вазирининг маслаҳатчиси лавозимида ишлаётган пайтда Халкаро валюта фонди. Жаҳон банки билан ҳамкорликда Туркия Республикаси иктиносидётини баркарорлаш дастурини тузиб, уни 1980 йили 12 январда ҳукуматга топшириди ва Туркия ҳукумати 24 январда бу дастурни мухокама қилиб, «Туркия иктиносидётини баркарорлаштириш чора-тадбирлар Пакетини» қабул килди.

Лекин мамлакатда 1981 йил 12 сентябрда ҳарбий тўнтириш ташкил этилди ва ҳарбий ҳукумат барпо этилди ва бу ҳукумат таркибига Тургут Ўзат Бош вазирининг ўринbosари лавозимига тасдиқланди.

Янги ҳукумат «Туркия иктиносидётини баркарорлаштириш чора-тадбирлари Пакетига» биноан фаолият юритади деб вайда қилинишига қарамай, 1961 йилги қабул қилинган демократик конституцияни бекор килди, парламент тарқатилиди, сиёсий партиялар фаолияти тақиқланди ва демократияга карши бошқа чоралар кўрилди.

Лекин мамлакатда вазият аста-секин ўзгара бошлади. 1982 йили янги конституцияга биноан коммунистлар партиясидан ташқари бошқа партиялар фаолиятига рухсат берилди.

1983 йил охирида мамлакатда ҳарбийлар назоратида парламентга сайловлар ўтказилди ва бу сайловларда Тургут Ўзат томонидан ташкил этилган «Ватан партияси» ғалаба козонди. Тургут Ўзат янгидан ташкил қилинган фуқаролар ҳукуматига бош вазир этиб тайинланди.

Тургут Ўзат 1989 йилдан то ўзининг вафотигача (1993 йил) Туркия Республикасининг Президенти лавозимида фаолият юритди.

Маълумки, Туркия Республикасида қабул қилинган «Туркия иктиносидётини баркарорлаштириш чора-тадбирлари Пакети» ёки

«Туркия модели», «Ўзал модели» халқаро миқёсда кенг эътиборга на. Бу модельга ўз вактида, Ўзбекистонда ҳам катта эътибор берилган.

Туркия моделининг меҳияти мазмуни нимадан иборат, у қандай амалга оширилди, қандай натижалар берди?

Бу саволга жавоб беришдан олдин шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир алоҳида мамлакат бутун халқаро тажрибасидан ажралган, у ондан боғлиқ бўлмаган ҳолда социал-иктисодий ривожланиши муумин эмас. Хоҳлаган мамлакат модели бу тажрибани эътиборга олиб, ўзининг табиий, маънавий, социал-иктисодий шарт-шароитларини эътиборга олиб барпо этилади ва тасодиф эмаски, ҳар бир мамлакатнинг социал-иктисодий тараққиёт модели ўз хусусиятларига эга бўлади.

Фикримизча, «Туркия модели»нинг ҳам хусусиятлари мавжуд, ҳар қўйнагилардан иборат:

– «Ўзал модели» «Отатурк модели»нинг давом эттирилиши деб қабул қилиниши лозим. Бу модельда ҳам «Отатурк модели»да қабул қилинган, кўп уқладли бозор иктисодиётини барпо этиш, иктисодиётни ривожлантиришда давлат аралашувининг бўлиши, жамиятнинг диний ҳаётини аристократлик бошқарув билан биргаликта олиб бормоқ, ислом индустрialiал жамиятини барпо этиш ва жамият ҳаётини демократлаштириш қабул қилинган;

– давлат корхоналаридан бир юсмини хусусийлаштириш ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини эркинлаштириш йўли билан иктисодиётни ривожлантиришда давлат томонидан аралашувни чегаралаш;

– миллий иктисодиётнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, корхоналарнинг ташқи иктисодий алоқаларга интилишини рағбатлантириш, иштаб чиқарилгаётган товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўли билан импорт сиёсатидан экспорт сиёсатига ўтиш;

– бозор иктисодиёти инфратузилмасини шактлантириш, ривожлантириш, эркин иктисодий зоналарни ташқыл қилиш, солик-молия-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўли билан мамлакатда очиқ бозор иктисодиётини барпо этиш;

– миллий валютани конвертация қилиш, хорижий фирмаларнинг кўрган фойдаларини хорижга олиб чиқиб кетишга рухсат бериш, қўшма корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш, ҳам шарқ, ҳам гарб мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантириб, ҳаликаро иктисодий алоқаларни ривожлантириш;

– мажбурий ўрта таълимни амалга ошириб, ҳалқ таълими тизимини тубдан ўзгартириб, ҳалқ хўжалигининг бутун соҳалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, жамиятда илм, техника билан қуролланган инсон ролини кўтариш йўли билан фан-техника тараккиётини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишида асосий омилга айлантириш;

– ҳалқ хўжалигининг социал йўналтирилганинг эътиборга олиб, хукумат инвестицион сиёсатини ташкил этиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда давлат томонидан субсидиялар беришни ташкил этиб, мамлакат иқтисодиётидаги ҳамма тармоқларни пропорционал ривожлантиришни таъминлаш;

– мамлакатда янги иш жойларини ташкил килишни рағбатлантириш ва мамлакатдаги меҳнат ресурсларидан бир қисмини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш йўли билан мамлакатда аҳолини меҳнат билан бандлик муаммосини ечиш.

– Туркия Республикасида давлатчилик шакли ҳам катта аҳамиятга эга. Мамлакатда бирпалағани парламент, кўп partiyalistik ва Президентнинг кенг ваколати қабул қилинган.

«Ўзал модели» Туркия Республикасининг социал-ижтимоий ривожланишида ижобий натижалар берди.

1981-1982 йиллардаёқ соноатда ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш 40 фоиздан 70 фоизгача кўтарили. Экспорт ҳажми бир йилда, яъни 1981 йилда 60 фоизга кўпайтирилди.

1979-1980 йилларда миллий ялпи маҳсулот кисқарган бўлса, унинг ўртacha йиллик ўсиш суръатлари 1980-1983 йиллар 3-4 фоизни, 1984-1985 йиллар – 5 фоизни, 1986-1987 йилларда 7-8 фоизни ташкил этди.

Савдо баланси яхшиланди. 1980 йили экспорт импортнинг фақат 37 фоизини ташкил этган бўлса, 1988 йилдан бошлаб экспортни импорт устидан устуворлиги таъминланди. Ташки савдо товар обороти 1977-1988 йилларда 7,3 млрд. АҚШ долларидан 24,5 млрд. долларга кўпайди.

Тегишли шарт-шароитлар барпо этилганлиги сабабли Туркия иқтисодиётига хорижий инвестициялар кўплаб жалб қилинди.

1980-1987 йилларда республика иқтисодиёти ривожланишида ўзларининг инвестициялари билан иштирок этаётган хорижий компанияларнинг сони 100 дан 839 га етди. Республикага жалб

килинган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 1980-1989 йилларда 40 млрд. долларни ташкил этди.

Туркия Республикасида мамлакатни истеъмол моллари билан таъминланиш муаммоси очилди.

Лекин «Ўзал модели» Туркия Республикасининг социал-иктисодий ривожланишида ижобий натижалар билан бирга айрим салбий натижаларга қийинчиликларга ҳам олиб келди.

Давлат бюджетининг танқистиги ошиб борди. Давлатнинг ташки қарзлари 1989 йили 35,3 млрд. долларни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 53 фоизини, давлатнинг ички қарзлари эса ялпи ички маҳсулотнинг 27 фоизини ташкил этди.

Истеъмол товарларга нарх-наво кўтарилиди ва бир йиллик инфляция 50-60 фоизни ташкил этди.

Туркия ҳукумати тадбиркорларни рағбатлантириш мақсадида шундай хаки оширилишини чегараради.

Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан ишсизлик муаммоси ечилмади. Ишсизлик даражаси 20 фоизни ташкил этди.

Туркия Республикаси миллий валютасининг конвертацияга эга бўлишига қарамасдан миллий валюта-лира қадрсизланди.

Агарда Америка долларининг лирага бўлган нисбати 1980 йили 1:56 бўлган бўлса, 1989 йили у 1:2137 ни ташкил этди.

Шундан қилиб «Туркия модели» унинг амалга оширилишида ижобий натижалар билан бирга салбий натижаларга эга бўлса ҳам, кенг эътиборга сазовор.

Масалан, бу республикада очик бозор иқтисодиётини барпо этиш, фан-техника таракқиётини ижтимоий ишлаб чиқаришнинг зоссий омилига айлантириш, миллий меҳнат ресурслардан бир кисмини расмий равишда-давлатлараро шартномаларга биноан хорижий мамлакатларга экспорт қилиш ва ҳоказо.

«Туркия тажрибаси, – таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, – унинг иқтисодиётини ислохот қилиш йўли, бизга ўхшаш этник-маданий шароитларда давлат билан дин ўртасида уйғун муносабатларга эришишдаги ютуклари ўзимизнинг ижтимоий-иктисодий ва давлат ҳукуқий таракқиёт йўлимизни белгитлаш чоригда зўр қизиқишга моликдир.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонин ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. Т., Ўзбекистон, 1992, 64 бет.

Франция «Либорасьон» рўзномасининг мухбери саволига жавоб бериб. И.А. Каримов фикр билдириди: «Туркия бозор муносабатлари йўлига ўтиб эришган туб ўзгаришлари билан ҳам хурматга лойикдир. Бирок мустақил Ўзбекистон Туркия йўлидан кўр-кўрони нусха кўчирмоқчи эмас».

**Япония мўжизаси.** Япония социал-иктисодий ривожланиш тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб ва тушуниб олиш ҳам назарий, ҳам амалий ахамиятга эга.

Япония ҳозирги даврда энг ривожтанган жаҳон давлатларидан бири бўлиб. 2008 йили 127.3 млн. аҳолига эга ва шу йили 4.9 триллион долларлик ялти ички маҳсулот ишлаб чикарган<sup>1</sup>.

Япония бутун жаҳон социал-иктисодий ривожланишига, ривожланаётган давлатлар, ўтиш давр иктисолига эга бўлган мамлакатларнинг тараққиётига кучли таъсир кўрсатаётган давлатdir.

Бу вазият ўзидаи ўзи бўлган эмас. Бу индустрiali салоҳиятга етишиш ҳар томонлама ўйланган, асосланган ва амалга оширилган тажриба натижасидир.

Япония аҳолисининг факат 7 фоизи кишлоқ жойларда истикомат қилади, мамлакат экинзорлари 127.3 млн. аҳолига ҳаммаси бўлиб 4.3 млн. гектарни ташкил этади. Япония умуман энергия-ресурслар билан ҳаммаси бўлиб 18.1 фонзга таъминланган. Шундай шарт-шароитларга қарамасдан Япония дунёда энг ривожланган давлатлардан бирига айланди.

Япония 1641 йилдан бошлиб 300 йил мобайнида дунё учун ёпик мамлакат бўлиб, амалда бошқа давлатлар билан иктисолий алоқаларда бўлмаган.

Лекин социал-иктисодий ривожланишдаги «Япон модели», Япон адабиёт манбаларга қараганда бундан 150 йил олдин шаклланган. Иккинчи жаҳон урушидан 70 йил олдин Японияда мамлакатни индустриялаш сиёсати амалга оширилди, мамлакатда урбанизация ўтказилди, ўрта мулкдорлар синфи барпо этилди.

Япония моделининг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат:

– Япон ҳалқида меҳнатсеварлик, алкоголизмга наркологизмга қаршилик кўрсатиш табиий мужассамланган. Бу хусусият мамлакатни ресурслар билан керакли даражада таъминланмаганлиги билан боғлиқ. Бу шаронтда юкори суръатлар билан ривожланиш учун юкори унумли меҳнат объектив зарурият. Япониянинг Ўзбе-

1. International Financial Statistics, June 2009, IMF, P. 688,696.

кистондаги фавқу лотдаги элчиси Акио Каватонинг фикрича, агарда мамлакат табиий ресурслар билан керакти равишда таъминланган бўлса, бу мамлакат оғатга учраши мумкин, чунки бу шароитда гадбиркорлар мавжул ресурсларни бўлиб олиш билан овора бўлиб, улардан оқилона фойдаланиб, уларни кўпайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан шуғулланмайдилар.

– Японияда ишчиларни бутун умри мобайнида ишга ёллаш принципи амалга оширилади. Бу принцип ишчиларнинг меҳнат ҳакини уларнинг иш стажига қараб кўтариб туришга йўналтирилган ва мақсади юкори матакали ходимларни компаниялар фаолиятида ушлаб туришдан иборат. Бу принципга асосан компаниялар раҳбарияти нафасат ходимларни сақлаб, уларни муҳофаза килади, балки уларнинг ойла аъзоларини ҳам муҳофаза килади. Шундай экан, ходимлар юкори унумдорликда меҳнат қилишга рағботлантирилганлар, натижада компанияларнинг ривожланиши жадаллаштирилади ва молиявий ҳолати яхшиланади. Россия журналисти Валентин Цветов билан сұхбатда Япониянинг бир гадбиркори таъкидлаган эдик: «Бизлар ишчилар учун шундай социал шарт-шароитларни барпо этиб қўямизки, улар мавжудлигидага ишчилар кам унумдорликда ишлай олмайди».

– Компаниялар фаолиятида меҳнатни ташкил қилиш, ходимларни бутун умр мобайнида ишга ёллаш билан бирга ходимларни – кадрларни ротация қилиш принципига асосланган. Бу принципга биноан кадрларни юкори лавозимларга кўтарилиши, тавсия тилиши, уларни иш стажининг ҳаётй тажрибасининг ошишига, юкори лавозимларни бажаришга тайёрлигига қараб амалга оширилади. Ундан ташқари кадрлар ротация принципи алоҳида мутахассисликтар бўйича амалга оширилади. Бу демак, банк тизимиға раҳбар бўлиб агроном эмас, банкир, молия тизимиға раҳбар килиб технолог эмас, молиячи тайинланади.

Япония иқтисодиётини ривожлантиришнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, мамлакатнинг ташки ва ички эҳтиёжлари бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилмоқда. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония иқтисодиётини юкори суръатлар билан ривожлантириш мақсадида мамлакатнинг ички эҳтиёжларини таъминлаш асосий омил сифатида кўбул қилинган эди.

– Компаниялар раҳбарияти билан ходимлар ўртасидаги иқтисодий, маънавий ва оиласвий алоқаларнинг кулай шаклда ташкил

қилинганилиги ва компаниялар фаолиятидаги муаммоларни ечишда ходимларнинг бевосита иштироки таъминланганилиги. Бунинг учун қабул қилинаётган карортарнинг ҳар томонлами мухокама юлиниши, бошқарувнинг кўп босқичларида ходимлар иштирокида мухокама килиб, қабул қилиниши. Бундай шароитда ҳар бир ходим компания фаолиятининг яхшиланишидан манфаатдордир. Яна шу нарсани таъкидлаш зарурки, факат ходимлар эмас, уларнинг фарзандлари ҳам компания, фирмаларга нисбатан юқори хурмат-иззат руҳида тарбияланади.

Юқориза кайд этилган «Япония модель»нинг бевосита миллий хусусиятларидан ташқари яна у муминсоний, ҳалқаро хусусиятлари ҳам мавжуд ва улар қўйидагилардан иборат:

- мамлакат социал-иктисодий ривожланишини ташкил қилишда режалаштирилган иктисодиётнинг привилегияларидан фойдаланиш. Бу принцип социал-иктисодий ривожланишини прогнозлашда, беш йиллик, олти йиллик, ўн йиллик режаларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишда ўз ифодасини топган;

- мамлакат иктисодиётини ривожлантиришда давлат томонидан аралашувни амалга ошириш. Бу борада давлат сиёсати солик тизимини ишлаб чиқаришини ривожланишини рағбатлантириш таъсирини ошириш мақсадида соликлар бўйича имтиёзлар тасдиқлаш. банк кредитлари бўйича паст ставкаларни белгилашда ўз ифодасини толади;

- мамлакат мижесида давлат инвестицион сиёсатини амалга ошириш. Япония социал-иктисодининг атолида ривожлантириш босқичларида давлат сиёсатига биноан, давлат ва хусусий компанияларнинг сармоялари аниқ кўрсатилган мақсадлар учун – энергетика, транспорт, шахар курилиши, ишлаб чиқаришини модернизация килиш, худудларни ривожлантириш, янги техника ва технологиялардан кенг фойдаланиш, ахолининг турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилган. Булар давлатнинг бевосита кўрсатмаларига биноан амалга оширилса, ундан ташқари давлатнинг билвосита кўрсатмаларига биноан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Бу масалан, давлат хисобидан қайтиб бериш шарти билан мамлакат иктисодиётини ривожлантиришни молиялаштириши

мамлакат иктисодиётини кўйилган мақсадга мувофиқ ривожлантириши чарх гиёнидан фойдаланиш. Шу мақсадда хусусий бинолар фикримизни мувофиқ иштиришидан ташқари, давлат банк-

ларини ташкил қилиш. Бу масалан, Японияни ривожлантириш банки, Шахсий бизнесни молиялаштириш давлат корпорацияси, Кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш давлат корпорацияси, Уйжайни кредитлаш давлат корпорацияси, Давлат почта корпорацияси. Кичик ва ўрта корхоналар кредитларини сұғурталаш давлат корпорацияси, Қишлоқ батық ўрмон хұжаликларини молиялаштириш давлат корпорацияси, Жамоа корхоналарини молиялаштириш давлат корпорацияси. Бу давлат банк тизими Япония социал-иктисодий ривожланишида алохыда ахамиятга эга;

– мамлакатда социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини куриш. Бу принципни амалга ошириб, Япония нафақат энг юкори социал-иктисодий ривожланиш даражасы билан бирга ахоли турмуш даражасининг ҳам энг юкори даражасини қўлга киритди.

давлат сиёсати эътибори асосида Япониянинг социал-иктисодий ривожланишида фан-техника тараккиётини ижтимоий ривожланишининг асосий омилига айлантирилди. Мамлакатда 40 та давлат илмий текшириш ташкилотларининг ходимлари иштирокида илмий-текшириш ва конструкторлик ишларини ривожлантириш ҳукумат дастури ишлаб чиққан, тасдиқланган ва амалга оширилмоқда. Бу борада Япониянинг хусусияти шундан иборатки, эндиликда мамлакатда машиналар инсонларнинг факат жисмоний функцияларини эмас, балки компьютеризация, кибернетикани қўллаш орқали инсонларнинг интеллектуал функцияларини ҳам ўз иммасига олмоқда. Натижада ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг 80 фонзи фан-техника, интенсив омиллар таъсирида амалга оширилмоқда.

– пировардида яна бир принцип, мамлакатда кадрлар ва мутакассисларни тарбиялаш, ўқитищ, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ягона тизимга асосан амалга оширилиб, бу жараён тўлиқ компьютерлаштирилган. Мамлакатда аҳолининг 95 фонзи тўлиқ ўрта маъдуотга эга. Ташкилот ва муассасаларда иш жойи йўқки, у ерда компьютерларнинг охирги авлодлари ўрганилмаган бўлса.

Юқорида кўрилган Япония иқтисодиётининг хусусиятлари ва бозор муносабатларини шақлантиришида, уларни ривожлантиришида фойдаланилган мамлакат миљий ва умуминсоний принциплари Япониянинг энг ривожланган замонавий давлатга айланшига олиб келди.

Бу принципларни амалга оширишда ҳам Япония ўзининг миллий хусусиятларига эга.

Бу авалло, мамлакатнинг социал-иктисодий ривожланишида аниқ мақсадга йўналтирилган Япон ҳукуматининг иқтисодий сиёсатини амалга оширишdir. Бу банк тизимини такомиллаштириш, валюта тушумлари устидан ҳукумат назорати, соликка тортиш сиёсатини такомиллаштириш, аҳоли жамғармаларини иқтисодиёт тараққиётiga жалб қилиш, иштёмол молларига ички давлат эҳтиёжини ривожлантириш, мулкка, ишлаб чиқариш воситазарига бўлган ҳукуқни кафолатлаш, мамлакатни сиёсий эркинлаштириш, аҳоли томонидан банкларга ишончни тиклаш, тезлаштирилган амортизация «тизимини» амалга ошириш, асосий капиталга хусусий инвестицияларни жалб қилиш, усувор тармоқларни юқори суръатларда ривожлантиришни рагбатлантириш, корпоратив кимматли қоғозларни муомалага кенг миқёсла чиқариб фойдаланиш, банк кредитларига паст ставкаларни тасдиқлаш, узоқ муддатли кредитлардан, давлат фискал кредитларидан кенг фойдаланиш. Жаҳон банки, Халқаро Валюта фонди билан ҳамкорликда бўлиш, Халқаро валюта фондининг 8-моддасига имзо қўйиш, ҳукумат хисобидан жамоат ишларини амалга ошириш, экспортни ривожлантиришни рагбатлантириш, валюта устидан назоратни эркинлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва доказо чора-тадбирларда ўз ифодасини топди.

Натижада иқтисодиётни ривожлантириш суръатлари кўтарилиди. Япония ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда. Япония товарлар билан бирга инвестициялар бўйича ҳам йирик экспортерга айланди ва Япония аҳолиси юқори турмуш даражасига эга.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Япониянинг миллий хусусиятлари ислоҳотлар босқичларининг шаклланнишида ҳам ўз ифодасини топган. Масатан:

- 1868-1911 йиллар – феодал тизимини бартараф этиб, капиталистик жамият асосини шакллантириш;
- 1911-1945 йиллар – иқтисодиётни ривожлантириш суръатларини кўтариш ва унинг таркибини такомиллантириш;
- 1945-1952 йиллар – иқтисодиётни тиклаш ва уни иқтисодий ислоҳотлар асосида реконструкция килиш. АҚШнинг Япониядаги Элчиси Додж дастурига биноан қаттиқ молиявий валюта, пул сиёсатини амалга ошириш;

– 1952-1970 йиллар – мамлакатда индустриялашни чукурлаштириш, табиатни мухофаза килиш. Долж дастурини қайтадан кўриб чиқиш, ахолининг турмуш даражасини кўтариш;

– 1971-1990 йиллар – глобал иқтисодий куч барпо этиш, юкори суръатларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги саноат тармоқтарини барпо этиш, Япониянинг халқаро позициясини ривожлантириш;

– 1990-2000 йиллар – иқтисодий, социал глобал иқтисодиётни барпо этиш, Япония учун керак бўлган ташки ва ички сиёсий муваммоларни ечиш;

2000-2008 йиллар Япония иқтисодиётининг таркибини янада тақомиллаштириб, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фан ва техника тараққиёти ролини янада кучайтириш ва мамлакатининг халқаро микёсдаги ўрнини янада кучайтириш.

Демак, Японияда:

Биринчидан, кичик ва тадбиркорлик корхоналарининг кўпчилиги йирик корхоналарнинг буютмаларини бажарип билан фаолият кечиради. Демак, улар йирик корхоналарнинг «боза-чакаларига» айлантирилган, уларнинг доимий фаолияти кафолатланган.

Иккинчидан, кичик ва ўрга бизнесни кўлиаб-куватлаш учун Японияда бир канча маҳсус давлат органлари ташкил этилган. Бу масалан, кичик ва ўрга корхоналар учун Япон молиявий корпорацияси, Миллий маниший молиявий корпорация, Молиялаштириш корпорацияси, Савдо ва саноат корхоналари учун Марказий кооператив банк, Кичик ва ўрга корхоналар кредитларини кафолатлаш корпорацияси.

Учинчидан, табиий бойликлардан, ресурслардан оқилона фойдаланиш. Табиатга қараш Японияда умуммаллий урфу одатга айланган, бу одат ҳам мамлакат, ҳам фирма, компания, ташкилот микёсида сўзсиз амалга оширилади. Мамлакатда ташлаб қўйилган, курилиши тугасланмаган, каровсиз бино, иншоотлар йўқ, на шахарларда на кишлоқ жойларда эгасиз, каровчисиз бир квадрат метр ерни, дарахтни учратмайсан из ва хоказолар.

Юкорида кўрсагилган ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш учун Ўзбекистонда ҳам объектив зарурнят ва муҳтожлик бордир, улар амалга оширилса, республикада бозор муносабатлари жадаллаштирилади ва шакланаётган бозор иқтисодиётни юкори самара беради.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтишиш түғрисида гап кетар экан. бу борада ҳозир Ўзбекистон учун хорижий мамлакатлар, собиқ социалистик мамлакатларнинг тажрибаси ҳам катта эътиборга эга.

Венгрия бозор муносабатларига ўтишини 1966 йили бошлади. Мамлакатда кенг миқёсла кооператив ва шахсий тадбиркорлик ривожлантирилди.

Давлат буюртмаси факат мудофаа маҳсулотлари учун қолдирилди. Нарх-наво сиёсатида асосан эркин, шартнома нарх-наво тизимига ўтилди.

Мамлакатда хўжалик уюшмалар түғрисида 1988 йили Қонун қабул килинди ва бу қонунга биноан ҳар хил шакидаги мулклар қонунлаштирилди ва уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар барпо этилди.

Бозор муносабатларига ўтиш борасида Польшанинг тажрибаси 1980 йилдан бошланди.

1989 йили мамлакатда кўп уклади бозор иқтисодиётини қуриш, давлат мулкини ҳусусий мулкка айлантириш түғрисида Конунлар қабул килинди.

Польша тажрибасининг асосий ҳусусияти шундан иборатки, бутун мол ва товарларга эркин нарх-наволар эълон килинди, яъни «шок терапия» тизими кўлланилди. натижада нарх-наволар кўтарилиб кетди, аҳоли томонидан мол. товарларни истеъмол қилиш пасайди. Лекин бу вазият социал ларзаларга олиб келмади. чунки Польша халқи ҳукумат атрофида жипслашган бўлиб, унга ишонар эди.

Бозор ва бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича Хитой Ҳалқ Республикасининг тажрибаси ҳам эътиборга сазовор. Бу тажрибанинг мазмuni қўйнагилардан иборат:

– Режалаштириш социал-иқтисодий тизимидан воз кечмасдан ижтимоий ривожланишни бозор муносабатларига мослаб амалга ошириш. Шу мақсадда марказлаштирилган режалаштириш тизими уч йўналишда такомиллаштирилмоқда;

а) директив режалаштириш марказининг кўрсатмаларига биноан – 30%;

б) йўналтирилган режалаштириш корхоналарнинг талабларига биноан – 40%;

в) бозор режалаштириш, бозор талабларига биноан – 30%.

Демак, мамлакатда иқтисодиётни ташкил қилишнинг 70 фоизи режаташтириш (директив ва йўналитирилган) тизими ва 30 фоизи бевосита бозор муносабатлари билан боғлик.

– Бозор муносабатларига ўтиш жараёнини фан-техника тараккёти билан боғланган ҳолда амалга ошириш. Шу мақсадда мамлакатда «Искра» дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Унда илмий-текшириш ишларининг ривожланиши, янги техника, технологияларнинг барно этилиши, улардан кенг фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

– Очиқ иқтисодий зоналарни ташкил этиш. Бу йўл билан мамлакатга хорижий инвестициялар, янги техника, технологиялар, ишлаб чиқаришини янгидан ташкил қилиш методлари жалб қилинди, кенг фойдаланилди.

– Кишлек хўжалигига хонадон пудрат тизими амалга оширилди. Хонадонларга ерлар 15 йил ва ундан узок мухлатга бўлиб берилди. Ер давлат мулки шаклида қолиб, унда жойлашган ишлаб чиқариш воситалари хонадонлар мулки сифатида фойдаланилди. Хонадонларга ишчиларни ёллаш хуқуки берилди. Пудрат шартномаларида кўрсатилган маҳсулотларни давлат органларига сотилгандан колган маҳсулотлардан деҳқонлар ўзлари хоҳлаганларича фойдаланганлар. Бу меҳнаткашларнинг ишлаб чиқарish, моддий рағбатлантирилишини кўтарди.

– Нарх-наво сиёсатини такомиллаштириш. 1988 йили эркин, шартнома, ўзгариб турадиган нархлар салмоғи 65 фоиз ва давлат томонидан тасдиқланадиган нархлар салмоғи 35 фоизни ташкил этган. Ундан ташқари шунни таъкидлаш керакки, ҳам улгуржи, ҳам чакана нархлар устидан давлат органлари томонидан назорат олиб борилади.

Хитой Халқ Республикасида бозор муносабатларидан фойдаланиш 80-йилларда боштаниб, мамлакат иқтисодиётининг тараккётини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада мамлакат иқтисодиёти дунё миқёсида юқори суръатларда ривожланмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш, улардан фойдаланиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил этиш бизни қуйидаги хулосаларга олиб келди:

– бозор иқтисодиёти, бозор муносабатлари умуминсоний қадриятлардан бири экан, бозор иқтисодиётига ўтувчи, бозор муносабатларидан фойдаланувчи давлатларнинг социал-иктисодий ри-

вожданишида умумий, бир-бирига ўхшаш принциплар, методлар, чора-тадбирлар бўлиши табиий ҳолат:

– лекин хар бир давлат ўзининг тарихий, табиий, иктисолий, маънавий, социал шарт-шароитларидан келиб чиқиб бозор иктисолиётига ўтиши, бозор муносабатларидан фойдаланиш бўйича ўзига алохида моделни ишлаб чиқиб, уни аматга ошираялти;

– шундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси ҳам албатта, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини синчилаб ўкиб, ўрганиб, уларни эътиборга олиб, лекин ўзининг халқаро миқёсда «ўзбек модели» номи билан тан олинган, республика иктисолиётини бозор муносабатларига ўtkазиш, бозор иктисолиётини шакллантириш йўлини ишлаб чиқиб, уни аматга ошириш борасида ижобий натижаларни кўлга киритмоқда.

### **1.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишининг объектив зарурлиги**

Юкорида таъкидланганлардан умумий холоса шундан иборатки, капиталистик жамият ижтимоий ривожланишида ўзининг иктисолий назарияларини, ривожланиш йўналишларини, методларини такомиллаштирумокда ва пировардида ижобий натижаларга эришмоқда.

Афсуски, шундай вазият иттифоқ амалиётида амалга оширилмади. Бу борада ечишмаган муаммолар икки йўналишдан иборат.

Биринчидан, ўз вактида қабул қилинган марксизм-ленинизм назарияси мутлак шаксида қабул қилиниб, табиий ривожланиш талабларига биноан такомиллаштирилмади.

Иккинчидан, марксизм-ленинизмнинг таълимотида қабул қилинган мезонлар, тамойиллар керакли даражада амалга оширилмади.

Натижада 80-90 йилларга кезиб, режалаштирилган иктисолий тизимнинг табиий салоҳиятларидан тўлиқ фойдаланиб бўлинган эди, унинг янги салоҳиятини барпо этиш учун назарий асослари, иктисолий салоҳияти, ривожланиш йўналишлари, методлари ўзгартрилиши, такомиллаштирилиши лозим эди. Лекин иктисолиётни қайтадан қуриш даврида бу муаммолар ечишмаганди. Мамлакат иктисолий инқирозга учради ва у парчаланиб кетди.

Бу тизимиңг социал-иктисодий ривожланишидаги назарий хатоликтар, камчиликтар:

– режалаштиришга ассоланган ақидалар, дөмәларининг устуворлиги, мавжуд назариядан, принциплардан, курин методларидан түлк фойдаланмаслик, ижтимоий ишлаб чыкашда объектив иктиисодий конунтарнинг татабарини түлк эътиборга оғындык, жамият аъзоларининг давлат мүлкидан узоклаштирилганлиги, давлат, жамият, тармок, минтака, иттифоқдош республикалар, алохидар корхона, ташкилот, алохид жамият аъзолари манфаатларининг бир-бирлиг түгри келмаслиги, жамиятнинг социал ривожланишини колдик принципга ассолаб ечишганлиги, халк хўжалиги ривожланшига раҳбарликда маъмурий методлариниг устуворлиги, ишлаб чыктиган иктиисодий ислоҳотлариниг нокомилекслиги ва уларнинг охиргача амалга оширилмаганлиги, иктиисодиётни ривожлантириш режаларини «пастдан юкорига» принципи асосида эмас, «юкоридан пастга» принципига ассолаб амалга оширилиши.

Жамият тараккиётини ташкил қилинганда йўл кўйилган камчиликтар ва хатоликтар: жамият ривожланишида демократиянинг ташкил қилинмаганлиги, принципда йўклиги, молия, кредит органлариниг рағбатлантирувчи органлардан жазоловчи органларга айлантирилганлиги, ишлаб чыкашни ташкил қилишда, халк хўжалигига раҳбарликда интенсив методларга нисбатан экстенсив методларнинг устуворлиги, ишлаб чыкашни ривожлантиришда фан-техника тараккиётини асосий омилга айлантирилмаганлиги, халқ хўжалигига бошкарувнинг хаддан ташкири марказлаштирилганлиги, маъмурийлиги: минтака, корхона ва ташкилотлар фаолиятида иктиисодий мустақиллик мутлақо йўклиги, кишлок хўжалиги ва саноат маҳсулотларига тасдиқланадиган нарх-наволар ўртасидаги номуғаносиблик, диспаритетнинг мавжудлиги.

Мамлакат иктиисодиётини ривожлантириши амалиётида йўл кўйилган камчилик ва хатолар: кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга давлат томонидан эътиборнинг пастлиги, монопол тармок, корхоналар томондан минтакатарни социал нұктай назардан ривожлантиришга тегишли эътибор берилмаганлиги, меҳнатга ҳак тўлаш тизимида тенглаштириш принципининг кенг таржалганлиги, асосий фондлар бўйича тасдиқланган амортизация нормаларининг пастлиги ва нағитжада асосий фондларни янгидан тиклаш суръатларининг паст бўлганлиги, иктиисодий ричаллар – режа-

лаштириш, молиялаштириш, кредитлаштиришнинг салоҳиятларидан тўлиқ фойдаланмаслик.

Бу камчиликтар, хатоликтар, ечишмаган муаммолар умуман иттифок амалиётига таалтукли бўлиб, уларнинг мавжудлиги ҳамма иттифоқдош республикаларнинг социал-иктисодий ривожланишига таъсир кўрсатган ва уларнинг амалиётида ҳам қайтарилган десак янглиш бўлмайди. Лекин иттифоқдош республикаларнинг ўзига мос хусусиятлари, ечишмаган муаммолари, камчиликлари ва хатоликлари ҳам бўлган.

Ўзбекистон учун бу хусусиятлар, ечишмаган муаммолар, камчиликлар, хатоликлар, фикримизча, куйидагилардан иборат эди:

- бошқа давлатлар билан иктисодий алоқалар бевосита республика номидан олиб борилмаган;

- республикада деформациялашган, паст самарали ҳалқ хўжалиги таркиби барпо этилган. Ҳом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган иктисодиёт барпо этилган;

- республикада меҳнат қобилиятига эга бўлган ахолининг меҳнат билан бандлиги ҳаддан ташқари паст бўлган. Бу кўрсаткич республикада 73 фоизни ташкил этган;

- республиканинг ҳалкаро товарообороти салбий салдога эга бўлган, яъни республиканинг экспортни унинг импортидан кам бўлган;

- республиканинг социал ривожтаниш даражаси нисбатан паст бўлган. 1990 йили Ўзбекистон ўзининг иктисодий салоҳияти бўйича 15та иттифоқдош республикалар таркибида тўртинчи ўринда бўлиб, социал ривожланиш даражаси бўйича 13 ўринни эгаллаган;

- республика аҳолисининг турмуш даражаси паст бўлган. 1990 йили иттифоқ миқёсида ўртacha 15 фоиз. Ўзбекистонда эса 45 фоиз аҳоли қашшоқликда ҳаёт кечирган.

«Ўзбекистонда, – деганлар И.А. Каримов, – ахолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизига яқинининг жами даромади тириқчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг күйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада ахолининг 30 фоизга яқинигина шундай ахволда кун кечирган».<sup>1</sup>

- республика импортида истеъмол товарлар 86 фоизни янги техника, ускуна, технология факат 0,2 фоизни ташкил этган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор мунисабатларига ўтишининг ўзига хос йўзи. Т. Ўзбекистон. 1993, 18 б.

– Республика истеъмол товарларга бўлган эҳтиёжининг 50 фоизи импорт ҳисобидан копланган;

– республикаларро ижтимоий меҳнат тақсимотига биноан республика ҳалқ хўжалиги тармоқлари бошка республикалар иқтисодиёти билан боғланниб қўйилган эди;

– республиканинг аграр секторини ривожлантиришда асосий эътибор янги ерларни сугориш ва ўзлаштиришга бағишиланиб, ерларнинг мениоратив ҳолатига эътибор ажратилмай кўйилиб, сугориладиган ерларнинг мениоратив ҳолати ёмонланган ва 1990 йили республикада сугориладиган ерларнинг 40 фоизи шўрланган эди;

– янги ерларни сугориш, ўзлаштириш учун сув ресурсларидан кўплаб фойдаланиш натижасида Орол денгизига бориб тушадиган оқим ҳаддан ташкири камайтирилди – 35-40 млрд. куб. м. дан 8-12 млрд. куб. м. гача камайди. Натижада Орол денгизини сув сатҳи 55 метрдан 30,0 метргача, сув ҳажми 1064 куб. кмдан, 400 куб. км.гача, сув майдони 66 минг кв. км.дан 32,0 кв. км.гача камайиб, сувининг тузланиши даражаси 10 г/л дан 25 г/л гача кўпайди;

– кимё воситаларининг қишлоқ хўжалигида иотўғри қўлланиши, уни яхши асосланмаган режа асосида ривожлантириш, заҳарланган сув оқимининг Орол денгизи водийсига йўналтирилгантиги натижасида Орол денгизи водийсида экологик оғат зонаси юзага келди. Коракалпогистонда аёлтарнинг 80% темир танқислиги қисалтигига дучор бўлган;

– республиканинг социал-иқтисодий ривожланиши учун ажратилган сармояшар унинг объектив эҳтиёжидан кам бўлган. Республика моддий иштаб чиқариш тармоқларида ҳар бир одамга тўғри кетадиган капитал қўйилматар бўйича ўртача иттифок кўрсаткичига қараганда 62 фоизни, помоддий-социал соҳаларда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этган;

– ҳалқ таълимий ривожлантириш паст суръатларда амалга оширилган. 1990 йили 8,5 минг умумтаълим мактаблардан 1800 таси мослаштирилган биноларда жойлаштирилган эди. Иттифок миқёсида мактаб ёшигача бўлган болалардан 100 тасидан 65 таси ясли ва боғчаларга борган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 33 ни ташкил этган;

– республикада «энг арzon иш кучи» дан келиб чиқиб, республикада мавжуд иштаб чиқаришнинг мураккаблигига, юкори

интенсивлигига қарамасдан меҳнаткашларнинг иш ҳаки даражаси асоссиз паст бўлган. Масалан, 1990 йили республика колхозчилари, совхозлар ишчиларининг ўртача иш ҳаки иттифоқдаги аграр ходимларнинг ўртача иш ҳакига нисбатан 70 фойзни ташкил этган;

– маълумки, республикада умуман аҳолининг меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари нисбатан юкори бўлган. Демак, республикада меҳнат кобилиятига эга бўлган аҳолининг меҳнат билан бандлиги республика учун доимо дозарб муаммо бўлиб кетган. Шунга қарамасдан, республикада кўп меҳнат сарфини эмас, балки кам меҳнат сарфини талаб килувчи ишлаб чиқариш тармоқлари юкори суръатлар билан ривожлантирилган.

Ҳисоб-китобларга караганда, асосий воситаларнинг бир миллион сўмга кўнайтирилганлиги ёқилги ва электроэнергетика тармоқстарида банд ходимларни 9 кишига, кимё саноатида 16 кишига, кора металлургия саноатида – 34 кишига, енгил саноатда эса 168 кишига, машинасозлик саноатида 112 кишига, озиқ-овқат саноатида – 90 кишига кўпайтирган.

Республика учун зарур бўлган бу вазиятни эътиборга олмасдан, 1940-1990 йилларда республикада енгил саноат маҳсулотини салмоғи умумий саноат маҳсулоти хажмида 54 фойздан 37 фойзгacha, озиқ-овқат саноати маҳсулоти салмоғи 30 фойздан 14 фойзгacha камайтирилган. Демак, республикада бу даврда аҳолининг меҳнат билан бандлик муаммосини енгиллаштириш ўрнига оғирлаштирилган, мураккаблаштирилган;

– хукумат сиёсатида аҳоли фаронсонлиги олий мақсад бўлишига қарамасдан республика ҳаётий эҳтиёжи керакли даражада қопланмаган. Республиkaning бу эҳтиёжи умумиттифоқ кўрсаткичларига нисбатан уй-жой бўйича 65 фойзни, чакана савдо бўйича 66 фойзни, гўшт бўйича – 53 фойзни, тухум бўйича 41 фойзни, мева-сабзавот бўйича – 61 фойзни, шулук хизматлар бўйича 50 фойзни ташкил этган.

Кўриниб турибдики. Ўзбекистонда режалаштиришга асосланган тизимни шаклантиришда, социал-иктисодий ривожланишда ижобий натижалар билан бирга хатоликлар, камчиликлар ва ечишмаган, нотўғри ечишган муаммолар бўлган. Булардан келиб чикиб, шундай холосага келинадики, республиkaning социал-иктисодий ривожланишида тубдан ўзгариштар бўлиши обьектив заруриятга айланган эди. Бунинг учун ижтимоий тараккиётга раҳбарлик метод-

арит, хўжалик юритиш механизmlари, иқтисодий ривожланиш ичнанишлари қайтадан кўриб чиқилиши лозим эди. Бунинг учун жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, ижтимоий ривожланишда бозор муносабатларидан фойдаланиш объектив заруриятга айланди.

Бу объектив зарурият республика раҳбарияти томонидан ўз вактида аниқланди ва унга эътиборан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий мустақилликка эришди. Республикада иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги «ўзбек модели» Республика Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилди.

«Ўзбек модели»нинг асосланганлиги Республика иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишида ўз тасдигини топмоқда. Шу сабабли жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида унинг шаклланишини, амалга ошириш йўналишларини, натижаларини таҳтил этиш делзарб масалага айланди.

## **Н.боб. И.А. КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАНЛИГИ**

### **2.1. «Ўзбек модели»нинг шаклланиш асослари**

Жаҳон миқёсида режалаштиришга асосланган тизимнинг иқтисодий инқирозга учрагағылиги муносабати билан, уни такомиллаштириш, ижтимоий ривожданишида янги методлардан, янги йўналишлардан фойдаланиш масалалари кун тартибига кўйилди.

Юкорида қайд этилгандек, бу тизимдаги мамлакатларда, унинг таркибидаги Ўзбекистонда ҳам бу борада янги мақсадлар, интилишлар, чора-тадбирлар аникланниб, амалга оширила бошлади.

Бу интилишларнинг негизини ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бозор муносабатларидан фойдаланиш жараённи ташкил этар эди.

Бу жараён икки вариантда, икки йўналишда амалга оширила бошлади.

Биринчидан, бир гурӯҳ мамлакатларда режалаштиришга асосланган тизимдан воз кечмаган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бозор муносабатларидан фойдаланиш йўли.

Иккинчидан, бир гурӯҳ мамлакатларда режалаштиришга асосланган тизимидан воз кечиб, унинг ўрнига бозор муносабатларидан фойдаланиш йўли.

Ҳам биринчи, ҳам иккинчи йўлтардан фойдаланиш учун мамлакатларнинг тарихий, табиий, социал-иктисодий хусусиятларини эътиборга олиб, уларга мослаб бозор муносабатларини ишлаб чиқиш лозим эди.

Бунинг учун бу мамлакатларга мосланган ҳолда бозор муносабатларининг мазмунни, унинг назарий асослари, бозор муносабатларини шакллантириш тамойизлари, устуворлари, йўналишларини асослаб ишлаб чиқиш керак эди.

Бу муаммоларни ҳамма сабиқ социалистик мамлакатлар ўзича ишлаб чиқдилар ва уларни амалга оширмоқдалар.

СССРда бозор муносабатларига ўтиш борасидаги дастур бутун мамлакат бўйича тузилиши керак деган кўрсатма бор эди. Унга

быштан 1989-1990 йилларда СССР миқёсида иккита дастур лойиҳа-тарит тузилди: академик Л.И.Абалкин раҳбарлигидаги СССР Министрлар Совети комиссияси, академик С.С.Шаталин раҳбарлигидаги СССР Олий Совети комиссияси томонидан дастур тузилди. Лекин улардан биттаси ҳам тасдиқланмади, амалга оширилмади.

Бир жамияттинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиш кврда, айниқса бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш даврда чини муаммолар, иқтисодий, социал қийинчиликлар пайдо бўлади, учарни баргароф этиш учун ижтимоий ишлаб чиқариш назарияси тақомиллаштирилиши, ишлаб чиқаришнинг янги йўналишлари, кўжалтик юритишнинг янги механизмлари ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши лозим. Худди шундай вазият, зарурият Ўзбекистон иқтисодиётидан ҳам найдо бўлди.

Бу вазиятдан чиқиш максадида назарий ва амалий муаммолар кўтарилиши, бозор муносабатларига ўтишнинг социал-иқтисодий асослари, тамойиллари, устуворлари, йўналишлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керак эди.

И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги «ўзбек модель» ҳар томонлама асосланган бўлиб, у ўзини Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик давридаги социал-иқтисодий тараққиётида тўлик оқсламоқда ва унинг асосланганлиги ҳалқаро миқёсда ган олинмоқда.

«Ўзбек модель»нинг долзарблиги, эътиборга сазоворлиги яна бир бор XXI аср бошланишидаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республика иқтисодиётининг жадал ривожланишини ҳисобга олсак янада ку чайди.

Шу сабабли «ўзбек модель»нинг моҳияти, мазмуни, барпо этиш жараёни, амалга ошириш босқичлари, йўналишлари, уни янада чуқурлаштириш йўналишлари, амалга ошириш натижалари ва республика иқтисодиётини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги ҳолатини таҳлил қилиш, кўрсатиб бериш замон талаби бўлиб колди.

Лекин республика иқтисодий адабиётида бу муаммолар тегишли даражала ёритилмаган.

1997 йили С.С. Гуломов томонидан чоп этилган «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёт» номли ўкув кўлланмада республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг алоҳида муаммолари: ислоҳотларнинг хукукий асослари, ислоҳотларнинг

саноат ва қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши. таркибий ўзгаришлар, молиявий баркарорлик, ташки иктиносидий вазият, аҳодини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳукукий демократик давлат қуриш, маънавиятни ривожлантириш ёритилган. текин «ўзбек модели» муаммолари комплекс равиша кўришмаган.

1997 йили Ё.Абдуллаев «Бозор иктиносидиёти асослари: 100 та савол ва жавоб» номли рисоласини чоп этди. Бу рисоланинг «Ўзбекистон йўли» номли бобида «Ўзбекистон йўли»нинг мазмуни, И.А. Каримов томонидан «Ўзбекистон йўли»нинг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилганлиги, «Ўзбекистон йўли»нинг хусусиятлари, таркибий қисмлари, миллӣ андозанинг моҳияти, бозор муносабатларига ўтишнинг асосий принциплари кисқача ёритилган.

2000 йили С.Гуломов, М.Шарифхўжаев таҳрири остида чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятларини мувоффиклаштирувчи Кенгаш томонидан олий ўкув юртлари магистрантлари учун дарслик сифатида тавсия қилинган «Бозор иктиносидиёти назарияси ва амалиёти» да бозор муносабатларига ўтиш борасидаги «ўзбек модели» «Ўзбекистон йўли» номи билан кисқача ёритилган.

2000 йили М.С.Гафарли ва А.Г.Касаевларнинг «Узбекская модель развития: мир и стабильность – основы прогресса» номли рисоласи Москвада чоп этилди ва бу рисола «Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва баркарорлик – тараққиёт асоси» номи билан ўзбек тилида Тошкентда чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси иктиносидий ислоҳотлари, бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» бўйича муаллифнинг чоп этилган асарлари – бу 1993 йили Тошкентда чоп этилган «Ўзбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода» номли монографияси, унда бозор ва бозор муносабатларининг мазмуни, мамлакатда бозор муносабатларига ўтишга интилиш, республика иктиносидиётини бозор муносабатларига ўтказишнинг объектив заруртиги, республика иктиносидиётини бозор муносабатларига ўтказиш дастурининг ишлаб чиқилиши ва уни амалга ошириш муаммолари ёритилган. 1998 йили Москвада чоп этилган «Экономические реформы Республики Узбекистан» монографиясида республикада иктиносидий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий шарт-шароитлари, «ўзбек модели»нинг асосий тамойиллари, иктиносидий ислоҳотларни амалга ошириш йўналиш-

тари ва уларнинг натижалари. қишлоқ хўжалигига амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар самарадортигига таъсир килувчи омиллар ёритилган.

Кўриниб турибдики, республикада мавжуд иқтисодий адабиётларда бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» комплекс равишда, ҳар томонлама тегишли даражада ёритилмаган.

Демак, республикада ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар мазмунини измий тадқиқ этиш, уларни амалга оширишдаги натижаларни таҳтил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни келгусида чуқурлаштириш йўналишларини, уларни амалга ошириш жараёнини ёритиб бериш долзарб масала бўлиб колмоқда.

Маълумки, 1989-1991 йилларда И.А. Каримов шу даврда ўтказилган Ўзбекистон Олий Совети сессиялари ва бошқа мажлисларда ва республика мустақилликка зришгандан кейинги даврда маҳсус ёзиб чоп этилган кўйидаги асарларида:

- «Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва таракқиёт йўли», Тошкент, Ўзбекистон, 1992;

- «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», Тошкент, Ўзбекистон, 1993;

- «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Тошкент, Ўзбекистон, 1995;

- «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози – Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари», Тошкент, Ўзбекистон, 2009, ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн учинчи сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил таракқиёт йўли» номли, 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби» номли ва 2009 йилининг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи, «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» ва

«Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлигини ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» халқаро илмий-амалий конференциялар, Осиё тараккиёти банки Башқарувчилар Конгаси 43 йиллик мажлиси катнашчиларига йўлланган мурожаатларида:

Республика иқтисодиётининг ҳолати, унинг истиқболлари, республиканинг социал-иқтисодий ривожланишида бозор муносабатларидан фойдаланишнинг объектив зарурлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритиб, бозор муносабатларининг назарий асослари, тамойиллари, бозор муносабатларига ўтишнинг асосий йўналышлари, бозор муносабатларига ўтишда республикага таалуқли хусусиятлар кўрсатиб берилди;

– Республика халқ хўжалигини иқтисодий, сиёсий, социал нуқтаси назардан таҳлил этиб, республиканинг ижтимоий ривожланишининг истиқболида республикада яшаётган халклар орасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик хусусиятларини сақлашиб қолиш, халқ хўжатиги таркибини тубдан ўзгартириш, иқтисодиётни ривожлантиришда лом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганликдан воз кечиш зарурлигини тасдиқлаб бердилар.

– Республиканинг келгусида ривожланиш муаммолари тўғрисида тўхталиб, республикада социал йўналтирилган, аҳоли манфаатини кўзда тутивчи иқтисодиётни шакллантириш учун республика сиёсий ва иқтисодий мустакилликка эга бўлиши лозимлигини тасдиқладилар.

– Республика аҳолисини бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, республика иқтисодиётини ривожлантиришда социал йўналтирилганликни амалга ошириш, республикада бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш, республиканинг сиёсий, иқтисодий мустакиллигини таъминлаш, диний ташкилотлар билан ҳамкорликда бўлиш, республика фуқароларини бирлаштириш, жипслаштириш зарурлигини кўрсатиб бердилар;

– ҳалқ хўжатигини комплекс равишда ривожлантириш, фантехника муаммоларини республикада мустакил равишда ечиш, хорижий мамлакатлар билан мустакил равишда иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, рақобатбардоц маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш, жамиятни демократлаштириш, бозор муносабатларига ўтишни тан олиш, уларни юқори суръатларда амалга ошириш зарурлигини тасдиқлаб бердилар;

– республикада корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ва бошқа йўллар асосида кўп уқладти бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлтини кўрсатиб бердилар;

– республикадаги умуман ишлаб чиқариш, меҳнат, табиий ресурслар салоҳиятидан келиб чиқиб, республика ташки иқтисодий аложаларини юқори суръатларда ривожлантириб, республикани жаҳон бозор иқтисодиётига кириб боринини жадаллаштириш йўлтини аникладилар;

– жаҳон мамлакатлари тажрибасидан, республиканинг тарихий, табиий, моддий ва социал хусусиятларидан келиб чиқиб, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказни борасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг назарий ташкилиш асосларини, амалга ошириш йўналишларини ишлаб чиқдилар ва бу иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида келиб чиқсан муаммоларни зътиборга олиб, уларни келгусида такомиллаштириш, чукурлаштириш йўналишларини ҳар томонлама асослаб бердилар;

– XXI аср бошланишида пайдо бўлган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида, унинг мазмуни ва натижалари тўғрисида тўхтатиб, бу шароитда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳолати ва бу инқирознинг республикага салбий таъсирини юмшалиш ва инқироздан чикишга багишланган республика чора-тадбирларини кўрсатиб бердилар;

– жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида республика иқтисодиёти ҳолатини таҳлил килиб унинг истиқболини аникловчи күйидаги асосий омилларни, йўналишларни аниклаб бердилар:

1) мамлакатимизда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган, кабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш;

2) мамлакатда бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация килиш жараёнини давом эттириш;

3) қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик сектори ролини кўтариш ва шу асосда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш;

4) кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириб, аҳоли турмуш даражасини кўтарувчи энг муҳим омил сифатида аҳолини меҳнат билан бандлик даражасини кўтариш;

5) республика ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банк ишини янада тақомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлаштириш.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг маҳсус ёзилган асарларида, қилинган маърузаларида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётининг иқтисодий-назарий асослари, хусусиятлари, тамойил ва устуворлари, амалга ошириш йўналишлари аникланиб, бозор муносабатларидаги «ўзбек модель» барпо этилди. Бу моделини асоси бўлиб республика иқтисодий ислоҳотларининг бешта тамойилиларини сабабланади.

Бу тамойиллар И.А. Каримов томонидан ўзларининг республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги «ўзбек модель»ни ишлаб чиқишига бевосита бағицланган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» номли асарларида ҳар томонлама асослаб, кўрсатиб берилди.

И.А. Каримов таъкидладиларки: «Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурийнинг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйиздагича:

биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида бўлмаслиги керак, у бирор мағкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун турни керак. Ҳам ички, ҳам ташки иқтисодий муносабатларни мағкурадан холи қилиш зарур;

иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши, жаҳолатпастлар (ретроградлар) ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиши шарт;

учинчидан, конун, конунларга риоя этиш устувор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан кабул қилинган, янги Конституция ва Қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиши. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вактда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор

иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин хам шундай бўлиб колади:

бешинчидан, бозор муносабатларига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги «инқилобий сакраларсиз», яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, бос-кичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бу қондатар ўз истиклол, ривожланниш ва тараккиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкид этади. Ҳозир бу қондатарининг амалга оширилиши Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлатайди<sup>1</sup>.

Иқтисодий тараккиётнинг «ўзбек модель»нинг бу тамойиллари И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида» номли асари ва ундан кейинги асар ва маъруғатларнда яна чукурроқ ёритиб берилди. Улар Республика социал-иқтисодий тараккиётида ўзини оқламоқда ва ҳалқаро миқёсда уннинг асосланганлиги, ҳаётйлиги тан олимоқда.

## 2.2. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги

Иқтисодиёт ва сиёсат бир-бири билан чамбарчас боғланган жараёнлардир. Жамият ривожтанишида улар бир бири билан атоқадор бўлиб, бир бирига таъсир кўрсатиб келган.

Иқтисодиёт-муайян социал-иқтисодий тузимдаги ишлаб чиқариш муносабатлари мажмун, ҳалқ ҳўжалиги ва айrim тармокларнинг ахволини ифодалайди, сиёсат эса, бу ижтимоий ҳаётдаги бир мақсадга етишинш учун йўнаттиришган воқеа-ҳодисалар, иш-харакат услублари мажмудидир.

Жамият олдига кўйилган сиёсат иқтисодиётни ривожлантириш орқали амалга оширилади. Иқтисодиётни ривожлантиришда жамият олдига кўйилган сиёсатнинг ҳусусиятлари эътиборга олинади.

Лекин ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришда иқтисодиёт сиёсатдан устувор бўлиши мумкин, ёки сиёсат иқтисодиёт устидан устуворлик қилиши мумкин.

И.А. Каримов республикада бозор муносабатларини шакллантиришда, бозор иқтисодиётини барпо этишда иқтисодиётнинг

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ташкент. 1993, 42-43 б.

сиёсатдан устуворлигини таъминлаш зарурлигини ва уни амалга ошириш йўлларини ўз нутқ ва асарларида асослаб бердилар, таъкидладиларки:

«Биринчи навбатда иқтисодий негизни (базисни) барпо этиш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш янги жамият қуришнинг энг муҳим шартидир. Бунда иқтисодий ўзгаришлар стратегияси мафкурадан бутунлай холи этилиши, яъни сиёсий мақсадларга зеришиш воситаси бўлиб хизмат килмаслиги керак.

Сиёсий қураш ботқонига ботиш қолган бир қанча мамлакатларнинг аччик тажрибаси иқтисодий ислоҳотлар сиёсий манфаатларга бўйсундирилган жойларда иқтисодиёт бутунлай барбод бўлишини, ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетишини, аҳолининг моддий аҳволи ёмонлашиб, ижтимоий ғиддиятлар авж олишини кўрсатмоқда. Аксинча, иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётган жойларда демократик ва сиёсий ислоҳотлар учун мустаҳкам моддий негиз яратилмоқда».

И.А. Каримов, Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар тўплами. I-жылд. Тошкент, 1996. 301-302 б.

«Энг муҳим масала – бозор муносабатларига ўтишнинг илк коидаси ҳақида гапирмоқчиман: Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги таъминланishi керак. Жамиятнинг ҳаддан ортиқ сиёсийлашуви иқтисодиётга зиён етказади».

И.А. Каримов, Ҳар қандай муаллиф билан баҳсолашмоққа тайёрман. «Труд» газетаси саволларига жавоблар. Асарлар тўплами. I-жилд. Тошкент, 1996, 230 б.

«Энг муҳими – иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш лозим. Биз сиёсий жиҳатдан жамиятнинг қиёфаси қандай бўлишини накадар хоҳламайлик, иқтисодиёт мустақил бўлиши керак. Менинг фикрим ана шундай».

И.А. Каримов, Ҳар қандай муаллиф билан баҳсолашмоққа тайёрман. «Труд» газетаси саволларига жавоблар. Асарлар тўплами. I-жилд, Тошкент, 1996, 231 б.

«Ўзбекистонда барча демократик меъёрларга мос келадиган матбуот эркинлиги йўқ деб гапиришса, мен уларга тўғри, ҳақиқатан ҳам шундай, мен бу фикрга қўшиламан, деб жавоб қиласман.

Бирок, биз бунга шитиллятмиз, бундай демократик меъёрларга эришиш бизнинг максадимиздир. Бу масалада мен бошбошдоқликни тан олмайман ва бунга йўл кўймайман ҳам. Бошбошдоқлик кон тўкилишига, вайронагарчилликка олиб келади. Буни тушуниш учун атрофга назар солиш кифоя. Айнан шу сабабли биз иктисодиётнинг сиёсатдан устун туришини эълон қилдик».

И.А. Каримов, Истоҳотимиз тамойиллари, «Русская газета» мухбирининг саводларига жавоблар. Асарлар тўплами. З-жилд, Тошкент, 1996, 136-137 б.

Кўриниб турибдики, И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида иктисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши сабаблари, моҳияти ва бу устуворлик бозор муносабатларини шакллантиришга бағишлиланган иктисодий истоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши ва уни бозор муносабатларини ривожлантиришдаги роли кўрсатиб берилган.

Демак, республикада иктисодиётни бозор муносабатларига ўтказиши борасида иктисодий истоҳотларнинг тамойилларидан бири сифатида И.А. Каримовнинг тавсияларига биноан иктисодиётнинг спёсатдан устуворлиги кабул қилинди.

Иктисодиётнинг сиёсатдан устуворлигини таъминлаш учун иктисодиёт мафкурадан холи бўлиши лозим. Бунинг учун иктисодиётни ривожланиш стратегияси жамият аъзоларининг бир гурухи маффаатлари билан эмас, умумжамият маффаатларидан келиб чиқиши лозим.

Иктисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги кабул қилиниши аввалимбор, республикада иктисодий истоҳотларни сиёсий ва ташкилий истоҳотларга нисбатан устуворлигини амалга ошириш имкониятини барпо эти ва республика раҳбариятининг иктисодий стратегияси республикка иктисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бу вазият ўз навбатида республиканинг ижтимоий, сиёсий-иктисодий ривожланишини, реал иктисодиётни юқори суръатларда ривожланишини таъминлади ва И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида таъкидлаганидек, «Биринчи навбатда иктисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иктисодиётнинг сиёсатдан устунлигига ўз ифодасини топган прагматик иктисодий сиёсат ... каби тамойиллар, айниқса дунёда авж

олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва хаётийлигини яна бир бор кўрсатмоқда»<sup>1</sup>.

### 2.3. Давлат асосий ислоҳотчи

Маълумки, илгари давлатнинг ислоҳотчилиги, давлатнинг иқтисодиёт устидан раҳбарлиги, назорат функциясини олиб бориш социалистик жамиятга таалуқли эди ва у собиқ итифокнинг социал-иқтисодий ривожланиши учун ишлаб чиқилган, шаксланган эди. Давлатнинг иқтисодиётта раҳбарлиги режазаштирилган социал-иқтисодий жамият учун асосий тамойил сифатида қабул қилинган эди.

Кейинчалик давлатнинг иқтисодиёт ривожланишига аралашуви капиталистик жамиятнинг ривожланишида ҳам амалга оширила бошлади.

Бу масалани авватамбор. 1923 йили барпо этилган Туркия Республикаси қабул қиласи ва уни амалга оширди. Туркия Республикасининг биринчи Президенти Отатурк – Мустафо Камолдининг тавсиясига биноан давлатнинг иқтисодиёт ривожланишига аралашуви зарурлиги асосланиб, у республика конституциясига киритилди, амалга оширилди.

АҚШ Президенти Франклин Рузвельт 1933 йили давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришига аралашувини, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурятини асослаб берди ва бу борада унинг раҳбарлигига «Рузвельт курси» номи билан чоратадбирлар амалга оширилди, натижада бу чора-тадбирлар ёрдамида АҚШ иқтисодиёти иқтисодий инқироздан олиб чиқылди.

1936 йили Джон Мейнард Кейнс «Бандикнинг умумий назарияси, процентлар ва пуль» номли асарини чол этиб, унда эркин тадбиркорликни, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш билан бирга амалга оширишни асослаб берди ва бу назария умуман капиталистик жамият томонидан қабул қилинди.

Фикримизча, ҳозирги замонда ер юзида биронта ҳам давлат йўқки, унда давлат иқтисодиётни ривожлантиришига аралашмаса, иқтисодиётни тартибга солмаётган бўлса.

Демак, иқтисодиётни ривожлантиришда давлат томонидан аралашув, тартибга солув умуниенсоний тамойилга айланди.

<sup>1</sup> Каримов И.Л. Жаҳон мозиевий-иқтисодий ишқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишиниш йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009, 31 бет

Лекин Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантиришда умуман давлатнинг арагашуви тўғрисида эмас, республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш даврида бунга бағишланган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш тўғрисида ва бу иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишта чора-тадбирлар бевосита давлат сиёсати орқали ва давлат раҳбарлиги асосида амалга ошириш тўғрисида гап кетяпти.

Бу борада И.А. Каримовнинг таклиф-тавсиялари учунг қуйидаги фикр мулоҳазаларида ўз ифодасини топган.

«Бозорга ўтилган сари иқтисодиётни бошкарниш ва тартибга солишида давлатнинг роли жиддий ўзгаради...

Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар - молия, кредит, солик, валюта сиёссати, нархларни назорат қилиш ҳамда бевосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади».

И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли. Асарлар тўплами. 1-жилд. Тошкент, 1996. 66 б.

«Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини гузиб, уни изчиллик билан амалга ошириш зарур»

«Ижтимоий жиҳатдан йўналитирилган ҳозирги бозор – давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозорdir».

«Бозор муносабатларининг карор топниши даврида давлат ислоҳот жараённада фаол штирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши ва ислоҳотларни изчиллик ва қатъийлик билан амалга ошириши шарт».

«Бозор муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлади. Айни шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини макбул равишда ўтказа олади.»

«Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналашларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишининг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик карорлар қабул қилиш давлат зинмасига юқлатилилади».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар тўплами. 1-жилд. Тошкент, 1996. 309, 310 ва 312 б.

«Бошқа давлатларнинг атчық тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврида дадил чора-тадбирлар билан бозор тузилмаларини ривожлантиришда кўмаклашишга кодир фаол ислохотчи давлат зарур экан».

И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ. 1995 йил 3 октябр. Асарлар тўплами, 4-жилд. Тошкент, 49 б.

«Давлат бутун хатқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жарайенинг ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётининг етакчи йўналишларини белгилаш, иқтисодиётда ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий хаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чикиши ва изчил рӯёбга чиқариши керак».

И.А Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Асарлар тўплами, 3-жилд. Тошкент, 1996, 178 б.

«Стратегик аҳамиятта молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, шул ва ватюта муомаласи бўйича қарорлар кабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг хуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умум республика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқтарни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим».

И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга иштилмокда, Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999, 14 апрел Асарлар тўплами. Тошкент, 1999, 388 б.

«Давлатнинг бошқарув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан иқтисодиётининг бозор тамойилла-рига ўтишини таъминлаш қийин кечади».

И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар тўплами, 6-жилд. Тошкент, 1998, 163 б.

И.А. Каримов ўз асар ва нутқларида давлатнинг асосий ислоҳотчилигини амалга ошириш йўналишларини ҳам кўрсатиб бердилар ва бу йўналишлар қўйидагилардан иборат:

– республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш конун-карорларини ишлаб чиқиши;

– республикада социал йўналишилган бозор иқтисодиётини шакллантириш максадида тегишли иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиши ва уларни амалга оширишга раҳбарлик қилиши;

– республикада социал-иктисодий таракқиётнинг стратегиясини аниқлаш;

– республика социал-иктисодий таракқиётининг асосий йўналишларини асослаб берниш;

– хўжалик субъектларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш максадида тегишли ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш;

– республика иқтисодиётини, бутун жамиятнинг ривожланишига раҳбарлик килиши ва уни тартиба солиш.

Шундай килди. И.А. Каримов асарларида ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш, шу максадда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлатнинг асосий ислоҳотчи бўлиши заруриятини, унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги тутган ўрнини, мөхиятини ва йўналишилганлигини ифодалаб бердилар. Шу билан бирга бозор муносабатларининг шаклланиши, бозор иқтисодиётининг барпо этилиши, унинг ривожланиши жараёнида давлатнинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишидаги аралашувини камайтириб бориши зарурлигини ҳам асослаб бердилар.

«Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш максади – биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юртгувчи субъектларининг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳатаризда ҳусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, музкорларнинг мавқеи ва ҳуқуқтарини мустаҳкамлаш демакдир».

И.А. Каримов. Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. Асалар тўплами. 7-жилд. Тошкент, 1999, 381 б.

«Яъни жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтариштани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб.

у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур».

И.А. Каримов, Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишенган тантанали маросимда сўзланган нутқ, Асрлар тўплами, 10-жилд, Тошкент, 2002, 157 б.

«Мен яна бир марта огоҳлантириб кўймокчиман, ўзбошимчилик билан корхоналар фаолиятига аралишиш бўйича ҳар бир факт қонунишинг кўпол бузилиши деб баҳоланиди ва айбор шахслар қатъий равишда мътмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу масала бўйича прокуратура алоҳида жавоб беради».

И.Каримов, 1999 йилда мамлакатни ижтиёдий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иктиносидётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишенган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлиси мажлисидаги мъруза, Асрлар тўплами, 8-жилд, Тошкент, 2000, 402 б.

Республика иктиносидётини ривожлантиришда давлат томонидан раҳбарликнинг ўзгариб боришини ифодалаб И.А. Каримов таъкидлайдиларки: «Бозорга ўтилган сари иктиносидётни бошкариш ва тартибга солишда давлатнинг роли жиддий ўзгаради». «Истиқболда унинг ҳиссаси жиддий равишда кисқаради. Давлат ихтиёрида факат асосий ва халқ хўжалиги тармоқтарининг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлари қолади. Булар ёқилғи, нефть ва газ саноати, электр энергетикаси, йўлтар, темир йўл, ҳаво ва трубопровод транспортни, алоқа, сув ва газ таъминоти, ирригация иншоотлари қурилиши ва улардан фойдаланишидир»<sup>1</sup>.

Ундан ташкари И.А. Каримов давлат томонидан хўжалик субъектлари фаолиятига аралашувни камайиншининг асосий йўналишларини ҳам аниқлаб бердилар, улар қўйицагинардан иборат:

- корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
- хўжалик субъектлари фаолиятига давлат органлари аралашувини камайтириш;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз ишқози ва тараккият йўли, Тошкент, 1992, 49 б.

бозор иктисодиёти татабларига мосланган бошқарув тизимишни шакллантириш;

хўжалик субъектлари фаолиятида хўжалик юритиш механизмини тақомиллаштириш;

давлат корхона ва ташкилотлари томонидан ўзларининг характеристикини ўзи қоплаш ва молиялаштиришни таъминлаш максадида тарнинг фаолиятини тижоратлаштириш;

корхона ва ташкилотлар фаолиятини ташкил қилиш ва таъминлашда маҳаллий органлар, сиёсий ва жамоа ташкилотлар иштирокини кенгайтириш;

умуман корхона ва ташкилотларнинг иктисодий мустақиллигини кенгайтириш.

И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарида таъкидлайдиларки: «Энг муҳими парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб колмаслик учун ўтиш даврида қавзат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик.

Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар тутдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иктисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир оқибатда ўзини тўла оқлади»<sup>1</sup>.

Шундай килиб, ресиубликада иктиносидиётни бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги «ўзбек модель»нинг асосий тамойилларидан бири сифатида давлатини бош ислоҳотчилиги қабул килиншини ва унинг амалга оширилиши жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида республика иктиносидиётини юқори суръатларда ривожлантиришда асосий омиллардан бирин бўлди.

## 2.4. Конун устуворлиги

Маъмурий - буйруқбозлик тизимидан воз кечиб бозор муносабатларига мосланган жамиятга ўтар эканмиз, мамлакатда қонуний давлат шаклланар экан, демак жамиятнинг ривожланишида қонун устуворлигини таъминлаш табиий заруриятдир. Буни асослаш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишиниң йўллари ва чоралариг. Гоникент. 2009. 7-8 б.

максадида И.А. Каримов бу борада энг асосий асарлари «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли»да куйидаги фикр-мулоҳазаларни таъкидлайдилар:

«Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда хуқукий жиҳатдан таъминламасдан турив бундай хўжаликни шакллантиришин тасаввур қилиб бўлмайди».

«Конун устуворлиги – хуқукий давлатнинг асосий принципидир. У хаётнинг барча соҳаларида конуннинг катъиян хукмронлигини назарда тутади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий – сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши конунга бўйсуниш мажбуриятидан холос бўлиши мумкин эмас.

Конун олдида ҳамма баробардир. Конун устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, энг аввато, иқтисодий муносабатлар фақат конун билан тартибга солинади, унинг барча катнашчилари эса ҳеч бир истисносиз хуқук нормаларини бузгандиги учун жавобгар бўлади».

«Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш бу – факт ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб колмай, балки хуқукий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир».

«Қонунчилик ва хуқукий тартибот тантана кылмас экан, хуқукий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди Иқтисодий фаолиятнинг, тадбиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан кафолатланган эканлиги, мулкчиликнинг барча шаклларининг тенг хуқуқлидиги ва хуқукий ҳимояланганлиги қонунчилик ва хукуктартибот тантанасининг энг муҳим омилидир».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар тўплами, 1-жилд. Тошкент. 1996, 318,319,321,318,319,320 б.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида қонуний давлат шаклланар экан, қонуний давлат қонун устуворлиги билан чамбарчас боғланганлигини таъкидлаб. И.А. Каримов шундай дейдилар: – «барча фуқароларнинг қонун олдиаги хуқукий тенглигини ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя килиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган хуқукий давлатни

барпо этиш. Конунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички чошкоғылсик ва масъулият устувор бўлмаса, конунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқукий давлатни тасаввур этиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

«Шу билан биргаликда, биз ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга буйсуниши лозим бўлган ҳуқукий давлат қурмокчимиз. Бизнинг жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррати воситасига ойланиши зарур».

И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Асарлар тўплами. З-жилд. Тошкент, 1996, 14 б.

«...бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоги зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунларга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижалар бериши, муқаррар бўлиши мумкин».

Бозор муносабатларини шакллантиришда қонуннинг устуворлигини, тегишли қонунларни ўз вактида ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаб И.А. Каримов шундай дейдилар: «Мустаҳкам ҳуқукий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта куриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият куриш мумкин...

Шу сабабли биринчи боскичда биз ислоҳотларнинг ўз ҳуқукий негизини яратишга асосий зътиборни қаратиб келдик».

«Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий нуқтадаридан бирин бозор иқтисодиётининг ҳуқукий негизини яратишдан иборатdir. Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик-зарур ҳуқукий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди».

И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 11, 29 б.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистонни ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 175.

«Конун, яна бир бор конун – каттаю-кичик, жинсидан. миллати, эътиоди ва мансабидан қатъий назар – барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор».

И.А. Каримов. Конун ва адолат устуворлигининг хаётбахш манбаи. Асарлар тўплами, 7-жилд. Тошкент, 1999, 252 б.

Демак, республикада конун устуворлиги иқтисодий ислоҳотларниң асосий тамойилларидан бири бўлиб, у республикада бозор муносабатларини шакллантиришда, социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишининг шарт-шаронитларидан биридир.

Ундан ташқари, И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида конун устуворлиги фақат ўтиш даврида-бозор муносабатларини шакллантириш даврида эмас, бутун ҳуқукий давлатнинг фаолияти, социал йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ҳамма босқичларига таалуклиги ва бу тамойилнинг амалга оширилиш соҳалари, йўналишлари аникланиб берилган.

Шундай қилиб, И.А. Каримовнинг асарларида, маърузатларидаги республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда конунинг устуворлиги иқтисодий ислоҳотларниң асосий тамойилларидан бири эканлигини тасдиқлаб, конун устуворлиги бозор муносабатлари самарали шаклланишининг асосий шарт-шаронити эканлиги, республикада шаклланаётган конуний давлат билан боғланганилиги ва ресиубликада ишлаб чикиб, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларниң биринчи босқичидаёқ бозор муносабатларига ўтишининг асосий қонунларини яратиш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Ҳакикатан ҳам республика иқтисодий ислоҳотларини амалга оширишдаги биринчи босқичининг асосий вазифаларидан бири сифатида тегишли қонунларни яратиш қабул қилинган оди ва у амалга оширилди. Натижада «Ислоҳ қилишининг биринчи босқичида биз ҳуқукий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чикиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик», – дейдилар И.А. Каримов<sup>1</sup>.

Қонун устуворлигини иқтисодий ислоҳотлар тамойилларидан бири сифатида қабул қилинишининг асосланганлиги республи-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни түкургаптириш йўлида. Тошкент, 1995, 32 б.

жилинг мустакиллик давридаги самарали социал-иктисодий тараккье гида тасдиқланди. Республикада қонунинг устуworлиги социал үзбекистонлар, МММ каби пирамидалар, молия-банк соҳасида «совун туфакларни» келиб чиқмаслигига ва жаҳон молиявий тикироzi даврида республика иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш сабабларидан, омилларидан бири бўлди.

## **2.5. Кучли ижтимоий сиёсат**

Маълумки, режалаштирилган социал-иктисодий жамиятни боzor муносабатларига ўтишини асослаш, режалаштирилган социал-иктисодий жамиятдан умуман боzor иқтисодиётига асосланган жамиятга ўтиш учун комплекс сиёсий, иқтисодий, социал ҳора-тадбирларлар амалга оширилиши лозим эди.

Жаҳон амалиёти шунин тасдиқладики, боzor муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши ишсизлар сонининг кўпайишига, истеъмол молларига нарх-навонинг кўтарилишига олиб келади. Ҳемак, боzor муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши жамият аъзолари, аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсанади.

Бу вазиятни ўз вактида тушунган холда республика раҳбари И.А. Каримов боzor муносабатларига ўтишининг тамойилларидан бири сифагида боzor муносабатларининг салбий таъсиридан республика аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни асослаб бердилар. Бу борада И.А. Каримовнинг позицияси аввал замбор. 1989-1991 йилларда Республика Олий Совети. Ҳукumat мажнисларида килинган мърузаларида ўз ифодасини топди. Уларда боzor муносабатларига ўтиш пайтида, уларнинг салбий таъсиrlаридан республика аҳолисини ҳимоя қилиш, бунинг учун ҳукumat томонидан кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиши зарурлиги, унинг асосий йўналишлари ёритиб берилди.

Республика мустакилликка эришгандан кейин республикада боzor муносабатларини шакллантиришда унинг салбий таъсиrlаридан республика аҳолисини ҳимоя қилишга яна кўпроқ эътибор қаратиб, уни иқтисодий ислоҳотларининг асосий тамойилларидан бири эканлигини яна ҳар томонлама тасдиқлаб бердилар ва бу

борадаги И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазалари қўйидагилардан иборат:

«Янгизланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши кераю».

«...миллий бойликнинг кўнайишини, республиканинг мустаҳкамлигини, одамларнинг муносаб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшкун ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш».

«Ички сиёсатнинг негизи – инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рағбатлантириш кучли механизма га эга бўлган ва ахолининг ижтимоий начор катламларини давлат йўли билан ҳимоя қиласидиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатdir».

«Бозорга ўтиш муқаррар. Бу давр амри, объектив реалидир. Айни вактда бозор фокат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонтигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир».

«Бозор механизmlарини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи дозим.»

«Инсонга муносаб ҳаёт шароити – унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш – иқтисодиётнимизни ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг олий мақсадидир.»

И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. Тошкент, 1992, 16, 18-19, 43, 44, 47, 48 б.

«Ҳар бир иқтисодий ривожланган мамлакат ҳўжалиги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бўлади.»

«Бу шуни билдирадики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётни тўла-тўқис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий иқтисодиёт хисобланади. иқтисодий ривожланиш самараорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан бөгланаш максадини кўътайди.»

«Факат ривожланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган жамиятгина республиканинг давлат мустақиллигини ва иқтисодий қудратини таъминлаши мумкин.»

И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993, 46, 54 б.

«Биз кескинликка йўл қўймаслик учун кучли ижтимоий сиёсат юритишимииз керак Аввало. фуқароларни ижтимоий жиҳатдан химоялаш борасида аниқ ишлар қилиш лозим».

И.А. Каримов. Ҳар қандай мухолиф билан бахшашмоққа тайёрман... «Труд» газетаси саволларига жавоблар. 1993 йил, 26 май. Асарлар тўплами. 1-жилд. Тошкент, 1996, 232 б.

«Бозор иқтисодистини барпо этиш - шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадларининг ўзи бу энг авало, инсон учун муносаб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир».

И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқ. 1993 йил 2 сентябр. Асарлар тўплами. 2-жилд. Тошкент, 1996, 14 б.

«Шу туфайти бозор механизмларини жорий қилишдан аввал одамларни ижтимоий химоялаш бўйича олдиндан кучли чораларни амалга ошириш лозим».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқ. 1993 йил 2 сентябр. Асарлар тўплами, 2-жилд. Тошкент, 1996, 14 б.

«Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг мухим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча боекичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишидир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифатарни ҳал этишда, ахолини ижтимоий химоялаш соҳасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундирилган».

«Бошлигандан покланиш жараёнини тоталитар режим, одамларни маъмурий ва мафкуравий жиҳатдан кул килиш сари буриб юборишига йўл қўймайдиган ижтимоий таянч бўлади. Шу боисдан бозор муносабатларини жорий ҳушидан аввал одамларни олдиндан кучли заражада ижтимоий химоялаш чоралари кўрилиши керак».

«Ахолининг мухтож табакаларини ижтимоий химоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

«Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгаришилар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғуналаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барю этиш мумкин».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, Тошкент, 1996, 322, 323, 333 б.

«...демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир каторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлаштарнинг кучли таъсиридан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти сарп тинимеиз ривожланиб боришини таъминлан мумкин.»

«Барча ислоҳотларнинг – иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносаб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат.»

«...бозор механизмини жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эктиёт чора-тадбирлар олдиндан кўриб чиқилиши объектив заруратdir.»

И.А. Каримов. Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 11, 119, 120 б.

«Бозор муносабатлари ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришилар чукурлашган сарп аҳолининг турмуш даражасига таъсир қиладиган камчиликлар ҳам сўзсиз пайдо бўлишини тушунишимиз керак. Шу сабабли кучли ижтимоий сиёсатни унутмаслигимиз лозим. Ижтимоий муҳофаза воситаларини янада мустаҳкамлаш учун аниқ йўнатишни ку чайтириш зарур.»

И.А. Каримов. Бунёдкорлик-фаровон ҳаёт асоси, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IV-сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 21 декабрь. Асалар тўплами, 4-жилд. Тошкент, 1996, 178 б.

«Ижтимоий масалаларга устувор ахамият бериш бу борада фаол, энг муҳими, кучли самарали сиёсат олиб бориш ҳамиша

бизнинг диккат марказимизда бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади албатта».

И.А. Каримов «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш бош йўлимиз. 2001 йил натижаси. 2002 йилга вазифалар», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йигилишда сўзланган яутк. 2002 йил 14 февраль Асарлар тўплами, 10-жилд. Тошкент, 2002. 210 б.

«Ахолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичларида асосий йўнаниш бўлиб хизмат қиласди. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш тамойилдан биридир. Енг бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиз керак».

И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биринчи чиқарик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруза. 1999 йил 14 апрел. Асарлар тўплами. 7-жилд. Тошкент, 1999. 382 б.

«Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир».

И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавензликка таҳди, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Асарлар тўплами. 6-жилд. Тошкент, 1998. 182 б.

Кўриниб турибдик. И.А. Каримовнинг фикр-муноҳазаларида кучли социал сиёсат нима учун республикада бозор муносабатларини шакалантиришига бағишланган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири бўлишилиги, бозор муносабатларини шакалантиришда у мухим шарт-шароитлардан бири бўлишилиги, бозор муносабатларига ўтиш чора-тадбирларини амалга оширишда кучли социал сиёсатни олдиндан режалаштириб амалга ошириш зарурлиги ва кучли социал сиёсат иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳамма босқичларида эътибор марказида бўлиб, амалга оширилиши ҳар томонлама кўрсатиб берилган.

И.А. Каримов ўз фикр-мулоҳазаларида ундан ташкари кучли социал сиёсатнинг мазмуни, зарурлиги ва йўналитирилганлигини ифодалаб бердилар.

Уларга асосланиб кучли социал сиёсат қўйнаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- социал йўналитирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш;
- иқтисодиётнинг социал тармокларини ривожлантириш;
- республика истеъмол моллар бозорини ҳимоя қилиш;
- маҳсулот, товарларга нарх-навонинг кўтарилиши билан иш ҳаки, пенсия, нафака, стипендия даражасини ошириб туриш;
- меҳнат қобилиятига эга аҳолини шу жойлар билан таъминлаш,
- кам таъминланган, болали оиласларга моддий ёрдам кўрсатиш;
- қишлоқ жойларда томорқа хўжаликларини ривожлантириш ва хоказо.

Демак, кучли социал сиёсат ҳакиқатда иқтисодий ислоҳотларниң асосий тамойилларидан бири бўлиб, у керакли даражада амалга оширилмоқда.

## **2.6. Бозор муносабатларига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш**

Маълумки, бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир социал-иктисодий тизимдан иккинчи социал-иктисодий тизимга ўтиш пайтида тарихий икки йўлдан: революцион ва эволюцион йўлардан фойдаланилади.

Революцион йўл – бу мавжуд социал-иктисодий тизимни инкор қилиб, уни тубдан ўзгартириш, йўқ қилиш мақсадида хукм суроётган сиёсий – иқтисодий тизимни, ишлаб чиқариш алоқаларни, фойдаланилаётган методларни, йўналишларни бир пайтда революцион йўл билан инкор қилиб, йўқ қилиб, уларни ўрнига янги сиёсий, иқтисодий тизимни, янги ишлаб чиқариш алоқаларини, янги метод ва йўналишларни тиклашдан иборатdir.

Эволюцион йўл – бу мавжуд социал-иктисодий тизимни инкор қилиш, унинг ўрнига янги социал-иктисодий тизимни барпо этишини бир пайтда революция йўли билан эмас, бир давр мабайнида аста- секин, босқичма – босқич, керакли шарт-шароитларни барпо этиш йўли билан амалга оширишdir.

Ўзбекистонда маъмурий, режајашгирилган социал- иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиёти тизимга ўтиш учун бу борада амалга ошириладиган иқтисодий истоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида И.А. Каримов эволюцион йўл билан боскичма-boskicбозор иқтисодиётини барпо этишни асослаб бердилар. Бу борада И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазалари, тавсиялари қўйида-пиларда ифодаланган:

«Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, соҳта истиқболли сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараккиётга ўтиш – танзаб олинган йўлнинг асосий мазмuni ва моҳиyyатидир».

«Бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки сабиткадамлик ва изчиллик билан боскичма-boskicбозори ҳаракат қилиш керак. Бизнинг бозорга ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятларимиз ана шундадир».

«Зарур шарт-шаронтларни яратмай туриб, одамларни жиддий ўзгаришларга рухан тайёрламай туриб, бозор муносабатларининг белгиларини ўта жадаллик билан, суный равишда ўтказиш кутилган натижаларни бермаслиги у ёқда турсин, ҳатто бозор иқтисодиётини қуриш ғоясига путур етказади.»

И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараккиёт йўли. Тошкент, 1992, 10, 45-46 б.

«Бир тизимдан исскинчилигига ўтишнинг аста-секин, эволюцион равиша бўлиши мухимдир. Иқтисодий истоҳотлар мамлакатни максад сари аста-секин, қадам-бакадам илгарилагиб бориши, бозор муносабатларининг айrim жиҳатларини ва умуман бутун тизимини шакслантириши лозим.»

«Республикада ҳақикатан вужудга келган иқтисодий вазият, онлар аксарият кўпчилигининг турмуш даражаси пастлиги Ўзбекистон учун бозор иқтисодиётига ўтишда «фалаж қилиб даволаш» усулиниң маъкуд эмаслигини кўрсатади. Бу усул амалда аҳоли учун «даволамай фалаж қилиш»га айланади, яъни мавжуд барча тузилмалар, нормалар, аложаларнинг тезда барбод бўлишига, бошқача қилиб айтганда, тўла вайрон бўлишига олиб келади.»

«Халқимизда «янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг – бошнасанасиз коласиз», деган нақл бор...»

Бозор иқтисодиёти томон сакрашларсиз, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчиллик билан боскичма-boskicбозори ҳаракат қилиш керак. Бизнинг бозорга ўтишимиздаги ўзига хос хусусиятларимиз ана шундадир».

бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлиниң ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Бир босқични тугаллаб, зарур шарт-шароитларни яратиб, шундан кейингина янги босқичга ўтилади»

«Марказлаштирилган тартибла режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услугидан бозор муносабатларига ўтиш – бу мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгилах хўжалик юритиш тизимини жорий этишдир. Бу одамлар учун мутлако янги ҳаёт фалсафасидир. Шунга кўра у бир вактнинг ўзида бўладиган тадбир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олуви чузук даврин талаб қиласди».

«Бозор иқтисодиёти томон сакрашларенз, инқилобий ўзгаришлар йўли билан эмас, балки изчилик билан босқичма-босқич бориш керак. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлиниң ўзига хос хусусияти ҳам шунда».

«Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёкараш шакланиб, одамлар шунга мувофик равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воеликка айланади. Шу сабабли энг асосий вазифа-ижтимоий ларзаларсиз, одамларнинг қашшоқлатувига йўл қўймаган хотда ижтимоий-иктисодий тараққиёт янги босқичига ўта боришдан иборат».

И.А. Каримов. «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Асарлар тўплами I-жилд, Тошкент, 1993, 62-63, 315, 317 ва 318 б.

«...янги иқтисодий бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич карор топтириш лозим.»

«Биз бозор муносабатларига катта сакрашлар, тубдан вайрон қилиш йўли билан эмас, балки бир босқичдан иккинчи босқичга кетма-кет ўтиш, яъни эволюцион тарзда илгарилаб боришни ўзимиз учун катъиян таалаб олдик...

Бозор муносабатларига босқичма – босқич ўтиш тамойилини амалга ошириш, бир томондан, бизга мерос бўлиб колан барча прогрессив жиҳатларга аваёнлаб муносабатда бўлишни тақозо этади. Иккинчи томондан, ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиш, бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситатарини белгилаб олишни талаб қиласди».

«Айтиш мумкинки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш тамойилларидан бири – республикада ислоҳотларни аста-секин ва босқичма-

боскич ўтказиш тамойилди бўлиб, у хеч кайси соҳада нархларни эркинлаштиришга ёндашиш, унинг тактикаси ва стратегиясини ташлаб олишдагидек аник намоён бўлган эмас.»

И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлда. Тошкент. 1995. 11 – 13. 89-90 б.

«Бозор муносабатлари ишлаб чиқилған қоидатарга мувоғик катъий равища. яъни боскичма-боскич жорий этилмоқда. Бунда «шок терапияси» усуллари мустасно қўлиниб, давлат имкониятлари хисобидан одамтарни, айнинса, аҳолининг ижтимоий иҷочор табакалари: етим-есирлар, болалар, ўқитувчилар, нафакачилар, ногиронларни, ёғиз оналар ва камбагча онлаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза юзини бўйича олдиндан чоралар кўриб борилмоқда».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашин XI сессиясида 1992 йил 8 ва 10 декабрда сўзланган нутқ. Асарлар тўплами. I-жилд. 1996, 109-110 б.

Юкоридаги фикр-мулоҳазатарда республикада бозор муносабатларига ўтиш максадида иқтисодий ислоҳотларни эволюцион ишлаб билан амалга ошириш зарурлигини кўреатиб бериш билан оғирга ён эволюцион йўлнинг мазмунини, уни амалга ошириш шунавиниларини ва кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш ишлари ҳам аниқлаб берилиган.

Шундай қизиб. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларини шакллантириш, социал йўналтирилган кўп укладли бозор иқтисодиётини қуриш максадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойиллари бешта бўлиб, улар иқтисодий тараккиётининг «ўзбек модели»нинг мазмун, негизини ташкил этиб, улар самарали амалга оширилмоқда.

## 2.7. «Ўзбек модели»нинг устувор муаммолари

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш борасидаги иқтисодий ислоҳотларининг назарий, аматий асосини сўзсанз юкорида кайд этилган бешта асосий тамойиллар ташкил этади.

Лекин республиканинг иқтисодий ислоҳотлари – республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишдаги «Ўзбек моде-

ли» бу тамойиллардан талиқари бир қанча устуворларга ҳам асосланган.

Устуворлар мазмунан икки турда бўлиши мумкин.

Биринчи турдаги устуворлар иқтисодий ислоҳотларнинг атоҳида босқичларида, даврларида амалта оширилаётган вазифаларни ифодатashi мумкин.

Иккинчи турдаги устуворлар мазмунан қўшимча тамойиллар шаклида бўлиб, улар узлуксиз доимийдир ва улар иқтисодий ислоҳотларнинг ҳамма босқичларига тааллуқлидир.

И.А. Каримов таъкидлайдиларки: «Иқтисодий ислоҳотлари мизнинг бутун дастурида айтиб ўтилган энг асосий устувор вазифалар билан бир каторда бир қанча узлуксиз устувор йўналишларни ҳам аник-равшан ажратиб қўрсатиш керак.

Узлуксиз устувор йўналишлар нима?

Бунинг маъноси шуки. мазкур йўналишлар ислоҳотларимиз ҳамма босқичларида устувор хисобланади. Улар жамиятни янгилашдан иборат бутун жараённинг йўналишларига сингиб кетади».<sup>1</sup>

И.А. Каримовнинг шундай ва асарларида ҳам биринчи, ҳам иккинчи турдаги устуворлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларининг назарий асослари тўғрисида фикр юритилганда иккинчи турдаги, доимий устуворлар тўғрисида гап юритилиши лозим.

И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзлаган нутқи(1993 йил 2 сентябрь) «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида» номли маърузалари ва бошқа маърузаларида, маҳсус ёзилган асарларида республика иқтисодий ислоҳотларининг доимий устуворлари сифатида янги бошқарув тизимини шакллантириш, ҳар хил шаклдаги мулкларни барпо этиш, республика табиий бойликларидан унинг эҳтиёжлари учун фойдаланиш, ташки иқтисодий алокаларни бевосита республика номидан олиб бориши, республика таъкини, ички сиёсатини аниклаш, миллий валютани барпо этиш, унинг конвертациясини таъминлаш, экспортни импорт устидан, эҳтиёжни ишлаб чиқариш устидан устуворлигини таъминлаш, республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларни ечиш зарурлигини тасдиқлаб бердилар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т. Ўзбекистон, 1993. 17 б

Ундан ташқари И.А. Каримов иктисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг алоҳида даврларида амалга ошириладиган устуворлар тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этдилар. Бу бозор иктисодиётига ўтиш механизм ва йўллари, корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, республика иктисодиётини баркарорлаштириш, бозор муносабатларига мосланган молия-кредит спёсатини амалга ошириш, кўп укладди бозор иктисодиётини шакллантириш ва ҳоказо.

Таъкидлаш лозимки, республика иктисодий адабиётида, иктисодий ислоҳотлар тўғрисида гап юритилгандан одатда факат юқорида кўрилган бешта тамойиллар эслага олинади. Фикримизча, агарда доимий устуворлар – ҳам эътиборга олинса «ўзбек моделлининг» мазмани, моҳияти, йўналтирилганити янада чукурроқ намоён бўлади.

И.А. Каримов таъкидлайдиларки, «Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг устувор йўналиштарини ажратиб олиш зарурдир, чунки унарни амалга ошириш республиканни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаради»<sup>1</sup>.

И.А. Каримовнинг нутк ва асарларида асослаб берилган доимий устуворларнинг бир гурухи куйидагилардан иборат:

### **Янги бошқарув тизимини шакллантириш**

Маълумки, бошқарув тизими иктисодиёт самарадорлигини аниктовчи асосий омиллардан биридир.

Илгариги маъмурий – буйруқбозлик режалаштирилган социал – иктисодий тизимга тегишли ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқарув тизими шакллантирилган эди.

Бу тизим ўтган асрнинг 80-йилларига келиб замон талабларида жавоб бермай колди. Ишлаб чиқилган иктисодий ислоҳотлар комплекс характерга эга эмас эди ва бошқарув соҳасида ишлаб чиқилган иктисодий ислоҳотлар тўлиқ ва охиригача амалга оширилмади.

Маъмурий – бошқарув тизимидан бозор муносабатларига ўтиш габиий равишда янги бошқарув тизимини ишлаб чиқишни ва уни амалга оширишни талаб этди.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистонни ўз истеҳсол ва таражкиёт йўли. Тошкент, 1992. 51 с.

Республика мустакилликка эришмасдан олдин, республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш макеадидга республиканинг биринчи дастури тузилаётган пайтдаёқ янги бошқарув тизимининг шакллантирилиши зарурлигини эътиборга олиб. И.А. Каримов 1989-1991 йилларда кисган маърузаларида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этган эдилар.

Республика мустакилликка эришгандан кейин бошқарув тизимини тубдан ўзгартириш янада долзарб муаммога айланди ва И.А. Каримов янги шароитда янги бошқарув тизимини шакллантириш иқтисодий ислохотларининг устувор муаммоларига айланганлигини тасдиқлаб. бу борада ўзларининг тегишли фикр-мулоҳазаларини ўзларининг асар ва маърузаларида ифодатадилар.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида иқтисодиётни бошқаришнинг тубдан ўзгартирилиши зарурлиги. уни амалга ошириш йўналишлари, янги бошқарув тизимининг олдига қўйиладиган вазифалар тўғрисида И.А. Каримовнинг позициялари кўйиндаги фикр-мулоҳазаларида ўз ифодасини топган:

«Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиётини амалга оширишда тўзиқ имкониятта эга бўлиши лозим.»

«...барча фуқароларнинг қонун олдидағи хукукий тенглигини ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари химоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини ҳафзатлайдиган хукукий давлатни барпо этиш.»

«...мулк эгалари хукукларининг давлат йўли билан химоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакли – ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошка мулкчилик шакларининг хукукий тенглигини қарор топтириш.»

«Ўзининг миллий – давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама хисобга олиш. Бизнинг мустакил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кімгадир бўйсуниш учун мустакил бўлгани йўқ.»

«Маъмурӣ – буйруқбозлик тизимининг ўзини оқтамаган лаёқатсиз томонларидан воз кечмок даркор. Уларни бозор муносабатлари механизмининг самарали ва амалий жиҳатлари билан алмаштиrmок лозим.»

И.А. Каримов. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йўли». Тошкент, 1992, 16, 17, 19, 25, 56 бетлар.

«Авваламбор, яккахокимлик тизимиning иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ услубларининг ва дериктив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иккисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини тъминлаш зарур».

«Ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бошқаришидан узоклашиш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликдан келиб чиқсан ҳолда фаолият турини, етиштириладиган маҳсулот ҳажмини ва хилини, ишлаб чиқариш хўжалик алоқалари доирасини аниқлаш эркинлигини товар ишлаб чиқарувчиларнинг Узларига бериш».

«Давлат иқтисодий воситатар ва рағбатлантиришлар ёрдамида иқтисодиётни билвосита бошқариш, умумиддий муаммоларни ҳал этиш билан шуғуланиши лозим»

И.А. Каримов. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент, 1993, 9, 49, 57-58 бетлар

«...биз марказлаштирилган, маъмурӣ – буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш – эски хўжалик юритиш механизмини щунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш ўлас, батки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш юнанлигини қайта-қайта таъкидлайдик. Бу иқтисодий муносабатлар ва ташкилий – бошқарув тизимларининг бошка иқтисодий муносабатлар ва ташкилий – бошқарув тизимлари билан алмашуви дир».

«Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий муносабатларни янгилаш институционал (муассасалар соҳасидаги) ўзгаришларни амалга оширишни, бошқаришнинг тегишли структурасини яратишни талаб килмоқда. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида биз бошқарув тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бердик».

«Ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш чорагадбирлари тизимида бошқаришни изчил, босқичма-босқич ташкил этиш модели қабул қилинди. Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш жараёни бир қанча босқичлардан ўтиб таракқий килди ва ҳозир ҳам такомиллаштирилмоқда».

«...ҳозирги кунда асосий вазифалардан бирин кўпгина бошқарув органларида ҳозиргача сакланиб келаётган расмийчилликка, ўта-

кетган қоғозбозликка, қолоқликка қарши қатъяян кураш олиб боришдан иборатдир».

И.А. Каримов, «Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида»  
Тошкент, 1995, 17, 75, 77 ва 87 бетлар.

«Биз учун бошқаришнинг барча бўғинлари, шу жумладан, қонун чиқарувчиларимиз ва ижроя тузилмаларининг диккат марказида туриши лозим бўлган биринчи даражати вазифаларни белгилаб олиш фавқулодда аҳамият қасб этади».

И.А. Каримов, Асарлар тўплами, 5-жилд,  
Тошкент, 1997, 91 б.

«...давлат бошқаруви тизимишинг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида уларга ўхшатиб такомиллаштириши. Бу тўхтовсиз давом этадиган жараёндир».

И.А. Каримов, Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Асарлар тўплами, 7-жилд Тошкент, 1999, 387 б.

«Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини кўйганмиз. Фуқаролик жамиятини куриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига боскичма-боскич топширишни кўзда тутади».

И.А. Каримов, Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Асарлар тўплами, 7-жилд, Тошкент, 1999, 389 б

«Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали - бери тўлик фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борала ҳам кўп ишлашимиз керак».

И.А. Каримов, Конунга ҳурмат, конунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин.. Асарлар тўплами, 10-жилд, Тошкент, 2002, 158 б.

«Келинг, мавжуд бошқарув тизимишинг нұксон ва иллатларини танқидий нұктай назардан кўриб чиқиб баҳолайлик.

Аввало кейинги йилларда катор соҳа вазирликлари турли хўжалик бирлашмаларига, яъни корпорациялар, уюшмалар, компа-

нияларга айлантирилганлигига қарамай, уларнинг мөдияти, иш усулари амалда деярли ўзгаришсиз колмокда».

И.А. Каримов, Вазирлар Маҳкамасининг  
мажлисидаги маъруза, Асарлар тўплами.  
Тошкент, 11-жилд, 2003, 304 бет

«Биринчи навбатда, турли даражадаги бошқарув тузилмалари эски маъмурий – буйруқбозлик, тақсимлаш тизимиға хос, ўз умрини ўтиб бўлган вазифалардан ҳолос бўлиши зарур».

И.А. Каримов, Эришган марраларимизни  
мустаҳкамлаб, ислоҳотлар йўлидан изчил  
бориш асосий вазифамиз, Асарлар  
тўплами, 12-жилд, Тошкент, 2004, 220 б.

«Амалда бошқарув тузилмаси ва шакли ўзгарган бўлсада, кўпинча ишнинг бевосита мазмун-мөдияти ўзгармай қолаётган ҳоллар учраб турибди. Лўйда қилиб айтгандা, бу ўзгаришлар, афсуски, биз олдимизга қўйган бош максад – муддаога, яъни ўзини оқдамаган ва касодга учраган, марказдан режалаштириладиган маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, жойлардаги тузилмаларга кўпроқ эркинлик бериш, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос усул-услубларини жорий этишга олиб келмаяпти».

И.А. Каримов, Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, Асарлар тўплами,  
9-жилд, Тошкент, 2001, 243-244 б.

Кўриниб турибдик. И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида, кўрсатма, тавсияларида бозор муносабатларига ўтиш даврида янги бошқарув тизимни ишлаб чиқишининг объектив зарурлиги, унинг мөдияти, хусусиятлари, бозор муносабатларининг талабларига мосланиши, унинг шаклланиш йўналишлари ва янги бошқарув тизимининг бозор иқтисодиётини барпо этилишидаги роли ҳар гомонлама асослаб берилган.

### **Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш**

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши унинг ривожланиш суръатларини, самарадорлик даражасини аниқловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришга ҳамма мамлакатларда кагта эътибор берилган ва берилиб келяпти.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши дейилганда реал иқтисодиёт билан иқтисодиётнинг социал соҳалари ўртасидаги нисбат, реал иқтисодиёт таркибида тармоқлараро алоқалар, айниқса саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги нисбат, реал иқтисодиёт таркибидаги асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқстари, яъни саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги ва улар билан боргланган, уларга хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариши инфратузилма тармоқлари ўртасидаги нисбат, саноат ишлаб чиқариши таркибида тармоқлараро нисбат, айниқса қазиб олувчи тармоқлар, қазиб олинган ресурсларни қайтадан ишлаш саноат тармоқлари ўртасидаги нисбат ва бошқа нисбий таққослашувлар тушунилади.

Маъмурий-режалаштирилган социал иқтисодий тизим даврида ҳам ҳалқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш борасида бир канча чора-тадбирлар, иқтисодий ислохотлар амалга оширилган.

Лекин Ўзбекистон Республикасида ўша пайтда шакллантирилган ҳалқ хўжалигининг таркибий тизими замон таълабларига ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтарити таълабларига жавоб бермас эди.

Шу сабабли республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида республикада ишлаб чиқилган ислохотларни доимий устуворликларидан бири сифатида И.А. Каримов ҳалқ хўжалиги таркибини тубдан ўзгартириш объектив зарурлигини исботлаб бердилар. И.А. Каримов таъкидладизарки:

«Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлами – ҳом ашёвий йўналишига қатъий барҳам берииш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Факат ҳом ашё етиштирувчи ва сотувчи ўлка сурункали начорликка гирифтор бўлади. Асосий вазифа – ҳалқ хўжалигини чуқур таркибий қайта қуришни амалга оширишdir. Барча ресурсларимизни ҳисобга олган холда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустакиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтириш бизнинг мақсадимизdir.»

И.А. Каримов, Ўзбекистоннинг ўз истиқболларини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтириш бизнинг мақсадимиздир.

«Яқин истиқболдаги энг муҳим муаммо – ҳалқ хўжалигимизнинг ички тузилишини ўзгартиришdir».

И.А. Каримов, Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Асарлар тўплами, 1-жилд, 1996, 116 б.

«Иқтисодий дастуримизнинг стратегик вазифаси иқтисодиётимизнинг таркибини қайта қуришдир. Иқтисодиётимизнинг бир ёклама хом ашёга йўналтирилгантигини қатъян бартараф этиш ички сиёсатимизнинг энг муддим устувор йўналишидир. Стратегик жиҳатдан ўсишга Эришмок учун ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш зарур».

И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотининг устувор йўналишлари. Асарлар тўплами. 2-жилд. Тошкент. 1996. 6 б.

«Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашё манбаи сифатида бир гомонлама йўналишининг қатъий бартараф этилиши ички сиёсатининг устувор стратегияси ҳисобланади.

...Таркибий ўзгариштар мураккаб тармоқларнинг устувор ривожтанишини таъминлагани ҳолда жамиятнинг тараққиёт ҳамда чини таниш йўлидан барқарор бориши учун шарт-шароит яратиб очрати. Шу сабабли бош вазифа – бутун ўтиш даври мобайнида ҳалқ хўжалигининг жами тузилмасини тубдан ўзгартиришдан иборат».

«Ҳалқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини бартараф этиш республика иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконини беради, иш билан таъминланмаган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этишга, кадрларнинг қасб даражасини оширишга, маҳсулотни четдан келтириш ва ташқарига чиқаришни мувофиқлаштиришга кўмаклашади. асосийси - Ўзбекистоннинг мустақиллигига, унинг ҳалки турмуш дарражасининг ўсишига ишончли кафолатлар яратади».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар тўплами. I-жилд. Тошкент, 1996, 354-355, 3576.

«Тўртинчи стратегик вазифа - иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот шилаб чиқаришга ўтиш, унини сифатини ва ракобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари дарражасига етказишдан иборат»...

«Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартирмай туриб чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди.»

И.А. Каримов. Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 177 б.

«Иқтисодиётимизда, асосий ва ётакчи тармокларда тузилемавий ўзгаришларни амалга оширибина, биз маҳсулотларимиз экспорти кўпайишига, тўлов балансида ижобий қолдикини таъминлашга ва шу йўл билан иқтисодий мустаҳкамлигимизни кафолатлашга эриша оламиз».

И.А. Каримов. Демократик ўзгаришлар жамиятимиз янгиланиши асоси. Асарлар тўплами, 5-жилд. Тошкент, 1997. 293 б.

«Стратегик жиҳатдан баркарорликни саклаш, иқтисодий мустаҳкамлика эришиш ва иқтисодий ўсиши республика аҳолисининг фарованиелигини таъминлашнинг энг муҳим шарти – иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан нборат».

И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шарслари ва таракқиёт кафолатлари. Асарлар тўплами, 6-жилд. Тошкент, 1998, 173 б.

«...биз учун иқтисодиётда аниқ максадларни кўзлаб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш стратегик аҳамиятга эга. Бу борада биз аниқ-равшан структура сиёсатини олиб боришимиз керак. Ушбу сиёсат, аввало мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом ашё ва меҳнат ресурслари интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишига йўналтирилган бўлиши даркор».

И.А. Каримов. Истоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги мазъуза. Асарлар тўплами. 8-жилд. Тошкент, 2000. 371-372 б.

«...иқтисодиётда таркибий ўзгариштарни амалга ошириш, унинг мутаносиблиги ва кўп жиҳатдан тўлақонли бўлишини таъминлаш, уни доимий равишда модернизация қилиш ва янгилаб бориши, ўз маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизимида муносаб ўрин эгаллай оладиган замонавий тармокларни жадал ривожлантириш лозим. Факатгина мана шу тамойиллар асосида қурилган иқтисодиёт бу талабга жавоб беради».

И.А. Каримов. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, истоҳотлар йўлидан изчил бориши – асосий вазифаси. Асарлар тўплами, 12-жилд. Тошкент, 2004. 198 б.

И.А. Каримов бозор муносабатларига ўтиш даврида республика халқ хўжалигига тубдан таркибий ўзгаришларнинг объектив зарурини, унинг моҳиятини кўрсатиб бериш билан бирга, уни амалга ошириш йўлларини аниқтаб, таркибий ўзгаришларнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини ҳам ҳар томонлама ифодалаб бердишар.

### **Бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантириш**

Маълумки, иқтисодиёт инфратузулмаси уч шакидага бўлиши муъмин.

Биринчидан, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси.

Иккинчидан, халқ хўжалигининг социал инфратузилмаси.

Учинчидан, бозор иқтисодиёти инфратузилмаси.

Халқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилчи ҳисобланади. Улар билан боғланган, уларга хизмат кўрсатадиган тармоқлар ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобланади, улар таркибига ўрмон хўжалиги, юқ ташиб транспорти, ишлаб чиқаришга хизмат килувчи савдо ва ҳарид қилиш, умум-овқатланиш. бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқлари киради.

Юкорида кўрсатилганлар халқ хўжалиги таркибидаги моддий ишлаб чиқариш тармоқлари бўлиб, халқ хўжалиги таркибида ундан ташки номоддий тармоқлар мавжуд. Улар таркибига уй-коммунал хўжалиги, фан, таълим, соғлиқни сақташ, маданият, санъат, молия, банк, бошқарув ва бошқа номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари соҳалари киради. Улар халқ хўжалигининг социал инфратузилмаси ҳисобланади.

Бозор муносабатлари даврида бозор иқтисодиётининг инфратузилмаси алоҳида тан олинган ва у катта аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиётининг инфратузилмаси таркибига бозор муносабатларини ривожлантиришга хизмат кўрсатадиган ташкилот – мұассасалар киради. Булар масалан – молия, банк, сұғурта органдары, биржалар, савдо уйлари, аудиторлик, лизинг, холдинг компаниилари, брокерлик конторалари ва ҳоказо.

Республика бозор муносабатларига ўтар экан. И.А. Каримов бозор иқтисодиётининг инфратузилмасига кўпроқ зътибор қаратиб, уни республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказишга

багишиланган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устуворлардан бирилигини исботлаб берди. И.А. Каримов ўз маъруза ва асарларида таъкидладиларки:

«Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кенг тармоқли инфраструктурасини ташкил қилинни талаб қилади».

И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992, 56 б.

«Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфратузилмасини талаб қилади. Инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмилари тўлиқ ишлай олмайди...

Замонавий инфратузилмани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер баҳш этиш, стихияга ва бошбошдоқликка йўл кўймаслик имконини беради».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Асарлар тўплами. I-жилд. Тошкент, 1996, 308 ва 309 б.

«Бозор муносабатларини шаклантиришни тегниши мухитсиз – товар, пул бозорида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алоқани тъминлаши керак бўлган бозор инфратузилмасиз тасаввур этиб бўлмайди.»

«Бозорга ўтишдан олдин бозор инфратузилмасини яратиш зарур. Молия, банк – кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, сугурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш зарур».

«Инфраструктура комплекси – иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдевордир.»

И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 97-98, 240 б.

«Бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурмөччи эканмиз, бозор хизмат тармоқларини шаклантириш ва изчил ривожлантириш стратегик жиҳатдан устун йўналишдир. Ривожланган бозор иқтисодиётига хизмат қиласидан тармоқтар-тижорат банклари тармоғини, замонавий молия ва солик тизими, аудит, сугурта воситаси ва биржа фаолиятини ривожлантирмай туриб маърифатли бозор сари аниқ қадам ташлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас».

И.А. Каримов. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Асарлар тўплами, I-жилд. Тошкент, 1996, 119 б

«Бозор инфратузилмаси ва таркибий-ташкилий ўзгаришлар хусусида сўз юритар эканмиз, унинг мазмуни, характеристи ва шакли бутунги кун талабларига муносаб эмаслигиниң кайд этиш керак. Бир карашда барча тузилмалар яратилиганда туюлади, лекин афсуски, уларниң иш услуби ва иш натижалари амалда ўзгаргани йўқ.

Энг муҳими шуки, бозор тузилмаларини шакллантириш биз учун шунчаки максад эмас. Улар шунчаки иомига, рўй берадиган ўзгаришларни намойиниң этиши, кўз-кўз қилиш учун тузилмайди, батки иқтисодиётга, хўжалик юритувчи субъектларга, ҳам ҳуқуқий ва ҳам жисмоний шахсларга хизмат қилиш учун тузилади».

И.А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Асарлар тўплами. 5-жилд. Тошкент. 1997. 92 б.

«Биз иқтисодиётни бошқарнишнинг ўз даврини ўтаб бўлган эски давлат тизими ўрнига бозор иқтисодиётига мос институтлардан ташкил топган мустаҳкам тизимини тезрок яратиш тарафдоримиз».

И.А. Каримов. Истоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишидаги маъруза. Асарлар тўплами. 8-жилд. Тошкент. 2000. 370 б.

«Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилувчи инфратузилма етарли даражада ишламаяпти.

Инфратузилма йўналишларининг қайси тармоғини олманг – у суғурта соҳасими, лиганинг соҳасими, аудит соҳасими – барчасида ахвол коникарли эмас».

И.А. Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. Асарлар тўплами. 8-жилд. Тошкент. 2000. 397-398 б.

И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида нафакат бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг объектив зарурлиги, унинг моҳияти, бозор иқтисодиётини шакллантиришдаги ривожлантиришдаги роли кўрсатиб берилган.

Ундан ташқари, бу борада амалга оширилган чора-тадбирларга карамасдан республикада ҳали бозор иқтисодиётининг инфратузилмасининг тўлиқ шаклланмагандиги ва барпо этилган инфратузилмасининг элементлари замон талабларига жавоб бермаётганлиги тъкидланган.

## **Республика мустақиллигини таъминлаш**

Маълумки, илгари мамлакатда қабул қилинган Конституцияга биноан ҳамма иттифоқдош республикалар тенг ҳуқуқли бўлишлари керак эди. Лекин амалиётда иттифоқдош республикалар йирик ва майда республикаларга бўлинар эди, яъни республикалар таркибида «катта акалар», «кичкина укалар» – республикалар қабул қилинган эди. Ўзбекистоннинг учта «катта акалари» бўлган, бу Россия, Украина, Белоруссия, Ўзаро иқтисодий, социал, сиёсий атоқаларда уларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари биринчи гафта, лекин бошка «кичик укалар» манфаатлари ҳисобидан амалга оширилар эди.

Бутун Иттифоқ даврида бу вазиятни ўзgartирниш мақсадида интилишлар бўлган, лекин бу вазият охиригача бартараф этилмаган эди.

Тасодиф эмаски, 80-йилларнинг охирида, 90-йилларнинг бошида иттифоқдош республикаларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллиги муаммоси кўтарилди, кун тартибига кўйилди. Шу сабабли, иттифоқдош республикаларни регионал хўжалик ҳисобига ўтказиш, Иттифоқни Федерациядан Конфедерацияга айлантириш, янги Иттифоқ шартномасини қабул қилиш масалалари кенг муҳокамага кўйилди.

Ўзбекистон раҳбари И.А. Каримов бу муаммоларни мухокама қилишда бевосита қатнашиб, республикаларнинг тенг ҳуқуқлигини, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш бозор муносабатларига ўтишдаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий устуворларидан бири бўлишларини асослаб бердилар.

И.А. Каримов ўзларининг 1989-1991 йиллардаги маърузаларида республиканинг мустақилликка эришиши зарурлиги, уни амалга ошириш шарт-шароитлари, мустақиллик шароитида боша республика ва давлатлар билан ҳамкорликда бўлиш, республика социал-иқтисодий таракқиётида мустақилликдан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди.

Республика мустақилликка эришгандан кейин И.А. Каримов ўз маъруза ва асарларида, янги шароитда мустақилликнинг мазмuni, моҳияти, уни амалга ошириш ва ундан фойдаланиш йўналишларини аниклаб қўйидаги фикр-мулоҳазаларни изхор этдилар:

«Халқ манфаатларига жавоб берувчи мустақил иқтисодий сиёсат – Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишининг ажратмас шартидир».

«Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташки сиёсатини аматга ошириш – давлати-

мизининг мустакиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва ҳалқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси учун мустакил ташки сиёсат юритиш – давлат фаолиятининг янги ва амалда қўлланилмаган йўналишларидан бириди»

«Республиканинг ташки сиёсати тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик коидалари асосида курилади. Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига, бутун ташки сиёсатда хам бизнинг шиоримиз – тенглар орасида тенг бўлиш, «кагта оға»нинг қош-қовоғига караб иш тутишдан узил-кесиз ва абадул-абад ҳолос бўлишдир».

«...юз йиллар мобайнида озодликни орзу килган Ўзбекистон тинакам мустакилликни кўлга киритиб, гуллаб-яшинаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар катори ҳалжаро ҳамжамиятда муносаб ўринни ҳазглаши биз кўзлаган олий мақсаддир».

И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Асарлар тўплами. 1-жилд. Тошкент, 1996. 49-51, 61 б.

«Шуни айтиб қўяйки, Ўзбекистон Совет Иттифокини парчалаб ташлаган давлатлар каторига кирмайди. Россия матбуотида мустакиллик паради тўғрисида гапирилганида нима учундир кўпинча Ўрта Осиё давлатлари тизга олинади. Аслида эса, мустакиллик парадини биз бошлаган эмасми».

И.А. Каримов. Истоҳотларимиз томоилилари. Асарлар тўплами, 3-жилд. Тошкент, 1996. 138 б.

### Иттифокном республикалар мустакиллигини эълон қилинган тарихи

	Мустакиллик олдов қилинган санаи
Литва	11.03.1990
Датая	04.05.1990
Турция	09.04.1991
Эстония	20.08.1991
Украина	24.08.1991
Беларусь	25.08.1991
Молдова	27.08.1991

Озарбайжон	30.08.1991
Қирғизистон	31.08.1991
Ўзбекистон	01.09.1991
Тожикистон	09.09.1991
Арманистон	21.09.1991
Түркменистон	27.10.1991
Россия	12.12.1991
Казакистон	16.12.1991

15 иттифоқдош республикалар таркибида Ўзбекистон 10-бўлиб ўзининг мустақиллигини эълон қилди. Иттифоқ 1991 йил 8 дебабрда тарқатилди.

Кўриниб турибдикни, И.А. Каримов ўз фикр-мулоҳазаларида республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказища иқтисодий ислоҳотлар республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш билан бирга амалга оширишни асослаб, республика мустақиллигининг мазмунини, зарурятини, мустақилликка етишишнинг социал-иқтисодий натижаларини ҳар томонлама аниқлаб бердилар.

### **Республика халқларини жислаштириш**

Бу муаммо иқтисодий муаммо бўлмаслигига карамасдан, бу муаммонинг кўйилиши, ечилиши иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнига катта таъсир кўрсатиши табиийлиги учун бу муаммо тўғрисида ҳам И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларини ўтиборга олиш лозим.

Маълумки маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида нафақат иттифоқ териториясида, вахделанки, ҳамма иттифоқдош республикалар териториясида кўп миллатлар, халқлар вакиллари ҳаёт кечирган. Бу шаронтда тасодиф эмаски, ўша даврда халқлар ўргасидаги дўстлик, биродарлик давлат сиёсати даражасида қўйилган, амалга оширилган.

Яна маълумки, Ўзбекистон ўша даврда энг байналмилат иттифоқдош республикалардан бири бўлган. Республика ижтимоний ҳаётининг бу ажойиб хусусиятини мураккаб бозор муносабатлари даврида ҳам саклаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш иқтисодий ислоҳотларнинг устуворларидан бири эканлигини И.А. Каримов асослаб бердилар.

И.А. Каримов республика мустақилликка эришмасдан олдин күтгән маъруза ва нутқстаридә республикада яшаётган ҳамма халқ, миллатлар бирлигини сақташ ва уни янада кучайтириш заруритини ва бу бирликка карши ҳаракаттарни тезда бартараф килишни кўн маротаба таъкидлаган эдилар.

Республика мустақилликка эришгандан кейин ҳам бу фикр И.А. Каримов томонидан кайтарилиб, амалга оширилди.

«Мислий тутувшкни барбод этишга каратилган ҳар қандай қатти-ҳаракат амалдаги қонунларга мувофиқ қаттиқ жазоланади.

Ҳајкнинг бирлиги, жинслиги, тинч-тотувлиги битзнинг бебаҳо бойтигимиздир».

И.А. Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Асарлар тўплами. I-жилд, Тошкент, 1996, 208 б.

«Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши мислий мансублигидан ва эътиқодидан қатъий назар, республикамизниң тенг ҳуқуқли фукароси бўлишга муносибdir. деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қондасини рўёбга чиқарин!»

«...озчиликдан иборат миллатларниң манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилини, уларниң маданияти, тили, мислий урфодатлари ва анъаналари сақланниши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузималариниң фаолиятида ва жамият турмушида фаол қатнашиш...

Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тутувликни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқук – тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш қалитидир».

«Мамлакатимиз тупроғида язваб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асррабавайтаниш шарт!»

«Ҳајкнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир.»

И.А. Каримов, Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва таракқиёт йўли. Тошкент, 1992. 17, 18, 22, 23, 70 б.

«...давлат мустақиллиги ва унинг иқтисодиёти ғойибдан келмай, унга эришини учун ҳајкнинг тинчлиги, осойищталиги ва бирдамилиги зарур, бир ёқадан бош чиқариб, ташаббу с билан меҳнат килиш зарур.»

«Бизнинг максадимиз битта – Ўзбекистон Республикасида истиқомат килювчи барча миллатлар ва динларга мансуб кишиларнинг тинчлик ва равнақини таъминлашдир.»

«Мамлакатимиздаги мустакиллик, тинчлик ва баркарорлик факат ўзбек халқи учунгина эмас. балки шу билан бир қаторда ўлкамизда яшовчи бошқа барча миллатларнинг вакиллари учун ҳам бебаҳо бойлик ҳисобланади.»

«Кўп миллатни жамиятимизда ижтимоий-спёсий баркарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақданганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошланғич боскичидаги кўлга киритилган энг асосий ютуғи бўлди.»

«Баркарорлик, тинчлик, тотувлик – булар давлатчилигимизнинг янги биноси барпо килинадиган пойдеворидир. Бу бизнинг эртанги порлоқ кунимизга олиб борадиган йўлдир.»

«Биз тинчлик, тотувлик, ўзаро ёрдам орқали ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтамиш».

И.А. Каримов, Ўзбекистон иқтисодий испоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 142, 146, 150, 167, 169, 170 б.

Шундай қилиб республика фуқароларини жислаштириш, республикада яшаётган ҳамма ҳалкларнинг маънавий бойлигини тиклаш ва уни янада ривожлантириш республика испоҳотларининг асосий устуворларидан бири бўлиб, республикада бозор муносабатларини осойишталикда амалга оширишда асосий омиллардан бири сифатида фойдаланилди.

### **Республика жамиятини демократлаштириш**

Замонавий давлат маданийлаштирилган, цивилизациялашган, демократлашган бўлиши лозим. Бозор муносабатларининг шаклланниши табиий ҳолда жамиятни демократлаштиришни талаб этади.

И.А. Каримов ўзларининг маъруза, нутқларида республика мустақиллигидан отдинги даврда бозор муносабатларини шакллантириш, бозор иқтисодиётини барпо этишда жамиятни демократлаштиришнинг объектив зарурлиги ва уни амалга ошириш йўналишлари, демократиянинг максади, йўналтирилганлиги тўғрисида бир катор фикр-мулоҳазаларни изҳор этди ва республика мустақиллика эришгандан кейин бу борада яна янги хуласа, тавсия, кўрсатмалар бердилар.

Маълумки, жамиятни демократлаш кўп йўналишларда амал оширилади. Бу давлат билан диний ташкилотлар ўртасида алокаларни такомиллаштириш, жамиятда кўп партияликка ва ҳозир хил шаклда бўлган ижтиёйиҳи харакатлар фаолиятига рухсат бериш ва жамиятнинг ривожланишида нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш кабилардир.

Шу сабабли И.А. Каримовнинг асарларида, нуткларида республика ислоҳотларининг асосий устуворларидан бири сифати жамиятни демократлаштириш асослаб берилган. И.А. Каримовни бу борада фикр – мулоҳазалари қўйидагилардан иборат:

«Мустакил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканми ислом динини албатта назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, мътиавий кадриятларимизга, кишилар онги ўзининг ўчмас муҳрини босган. Худога карши курашганларни аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуринкор йўли ярамайди».

«Бизнинг жамиятимизда турли партиялар ва харакатларни пайдо бўлаётгани ижобий ҳол. Қараашларнинг ранг-баранглиги тўри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси гоя инсоний бўла одамларга фойдаси тегса, ўша гоя жамиятга керак. ...

Айни замонда, мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билди ағдарини мақсад килиб олган партия ва харакатлар, шуни анъана айтишимиз керак, тақиқлаб қўйилиши керак. Республика чегарлари дахлизлиги ва хавфсизлигига карши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллӣ ва диний низоларни тарғиб этувчи демократик эркинликлар ва халқ мътиавий асосларига тажовъ этувчи хар қандай партия ва жамоат харакатлари қонунга хилсеб деб эътон қилиниши шарт».

«Дин одамзодин хеч качон ёмон йўлга бошламайди. Дин ё дунёни ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини, ҳушёр бўлишга, харом йўллардан узок юришга, яхши бўлишга яхши из қолдиришга унданб туради».

«Айни замонда биз дин пешволарига ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирум очиман: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузуб, ҳокимият талашиб юришлар худога ҳам ёқмайди».

«Дин пешволарига яна бир илтимосимиз бор. Уламолар сафи турли бақироқлар, куни кеча партбилетни кўтариб райкомга юрган, бугун саллани қийшик ўраб масjidга йўргалаган бебур

кимсалар адашиб кириб колмасин. Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирумайди».

И.А. Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар, Асарлар тўплами, 1-жилд, Тошкент, 1996, 12, 16, 17, 26-27,27 б.

«Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу – мустақил, демократик, ҳукукий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва ёркинилистиарини таъминлаб берадиган давлатдир».

И.А. Каримов давлат томонидан бу вазифаларни бажариш учун амалга ошириладиган чора-тадбирларни ҳам аниқлаб бердилар<sup>1</sup>. Бу:

Сиёсий соҳада:

- ҳалкнинг манфаатларига мос келадиган ҳакиқий демократия принципларини қарор топтиради;
- конун чиқарувчи, ижро қиливчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида давлатчиликни барни этади;
- барча фуқароларнинг қонун олдидағи ҳукукий тенгтигини ва қонун устуворлигини таъминтайди;
- Ўзбекистондаги фуқароларни республиканизмнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рӯёбга чиқаради;
- озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиласди;
- биронта ҳам мафкура мутлак ҳақиқатни билишга даъво қилимаслигини таъминтайди;
- чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўп partiyaликни амалга оширади.

Иқтисодий соҳада:

- миллий бойикларнинг кўпайишини, республика мустақиллигини, аҳолининг юкори турмуш даражасини таъминловчи иктисолётни барпо этади;
- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичмабосқич шакллантиради;
- мулк эгалари ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоялайди; корхона ва ташкилотлар мустақиллигини кенгайтиради;

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараюниси йўли. Асарлар тўплами, 1-жилд, Тошкент, 1996, 44-49 б.

- фуқароларнинг турмуши учун тегишли шарт-шароитларни барло этади;
- табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этади.

#### Ижтимоий ва маънавий соҳада:

- инсонпарварлик гояларига содикликни амалга оширади;
- маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклайди;
- республика худудларида яшовчи ҳалқларнинг миллый маданийти ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлишни ташкил қиласди;
- ҳурфийлик, виждан ва дин эркинлиги қондадарини амалга оширади;
- ижтимоий адолат қондадарини рӯёбга чиқаради;
- ҳамма учун маъқул сифатли тиббий хизматларни амалга оширади;
- янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиб, уни амалга оширади;
- ижоднинг барча турларини ривожлантиради.

«Хўш, бугунги кунда, биз борпо этаётган янги жамиятда давлат ва дин муносабатлари кандай асосда курилиши лозим?

Бу масала Конституциямизда очик-ойдин ифода этилган. Яъни республикамизда дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштириш тақозо этилади ..

Давлатнинг иши-давлатники, диннинг иши-динники бўлиши лозим».

И.А. Каримов, Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич. Асарлар тўплами, 2-жилд, Тошкент, 1996, 197-198 б.

«Мамлакат ташкарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини ҳалқимиз учун мукаддас қадрият эканидан фойдаланиб. Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилоқдалар».

И.А. Каримов, Ўзбекистон XXI асрга интилоқда, Асарлар тўплами, 7-жилд, Тошкент, 1999, 376 б.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, тавсиялардан кўриниб турибдики, И.А. Каримов республика жамиятини демократ-

лаштириш жараённинг объектив зарурлигини, унинг моҳияти, амалга ошириш йўналишларини ва жараённинг устувор сифатида республикада бозор муносабатларини шакллантиришдаги ролини ҳар томонлама кўрсатиб бердилар.

«Матбуот эркинлиги нуқтаи назаридан қараганда, инсон хуқуқлари билан боғлиқ масалаларда биз ҳали ўзимиз интилаётган демократик меъёрларга етишмаганимизни ҳам эътироф этаман....

Ўзбекистонда барча демократик меъёрларга мос келадиган матбуот эркинлиги йўқ, деб гапиришса, мен уларга тўғри, ҳакиқатан ҳам шундай, мен бу фикрга қўшиламан, – деб жавоб қиласман. Бироқ биз бунга интилятмиз, бундай демократик меъёрларга эришиш бизнинг мақсадимиздир. Бу масалада мен бошбошдоқликни тан олмайман ва бунга йўл қўймайман ҳам. бошбошдоқлик қон тўкилишига, вайронгарчиликка олиб келади. Буни тушуниш учун атрофга назар солиш кифоя».

И.А. Каримов, Ислоҳотимиз тамойиллари, Асарлар тўплами, З-жилд. Тошкент, 1996, 136-137 б.

«Ўйлайманки, бу ҳеч кимга сир эмас ҳар қандай партия ва ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлиши, авваламбор, шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, аҳолининг, ижтимоий-сиёсий груҳ ва қатламларининг хоҳиш-иродаси, интилишлари билан чамбарчас боғлиқдир».

И.А. Каримов, Тадбиркорлар ва ишбилармоянлар ижтимоий катлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим, Асарлар тўплами. 12-жилд. Тошкент, 2004, 14-15 б.

Кўриниб турибдики, И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида, тавсияларида республика жамиятини демократлаштириш йўналишларини асослаб бериш билан бирга уларни жамият ривожланишидаги моҳияти, тутган ўрни ва уларни ташкил этиш, амалга ошириш йўллари аниклаб берилган.

### **Республика миллий валютасини барпо этиш ва унинг конвертациясини таъминлаш**

Маълумки, миллий валюта давлатнинг мустақиллиги омилидир. Миллий валюта бошқа мамлакатлар билан мустақил равишда

иқтисодий алоқаларни шакллантириш шарт-шароитидир. Давлатлар фаолиятида миллий валюталар барпо этилиши ёки, барпо этилмаслиги мумкин. Давлатлар бошқа мамлакатлар валюталидан фойдаланиши мумкин. Лекин миллий валютанинг барпо этилиши унинг конвертациясини таъминлаш давлатнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллиги рамзи ва унинг мустақил равишда социал-иқтисодий тараккиётининг асосий омилларидан, шарт-шароитларидан биридир.

Шу сабабли И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида миллий валютанинг барпо этилиши, унинг конвертациясини таъминланиши республикада бозор муносабатлари шаклланишининг асосий устуворларидан бири бўлишини асослаб бердилар. Бу борада И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазалари юйидагилар:

«Энди яна рубль масаласи. Бизнинг ўз валютамиз бўладими ёки йўқми деган савони кўп эшитамиш. Ҳаммангизга маълум: пул зарб этадиган дастгоҳ Россияда. Мен илгари ҳам МДҲда тенглик бўлмоғи учун пул дастгоҳи ва банк системаси ҳаммага бирдек қарashi керак, деб айтган эдим. Нега деганда: нима учун қадрсизланган рублни ҳам тилаб, ҳам тиз чўкиб сўрашимиз керак? Бу қанака мустақил давлат?! Шу нутқан назардан қараганда агар бизларнинг таклифларимиз ўтмаса, инобатга олинмаса ўз валютамизни зарб этишимиз шарт, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, миллий валюта давлат мустақиллигининг асосий белгиси ҳисобланади».

И.А. Каримов, Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар, Асарлар тўплами, 1-жилд, Тошкент, 1996, 22 б.

«Холбуки, мустақил давлат бошқа давлатлардан айри тарзда иқтисодий ҳур бўлиши учун ўз пулига, ўзининг миллий валюtasига эга бўлмоғи керак. Бу иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан биридир...

Яна тақрорлайман: истиқолимизни мустаҳкамлаш, уни барка-рор иқтисодий йўлга солишимиз учун албатта миллий пулимизни чиқаришимиз керак...

Янги валютага ўтиш-инқилоб билан баробардир».

И.А. Каримов, Янги валютага ўтиш инқилоб билан баробардир, Асарлар тўплами, 1-жилд. Тошкент, 1996, 220, 221, 22 66.

«Макроиктисодиётни баркарорлаштириш билан бир қаторда миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг жорий ва тўла алмашадиган бўлишига эришиш келгуси йилдаги бизнинг биринчи ва асосий вазифамиздир. Аслини олганда, бу иқтисодий вазифагина эмас, ҳозирги пайтда ижтимоий – сиёсий аҳамиятга молик вазифага айланмоқда, чунки иқтисодиётнинг юксалиши ҳам, аҳоли турмуш даражаси ҳам, давлатнинг обрў-эътибори ҳам шу вазифанинг ба-жарилишига боғлиқ...

«Миллий валютамизни мустаҳкамлаш ва уни эркин муомаладаги қувватини ошириш иккинчи устувор вазифа – пул қадрсизланишини кескин равишда камайтириш билан бевосита боғлиқдир».

И.А. Каримов, Бунёдкорлик – фаровон ҳаёт асоси, Асарлар тўплами, 4-жилд, Тошкент 1996, 168-170 б.

«Ўзбекистон Республикасининг миллий пул бирлигини муоммалаға киритиш тўғрисидаги масала алоҳида эътиборга моликдир».

«Ўзбекистоннинг рубль минтақасида бундан буён ҳам бўлиб туриши зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини тақозо этувчи талайгина бошқа муҳим сабаблар мавжуд».

И.А. Каримов, Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, Асарлар тўплами, 1-жилд, Тошкент, 1996, 352 б.

«Иқтисодиёт баркарорлигининг ўзига хос кўрсаткичи, белгилантан ислоҳотларни муваффакиятли амалга оширишининг асосий мезони бўлган ўз валютамизни мустаҳкамлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнингни эмас, балки ижтимоий ислоҳотларнинг ҳам энг устувор йўналишидир. Қачон миллий валюта кучли ва обрўли бўлса, иқтисодиёт ўшандагина мустаҳкам бўлади....

Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустакиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир...

Бугун энг муҳим вазифа-валютамизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак кийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим».

И.А. Каримов, Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида, Тошкент, 1995, 176,217,218 б.

И.А. Каримовнинг фикр-мулоҳазаларида миллий валютанинг мөхияти, иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли, республика миллий валютасининг барпо этилиш сабаблари, унинг амалга оширилиш жараёни, миллий валютани конвертация қилиш муаммолари ўз ифодасини топган.

Юқорида кўрилган устувор муаммолардан ташқари И.А. Каримовнинг асарларида ва маърузаларида республика табиий бойникларидан унинг эҳтиёжлари учун фойдаланиш, хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларни бевосита республика номидан олиб бориш, ҳар хил шаклдаги мулкларни барпо этиш ва уларни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни барпо этиш, Ўзбекистон Республикасининг ташки ва ички сиёсати мазмуни сифатида Республикада мустақил, демократик ва адолатли давлат, фуқаролик жамиятини қуриш, социал йўналтирилган кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш ва ҳоказо устувор муаммолар тўғрисида ҳам аниқ фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Улар ҳам эътиборга олиниб, амалга оширилмоқда ва улар республиканинг социал-иктисодий тараққиётида катта аҳамиятга эга.

Шундай қилиб:

1. И.А. Каримовнинг нутқ, маъруза ва маҳсус ёзилган, чоп этилган асарларида республиканинг мустақилликдан олдинги даврдаги ҳолати, уни бозор муносабатларига ўтиш йўли билан тубдан ўзгартиришнинг объектив зарурлиги ва бу ўзгартиришларни амалга ошириш мақсадида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш зарурияти тасдиқлаб берилган.

2. Республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида тегишли иқтисодий ислоҳотларнинг назарий асосларини, бу иқтисодий ислоҳотларнинг асосий негизини ташкил қилувчи тамойил ва устуворларни асослаб бердилар.

3. Республикада бу тамойил ва устуворларга асосланиб республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш иқтисодий ислоҳотлари – «ўзбек модели» ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

4. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар маълумки, ижобий натижалар бермоқда. Демак, И.А. Каримов томондан ишлаб чиқилган, асослаб берилган тамойил ва устуворларнинг назарий, амалий асосланганлиги, ҳайтийлиги тасдиқланмоқда.

И.А. Каримов тасдиқлайдиларки: «Ўзбекистон ўзининг истиқолол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворларини, принципларини ва йўналишларини аниқлаб олди.»<sup>1</sup>

## 2.8. «Ўзбек модели» нинг шаклланиш босқичлари

Маълумки иттифоқда 1987 йили ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўtkазиш зарурияти тан олниди ва юқорида кўрилгандек, керакли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бозор муносабатларига ўтиш дастурлари тузилди. Муҳокама килинди, лекин расмий равиша улар тасдиқланмади.

Ўзбекистонда ҳам бу ишлар И.А. Каримов раҳбарлигига бошлаб юборилди ва республикада «Ўзбекистон ҳалқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига кириш принциплари» номи билан республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўtkазиш Даствури ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрда умумхалиқ муҳокамаси учун республиканинг ҳамма рўзномаларида чоп этилди. Дастур 1990 йил октябрь ойининг охирида Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида тасдиқланди.

Қабул қилинган дастур қуйидаги бўлимлардан иборат эди:

- кириш қисми;
- бозор муносабатларига ўтишнинг замини, шарт-шароитлари;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини давлат томонидан ҳимоялаш;
- бозор муносабатларининг шаклланиш босқичлари;
- бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини социал ҳимоя қилишнинг давлат механизми;
- давлат иқтисодий ричаглар тизимини қайтадан қуриш;
- бозор муносабатларини ривожлантириш;
- республиканинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнини ташкилий-хуқуқий таъминлаш;
- бозор муносабатларига ўтиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993, 126 б.

Дастурда авваламбор, республика иктисодиётининг 80-йилларнинг охири даврдаги вазияти, ҳолати ҳар томонлама ифодаланиб тъкидландики:

- республика ижтимоий ишлаб чиқаришин ривожлантиришда асосан экстенсив йўлдан фойдаланди, натижада миллий даромаднинг ўсиши асосан моддий ишлаб чиқаришга кўшимча меҳнат ресурсларини жалб қилиш йўли билан амалга оширилди;
- республика иктисодиёти комплекс равишда ривожлантирилмади;
- республикада ишчи кучларини жойлаштиришда, ривожлантиришда республика манфаатлари деярли эътиборга олинмади;
- қишлоқ хўжалигини нотўғри кимёлаш ва пахтанинг якка ҳукмронлиги амалга оширилди, натижада республикада оғир экологик вазият барпо этилди;
- ҳалқ хўжалигидаги асосий воситаларнинг янгиланиши паст суръатларда олиб борилиб, натижада корхона ва ташкилотларда фойдаланилаётган асосий воситалар ҳам жисмоний, ҳам маънавий ҳаддан ташқари эскирди;
- республикада социал ривожланиш суръатлари ҳаддан ташқари паст бўлган.

Шундай қилиб, республика 80-йилларнинг охири даврида иктисодий инқирозга учраш арафасида бўлган. Демак, республикада вазият тубдан ўзгартирилиши лозим эди. Бунинг учун бозор муносабатлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эди.

Шу мақсадда тузилган ва қабул қилинган дастурда тъкидландики, бозор муносабатларига ўтиш даврида республикада шаклланган аҳоли турмуш даражасини максимал ҳолда сақлаб қолиб, бозор муносабатларининг салбий таъсиридан республика аҳолисини, айниқса кам таъминланган аҳоли қатламларини социал ҳимоя килинши давлат томонидан кафолатлашни амалга ошириш кўзда тутилди.

Республиканинг 1990 йилда бозор муносабатларига ўтиш борасидаги дастури қўйидаги принципиал хусусиятларга асосланган эди:

- Ўзбекистон Республикасининг истиқболи, унинг иктисодиётининг келгусидаги тараққиёти иттифоқ билан боғлиқ бўлиб унинг таркибида бўлган ҳолда амалга оширилади.
- лекин Ўзбекистон янгиланган иттифоқ таркибида мустақил давлат сифатида фаолият кечиради.

– И.А. Каримов таъкидлаган эдиларки. Ўзбекистон ўзгартирилган иттифоқ таркибида қолиб, ўзининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига эга бўлиш мақсадида эди.

Демак республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш жараёни республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига етишиш билан бирга амалга оширилади.

Юкорида қайд этилган хусусиятларни зътиборга олиб, республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш дастурида кўйилган мақсад: бу иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида – республикада иқтисодий, социал, демографик ва илмий-технологик ҳолатни барқарорлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичида республикада асосий ишлаб чиқариш тармоқларини жаҳон фан-техника технология таракқиёти даражасига кўтариш.

Бу мақсад оғир ва мураккаб бўлиб, уни амалга ошириш кўп киррали, ҳар томонлама асосланган иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиб, уни амалга оширишни талаб этади.

Республика дастурида бу ишлаб чиқиладиган иқтисодий ислоҳотларнинг асоси сифатида И.А. Каримовнинг нуткларида аниқлаб берилган қўйидаги тамойил ва устуворлар қабул қилинган:

**Тамойил:** давлат томонидан республика аҳолисини бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида кучли социал сиёсатни амалга ошириш.

Бу тамойил республика иқтисодий ислоҳотларининг беш тамойилларидан бири бўлиб, у республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги биринчи дастурни тузишда қабул қилинган эди.

**Биринчи дастурни тузишда қабул қилинган устуворлар:**

– республика фуқароларини жипслаштириш ва ўзбек халқининг ўз-ўзини миллий англашини ва маънавиятини тиклаш;

– бошқа иттифоқдош республикалар билан иқтисодий алоқаларни тенг ҳуқуқликка асослаш, марказ билан иқтисодий алоқаларни иттифоқдош шартномага биноан ўзгартириш;

– халқ хўжалигига бошқарувнинг янги тизимини шакллантириш;

– бозорни тартибга солиш янги иқтисодий ричагларини шакллантириш;

– мулкчилик муносабатларини ўзгартириш ва ҳар хил шаклдаги мулкларни шакллантириш;

- бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларни бевосита Республика номидан олиб бориши;
- Республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш;
- Республика халқ хўжалигини бозор мұносабатларига ўтказишни ташкилий-хукукий таъминлаш.

Республика дастурида қуйидаги асосий, социал-иктисодий мұаммоларнинг ечилиши күзда тутилған.

### **Республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш**

Ўзбекистон иттифоқ ҳукуматига қуйидаги ваколатларни тақдим этади:

- иттифоқдош давлатларнинг ташқи чегараларини аниклаш ва уларни ҳимоя қилиш;
- мамлакатнинг иқтисодий, социал ривожланишини прогнозлаш, бутун иттифоқ максадлы дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва иттифоқдош республикалар билан келишилган пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга ошириш;
- ягона божхона тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва иттифоқ бозори ҳимоясини таъминлаш;
- иттифоқдош республикалар билан келишилган ҳолда стратегик ҳом ашё маҳсулотларига нарх-наволарни тартибга солиши;
- иттифоқдош республикаларни социал-иктисодий ривожланиш даражасини баробарлаш ва бутун иттифоқ бозорини ташкил қилиш ва фаолият олиб бориши принципларини аниклаш;
- фундаментал илмий-текшириш ишларини бошқариш, мудофаа дастурлари, атом әнергетикаси, магистрал темир йўл, коинот тизимларига, бутун иттифоқдош алоқа тизими ва бошқа дастурларни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- иттифоқдош республикалар билан келишилган ҳолда хорижий мамлакатларга карз бериш, улардан карз олиш муаммоларини амалга ошириш;
- иттифоқдош давлат чегаларини ҳимоя қилиш, куролли кучларга, разведка, чегара қўшинларга раҳбарлик қилиш ва керак бўлганда бошқа давлатларга нисбатан уруш эълон қилиш;
- республикаларро келишмовчиликларни бартараф этиш.

Шу билан бирга дастурда Республика мустақиллигини амалга ошириш йўналишлари кўрсатиб берилған. Улар қуйидагилардан иборат:

– тиллага нарх-наволарни жаҳон бозорларида шаклланган нархларга биноан аниқлаш;

– республикада қазиб олинган тилланинг 65 фоизи республикада заргарлик маҳсулотларига айлантирилади ва уни соттандан тушган тушум эркин конвертацияланган валюта сифатида республикага берилади;

– пахта-толага бўлган давлат буюртмаси унинг ишлаб чиқарилган ҳажмидан 40 фоиздан ошмасдан, кейинчанлик республика бутун ишлаб чиқарилган пахтани мустакил эркин нархларда сотади.

Давлат буюртмаси асосида сотилган пахтага жавобан республика эҳтиёжини таъминлаш учун гўшт, сут маҳсулотлари, шакар ва бошқа маҳсулотлар республикага жўнатилади:

– республика социал-иктисодий даражасини бошқа иттифоқдош республикалар билан баробарлаш мақсадида иттифоқ регионага ривожланиш фондидан 55-60 млрд. рубл маблағлар ажратади;

– иттифоқ бюджети ҳисобидан Орол денгизи бўйи экологик фожиа натижаларини, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, социал инфратузилмасини шакллантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар амалга оширилади.

### **Бошқарув тизимини такомиллаштириш**

Бошқарув тизимини такомиллаштириш жараёнини республикада умуман амалга оширилаётган иктиносидий ислоҳотларга биноан олиб бориб:

– янги хўжалик юритиш тизимини шакллантирмасдан эски хўжалик юритиш тизимидан воз кечмаслик;

– ишлаб чиқариш уюшмаларига, корхона ва ташкилотларга мустакил равишда хоҳлаган ассоциация, концерн, акциядорлар жамиятларига кириш ҳуқуқини бериш;

– хўжалик юритувчи ишлаб чиқариш субъектлари билан юқори ташкилотлар ўртасида иктиносидий алоқаларни хўжалик ҳисоби принципларига асослаб давлат томонидан хўжалик субъектларига фан-техника тараққиётидан фойдаланиш бўйича имкониятлар барпо этиш, кадрлар тайёрлаш, моддий ресурслар билан таъминлаш эвазига юқори ташкилотларга хўжалик субъектлари даромадларидан бир қисмини ажратиш;

– тасдиқланган тармоқлар бўйича хўжалик субъектларига вазирликлар, идоралар хузуридан чиқиб, ўз фаолиятини давлат мол-

мулкин базасида ижара мунисабатларыда олиб бориш хукукини бериш;

– республика иқтисодиётида иттифоқдош, республика, муниципал, жамоа, хусусий чет эл капиталига асосланган ассоциация, акциядорлар жамиятти шаклидаги мулкларга асосланган уюшмарни шакллантириш;

– бозорни ташкиз этиши, уни тартибга солиш, уни бошқариш тизимини, бошқарув иқтисодий методларини шакллантириш;

– халқ хўжалитигининг асосий тармоқларида, соҳаларида бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида куйидаги халқ хўжалиги комплексларини шакллантириш:

а) халқ истеъмол модлари ва хизматларни ишлаб чиқариш комплекси;

б) оғир саноат комплекси;

в) агросаноат комплекси;

г) курилиш комплекси;

д) транспорт ва алоқа комплекси;

е) умуниқтисодий органлари ва банк тизими.

## **Ташки иқтисодий алоқаларда республика мустақиллиги**

Ташки иқтисодий алоқаларни республика мустақиллигига амалга ошириш куйидаги мустақил ташки иқтисодий стратегик сиёsatни ифодалашни лозим эди:

– саноат, экспорт базиси асосини барпо этиш учун енгил, озиқовқат, маҳаллӣ саноат, машинасозлик, кимё, рангли metallurgия тармоқлари учун импорт килинадиган маҳсулотларни якка ҳукмронликдан чиқариш;

– туризм инфраструктурунин ривожлантириш;

– қўшма кархоналарни, авваламбор асосий саоат тармоқларида, кейинчалик савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил қилиш;

– эркин тадбиркорлик зоналарни барпо этиш;

– хом ашё экспортидан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш учун республикада куйидагиларни ўз таркибига оладиган мустақил «ташки ботор» дастурни ишлаб чиқиши:

– ташки иқтисодий алоқаларга бошқарувлик тизимини такомиллаштириш;

– ташки иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларини аниклаш;

- кўшма корхоналарни оптимал равишда жойлаштириш;
- ўзини-ўзи молиялаштириш восита механизмини ишлаб чиқиши;
- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг ташки иқтисодий воказатхоналарини ташкил килиш;
- ҳамкорликни ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг устувор регионларини аниклаш.

Ўзбекистон ташки иқтисодий алокаларини амалга оширишда, хорижий давлатлар билан савдо шартномалари тузишда, кредит-молия муносабатларини олиб боришида, қарзлар олиш, қарзлар бериш шартномаларни тузишда, ташки иқтисодий фаолиятни сугурталашда, қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишда мустакил давлат сифатида фаолият олиб боради.

Республикадан экспорт қилинган товар, маҳсулотлар учун тушумлар бевосита товар ва маҳсулот сотувчилар-корхоналар, ташкилотлар счетларига тусирилади, улар ўз навбатида қабул қилинган меъёрларга биноан тушумнинг бир қисмини маҳаллий бюджет органларга ўtkазади, улар республика бюджет органларига, республика бюджет органлари – иттифоқ бюджет органларига ўtkазишади.

### **Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат механизми**

Бозор муносабатларига ўтиш дастурида давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бозор муносабатлари шаклланиши, ривожланиши жараёнида амалга оширилиб, унда бозор муносабатларининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини олдини олишни кўзда тутади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат механизмида чоратадбирлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- пенсия билан таъминлашни, стипендия тўлашни, кам таъминланган ва болали оиласаларга нафака беришни давлат томонидан кафолатлаш;
- нарх-наво кўтарилиши билан аҳоли даромадларини индексация қилиб, аҳоли даромадларининг номинал даражасини саклаб туриш;
- республиканинг бутун аҳолисига меҳнатга, дам олишга, уйжойга, пулсиз таълим ва тиббий хизматлар олиш ҳукукини кафолатлаш;

- ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш шароитлари билан боғлиқ имтиёзларни таъминлаш;
- иқтисодий фаолиятга, тадбиркорликка эркинлик бериш;
- мулкка эга бўлишга, ундан даромад олишга хукуқ бериш;
- ишсизларга нафака бериш, ишсизларни камайтириш мақсадида жамоа ишларини ташкил этиш.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш учун республикада минимал эҳтиёжни қоплаш мақсадида минимал истеъмол бюджети ишлаб чиқилади, аҳолининг меҳнат билан бандлик дастури тузилади, таълим ва соғлиқни сақлашни молиязаштириш такомиллаштирилади, республика меҳнат бозори барто этилади, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилади, меҳнатга ҳақ тўлаш минимал истеъмол бюджет даражасини эътиборга олган ҳолда давлат томонидан кафолатланади, аҳоли даромадлари индексация қилингандага «истеъмол саватига» кирувчи товар, маҳсулотлар қиймати эътиборга олинади.

### **Истеъмол маҳсулотлари бозорини ҳимоя қилиш**

Истеъмол маҳсулотлар бозорини ҳимоя қилиб, республика аҳолисини товар, маҳсулотлар билан таъминлашда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган:

- бозор муносабатларига ўтиш даврида товар, маҳсулотларга давлат буюртмалари сакланиб, давлат буюртмалари давлат томонидан моддий ресурслар билан таъминланади;
- истеъмол товар, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхона, ташкилотларни соликдан озод қилиш, солик ставкаларини пасайтириш, имтиёзли кредитлар бериш йўллари билан рағбатлантирилади;
- фавқулодда вазиятларда фойдаланиш учун истеъмол товар, маҳсулотлари бўйича республика давлат захиралар фондни ташкил этилади;
- ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида истеъмол товар, маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар биринчи галда давлат тасарруфидан чиқарилади;
- товар биржалари, ярмаркалар ташкил этилади;
- истеъмол товар, маҳсулотларга нарх-наво эркинлаштирилади.

### **Аҳоли даромадларини индексациялаш**

Бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолининг меҳнат билан бандлиги, уларнинг турмуш даражаси каби муаммолар мураккаб-

лашган шароитда амалга оширилади. Шу сабабли аҳолини бозор муносабатларининг салбий таъсирларидан химоя қилиш, аҳоли даромадларини индексация қилиш долзарб муаммоларга айланади.

Аҳоли даромадларини индексация қилиш учун хўжалик хисобидаги корхона ва ташкилотларнинг даромадлари ва давлат бюджети маблағлари хисобидан амалга ошириш кўзда тутилган.

Аҳоли даромадларини индексация қилиш асоси сифатида бир гурӯҳ индикатор кўрсаткичлар қабул қилинган. Бу ишсизлар сони, нарх-наво динамикаси, инфляция даражаси, ўсиш суръатлари, мамлакатда нақд пулларни товар, маҳсулотлар билан таъминланганиги, реал даромадлар, иш ҳажи даражаси ва уларнинг ўзгариш кўрсаткичлари қабул қилинган эди.

Аҳоли даромадларини индексация қилиш мақсади аҳоли пул даромадларининг реал мазмунини, даражасини давлат томонидан тасдиқланган, социал кафолатланган даражада саклаб қолишдан иборат бўлган.

## **Давлат иқтисодий ричаглари тизимини қайтадан қуриш**

Давлатнинг иқтисодий ричагларини: молия, кредит, пул мумомлассини такомиллаштиришдан мақсад – давлат бюджети танқислигини бартараф этиш, нарх-наво сиёсатини бозор муносабатларига мослаш, давлат томонидан корхона ва ташкилотларга бериладиган дотация ва субсидияларни камайтириш, солик тизимини такомиллаштириш, икки табақали банк тизимини шакллантириш, тижорат банкларини ташкил этиш, нақд пул эмиссияси тизимини такомиллаштириш, молиявий бозор, валюта биржаларни ташкил қилиш ва бюджетни давлат иқтисодий сиёсатининг асосий дастурига айлантириш.

## **Нарх-наво сиёсатини такомиллаштириш**

Дастурда давлат томонидан тасдиқланадиган нархлар билан бирга эркин нархлардан кенг фойдаланиш кўзда тутилади.

Давлат томонидан аниқланадиган прейскурант нархлар аҳоли турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий истеъмол ва ноистеъмол товар маҳсулотларига сакланади.

Бошқа товар, маҳсулотларга тартибга солинадиган нархлар аниқланади. Улар ишлаб чиқарувчилар, савдо ташкилотлари билан

келишилган ҳолда аҳоли томонидан юқори талабга эга бўлган товар, маҳсулотларга аникланади.

Эркин чакана нархлар эса чегараланган товар, маҳсулотлар гурухига аникланиб, истеъмол товарлар бозорини товар, маҳсулотлар билан таъминланишига қараб, бу чегара кенгайтирилади.

Давлат буюртмасига кирмайдиган, товар, маҳсулотларнинг бир қисмига ва якка ҳукмрон корхоналарнинг маҳсулотларига давлат ва унинг маҷаллий органлари томонидан тартибга солиш тадбирлари сакланади.

### **Таркибий ва инвестицион сиёсат**

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоний ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш табиий ҳол. Республика дастурида ҳалқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш учун қисқа, ўрта ва узок муддатли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу борада амалга ошириладиган чора-тадбирлар қуйидаги вазифаларни бажаришга багишлиланган:

- ҳалқ хўжалиги таркибида шаклланган юқори самарали тармокларни саклаб, уларни янада ривожлантириш;
- республика эҳтиёжидан ортиқча барпо этилган ишлаб чиқариш кучларидан воз кечиш ва уларни бошка маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаш;
- кўп сув, кўп энергия талаб қиласидиган ишлаб чиқариш тармоклари салмоғини камайтириш;
- кўп меҳнат, кам фондлар сарфини талаб қилувчи тармокларни юқори суръатларда ривожлантириш;
- мудофаа ишлаб чиқариш комплексини конвенция қилиш;
- кенг миқёсда кичик ва ўрта корхоналарни ташкия этиш ва уларни юқори суръатларда ривожлантириш.

Бу вазифаларни бажариш учун республика дастурида ҳар томонлама асосланган, қисқа, ўрта, узок муддатли давлат инвестицион сиёсати амалга оширилиши кўзда тутилган.

### **Мулкчилик ва хўжалик юритиши шаклларини ривожлантириш**

Маълумки, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш пировардида кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо

этишга олиб келади. Буни амалга оширишни корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнисиз фараз қилиш ҳам мумкин эмас.

Шу сабабли республика дастурида бу жараён ўз ифодасини топган.

Республикада ишлаб чиқилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тизими қуйидаги хусусиятларга эга:

– ҳалқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида бир пайтда йирик, ўрта, кичик корхона, ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш;

– шу билан бирга республика миллӣ бойлигининг бир қисми давлат мулки шаклида сақланади;

– давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш республика қонун-қоидаларига биноан ўtkазилиб, қуйидаги принципларга асосланади:

1. Аҳоли томонидан жамоа назоратини амалга ошириш.

2. Мехнат коллективлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат мол-мулкини ихтиёрий равишда сотиб олиш ёки ижарага олиш.

3. Чиқарилган акциялар таркибида корхона меҳнат коллективлари манфаатларининг устувор бўлишини таъминлаш.

4. Корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқаришда, хусусийлаштиришда республика ва маҳаллий органларнинг манфаатларини кўзда тутиш.

5. Давлат тасарруфидан чиқарилган, хусусийлаштирилган корхоналарда бошқарувчилик ва мулкчилик функцияларини алоҳида амалга ошириш.

6. Якка хукмронликни бартараф этишга интилиш.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган, хусусийлаштирилдиган корхона ва ташкилотлар сотилиши, ижарага берилиши, текинга берилиши, акциядорлар жамиятларига айлантирилиши мумкин.

Республиканинг дастурида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш босқичлари, амалга ошириш шакллари, соҳалари асослаб берилган.

Республика дастурида пировардида республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказишнинг, иктисадий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий босқичлари асослаб берилган. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

– иқтисодиётни барқарорлашдаги фавқулодда чора-тадбирларинг биринчи босқичи (1990-1992 йиллар). Бу босқичда иқтисодий ислоҳотларнинг хуқуқий базасини барпо этиш, халқ хўжалигини барқарорлаш, республика мустақиллигини таъминлаш, халқ хўжалиги бошқарувлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлар амалга оширилиши керак эди;

– бозор иқтисодиётининг асосий элементларига ўтиш босқичи (1993-1994 йиллар). Бу босқичда нарх-наво сиёсатини ўзгартириш, республика аҳолисини меҳнат билан таъминлаш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини барпо этиш, халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш вазифалари кўйилган эди;

– бозор механизмларини ҳар томонлама ривожлантириш босқичи (1995-1996 йиллар). Бу босқичда бозорлар тизимини шакллантириш, бозорни барқарорлаш, бозор муносабатларини чегара-лашни камайтириш, бутунитифоқ дастурларини амалга ошириш, иқтисодиётни моддий – молия баланслаштириш, халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш ва ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш.

Кўриниб турибдики. Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинmasдан олдин ҳар томонлама асосланган бозор муносабатларига ўтиш дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Лекин Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан кейин республика социал-иқтисодий ривожланиш шароитлари тубдан ўзгариб кетди ва республиканинг келгуси ривожланишида бозор муносабатларига ўтиш учун янги шарт-шароитларни эътиборга олиб 1990 йили қабул қилинган дастурни такомиллаштириш, қайтадан тузиш объектив зарурятга айланди ва у амалга оширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бозор муносабатларига ўтишдаги «ўзбек модели» қайтадан ишлаб чиқилди.

Республика 1991 йил 1 сентябрдан сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришгандан кейин республиканинг социал-иқтисодий ривожланиш шарт-шароитлари тубдан ўзгарди, уларни эътиборга олиб, республикада бозор муносабатларига ўтиш дастури қайтадан ишлаб чиқилиши, такомиллаштирилиши, бунинг учун дастурни янги мавжуд бўлаётган шарт-шароитларга мослаш керак эди.

Бу муаммони ечиш икки йўналишда амалга оширилди:

Биринчидан, республика мустақиллиги шароитида унинг истиқбол йўлини аниқлаб олиш.

Иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш дастурини такомиллаштириш максадида янги, қўшимча тамойил ва устуворларни зътиборга олиш.

Республика мустақиллика эришгандан кейин унинг келгусидаги истиқболини, социал-иктисодий ривожланиш йўлини аниклашда қўйидаги ўзгаришлар қабул қилинди:

– мустақиллик даврида Ўзбекистон бозор муносабатларидан фойдаланиб Хитой Xалқ Республикаси, Куба, Вьетнам ва Шимолий Корея республикаси сингари режалаштирилган жамиятни куриш давом этиши ёки бошқа собиқ социалистик мамлакатларга, собиқ иттифоқдош республикаларга ўхшаб у жамиятдан воз кечиб, бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиши мумкин эди. Ўзбекистон иккинчи йўл билан ўз истиқболини аниклади, ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқарув тизимга асосланган маъмурӣ режалаштириш социал-иктисодий жамиятдан воз кечиб, хусусий мулкка асосланган, социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлига ўтди;

– бу танланган истиқбол йўлга мосланган ҳолда 1990 йили қабул қилинган республика дастурига қўйидаги ўзгартеришлар киритилди:

1. Бозор муносабатларига асосланган жамият куриш.

2. Кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда мамлакат иқтисодиётида асосий социал-иктисодий уклад сифатида давлат уклади эмас, хусусий уклад бўлишини таъминлаш.

3. Кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсатини бир вақтда ҳамма корхоналарга – кичик, ўрта, йирик корхоналарга нисбатан эмас, бу сиёсатни босқичма-босқич, аста-секин, олдин кичик, кейин ўрта, пировардида йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш йўли билан амалга ошириш.

4. Республика ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақилликка эга бўлиб, ўзининг ички ва ташки сиёсатини мустакил равишда амалга ошириш.

5. Xалқ хўжалигида бошқарув тизими тубдан ўзгартериш максадида тегишли комплексларни ташкил қилиш ўрнига маъмурӣ бошқарув органларидан воз кечиб, бир хил вазирликлар, идораларни саклаб колиб, бошқалари ўрнига бозор муносабатларига

мосланган компания, ассоциация, концерн ва бошқа структураларни ташкил қилиш.

6. Иттифоқ ягона халқ ҳўжалиги комплекси тарқатилиши билан, республика мустақиллигининг дастлабки йилларида рубль юнасида иқтисодий алоқаларни олиб бориб, кейинчалик республика миллий валютасини барпо этиш.

Юқорида таъкидланганидек. И.А. Каримовнинг мустақилликка эришгандан кейинги даврда чоп этилган асарлари, қилинган маъruzаларида бу тегишли тамойил ва устуворлар ишлаб чиқилди, асосланиб берилди. Улар куйидагилардан иборат:

### **Тамойиллар:**

1. Иқтисодиётни мағкурадан батамом холи қилиш. Иқтисодиётни сиёsatдан устунлигини таъминлаш.
2. Давлатнинг бош ислоҳотчилигини таъминлаш.
3. Жамият тараққиётида Конун устуворлигини таъминлаш.
4. Янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич эволюция йўли билан амалга ошириш.

Бу тамойиллар республиканинг биринчи дастурида қабул қилинган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш тамойили билан бирга умуман республика иқтисодий ислоҳотларини бешта тамойилларини ташкил этади.

### **Янги устуворлар:**

- Ўзбекистон Республикаси ташқи ва ички сиёsatининг мазмуни – бу республикада мустакил, демократик, адолатли давлат, фуқаролар жамиятини қуриш;
- собиқ иттифоқдош республикалар билан иқтисодий алоқаларни, ўзаро ижтимоий меҳнатни янгичасига тақсимлашга асослаш;
- бозор иқтисодиёти инфратузилмасини барпо этиш;
- экспортнинг импорт устидан устуворлигини таъминлаш;
- эҳтиёжнинг ишлаб чиқариш устидан устуворлигини таъминлаш;
- республика табиий бойликларидан унинг эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- республика истеъмол моллар бозорини ҳимоя қилиш;

- жамиятни демократлаштириш, ҳар хил партия ва ижтимоий ҳаракатларга рухсат бериш;
- давлат билан дин ташкилотлариаро алоқаларда давлатнинг дин устидан устуворлигини таъминлаш;
- миллий валютани барпо этиш ва унинг конвертациясини таъминлаш.

Бу янги, қўшимча тамойил ва устуворларни ҳам инобатта олиб, бозор муносабатларига ўтиш «ўзбек модели» такомиллаштирилди.

Шундай килиб кўриниб турибдики, И.А. Каримовнинг нутқла-рида, маъruzаларида, маҳсус ёзилган, чоп этилган асарларида рес-публика ҳалқ ҳўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш «ўзбек модели»нинг мазмуни, йўналтирилганлиги, асосий тамойиллари, устуворлари асослаб берилган бўлиб, уларга биноан республикада бозор муносабатларига ўтиш «ўзбек модели» ишлаб чиқилди.

Хориж иқтисодий адабиётларида Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш борасида маҳсус дастур ишлаб чиқылмаган деган фикр-мулоҳазалар учраб турди. Бу фикрларнинг асосизлигини тасдиқлаб, И.А. Каримов 1993 йили таъкидлайдиларки:

«Ўзбекистон ўзининг истиқолол ва таракқиёт» йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг аниқ устуворларини, принциплари ва йўналишларини аниклаб олди ...

Бугунги кунда ижтимоий ислоҳотларнинг барча воситаларини созлаш, уларни тўла ишга тушириш зарур».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Асарлар тўплами. 1-жилд. Тонкент, 1996. 126 б.

## **ИҚТОБА. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Бозор муносабатларига ўтишда «ўзбек модели»ни амалга ошириш босқичлари**

Юқорида кўрилганидек, республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги «ўзбек модели» – иқтисодий ислоҳотлари, бозор муносабатларига ўтиш дастури икки босқичда ишлаб чиқилди: республика мустақиллигидан олдинги 1989-1990 ва республика мустақилликка эришгандан кейинги йиллар.

1989-1990 йилларда «ўзбек модели»нинг асоси И.А. Каримовнинг маъruzаларида барпо этилиб, республика мустақилликка эришгандан кейин у ҳам назарий, ҳам ташкилий томондан Республика Президенти И.А. Каримовнинг маҳсус тайёрланган асарларида ва маъruzаларида бойитилди, такомиллаштирилди ва натижада бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» шакллантирилди.

Иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели» республиканинг бозор муносабатларига ўтиш Дастури тўғрисида гап борар экан, унинг шаклланиш босқичларидан ташқари, уни амалга ошириш босқичларини алоҳида ёритиш зарур. Чунки бозор муносабатларига ўтиш Дастурида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бирин-кетин, ҳар хил қўйилган мақсадлар учун амалга оширилади.

Маълумки, иқтисодий ислоҳотлар кўп киррали бўлиб, комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг хусусияти шундан иборатки, улар орқали бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий – бошқарув тузилмалари билан алмашинувиdir.

Шу сабабли, республика иқтисодий ислоҳотлари янада кўп киррали ва мураккаб бўлганлиги учун улар бир давр мобайнида бирин-кетин, босқичма-босқич амалга оширилиши лозим эди, ва шундай амалга оширилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, республиканинг 1990 йили қабул қилинган дастури уч босқичда амалга оширилиши керак эди. Бу 1990-1992, 1993-1994, 1995-1996 йиллар.

Республика мустақиллиги ўрнатилиши билан 1990 йылда қабул қилинган дастур қайтадан кўриб чиқилди, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш босқичлари ҳам ўзгартирилди, чунки республика социал-иқтисодий ривожланиши шарт-шароитлари тубдан ўзгарди.

И.А. Каримовнинг 1995 йили чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» номли асарида республика иқтисодий ислоҳотларини икки босқичда амалга оширилиши асослаб берилди.

Бу 1990-1995 йиллар ва 1996 йилдан кейинги йиллар.

Республика иқтисодий ислоҳотларининг биринчи босқичининг йўналтирилганлиги бу - «...маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, танглика барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантиришдан иборат»<sup>1</sup> деб аниқлади И.А. Каримов.

Иқтисодий ислоҳотларининг биринчи босқичида республика иқтисодиётини барқарорлаштириш, иқтисодий инқироздан чиқиш мақсадидан келиб чиқиб, қўйндаги вазифалар бажарилди:

- иқтисодий ислоҳотларниң хуқуқий базасини барпо этиш;
- маъмурий бошқарув тизимининг оғир натижаларини бартараф этиш;
- аста-секин корхона, ташкилотларни давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;
- ҳар хил шаклдаги мулкларни барпо этиш;
- ташки иқтисодий алокаларни эркинлаштириш;
- кўп укладли бозор иқтисодиёти асосларини яратиш;
- нарх-навони эркинлаштириш;
- бозор иқтисодиёти инфратузилмаси элементларини шакллантириш;
- республика аҳолисини бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш;
- республика халқларининг маънавий бойлигини тиклаш;
- маъмурий бошқарув тизимидан воз кечиб, бозор муносабатларига мосланган давлатчиликни шакллантириш;
- ҳалқ хўжалиги молиявий ҳолатини яхшилаш;

<sup>1</sup> И.А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» Тошкент, 1995 йил, 19 б.

- миллий валютани барпо этиш;
- корхона ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш;
- рақебатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариб, жаҳон иқтисодий тизимиға кириб бориш;
- республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- молия, солиқ, нарх-наво сиёсатини такомиллаштириш.

И.А. Каримов республика иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичининг амалга оширилишига баҳо бериб шундай деган эдилар: «Биз ислоҳотлар стратегияси ва улар йўлини шаклантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бу – амалга оширилаётган туб ўзгаришлар бошлангич босқичининг асосий натижасидир»

«Биз республикада вужудга келган вазиятга ҳақиқий баҳо берар эканмиз, Ўзбекистон ўз давлатчилик-сиёсий ва моддий қурилишида сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйганини алоҳида таъкидлашга ҳақлимиз».<sup>1</sup>

Республика иқтисодий ислоҳотларининг иккинчи босқичи олдига қўйилган мақсад тўғрисида тўхталиб. И.А. Каримов шундай деган эдилар:

«Хозир республика жамиятни ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичига изчил суръатда қадам қўйди. Иккинчи босқич – бу қонуниятли ва бизнинг бош стратегиямиздан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олга томон илгарилаб бориш давридир».<sup>2</sup>

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида халқ хўжалигида қўлга киритилган барқарорликни саклаб, мамлакат иқтисодиётининг тараққиётини таъминлаш мақсадида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- корхона ва ташкилотларни давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини давом эттириш;
- миллий валюта конвертациясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш ва амалга ошириш;

<sup>1</sup> И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 17 ва 172 б.

<sup>2</sup> И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 174 б.

- республика иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни давом эттириш;
- ишлаб чиқаришда тугалланган технологиялардан кенг фойдаланиш;
- республика иқтисодиётини хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигини бартараф этиш;
- республика маҳсулотларини рақобатбардошлигини кўтариш;
- ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;
- кучли социал сиёsatни амалга ошириш;
- республикада мустақил, демократик, адолатли давлат, фуқаролар жамиятини қуриш;
- инвестиция сиёsatини ривожлантириш;
- республикада иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорликни тъминлаш;
- республика иқтисодиётининг уздуксиз тараққиётини тъминлаш;
- бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантириш;
- республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш;
- ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожстантириб, экспортнинг импорт устидан устуворлигини тъминлаш;
- социал йўналтирилган, кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш;
- республика аҳолиси фаронсонлигини кўтариш ва республикада яшаётган ҳамма ҳалқларнинг маънавий бойлигини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов республика иқтисодий ислоҳотларини амалга оширишнинг асосий шартини эслаб тъқидлайдиларки: «Ислоҳотларнинг муваффақияти ҳар биримизнинг қўлимида, Ўзбекистонда яшовчи барча аҳолининг қўлидадир. Мамлакатимиз эркин, бой ва равнак топаётган мамлакат бўйсин десак, фарзандларимиз баҳтиёр ва тўкин-сочин яшасин десак, ислоҳотлар иккинч боқиҷидаги мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларимизни сарфламоғимиз даркор. Бу боқиҷ мамлакатимизнинг жадал ривожланиши, унинг қудрати ҳамда жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини кучайтириш учун мустаҳкам замин яратишга қаратилгандир. Ушбу мақсадларга эришиш – бизнинг муқаддас бурчимиз, келажак авлодлар оидидаги эзгу мажбуриятларимиз».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 267 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустакиллигининг 16 йиллигига бағишенган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиётىй йўли» номли маъruzасида республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари масаласини қайтадан кўриб чиқиб, уларнинг муҳлатларини, максадларини янгичасига ифодалаб бердилар.

И.А. Каримов 1995 йили республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни, бозор муносабатларига ўтиш борасидаги «ўзбек модели» ни шакллантириш босқичларини аниқлаганларида мезон сифатида республика иқтисодиётини барқарорлаштириб, иқтисодий инқироздан олиб чиқиб, уни келгусидаги узлуксиз тараққиётини таъминлаш қабул қилинган бўлса, ўзларининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли» маъruzаларида янги мезон қабул қилинди, яъни: ислоҳотларнинг биринчи босқичида республика иқтисодиётини барқарорлаштириб, ривожлантириб уни 1990 йилдаги даражасига кўтариш ва ислоҳотларнинг иккинчи босқичида – республика иқтисодиётини янада ривожлантириш, уни модернизация қилиш аниқланди.

Юкорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини 1991-1995 йилларда иқтисодий инқирозда бўлди ва 1996 йилдан бошлаб иқтисодиётининг ривожланишини амалга ошириб, ҳамдўстлик мамлакатлар таркибида 2000 йили биринчи бўлиб ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1990 йил даражасига кўтарилиди. Бу вазиятдан келиб чиқиб, И.А. Каримов республика иқтисодий ислоҳотларининг янги муҳлатларини асослаб бердилар, яъни биринчи босқичин 1990-2000 йиллар, иккинчи босқич 2001 йилдан бошлаб.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бу босқичлари олдига кўйилган вазифалар тўғрисида тўхталиб, И.А. Каримов шундай дейдилар: «Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва ҳалқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгилаништар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчиллик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда гоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.

Биз мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азми қарор қилдик»<sup>1</sup>

Шундай қилиб, И.А. Каримовнинг янги кўрсатмаларига биноан республика иқтисодий ислоҳотлари икки босқичда: 1991-2000 ва 2001 йилдан кейинги йилларда амалга оширилмоқда.

И.А. Каримов кўрсатганларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, республика иқтисодий ислоҳотлари уч босқичда амалга оширилмоқда ва ҳар босқичнинг ўзига хос мақсадлари ва вазифалари мавжуд.

Биринчи босқич – 1991-1995 йиллар – республика халқ хўжалигини барқарорлаш ва иқтисодий инқироздан чиқиш.

Иккинчи босқич – 1996-2000 йиллар – республика халқ хўжалигига кўлга киритилган барқарорликни саклаб қолиб, республика иқтисодиёти тараққиётини таъминлаш, республика иқтисодиётининг 1990 йил даражасига кўтарилиши.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи ва иккинчи босқичлари олдига қўйилган мақсад ва вазифалар юкорида келтирилди.

Учинчи босқич – 2001 йилдан бошлаб кейинги йилларда амалга оширилиб, бу даврда республика иқтисодиётини фаол ислоҳотлаб уни модернизация қилиш максади қўйилган ва бу мақсадга етиш учун куйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган:

- республика давлат тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш;
- республика макроиктисодиёти барқарорлигини таъминлаш;
- устувор ишлаб чиқариш тармоқларини юкори суръатларда ривожлантириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайтадан жиҳозлаш;

<sup>1</sup> «Адолат» газетаси, 2007 йил, 31 август.

- хўжалик субъектлари фаолияти, умуман миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини кўтариш;
- маҳсулот таннархини, моддий ва энергия харажатларини камайтириш йўли билан республика иқтисодиёти самарадорлигини кўтариш;
- республика банк тизимини такомиллаштириш ва унинг иқтисодиёт таракқиётига таъсирини қучайтириш;
- республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартишларни чукурлаштириш;
- республика аҳолиси фаровонлиги ва маданий даражасини кўтариш;
- давлат ва хўжалик субъектларининг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш;
- корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тизимини такомиллаштириш;
- социал йўналтирилган кўп уқладли бозор иқтисодиётини шакллантириш;
- республика иқтисодий ислоҳотларини янада чукурлаштириш;
- миллий валюта ички ва ташки конвертациясини таъминлаш;
- республиканинг жаҳон бозор иқтисодиётига ҳар томонлама кириб боришини таъминлаш;
- кишлоч хўжалигига амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш;
- ташки иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичидаги ҳозирги пайдада амалга оширилаётган чора-тадбирлар Республика Президенти И.А. Каримовнинг 2008-2009 йилларда килган маъruzalарида, улар томонидан маҳсус тайёрлаб, чол этилган «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли рисоласида ва республикада 2009-2012 йилларга мўлжалланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозга қарши чора-тадбирлар Хукумат Дастурида аниқланган ва улар амалга оширилмоқда.

Республикада ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар, босқич-ма-босқич амалга оширилиб, ижобий натижалар бермоқда ва келгусида республика иқтисодиётини янада юкори суръатларда ривожлантириш мақсадида иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштирилмоқда.

### **3.2. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини барпо этиш**

Республика бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш муаммосини ечаётган экан, бу мақсадда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини барпо этиш объектив заруриятга айланди.

«Мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина, – таъкидлайди И.А. Каримов, – ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин...»

Шу сабабли биринчи босқичда биз ислоҳотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътиборни қаратиб келдик<sup>1</sup>.

Бу заруриятнинг амалий сабабларини ҳам И.А. Каримов асослаб бердилар. Улар қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда шаклланган қонунлар тизими аввалги тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизимини ҳимоя қилиш манфаатлариға хизмат қиласди;

- мамлакатда қабул қилинган қонунлар бутуниттифоқ талабларига мосланган бўлиб, республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасди;

- республика бозор муносабатларига ўтиш борасида ўз йўлини танлаб, ўз моделини ишлаб чиқар экан, бу модель мазмунига мосланган қонунлар тизимини ишлаб чиқиши керакди.

И.А. Каримов таъкидладиларки: «Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатdir. Аввал бошдан-ноқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қиласдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»<sup>2</sup>.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизи республикада қабул қилинган Конституцияда, Қонунларда, Республика Президенти Фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида ўз ифодасини топди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 й., 29-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 й., 29-бет.

Республика конунларида мамлакатимизда барпо этилаётган социал йўналтирилган, кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш борасидаги асосий назарий ва амалий муаммолар ўз инфодасини топади.

Республика Президенти Фармонларида қабул килинаётган конунларни амалга оширишга бағишлиланган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мағкураси ва уларнинг амалга ошириш босқичлари, йўналишлари ўз аксини топади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида Республика Президенти Фармонларида кўтарилилган муаммолар хуқукий асосда ёритиб берилади ва уларни амалга ошириш механизми ишлаб чиқлади.

Республикада тайёрланаётган норматив маъмурий хужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, кенг ахоли оммасига тақдим этилади, мухокама якунларини эътиборга олиб кўрилади ва тасдиқланади. Буни ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида маҳсус иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича идоралараро Кенгаш тузилган. Кенгаш республика ижтимоний-иктисодий ривожлантирилишининг ягона стратегиясини ҳамда бу стратегияни рўёбга чиқаришнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг хуқукий базасини барпо этиш мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, бу жараён И.А. Каримовнинг кўрсатмаларига биноан қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

1. Республика мустақиллигининг хуқукий негизларини яратиш, давлатнинг бошқарув коидаларини тартибга солувчи конунларни қабул қилиш. Шу мақсадда республикада «Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқармалари органлари тўғрисида» ва бошқа Конунлар қабул қилинди.

2. Республикада шакллантирилаётган янги иқтисодий муносабатлар таркибида музаккилик муносабатларига асос соладиган конунларни яратиш. Шу мақсадда республикада мулк тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бир қанча бошқа Конунлар тайёрланди, қабул қилинди.

3. Мамлакат иқтисодиётида хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига мос келадиган янги механизмини, бозор иқтисо-

диётининг инфратузилмасини ташкил қилиш асосларини аниқлаб бериш. Бу муаммоларни ечиш учун республикада корхоналар тұғрисидаги, кооперация тұғрисидаги, фермер хұжалиги тұғрисидаги, деңқон хұжалиги тұғрисидаги, хұжалик жамоалари ва ширкатлари тұғрисидаги, банк ва банк фаолияти тұғрисидаги, пул тизими тұғрисидаги, тадбиркорлик тұғрисидаги, сугурта тұғрисидаги, биржалар ва биржа фаолияти тұғрисидаги, аудиторлик фаолияти тұғрисидаги, қимматли қоғозлар ва фонд биржасы тұғрисидаги ва бошқа Қонунлар қабул қилинди.

4. Республикастар ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатларыда тенг ҳукуқлы субъект сифатида ифодаланишини таърифловчи ҳукуқий асосларни ишлаб чиқыш. Шу мақсадда ресінубликада ташқи иқтисодий фаолият тұғрисида, Ўзбекистон Республикасининг етакчи халқаро ташкилоттарга аъзолиги тұғрисида, валютаны тартибга солиш тұғрисида, хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлаш тұғрисида, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тұғрисида, инвестиция фаолияти тұғрисида, чет эл инвестицияси тұғрисида, чет эл инвесторлар ҳукуқининг кафолатланишини ҳимоя қилиш чоралари тұғрисида Қонунлар ишлаб чиқилди, қабул қилинди.

5. Республикада социал-йүнаптирилган бозор иқтисодиети барпо этилар экан, республика ақолисининг конституцион ва юридик ҳукуқларини, социал кафолатларини, социал ҳимоялашни таъминладиган қонунларни яратиш. Бу борада қабул қилинган қонунлар, иш билан бандлик тұғрисида, ногиронларни ҳимоя қилиш тұғрисида, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти асослари тұғрисида, таълим тұғрисида, ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тұғрисида, виждон эркинлиги ва диний ташкилоттар тұғрисида, аёлларга қўшимча имтиёзлар тұғрисида, давлат уй-жой сиёсати асослари тұғрисида, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тұғрисида ва ҳоказо Қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларининг мазмунини, унинг социал-иктисодий ривожланиш стратегиясининг ҳукуқий асосларини белгиловчи юридик хужжат – бу республикада 1992 йили қабул қилинган Конституция, «Конституция ёш давлатимиз чинакам мустақиллигининг, янги ижтимоий ва иқтисодий

муносабатлар дунёга келишининг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат килмокда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларини ҳуқуқий базасини барпо этиш жараёни аниқ хусусиятларга эга.

Бу хусусиятлардан биринчиси – бозор муносабатларига ўтишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини барпо этиш республикада унинг мустақилликка эришмасдан олдинги даврда бошланганлиги.

Маълумки, бир гурӯҳ қонунлар, ҳукумат қарорлари 1989-1991 йилларда, республика мустақиллиги зълон килинмасдан олдин, албатта, марказнинг рухсатини олмасдан ишлаб чиқилди, қабул қилинди. Бу Ер тўғрисида – (1990 йил 20 июн), Ўзбекистон ССРда мулк тўғрисида – (1990 йил 31 октябрь), Банклар ва банк фаолияти тўғрисида – (1991 йил 15 февраль), Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида – (1991 йил 15 февраль), Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида – (1991 йил 14 июнь), Ўзбекистон ССРда чет эл инвестициялари тўғрисида – (1991 йил 14 июнь), Ўзбекистон ССРнинг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисида – (1991 йил 14 июнь). Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида – (1991 йил 15 февраль) ва б.

1989-1991 йилларда ҳукуматнинг қарорларига биноан томорка хўжаликларини ривожланитиши учун 360 минг гектар ерлар ажратилди, бўлиб берилди, демак 1,5 млн. қишлоқ оиласари томорка хўжалиги учун ерлар олдилар ёки мавжуд томорка ерларининг майдонини кенгайтирдилар. Шу сабабли республика аҳолисидан 9 млн. қишининг турмуш даражаси кўтарилиди.

Бу чора-тадбирларни амалга оширишнинг сабаби шундан иборат эдики, 1989 йилит республика қишлоқ хўжалигига томорка хўжаликларнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳаммаси бўлиб 20 фоизини берар эди, 240 минг оиласар томорқалар ташкил қилиш учун ср майдонларига, 1,5 млн. оиласар томорка хўжаликлари майдонини кенгайтиришга муҳтоҷ эдилар.

Мустақилликка эришмасдан олдин тегишли республика қонун-қарорларини қабул қилишининг заруриятини, моҳиятини эсга олиб, И.А. Каримов бундай деган эдилар:

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаптириш йўлида. Тошкент, 1995 й., 41-бет.

«Янги иттифоқ шартномасига биноан бизга бериладиган мустақилликни кутмасдан, бу мустақилликни биз амалга ошира бошладик. Бу бизнинг ҳуқуқимиз, уни биздан ҳеч ким олиб кўёлмайди.»<sup>1</sup>

Бу тегишли қарорларни қабул қилиб, томорқа хўжаликлари учун кўшимча ер майдонларини ажратиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига харид нарх-наволарни кўтариш, бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи даражасини, пенсия, нафака, стипендия даражасини ошириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, майда хусусийлаштиришни амалга ошириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва ҳоказо муаммолар ечилади.

Демак, республика мустақилликка эришмасдан олдинги даврдан бошлаб, республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базаси барпо этила бошлади ва унга асосланиб керакли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иккинчидан, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базаси комплекс, ҳар томонлама ёндашилган равишда ишлаб чиқилди. таъминланди. Бу Конституция, Конун, Фармон, Қарорлар тизими шаклида эди.

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси республикада шакланаётган, ривожланаётган янги социал-иктисодий тизимнинг мазмуни, назарий асослари, мақсади, йўналтирилганлигини ёритиб берди.

1989-2009 йилларда республиканинг социал-иктисодий ривожланиш иқтисодий муаммолари, иқтисодий ислоҳотлар ва уларни амалга ошириш йўналишлари бўйича 150 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Конунлари, 250 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, 350 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Демак, республика иқтисодий ислоҳотларининг ҳуқуқий базаси барпо этилди.

Бу қабул қилинган Республика Конунларида ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш, республикада бозор муносабатларини шакллантириш, бозор иқтисоднётини барпо этиш билан боғлиқ бўлган корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, ижара муносабатлари, якка ҳукмрон-

<sup>1</sup> «Правда Востока» газетаси, 1 сентябрь, 1991 йил.

тик фаолиятини чегаралаш, биржалар фаолияти, фермер ва дәхқон хўжаликларини ташкил қилиш, аудиторлик фаолияти, солик ва соликқа тортиш, сугурта, республика аҳолисини социал ҳимоялаш, корхоналарни санацияга ўтказиш, банкрот деб эълон қилиш, қимматли қоғозлар бозори, республика халқаро шартномалари, кичик ва ўрта тарбиркорликни ривожлантириш, республика банклари ва банклар фаолияти, республика Марказий банкининг фаолияти, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, хорижий инвестицияларни республикага жалб қилишни рағбатлантириш, акциядорлар жамиятларини ташкил қилиш ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ерлар ва улардан фойдаланиш, сув ресурслари ва улардан фойдаланиш, корхоналараро рақебатбардошлик ва уни ташкил этиш ва бошқа муаммолар ўз ечимини топди.

Республика мустақиллиги эълон қилинмасдан олдин қабул қилинган қонунлар республика мустақилликка эришгандан кейин кайтадан кўриб чиқилди. Бир гуруҳ кейин қабул қилинган қонунлар бозор муносабатларига ўтиш даврида мавжуд бўлган шарт-шароитларни этиборга олиб, улар ҳам ўзгарилиб, қайтадан қабул килинди.

Қабул қилинган Республика Конунларини амалга ошириш мақсадида Республика Президентининг тегишли Фармонлари қабул килинди. Бу қабул қилинган Фармонларда халқ хўжалигига бошқарув тизимини такомиллаштириш, республика банк тизимини шакллантириш, республика аҳолиси хаётий даражасини қўллаб-кувватлаш, бозор муносабатлари инфратузилмаси элементларини барпо этиш, фермер, дәхқон (томорқа) хўжаликларини ривожлантириш, нарх-наво тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларига мослаб солик тизимини шакллантириш, ҳар хил ҳуқуматдан ташқари фонdlарни ташкил қилиш, иқтисодий ислоҳотларни барпо этиш ва уларни чуқурлаштириш, ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, миллий валютани барпо этиш ва унинг конвертациясини таъминлаш, қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва уни ривожлантириш, соликларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, хорижий инвесторлар билан алоқадор корхоналар фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, халқ хўжалигига ўзаро ҳисоб-китобларни яхшилаб, тўлов интизомини кучай-

тириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириши давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, аҳолининг пул жамғармаларини ва давлат сұғуртасини индексация қилиш, давлат томонидан фан ва инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг якка ҳукмронлик фаолиятини чегаралаш, иш ҳаки, пенсия, нафака, стипендия даражасини ошириб туриш, давлат буюртмаси бўйича топшириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид қилиш нархларни кўтариш, корхона, ташкилотлар устидан назорат қилишни тартиблаш, назорат олиб борувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, республикада чет эл нақд пуллари муомаласини тартибга солиш, банк тизимини янада эркинлаштириш, меҳнат ва аҳолини социал ҳимоя қилишни кучайтириш, давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши янада такомиллаштириш, ташкии иқтисодий алоқаларни кучайтириш, ҳалқ таълими соҳасида ислоҳотларни чукурлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва бошқа муаммоларни ечиш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Кўриниб турибдики, бозор муносабатларнига ўтиш даврининг иқтисодий муаммолари йўқки, улар қабул қилинган Фармонларда ўз ифодасини топмаган бўлса.

Президент Фармонларида кўйилган муаммоларни, кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорлари қабул қилинди. Бу қарорларда республика ҳалқ хўжалигига бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари ёритилган, республика истеъмол товарлар бозорини ҳимоя қилиш, нарх-навони эркинлаштириш, республикада касса операцияларини тартибга солиш, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириши ташкил қилиш, ҳалқ хўжалигининг алоҳида тармоқларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва чукурлаштириш, республиканинг келгусидаги экспорт салоҳиятини рағбатлантириш, миллий валютанинг ички конвертациясини таъминлаш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури, дехкон бозорлар фаолиятини, унга бошқарувликни тартибга солиш, республиканинг социал-иктисодий таракқиёти натижалари.

жалари ва халқ хўжалигида иктиносидий ислоҳотларни чуқурлашириш, кўшма корхоналарнинг самарали фаолиятини таъминлаш, бозор муносабатлари инфратузилмасини ривожлантириш давлат дастури, республика халқ хўжалигида пул муомаласини тартибга солиш ва республика истеъмол товарлар бозорини маҳсулотлар билан таъминлаш, пахта толасини экспорт қилишни рағбатлантириш, республикада савдо тизимини эркинлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада ривожлантириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-куватлаш, халқ хўжалигида вексел тизимидан фойдаланиш, накд пулларни конвертацияга эга бўлган валютага алмаштиришга бошқарувлик қилиш, бошқарув органларининг фаолиятини ташкил қилиш, республика банк тизими, унинг алоҳида таркибий қисмларини шакллантириш, аҳолини социал ҳимояланишини кучайтириш, накд пулларни эмиссия қилишни қисқартириш, республика худудида акциз марказларни татбиқ этиш, республика солик тизимини такомиллаштириш йўналишлари, марказлаштирилган валюта захираларидан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш, бюджетга тўловлар интизомини кучайтириш, бартерга асосланган экспорт-импорт операцияларни қисқартириш, томорқа хўжаликларини келгусида янада ривожлантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликка бериладиган хорижий кредитларни ташкил қилиш, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш, тижорат банкларининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш, аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, иқтисодиётни кредитлаштиришни янада такомиллаштириш, давлат мулкига бошқарувликни такомиллаштириш, пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш, қимматли қоғозлар иккиласми бозорини ривожлантириш, божхона тарифларини тартибга солиш, акциядорлик жамиятларининг акцияларидан самарали фойдаланиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топган.

Кўриниб турибдики, республикада ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базаси комплекс равишда, ҳар томонлама яратилган.

Республикада иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини барпо этишнинг яна бир хусусияти, шундан иборатки, ишлаб чи-

қилаётган хуқукий база бозор муносабатларига ўтишдаги асосий иктисодий муаммоларни ўзига жалб этиб, улар қуйидагилардан иборат:

- бозор муносабатларига мослашған янги иктисодий муносабатларни барпо этиш;
- қўп укладли бозор иктисодиётини қуриш;
- аҳолини социал ҳимоялаш;
- бозор иктисодиёти инфратузилмасини барпо этиш;
- янги бошқарув тизимни шакллантириш.

Кўп укладли бозор иктисодиётини шакллантиришда ерга нисбатан иктисодий муносабатларни ташкил этишни тартибга солиш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли республикада бозор муносабатларига ўтиш даврида ер муаммоларини ечишга тегишли эътибор қаратилди.

Бу муаммони ечишга бағишиланган Мулк тўғрисида, Ижара тўғрисида, Ер тўғрисида Республика Конунлари. Ер кодекси қабул қилинди.

Бу қонунларни амалга ошириш максадида бозор муносабатларига мосланган ер муаммоларининг ечилиш йўналишлари, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича Республика Президенти томонидан тегишли Фармонлар ва Республика Вазирлар Махкамаси томонидан тегишли Қарорлар қабул қилинди.

Қабул қилинган меъёрий хужжатларга биноан республикада ер муносабатларининг қуйидаги тизими тасдиқланди:

- республикада қабул қилинган Конституцияга биноан республикада ерлар умуммиллий бойлик, мулк ҳисобланади ва бу ерлар давлат томонидан ҳимоя қилиниб, оқилона фойдаланиш лозим;
- қишлоқ хўжалигига ерлар 5-10 йил ва ундан узок мухлатга ижарага берилиб, ерларни ижарага олган жисмоний шахслар ерларни келгуси авлодларига меросга қолдириш хуқуқига эга;
- 1994 йил 24 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонига асосан:

1. Шаҳар ва туман ҳокимиятларига шахсий уй қуриш учун 0,04 гектар, шахсий томорқа ташкил этиш учун 0,06 гектар чегарасида ерларни аукционда сотиш хуқуки берилган.

2. Қоракалпогистон Республикасида тажриба сифатида сугориладиган ерлардан 5 гектаргача, лалмикор ерлардан 15 гектаргача,

фойдаланилмаётган ерларни ва зарап кўриб фаолият юритаётган, наст рентабелликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари ерларини аукцион ёки конкурс ташкил қилиш йўли билан сотиш тартиби аниқланган.

– 1994 йили 4 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорига биноан умуман қабул қилинган тартибга истисно сифатида савдо, манший хизмат объектлари жойлашган ерлар билан аукционда хусусий мулкка сотилиши мумкин.

– 1994 йили 24 февралда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан кичик ер участкаларида жойлашган боғ ва узумзорлар хусусий мулкка сотилиши мумкин.

– Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ер солиги татбиқ этилди. Бу соликни ердан фойдаланувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари тўлайди. Агарда ерлар ижарага берилган бўлса, ижарага олганлар ижара ҳаки тўлайди.

Шундай қилиб республикада ерларга эгалик қилиш, ерлардан фойдаланиш тўловли бўлиб, у ерларни хусусий мулкка сотиш, ижарага бериш, ер солиги тўлаш йўли билан амалга оширилади.

Республикада қабул қилинган ер муносабатларини ташкил қилиш тартиби бир қанча муаммоларни ечишга имконият бермоқда. Бу:

– илгари ўзлаштирилган ерларни саклаш, улардан оқилона фойдаланиш билан бирга янги ерларни ўзлаштириш давом этмоқда, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 1990-1995 йилларда, яъни иқтисодий инқироз давридаги қийинчилликларга қарамасдан 50 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, илгари ўзлаштирилган ерларнинг 200 минг гектарида уларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди;

– қишлоқ хўжалигига пахтанинг якка хукмронлиги бартараф этилди. Унинг майдони 340 минг гектарга камайтирилди, дон маҳсулотлари учун экин майдонлар кенгайтирилиб, республика дон бўйича мустакилликка эришди;

– Республикада кенг миёсда томорқа-дехқон хўжаликлари ривожлантирилмоқда. Илгари томорқа хўжаликлари учун ажратиб берилган 200 минг гектарга қўшимча 1990-1993 йилларда 500 минг гектар ажратилди, торморқа хўжаликлари учун бўлиб берилди.

Демак, республикада ташкил қилинаётган, амалга оширилаётган ер муносабатлари умуман ижобий натижаларга эга.

Республика бозор муносабатларига ўтар экан, демак республикада кўп укладли бозор иқтисодиёти шакилланиши лозим. Бу муаммо доимо мамлакатимиз раҳбарияти диккат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада авваламбор, кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ҳуқуқий базаси ташкил этилди.

Кўп укладли бозор иқтисодиётининг муаммоларига бағишланган корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, монополия фаолиятини чегаралаш, очик иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, корхоналар, акциядорлик жамиятлари, табиий монополия корхоналар, кооперативлар, деҳкон ва фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва тадбиркорликини рағбатлантириш ва хоказо муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди.

Бу Қонунларни амалга ошириш мақсадида Республика Президентининг 20 тадан ортиқ Фармонлари, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 80 дан ортиқ Қарорлари қабул қилинди.

Барпо этилган ҳуқуқий базага асосланиб республикада кўп укладли бозор иқтисодиёти шаклланди.

Корхона ва ташкилотларнинг 90 фоизи давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди.

Республика аҳолисининг 75 фоизи нодавлат социал-иктисодий укладларда банд, бу укладлар республика ялпи маҳсулотининг 65 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Маълумки, республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти барпо этилмоқда. Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки бу даврда нарх-наво кўтарилади ва ишсизлар сони кўпаяди.

Республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини куриш, ривожлантириш ва республика аҳолисини бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида республика иқтисодий ислоҳотларининг асосий тамойилларидан бири сифатида мамлакатда кучли социал сиёsatни амалга ошириш қабул қилинган.

Демак, кучли социал сиёsatнинг моҳияти, мазмуни амалга ошириш йўналишлари бўйича ҳам ҳуқуқий базани барпо этиш лозим эди. Бу муаммо ҳам республикада ўз вақтида кун тартибига кўйилди ва ечилиди.

Кучли социал сиёsatнинг муаммолари-республика аҳолисининг меҳнат билан бандлиги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш,

таълим ва соглиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш, республика бюджет тизими, аҳоли саломатлиги, меҳнатини ҳимоя қилиш, солик сиёсати, аҳоли жамғармалари ҳимоясини кафолатлаш, истеъмолчилар ҳукукини ҳимоялаш, ногиронларни социал ҳимоялаш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси Конунлари қабул қилинди.

Бу қонунларни амалга ошириш мақсадида Республика Президентининг 35 тадан ортиқ Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан ошиқ Қарорлари қабул қилинди.

Барпо этилган ҳукукий базага асосланиб, республикада кўп қиррали кучли социал сиёсат амалга оширилмоқда, социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда ва республика иқтисодиёти имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда республика аҳолиси бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилинмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг самарадорлиги унинг инфратузилмасига боғлиқ.

Инфратузилма – бу бозор муносабатлари шаклланишига, ривожланишига керакли шарт-шароитларни барпо этувчи соҳалар, ташкилот ва муассасалардир. Шу сабабли бозор иқтисодиётининг инфратузилмасини барпо этишининг ҳукукий базасини ишлаб чиқиши ҳам республика раҳбариятининг дикқат марказида бўлган.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг элементлари бўлмиш банк, молия, солик, сугурта, божхона органлари, биржалар, аудиторлик компаниялари, валюта бозори, депозитария тизими, қимматли көғозлар бозори, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва бошқа муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси Конунлари қабул қилинди.

Бу қонунларни бажариш мақсадида 50 дан ошиқ Республика Президенти Фармонлари, 55 дан ошиқ Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Қабул қилинган Конун, Фармон ва Қарорларга биноан республикада бозор иқтисодиёти инфратузилмаси шаклланмоқда ва у миллий иқтисодиётнинг ривожланишига сўзсиз ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин бу борада ҳали ечишмаган муаммолар кам эмас.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳукукий базаси бозор муносабатларига мосланган янги бошқарув тизимни шакллантириш, ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам барпо этилган.

Шундай қилиб бозор муносабатларига ўтиш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи йўналиши бўлиб ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини барпо этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди ва улар республикада бозор муносабатлари шаклланишини жадаллаштиришда асосий омиллардан бири бўлмоқда.

И.А. Каримов тъкидлайдиларки: «Ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида биз ҳуқуқий асосларни яратишида ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик...

Ҳозирги вақтда ислоҳотлар жараёнини давлат – ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди...

Ислоҳотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий негизи сайқалланиб ва такомиллашиб боради, қабул қилинган қонун ҳужжатларига ўз вақтида зарур ўзгартиришлар киритилади»<sup>1</sup>.

Шундай қилиб:

Биринчидан, республикада бозор муносабатларига ўтиш борасидаги «ўзбек модели» ишлаб чиқиш, барпо этиш унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишдан бошланди, амалга оширилди.

Иккинчидан, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини авваламбор ишлаб чиқиш «ўзбек модели»нинг тамойилларидан бири бўлмиш қонун устуворлигини таъминлашдан келиб чиқиб, у билан чамбарчас боғлиқ.

Учинчидан, «ўзбек модели»нинг ҳуқуқий асосларини авваламбор ишлаб чиқилиши республика иқтисодий ислоҳотларини илмий, қонуний ва ташкилий асосланганлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ўз вақтида ишлаб чиқилганлиги республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг юқори самарадорлигини таъминлади.

### **3.3. Бозор муносабатларига мосланган бошқарув тизимини шакллантириш**

Совет давридаги ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириша ҳаддан ташқари марказлаштирилган маъмурий бошқарув тизими ҳукмрон эди. Бу тизим мамлакатнинг социал-иктисодий

<sup>1</sup> Каримов И.А., Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 й., 32-33 бетлар

ривожланишининг аниқ бир давларида – Совет ҳукуматининг биринчи йилларида, иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги йилларда мамлакат олдига қўйилган вазифаларни ечиш мақсадида моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишда ижобий натижалар берди.

Лекин 80-йиллардан бошлаб, бу тизимнинг салоҳияти тугай бошлади. Буни тубдан ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқаришни ривожлантиришда давлат аралашувини такомиллаштириш, бунинг учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши керак эди. Бу борада ишлаб чиқилган тадбирлар иқтисодий ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бермади, ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотлар комплекс равишда ва охиригача амалга оширилмади.

«Ўтиш даври муаммоларининг йигинидиси ва хусусиятлари бир вақтнинг ўзида катор ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишни тақозо қиласди. Авватамбор, яккаҳокимлик тизимининг иллатларини зудлик билан тугатиш, бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлик услубларининг ва директив режалаштиришнинг салбий оқибатларини тугатиш, иқтисодий ва молиявий вазиятнинг барқарор бўлишини таъминлаш зарур» деб таъкидлайди И.А. Каримов<sup>1</sup>.

Ижтимоий ишлаб чиқариш суръатлари йилдан-йилга пасайиб бориб, мамлакат ҳалқ хўжалиги 1990 йилдан бошлаб иқтисодий инқирозга учради. Ўзбекистонда бу ҳолат 1991 йилдан бошлаб юз берди.

Амалиётдаги бу иқтисодий инқироз одатдаги қабул қилинган иқтисодий инқироздан тубдан фарқланарди. Маълумки, одатда иқтисодий инқироз – бу жамият эҳтиёжига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Иттифокда 1990 йилда бошланган иқтисодий инқироз – бу жамият эҳтиёжига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, уни акси бўлди. Мамлакатда ишлаб чиқариш орқага кета бошлади. 1990 йили 1989 йилга нисбатан, 1991 йили 1990 йилга нисбатан ва ҳоказо кам маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу жараёнга ҳам «иқтисодий инқироз» деб ном беришди.

Бундай вазият барпо бўлишининг асосий сабабларидан бири – бу давлатда шакллантирилган бошқарув тизимининг замон талабларига жавоб бермаслиги эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А., Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, Тошкент, 1993 й., 9 б.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритиш билан, бозор муносабатларига ўтиш даврида янги бошқарув тизимини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириши лозим эди. Бу муаммонинг мураккаблиги шундан иборат эди:

Биринчидан, мамлакатда шаклланган ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқарув тизимини инкор қилиб, ундан воз кечиш керак эди.

Иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлат асосий ислоҳотчи сифатида фаолият олиб борар экан, демак янги бошқарув тизимида ҳам иқтисодиётни ривожлантиришда давлат аралашуви аниқ бир шаклда сақланишин керак эди.

Учинчидан, демак илгариги бошқарув тизими асосан маъмурий методларга асосланган бўлса, янги шаклланадиган бошқарув тизими асосан иқтисодий методларга асосланган бўлиши керак эди.

Янги бошқарув тизими қўйидаги йўналишларда ўз ифодасини топиши керак эди:

- умумдавлат миқёсида;
- халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари миқёсида;
- алоҳида корхона ва ташкилотлар миқёсида.

Бу йўналишлар бўйича республикада керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### **Умумдавлат миқёсида**

Бу борада республикада аввалимбор, Президентлик тизими қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон 15 та иттифоқдош республикалар таркибида биринчи бўлиб ўзига Президент сайлади.

1990 йил март ойида Республика Олий Советининг XII чи чакириғининг биринчи сессиясида Ўзбекистон ССР Президенти лавозими тасдиқланди ва бу лавозимга И.А. Каримов сайланди.

1991 йил декабрь ойида Республика иттифоқдош республикалар таркибида якка ҳолда альтернатив асосда бутун халқ овоз бериш йўли билан И.А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти килиб сайланди.

Овоз бериш бюллетенида икки – Ислом Каримов ва Муҳаммад Солих номзодлари кўрсатилган эди. Сайловда қатнашганлардан 86 фойзи ўз овозини И.А. Каримовга беришди.

Республикада Президентлик тизими ўзини оқлаяпти. И.А. Каримов республикада ҳам давлат ҳокимияти раҳбари, ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси.

Шубҳа йўқки, И.А. Каримов бу вазифаларни керакли даражада бажармоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг 1992-йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига биноан республика Олий Советининг XI-сессиясида республика қонун чиқарувчи, қонунлар бажарилишини таъминловчи ва бошқарув органларининг функциялари аниқланди. Республика марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг функциялари конкретлаштирилди.

Марказлаштирилган режалаштириш бошқарув тизими хизматидаги маъмурий-буйруқбозлик органлари тугатилди ва улар ўрнига бозор муносабатлари талабларига мосланган иқтисодий органлар ташкил этилди.

Давлат планлаштириш қўмитаси тугатилиб, унинг ўрнига Давлат прогнозлаш ва статистика қўмитаси ташкил этилиб, унинг олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар якунини баҳолаш ва уларни келгусида чукурлаштириш учун тавсиялар тайёрлаш;
- балансланган хисоб-китобларга асосан макроиктисодий мутаносибликларни, тармок ва минтақавий таркибий ўзгаришларни таҳлил қилиш;
- республика иқтисодиёти, унинг тармок, секторлари социал-иктисодий ривожланишининг кўп вариантли хисоб-китобларини олиб бориш, республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи йўлларни аниқлаш

Давлат прогнозлаш ва статистика қўмитаси келгусида Республика макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига айлантирилди ва унга асосан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ташкил этилди.

Давлат таъминот органи ўрнига ташкил этилган Ўзбекистон контрактсавдо органи ўрнига бозор муносабатларига мосланган Улгуржи ва биржа савдоси республика акциядорлар ассоциацияси ташкил этилди ва бу ассоциация олдига товар-ресурслар бозорида товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни тенг хукуклика иштирок этишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Молиявий соҳада бошқарувни такомиллаштириш мақсадида Молия вазирлигини саклаш билан бирга янгидан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш республика Давлат қўмитаси ташкил этилди ва унинг олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- «Яккаҳукмронлик фаолиятини чегаралаш тўғрисида»ги қонунга бўйсуниш устидан давлат назоратини олиб бориш;
- инсофиз рақобатнинг олдини олиш чораларини, монополиядан чиқариш бўйича тармоқ ва минтақа дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- товар ва молия бозорларида рақобат муҳитини ташкил қилиш мақсадида Давлат мол-мулк қўмитаси билан биргаликда ягона методологик йўлни ишлаб чиқиш;
- ассоциация ва концернларни ташкил қилиш ва улар фаолиятини тартибга солиш;
- рақобат сиёсатининг методологик базасини ривожлантириш, молия-саноат, холдинг компанияларини ташкил этишда яккаҳукмронликка қарши талабларга риоя қилиш устидан назорат олиб бориш;
- корхоналар – якка ҳукмронлар давлат реестрини олиб бориш;
- бошқарув органларининг якка ҳукмронликка қарши қонунларга риоя қилмасдан қабул қилган қарорларини бекор қилиш;
- рақобат муҳитини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва ҳоказо.

Республикада молия муносабатларини, молия тизими фаолиятини такомиллаштириш – бюджет тизимини ислоҳ қилишни янада чукурлаштириш, бюджет тизими фаолиятида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва барча даражадаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида 2007 йил 28 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 594-сонли «Давлат бюджетининг ғазна ижро тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва унга биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Ғазначилик тизими ташкил қилиниб, унинг олдига куйидаги вазифалар кўйилди:

- давлат бюджетининг касса ижросини таъминлаш;
- давлат бюджети маблағларини ягона ғазначилик ҳисоб ракамларида олиб бориш;
- бюджет ташкилотларига хизмат кўрсатишлар бўйича тузиладиган шартномаларнинг тўғри тузилганлиги устидан назорат олиб бориш ва бу шартномаларни рўйхатдан ўтказишни таъминлаш;
- тузилган шартномаларга нисбатан бажарилган ишлар бўйича тўлов интизоми устидан назоратни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилик тизими фаолиятини ташкил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзининг 2007 йил 20 марта даги Қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилиги тўғрисида Низом» тасдикланди. Унда ғазначилик фаолиятининг умумий қоидалари, асосий вазифалари, функциялари, хукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, ташкил этиш асослари кўрсатилди.

### **Алоҳида тармоқлар миқёсида**

Қишлоқ хўжалигида бошқарувни такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва сув хўжалиги вазирлиги бирлаштирилди ва Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди ва янги вазирлик олдига қўйидаги вазифалар кўйилди:

- ерлар ҳосилдорлиги ва самарадорлитини ошириш мақсадида ягона стратегик сиёсатни шакллантириш ва уни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалигида ягона фан-техника ва технология сиёсатини амалга ошириш;
- қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини рационализация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинзорларини оптимал алмашлаб экиш тизимини татбиқ этиш;
- республика агросаноат мажмуи ҳолатини таҳлил этиб, унинг ривожланиш истиқболини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалигини интенсивлаштирилишини таъминлаш;
- республика ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш устидан давлат ҳисоб ва назоратини амалга ошириш;
- илгари ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни сугориш ва қишлоқ хўжалиги экинларини сугориша прогрессив методлардан фойдаланиш;
- республика сув ресурслари ва ирригация-мелиорация тизимларига бошқарувлик қилиш.

Республикадаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини эътиборга олиб, уни тубдан ўзгартириш замон талаби эканлигини тасдиклаб, республика ирригация ва мелиорация иншоотларини эксплуатация қилишини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 12 декабрда 256-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги ирригация ва дренаж миллий қўмитаси

фаолиятини ташкил қилиш түғрисида» Қарор қабул қилди ва бу Кўмита олдига республикада сув ва ер ресурсларидан окилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ягона иқтисодий ва илмий-техник сиёсатни амалга ошириш вазифаси кўйилди.

Илгари республикада солик ва солиқка тортиш билан Молия вазирлиги ҳузуридаги солик органлари шуғулланган, лекин халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш, кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, солик ва солиқка тортиш муносабатларининг мураккаблашиши билан солик органлари молия органларидан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик Кўмитаси ташкил этилди ва бу кўмитага қуидаги вазифалар юклатилди:

- давлат бюджети ва бошка фондларга жалб этиладиган солик ва тўловларнинг тўғри аниқланганлиги, уларнинг тўғри ва ўз вактида тўланиши устидан назорат қилиш;
- солик тўловчиларни, солиқка тортиладиган обьектларни тўлик ва ўз вактида хисобга олиш ва фуқаролардан олинадиган соликларни тўғри аниқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини амалга оширишда катнашиш;
- солиқлар ва тўловлардан бош тортганларни аниқлаш, қабул қилинган солик қонунларини бузганликлари тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан материалларни тегишли текшириш
- суд органларига топшириш.

Бир гурух вазирликлар ўрнига бозор муносабатларига мосланган органлар барпо этилди. Озиқ-овқат вазирлиги ўрнига Давлат-акциядорлик концерни, Йўл алоқа вазирлиги ўрнига Давлат-акциядорлар компанияси, Нефть ва газ саноати вазирлиги ўрнига, Давлат-нефть ва газ саноат концерни, Маҳаллий саноат вазирлиги ўрнига Давлат-акциядорлар корпорацияси, Пахта тозалаш саноати вазирлиги ўрнига Пахта бўйича Давлат-акциядорлар концерни, Курилиш материаллари саноати вазирлиги ўрнига Курилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича давлат концерни ташкил этилди.

Социал таъминот вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълим вазирлиги сакланиб қолинди.

Бошқарув органларининг самарали фаолияти назорат органларининг фаолияти билан боғлик бўлганлиги сабабли республикада янги назорат органлар тизимини ташкил қилишга ҳам тегишли эътибор ажратилди.

1998 йили Республика Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва текширувчи органлар фаолиятини мувофикалаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Бу Фармонга биноан республикада ўтказилаётган текширувларни тартибга солиш, текширувчи органлар томонидан хўжалик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш ва назорат қилиш ишлари устидан мувофикалаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик Кўмитасига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йили қабул қилинган Фармойишига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратида назорат Инспекцияси ташкил этилди ва бу инспекция ўз таркибига қўйидагиларни олди:

Ўзбекистон Республикаси Президент Маҳкамаси назорат инспекцияси;

Корақолпоғистон Республикаси Жуқори Кенгес раиси хузуридаги назорат инспекцияси;

Республика шаҳарлари, туманлари аппаратларининг назорат инспекциялари.

Назорат инспекциялари олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

– давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан ҳаракатчан назорат ташкил қилиб, улар томонидан бажарув интизомига риоя қилишни назорат қилиш;

– фуқаролар томонидан республикада қабул қилинган қонун, қарор. Президент фармойишиларининг бажарилиши тўғрисидаги тушган ариза ва хатларни текшириш;

– бозор муносабатлари механизmlарини амалга ошириш, корхоналар манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Республика иқтисодий ислоҳотларини келгусида чуқурлаштириш ва янги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида республика кенг фан жамоасини жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича идоралараро Кенгаш ташкил этилди ва унинг олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

– республика социал-иктисодий ривожланишининг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

- иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини таомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш;
- республикада иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида конкрет модель ва дастурларни тайёрлаш;
- тадбиркорликни ривожлантириш ҳолатини таҳдил қилиш;
- хорижий инвесторларни актив жалб қилиш мақсадида тегишли чора-тадбирларни аниқлаш.

Кўриниб турибдики, республикада иқтисодиётга умуман, унинг алоҳида тармоқларига бошқарувлик таомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга алоҳида корхона ва ташкилотларга нисбатан хам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва улар қўйидаги йўналишларда ўтказилмоқда:

- корхона ва ташкилотларни давлат тасаррӯфидан чиқариш ва уларга нисбатан давлат раҳбарлигини пасайтириш;
- давлат корхона ва ташкилотларини хусусийлаштириш, уларни бошқа мулк шаклларига айлантириш, иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш;
- нарх-наво сиёсатини эркинлаштириш, нархларни асосан ўзаро шартномаларга, таклиф ва талаб нисбатига асосан аниқлаш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришга давлат буюртмаларини қисқартириб бориш;
- моддий-хом ашё ресурсларини давлат лимитларига асосан эмас, шартномаларга асосланиб таксимлаш;
- корхона ва ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан кўллаб-куватлашни камайтира бориб, уларни ўзини-ўзи оқлаш, ўзини-ўзи молиялаштириш учун тегишли шарт-шароитларни барпо этиш.

Шундай қилиб:

Биринчидан, республика халқ хўжалигини, иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишнинг асосий шарт-шароитларидан бири бўлган янги бошқарув тизими шакллантиришга республикада зарур бўлган тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлайдиларки: «Иқтисодиётнинг бошқарув тизими тубдан ўзгартирилди. Тармоқ вазирликлари тутатилиб, ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларини бошқаришнинг бозор иқтисодиёти шароитда хўжалик юритиш талабларига кўпроқ мос келадиган янги тизими ташкил этилди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 8-жизд. Тошкент, 2000 й., 363 б.

Иккинчидан, амалга оширилаётган чора-тадбирлар бошқарув тизимнинг ҳамма йўналишларини ўз таркибига қамраб олмоқда. Бу чора-тадбирлар умуман халқ хўжалиги, мамлакат иқтисодиёти, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқ ва соҳалари миқёсида ва алоҳида корхона ва ташкилотларга нисбатан амалга оширилмоқда.

Учинчидан, республикада давлат асосий ислоҳотчи экан, янги бошқарув тизимини шакллантиришда бозор муносабатларига эркинилек бериш, давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантиришда давлатнинг аралашув сақланиб қолмоқда ва бу аралашувни доимо такомиллашиб бормоқда.

Тўртинчидан, республикада социал йўналтирилган кўп укладли бозор иқтисодиёти аста-секин, босқичма-босқич шаклланаар экан, республиканинг социал-иктисодий ривожланишида қабул қилинган бошқарув тизимининг принциплари, амалга оширилиш йўналишлари, бошқарув органларнинг таркибий тузилиши янги мавжуд бўлаётган талабларга жавобан ўзгартирилиб бормоқда.

Бешинчидан, шаклланаётган янги бошқарув тизими республика социал-иктисодий таракқиётининг асосий омилларидан бирига айланмоқда ва республикада халқ хўжалиги барқарорлигини сақлаб қолиш ва республика иқтисодиёти ривожлантирилишини таъминлашда асосий шарт-шароитга айланмоқда.

Олтинчидан, лекин бозор муносабатларига мосланган янги бошқарув тизим республикада ҳали тўлиқ шакллангани йўқ. Бу борада режалаштирилган чора-тадбирлар ҳамма вакт, ҳамма жойда ҳам самарали даражада амалга оширилмаяпти.

Бу камчиликларнинг борлигини таъкидлаб, уларни бартараф этиш мақсадида И.А. Каримов шундай дейдилар:

«Келинг, мавжуд бошқарув тизимининг нуқсон ва иллатларини танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, баҳолайлик.

Аввало, кейинги йылларда қатор соҳа вазирликлари турли хўжалик бирлашмаларига, яъни корпорациялар, уюшмалар, компанияларга айлантирилганига қарамай, уларнинг можияти, иш усуллари амалда деярли ўзгаришсиз қолмоқда.»<sup>1</sup>

Бу борадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида И.А. Каримов қўйидаги муаммоларни ечиш зарурлигини ва бунинг учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб бердилар:

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 11-жилд. Тошкент, 2003 й. 304 бет

– Бошқарув органлари, бошқарув тизими бўйича ҳукумат томондан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ҳамма жойларда ижросини таъминлаш.

– Бозор муносабатларининг талабларига биноан хўжалик субъектларининг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш мақсадида давлат, ҳукумат органлари томонидан уларнинг ишлаб чиқариш, молиявий фаолиятига асоссиз аралашувини бартараф этиш.

– Бошқарувни ўта марказлаштириш тамойилидан воз кечиб, айrim вазифаларни бошқарувнинг худудий бўғинларига кенг кўламда ўтказиш.

– Замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш, кераксиз ҳисботларни ва когозбозликни қисқартириш асосида давлат бошқарув тизимини модернизация қилиш.

– Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқсан ҳолда айrim идоравий, тармоқ ва худудий бошқарув тузилмаларини қайта тузиш, бирлаштириш, қисқартириш ва тугатиш асосида иқтисодиётнинг бошқарув тизилмалари самарадорлигини ошириш.

«Ўзбек модели»ни амалга ошириш йўналишларидан бири бўлмиш бозор муносабатларига мосланган бошқарув тизимини шакллантириш республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишда катта аҳамиятга эга.

Шакллантирилаётган янги бошқарув тизими иқтисодий таракқиётнинг «ўзбек модели» тамойилларини амалга оширишда тегишли имкониятлар, шарт-шароитларни барпо этди ва натижада республика иқтисодий ислоҳотлари самарали амалга оширилмоқда.

Янги бошқарув тизими айниқса давлатнинг асосий ислоҳотчи функциясини амалга оширишда ва умуман республикада янги жамиятни, янги социал-иктисодий тизимни шакллантиришда давлатнинг тутган ўрнини кучайтирди ва бу вазият республика иқтисодиётининг юкори суръатларда таракқий этишини таъминламоқда.

Демак, республиканинг келгусидаги тараккиётида иқтисодий ислоҳотларнинг чукурлаштирилишида республикада ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган янги бошқарув тизимини ҳам такомиллаштириб бориш – замон талаби.

### 3.4. Кучли социал сиёsatни амалга ошириш

Маълумки, 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, 21-асрнинг бошланишида жаҳон ишлаб чиқариши, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви билан ҳамма мамлакатларда иқтисодиётнинг ри-

вожланиши социал йўналтирилган шаклда амалга оширилмоқда. Тасодиф эмаски, Бирлашган миллатлар ташкилоти жаҳон миқёсида ахолининг турмуш даражасини кўтариш, ишсизликка, қашшоқликка қарши кураш бўйича кенг миқёсда чора-тадбирларни амалга оширилмоқда ва алоҳида мамлакатлардан бу муаммоларни ечишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бу социал-иктисодий тараққиёт йўналиши қабул қилинди ва бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика халк хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш, республикада бозор иқтисодиётини шакллантиришга бағишиланган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири-бу республикада кучли социал сиёсатни амалга оширишдан иборат.

И.А. Каримов таъкидлаган эдиларки: «Ўзбекистоннинг ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишdir. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишда, ахолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қатъий кафолатни вужудга келтиришга бўйсундирилган».<sup>1</sup>

Юқорида таъкидланганидек, республикада кучли социал сиёсатни амалга ошириш мақсадида 15 дан ортиқ республика Конунлари, 25 дан ортиқ Президент Фармонлари ва 20 дан ортиқ Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Қабул қилинган конунлар ногиронларни ҳимоя қилиш, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, давлат томонидан фуқароларни пенсия билан таъминлаш, истеъмолчилар хукуқини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилиш, таълим, кадрлар тайёрлаш, ахолини меҳнат билан бандлиги, бюджет тизими, уй-жой тўғрисида давлат сиёсати, меҳнатни ҳимоя қилиш, аёлларга кўшимча имтиёзлар, аҳоли жамғармалари ҳимоясини кафолатлаш ва бошқа муаммоларга бағишиланган эди.

Қабул қилинган Президент Фармонларида солик сиёсатини тақомиллаштириш, иш ҳақи, пенсия, нафака ва стипендияни ошириш, томорқа хўжаликларини ривожлантириш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш ва бошқа муаммолар ўз ифодасини топган.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларида коммунал хўжалик хизматлари, ўқитувчиларни рағбатлантириш, ахолининг сиҳат-саломатлиги, республика истеъмол моллар бозорини ҳимоя қилиш,

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Асарлар тўплами. 1-жилд. 1996 й. Тошкент. 322 б.

нарх-навони эркинлаштириш, аҳоли даромадларини индексация қилиш, болали оилаларни ҳимоя қилиш, иш ҳақини кўтариш, томорка хўжаликларини ривожлантириш, солиқ сиёсатини тако-миллаштириш, пенсия фонди, савдо-сотик тизимини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва бошка муаммолар ўз ечимини топган.

Республикада амалга оширилаётган кучли социал сиёсат тегишли мазмунга ва алоҳида хусусиятларга эга.

Кучли социал сиёсат давлат сиёсати бўлиб, у давлат томонидан билвосита ва бевосита йўналишларда амалга оширилмоқда.

Давлатнинг билвосита чора-тадбирлари қўйидагилар:

- мамлакатда социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш;
- ҳалқ хўжалиги, макроиктисодиёт, унинг социал соҳаларини ривожлантириш;
- республика истеъмол моллари бозорини ҳимоя қилиш;
- меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолини оптимал даражада иш жойлари билан таъминлаш.

Давлатнинг бу борада бевосита чора-тадбирлари қўйидагилар:

- истеъмол товар, молларга нарх-навонинг кўтарилиши билан аҳоли даромадларин, жамғармаларин, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиясини индексация қилиб туриш;
- қишлоқ жойларда томорка хўжаликларини ривожлантириш учун тегишли ер ресурсларини ажратиб, бўлиб бериш;
- кам таъминланган, болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш;
- мақтаб болаларига кийим-кечак, ўкув куролларини берниш ва уларни текин овқатлантириш;
- карияларни пенсия, нафақа ва бошка моддий ёрдамлар билан таъминлаш;
- меҳнаткашлар-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ставкасини камайтириш.

Кўриниб турибдики, республикада қабул қилинган кучли социал сиёсат кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, у республикага тааллуқли шарт-шароитларда амалга оширилмоқда. Бу республика аҳолисининг ҳар йили 1,2-1,5 фонзга кўпайиб туриши, аҳоли таркибида 16 ёшгача бўлганлар 55 фоизни ташкил қилиши, республика аҳолисининг 49,0 фоизининг қишлоқ жойларда яшashi кабилардир.

Республика кучли социал сиёсати босқичма-босқич амалга оширилиб, унинг йўналтирилганлиги, мазмуни таомиллашиб бормоқда.

Умуман аҳолини социал таъминлаш билан бирга аҳолининг кам таъминланган қатламларига кенгрок эътибор берилмоқда, умумий қўллаб-кувватлашдан ташқари давлат томонидан кам таъминланган оиласаларни социал ҳимояси кафолатланмоқда.

Бозор муносабатлари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда республика аҳолисини, меҳнаткашларни давлат дотация ва субсидия тизимларидан воз кечиб, кўпроқ тадбиркорликдан даромад тошига йўналтирилмоқда.

Юқорида кўрсатилган йўналишлар бўйича республикада кучли социал сиёсат амалга оширилмоқда ва бу жараён республикада бозор иктисодиёти шаклланишини тезлаштирулмоқда, ундан ташқари иктисодиётнинг янада ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланмоқда.

Бу борада авваламбор, республикада социал йўналтирилган бозор иктисодиёти шаклланитирилмоқда. Бунинг учун республикада халқ хўжалиги, макроиктиносидиёт структураси-таркиби тубдан ўзгартирилмоқда.

Бу таркибий ўзгариш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар ёки моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ёки номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги нисбатни ўзгартириш. Бу нисбат илгари 70:30 бўлган бўлса, ҳозирги вақтда 60:40 ни ташкил этмоқда;

- ишлаб чиқарувчи тармоқлар таркибида бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаб чиқарувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатни ўзгартириш. Мустакиллик даврида қайта ишлаб чиқарувчи тармоқлар улуши ошиб бормоқда;

- ишлаб чиқарувчи тармоқлараро нисбатнинг ўзгариши. Мустакиллик даврида устувор тармоқларнинг экспортга йўналтирилган тармоқлари улуши ошиб бормоқда;

- шуни таъкидлаш керакки, республикада бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан Ўзбекистон Республикасида социал соҳалар ривожланишининг пасайишига йўл кўйилмади, уларни ривожлантириш давом эттирилди.

Бу ўзгаришлар ўз навбатида республикада социал тармоқларни юкори суръатда ривожлантириш ва республика аҳолисини социал ҳимоя қилиш учун имконият бермоқда.

Маълумки, макроиктисодиётнинг социал соҳалари таркибига халқ таълими, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, уй-жой хўжалиги, фан, спорт ва бошқа соҳалар киради.

Халқ таълими соҳаси хоҳлаган жамиятнинг тараққиёт негизи ҳисобланади. Шу сабабли халқ таълими соҳасини ривожлантиришга республика мустақиллиги даврида катта эътибор берилмоқда.

Социал сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири бўлган халқ таълими соҳасида кенг микёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада бозор муносабатларининг, иқтисодий инкирорзинг қийинчиликларига қарамасдан таълим соҳаси тўхтовсиз ривожланиб борган. Бу ривожланиш умуман ҳам микдоран, ҳам мазмунан, ҳам таркибий такомиллашиб борган.

Бозор муносабатларининг талабларига мосланган ҳолда хунар-техника ва ўрта маҳсус билим юртлари шаклини ўзгартириб, касб-хунар коллежлари ва маҳсус академик лицейлар ташкил этилмоқда.

Кўриниб турибдики, республикада кучли социал сиёсатни амалга оширишда таълим соҳасининг ривожланиши алоҳида аҳамиятга эга. Лекин бу борада ечилмаган муаммолар мавжуд. Бу мактабгача тарбия муассасаларининг ривожланиш ҳолати.

Республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилар экан, республикада мактабгача тарбия муассасаларини ривожлантириш республика раҳбариятининг диккат марказига кўтарилиб, уларнинг ривожланиш суръатларини тубдан кўтариш лозим.

Кучли социал сиёсатнинг яна бир асосий йўналиши бўлиб соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини бозор муносабатлари шароитида ташкил этиш ва уни ривожлантириш мақсадида республикада тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Булар – «Фуқаролар сиҳат-саломатлигини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Истемолчилар хукуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, «Республикада дори-дармонларни сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги, «Аёллар ва ёш авлод сиҳат-саломатлигини кучайтириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Социал заиф аҳоли қатламларини кўллаб-куватлаш манзилли

дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Республика Президенти Фармонлари ва «Республика согликни сақлаш тизимини илмий техника потенциалини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Даволаш-профилактика муассасаларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Дори-дармон ва тиббий товарларни сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси согликни сақлаш тизимида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги, «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги, «Сиҳат-саломатлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлариридир.

Республика согликни сақлаш тизимини янги шароитда ташкил килиш ва уни ривожлантиришга йўналтирилган давлат чора-тадбирлари ҳам билвосита, ҳам бевосита йўллар билан амалга оширилмоқда.

Билвосита йўл билан республика аҳолиси сиҳат-саломатлигига умуман тъсир кўрсатувчи шарт-шароитларни, яъни аҳоли даромадларини кўтариб туриш, уларни индексация қилиб туриш, меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолини иш жойлари билан тъминлаш, болалик ва кам тъминланган оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа тадбирларни амалга оширишда ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга давлат томонидан бевосита йўл билан кең миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, шошилинч ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил қилиш, бола кўришни истаган аёлларни текширувдан ўтказиш, 3000 та қишлоқ тиббий пунктларни ташкил қилиш, кўшимча касалхона, поликлиникалар куриш, тиббий муассасаларининг моддий базасини кучайтириш, согликни сақлашга ажратилган маблағларни кўлайтириб туриш. шу мақсадда ҳар хил манбалардан фойдаланиш ва ҳоказо.

Республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланар экан, келгусида таълим ва согликни сақлаш соҳаларига янада кўпроқ эътибор ажратилиши лозим.

Кучли социал сиёсатнинг яна бир йўналиши бўлиб республика истеъмол моллар бозорини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Маълумки, Узбекистоннинг социал-иктисодий ривожланиш дарражаси ва унинг ишлаб чиқариш ресурслари билан тъминланганлиги бошқа қўшни республикаларга нисбатан юкори эди. Табиийки бу шароитда иттифоқ тўзиб кетиши билан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат товарлари, озиқ-овқат маҳсулотларига

шаклланаётган нарх-наволар бошқа республикалардаги нархларга нисбатан 25-30 фоизга пастроқ бўлган.

Натижада Ўзбекистонга қадрсизлашаётган рублнинг кенг миқёсда миграцияси бошланди. Бир чамадон пул келиб, республикадан бир вагон товар ва маҳсулотлар чиқиб кета бошлади.

Республика истеъмол товарлар, моллар бозорини ҳимоя қилиш объектив заруриятга айланди ва пайдо бўлган вазият керакли чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этди.

Акс ҳолда, республикада товар ва молларга бўлган танқислик янада кучайиб, нарх-наволарнинг кўтариллишига, демак, республика ахолиси турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин эди.

Бу вазиятни эътиборга олиб республикада керакли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Авваламбор, бу борада республикада истеъмол товар ва моллар бозорини ҳимоя қилиш хуқуқий базаси ташкил этилди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир қатор Қарорлар қабул қилди. Булар:

- 1992 йилда: қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Истеъмол товарларни купонлар бўйича сотиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», «Республика истеъмол бозорини ҳимоя қилишни ва пул муомаласини кучайтириш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси территориясида сўм-купонни параллел ҳолда тўлов воситаси сифатида муомалага киритиш тўғрисида», «Нақд пул муомаласини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқа қатор қарорлар шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, республика истеъмол товар ва моллар бозорини ҳимоя қилиш ҳар томонлама ўйлаб ишлаб чиқилган жараён бўлиб, унинг объектив зарурлиги ҳар томонлама тасдиқланди ва бу жараён амалга оширилди.

Чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қўйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди:

- божхона назоратини ташкил этиш ва республикадан ташқарига олиб чиқилаётган товар ва маҳсулотларга божхона пошлинасини киритиш;
- товар ва маҳсулотларни республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиш жараёнини назорат остига олиб, чегаралаш;
- республика истеъмол бозорида сотиб олинаётган товар ва маҳсулотларнинг кўпчилигига талон ва купон тизимларини ўрна-

тиш. Демак, сотиб олувчиларда қадрсизланаётган рубль пуллари бўлсада, улар талон ва купонсиз бу товар, маҳсулотларни сотиб олиш ва республикадан олиб чиқиб кетиш имкониятига эга бўлмайдилар. Талон ва купонлар факат республика фуқаролари ўртасида давлат назорати остида тарқатилди: купон тизими 1992 йил 10 январдан амалиётга киритилиб, 1992-1993 йилларда фойдаланилди.

Лекин Ўзбекистонда истеъмол товар, моллар бозорини ҳимоя қилиш мақсадида, қадрсизланаётган, кенг микёсда республикага йўналтирилаётган рублнинг муомалада бўлиши чегараланди ва 1994 йил 1 январдан бошлаб 1961-1992 йилларда чиқарилган рубль сифатидаги пуллар умуман пул муомаласидан чиқарилди.

Бу амалга оширилган чора-тадбирлар шубҳасиз республика истеъмол товар ва моллар бозорини ҳимоя қилиш имкониятини берди ва республика аҳолисини социал ҳимоя қилишда асосий омиллардан бири бўлди.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларида меҳнат қобилиятига эга бўлган ахолини иш жойлар билан таъминлаш энг долзарб муаммолардан бири бўлган ва шундай бўлаверади.

Айниска, бу муаммонинг можияти бир жамиятдан иккинчи жамиятга ўтиш даврида, масалан, режалаштириш социал-иқтисодий тизимдан бозор муносабатларига ўтиш даврида ошиб боради, уни ечилиш жараённи мураккаблашади. Чунки:

Масалан, Ўзбекистон учун Иттифок тарқатилиши билан республика, корхоналараро иқтисодий алоқалар бузилди, натижада корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайди, корхоналарда банд ходимларнинг бир кисми ишдан бўшатилди.

Бозор муносабатлари ракобатга асосланган бўлиб, бозор муносабатларининг шаклланишида ракобат талабларига чидай олмаган корхоналар банкротга учрайди, демак яна ходимлар ишсизликка учрайди.

Бозор муносабатлари ракобатга асосланган экан, ракобат талабларига жавоб бериш мақсадида корхоналарда ишлаб чиқариши ташкил қилиш такомиллаштирилади, ишлаб чиқаришга механизация ва автоматизация, компьютеризация киритилади, натижада яна ишлаб чиқаришда банд ходимларнинг бир кисми ортиқча бўлиб кисқартирилади.

Режалаштирилган социал-иқтисодий тизимдан бозор муносабатларига ўтишда ҳамма корхона, ташкилотлар бозор муносабатлари талабларига ўз вактида мослаша олмайди, бозор муносаб-

батларини тушунган, уларни батафсил ўзлаштирган менежментлар-бошқарувчи ходимлар етишмайди ва натижада бу корхоналар ҳам банкротга учраши мумкин, пировардида яна ишсизлар таркиби кенгаяди.

Бу вазиятни ўз вактида тушунган республика раҳбарияти республика мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ республика аҳолисининг бандлик муаммосига кўп эътибор бериб келмоқда.

Бу муаммони ечиш йўналишларини аниқлаш максадида «Аҳоли бандлиги тўғрисида» Республика Конуни қабул қилинди, у қайтадан кўриб чиқилди, «Мехнатни химоя қилиш тўғрисида» Республика Конуни қабул қилинди.

Республикада кучли социал сиёсатни амалга ошириш максадида республикада мавжуд меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш муаммоси қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

– Халқ хўжалигига ташкил этилган иш жойларини ўтиш даврининг қийинчилкларига қарамасдан сақлаб қолиш.

Шу максадда 1990-1995 йилларда, яъни иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистонда ишлаб чиқаришининг ҳаддан ташқари орқага кетишига, пасайиб кетишига йўл қўйизмади. 1990-1995 йилларда Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулотнинг камайиши 19 фоизни ташкил этди. Шу даврда бошқа ҳамдўстлик мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг камайиши 35-55 фоизни ташкил этган. Демак, бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқаришининг камайиши Ўзбекистон Республикасига нисбатан 2-3 маротаба юқори бўлган.

Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлиги муаммосини ечишда катта аҳамиятга эга бўлган.

– ўтиш даврининг, бошлангич йилларидағи иқтисодий даврнинг қийинчилкларига қарамасдан республикада ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш масалалари республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келди.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида халқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлмиш қурилиш, энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноатлари орқага кетмасдан, аксинча ўз ривожланишини давом эттириди.

Маълумки, республикада меҳнат ресурслари хар йили 1,2-1,5 фоизга кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат аҳолини меҳнат билан бандлик муаммосини янада мураккаблаштироқда. Шу сабабли республи-

када янги иш жойлари барпо этиш республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келмокда.

Маълумки, жамият ҳаётида қандайдир муаммо пайдо бўлса у ўрганилади ва уни ечиш механизми, йўналишлари аниқланади. Бу ҳодиса аҳоли бандлиги муаммосига ҳам таалуқи эди. Бу муаммони қабул қилиб уни ечиш мақсадида республикада меҳнат биржалари ташкил этилди. Меҳнат биржалари республиканинг ҳамма минтақаларида ташкил этилиб, улар орқали иш кидирётганлар рўйхатга олинниб, иш билан таъминланмоқдалар. Бунинг учун меҳнат биржалари республикада меҳнат ресурсларига эҳтиёжи бор корхона ва ташкилотлар билан доимий алоқада бўлмоқдалар.

Агарда ишсизларнинг рўйхатдан ўткандан сўнг 10 кун орасида бандлик органлари уларга иш жойларини топиб бера олмаса, махсус комиссия уларга ишсизликдан нафака белгилайди ва бу нафака рўйхатга ўтилган кундан ярим йил мобайнида берилади.

Республика аҳолисини меҳнат билан бандлигини таъминлаш имкониятларидан бири бўлиб меҳнат ресурсларини республикадан ташқарига экспорт қилиш хисобланиши лозим. Лекин республика бу имкониятдан ҳали тўлиқ фойдаланаётгани йўқ.

Республика аҳолисини социал ҳимоя қилиш мақсадида уни меҳнат билан бандлигини таъминлаш борасида республикада амалга оширилаётган чора-тадбирлардан бири – бу республикада кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришdir. Барпо этилаётган янги иш жойларининг 70-80 фоизи шу соҳада амалга оширилмоқда.

Лекин республикада меҳнат билан умумий бандлик ҳали керакли даражага кўтарилигани йўқ.

Маълумки, республикада меҳнат билан умумий бандлик 1990 йили 73 фоизни ташкил этган. Мустакиллик даврида бу кўрсаткич 75 фоизгacha кўтарилди, лекин бу даража кейинги йилларда пасайди.

1991 йили республикада ишлаб чиқилган дастурга биноан умумий меҳнат билан бандлик даражаси 85 фоизга кўтарилиши керак. Бу масала демак, хозирча ечишгани йўқ. Лекин керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган кучли социал сиёсат йўналишларидан яна бири бўлиб республикада бозор муносабатларига мосланган нарх-наво сиёсатини шакллантириш ва аҳоли даромадларини индексация қилиш хисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида нарх-наво сиёсатини такомиллаштириш бу табиий ҳолат. Бу вазият бутун собиқ социалистик мамлакатларнинг, собиқ иттифоқдош республикаларнинг бозор муносабатларига ўтиш борасидаги тажрибасида тасдиқланди. Чунки режалаштирилган тизимдан бозор иктисадига ўтиш муносабати билан нарх-наво сиёсатини ташқил этишининг назарий, объектив асослари тубдан ўзгаради. Илгари нарх-наво давлат томонидан маъмурий аниқланадиган бўлса, бозор муносабатлари даврида нарх-наво талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга асосланади.

Ундан ташқари, бу ҳам собиқ социалистик мамлакатлар, собиқ иттифоқ республикалари фаолиятида тасдиқландик, бозор муносабатларига ўтиш даврида нарх-наво истеъмол товар, молларга кўтарилади ва бу ҳолат аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Демак, бозор муносабатларига ўтиш даврида бозор муносабатларининг талабларига жавоб берадиган, уларга мосланган нарх-наво сиёсатини шакллантириш ва шу билан бирга нарх-наво жараёнининг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш зарурити келиб чиқади.

Бу муаммо Ўзбекистон Республикасида ўз ифодасини топди ва у керакли даражада ечилди.

Бу муаммонинг ечилиши Ўзбекистон Республикасида икки йўналишда амалга оширилди.

Биринчидан, бозор муносабатларига мосланган нарх-наво сиёсати шакллантирилди.

Иккинчидан, истеъмол товар, молларга нарх-наволарнинг кўтарилишини республика аҳолиси турмushi даражасига салбий таъсирининг олдини олиш максадида республика аҳолиси даромадларини – иш ҳаки, жамғарма, пенсия, нафака, стипендиялар индексация қилинмоқда.

Республикада нарх-навони эркинлаштириш, бозор муносабатларига мосланган нарх-наво сиёсати революцион йўл – «шоковая терапия» йўли билан эмас, эволюцион йўл билан, аста-секин, босқичма-босқич шакллантирилди.

Давлат томонидан тасдиқланадиган, режалаштириладиган нарх-наволардан эркин, шартнома асосларида аниқланадиган нарх-наволарга ўтиш республикада бир вақтда, бир кунда эмас, аста-секин 3-4 йил мобайнида амалга оширилди.

Бозор муносабатларининг талабларида я келиб чиқиб ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга, кўрсатиладиган хизматларнинг асосий қисмига шартнома асосида аникланадиган нарх-наволар шакллантирилмоқда

Маълумки, хорижий ривожланган мамлакатларда истеъмол, товар, молларга шаклланадиган нарх-наволардан 10-20 фоизи давлат томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида унинг иктисодий-ташкилий хусусиятларини эътиборга олиб истеъмол товар, молларнинг асосий қисмига эркин ва шартнома нархлари шакллантирилган.

Ҳозирги пайтда давлат томонидан тасдиқланадиган нархлар факат бир гурӯҳ дори-дармонларга, бир гурӯҳ истеъмол товарларига, коммунал хизматларга, пахта ва дон маҳсулотлари бўйича давлат буюртмаси ҳажмида сактаниб қолган.

Лекин республикада шакланаётган бозор муносабатларини эътиборга олиб алоҳида тармоқ маҳсулотларига шакланаётган нархларни давлат томонидан тартибга солиш амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан дори-дармонлар бўйича аникланадиган устамалар улгуржи савдо бўйича 25 фоиздан, чакана савдо бўйича 30 фоиздан ошиқ бўлмаслиги тасдиқланди.

Республика аҳолиси даромадларини индексация қилиш масаласига ўтсак, бу борада давлат томонидан керакли чора-тадбирлар бир неча йўналишларда амалга оширилди.

Авваламбор, бу республика аҳолисини омонат касса, банклардаги ва давлат сұғуртасидаги жамғармаларини индексация қилиш.

Маълумки, республика аҳолисининг жамғармалари омонат кассаларда, банкларда ва давлат сұғурта полисларида сакланар эди ва улар давлат томонидан ҳалқ хўжалигини ривожлантириш учун фойдаланиларди. Лекин бу жамғармалар нарх-навонининг эркинлаштирилиши, инфляциянинг юқори суръатларда бўлғанлиги сабабли қадрсизлана бошлади. Шу сабабли бу борада аҳолини қўллаб-қувватлаш зарурияти келиб чиқди.

Бу муаммони ечиш мақсадида 1995 йили 20 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг омонат ва давлат сұғуртасидаги пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида» Фармони қабул килинди.

**Бу Фармонга биноан:**

- 1992 йил 1 январга шаклланган ва 1 январь 1996 йилгача ҳаракатда бўлган аҳоли жамғармалари индексация килишга қабул қилинди.
- Аҳоли тул жамғармаларининг ҳажми 4000 марта кўпайтирилиб қўйилди, чунки 1990-1994 йилларда истеъмол товарларга нарх-наво 4000 фоизга кўтарилиган эди.
- 1996 йил 1 январдан бошлаб 10 йил мобайнида жамғармаларни индексация қилиб аҳолига қайтараб бериш аниқланди, амалга оширилди.

Демак, республика аҳолисининг жамғарма тул маблаглари 1991-1995 йилларда нарх-наволарнинг кўтарилиш суръатларини зътиборга олиб индексация қилинди.

1995-2009 йилларда иш ҳаки, пенсия, нафақа ва стипендияни индексация қилиш мақсадида 40 дан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари қабул қилинди. Улар истеъмол товар, молларга нарх-наволарнинг кўтарилишининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини камайтиришга албатта ёрдам берди.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига мосланган нарх-наво сиёсатини шакллантириш, республика аҳолиси даромадларини индексация қилиш республикада кучли социал сиёсатни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлган йўналишлардан бири бўлмоқда.

Республика кишлоқ жойларида шахсий томорка – деҳкон хўжаликларини ривожлантириш ҳам республикада кучли социал сиёсат йўналишларидан бири сифатида амалга оширилмоқда.

Маълумки, Совет даврида томорка хўжаликлари ҳар хил вазиятда бўлган. Бир хил йилларда улар ривожлантирилган, бошқа бир йилларда улар чегараланган, «Хрушевлик» даврида эса улар йўқ килишгача олиб келинган. Лекин шахсий томорка хўжаликлар аҳоли турмуш даражаси учун зарур бўлганлиги сабабли, улар сақланди, лекин яхши суръатларда ривожлантирилмади.

Совет даврининг охирги йилларида Ўзбекистонда шахсий томорқалар учун ажратилган ва бўлиб берилган ерлар ҳаммаси бўлиб 200 минг гектарни ташкил этган эди. Бу республикада сугориладиган ерларнинг факат 5 фоизини ташкил этган бўлиб, уларнинг ўртача майдони 8 сотик эди.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан, республика аҳолисини бозор муносабатларининг салбий тъсиrlаридан ҳимоя қилиш мақсадида Республика раҳбарияти республикада томорқа хўжаликларини янада ривожлантириш масаласини республика мустақилликка эришмасдан олдин кўтарди ва уни ҳал эта бошлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришмасдан олдинги даврда Республика Олий Совети Президиуми, республика Министрлар Совети карорларига биноан республика қишлоқ жойларида шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш мақсадида 360 минг гектар ажратилди ва бўлиб берилди. 1989-1993 йилларда ҳаммаси бўлиб шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун 500 минг гектар ерлар ажратилди, бўлиб берилди.

Ажратилган, бўлиб берилган ерлардан самарати фойдаланиш мақсадида ажратилган майдонларда уй-жой қуриш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун керакли шарт-шароитлар барпо этилди ва чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республика томорқа хўжаликлири ўзларининг истеъмол молларга бўлган эҳтиёжларини қондириш билан бирга, улар товар ишлаб чиқариш шаклига айланмоқдалар, ҳамда жамоа эҳтиёжларини қондиришда ҳам етарли фаолият олиб бормоқдалар.

Республика шахсий томорқа хўжаликлири республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 65 фоизини етказиб бермоқдалар. Демак, илгари томорқа ерлари асосан уй-жой қуриш мақсадлари учун йўналтирилган бўлса, энди бозор муносабатлари даврида, дехқон хўжаликларининг ўртacha майдони кентайиб бориб, дехқон хўжаликлири товар хўжаликларига айланиб, бозорга маҳсулотлар чиқармоқдалар.

Республикада кучли социал сиёsatни амалга ошириш натижасида республика аҳолисининг турмуш даражасининг ҳаддан ташқари орқага кетишига йўл қўйилмади.

Банк муассасаларидаги аҳоли жамғармалари, ойлик, пенсиялар ҳажми, ижтимоий нафақаларининг ўртача ҳажми, уй-жой фондини, уй-жой фонди ободонлаштириш кўrsatкичларини йилдан-йилга ўсиб бориши, бу республикада кучли социал сиёsatни амалга оширилишини тасдиқловчи кўrsatкичлардир.

Республикада кучли социал сиёsatнинг амалга оширилаётганинги тасдиқловчи яна бир асос – бу 1997 йилдан бошлаб республика ривожланишидаги йилларга тегишли ном бериб, бу мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишdir, яъни:

1997 йил – Инсон манфаати йили  
1998 йил – Оила йили  
1999 йил – Аёллар йили  
2000 йил – Соғлом авлод йили  
2001 йил – Оналар ва болалар йили  
2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили  
2003 йил – Обод махалла йили  
2004 йил – Мехр ва муруватт йили  
2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили  
2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили  
2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили  
2008 йил – Ёшлар йили  
2009 йил – Қишлоқ таракқиети ва фаровонлиги йили  
2010 йил – Баркамол авлод йили.

Бу йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Фармонларига биноан бу соҳаларда, бу муаммолар бўйича маҳсус Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, улар амалга оширилди.

Республикада кучли социал сиёсатни амалга ошириш таҳнили бизни қўйидаги хулосаларга олиб келди:

Биринчидан, республикада кучли социал сиёсат ишлаб чиқилган, у амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, кучли социал сиёсат бир канча йўналишларда амалга оширилмоқда.

Учинчидан, кучли социал сиёсатни амалга ошириш республика иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир қўрсатмоқда.

Тўртинчидан, кучли социал сиёсатни амалга оширишда кенг миқёсда ижобий натижалар, ютуклар кўлга киритилмоқда.

Бешинчидан, бу ижобий натижалар билан бирга, кучли социал сиёсатни амалга оширишда, айниқса, таълим соҳасини ривожлантиришда, ахолини меҳнат билан бандлигини кўтариш соҳасида, республика аҳолиси турмуш даражасини кўтариш соҳасида ҳали ечилмаган муаммолар мавжуд.

Олтинчидан, демак, келгусида республикада кучли социал сиёсатни амалга оширишда мавжуд камчиликларни бартараф этиб, ечилмаган муаммоларни ечишга янада кўпроқ эътибор ажратиш замон талабидир ва бу вазифани кун тартибига қўйиш ва амалга ошириш республика иқтисодиётининг ривожланиш суръатларини кўтариш омилларидан биридир.

И.А. Каримов республикада кучли социал сиёсатнинг амалга оширилаётганлигини тасдиқлаб шундай дейдилар: «Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни тъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб кўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол десак, бу – айни ҳақиқатдир»<sup>1</sup>

### **3.5. Кўн укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш**

Бозор муносабатларидан кенг фойдаланиш, бозор муносабатларини шакллантириш кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишга олиб келади. Щу сабабли Ўзбекистон Республикасида кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш бутун мустақиллик даврида республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш республикада ишлаб чиқилган «ўзбек модели»га биноан қўйидаги йўллар билан амалга оширилмоқда:

- корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш;
- фермер хўжаликларини ташкил қилиш, ривожлантириш;
- деҳкон хўжаликларини ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- қўшма корхоналарни ташкил қилиш.

Хорижий мамлакатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бир сўз билан, яъни «хусусийлаштириш» сўзи билан ифодаланади. чунки хорижий мамлакатларда давлат мулкидан ташқари мулклар хусусий мулк ҳисобланади, давлат социал-иктисодий укладидан ташқари ҳамма социал-иктисодий укладлар, хусусий ишлаб чиқариш укладлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси конун-меъёрий хужжатларида, амалиётда корхона ва ташкилотларнинг мулкий ўзгариши давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларида ифодаланади. Мулкий ўзгаришларни бундай шаклларда ифодалашига аниқ асос бор.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил, 8 декабрь.

Давлат тасарруфидан чиқариш деганда мулк объектлари, хўжалик субъектларига нисбатан давлат ҳукмронлигини, давлат томонидан уларнинг хўжалик фаолиятига аралашувни чегаралаш, камайтириш тушунилади. Давлат тасарруфидан чиқарилганда давлат мулки шаклан мутлак ўзгармаслиги мумкин. Масалан, давлат мулки ижарага берилса, мулк шакли ўзгармайди, давлат мулки бўлиб қолаваради. Лекин бу мулкка давлат ҳукмронлиги, аралашуви ўзгаради, йўқ бўлади. Давлат корхонаси акциядорлар жамиятига айлантирилса, бу корхонага нисбатан давлатнинг ҳукмронлик аралашув даражаси камаяди. Бу мулк қийматида давлат улуши 26 ва 51 фоиз даражада бўлиши мумкин. Демак, давлат аралашуви 2-4 марта камаяди.

Хусусийлаштириш деганда умуман мулк шакли ўзгаради. Масалан, давлат мулки хусусий мулк шаклларига айлантирилади. Бу мулк, бу корхоналарга нисбатан давлат томонидан ҳукмронлик тубдан ўзгаради, давлатнинг бу корхона хўжалик фаолиятига аралашуви деярли йўқ қилинади.

Бу икки жараён Ўзбекистонда кенг фойдаланилмоқда. Масалан, давлатнинг уй-жой фонди, майший хизмат кўрсатиш муассасалари, дорихоналар, савдо ташкилотлари, саноат корхоналарининг бир қисми, қишлоқ хўжалигида давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари – совхозлар, давлат чорвачилик фермалари умуман хусусийлаштирилди – хусусий мулк субъектларига айлантирилди. Бошқа саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ хўжалигида – кооператив мулки корхоналари-колхозлар, давлат тасарруфидан чиқарилди, уларга нисбатан давлат ҳукмронлиги, аралашуви камайтирилди. Масалан, қишлоқ хўжалигида колхозлар ширкат хўжаликларига айлантирилгани, мулк шакли ўзгаргани йўқ, у кооператив мулки бўлиб қолаверди. лекин давлат томонидан ҳукмронлик, аралашув даражаси ўзгарди. Ширкат хўжаликлар фермер хўжаликларга айлантирилди, демак энди улар хусусийлаштирилди, кооператив мулки хусусий мулкка айлантирилди.

Демак, давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш бозор муносабатларини шаклантиришда объектив зарурят ва объектив жараён экан.

Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш:

- кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишда катта аҳамиятга эга бўлган шарт-шароит;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чегараловчи омил;

- давлат мулкидан хусусий мулкка ўтиш чораси;
- социал-иктисодий укладлараро рақобатни ташкил қилиш имконияти;
- ишлаб чиқаришни ишлаб чиқариш воситалари билан боғлаш;
- ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш омили;
- социал адолатлиликни тиклаш йўли;
- давлатнинг молиявий ҳолатини кучайтириш чора-тадбири;
- давлат томонидан бериладиган дотация ва субсидияларни қисқартириш имконияти;
- ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини таомиллаштириш йўли;
- ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини кўтариш йўли;
- мулкдорлар таркибини кенгайтириш шарт-шароити;
- хорижий инвесторларни жалб қилишни тартибга солиш йўли;
- бозор муносабатларидан фойдаланишни иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш билан боғлаш;
- ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда фан-техника ютукларидан фойдаланишни кучайтириш йўли.

Демак, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш хорижий мамлакатлар амалиётида кенг фойдаланилганлиги тасодиф эмас.

Бу жараённи амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитлар бўлиши керак. Бу:

- мавжуд молиявий бозорни соғломлаштириш;
- ички бозорда нарх-наво сиёсатини эркинлаштириш;
- тижорат қонуниятларини ривожлантириш;
- солик сиёсатини ривожлантириш;
- бозор иқтисодиёти инфратузилмасини барпо этиш;
- давлат мулкини тижоратлаш;
- қўшма корхоналар ташкил қилиш йўли билан иқтисодиётни ривожлантириш;
- давлат аралашувини чегаралаш.

Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнинг ривож топиши билан унинг назарий асослари ҳам ривожлана бориб, у куйидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топди:

- давлат тасарруфидан чиқарилган, хусусийлаштирилган корхоналарнинг хўжалик юритиш шаклларини аниқлашда очик турдаги акциядорлар жамиятларини ташкил этишдан ёпиқ акциядорлар жамиятларини ташкил этишга ўтиш;

- давлат тасарруфидан чиқарилған, хусусийлаштирилған корхоналар фаолияти устидан назорат қилишдан ularга ёрдам беріш тизимігә ўтиш;
- корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни формал равища үтказишдан ҳар томонлама асосланған равища амалға оширишга ўтиш;
- давлат тасарруфидан чиқарилған, хусусийлаштирилған корхоналарга нисбатан солик, нарх-наво, кредит тизимларини такомиллаштириш;
- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришни амалға оширишда оммавий методдан якка тартибдаги методда ўтиш;
- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришда давлат улушкини қисқартириб бориши;
- давлат тасарруфидан чиқарилған, хусусийлаштирилған корхоналарда бошқарув тизимини такомиллаштириб бориши;
- давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағтардан фойдаланиш йўналишини ўзгартириб бориши.

Хорижий мамлакатларнинг корхоналарини хусусийлаштириш тажрибасининг асосий хусусияти бу жараёнга тайёргарлик кўришдан иборатdir. Бу борада хорижий мамлакатларда қуйидаги чоратадбирлар амалға оширилади:

- хусусийлаштириш жараёнининг ҳукукий базасини барпо этиш;
- хусусийлаштириш методларини ишлаб чиқиш;
- хусусийлаштириладиган корхоналарнинг ҳолатини таҳлил қилиш;
- хусусийлаштириладиган корхоналарнинг ҳолатини соғломлаштириш режасини ишлаб чиқиш, амалға ошириш;
- хусусийлаштириладиган корхоналар фаолиятининг маркетинг стратегиясини яратиш;
- хусусийлаштириладиган корхонатар ҳузуридаги социал муассасаларни йўқ қилиш ёки маҳаллий органларга топшириш;
- қисқартирилған ходимларни моддий қўллаб-куватлаш ва ularни қайта тайёрлаш;
- эҳтиёждан ортиқ мол-мулкларни сотиш.

Хорижий мамлакатлар корхоналарини хусусийлаштириш тажрибасини Буюк Британия ва Германия мисолида кўришимиз мумкин.

Буюк Британияда мамлакатда банд ходимларни 3,8 фоизини ташкил этувчи 2 миллион киши ишловчи 51 компания давлат мулки эди, улардан бир қисми хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштириш давлат корхоналарини бевосита сотиш йўли билан амалга оширилди.

Корхоналарни хусусийлаштириш олдига кўйилган мақсадлар. бу:

- ишлаб чиқариш самарадорлигини қўтариш;
- макро ва микро иқтисодиёт даражасининг бир-бири билан боғлиқдигини кучайтириш;
- хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятида бозор муносабатларини тиклаш;
- корхоналар фаолиятига давлат томонидан аралашувни камайтириш;
- хусусийлаштирилган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишга аҳолини жалб қилиш;
- хусусийлаштирилган корхоналарга бошқарувлик қилишга фуқароларни жалб қилиш;
- хусусийлаштирилган корхоналарнинг ходимларига нисбатан касаба уюшмалари ташкилотлари таъсирини камайтириш.

Корхоналарни хусусийлаштириш жараёни бошланиш даврида давлат мулкининг мамлакат миқёсидаги улуши 19 фоиздан иборат эди ва бу корхоналар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 11 фоизини ишлаб чиқарар эди. Хусусийлаштириш натижасида давлат улуши 19 фоиздан 8 фоизгacha камайтирилди.

Буюк Британияда амалга оширилган давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнининг хусусиятлари куйидагилардан иборат:

- давлат корхоналари факат сотиш йўли билан хусусийлаштирилди;
- хусусийлаштириш очик ва ёпик сотиш шаклида амалга оширилди;
- хусусийлаштириладиган корхоналар ҳомийларни рағбатлантириш мақсадида олдиндан соғломлаштирилиб, кейин сотилди;
- хусусийлаштирилаётган йирик корхоналар олдин майда корхоналарга бўлинниб, кейин сотилди;
- корхоналарни хусусийлаштиришда аҳоли маблағлари жалб этилди;

– хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг қийматини 20 фоиздан ошиқ бўлмаган кисмини сотишга хорижий инвесторлар маблаглари жалб этилди;

– хусусийлаштириладиган корхоналарнинг қарзлари давлат хисобидан кечирилди;

– хусусийлаштирилган корхоналарнинг бир кисмига давлат субсидияси сакланди.

Шундай килиб, Буюк Британияда 1,3 млн. киши банд бўлган 19 давлат компаниялари хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан давлатга тушган даромад 60 млрд. долларни ташкил этди. Хусусийлаштирилган корхоналар томонидан чиқарилган акцияларнинг 7-24 фоизи аҳоли томонидан сотиб олинди.

Германияда 1956 йили хусусийлаштириш концепцияси ишлаб чиқиб қабул қилинди. Хусусийлаштириш жараёни хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, аҳоли жамғармаларидан фойдаланишга, мамлакат молиявий бозори ҳажмини кенгайтиришга. Германиянинг молиявий марказ шаклидаги позициясини кучайтиришга йўналтирилган эди.

Германияда хусусийлаштириш жараёни икки босқичда амалга оширилди:

Биринчи босқичда давлат корхоналари Германия Федератив республикаси террииториясида амалга оширилди:

– 60-йилларда давлат хусусийлаштирилган корхоналар асосида ташкил этилган акциядорлар жамиятлари акцияларининг бир кисмига эта бўлиб, уларнинг фаолиятида иштирок этди;

– 80-йилларда давлат бу акциядорлик жамиятларининг таркибидан чиқа бошлади;

– 1982 йили давлат 808 та компаниялар капиталида қатнашган бўлса, 1989 йили бу компанияларнинг сони 132 гача юскартирилди;

– хусусийлаштиришдан олинган давлат даромади 9,9 млрд. маркани ташкил эди.

Иккинчи босқичда хусусийлаштириш жараёни Германия демократик республикаси террииториясида амалга оширилди. Бу террииторияда давлатга тегишли 10500 корхоналар, 25 млрд. м<sup>2</sup> ерлар, 9,6 млрд. м<sup>2</sup> ўрмонлар хусусийлаштирилди.

Германияда амалга оширилган хусусийлаштириш тизимининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Авваламбор, бу хусусийлаштиришда иштирок этувчи инвесторларни, шу жумладан, хорижий инвесторларни рағбатлантириш

чора-тадбирларини амалга ошириш, хорижий инвесторларга ўз вактида объектларни сотиб олиш учун ариза берганлари учун мукофот бериш, хусусийлаштирилган корхоналарни модернизация қилиш учун ажратилган мабалғлардан 25 фоизини давлат томонидан субсидиялар билан қоплаш, инвесторларга 20 йиллик муҳлатга пасайтирилган фоизлар билан кредит бериш.

Кейинги хусусият, бу хусусийлаштириладиган объектларни сотув жараёнида сотув шарт-шароитларини аниқлаш, хусусийлаштириладиган корхоналарнинг тузилган бизнес режасини, 3-5 йил мобайнида фаолият олиб бориш режаларини ишлаб чиқиш, ходимларнинг бандлигини таъминлашни кафолатлаш, корхонанинг ривожланиши учун келгуси сармояларнинг ҳисоб-китоблари, ортиқча мол-мулкни сотиш имкониятирини аниқлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тадбирларини, сотиладиган объектлар нархини ҳар томонлама аниқлаш ва ҳоказо.

Факат иккита хорижий мамлакатларнинг – Буюк Британия ва Германияда амалга оширилган давлат корхоналарини хусусийлаштириш тажрибасини қиска бўлсада таҳдил қилиш шуни кўрсатяптики, хусусийлаштиришни амалга оширишда уларга оид хусусиятлар бор, лекин уларда шундай чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилганки, улардан бошқа мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу хусусийлаштириладиган корхоналарни хусусийлаштириш жараёнини тайёрлаш, инвесторларни рағбатлантириш, хусусийлаштириш концепциясини олдиндан ишлаб чиқиш, хусусийлаштириш жараёнига кенг микёсда аҳоли жамғармаларини жалб қилиш ва ҳоказо. Бу борада энг асосий муаммо-бу хусусийлаштириладиган корхоналарни олдиндан соғломлаштиришdir.

Бу чора-тадбирлар инвесторларни хусусийлаштириладиган корхоналарга нисбатан рағбатлантиради, ишончини оширади ва хусусийлаштириладиган объектлар нисбатан юқори қийматда амалга оширилади ва давлат хусусийлаштириш жараёнидан кўп даромад кўради.

Гарбий Европа мамлакатларининг хусусийлаштириш борасидаги тажрибаси тўғрисида тўхталадиган бўлсак, уларга қуйидаги хусусиятлар тааллукли эди:

– мамлакат давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий инвесторлар иштирокини чегаралаш;

- бу мамлакатларда яшаётган аҳоли жамғармаларининг чегараланганлиги, камлиги натижасида аҳоли маблағларини кенг миқёсда хусусийлаштириш жараёнига жалб қилиш имконияти бўлмаганлиги;
- ҳалқ ҳўжалигидаги социал соҳаларнинг хусусийлаштирилмаганлиги;
- хусусийлаштирилган корхоналар томонидан чиқарилган акцияларнинг асосан хусусийлаштирилган корхоналар ходимлари ўртасида тарқатилиши;
- хусусийлаштирилаётган корхоналарни куришда, ташкил этишда мамлакатлар аҳолисининг моддий иштироки борлигини эътиборга олиб, ваучерлар чиқариш, уларни аҳоли ўртасида тақсимлаш тизимидан фойдаланиш;
- давлат корхоналарини хусусийлаштиришда кичик ва йирик хусусийлаштириш шаклларидан фойдаланиш.

Жаҳон миқёснда корхоналарни хусусийлаштириш 83 та мамлакатларда амалга оширилди. Бу жараённинг олдига қўйилган мақсад давлат социал-иктисодий ишлаб чиқариш уклади ҳолатини яхшилаш, давлат бюджети танқислигини бартараф этиш, корхоналар фаолияти самарадорлигини кўтариш, хусусий сектор олдидаги оғирликларни бартараф этиш, катта аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиш суръатларини кўтариш. мамлакат табиий бойликларидан фойдаланишини давлат назорати остида ушлаб туришдан иборат бўлган эди.

**Россия Федерациясининг ҳам тажрибаси эътиборга сазовор.**

Корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш сиёсатини амалга ошириш мақсадида олдиндан унинг ҳукуқий базаси барпо этилди, тегишли давлат органлари ташкил этилди.

Россия тажрибасининг энг асосий хусусияти бу ваучер тизимидан фойдаланиш. Мамлакатдаги 150 млн. аҳолига мўлжалланган 1.5 триллион рубллик ваучерлар чиқарилди ва улар аҳоли ўртасида тарқатилди. Корхоналар акциядорлаштирилса, чиқарилган акцияларнинг 25 фоизи корхона жамоасига пулсиз тарқатилди, яна 10 фоизи жамоа аъзоларига, 5 фоизи маъмурий ходимларга сотилди, 60 фоизи бозор нарх-навосида хоҳлаганларга сотилди. Агарда корхона конкурс шаклида сотилган бўлса, унда акцияларнинг 10 фоизи корхона жамоасига пулсиз берилди, колган кисми бозор нархида сотилди.

Россия тажрибасининг салбий томонлари шундан иборатки, унда кичик ва йирик хусусийлаштириш бир даврда ўтказилди, ўзини оқламаган ваучер тизимидан фойдаланилди, мамлакат аҳолиси хусусийлаштириш жараёнига ҳали тайёр эмас эди, хусусийлаштириш жараёни устидан самарали давлат назорати, раҳбарлиги бўлмади, давлат мулки бартараф этилди, талон-тарож қилинди.

Кўриниб турибдики, хорижий мамлакатлар корхоналарни хусусийлаштириш борасида бой тажрибага эга, бу тажрибани ўқиш, ўрганиш ва ундан фойдаланиш ҳар нуктаи назардан мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасида ҳам бозор муносабатлари шакллантирилар экан, кўп укладли бозор иқтисоди қурилар экан, табиийки республикада корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсати ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Республика корхона ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсати олдига қуйидаги мақсадлар кўйилди:

- иқтисодий инкирозга учраган республика ҳалқ хўжалигини баркарорлашга ёрдам кўрсатиш;
- эркин нарх-наво сиёсатига ўтишни енгиллаштириш;
- корхона ва ташкилотларга давлат томонидан бериладиган дотация ва субсидияларни камайтириш;
- мамлакатда қўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш;
- хорижий инвесторларни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга жалб этиш;
- мамлакатда мулкдорлар таркибини кенгайтириш;
- мамлакат социал-иқтисодий ривожланиш суръатларини кўтариш;
- республика ижтиёний ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш;
- пировардида республика аҳолиси турмуш даражасини ошириш.

Республикада амалга оширилган корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсати аниқ хусусиятларга эга ва улар қуйидагилардан иборат:

- давлат хусусийлаштириш сиёсатини амалга оширишда асосий ташкилотчи ва мувофиқлаштирувчи орган;
- хусусийлаштириш сиёсатини амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш;

- Республика аҳолисини социал ҳимоялаш, яъни хусусийлаштирилаётган корхоналар ходимлари манфаатини кўзда тутиш;
- хусусийлаштириш сиёсатини революцион йўл билан эмас, эволюцион йўл билан, босқичма – босқич амалга ошириш;
- ваучер тизимидан воз кечиш;
- хусусийлаштирилаётган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-куватлаш;
- йирик корхоналарни монополиядан чиқариш;
- хусусийлаштирилган корхоналардан тушган маблағлардан уларни келгусида ривожлантириш учун фойдаланиш;
- хусусийлаштирилган корхоналар фаолиятида хўжалик механизмини такомиллаштириш.

Республикада корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсати қўйидаги принципларга асосланиб амалга оширилди:

- хусусийлаштириш жараёнининг ҳар хил шакллари ва йўналишларидан фойдаланиш;
- хусусийлаштиришни пулга ўтказиш, лекин шу билан бирга имтиёзларга асосланиш;
- хусусийлаштиришда катнашаётган Республика фуқароларининг тенг хукуклигини таъминлаш;
- хусусийлаштириш жараёни устидан давлат ва жамоа назоратини амалга ошириш;
- монополия фаолиятига қарши кураш борасида конун-қарорларга бўйсуниш;
- корхоналар хусусийлаштирилаётганда ушбу корхона ходимларининг ҳоҳишини эътиборга олиш;
- хусусийлаштиришда хорижий инвесторлар иштирокининг квоталарини аниқлаш;
- хусусийлаштиришни кенг ошкораликда ўтказиш;
- хусусийлаштиришни Республика ҳукумати қарорларига биноан, лекин коммунал хўжалик обьектларини хусусийлаштиришни маҳаллий ҳокимиятликлар қарорларига биноан ўтказиш;
- социал адолатлиликни таъминлаш;
- хусусийлаштиришни идоралар, тармоқлар, минтақалар ва Республика миқёсида тузилган дастурларга биноан амалга ошириш;
- хусусийлаштириш жараёнида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;
- бир гурӯҳ тармоқ, корхона, ташкилотларга нисбатан давлат мулкини сақлаб қолиб, хусусийлаштириш натижасида акциядорлар,

кооператив, жамоа, хусусий ва қўшма корхоналар мулк шаклларини барпо этиш;

– хусусийлаштиришни очиқ ва ёпиқ акциядорлаштириш, аукционда ва конкурсе бўйича сотиш йўллари билан амалга ошириш;

– корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш;

– мулкий алокаларни ривожлантириш;

– ишлаб чиқариш укладлариаро ракобат тизимини шакллантириш;

– ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш воситалари билан бирлаштириш;

– ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш;

– хусусийлаштиришни республика аҳолиси, корхоналар, банклар кредити, хорижий инвестиция маблағлари ҳисобига амалга ошириш

Ўзбекистонда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш 1990 йилдан бошланди.

1990 йил 9 апрелда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат вазирлиги ҳузурида давлат – кооперативга асосланган туман, шаҳар саноатларини ташкил қилиш ва бу корхоналар фаолиятига ижтимоий меҳнат билан банд бўлмаган республика аҳолисини жалб қилиш тўғрисида» Қарор қабул қилишди ва унга асосан маҳаллий саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилди.

Киска муддат мобайнида республикада давлат ва хусусий мулкка асосланган 250 туманшаҳарсаноаткомбинатлари барпо этилди. Бу комбинатларга нисбатан солиққа тортиш бўйича имтиёзлар тасдиқланди. Уларга пулсиз бино ва иншоотлар берилди.

Туманшаҳарсаноаткомбинатлар республика аҳолисини, айникса қишлоқ жойларда бандлик даражасини кўтаришда, миллий ишчилар синфини шакллантиришда, ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, товарлар танқислигини камайтиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлдилар.

Республикада биринчи марта давлат – кооператив мулкига асосланган корхоналар барпо этилди. Туманшаҳарсаноаткомбинатлари республиканинг 217 шаҳар ва туманларида ташкил этилди ва уларда янгидан 25 минг иш жойлари ташкил этилди.

Ўзбекистонда корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш кенг миқёсда уч босқичда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқич 1990-1993 йиллар. Бу даврда кичик-майда хусусийлаштириш амалга оширилди. 52,3 минг корхона ва ташкилотлар хусусийлаштирилди. Улардан 12,6 минги майший хизмат кўрсатиш корхоналари, 10,6 минги – савдо корхоналари, 4,8 минги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш корхоналари, 24,3 минги – матлубот кооперация корхоналари.

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқарни, хусусийлаштириш жараёнининг «Майда хусусийлаштириш» номи билан амалга оширилган чора-тадбирларда уй-жой, савдо, тайёрлов, истеъмол кооперацияси, дорихона, майший хизмат ва маҳаллий саноат корхона ва ташкилотлари давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди.

Шу даврда бир миллиондан кўп квартиralар хусусийлаштирилди, 5 миллион киши квартира мулкига эга бўлдилар. 45 фоиз квартиralар текинга хусусийлаштирилди. Республика аҳолисининг турмуш даражаси пастлигини эътиборга олиб, қолган 55 фоиз квартиralар паст тўлов даражасида хусусийлаштирилди. Масалан, икки хоналик квартира учун уч ойлик ўртacha ойлик ҳажмида тўлов олинди.

«Майда хусусийлаштириш» натижасида квартирантлардан ташқари 52268 мулкдорлар барпо этилди. шу жумладан аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳасида – 12561 та, савдо соҳасида – 10638 та, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлов соҳасида – 4753 та, истеъмол кооперацияси соҳасида – 24316 та.

6014 та давлат тасарруфидан чиқарилган, хусусийлаштирилган корхона ва ташкилотлардан 532 таси акциядорлар жамиятларига, 5390 таси-хусусий корхоналарга, 92 таси ижара корхоналарига айлантирилди. 450 та маҳаллий саноат корхоналаридан 171 таси акциядорлар жамиятларига, 105 таси хусусий корхоналарга, 115 таси – жамоа ва бошқа шаклдаги корхоналарга айлантирилди.

Иккинчи босқич 1994-1995 йиллар. Бу даврда 7 минг корхона ва ташкилотлар хусусийлаштирилди.

Умуман иккинчи босқичда енгил, озиқ-овқат, кўмир саноати, қайта ишлаб чиқариш саноати, агрсаноат комплекси, қора металлургия, курилиш, транспорт, алоқа, тиббий муассасалар, меҳмонхона ва қисман машинасозлик саноати корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди.

1996 йилнинг бошланишига давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсатини амалга ошириш натижасида республикада очик турдаги 2884, ёпик турдаги 210 акциядорлар жамиятлари, 24649 хусусий, 2029 кооператив, 1658 жамоа, 14236 кичик ва 609 ижара корхоналари ташкил этилди.

Учинчи босқич 1996 йилда бошланиб ҳозиргача давом этяпти.

Бу босқичда саноатнинг ҳамма тармоқларида, қишлоқ хўжалигида асосан ўрта ва кисман йирик корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди. Бу босқичнинг асосий хусусияти шундан иборат эдикни, унда майда корхоналар хусусий корхоналарга, ўрта ва йирик корхоналар очик турдаги акциядорлар жамиятларига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалигида бу босқичда 1150 давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари – совхозлар, 1200 та давлат чорвачилик фермалари хусусийлаштирилди.

Республика колхозларида эса уларнинг хўжалик юритиш шакллари ўзгартирилди, ширкат хўжаликларига айлантирилди ва уларнинг фаолиятига пай ва оиласиий пудрат тизимлари киритилди. Ширкат хўжаликлар фермер хўжаликларига айлантирилди.

Бу босқичда ёқилғи – энергетика комплекси, кимё, металлургия, машинасозлик саноатларининг энг йирик корхоналари ҳам давлат тасарруфидан чиқарилмоқда, хусусийлаштирилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнининг асосини 1990 йилда қабул қилинган «Мулк тўғрисида»ги. 1991 йили қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги республика Қонунлари ташкил этади.

Бу жараёнининг учинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йили қабул қилинган «Хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва хусусийлаштириш бўйича минтака ва тармоқлар дастурларини тузиш тўғрисида» Қарори билан боғлик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 18 ноябрда 477-сонли «Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий капитални жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди. унда қуйидаги вазифалар қўйилди:

– давлат мулкини хусусийлаштиришга хорижий инвестицияларни жалб қилишни кучайтириш;

– хорижий инвесторларга бир гурух корхоналарнинг акциялари назорат пакетини сотиш.

1999 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 309-сонли «Давлат мол-мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссияси тўғрисидаги Низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорида низомга қўйидаги янгиликлар киритилди:

– илгари тасдиқланган имтиёзлар кенгайтирилди, янгилари аникланди;

– стратегик ҳамкорларни жалб қилишни рағбатлантириш максадида бир гурух шартлар аникланди;

– хорижий инвесторларни жалб қилиш жараёнига хизмат кўрсатувчи инстацион инфратузилмани барпо этиш кўрсатилди;

– хорижий инвесторлар иштирокида амалга оширлаётган лойиҳаларни бажариш устидан давлат мониторингини ташкил қилиш;

– Республика Президенти хузурида Ислоҳотлаштириш ва инвестициялар бўйича тармоқлараро мувофиқлаштириш Кенгашини ташкил қилиш;

– якка хусусийлаштиришни амалга оширишда халқаро консалтинг компанияларни жалб қилиш.

1999 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 511-сонли «2000-2001 йилларда чет эл инвесторларини жалб қилиш йўли билан корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди, унда қўйидаги муаммоларни ечиш кўзда тутилди:

– тендер ва биржа савдоси орқали бир гурух корхоналарни эркин конвертация қилинадиган валютага (СКВ) сотиш;

– хорижий инвесторлар фойдасини чет эзга олиб чиқиб кетишга (репортисидя) рухсат бериш;

– якка хусусийлаштириладиган корхоналар рўйхатини аниклаш;

– чет эл инвесторларга бевосита хусусий мулкка сотиладиган корхоналар рўйхатини ёки акциялар пакетини аниклаш;

– йирик корхоналарни якка хусусийлаштириш сиёсатига асосан амалга ошириш;

– тасдиқланган рўйхатга биноан хорижий инвесторларга давлат корхоналарини тўлиқ хусусий мулкка сотиш.

Кўриниб турибдики, республикада корхона ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсатини амалга

оширишнинг учинчи босқичида асосий эътибор қўйидаги йўналишларга сафарбар этилган эди:

Биринчидан, республикадаги бир гурух йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

Иккинчидан, йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришда, хусусийлаштиришда якка хусусийлаштириш шаклидан фойдаланиш.

Учинчидан, йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришда хорижий инвесторларни кенг миқёсда жалб қилиш

Шу максадда 400 дан ошик ҳалқаро компаниялар республика давлат мулкини хусусийлаштиришда қатнашиш учун чақирилди.

Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки, Европа тараққиёт ва ривожланиш банки, Ҳалқаро валюта фонди, Осиё ривожланиш банки ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан мулоқотлар ўтказилди.

Республикада амалга оширилаётган якка хусусийлаштириш шаклининг хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- акциялар пакетини сотиш бўйича Давлат тендер комиссияси тайинланади;
- хусусийлаштириш тартиби Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки билан келишилди;
- хусусийлаштириш жараёни кўп босқичли мулоҳаза, келишувлар орқали ўтказилади;
- инвестицион банклар тендер ўтказишда консультацион ёрдам кўрсатишади;
- хусусийлаштириладиган корхоналар бўйича олдиндан индустрӣал ва молиявий аудит ўтказилади;
- хусусийлаштириш бўйича тайёрланган ҳужжатлар потенциал сотиб оловчиларга тарқатилади;
- хусусийлаштириладиган корхоналар истикболини эътиборга оловчи стратегик инвесторлар танланади;
- республикада якка хусусийлаштириш учун 18 та йирик корхоналар ажратилди.

Якка хусусийлаштириш шаклида бу корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилмоқда, хусусийлаштирилмоқда.

Республикада корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда Жаҳон банкининг тавсияларига биноан чиқарилган акцияларнинг 25 фоизи корхона жамоасига, давлатга

25 фоизгача, эркин сотувга 50 фоиздан кам қисми, шу жумладан хорижий инвесторларга 25 ва ундан кўп фоизи ажратилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан республикада қабул қилинган тартибга биноан, 50 фоизи кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш учун Бизнес-фондга, 20 фоизи бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун маҳаллий ҳокимиятларга, 20 фоизи хусусийлаштирилган корхоналарни кредитлашга, 10 фоизи кадрлар тайёрлаш ва инфратузилмани ривожлантириш учун Давлат Мулки қўмитасига ажратилади.

Ҳамдўстлик мамлакатлар таркибида факат Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар давлат бюджети маблағлари бўлиб, лекин улар асосан хусусийлаштирилган корхоналарнинг келгуси фаолиятини яхшилаш, кучайтириш учун йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикасида мустакиллик даврида корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсатини амалга ошириш йўналишлари ҳажми ва унинг натижалари қўйидаги жадвал маълумотларида ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:

- республикада корхона, ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кенг миқёсда амалга оширилмоқда. 1993-2008 йилларда 86,2 мингдан кўп корхона, ташкилотлар давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди.
- Шу даврда давлат тасарруфидан чиқаришдан, хусусийлаштиришдан давлат бюджетига тушган маблағлар 1354,0 млрд. сўмни ташкил этди.
- Корхона, ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш республикада кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишда асосий йўналиш сифатида амалга оширилди.
- 1993-2008 йилларда нодавлат социал-иқтисодий укладларнда банд аҳолининг салмоғи 50,6 фоиздан 78,7 фоизга, бу укладларнинг республика ялли ички маҳсулоти таркибидаги салмоғи 1995-2008 йилларда 58,4 фоиздан 79,4 фоизга кўтарилди.

<sup>1</sup> 3.5.1 жадвалдаги ва бошқа жадвалларда көлтирилган амалий маълумотлар асосаш Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан олинган ва бир хил маълумотлар республикада чон этилган адабиётлардан олинган ва бу манбалар алоҳида кўреатилган.

**Ўзбекистон Республикаси давлат тасаррүғидан чиқарини шаҳарийлаптириш кўсраткичлари**

	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
1. Давлат тасаррүғидан чиқарилган, шусуслайтилган корхона, объектлар сони	53902	9744	1915	1231	451	448	374	1912	1519	1228	680	673	631	392		
2. Хусусий ташкиридан ташкындан гўнгун пул маблаблари, яхши сўм	858	459,1	5296,8	4415,9	8868,2	9100,1	14279,4	43590,8	56060,9	78465,1	80522,2	70452,4	11129,9	130577,3		
3. Республика иктисолиетида нодавлат секторининг саломиги:																
а) аҳоли бандлита	50,6	60,9	71,4	72,8	74,2	74,9	75,9	76,6	76,8	76,9	77,2	77,6	78,0	78,7		
б) язим шилаб чиқарнича	х	х	56,4	65,0	67,3	69,2	72,6	74,4	76,1	75,7	76,4	77,2	78,3	79,4		

Ўзбекистон Республикасида кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишда катта аҳамиятга эга бўлган ўйналиш фермер хўжаликларини ташкил этишдир.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш, жуда муҳим бўлиб, уларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришдаги роли катта ва уларнинг фаолият самарадорлиги юқори. Бу ҳолат кўп хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳар томонлама тасдиқланган.

Бизнинг республикамида илгари дехкон хўжаликлари деб аталган фермер хўжаликлари 20-асрнинг 20-йилларида мамлакатда ер-сув ислоҳотларини ўтказиш даврида ташкил этилди.

1929 йилги фермер хўжаликлар уюшмалари 98,9 фонз дехконларни бирлаштирган эди.

Бу даврда республикада 1888 пахтачилик, 442 дончилик, 269 пиллачилик, 250 чорвачилик, 205 боғдорчилик хўжаликлари – ерларни биргаликда ишлаш ўртоқчилик хўжаликлари – фермер хўжаликларининг бир шаклида ташкил этилган эди. кейинчалик улар асосида жамоа хўжаликлари – колхозлар, давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари – совхозлар ташкил этилди.

Иттифок даврида жамоа ва давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарида ердан ва бошқа асосий воситалардан фойдаланиш ҳамда олинган даромадларни тақсимлаш усули сўнгги йилларда кутилган натижаларни бермай кўйди. Яъни ер, сув ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига жамоа ва давлат мулки бўлганлиги туфайли кўпчилик ҳолларда хўжасизликни келтириб чиқарди. дехкон, ўзини ер ва мулк эгаси эканлитини хис қиза олмади, чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромадни бажарилган ишнинг сифати ва маҳсулот олишга қўшган хиссасига қараб эмас. Йил давомида дехконнинг ишга қатнашган кунига қараб ҳаммага пропорционал бўлиб берилди. Бу эса ўз навбатида колхозчи дехконда, совхоз ишчи сида ернинг унумдорлигини, олинган маҳсулот сифатини оширишга бўлган қизикишини табиий равишда пасайтириб, уй, рўзгор ишларидан бўшаган пайтдагина колхоз ишида қатнашиш одатга айланди, жамоа қишлоқ хўжалиги ишларига дехконларни жалб қилиш муаммога айланди, натижада қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари пасайиб кетди, охирги йилларда ишлаб чиқариш ҳажми қисқара бошлади, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги пасайди, бу вазият, умуман ҳалқ хўжалигига, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига янги иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни талаб этди.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига ўтиш ва республикада кўп укладли аграр секторнинг барпо этилиши билан республикада фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш яна кун тартибига кўйилди.

Маълумки, фермер хўжаликлари 1998 йилгача дехкон хўжаликлари деб аталган эди.

1992 йили «Дехкон хўжаликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. Унда таъкидланган эдики: «Дехкон хўжалиги мустакил ишлаб чиқариш бирлиги бўлиб, у бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан бир хил ҳукуққа эгадир».

Бу конунга биноан дехкон хўжаликлари республиканинг маҳсус захира ерларида, меҳнат ресурслари билан тўлиқ таъминланмаган хўжаликларда ва янгидан ўзлаштирилаётган ерларда ташкил қилинар эди.

Бу кўрсатма шу билан боғланган эдики, республиканинг кўп минтақаларида қишлоқ хўжалиги жойларда меҳнат ресурсларининг нисбий ортиқчалиги мавжуд. Бундай шароитда фермер хўжаликларини ташкил этиш меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммосини янада оғирлаштириши мумкин эди.

Бу вазиятни эътиборга олиб, конунга биноан фермер хўжаликлари паст рентабелликка эга бўлган ёки зарар кўриш билан фаолият кечираётган хўжаликлар негизида барпо этилиши кўзда тутилди.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич йилларидаёқ дехкон хўжаликлари шаклана бошлади. Лекин бу борада тажриба ҳали этишмаганлиги натижасида дехкон хўжаликлари фаолиятида камчиликлар, ечилмаган муаммолар кам эмас эди. Уларни ўрганиш, аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида 1992 или фаолият кечираётган 684 дехкон хўжаликлида кузатиш ўtkазилди, бу дехкон хўжаликлари умуман фаолият кечираётган дехкон хўжаликларининг 37 фоизини ташкил этарди.

Кузатиш натижасида куйидагилар аниқланди:

- дехкон хўжаликларидан факат 79 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ер майдонларига эга бўлганлар, қолганларига ҳали ер ажратилган эмас;
- 98 фоиз дехкон хўжаликлари колхоз ва совхозлардан ижарага олинган ерлардан ва факат 2 фоизи меросга қолдириш ҳукуқи билан олинган ерлардан фойдаланган;

- 72 фоиз дехқон хўжаликлари колхоз ва совхозлардан ижарага олинган техникадан ва факат 12 фоизи ўзининг мулкида бўлган техникадан фойдаланган;

- кредит олиш учун дехқон хўжаликлари кафолатловчи корхонага эга бўлишлари лозим эди, демак улар колхоз ва совхоз раҳбаријатининг қарамлигига фаолият кечиради;

- 80 фоиз дехқон хўжаликлари ер майдонларини қисқа муддатга ижарага олганлар (5 йилгача), факат 5 фоиз дехқон хўжаликлари ерларни узок муддатга (15 йилдан ошик) ижарага олганлар. Бундай вазият ерлардан самарали фойдаланиш имкониятини бермасди;

- дехқон хўжаликларидан 67 фоизи чорвачилик соҳасига йўналтирилган;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан дехқон хўжаликлари 70 фоизини колхоз ва совхозга, 16 фоизини давлат тайёрлов ташкилотларига топширади, факат 3 фоизини колхоз бозорида сотиш ҳукукига эга эдилар.

- дехқон хўжаликларини моддий-техника билан таъминланганлиги паст даражада, чорвачилик биноларидан факат 14 фоизи сув иншоотлари билан таъминланган, 40 фоизи электрлаштирилган эди.

Кўриниб турибдики, дехқон хўжаликларини рўйхатдан ўтказишида, моддий – техник таъминотида, кредитлаштиришида, ер майдонлари ажратишида, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишида ва социал ривожланишида ҳали ечилмаган муаммолар кам эмас эди.

Республиканинг кўп миңтақаларида фермер хўжаликларини ташкил этишида, улар фаолиятини таъминлашда хатоликларга йўл кўйилди, камчиликлар ва ечилмаган муаммолар бор эди.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш ҳамма вақт ҳам олдиндан ҳар томонлама асосланиб тузилган дастурларга биноан амалга оширилмади, кўп фермер хўжаликлари стихияли равишда ташкил этилди. хўжаликларга самарали раҳбарлик қилиш учун олдиндан мутахассислар тайёрланмади, натижада кўп фермер хўжаликлари бозор муносабатлари талабларига жавоб бера олмасдан ўз фаолиятини тўхтата бошлади. 1997 йил октябрь ойигача республикада 790 та фермер хўжаликлари фаолияти тўхтатилди.

Республикада фермер хўжаликларини ташкил қилиш қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кабул қилинганлиги учун бу борада

мавжуд вазиятни тубдан ўзгартириш, тез фурсатда амалга ошириладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш лозим эди.

Шу сабабли 1998 йилдан бошлаб фермер хўжаликларини ташкил қилишнинг янги босқичи амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда 1998 йили «Давлат ер кадастри тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги (янги варианти) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди. Бу қонунларни амалга оширишга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарорлари қабул қилинди. 1998-2000 йилларда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш Давлат мақсадли дастури тасдиқланди. Қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар устидан назоратни кучайтириш мақсадида қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича маҳсус республика комиссияси ташкил этилди.

Бу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2003 йил январь ойида «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор аҳамияти ва улушкини кескин ошириш тўғрисида», 2003 йил февраль ойида «Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида» Фармонлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил март ойида «Фермерларни, хусусий тадбиркорликни ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2001 йил июль ойида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш ва уларни бажариш тартиби тўғрисида» Қарорлар қабул қилинди.

1998 йилда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунда фермер хўжалиги қўйидагича аниқланган: «Фермер хўжалиги ўзига узок муддатли ижарага берилган ер участкалардан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугууланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир».

Бу таърифда 1992 йилда қабул қилинган қонундаги таърифга нисбатан фермер хўжаликларини янги, қўшимча хусусиятлари ўз ифодасини топган.

**Бу хусусиятлар қўйидагилардан иборат:**

**Биринчидан, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланади.**

**Иккинчидан, фермер хўжаликлари узок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланади.**

**Учинчидан, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчи хўжалик ҳисобланади.**

**Тўртинчидан, фермер хўжаликлари бу фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги хўжалигидир.**

**Бешинчидан, фермер хўжаликлари юридик шахс ҳукуқларига эга мустақил фаолият юритувчи хўжаликдир.**

**Фермер хўжаликлари бозор муносабатлари шаксланиши билан боғлик бўлиб, кўп укладли аграр секторнинг алоҳида социал-иктисодий укладидир.**

**Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига, зиёлиларга, шаҳардан келганларга тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятини берди.**

**Фермер хўжаликлари ахолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, товар муносабатларида қатнашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни давлат буюртмаси бўйича топшириш, давлат харид ташкилотларига ва дехқон бозорларида сотиш имкониятларига эга.**

**Фермер хўжаликларида моддий рағбатлантириш, шахсий манфаатдорлик амалга оширилар экан, демак фермер хўжаликларида меҳнат сарфи, ишлаб чиқариш самарадорлиги жамоа хўжаликларига нисбатан юқори бўлиб, аграр сектор таракқиётини таъминлашда катта аҳамиятга эга.**

**Фермер хўжаликларининг ривожланиши уларнинг миқдоран кўпайиши билан бирга, улар фаолиятининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш натижасидир.**

**2004 йил августда қабул қилинган 1998 йилдаги «Фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонун»га ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги Қонунда «Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъектдир» дейилади.**

**Бу янги таҳрирдаги Қонунга биноан фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни барпо этиш, фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби, чора-тадбирлари такомиллаштирилган ва аграр**

соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида фермер хўжаликлар қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий хўжалик субъектларига айлантирилди.

Республика қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш сиёсати амалга оширилар экан, демак келгусида республика фермер хўжаликларини ривожлантириш суръатлари янада кўчайтирилади.

Аграр секторда кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишнинг яна бир йўналиши бўлиб томорқа – дехқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобланади.

Маълумки томорқа – дехқон хўжаликли Совет даврида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий бўлимларидан бири бўлиб келган.

Томорқа хўжаликлари қишлоқ жойларда уй-жой қуриш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланилган. Демак, томорқа хўжаликлари қишлоқ аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда ва қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини аникловчи омиллардан, шарт-шароитлардан бири бўлган.

Халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказиш жараёни томорқа хўжаликларига нисбатан эътиборни тубдан ўзгартиришни талаб этди. Чунки бозор муносабатларига ўтишнинг асосий мақсади республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш даврида республика аҳолисини бозор муносабатлари ривожланишининг салбий таъсиrlаридан ҳимоя қилиш лозим эди.

Томорқа хўжаликларини ташкил этиш, ривожлантириш қишлоқ хўжалигига бозор иқтисодиётини шакллантиришда республика қишлоқ аҳолисини бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда шубҳасиз катта аҳамиятга эга бўлиши керак.

Шу сабабли томорқа хўжаликларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш Ўзбекистонда мустақилликка эришмасдан олдинги йилларда бошланди.

1990 йили сентябрь ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Колхозчи, совхоз ишчилари, фуқаролар томорқа хўжаликларини шахсий уй қуриш мақсадида янада ривожлантириш тўғрисида» Карор қабул килди, 1991 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқон хўжаликларини (фермер) янада ку-

чайтириш ва республикада тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисида» Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1991-1994 йилларда республикада дехкон хўжаликларини ривожлантириш мақсадида 500 минг гектар ер майдонлари ажратилди. бўлиб берилди. Бу демак:

- қишлоқ жойларда икки миллионга яқин оиласларда дехкон хўжалиги ер майдонлари кенгайтирилди ёки янгидан ташкил этилди;

- 9 миллион кишидан иборат республика аҳолисининг турмуш даражаси кўтарилиди;

- дехкон хўжаликларининг ўртача майдони 8 сотихдан 25 сотихга кенгайтирилди;

- 600 мингдан кўп янги дехкон хўжаликлиари ташкил этилди ва уларнинг умумий сони 2,3 миллиондан 2,9 миллионга кўпайди;

- 700 мингдан ортиқ меҳнат аҳли янги иш жойлари билан таъминланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, дехкон хўжаликларида меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самадорлиги даражаси жамоа ва фермер хўжаликларига нисбатан анча юқори.

Демак, дехкон хўжаликларининг ривожланиши қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади ва бу ижобий таъсир қўйидагиларда ўз ифодасини топади:

- қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси кўтарилади;

- қишлоқ хўжалигига меҳнат қобилиятига эга аҳолининг меҳнат билан бандлик даражаси ошади;

- саноат тармоқлари учун хом ашё, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпаяди;

- қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самародорлиги кўтарилади;

- дехкон хўжаликлиари ҳаётий мактаб бўлиб, унда келгуси фермер хўжаликлари раҳбарлари шаклланади.

Ўзбекистон Республикасида дехкон хўжаликларини ривожлантиришда давлат томонидан факат ер майдонларини ажратиш билан чегараланмасдан, дехкон хўжаликларини ривожлантириш учун керакли шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу дехкон хўжаликларида уй-жой қуришни қурилиш материаллари билан таъминлаш, чорвачиликни ривожлантириш учун ем-хашаклар ажратиш ва ҳоказо.

Дехқон хўжаликларнинг ривожланишини давлат томонидан янада кўллаб-кувватлаш, дехқон хўжаликлари ривожланишини давлат назоратига олиш мақсадида 1997 йил 19 марта Узбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий томорка ва дехқон хўжаликларини давлат томонидан кўллаб-кувватлаш ва уларнинг мамлакатда истеъмол таъминотини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди ва бу Фармонда қўйидаги муаммолар ечилиши кўзда тутилган:

- республиканинг ҳамма органлари томонидан шахсий томорка ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш билан боғлиқ қабул қилинган конуний актларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;
- шахсий томорка, дехқон хўжаликларига ер ресурсларини ажратиш, бўлиб бериш тартибини яхшилаш ва ажратилган ер майдонларидан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўймаслик;
- ер майдонларини шахсий томорка ва дехқон хўжаликларга ажратилишини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш жараёнини инвентаризация кизниш мақсадида маҳсус республика комиссиясини ташкил қилиш;
- ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланувчи товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш;
- шахсий томорка хўжаликлари учун ажратиладиган ўртача ер майдонини сугориладиган ерларда 0,24 гектардан 0,35 гектарга, лалми ерларда 0,5 гектардан 1,0 гектарга кенгайтириш;
- «Ўзбекплодоовош» – «Ўзбекмевасабзовот» акциядорлар компанияси хузурида томорка ва дехқон хўжаликлари Ассоциациясини ташкил қилиш ва бу Ассоциацияга шахсий ва дехқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш, шахсий томорка ва дехқон хўжаликларига сервис хизматларини кўрсатишни ташкил қилиш ва бу хўжаликларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишда ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатисди;
- шахсий томорка ва дехқон хўжаликлари Ассоциацияси хузурида шахсий томорка ва дехқон хўжаликларини кўллаб-кувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, бу жамғарманинг маблағларидан шахсий томорка ва дехқон хўжаликларига имтиёзли кредитлар бериш, инфратузилма обьектларини куриш, айланма маблағларини тўлдириш ва уларнинг моддий – техника базасини кучайтириш учун фойдаланиш;

– шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари Ассоциациясини, унинг жамғармасини, ташкил этилган шуъба муассасаларни уларни давлат рўйхатидан ўтган вактдан бошлаб беш йил муддатга даромад солиғидан озод қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу Фармони республика шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириша жуда катта аҳамиятга эга бўлди ва ҳозирги пайтда шахсий томорқа – деҳқон хўжаликлари республикада кишлок хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий ишлаб чиқарувчиларга айланди.

Республикада кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда алоҳида йўналиш сифатида кўшма корхоналарни ташкил этиш ҳисобланади. Кўшма корхоналарни ташкил этиш ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг бир йўналишидир.

Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий алоқаларининг ташкил этилиши, ривожлантирилиши республикада қабул қилинган «Ўзбекистон ССР нинг ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон ССРда хорижий инвестициялар килиш тўғрисида»ги Конунларга асосан амалга оширилмоқда.

Республика мустақиллиги эълон қилингандан сўнг 1992 йили республикада «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конун қабул қилинди. Бу конунда ўз ифодасини топган ўзгартиришлар, қўшимчалар қўйидагилардан иборат:

– Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар давлат томонидан хуқуқий кафолатланади;

– республика халқ хўжалигининг устувор тармоқларига йўналтирилган хорижий инвестициялар бўйича Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшимча имтиёзлар тасдиқланиши мумкин;

– ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун хорижий инвесторлар республикада қонуний тартибда лицензия олишлари лозим;

– агарда республика давлат органлари томонидан хорижий инвесторлар манфаатларини чегараловчи, заарар етказувчи меъёрий актлар қабул қиласа, хорижий инвесторлар томонидан кўрилган зааррлар республика суд органлари орқали тикланади;

– табиий оғат ва эпидемиядан ташқари шароитларда хорижий инвестициялар реквизиция қилинмайди;

- хорижий инвесторлар томонидан қонуний йўл билан олинган фойда ва бошқа маблағларнинг чегарадан олиб ўтилиши давлат томонидан кафолатланади;
- хорижий инвесторлар республика банкларида ўзларининг валюта счетларида ўз маблағларини чегараланмаган ҳажмда саклаши мумкин;
- республикада қабул қилган қонунларга биноан хорижий корхоналарни якка ёки бирлашган ҳолда ташкил этишлари мумкин;
- хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган (қўшма) корхоналарнинг бўлинмалари, филиаллари республикадан ташқари, бошқа мамлакатларда ташкил этилиши мумкин;
- хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа юридик шахстарининг кимматли қоғозларини сотиб олишлари мумкин;
- агарда ташкил этилган қўшма корхоналар йўқ қилинса ёки хорижий инвесторлар қўшма корхоналар таркибидан чиқса, улар бозор нархида улушларини қайтиб олиш хукуқига эга.

Республикада қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш йўналишларини аниклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкия этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Хорижий инвестицияли корхоналарга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида», «Хорижий инвестицияли корхоналарни ривожлантириш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантиришда қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармонлари қабул қилинди.

Қабул қилинган Республика Қонунлари ва Республика Президенти Фармонларини амалга ошириш механизmlарини аниклаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хорижий инвестицияли корхоналарни Давлат рўйхатидан ўтказиш, хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлаш, уларнинг экспорт ва импорт фаолиятини ривожлантириш ва бошқа муаммолар бўйича тегишли Қарорлар қабул қилди.

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда қўшма корхоналарнинг роли, моҳияти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, республика ташки иқтисодий алокалари ривожлантирилади.

Иккинчидан, республика жаҳон бозори иқтисодиётига кириб боради.

Учинчидан кўшма корхоналар фаолияти орқали республикага хорижий инвестициялар жалб этилади.

Тўртинчидан, одатда кўшма корхоналар янги техника ва технологияларга асосланади, демак кўшма корхоналар орқали республикага янги техника ва янги технологиялар келтирилади.

Бешинчидан, кўшма корхоналар хорижий мамлакатларнинг яхши ривожланган компаниялари иштирокида ташкил этилади. кўшма корхоналар орқали республикага меҳнатни ишлаб чиқаришини ташкил қилинганинг янги методлари жалб этилади.

Олтинчидан, одатда кўшма корхоналар кенг равишда экспорт операцияларини амалга оширишади, демак кўшма корхоналар республика экспорт салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

Еттинчидан, кўшма корхоналарнинг ташкил этилиши республика учун долзарб бўлган республика ахолисини меҳнат билан бандлик муаммосини ечишга ҳам катта ёрдам беради.

Саккизинчидан, республика иқтисодиётини очиқлигини ривожлантиришда асосий йўналишлардан бирига айланади.

Тўққизинчидан, республикада кўп укладли бозор иқтисодиётини шакслантиришда алоҳида рол ўйнайди.

Шулар сабабли республикада кўшма корхоналарни ташкил этишга, ривожлантиришга ҳамма вақт республика раҳбарияти эътибори қаратилган.

Республика кўшма корхоналарининг ташкил этилиши, уларнинг ривожлантирилиши қўйидаги жадвал маълумотларидан яқол кўриниб турибди.

### 3.5.2-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси кўшма корхоналари фаолиятиниш асосий кўреаткичлари

	1995	1997	1999	2001	2003	2005	2007	2008	2009
Кўшма корхоналар сони	1039	1963	1910	1958	2209	2627	3579	3995	4124
Улардан тармоқлар бўйича:									
Саноат	550	753	795	1048	1307	1487	1748	1908	1923
кишлек хўжалиги	15	25	22	36	56	62	80	79	78
Транспорт ва азока	53	93	104	86	94	115	158	163	159
Курилиш	73	70	72	74	77	116	197	245	264

Ишлаб чиқарилған махсулот, млрд сүм	7,3	123,5	266,6	610,2	1437,2	2523,9	5786,3	9230,0	11928,7
Экспорт, мин. АҚШ доллары	73,1	399,6	371,5	416,9	564,4	823,1	2063,4	2863,2	3264,2
Импорт, мин. АҚШ доллары	420,6	1777,9	1027,9	997,2	858,4	1592,9	3134,6	4426,8	4836,1
Ходимлар сони, минг киши	32,7	79,0	88,7	90,4	101,4	111,3	149,5	156,7	158,0

Күшма корхоналарни ташкил этиш республика учун янги жараён бўлиб, республика уни керакли даражада амалга оширилмоқда.

Хорижий сармояларни республикага жазб қилиш, күшма корхоналарни республикада ташкил қилишни рағбатлантириш мақсадида республикада тегишти қонун, меъёрий хужжатлар қабул қилинган.

1995-2009 йилларда күшма корхоналарнинг сони деярли тўрт маротаба кўпайтирилди. Күшма корхоналарни ташкил қилиш кенг микёсда саноат соҳасида амалга оширилмоқда.

Күшма корхоналарда ишлаб чиқарилган махсулот шу даврда 7,3 млрд. сўмдан 11,9 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Күшма корхоналар республиканинг экспорт ва импорт операцияларида фаол қатнашмоқдалар. Экспортнинг ҳажми 1995-2009 йилларда 44,6 марта, импортнинг ҳажми – 11,5 марта кўпайди. Күшма корхоналарда банд бўлган ходимларнинг сони 32,7 минг кишидан 158,0 минг кишига ортди.

Бу борада ижобий ўзгариш шундан иборатки, күшма корхоналар илгари ўзларининг техника, моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини импорт орқали кенг микёсда қоплаган бўлсалар, охирги йилларда улар экспорт операцияларини юкори суръатларда ривожлантирулмоқдалар.

Келгусида ҳам күшма корхоналарни ташкил қилиш, ривожлантириш республика халқ хўжалиги барқарорлигини саклаш ва республика иқтисодиёти тараккиётини таъминлаш шарт-шароитларидан биридир.

Юқорида қайд этилган йўллар орқали Республикада кўп укладли бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда ва бу шаклланаётган

бозор иқтисодиёти республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан биридир.

Келгусида республикада шаклланган кўп укладли бозор иқтисодиётини янада ривожлантириб, унинг инфратузилмасини бутунлай барпо этиб, бозор иқтисодиётини янги сифат даражасига кўтариб, унинг самарадорлигини ошириш лозим. Бу муаммо республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш даврида, албатта ечилади.

### **3.6. Бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантириш**

Инфратузилма иқтисодий категория бўлиб, бозор иқтисодиёти ташкил қилиниши ва ривожлантирилишининг асосий шарт-шароитларидан биридир.

Инфратузилманинг бутун элементларини барпо этиш иқтисодиётнинг юқори самарадорлигини таъминловчи омиллардан биридир.

Иқтисодиёт инфратузилмаси икки шаклда ифодаланади:

Биринчидан, бутун иқтисодиёт, халқ хўжалиги мажмуаси инфратузилмаси.

Иккинчидан, алоҳида бозор иқтисодиёти инфратузилмаси.

Халқ хўжалиги мажмуаси инфратузилмаси ўз навбатида яна икки шаклда ифодаланади:

Биринчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмаси.

Иккинчидан, социал инфратузилмаси.

Халқ хўжалиги мажмуасининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибига реал иқтисодиётнинг – моддий ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари бўлмиш саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигидан ташқари моддий ишлаб чиқариш тармоқлари – транспорт, алоқа, савдо, моддий – техника таъминоти ва бошқалар киради.

Халқ хўжалиги мажмуасининг социал инфратузилмаси таркибига халқ хўжалигининг социал соҳалари – халқ таълими, соғликни саклаш, социал таъминот, фан, спорт ва бошқалар киради.

Халқ хўжалиги мажмуасининг ишлаб чиқариш ва социал ёки ноишлаб чиқариш инфратузилмалари бутун халқ хўжалиги мажмуасига, айниқса унинг асосий тармоқлари бўлмиш саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ташкил қилиш ва уларни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

Бозор муносабатлари шаклланиши сабабли бозор иқтисодиёттеги алоҳида инфратузилма тааллуқлидир.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмаси таркибига ўз навбатида икки гурӯҳ ташкилот ва органлар киради:

Биринчидан, бевосита бозор иқтисодиёти инфратузилмаси.

Иккинчидан, билвосита бозор иқтисодиёти инфратузилмаси.

Бевосита бозор иқтисодиёти инфратузилмаси бозор муносабатлари билан бевосита боғланган бўлиб, улар товарлар бозори, молиявий ресурслар бозори ва меҳнат ресурслари бозорларига хизмат кўрсатади.

Бевосита бозор иқтисодиёти инфратузилмаси таркибига қўйи-дагилар киради:

- банк, молия, солик, сугурта, божхона органлари;

- ҳом ашё, товар ва молия ресурслари биржалари ва аҳоли бандлик органлари;

- савдо уйлари, брокерлик, аудиторлик, консалтинг, маклер ва дилер, депозитарий, лизинг, инжиниринг идора, ташкилотлари;

- маркетинг, менежмент, ахборот, реклама марказлари ва инвестицион фондлар.

Билвосита бозор иқтисодиёти инфратузилмаси таркибига қўйи-дагилар киради:

- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича тижорат, бизнес марказлари;

- ҳолдинг компаниялар;

- тадбиркорлар, товарлар ишлаб чиқарувчилар палатаси, аудиторлар ва бухгалтерлар ассоциацияси, деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси;

- ҳар хил жамғарма фондлари ва хайрия ташкилотлари;

- ҳукумат ҳузурида пул – кредит сиёсати, ҳалқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллантириши, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси ва бошқа муаммолар бўйича ташкил қилинган маҳсус республика комиссиялари ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, иқтисодиёт инфратузилмаси, бозор иқтисодиёти инфратузилмаси кўп киррали, мураккаб механизм бўлиб, уни ташкил қилиш, шакллантириш ҳам мураккаб, кўп вақт талаб этувчи жараён, лекин бу механизми ташкил қиласдан, ривожлантирумасдан туриб, бозор муносабатларини шакллантириш, юкори самарали социал йўналтирилган, кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишни фараз қилиб ҳам бўлмайди.

Шу сабабли Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлайдиларки:

«Бозор муносабатларини шакллантиришни тегишли мухитсиз – товар, пул бозорларида ва меҳнат ресурслари бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро алокани таъминлаши керак бўлган бозор инфратузилмасиз тасаввур этиб бўлмайди...

Бозорга ўтишдан олдин бозор инфратузилмасини яратиш зарур. Молия, банк – кредит тизимлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш сугурта, аудиторлик, юридик ва консалтинг фирмалари ҳамда компанияларини, биржа тизимини яратиш зарур».<sup>1</sup>

Шундай экан, республика ҳалқ хўжалигини бозор муносабатларига ўtkазиш мақсадида республикада ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда асосий йўналишлардан бири сифатида бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантириб бориши қабул қилинган.

Бу йўналишнинг объектив зарурлигини яна тасдиқлаб, И.А. Каримов шундай деган эдилар: «Бозор иқтисодиётiga босқичма – босқич ўтиш бозорнинг кўп бўғинли инфратузилмасини яратишни талаб қиласи, инфратузилмага эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмайди...

Замонавий инфратузилмани яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий – маданий-маърифий характер баҳш этиш стихияга ва бошбошдокликка йўл қўймаслик имкониятини беради».<sup>2</sup>

Шундай экан, тасодифан эмаски, республика бозор иқтисодиётини барпо этиш борасида бу соҳада кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юкорида кўрсатилгандек, бозор иқтисодиётининг инфратузилмаси бозор иқтисодиётида мавжуд учта бозорга хизмат кўрсатувчи инфратузилма орган ва ташкилотларига бўлинади.

Товарлар бозори инфратузилмасига ултуржи ва чакана савдо органлари, аукционлар, кўргазмалар, брокерлик идоралари, товар биржалари, давлат маҳсулотлар харид қилиш контракт тизими, монополияга қарши кураш органлари, нарх-навони шакллантириш органлари, ҳалқаро савдо ташкилотлари, тижорат марказлари, савдо уйлари, савдо-саноат палатаси ва ҳоказолар киради.

<sup>1</sup> Каримов И.Л. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлини. Тошкент, 1995, 97 - 98 бетлар.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли Асарлар тўплами, 1-жизд, Тошкент, 1996, 308, 309 бетлар

Молиявий ресурслар бозори инфратузилмасига банк тизими, валюталар биржаси, брокерлик идоралари, сұғурта ва холдинг компаниялар, нарх-наво, қимматли қоғозлар устидан назорат қи-  
лувчи давлат органлари, давлат мол-мұлк органлари ва ҳоказолар киради.

Мехнат ресурслар бозори инфратузилмасига мехнат қоби-  
лиятига эга бўлган аҳолининг мехнат билан бандлигини таъмин-  
ловчи ташкилотлар, мехнат ресурсларига талаб ва таклифни ўрга-  
нувчи давлат ва минтақа органлари, кадрларни қайтадан тайёрлаш,  
ижтимоий ишларни ташкил қилювчи, ишсизларга нафақаларни  
аниқловчи, мехнат ресурслари миграциясини тартибга солувчи  
давлат органлари ва ҳоказолар киради.

Халқаро қабул қизинган тартибларга биноан бозор иқтисо-  
диёти инфратузилмасининг элементларидан бири – банк тизими  
иқтисодиётнинг томирлари, Республика Президенти И.А. Каримовнинг таърифлари бўйича банк тизими иқтисодиётнинг локо-  
мотиви ҳисобланади.

Шундай экан. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти-  
нинг инфратузилмасини шакллантиришда асосий зътибор бозор  
муносабатларининг талабларига жавоб берадиган банк тизимини  
шакллантиришга йўналтирилган эди.

### **Янги банк тизимининг шаклланиши**

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш мақса-  
дida тегишли иқтисодий ислоҳотларни ишлаб чиқар экан, бу иқти-  
садий ислоҳотлар таркибида республика бозор инфратузил-  
масининг асосий элементларидан бири бўлган банк тизимини  
шакллантиришга бағицланган иқтисодий ислоҳотлар ўз ўрнини  
топди.

Республика банк тизимини ислоҳотлаштириш республикада уч  
босқичда амалга оширилди. Бу:

1991-1994 йиллар;

1995-1998 йиллар;

1999 йилдан бошлаб ҳозиргача.

1991-1994 йилларда республикада қабул килинган «Банк ва  
банк фаолияти тўғрисида»ги Конун, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг «Республика банк тизимини такомиллаш-

тириш ва пул-кредит муносабатларини барқарорлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси банк тизимига молиявий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларига биноан қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилган эди:

- республикада икки погонали банк тизимини шакллантириш;
- банк тизимининг ташкилий – бошқарув структурасини такомиллаштириш;
- Ўзбекистон Марказий банкининг фаолият йўналишларини ва бошқарув методларини такомиллаштириш;
- пул муомаласи ва кредитни тартибга солувчи методларни шакллантириш ва ривожлантириш;
- самарали тўлов тизимини шакллантириш;
- банк тизимида институционал ўзгаришларни амалга ошириш;
- банк ва молия инфратузилмасини шакллантириш;
- пул ва қимматли қоғозлар бозорларини ташкил қилиш;
- тижорат банклар фаолияти устидан назорат тизимини шакллантириш;
- давлат банк органлари билан бирга нодавлат банк органларини ташкил қилиш;
- банк тизимини универсаллаштириш ва якка хукмронлигини бартараф этиш;
- республика банк тизимини жаҳон банк тизими билан интеграциялаш.

Бу вазифалар керакли даражада амалга оширилиб, авваламбор республикада икки погонали банк тизими шакллана бошлади.

Совет даврида Ўзбекистонда собик СССР нинг қуйидаги банк муассасалари фаолият кўрсатган эди:

СССР давлат банки.

СССР саноат – қурилиш банки.

СССР агросаноат банки.

СССР уй-жой коммунал ва социал ривожланиш банки.

СССР жамғарма банки.

СССР ташқи иқтисодий фаолият банки.

«Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунга биноан СССР давлат банки негизида Ўзбекистон Марказий банки ва бошка ихтисослашган банклар негизида ихтисослаштирилган тижорат банклар – Саноат-қурилиш банки, Агросаноат банки, Жамғарма банки ва бошка банклар ташкил этилди. Келгусида саноат қурилиш банки негизида «Енгилсаноат-банку», «Алоқа банку», «Трастбанк»,

«Савдогарбанк», «Уй-жой жамғарма банки» ва Агросаноат банки негизида «Пахтабанк», «Тадбиркорбанк», «Галлабанк», «Мевасаб-зувотбанк», «Туронбанк» ташкил этилди.

Демак, республика банк тизимини ислоҳотлаштиришнинг биринчи босқичида республикада икки погонали банк тизими шакллантирилди. Биринчи погона Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, иккинчи погона давлат – акциядорлик, акциядорлик – тижорат, хусусий ва кўшма банклардан иборат бўлди.

Икки погонали банк тизимининг ташкил этилиши, банклар фаолиятининг керақли дараҷада ташкил этилиши республика халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтказишни жадаллаштириди, республика халқ хўжалигини баркарорлаштиришни тезлаштириди.

Иккинчи босқичда – 1995-1998 йилларда 1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги ва қайтадан тасдикланган «Банк ва банк фаолияти тўғриси»ги Конунлар асосида ва И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида ўз ифодасини топган кўрсатмаларини эътиборга олиб, республика банк тизимини ислоҳотлаштириш борасида қуидаги вазифалар кўтарилган ва ечишган эди:

- миллий валюта характеристини таъминлаш;
- пул муомаласини янда такомиллаштириш;
- икки погонали банк тизимини батафсил шакллантириш;
- кенг миқёсда мустақил тижорат ва хусусий банкларни ташкил этиш;
- республикада хорижий банкларнинг бўлимларини, ваколатхоналарини очиш учун тегишли шарт-шароитларни барпо этиш;
- бақувват пул муомаласини таъминлаш;
- кредит ва накд пул эмиссиясини чегаралаш;
- тижорат банклар фаолиятининг ҳуқуқий базасини барпо этиш;
- маҳсус давлат молия-кредит структураларини ташкил этиш;
- ихтисослаштирилган банкдан ташқари молиявий структураларни ташкил қилиш;
- тижорат банклар фаолиятида назаратни – мониторингни, тафтишни ва аудитни такомиллаштириш;
- банклар фаолиятида янги бухгалтерия хисоби, счетлар режасини киритиш;
- валюта бозорини ташкил этиш;

– халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Республика банк тизимини ислоҳотлаштиришнинг бу босқичида республика халқ хўжалигини барқарорлаб, республиканинг иқтисодий инқироздан чиқишига банк тизими, шубҳасиз, ижобий таъсир кўрсатди.

Бу босқичда катта эътиборга сазовор чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат эди:

Биринчидан республика банк тизимини ривожлантириш рағбатлантирилди, банклар фаолияти давлат томонидан қўллаб-куватланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 13 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини молиявий қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги Қарорига биноан банклар икки йиллик мухлатга ҳамма соликлардан озод қилинди, кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 нояброда қабул қилинган қарорига биноан қўшимча яна бир йилга ҳамма соликлардан озод қилинди ва натижада тежалган маблағлар банклар фаолиятини компьютерлаштиришга, замонавий алоқа воситаларидан фойдаланишга, кадрлар малакасини оширишга ўлналирилди. Республика банкларида электрон тўлов тизими қисқа муддатда жорий этилди. Бундан ташқари банк ишнинг барча йўналишларида компьютер технологияси жорий этилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Хусусий банкларнинг ташкил этилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан хусусий банкларни барпо этиш шарт-шароитлари аниклаб берилди.

Учинчидан, бу даврда республикада кўшма банкларни ташкил этиш кучайтирилди. Бу ЎзДЭУбанк, ЎзАБН АМРО банк, У-Т банк, Ўзпрайвбанклар очилди. Бундан ташқари автомобилсозлик тармоғига хизмат кўрсатиш учун ИАТ «Асакабанк» ташкил қилинди.

Демак, банк тизимини ислоҳотлаштиришнинг иккинчи босқичида республикада банк тизимини шакллантиришга катта эътибор берилди.

Республика банк тизимининг асоси, негизини, албатта, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этади.

1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республика Конуни қабул қилинди,

унда банкнинг республика иқтисодиётидаги ўрни, ташкил қилиниш принциплари, фаолият йўналишлари ва унинг олдига кўйилган вазифалар кўрсатиб берилди.

Бу қонунга биноан Марказий банк:

– ягона иқтисодий муассаса бўлиб, унинг устав ва захира фонди тўлдирилгандан кейин, унинг фаолиятидан олинган фойда тўлик давлат бюджетига ўтказилади;

– Марказий банкнинг меъерий хужжатлари Республика Адлия вазирлигига экспертизадан ўтказилмайди, лекин улар республиканинг бутун худудида мажбурий бажарилиши лозим.

Марказий банк олдига кўйидаги вазифалар кўйилган:

– банклар учун иқтисодий нормативларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди;

– банклар фаолияти бўйича санкцияларни амалга ошириш - жаримдан тортиб, фаолият олиб бориш учун лицензияларни қайтариб олиш, раҳбарларни ўзгартириш;

– ҳукумат органлари билан биргаликда республика валюта сиёсатини аниклаш;

– банк тизими барқарорлигини таъминлаш, банк мижозлари, кредиторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, халқ хўжалигига тўлов интизомини кучайтириш мақсадида тижорат банклар фаолиятида республикада қабул килинган қонуний – меъерий хужжатлар бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

– халқаро молиявий ташкилотлар-Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди билан ҳамкорликда банк ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш бўйича семинарлар ўтказиш;

– банклар фаолиятида ҳисоб-китобларни компьютерлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

– республика учун мустакил пул-кредит тизимини шакллантириш;

– тижорат банкларининг шакллантирилишини таъминлаш;

– республика валюта захираларини шакллантиришини таъминлаш;

– ҳукумат органлари билан биргаликда давлат пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– тижорат банклари фаолияти устидан хар йили мониторинг ўтказиш;

– тижорат банклар фаолияти очиқлигини таъминлаш;

– микрокредитлаш тартибини аниклаш;

- халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тиклаш, ривожлантириш;
- республика пул муомаласи сиёсатини ишлаб чиқиш, амалга ошириш;
- миллий валютани барпо этиш, унинг ички, ташки конвертациясини таъминлаш, қадрини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Кўриниб турибдики, Марказий банкнинг республика иқтисодиётидаги тутган ўрни, моҳияти, унинг олдига қўйилган вазифалар мураккаб ва кўп киррали.

Мустақиллик даврида Республика Марказий банки, унинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб, республика халқ хўжалигини барқарорлаштиришда, республика иқтисодиётини таъминлашда асосий омиллардан бирига айланди.

Мустақилликнинг биринчи йилларида Марказий банк томонидан банклараро маҳсус ҳисоб-китоб счетлари очилиб, улар ёрдамида собиқ иттифоқдош республикалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар самарали амалга оширилди ва бу вазият республиканинг келгуси республикалараро иқтисодий алоқаларни амалга оширишнга негиз тайёрлади.

**Марказий банк раҳбарлиги ва бевосита иштирокида:**

- республика банк тизимининг компьютерлаш тизимини ташкил этиш амалга оширилди;
- Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан, Германиянинг бир фирмаси иштирокида республикада банклараро ахборот алмашишнинг ягона технологияси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди;
- Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда;
- банклар бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган счетлар режаси ишлаб чиқилди ва банклар фаолиятида жорий этилди;
- республика банк тизими бўйича республика электрон тўловлар тизими яратилди, амалга оширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш тизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки куйидаги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқди:

Юридик шахслар шаклида ташкил этмасдан ўз фаолиятини олиб бораётган, шахсий товар ишлаб чиқарувчилар ва дехқон хў-

жаликларини миллий ва чет эл валюталарида микрокредитлаштириш тартиби.

Юридик шахслар шаклида ташкил этилиб ўз фаолиятини олиб бораётган фермер хўжаликлари ва бошқа кичик бизнес субъектларини молиявий ва чет эл валюталарида микрокредитлаш тартиби.

Бу меъёрий хўжатларга биноан:

- агарда илгари микрокредитлаш ҳажми 350 минимал иш ҳакига тўғри келган бўлса, энди юридик шахслар шаклида ташкил этилмаган хўжалик субъектлари учун микрокредитлаш ҳажми 5000 долларгача, юридик шахслар учун 10000 доллар ҳажмида аниқланди;
- микрокредитлар олиш учун тайёрланадиган ҳўжатлар сони 6-7 дан 3-4та гача қисқартирилди;
- микрокредит олишда кафиллик ҳуқуқи маҳалла фуқароларининг йиғин органларига ҳам берилди;
- берилаётган микрокредитлардан 50 фоизи накд пул шаклида берилиб, улар 1,5 йил мобайнида қайтарилиши лозим;
- агарда берилаётган кредитлар микрокредитлаш маҳсус фондидан ажратилаётган бўлса, улар бўйича тўланадиган процентлар қайта молиялаштириш ставкаси даражасида ёки ундан ҳам паст бўлиши мумкин;
- кредитлар олиш учун ҳўжатларни расмийлаштириш 10 кунда эмас, 5 кунда амалга оширилиши лозим;
- олинган кредитларни қайтиб бериш чет эл валютаси ва биржадан ташқари валюта курси бўйича амалга оширилиши мумкин;
- микрокредитлар факат аҳоли истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун берилади.

Республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий шарт-шаронтларидан бири – бу республиканинг собиқ иттифоқ республикалар, хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янгичасига ташкил қилиш ва ривожлантириш экан, тасодифан эмаски, республикада янги банк тизимини шакллантиришда Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкини ташкил қилишга алоҳида эътибор ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки республика банк тизми, айниқса тижорат банклар тизимининг флагмани ҳисобланади. Миллий банкда республика банкларининг 72 фоиз активлари ва 57 фоиз капиталлари мужассамлаштирилган.

## **Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар миллый банки**

Маълумки, Миллый банк республика банк тизимида йирик банк хисобланади.

Халқаро молия бозорида Миллый банк Ўзбекистон иқтисодиётининг вакили сифатида кенг микёсда фаолият олиб бормоқда.

Миллый банк республикада банк тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қонун-қарорларда кўйилган вазифалардан келиб чиқиб:

- Банк томонидан берилгаётган кредитлар, шу жумладан микро-кредитлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда
- Берилган кредитлар таркибида ўрта ва узоқ муддатли кредитлар салмоғи ошиб бормоқда.
- Банк фаолиятида универсаллик кенгайиб, кўрсатиладиган хизматлар турлари кўпайиб бормоқда.
- Халқаро нуфузда тутган ўрни юкори даражада бўлмоқда.
- Экспортга мўлжалланган, импорт ўринини олувчи ишлаб чиқаришви молиялаштириш кучайтирилмоқда.
- Хорижий инвестицияларни республикага жалб қилишда фаол қатнашмоқда.
- Халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенг микёсда амалга оширмоқда.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фаол қатнашмоқда.
- Харидоргир товарларни ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга тегишли хизматларни кўрсатмоқда.
- Иқтисодиётда тўлов – хисоб-китоб тизимини такомиллаштиришда фаол қатнашмоқда.
- Республика экспорт салоҳиятини янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда.
- Республика бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юкори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда қатнашмоқда.
- Республика ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда, такомиллаштиришда фаол фаолият олиб бормоқда.
- Аҳоли омонатларини банкларга жалб қилиш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.
- Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ҳар йили 25-30 фоизга кўпаймоқда.

- Тадбиркорларга чет эл валюталари шаклида берилетган кредитларнинг 80 фоизи миллий банкка тўғри келади.
- Банк ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан имтиёзли асосда тадбиркорларни қўллаб-куватлашга тегишли маблағлар ажратмоқда.
- 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишда фаол қатнашди.
- Банк томонидан берилетган кредитларнинг 70 фоизи республика енгил, озиқ-овқат тармоқларини ривожлантиришга йўналитирилмоқда.
- Банк республика хом ашё ресурсларини қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш суръатларини кўтаришда қатнашмоқда.
- Республикада тул муомаласини такомплиаштириш мақсадида банк пластик карточкалар чикарди ва 600 дан кўп савдо ташкилотлари тўлов воситаси сифатида бу карточкаларни қабул қилимоқда.
- Энг катта ташкилотлар ва корхоналарнинг ходимларига иш ҳақини сўм карточкалари орқали бериш бўйича 300 та лойиха амалга оширилмоқда.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар Миллий банкини ҳам республика ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда, ҳам республика ички иқтисодиёти тараккиётida тутган ўрни ошиб бормоқда.

Банкинг халқаро алоқалари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Банкнинг вакиллик тармоғи 610 дан ортиқ етакчи халқаро банкларни ўз ичига олган.

Миллий банкнинг кредит потрфели ҳажми 2007 йил 1 январь холатига кўра 2,1 триллион сўмни ташкил этди ва улардан 65,6 фоизи узок муддатли кредитларга тўғри келади.

Банк кичик бизнесни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш борасида хорижий банклар ва молия муассасалари, республика бюджетдан ташқари жамғармалари ва банк ўз маблағлари ҳисобидан кенг миқёсда лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмоқда. Ҳозирги пайтда ҳаммаси бўлиб умумий қиймати 445,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 147 лойиҳалар молиялашга қабул қилинди, амалга оширилмоқда.

Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган банкнинг 93 бўлим ва филиаллари корпоратив ва чакана мижозларга кенг кўламдаги замонавий хизматлар кўрсатмоқда.

Бугунги кунда факат чакана хизматларнинг 70 дан ортиқ турларини амалга оширмоқда. Банк филиаллар ва бўлимлар орқали электрон хизматларнинг кенгайиши, аҳоли ишончининг ошиши, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги депозитларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, хизматлар сифатини яхшилаш бўйича кенг миқёсда чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Республика аҳолисининг ҳам миллий валюта, ҳам хорижий валютадаги депозитлари ҳажмини сўмга нисбатан эквивалентда 184,6 миллиард сўмга етказди. Йил охирига келиб банкнинг миллий валютадаги қўйилмалар қолдиги 116,6 миллиард сўмни ташкил этди. Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари 2004-2006 йилларда 66370 миллиондан 116610 миллион сўмга ортди.

2006 йилда миллий банк «Western Union» тизими орқали тезкор пул ўтказишларни амалга ошириш ишларини давом эттириди. Банк мазкур тизимда ишлаш назоратига эга бўлган шохобчалар миқдори 2005 йили 15 тадан 2006 йилда 102 тага етказилди. Пул ўтказиш операцияларининг умумий ҳажми 108 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Банк пластик карточкаларга оммавий тўлов воситаси мақомини бериш учун ҳам фаол ишларни амалга оширмоқда. Банк пластик карточкалар эгаларини янада кўпайтириш, мазкур карточкалар бўйича амалга оширилаётган хизматлар турини кенгайтириш ва яхшилаш, уларга хизмат кўрсатувчи банкомат ва терминал инфратузия масини мақбуллаштириш ишларини давом эттирумокда. Банк томонидан чиқарилган ва муомалага тарқатилган пластик карточкаларнинг умумий сони 910 минга етказилди ва пластик карточкалар бўйича операцияларнинг умумий ҳажми 55,6 миллиард сўмдан ортди ва бу 2005 йилга нисбатан 1,6 баробар кўпdir.

Миллий банк халқаро муносабатларни кенг миқёсда амалга оширмоқда. Бугунги кунда банк ОТБ, ЭТБ, ХМК, ОПЕК сингари нуфузли халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқларини олиб бормокда.

Миллий банк келгусида қуйидаги йўналишлар бўйича ўзининг кўп қиррали фаолиятини янада ривожлантириши режалаштирумокда:

– мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда тегишли хизматларни амалга ошириш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида уларга имтиёзли кредитлар беришни давом эттириш;

– банк мижозларига кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш;

– банкнинг капиталлашув даражасини янада кўтариш ва инвестицион фаолиятини кенгайтириш;

– республика иқтисодиётини, унинг алоҳида тармоқларини, соҳаларини кредитлаш хажмини кенгайтириш;

– халқаро молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш.

Шундай қилиб «Ўзмиллийбанк» республика иқтисодиётини ривожлантиришида, ташки иқтисодий алоқаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда ва банкнинг тутган ўрни ҳам республика миқёсида, ҳам халқаро миқёсда тан олинмоқда.

### **Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар миллий банки:**

– рейтинг бўйича дунёдаги бутун йирик банклар таркибида 503-, ишончлик кўрсаткичи бўйича 50-ўринда;

– банк баланси 55 млрд. сўмга teng, мижозлар сони 50 мингдан ошик;

– банк филиаллари сони 100 дан ортик;

– республика рейтинги бўйича тижорат банклар таркибида ҳамма вакт биринчи ўринда;

– банк томонидан берилетган кредитларнинг 85 фоизи республика реал иқтисодий секторига йўналтирилган;

– банк 450 та дунёдаги йирик банклар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаган;

– банк йирик инвестиция лойиҳалари бўйича АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Туркия, Швейцария, Европа тараққиёт ва реконструкция, Осиё ривожланиш банклари кредит линияларини амалга оширишда хизмат кўрсатади;

– тўлов операцияларини электрон ҳисоб-китоблар орқали жаҳоннинг хоҳлаган нуқтасидаги мижоз билан бир неча секунд мобайнида амалга оширади;

– савдо операцияларини, молиялаштириш учун кредитларни ҳам сўмда, ҳам долларда амалга оширади;

– банкдан олинган маблағлар эркинлигича хорижий мамлакатга ўтказилади;

– банк томонидан берилган кредитларнинг 92 фоизи юқори даражада баҳоланмоқда;

– 1977 йилдан бошлаб банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар универсаллаштирилди;

Маълумки, республикада асосий ишлаб чиқариш тармоғи бўлиб қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Шу сабабли, республикада ташкил қилинган тижорат банклари таркибида биринчилардан бўлиб «Пахтабанк» ташкил қилинди.

1991 йили 40 та таъсислар – юридик шахслар иштирокида 100 млн. рубль Устав фондига эга бўлган Ўзбекистон акциядорлар – тижорат банки – «Узгропромбанки» ташкил қилинганлиги эълон қилинди.

1995 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бу банк «Пахтабанк» га ўзгартирилди.

«Пахтабанк» олдига қўйилган мақсад:

Мижозларга кенг миқёсда, комплекс равишда хизматлар кўрсатиш, халқаро банк операцияларини амалга ошириш, корреспондентлик операцияларини олиб бориш, қимматли қоғозлар билан биржа операцияларини ўtkазиш, лизинг, нотовар операциялар ва ҳомийлик фаолиятини олиб боришдан иборат эди.

Банк фаолияти қишлоқ хўжалиги корхоналари, айниқса пахтачилик корхоналари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишиш корхоналари фаолияти билан боғлиқ.

Банк ўз фаолиятини тегишли даражада ташкил қилиш ва самарали олиб бориш учун халқаро мустақил аудиторлик компания назоратидан ўтди ва унинг яхши хулосасига эга бўлди.

Банк Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида, Болтиқбўйи давлатлари фонд бозорларида маркетинг текширувларини ўтказиб, бу давлатлар валюта бозорларида иштирок этиш имкониятларини аниқлади.

1999 йили банк АҚШ банклари билан ҳамкорликда бўлиш ва ўзи чиқарган акцияларни хорижий мамлакатларнинг фонд биржаларида сотиш мақсадида тақдимотдан ўтди.

Банк ўз фаолиятини халқаро стандартлар талаблари даражасида компьютерлаштирган ва бу жараённи амалга ошириш учун учта бўлим ташкил этилган:

– банк операцияларини автоматлаштириш бўлими;

– телекоммуникация ва техника хизматларини кўрсатиш бўлими;

– методология ва янги ахборот технологияларини жорий этиш бўлими.

Кўриниб турибдики, «Пахтабанк» фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этилган бўлиб, банк республикада бозор муносабатларини шаклантиришда, республика иқтисодиётини ривожлантиришга сўзсиз ижобий таъсири кўрсатмоқда.

«Пахтабанк» фаолиягининг жадаллаштирилганлиги, кенгайтирилганлиги, самарали амалга оширилганлиги, айниқса 2006-2007 йилларга тааллуқлидир. Бу борада банк фаолиятининг қуидаги хусусиятлари, йўналишлари эътиборга сазовор:

– Банкнинг капитал ва ресурслар базаси мустаҳкамланмоқда. 2007 йилнинг охирида банк активлари 956,0 миллиард сўмни ташкил этди. Жами активлар таркибида даромад келтирадиган активлар салмоғи 79,0 фоизга етди. Капиталнинг етарлилик коэффициенти меъёрдан 1,9 фоиз юкори кўтарилиб, 11,9 фоизга тўғри келди. Биринчи даражади капиталнинг жами капиталдаги ҳажми эса белгиланган энг кам даражадан 32,5 фоиздан юкори бўлиб, 82,5 фоизга етди.

– Қишлоқ хўжалигини кредитлашда фаол катнашиш. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга биноан банк пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 261,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 55,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратди.

Қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг моддий-техника даражасини кўтариш мақсадида банк техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 39,5 миллиард сўмлик кредит ажратди.

Банк қишлоқ хўжалигини кўллаб-куватлаш учун чет эл кредит йўналишларини жалб қилишда фаол қатнашмоқда. Халқаро тикланиш ва таракқиёт банки, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларига биноан 319 қишлоқ хўжалиги корхонаси ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 15,5 миллион АҚШ доллари ҳажмида узок муддатли кредит берилди.

– Республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтаришда қатнашиш. Банк республика, айниқса қишлоқ жойларда савдо

алоқаларини ривожлантиришда қатнашмоқда. Бу эса қишлоқ ахлини истемол товарларига бўлган эҳтиёжини ўз вактида қондирмоқда.

Республика Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан қишлоқ туманларида банкнинг фаол иштирокида 109 та агрофирмалар ташкил этилди. Улар банкнинг имтиёзли кредитлари билан таъминланмоқда.

Банк қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Бевосита банк иштирокида 6069 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Бу борада 14264 лойиҳа молиялаштирилди. Бунинг учун 28 миллиард 235 миллион сўмлик кредит берилди.

Пахтабанк 13 вилоят бошқармаларидан, 186 филиаллардан, 702 минибанклардан иборат бўлиб, 161 минг юридик, 317 минг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатмоқда.

Банк фаолияти қуйидаги соҳа ва йўналишларда амалга оширилмоқда:

- қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарга хизмат кўрсатувчи корхоналарни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишловчи корхоналарни ривожлантириш;
- фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш;
- пахта, ғалла маҳсулотларини етиштириш, йигиб олиш харатларини кредитлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари эҳтиёжларини қондириш мақсадида лизинг операцияларни амалга ошириш;
- республика иқтисодиётига, айниқса республика қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ҳалқаро молия ташкилотлари, хорижий банкларнинг кредит линияларидан фойдаланиш;
- республика аҳолиси бўш пул маблағларини банкка жалб қилиб, уларни республика иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтириш;
- республика қимматли қоғозлар бозорида фаол қатнашиш;

- коммунал хизматлар учун республика ахолиси томонидан тўловларни амалга оширишни ташкил қилиш;
- республика пул муомаласини такомиллаштириш мақсадида пластик карточкаларни чиқариш, уларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш;
- ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида фаол қатнашиш мақсадида банк қўшимча 140 та мини-банклар ташкил этди;
- депозит ва фонз сиёсати стратегияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда;
- 1999 йилдан бошлаб банк фаолиятида корпоратив бошкарув тизими жорий этилди;
- 2001 йилдан бошлаб банк фаолияти универсаллаштирилди;
- банк устав фонди, капитали, активлари йилдан-йилга кўпайиб бориб, унинг фаолиятини кенгайтиришга имкон бермоқда;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига «кредит бериш тартиби» ишлаб чиқилди, жорий қилинди;
- банкда хисоб, хисобот, назорат тизимлари такомиллашиб бормоқда;
- фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фаол қатнашиш мақсадида банкда маҳсус дастур тузилди ва амалга оширилди;
- республика ахолисидан ҳамма коммунал хизматлар учун тўловларни ўз вактида ва тинимсиз қабул қилишни таъминлаш учун банкда маҳсус компьютер дастури ишлаб чиқилди.

Юкорида таъкидланган соҳа, йўналишлар бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун «Пахтабанк» республика иқтисодий ислоҳотларини такомиллаштириш борасида банк тизимиға тегишли қабул қилинган қонун-қарорларгага биноан ўз фаолиятини бозор муносабатларига янада мослаб такомиллаштироқда.

Банк фаолиятида бундай чора-тадбирларни амалга ошириш банк фаолиятининг ривожига, унинг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди.

2004 йили банк активлари 238 млрд. сўмга тенг бўлиб, улардан 166,0 млрд. сўм ёки 70 фоизини даромад келтирадиган активлар ташкил этди.

82208 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга 14,4 млрд. сўмлик кредит берилди, улардан 21 фоизи қисқа муддатли, 79 фоизи узоқ муддатли кредитга тўғри келди.

Шу йили банк кредитларидан фойдаланган кичик корхоналар 83,2 мингга етиб, улардан 46,0 мингини дехкон ва фермер хўжаликлари ташкил этди.

2005 йили банк активлари 2004 йилга нисбатан 45 фоизга кўпайиб, 347,8 млрд. сўмни ташкил этди. Устав фонди эса 13,5 млрд. сўмни ташкил этди. Банк акциядорлари 77494 га етиб, улардан 20524-юридик шахслар, 56970 жисмоний шахслардан иборат бўлди.

2006 йили пахта ҳосилини етиштириш эҳтиёжлари учун 253 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди, улардан 80,0 млрд. сўм қишлоқ хўжалиги кимё акциядор жамияти органларига, 49,5 млрд. сўм – Ўзнефтемахсулотга, 27,4 млрд. сўм – машина-трактор паркларига, 35,1 млрд. сўм – ширкат ва фермер хўжаликларига ажратилди.

Ширкат ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи Ўзагромашсервисга, Ўзкишлоккимёга 103 млрд. сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди.

Пахта йигим-терим мавсумини самарали ўтказиш учун тегишли меҳнат ҳақи далаларда тарқатилди. Буни ташкил қилиш мақсадида банк ходимларидан 257 киши туманларга, 367 киши ширкат хўжаликларига, 1957 киши фермер хўжаликларига бириктирилди.

Республика қишлоқларида 640 минибанклар ташкил этилди, улар тадбиркорларга ва фермер хўжаликларига 119 млрд. сўмлик кредит таркатди.

Пахтабанк Республика Президентининг «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўйилган вазифалардан келиб чиқиб, лизинг операцияларини ташкил этишга алоҳида эътибор ажратмоқда.

Банк бундай хизматларни 1996 йилдан бошлаб, 2003 йили 1,7 млрд. сўмлик 217 лойиҳаларни, 2004 йили 2,0 млрд. сўмлик 385 лойиҳаларни, 2005 йили 7,3 млрд. сўмлик 880 лойиҳаларни ва 2006 йили 15,2 млрд. сўмлик 1351 лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам берди.

Банк қимматли қоғозлар бозорида ҳам ўз фаолиятини фаоллаштироқда. 2005 йили банкнинг қимматли қоғозлар портфели 6,0 миллиард сўмдан ошди ва ундан 1,8 млрд. сўми қисқа муддат-

ли давлат облигациялари дир. Банк акцияларининг эмиссиялари 11 марта амалга оширилди.

Банк фаолиятини ривожлантиришда, банк филиалларининг ташкил этилишида минибанкларнинг очилиши алоҳида рол ўйнамоқда. Минибанклар сони 2001-2005 йилларда 98 дан 618 тага етказилди.

Банк раҳбарияти республика аҳолисининг бўш омонатларини банкка жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор ажратмоқда. Чунки бунинг ёрдамида банк ресурслар базаси мустаҳкамланмоқда, аҳоли омонатлари республика иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилмоқда ва республика аҳолиси кўшимча даромадларга эга бўлмоқда.

Банк фаолиятида аҳолини банкка бўлган ишончини кўтариш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Банк фаолиятида аҳоли омонатларини жалб қилиш мақсадида 20 дан ортиқ омонат турлари: «Саховат», «Баҳор», «Қадрият», «Саломатлик», «Мураббий», «Фаровонлиқ», «Кафолат», «Орзу», «Мўъжиза», «Имконият», «Обод юрт», «Хазина», «Маиший тўлов» ва бошқалар ташкил қилинди.

Омонатчиларни рағбатлантириш мақсадида банк бошқа банкларга нисбатан юқорироқ фоизлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш фоизидан юқори) тасдиқлаган.

Банк омонатчилари 2006 йил 1 январда 240 мингдан ортиб, уларнинг омонатлари ҳажми 50,5 млрд. сўмни ташкил этди. Ахолининг муддатли омонатлари 2000-2004 йилларда 12 марта, 2002-2004 йилларда 2,5 марта кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Пластик карточкалар асосида хисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларидан келиб чиқиб, Пахтабанк бу масалани ечишга ҳам эътибор ажратмоқда.

Банк томонидан тарқатилган пластик карточкаларнинг сони 600 мингдан ошди. Пластик карточкалар орқали хисоб-китобларни амалга оширишни ташкил қилиш мақсадида 1500 терминаллар, 20 та банкоматлар ўрнатилди.

Банк пластик карточкаларидан республиканинг ҳамма ҳудудларида фойдаланиш мумкин. Банк томонидан ҳалқаро тоифадаги пластик карточкалар ҳам чиқарилган.

Банк пластик карточкаларини олган мижозлар сони 2003 йили 10 минг бўлган бўлса, 2006 йили 441 мингга етган. 500 дан ошиқ корхона ва ташкилотларда банк пластик карточкалари ёрдамида иш ҳақи бўйича хисоб-китоблар амалга оширилмоқда.

Банк валюталарни алмаштириш борасида ҳам кенг микёсда иш олиб боряпти. Шу мақсадда 261 валюта алмаштириш шоҳобчалари ташкил қилинди. Улар орқали валюта алмаштириш операциялари 2003-2005 йилларда 8,5 марта кўпайди.

Кўриниб турибдики, Пахтабанк республика иқтисодий ислоҳотларини янада чукурлаштириш шароитида кўп қиррали, самарали фаолият кечирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 марта «Агробанк акциядорлик тијорат банкини ташкил этиш тўғрисида» Қарори қабул қилинди. Бу қарорга биноан «Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчилилк билан чукурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини кўллаб-куватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чукур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида». «Пахтабанк» акциядорлик тијорат банки» акциядорларининг уни «Агробанк» акциядорлик тијорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди ва Қарорда «Агробанк» олдига қўйилган вазифалар ва ташкил қилиш йўналишлари аниқланди.

Республикада доимо ўтказиладиган банклараро рейтингда Агробанк тијорат банклар таркибида ҳамма вакт энг юқори даражада бўлиб келмоқда.

Республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи дехкон ва фермер хўжаликлирида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларига биноан чорвачиликни ривожлантириш учун 9 миллиард 960 миллион сўмлик микрокредит ажратилди.

Халқаро ҳамкорликларни янада ривожлантириш. Банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти кенгайиб бормоқда. Биржа ва биржадан ташқари бозорлардаги конвертация бўйича операциялар ҳажми бир йилда 15.3 фоизга кўпайиб, 164.5 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Пул ўтказмаларини қабул килиш ва бериш жараёни, валюта айирбошлиш шохобчалари тармоғи янада кучайтирилди. Банк тизимида 273 та валюта айирбошлиш шохобчаси мижозларга хизмат кўрсатди.

Банк халқаро ҳамкорлик, мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга хорижий сармояларни жалб қилмоқда. У нуфузли халқаро молиявий муассасалар – Германиянинг КФВ банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик олиб бормоқда.

Банк хизмат кўрсатиш шакллари такомиллаштирилмоқда. Банк аҳоли учун қулай, даромадли омонатларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида тегнишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бир йил мобайнида банк 14 та янги омонат турларини ишлаб чиқиб, амалга оширди. Натижада аҳолининг банкдаги жами жамғарма ва муддатли омонатлар қолдиги икки баробарга кўпайди.

Кейинги пайтда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ривожлантирилмоқда. 2006 йилнинг охирига келганда мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкалар сони 562665 тага етказилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 2 минг 103 та терминал ўрнатилди. Натижада пулнинг пластик карточкалар орқали айланиши бир йилда 3.3 баробар ортди. Пластик карта ҳисоб варакларидаги қолдик маблағ 9 миллиард 400 миллион сўмга етди. Савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали 14 миллиард 800 миллион сўмлик пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

Кўриниб турибдики, республика банк тизимини янада такомиллаштиришга бағишлиланган иқтисодий ислоҳотлар «Агробанк» фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Агробанкнинг республика иқтисодий ислоҳотларини, шужумладан, банк соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш давридаги фаолияти қўйидаги жадвал маълумотлари билан ифодаланади:

3.5.1-Жадвал

**Агробанк фаяолияттын күрсакчишлери (млн. сўм)<sup>1)</sup>**

Күрсакчишлар исеми						
1	Банк капитали	1998	1999	2001	2002	2004
2	Устак капиталы	3414,72	7315,11	17956,67	25597,54	46030,67
3	Захирда капиталы	1500,00	3191,70	8461,10	10000,00	11504,36
4	Банк активтарының сумаасы	2819,67	3243,11	4723,92	7185,49	19150,34
5	Кредиттүрүндөмөлдөр	61640,29	78211,72	71022,02	101846,79	250367,31
Ш	Диң жумалашы	455787,96	57480,12	45691,23	64151,01	121862,35
5.1	Юридик шаҳастарга берилгандар	45786,56	57478,02	44868,68	63028,48	119913,64
5.2	Жаңамоний шаҳастарга берилгандар	1,4	2,10	822,55	1122,53	1949,31
5.3	Бир йылдан ортик муддатта берилгандар кредиттер	509,20	2305,70	5614,82	15806,31	51041,43
5.4	Хорижий капиталда берилгандар кредиттер	0,00	0,00	0,00	2302,19	15411,89
6	Банк ресурстары	56114,14	68856,93	61694,23	69310,20	180338,24
7	Жабайынчылар	10485,11	10067,97	20422,54	34670,44	105487,03
8	Банк томондашкан жабайынчылар	384,78	617,67	4725,10	8588,04	23677,31
Ш	Диң жумалашы				32000,14	94601,53
8.1	Мультили омонаттар	6193	123,68	515,03	2591,47	14435,55
8.2	Жамеедири омонаттар	277,23	385,42	1756,47	1711,16	4097,70
8.3	Тараб кийиб олоннан чынча	45,62	108,57	2453,60	4285,41	5144,07
8.4	Микробанктар соми	126	154	185	210	229
8.5	Капиталдын көзөздөр	2340,02	4094,38	2948,51	2983,96	312
	Инвеституциялар					665
						792
						710
						468
						7067,64
						7254,24
						15055,02

1) Жадвал майдулумоттары бөвөсчиге Агробанкдан сыйнган

**Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:**

– Банкнинг моддий базаси, капиталлашув даражаси йилдан-йилга ошиб борди. 1999-2009 йилларда банкнинг ялпи капитали 32 марта, устав капитали – 54 марта, захира капитали – 26,0 марта. активлари – 23 марта кўпайди.

– Банкнинг моддий базасини кучайтиришда юридик ва жисмоний шахслар омонатларини банкка жалб қилиш катта аҳамиятга эга бўлган. 10 йил мобайнида банкка жалб этилган депозитлар ҳажми 10485 млн. сўмдан 789303 млн. сўмга, шу жумладан аҳоли омонатларининг ҳажми 385 млн. сўмдан 275950 млн. сўмга кўпайтирилган. Шу жумладан:

– муддатли омонатлар – 47 марта, жамгарма омонатлар – 84 марта, талаб қилиб олингунча омонатлар – 37 марта кўпайтирилган.

– Банк фаолиятини ривожлантириш мақсадида унинг инфраструктузилмаси доимо ривожланиб борган. Таҳлил қилинаётган даврда минибанклар сони 120 тадан 468 га етказилган.

– Республика иқтисодиётини ривожлантиришда банкнинг иштироки фаоллашиб борган. Банк томонидан берилган кредитлар 1998-2009 йилларда 45787 млн. сўмдан 3017444 млн. сўмга, шу жумладан юридик шахсларга берилган кредитлар 45786 млн. сўмдан 916199 млн. сўмга, жисмоний шахсларга берилган кредитлар 1,4 млн. сўмдан 101244 млн. сўмга кўпайтирилган.

– Берилган кредитлар ҳам миллий ҳам хорижий валюта шаклида бўлган. Хорижий валюта шаклида берилган кредитлар 2001 йилдан бошланиб, 2002-2009 йилларда 2302 млн. сўмдан 99117 млн. сўмга оширилган.

– Берилган кредитлар таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоги йилдан-йилга ошиб борган. Бу кўрсаткич 1998 йили 1,1 фоизни ташкил қилган бўлса, 2009 йили 66,5 фоизга кўтарилилган.

– Банк республика қимматли қоғозлар бозорида фаол қатнашмоқда. Банкка тегишли қимматли қоғозлар ва инвестициялар портфели 1998-2009 йилларда 2340 млн. сўмдан 15055 млн. сўмга кўпайтирилган.

Демак, Агробанк фаолияти республика иқтисодиёти тараққиётини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлмоқда.

**Республика тиҷорат банкларининг сардөрларидан бири бўлиб «Ўзсаноатқурилиш банки» ҳисобланади.**

«Ўзсаноатқурилиш банки»:

– халқаро электрон тўлов тизими аъзоси;

- трансмиллий оборот дилинг тизими абоненти;
  - Ўзбекистон банкларида аҳоли омонатларининг кафолатланганлиги тизими иштироқчиси;
  - «Тошкент» фонд биржаси акционери ва аъзоси;
  - Халқаро пул ўтказмалари тизимининг вакил банки.
- «Ўзсаноатқурилишбанк» республика иқтисодёти, республика банк тизимини такомиллаштиришда фаол қатнашмоқда.

Бу борада банк ўзининг фаолиятини қабул қилинган қонун-қарорларга биноан куйидаги йўналишларда такомиллаштироқмокда:

- Умуман республика иқтисодиётини, айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашни жадаллаштириш мақсадида маҳсус имтиёзли фонд ташкил этилди.
- Банкда пул маблағлари келиб тушиши устидан мониторинг ташкия этилди.
- Ютуқли омонатлар тизими ишлаб чиқилди, жорий этилди.
- Банк-мижоз. «Минибанк» дастурлари ишлаб чиқилди, амалга оширилди.
- Ишлаб чиқарувчи – банк – харидор дастури тузилиб, амалга оширилмоқда.

Банк ўз мижозларига уларнинг ҳисоб-китобларини мақбуллаштиришга, дебиторлик, кредиторлик қарздорлигини қисқартиришга, вактинча бўш маблағлардан янада самарали фойдаланишга кўмаклашувчи хизматлар, чора-тадбирларининг максимал пакетини тақдим этмоқда.

Банк тизими бўйича ҳар бир қабул қилинган қонун-қарорлар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

«Ўзсаноатқурилишбанк» универсал банк сифатида кўп қиррали фаолиятни амалга оширилмоқда. Бу:

- аввалимбор, саноат тармоклари ва қурилиш соҳасига хизматлар кўрсатиш;
- кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, халқаро ва хорижий банкларнинг кредит линияларини жалб қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорида фаолият олиб бориш;
- республика аҳолисининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиб, уларни республика иқтисодиётини ривожлантириш учун йўналтириш;
- лизинг операцияларини амалга ошириш;

- аҳоли томонидан коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш;
- пластик карточкаларни чиқариш, жойлаштириш ва айланнишни таъминлаш.

Банкнинг 2001-2006 йиллардаги фаолияти натижалари банкнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришда фаол қатнашётганлигини хар томонлама тасдиқламоқда.

Банк устав фонди 2001-2005 йилларда 6,0 млрд. сўмдан 11,3 млрд. сўмгача кўпайтирилди.

Банк активлари шу даврда 400 млрд. сўмдан 542,7 млрд. сўмга етказилди.

Банк мажбуриятлари эса шу даврда 350,0 млрд. сўмдан 500,0 млрд. сўмга оширилди.

2005 йил 1 январ ҳолатига банк томонидан берилган кредитлар 235,5 млрд. сўмни ташкил этди, ундан қисқа муддатли кредитлар 49,8 млрд. сўмни, ташкил этди, узоқ муддатли кредитлар 187,6 млрд. сўмни ёки умумий кредитларнинг 80,3 фоизини ташкил қилди.

Шу даврда депозит ҳисобварақларида умуман 157,6 млрд. сўмлик омонатлар жамлаштирилди, улардан 26,3 фоизи муддатли ва жамғарма депозитларидир.

2005 йили банк активлари рентабеллиги 13,7 фоизни, фоиз маржаси 1,89 фоизни, капитал рентабеллиги – 24,5 фоизни, ишловчи активлар улуши 82,0 фоизни ташкил этди.

Демак, тасодифан эмаски, 2005 йил натижалари бўйича ўтказилган банклараро рейтингда Ўзсаноатқурилиш банки юқори даражада баҳоланди.

2006 йил 1 январ ҳолатига банк капитали 47,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2005 йил 1 январга нисбатан 7,1 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Банк акцияларининг олтинчи эмиссияси амалга оширилди, банк акциядорларининг сони 32,4 мингга етказилди, улардан юридик шахслар – 3,7 минг, жисмоний шахслар – 28,6 мингдан иборат.

Банк активлари 542,7 млрд. сўмни ташкил этиб, 2005 йил 1 январга нисбатан 149,8 млрд. сўмга купайтирилди.

Банк активларининг 72 фоизи – даромад келтирувчи активлардир.

Банк активларининг 67 фоизи банкка тегишли маблағлар хисобидан шакланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-куватлаш учун 20,3 минг инвестиция лойиҳаларига 10,6 млрд. сўм, ундан микрокредитларга 4,6 млрд. сўм ажратилди.

2006 йил 1 январга умуман республика реал секторини кредитлаш учун 299,1 млрд. сўм йўналтирилди. бу умумий ажратилган кредитларнинг 97,4 фоизини ташкил этди.

Йўналтирилган кредитларнинг 41,0 фоизи саноатга, 13,0 фоизи кишлоқ хўжалигига, 16,0 фоизи қурилиш ва хизмат кўрсатишга ва 30,0 фоизи бошқа тармокларга ажратилди.

Республика аҳолисининг милзий ва хорижий валюталардаги омонатлари 76,0 млрд. сўмга етказилиб ўтган йилга нисбатан 34,5 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Шаклантирилган маҳсус имтиёзли фонд хисобидан 7,6 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Банк филиаллари хисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 770 та лойиҳалар бўйича 4,2 млрд. сўм ажратилди, улардан 28,1 фоизи кишлоқ хўжалигига, 58,2 фоизи саноатга ва қолганлари қурилиш, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилди.

Аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида банк ҳар хил омонат турларидан фойдаланди. Бу: «Фаровон-1», «Фаровон-2», «Кафолат», «Кафолат» тақдим этувчи учун, «Саховат» тақдим этувчи учун, ФЗУ, Қувонч, Хазина-1, Хазина-2 ва ҳоказо.

Узок муддатларга мўлжалланган товарлар сотиб олиш учун З йиллик муддат билан «Умид» ва «Ишонч» омонатлари орқали 14,7 млрд. сўмлик истеъмол кредитлари берилди.

Республика Президентининг «Пул массаси улушкини чегаралаш ва молиявий интизомга риоя этиш бўйича масъулиятни ошириш тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақини ўз вактида тўлашни таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», «Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришнинг келгусидаги чора-тадбирлари тўғрисида», «Пластик карточкалар асосида хисоб-китоблар тизимини ривожлантиришнинг келгусидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларини бажариш мақсадида банк пластик карточкалардан фойдаланишни жорий қилди.

Банк 2006 йил 1 январга 200 минга яқин пластик карточкаларни чиқарди, уларни жойлаштириш ва жорий қилиш учун супермаркетларда 1086 та, жамғарма кассаларда 221 та, жами 1307 терминаллар ўрнатилди.

Пластик карточкалардаги пулларга банк 16,0 фоиз микдорида ахолига даромад тұлайди.

Пластик карточка хисобварапларига 13,4 млрд. сүм маблағлар үтказилди.

Республикада қабул қилинган «Фуқароларнинг банкдаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тұғрисида» ги Қонунга биноан республика мікёсіда мазкур фонд ташкил қилинди ва бу фондға «Ўзсаноатқурилишбанк» аъзо бўлиб кирди.

Ахоли маблағларини банкка жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида банк «Сюрприз» ютуқ омонатини ишлаб чиқиб, жорий қилди. Унга биноан ҳар 1000та хисобвараплардан 100 тасига ютуқлар чиқади. Ютуқтар омонат қолдигидан: 5 тасига 200 фоиз, 10 тасига – 100 фоиз, 20 тасига 50 фоиз ва 65 тасига 25 фоиз тұланади.

Банкда ахоли томонидан коммунал хизматлар учун тұловларни қабул қилиш ҳам ташкил этилган. Шу мақсадда 110 та махсус кассалар очилди, сайёр кассалар ташкил этилмокда.

Вазирлар Мажкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта айирбошлаш операцияларини көнгайтиришга доир чора-тадбирлар тұғрисида» ги Қарорига биноан банк томонидан 143 та валюта айирбошлаш шохобчалари (улардан 82 таси Тошкентда, 61 таси вилойтларда) ташкил қилинди.

Банк корхона, ташкилотлар томонидан чиқарылған корпоратив облигацияларни, давлат облигацияларини, Марказий банк облигацияларини жойлаштиришида ва сотиб олишда фаол қатнашмокда.

Банк 2002 йылдан бошлаб халқаро мікёсда пуллар үтказиш билан ҳам шуғулланмокда, фактат 2005 йилда банк шохобчалари ёрдамида 223 минг жисмоний шахслар бу имкониятдан фойдаланишиди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» юкори самарага зга. Банк капиталининг етарлизиги меъердаги 10,0 фоизга нисбатан 13-17 фоизни, банк активлари ликвидлик коэффициенти меъердаги 30,0 фоизга нисбатан 50-80 фоизни ташкил этмокда.

Кўриниб турибдики, «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти такомиллашиб бормокда ва банкнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги ижобий таъсири кучайиб бормокда.

Республиканинг юқорида кўрилган, учта йирик банкларининг фаолияти тасдиқлаяпдики, республика банк тизими соҳасидаги иқтисодий ислоҳотлар янада чукурлаштирилмоқда.

Кредит олувлар ва ўз омонатларини тижорат банкларига топширувчилар билан банклар ўртасидаги ишончи, ҳамкорликни шакллантириш мақсадида республикада «Банк-Мижоз дастури» ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бу дастурдан 2500 та корхона ва ташкилотлар фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги вактда 48 та филиал, 158 та омонат касса, 155 та валюта айирбошлиш пункти, 89 та минибанкка эга ва улар орқали банк кўп киррали фаолият олиб бормоқда. Банк 30 мингдан ортиқ корпоратив ва 900 мингдан зиёд мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Бу хизматлар «Мижоз манфаати – ҳамма нарсадан устун» деган шиорга асосан амалга оширилмоқда. Шу мақсадда кредитлар бериш соддлаштирилди, кредит жамланмаси узлуксиз мониторинг қилинмоқда.

Банк Республика Президентининг «Ёш оиласарни моддий ва маънавий кўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан 2007 йилда 1725 нафар ёш оиласа жами 8,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратди. Банк келгусида ҳам ёш оиласарга ҳар ойда 4 миллиардан кам бўлмаган миқдорда кредит маблағлари ажратишни режалаштирган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳам кредитлаш банкнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 79,4 миллиард сўмликдан кўп, шу жумладан инвестицион лойиҳаларга 61,8 миллиард сўмлик кредитлар берилди.

Республика Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш учун юқори даромадли, жозибадор янги омонатлар ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда. Шу мақсадда Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкасидан анча юқори – йиллик 18-30 фоиз ҳисобидан даромад тўланмоқда. Фуқароларнинг банкдаги омонатлари маҳсус фонд ҳисобидан кафолатланмоқда.

Банк томонидан халқаро VISA пластик карточкалар чиқарилиб, бугунги кунда улардан 1363 корхона ва ташкилотлар, 360 минг нафар жисмоний шахслар самарали фойдаланмоқда.

Банк фаолияти самарасини кўтаришда замонавий кадрлар сиёсатини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Банк бу борада кадрларга нисбатан ўз эҳтиёжини таъминлаш билан чегараланмайди. Бу банкда ишлаб тажриба ортирган кўплаб мутахассислар бугунги кунда бошқа банкларда фаолият кўрсатмоқдалар. Шунинг учун ҳам «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳақли равишда республика банк секторининг кадрлар ўчоги деб аталиши бежиз эмас.

Келгусида амалга ошириладиган вазифалар жуда кенг. Уларни амалга ошириш учун банкнинг моддий-молиявий базаси кўчайтирилиши лозим. Шу мақсадда 2010 йилга бориб банк низом жағармаси ҳозирги 34,6 миллиарддан 130 миллиардга кўтарилиши ва банк жами жамғармалари 180 миллиардга етказилиши, аҳоли томонидан кўйиладиган жамғарма миқдори 273 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган.

#### **«Ўзсаноатқурилиш банки»:**

- республика саноат – қурилиш комплексига хизмат кўрсатади;
- республика инвестицион дастурларининг 20%, инвестицион фаолиятини 75 фоизини молиялаштиради, улар бўйича банк операцияларини олиб боради;
- республикада қурилаётган йирик объектларга – электростанциялар, металлургия, газ саноати корхоналарига имтиёзли кредитлар беради;
- 87 кредитлар ҳукумат қарорларига биноан мақсадли датурларни амалга ошириш учун берилади ва натижада кредитлар ўз вактида қайтарилади;
- умуман кредитларни қайтарилмаслик коэффициенти банк фаолиятида 1,2 фоизни ташкил этади;
- устав фонди ташкил кизингандага 500 минг сўм бўлиб, ҳозирга пайтда 39 млрд. сўмга кўпайтирилди;
- банк моддий – техника базаси доимо ривожлантирилмоқда, такомиллаштирилмоқда;
- хорижий мамлакатлар банкларининг маблағлари республикага жалб қилинмоқда.

Шундай қилиб, кўринниб турибдики, банк ўзининг кўп қиррали, мураккаб, самарали фаолияти билан республикада бозор иқтисодиётини шакллантиришда, ҳозирги пайтда республика халқ хўжалиги баркарорлигини сақлаб, республика макроиктисодиёти тараққиётини таъминлашда ўз хиссасини кўшмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мажмуасига хизмат кўрсатадиган банклардан бири – бу ипотека банки – «ЗАМИН» банкдир.

«Замин» банки таъсисчилари: Республика мулки қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги, Миллий банк, Ўзавтодорбанк, Ўзмевасабзавотбанк, Галлабанк, ЎзГадбиркорбанк.

Банк қўйидаги мақсадларга кредит беради:

- уй-жойдаги участкаларни, савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчалари қурилишини лойиҳалаштиришга;
- қишлоқ хўжалиги обьектлари қурилиши, ерлар ҳосилдорлигини ошириш чора-тадбирлари. қишлоқ хўжалиги техникасини, уйларни, квартиralарни ва бошқа ишлаб чиқариш ва социал соҳа обьектларини сотиб олишга;
- ишлаб чиқариш обьектлари қурилиши, корхоналарни қайтадан қуроллантириш, реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга.

Республиканинг ҳамма минтақаларида банкнинг филиаллари ташкил этилган.

Банк олдига қўйилган вазифалар:

- кўчмас мулк билан алоқадор гаровга қўйиш муносабатларини ривожлантириш;
- ерлардан оқилона фойдаланишда қатнашиш;
- инвестицион фаолият олиб бориш;
- банк хизматларини кўрсатиш.

#### **Ўзбекистон ипотека банки**

Банк Марказий Осиёда ягона ипотека банки.

Ипотека – бу кўчмас мулкни гаровга қўйиш бўлиб, у гаровга қўйилаётган мулкни ипотека кредиторига бермасдан амалга оширилади.

Республикада ипотека муносабатларини ривожлантириш мақсадида «Гаров тўғрисида», «Ипотека тўғрисида» Қонунлар қабул килинди.

Банк фаолияти қўйидаги хусусиятларга эга:

- товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар палатаси, бизнес – фонди билан ҳамкорликда фаолият олиб боради;
- банкнинг ярмидан кўп кредитлари – бу ўрта ва узок муддатли кредитлар;
- банк ҳам макрокредит, ҳам истеъмол кредитларини беради;
- банк томонидан бериладиган кредитлар асосан имтиёзли кредитлар;
- бериладиган кредитлар ҳажми 50 минимал иш ҳақидан 150 минимал иш ҳақигача;

- бериладиган кредитларнинг йиллик ставкаси 23 фоиз;
- кредит ҳажми кўчмас мулкнинг 70 фоизигача бўлиши мумкин;
- бериладиган кредитлар асосан узок муддатли – 20 йиллик мухлатгача;
- бериладиган кредитларнинг йўналтирилганлиги – қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- банк ўзининг акцияларини чиқаради ва уни жойлаштиради;
- кредитлар беришда кўчмас мулк таркибида ер ҳам эътиборга олинади;
- ипотека обьекти бўлиб корхона мол-мулклари, бино, иншотлар, савдо ташкилотларининг хусусий мулки бўлган ер участкалари, республика ва чет эл жисмоний шахсларининг хусусий мулки, уй-жойлар, улар жойлашган ер участкалар ҳисобланади. Улардан ташқари яна бутун умрга фойдаланиш учун олинган ер участкалар, аукционда томорка хўжаликлари ташкил қилиш учун, шахсий уй-жой куриш учун сотиб олинган ер участкалари.

Банк 1998 йилдан бошлаб «Бизнес фонд»и, Дехкон ва фермер хўжаликларини кўллаб-кувватлаш ва Бандлик фондлари билан кредит линиялари очиш тўғрисида генерал келишувларга эга.

Бериладиган қиска муддатли кредитлар – бир йилгача, ўрта муддатли кредитлар – 5 йилгача, узок муддатли кредитлар – 5 йилдан ошик муддат учун берилади.

Банк кредитини таъминловчи хужжатлар – сугурта полиси ва кафиллик.

Банкда «Банк – мижоз» тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Кўриниб турибдики, «Замин» ипотека банки республикада кўчмас мулкдан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланишда, қишлоқ хўжалиги жойтарини социал ривожланишида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда тегишли ролга эга.

Юқорида кайд этилган банклар фаолиятини қисқача ифодаланиши шуни кўрсатмоқдаки, республикада фаолият олиб бораётган банклар халқаро стандартлари талаблари даражасида ташкил этилган, бозор муносабатлари талабларига мосланган ва улар республиканинг социал-иктисодий тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Юқорида бозор иктисодиёти инфратузилмасини шакллантириш борасида республика банк тизимини шакллантиришга батафсил тўхтадик.

Шу билан бирга бозор иктисодиёти инфратузилмасининг бошқа элементлари ҳам катта аҳамиятта эга. Шу сабабли республика раҳбарияти бозор иктисодиётининг бошқа элементларини шакллантиришга ҳам керакли эътибор ажратмоқда.

Мустакиллик даврида бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган иктисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида солик, молия, сугурта органларини шакллантиришда ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган молия, солик, сугурта органлари ҳам шакллантирилди. Молия органларининг бозор муносабатларига мосланган функциялари аниқланди, соликлар тизими ишлаб чиқилди, сугурта ташкилотларининг функциялари конкретлаштирилди.

Шу билан бирга бозор муносабатлари билан бевосита алоқада бўлган инфратузилманинг бошқа элементлари ҳам барпо этилди, шаклланлантирилди, ривожлантирилди.

Улар таркибида «Тошкент» республика фонд биржаси. У 1994 йили ташкил этилиб республикада қимматли қоғозларнинг бирламчи, иккиламчи бозорлари фаолиятини таъминлашга йўналтирилган.

Фонд бозорини шакллантириш мақсадида республикада «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонун қабул килинди, унда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш аниқланди:

- листинг, клиринг операцияларини ташкил қилиш тартибини аниқлаш;
- фьючерс операциялар бўйича шартномалар тузиш;
- республика қимматли қоғозларини хорижий мамлакатлар бозорида жойлаштириш;
- депозитарий тизимини ташкил қилиш;
- корхона ва ташкилотларни хусусийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- корхоналарнинг қимматли қоғозлар билан алоқадор операцияларни амалга оширишда ёрдам бериш;
- республика фонд биржасини ҳалқаро фонд биржалари билан интеграциясини амалга ошириш;
- республика фонд биржаси фаолиятини ҳалқаро фонд биржалари билан интернет орқали алоқаларини таъминлаш;
- қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларини шакллантириш;

- хорижий мамлакатлар, уларнинг фирмалари билан моддий техника таъминоти, янги техника ва технологиялардан фойдаланиш борасида иқтисодий алокаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатиш;
- қимматли қоғозлар чиқарилишини регистрациядан ўтказиш;
- акциядорлар жамиятлари томонидан чиқарилган акцияларни сотишга ёрдам бериш.

«Тошкент» фонд биржаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб, республика универсал товар – фонд биржаси асосида ташкил этилди ва у ҳалқаро, регионал биржалар, савдо иттифоки, биржалар конгреси, Марказий Осиё биржалар Ассоциацияси аъзоси сифатида қабул қилинди.

«Тошкент» фонд биржаси республика бозор муносабатларини шакллантиришда, бозор иқтисодиётини барпо этишда тегишли хизматда бўлмоқда:

- республика фонд биржасини ҳалқаро капитал бозорларига олиб чиқиш;
  - листинг орқали хорижий қимматли қоғозларига кириб бориш;
  - республикада хақиқатан ҳам иккиламчи қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш;
  - республикани кредит рейтингига эга бўлишига ёрдамлашиб, шу орқали ҳалқаро капитал бозорига кириб бориш;
  - республикада эмитетлари томонидан чиқарилган акцияларни хорижий қимматли қоғозлар бозорига кириб боришини таъминлаш;
  - хорижий фирма, ташкилотлар билан моддий техника таъминотини, янги технологияларни жорий қилиш, таркибий ўзгариш ва телекоммуникацияни ривожлантириш бўйича иқтисодий алокаларни ривожлантириш;
  - накд шулсиз акцияларни чиқариш;
  - чиқарилаётган қимматли қоғозларни рўйхатга олиш;
  - республика компьютер тизимини ҳалқаро компьютер тизимига кириб боришини таъминлаш;
  - корхоналарга уларни хусусийлаштиришда ва қимматли қоғозлар билан операцияларни олиб бориша ёрдам кўрсатиш.

«Тошкент» фонд биржаси ўтган даврда республикада қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишда, уни ривожлантиришда бозор муносабатларини шакллантиришда ўз хиссасини кўшди.

Ўзбекистон Республикасида фонд бозорининг ташкил этилиши ва ривожланиши (И.Бутиковнинг фикри бўйича<sup>1</sup> биз унга қўшиламиз), қўйидаги босқичларни босиб ўтди:

1991-1993 йиллар – Республика фонд бозорининг барпо этилиши, «Тошкент» биржаси ҳузурида фонд бўлимини ташкил этилиши.

1994-1996 йиллар – корхона ва ташкилотларни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тизимининг кенг микёсда амалга оширилиши билан акциялар бозорини, вексел ва депозитария тизимларини жадал ривожлантириш.

1997-2000 йиллар – давлат қиска муддатли облигациялар бозорининг пайдо бўлиши, уни ривожлантириш, инвестицион фондларни ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорининг ташкил этилиши.

2001-2006 йиллар – депозитар сертификатлар, корпоратив облигациялар, Марказий банк облигациялари ва давлат ўрта муддатли ғазначилик мажбуриятлар бозорининг ташкил этилиши ва унинг ривожланиши.

*Хоз-Ф* 2007 йилдан бошлаб илгари республика фонд бозорини тартибга солиш бўйича қабул қилинган тўртта қонунлар ўрнига ягона «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишни халқаро стандартларга мослаш, миллий валютани халқаро бозорга интеграция қилиш, қимматли қоғозларнинг иккиласми бозорини жадал ривожлантириш, банк тизимининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини кучайтириш.

Кўриниб турибдики, қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишда, уни ривожлантиришда республикада босқичма-босқич тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада республикада қимматли қоғозлар бозори юкори суръатларда ривожланди.

---

<sup>1</sup> Бутиков И. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. Ташкент, 2008 г.

**Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг  
ривожланиши (1999-2007 й.й.)**

	Бирламчи бозор		Иккиламчи бозор	
	Ҳажми (млрд. Сўм)	Салмоги (фоиз)	Ҳажми (млрд. Сўм)	Салмоги (фоиз)
1999	4,6	42,1	6,2	57,9
2000	6,2	36,3	10,9	63,7
2001	12,0	46,3	13,9	53,7
2002	16,3	39,1	25,4	60,9
2003	53,9	72,2	20,8	27,8
2004	18,5	44,8	22,8	55,2
2005	100,0	60,3	65,9	39,7
2006	114,9	33,6	227,2	66,4
2007	269,6	67,1	131,9	32,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:

– республикада қимматли қоғозлар бозори ривожланиб бормоқда. 1999-2007 йилларда қимматли қоғозларнинг сотилиш ҳажми бирламчи бозорда 58,6 марта, иккиламчи бозорда – 21,8 марта кўпайган.

– бозор муносабатларининг табиий талаби – қимматли қоғозлар бозори ташкил қилингандан кейин иккиламчи бозор жадал равишда ривожланиб бориши лозим. Лекин бу талаб республика амалиётида хозирча амалга оширилмаянти.

– Демак, республикада қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини юқори суръатларда ривожлантириш замон талабидир.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг негизи бу маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Бозор муносабатларини ривожлантиришда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли республикада товар – хом ашё биржасини ташкил этишга, уни ривожлантиришга тегишли эътибор ажратилмоқда.

Бозор муносабатларини шакллантириш даврида тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Республика Президентининг «Хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-куватлаш

<sup>1</sup> Бутиков И. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. Ташкент, 2008, стр. 56

фондини (Бизнес фонди) ташкил қилиш түғрисида»ги Фармонига биноан ва Республика Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан 1995 йили республикада акциядорлар жамияти сифатида «Бизнес фонди» ташкил этилди.

Бизнес фонднинг маблағлари сифатида давлат томонидан қайтариб бериш шарти билан ажратилган маблағлар, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан 15 фоизи, ахолини меҳнат билан бандлик фонд маблағларидан 10 фоизи ташкил этиді.

Бизнес фонд олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун керакли шарт – шароитларни барпо этиш;
- мулкдорлар синфининг шаклланишига ёрдам бериш;
- имтиёзли кредитлар хисобидан шахсий лойиҳаларни молиялаштириш, хусусий ва кичик бизнес устав фонднин шакллантиришда қатнашиш, хусусий ва кичик бизнесга маслаҳат ёрдамларини кўрсатиш, улар учун инфратузилмани барпо этиш, техник ёрдамлар кўрсатиш йўллари билан нодавлат иқтисодий сектор салоҳиятини ривожлантириш;
- қўшма корхоналарни ташкил этиш ва бошқа йўллар билан янги иш жойларни барпо этиб, республика аҳолисини меҳнат билан бандлик даражасини кўтариш;
- тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришда хориж инвестициялардан фойдаланиш;
- республика аҳолисини бозор муносабатлари жараёнига жалб қилиш;
- тадбиркорликни ривожлантиришда давлат, идора, маҳаллий органларнинг фаол иштироқини таъминлаш.

Бизнес – фонд бюджетдан ташқари тижорат хўжалик субъекти шаклида ташкил этилган. Фонднинг фаолияти йилдан-йилга такомиллашиб, ривожланиб борди.

Агарда 1998 йилгача Бизнес фонд тарбиркорлик ва кичик бизнесни мустақил равишда тижорат банклари орқали кредитлаган бўлса, 1998 йилдан бошлаб Республика Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида», «Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонларига биноан тадбиркорлар ва кичик бизнесни кредитлаш «Бизнес фонд» маблағлари хисобидан тижорат банклари орқали амалга оширилди.

Бизнес фонд маблағлари хисобидан берилган кредитлар асосан узок муддатли бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш, фермер хўжаликлари, курилиш ташкилотларини, маҳаллий саноат корхоналарини, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Бизнес фонд 1995-2004 йилларда республикада тарбиркорликни, хусусий секторни ривожлантиришда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириди. Лекин маълумки, бозор муносабатлари шакланиш даврида бозор иқтисодиётининг барпо бўлаётган инфратузилмаси элементлари ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради. Шу нуқтаи назардан 2004 йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштиришни соддалаштириш ва такомиллаштириш мақсадида Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни кўллаб-кувватлаш фондини (Бизнес – фонд) тузувчи ташкилотларнинг тавсиясига биноан Бизнес – фонди ёпилди ва унинг бутун кредит ресурслари «Тадбиркор» банкига ўтказилди.

2006 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2006 йил 6 июлдаги УП-3767-сонли Фармонига биноан «Тадбиркорбанк» «Микрокредитбанк» акциядорлик – тижорат банкига айлантирилди.

Бу Фармонга биноан «Бизнес – фонд» томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг фаолият юритиши учун ажратиладиган. «Тадбиркорбанкка» ўтказилган маблағлардан фойдаланиш йўналишлари ўзгартирилди, конкретлаштирилди.

Масалан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Қоракалпогистон Республикаси ва маҳаллий бюджетларга ўтказилиб, бу маблағлар 1991 йилдан олдин қурилган кўп квартиралик туарар уйларни капитал таъмилашга ва шу билан бирга умумтаълим мактаблар, мактабгача болалар муассасаларини капитал таъмилаш ва уларни керакли ускуналар билан таъминлашга, аҳоли бандлигини кўтаришга ёрдам бериш Давлат фонди маблағларини тижорат банклари кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш орқали аҳоли бандлигини кўтаришга ёрдам бериш Давлат дастурини амалга оширишга йўналтирилиши тасдиқланди.

Бозор муносабатлари даврида товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ташкил қилиш ва ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика

Президентининг 1996 йил апрел ойида қабул қилинган «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармонига биноан республикада товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси барпо этилди ва унинг олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- ҳар хил инвестиция лойиҳалари бўйича хорижий фирмалар билан алоқаларни олиб бориш;
- инвестиция лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларнинг самародорлиги устидан мониторинг олиб бориш;
- республика миқёсида бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта шахсий субъектларни кредитлаш тартиби ва маҳаллий органлар учун кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини инвестициялашни амалга ошириш устидан кузатиш ва мониторингни амалга ошириш;
- меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- шахсий инвестиция лойиҳалари тўғрисида ахборотларни йиғиш, умумлаштириш;
- бизнес – режаларни тузища ёрдам кўрсатиш;
- хорижий мамлакатларда, республика корхоналарида ишлаб чиқилган ва истеъмол учун олинган ускуналар тўғрисида маълумотларни йиғиш;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун инвестицион таклифлар ва кичик ва ўрта корхоналар томонидан кредит олиш тўғрисида бюллетенлар чиқариш;
- хорижий мамлакатлар, ҳалқаро тадбиркорлик ташкилотлари билан алоқада бўлиш;
- чет эл фирмалари билан ҳамкорлик бўйича шартномалар тузиш;
- чет эл фирмалари, ҳалқаро ташкилотлари билан республика тадбиркорлик вакиллари ўртасидаги учрашувларни ташкил қилиш.

Товар ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар Палатаси низомига биноан Палатага Республика тадбиркорларини бирлаштиради, давлат органларида уларни майдаатларини химоя қиласи, мавжуд кичик ва ўрта бизнес корхоналарни қўллаб-қувватлаб, янгиларини ташкил қилишга ёрдам беради, уларга маркетинг, реклама, юридик, информацион маслаҳатлар беради, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатади.

Палата хукуматдан ташқари ташкилот бўлиб, у ўз таркибига 14 та вилоят, 200 дан кўп шаҳар ва туман бўлинмаларни олади. Палата

аъзолари 160 мингдан иборат бўлиб, улардан етмиш минги юридик ва тўқсон минги жисмоний шахслардир.

Бозор иқтисодиётининг инфратузияси элементи сифатида депозитарий тизимини ташкил қилиш катта аҳамиятга эга.

Республикада «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийларнинг фаолияти тўғрисида» ва «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил қилиш ва фаолияти тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинган. Уларга биноан депозиторий тизими олдига куйидаги вазифалар кўйилган:

- накд пулсиз чиқарилган қимматли қоғозларни саклаш;
- давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган объектлар томонидан чиқарилган накд пулли қимматли қоғозларни сотилигунча саклаш;
- накд пулли ва накд пулсиз қимматли қоғозларга давлат ҳукукини ҳисобга олиш;
- биржа ва биржадан ташқари савдо қатнашчилари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олдин уларнинг мавжудлиги ва ҳакиқийлигини тасдиқлаш;
- биржа ва биржадан ташқари савдо қатнашчиларига тузилган шартномаларга биноан қимматли қоғозларни етказиши тъминлаш;
- муомалага чиқарилган пулли ва пулсиз қимматли қоғозлар чиқарилганини тўғрисидаги ҳужжатларни саклаш;
- Республика ҳудудида норезидентлар томонидан ва хорижий фонд биржаларига Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни ҳисобга олиш;
- Депозиторий тизимида ҳаракатдаги қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва тизимлаштириш;
- қимматли қоғозларни эмиссия қилиш лойиҳаларини тайёрлашда акциядорлар жамиятларига маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- инвестиция фонdlари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли қимматли қоғозларни саклаш ва уларнинг эгаларини рўйхатга олишда инвестиция фонларига хизматлар кўрсатиш.

1994 – 1998 йилларда республиканинг депозитарий тизими бир гурӯҳ мустақил тижорат депозитарийлардан иборат бўлиб, улар қимматли қоғозлар ҳаракатини ҳисобга олиш, саклаш билан шугулландилар. Ҳар бир депозитарий ўзи мустақил равишда қимматли қоғозларни ҳисобга олар, саклар эди. Республика миқёсида

чиқарилған қимматли қоғозларни ҳисобга олишнинг ягона марказлаштирилған шакли ташкил қилинмаган эди. Бу шароитда депозитарий тизими олдига күйилған вазифаларни тұлық бажаришининг иложи йүқ әди.

Шу сабабли 1999 йилдан бошлаб республикада иккі даражали депозитарий тизими ташкил этилди ва уннинг тәркибінде биринчи даражали марказлаштирилған Давлат депозитарийсі ва қимматли қоғозларни сақловчы иккінчи даражали тијорат депозитарийлари киритилди.

Марказий депозитарий тијорат эмас давлат ташкілоти бўлиб, уннинг раҳбарияти Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва депозитарий ўз фаолиятида Республика давлат мулки қўмитасига ва Республика молия вазирлигига бўйсунади.

Марказий депозитарийнинг депонентлари бўлиб давлат ташкілоти – Давлат мулки қўмитаси, холдинглар, корпорациялар, ассоциациялар, хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва бошқа қимматли қоғозлар бозорининг мутахассис қатнашчилари ҳисобланади.

2006 йил июль ойи даврида Марказий депозитарий устав фондларида давлатнинг активлари мавжуд 1005 акциядор жамиятлар қимматли қоғозлар эмиссиялари ҳисобини олиб бормокда, 35 та иккінчи даражадаги тијорат депозитарийлар билан шартномалар тузган ва 4 та хусусийлаштириш- инвестиция, битта инвестицион фондларга хизмат кўрсатмоқда.

Бозор иктисолиётининг зарурый элементи бўлиб хусусийлаштириш – инвестиция фондлари ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти шарт – шароитларидан бири бу акциялар чиқариш ва уларни сотиш. Бу жараённинг самарали ташкил қилинмаганли сабабли корхона, ташкілот ва республика аҳолиси хусусийлаштирилған корхоналар томонидан чиқарилған акцияларнинг фойдали эканлигини тушунишмаяпти.

Хусусийлаштирилған корхоналар томонидан чиқарилған акцияларни республика аҳолиси маблағларини жалб қилиш йўли билан сотишни жадаллаштириш мақсадида 1995 йилдан бошлаб хусусийлаштириш инвестиция фондлари ташкил қилина бошлади.

Хусусийлаштириш – инвестиция фондларининг фаолияти куйидаги принципларга асосланган:

– республика аҳолисини кенг микёсда корхоналарни хусусийлаштириш жараёнига жалб қилиш;

- хусусийлаштириш – инвестиция фондлари ўзларининг акцияларини сотиш йўли билан керакли маблағларни йигади;
- хусусийлаштириш – инвестиция фондлари давлат томонидан кўллаб-кувватланади, давлат уларга етти йиллик муддатга кредитлар беради ва тўрт йил давомида фондлар олинган кредитлар учун фоиз тўламайдилар;
- республика Давлат мулки қўмитаси, Жаҳон банки экспертилари иштирокида республикада хусусийлаштирилган корхоналардан 300 та энг яхши фаолиятли корхоналарни ажратиб олиб, улар чиқарган акциялардан хусусийлаштириш – инвестиция фондлари сотиб олишади;
- бу номинал қийматида сотиб олинган акциялар келгусида дивиденд келтириши лозим;
- сотиб олинаётган акциялар қийматининг 1/6 ни хусусийлаштириш – инвестиция фондлари тўлайдилар, бошқа қисмини Давлат мулки қўмитаси тўлайди. Демак хусусийлаштириш – инвестиция фонди ўзиш акцияларини, масалан, бир миллионга сотиб, олти миллионли хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олиши мумкин;
- фонд акциялари эркин равишда фонд биржаси ёки биржадан ташқари бозорда – магазинларда сотилиши мумкин;
- фонд томонидан чиқарилган акциялар акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида миллӣ депозитарийнинг реестрига киритилади;
- фонд томонидан чиқарилган акциялар хусусийлаштирилган корхоналарни акция сифатидаги активлар билан таъминланади;
- республика фуқаролари сотиб олинган фонд акцияларини фонд магазинлар, брокерлик идоралар орқали сотишлари мумкин;
- хусусийлаштириш – инвестиция фондлари бир қанча хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиб олар экан, самарасиз ишлаётган корхоналар заарлари яхши фаолият кечираётган корхоналар даромадлари билан қопланиб, акциялар эгалари даромад – дивиденд олиш билан кафолатланади;
- хусусийлаштириш – инвестиция фонди камида 200 минимал иш ҳақи ҳажмидаги активга эга бўлиб, қимматли қофозлар бозорида фаолият олиб бориш ҳукуқига эга бўлиш учун тегишли лицензия олишлари лозим;
- фондлар ўз фаолиятини бошқарувчи компаниялар орқали амалга оширади. Бошқарувчи компаниялар юридик шахс мақомига

эга бўлиб, улар фондлар номидан ишончли пул муомалатини олиб боради;

– фонд раҳбарияти бошқарувчи компанияга фонднинг инвестицион фаолиятига бошқарувлик қилишин ва тегишли қимматли қоғозлар пакетини шакллантиришни топширади;

– бошқарувчи компания фонднинг қимматли қоғозлар портфелига бошқарувлик қилиб, фонд инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар махфийлигини саклаб, дивидендларнинг тўлиқлигини таъминлайди;

– хусусийлаштириш – инвестиция фондларининг чиқарган акциялари факат номинал нархда сотилади, лекин қимматли қоғозлар бозорида бу акцияларнинг нархи номинал нархдан юкори бўлиши мумкин;

– хусусийлаштириш фондлари хусусийлаштириш – инвестиция ва инвестиция фондлари шаклида бўлиши мумкин. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, хусусийлаштириш – инвестиция фондлари ёпиқ шаклдаги акциядорлар жамиятлари шаклида бўлиб, улар фонд акциядорларининг акцияларини кайта сотиб олиш ҳукукига эга эмас, инвестиция фондлари эса очиқ акциядорлар жамиятлари шаклида бўлиб, улар фонд акциядорларининг акцияларини қайта сотиб олиши мумкин.

Республикада давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш, унинг самарадорлигини – кўтаришда, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришда хусусийлаштириш – инвестиция фондлари алоҳида аҳамиятга эга.

Лекин бозор муносабатлари талабларини хар томонлама эътиборга олиш ва фаолият кечираётган бозор иқтисодиёти инфраструктузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида республика тадбиркорлар ташкилотлари, кичик ва хусусий корхоналар, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Мулки қўмитаси ва товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасининг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатасини ўзгарттириш ва Ўзбекистон савдо-саноат Палатасини ташкил этиш тўғрисидаги тавсияларини эътиборга олиб, 2004 йил 7 июлда УП – 3454-сонли «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

Бу Фармонга биноан «Ўзбекистон савдо-саноат палатаси» олдига қуйидаги фазифалар кўйилди:

– республикада тадбиркорликни, айниқса кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни жадаллаштириш, ҳақиқий мулчилар

синфини шакллантириш ва хусусий сектор ролини мамлакат иқтисодий ҳаётида кўтариш:

- республика тадбиркорларига хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни боғлашда ёрдам кўрсатиш, мамлакат тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни чет эл бозорларига чиқариш, республикага хорижий мамлакатларининг тўғри инвестицияларини жалб қилиш;
- хорижий мамлакатларнинг савдо-саноат палаталари, жамоа уюшмалари билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш, ҳалқаро бизнесфорумлар, савдо-саноат кўргазмаларини республикада ва хорижда ташкил қилиш;
- тадбиркорларнинг хуқуқ ва манфаатларини умуман ҳимоя қилиш, шу жумладан уларни рўйхатдан ўтказиш, маҳсулотларини сертификатлаш, лицензиялар бериш, суд органларида кўриш бўйича давлат ва хўжалик бошқармаларининг нотўғри интилишларидан ҳимоя қилиш;
- тадбиркорлик учун кадрлаш тайёрлашда давлат томонидан кўллаб-куватлаш ва кадрларни қайтадан тайёрлаш ва малакасини оширишда ёрдам кўрсатиш.

Фармонга биноан савдо-саноат палатаси нотижорат ташкилот бўлиб, улар ўз хоҳиши билан кираётган тадбиркорларни умумлаштиради.

2004 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил қилишни таъминлаш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори ва 2004 йил 3 декабрда «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида» Ўзбекистон Республика Конуни қабул қилинди.

Бу қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни амалга ошириш бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантиришда, такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Суѓурта тизими бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг асосий элементларидан бири бўлиб ҳисобланади.

1993 йили 6 майда «Суѓурталаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. Бу қонунга биноан республикада бозор муносабатлари талабларига мосланган суѓурта тизими шаклана бошлади ва ҳозирги пайтда республикада 30 дан ортиқ суѓурта компаниилари, жумладан, «Мадад», «Ўзагросуѓурта», «Ўзбекинвест суѓурта» ва б. компаниялар фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта тизимишинг шаклланишини, йўналтирилганлигини, моҳиятини, бажараётган вазифаларининг мураккаблигини, кўн қирралигини ва унинг бозор муносабатларининг шаклланишидаги ролини ифодалаш ва тушуниш учун «Мадад» суғурта компанияси тўғрисида тўхтalamиз.

1995 йили «Мадад» Агентлиги фаолиятини ташкил қилиш масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карори қабул қилинди.

Суғурта компаниялари банкдан ташқари молиявий-кредит муасасилари бўлиб, уларнинг фаолияти Республика Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги суғурта бўйича Давлат инспекцияси томонидан тартибга солинади.

«Мадад» суғурталаш компаниясининг суғурталаш портфели таркибининг 39 фоизи мол-мulkни гаров қилиш, 32 фоизи корхона ва ташкилотларни кредитлаш, 18 фоизи мол-мulkни суғурталаш, 10 фоизи ҳар-хил ноxуш ҳодисаларини суғурталаш ва бир фоизи бошқа суғурталардан ташкил этилиши тасдиқланди.

«Мадад» суғурта компаниясини ташкил қилишда таъсисчилар сифатида Ўзбекистон миллий банки, Ўзбекистон қурилиш банки, Ўзбекистон тадбиркорбанк, «Пахта» банки, Савдогарбанки, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари Ассоциацияси қатнашдилар.

«Мадад» суғурта компанияси олдига қабул қилинган қонун ва қарорга биноан куйидаги вазифалар кўйилган:

- гаровга олинган мол-мulkларни суғурталаш;
- лизинг обьекти бўлган мол-мulkларни суғурталаш;
- мол-мulk, юкларни фалокат, оғатлардан суғурталаш;
- аудиторлар ва иш берувчилар жавобгарлигини суғурталаш;
- акциядор жамиятларни инвесторлар маблағларини саклаш бўйича жавобгарлигини суғурталаш;
- қиммати қоғозлар билан тасдиқланган гаров ва мол-мulkка бўлган хуқукни суғурталаш;
- олинган кредитларни қайтартиб беришни таъминлаш учун кўйилган қимматли қоғозларни суғурталаш;
- олинган кредитларни қайтартиб беришни таъминлаш учун кўйилган қора молларни суғурталаш;
- олинган кредитлардан гаров билан таъминланмаган кредитларни суғурталаш;

- мол-мулкни, транспорт воситаларини, хусусийлаштириш – инвестиция фондлар жавобгарлигини сұғарталаш;
- тадбиркорлар жавобгарлигини химоя килишини сұғарталаш;
- кичик ва ўрта бизнесни инвестиция лойиҳаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш;
- хорижий инвесторларнинг манбаатлари химоясини таъминлашни сұғарталаш;
- ўзининг молиявий мустаҳкамтиги ва сұғурта портфелини оптималь таркибини таъминлаш;
- хусусий тадбиркорлар ғана ўрта бизнес манбаатларини химоя килиш;
- хусусий тадбиркорлар ғана кичик бизнес фаолиятини таұлап килиб бориш.

«Мадад» сұғурта компанияси фаолиятини таъминлаш учун тегишли шарт-шароитлар барпо этилди. Улар қуйидагилардан иборат:

- компаниянинг бирлашган сұғурта фондини шактлантириш учун компанияга Республика Вазирлар Маңқамаси томонидан фоизсиз ссудалар ажратылды;
- компания З йил мобайнида ҳамма солиқ ва түловлардан озод килинди ғана бу тежалған маблағлар сұғурта фондини түлдириш учун фойдаланилди;
- сұғуртанинг мукофот тарифлари 3-5 фоиз даражасида тасдикланды;
- сұғурта полиси берілген кредитнинг бутун келишилған мухлатига ажратылады;
- бундан кейинги мухлататга сұғурта түловлари асосий кредитнинг ҳақиқий қолдигини эътиборга олиб аникланады;
- сұғурта мукофотларини тұлаш мухлатини узайтириш;
- мижозлар таклифларини, ҳолатини экспертизадан ўтказиш.

Республикада шактланған сұғурта тизими бозор мұносабаттарини ривожлантиришда тегишли хисса күшаётган бўлсада, у ҳали бозор мұносабатларининг талабларига тўлик жавоб бермайди. Бу борада ҳам ечилимаган муаммолар кам эмас. Улардан асосийлари қуйидагилар:

- сұғурта тизимиға нисбатан мижозлар ишончини янада күтариш;
- сұғурта компанияларининг ривожланишини янада рағблантириш;

- давлат томонидан сугурта тизими фаолиятини кўллаб-кувватлашни кучайтириш;
- сугурта компаниялари фаолиятидаги тижорат операцияларини йўқ қилиш ва уларнинг асосий функцияларини кучайтириш;
- сугурта захира фондини ташкил этиш;
- сугурта компаниялар ишида инвестицион фаолиятни кучайтириш;
- сугурта брокерлари фаолиятини яхшилаш;
- кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, кайта тайёрлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бу ва бошқа муаммоларнинг ечилиши сугурта тизимининг бозор иқтисодиётининг ривожланнишига ижобий таъсирини кучайтиради.

Республикада шакллантирилган бозор иқтисодиётининг инфратузилмаси таркибида юқорида қайд этилганлардан ташкари яна 500 та аудиторлик компаниялар, 500 та брокерлик идоралар, холдинг компаниялар, савдо уйлари мавжуд. Улар ҳам республикада бозор муносабатларини ривожлантиришда катта рол ўйнамоқдалар.

Шундай қилиб, республикада бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг асосий элементлари барпо этилди ва улар республикада бозор иқтисодиётини ривожлантиришда фаол катнашмоқдалар. Лекин республикада шакллантирилган бозор иқтисодиёти инфратузилмаси ҳали бозор муносабатларининг талабларига мосланган эмас. Шу муносабат билан И.А. Каримов таъкидлайдиларки: «Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланнишига хизмат килувчи инфратузилма етарли даражада ишламаяпти....

Инфратузилма йўналишларининг қайси тармогини олманг – у сугурта соҳасими, лизинг соҳасими, аудит соҳасими – барчасида аҳвол кониқарли эмас».<sup>1</sup>

Демак, келгусида республикада бозор иқтисодиёти инфратузилмасини янада ривожлантириш, такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини кўтариш республика социал – иқтисодий таракқиёти суръатларини ошириш шарт-шароитларидан биридир.

### **3.7. Макроиктисодиёт таркибини такомиллаштириш**

Мальумки, макроиктисодиётнинг таркиби унинг ривожланниш суръатларини, самарадорлик даражасини аниқловчи асосий омиллардан биридир. Шу сабабли ҳамма давлатлар таракқиётида иқти-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 8-жилд, Тошкент, 2000., 397-398 бетлар.

содиёт таркибини доимо такомиллаштиришга катта эътибор берилган ва берилмоқда.

Лекин иқтисодиёт таркибини самарали ташкил килиш учун давлатлар иқтисодий ва спёсий мустақилликка эга бўлишлари лозим. Акс холда иқтисодиётни ривожлантиришда шу давлатнинг бевосита манфаатлари эмас, бошқа давлатларнинг манфаатлари эътиборга олиниб, улар амалга оширилади. Худди шундай вазият Ўзбекистоннинг Иттифок давридаги социал-иктисодий ривожланишига тааллуқли эди.

Иттифок даврида Ўзбекистон ССР ягона ҳалқ хўжалиги мажмуасининг бир қисми бўлиб, иттифок республикалараро ижтимоий меҳнат тақсимотига биноан республика мамлакатнинг ҳом ашё базасига айлантирилиб, унинг социал-иктисодий ривожланишида асосан иттифокнинг, марказнинг манфаатлари эътиборга олиниб, амалга оширилган эди. Бу вазиятнинг мазмунини, йўналтирилганлигини аниклаб И.А. Каримов шундай деган эдилар: «Бизга издан чиқсан, ҳом ашё етиштиришга қаратилган, чуқур номутаносибликларга, ҳамда асосан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш базасига эга бўлган, ортиқча марказлаштирилган иқтисодиёт накадар оғир ахволда мерос қолганлигини ҳаммамиз биламиз. Шу сабабли ишгариги чаткашликлардан узил – кесил ҳалос бўлиш, чинакам мустақиллик ва иқтисодий эркинликларга эга бўлиш учун биз таркибий тузилишларни ўзгартириб, уларни кайта қуришимиз шарт»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий, сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш максадида ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўналишларидан бири сифатида иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш вазифаси кабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Таркибий тузилишда чуқур ўзгаришларни амалга ошириш макроиктисодий барқарорликка эришишнинг, истиқболда Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг, жаҳон иқтисодий тизимига кўшилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

И.А. Каримов асарларида, нуткларида иқтисодиётг таркиби нималиги, республика иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгаришнинг объектив зарурлиги ва унинг амалга оширишдаги асосий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлантариш йўлида. Тошкент, 1995, 228 бет.

йўналишлари ҳар томонлама кўрсатиб берилди ва уларга асосланиб мустақиллик даврида республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалга оширилмоқда.

Иқтисодиёт таркиби кўп киррали мураккаб жараён бўлиб, республикада уни тубдан ўзгартириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- республика иқтисодиёти таркибини бозор муносабатларининг талабларига биноан шакллантириш, яъни иқтисодиётда ҳар хил шаклдаги мулкларни барпо этиш ва кўп укладли бозор иқтисодиётини қуриш;
- республика иқтисодиётини ҳом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигини бартараф этиб, асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаш;
- бевосита ишлаб чиқариш тармоқлари билан уларнинг ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмалари ўргасидаги нисбатни такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш тармоқлараро нисбатини такомиллаштириш;
- ҳалқ хўжалигининг тақрор ишлаб чиқариш структурасини тубдан ўзгартириш.

Республика иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш жараёни қўйидаги аниқ талабларга жавоб бериши керак эди:

- таркибий ўзгаришлар оқибат-натижада ишлаб чиқариш манфаатларини, аҳоли манфаатларини эътиборга олиши керак;
- илгариги иқтисодий тизимдан мерос қолган – яхши ривожланмаган, қолоқ инфратузилмага эга бўлган минтақаларнинг социал-иқтисодий ривожланиш даражасини кўтариш;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини ўзгартириш билан бирга улар сифатини, рақобатбардошлигини кўтариш;
- республикада ишлаб чиқарилаётган ҳом ашё ресурсларини асосан республика худудида кайтадан ишлаб чиқаришни ташкил этиб, ҳом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётни тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётга айлантириш;
- республикада мавжуд табиий бойликлардан, ишлаб чиқариш салоҳиятидан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш;
- республиканинг ҳом ашё ва аниқ маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини иложи борича республикада ишлаб чиқарилган ҳом ашё ва маҳсулотлар билан қондириш ва республикада ишлаб чиқариш

имкониятларни бўлмаган ва ҳаддан ташқари қимматга тушадиган хом ашё ва маҳсулотларни хорижий мамлакатлардан импорт қилиш;

– республиканинг экспорт салоҳиятини кўтариш, экспорт, импортни ривожлантириш суръатларини ошириш, республика экспортини импорт устидан устуворлигини таъминлаб, экспорт-импорт сальдосининг ижобийлигига эришиш.

Республикада иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш максадида унинг юқорида кўрсатилган йўналишларини, улар олдига қўйилган талабларни эътиборга олиб иқтисодий таркибий ўзгартириш дастури, чора-тадбири ишлаб чиқилди ва улар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик даврида амалга оширилган чора-тадбирлаф натижасида республикада бозор муносабатлари талабларига биноан ҳар хил шаклларга асосланган корхона, ташкилотлар барпо этилиб ривожлантирилмоқда.

### 3.7. I-жадвал.

#### **Республика корхона ва ташкилотларининг мулк шакллари бўйича тақсимоти (1 январ ҳолатига, минг бирлик).**

	2000й	2001й	2002й	2003й	2004й	2005й	2006й	2007й	2008й	2009й
<b>Жами</b>	178,3	203,3	223,1	260,5	283,9	315,9	347,4	423,3	468,8	503,4
<i>Инг жумладан:</i>										
Давлат муасси	18,6	25,0	26,2	26,1	26,0	25,3	24,2	24,0	32,7	36,9
Подавлат муасси	159,7	178,3	196,9	234,4	257,9	290,6	323,2	399,3	436,1	466,5
<i>Улардан:</i>										
Фуқаролар хусусий муасси	75,5	77,1	78,5	84,8	92,4	94,6	91,5	95,2	98,5	104,5
Ширкатлар	1,2	0,8	0,6	2,0	2,7	1,6	1,3	0,8	0,5	0,4
Хўжалик бизнесималари	0,7	0,9	0,7	1,0	1,4	1,6	1,8	1,7	1,6	1,6
Кўйма корхоналар	3,1	2,9	2,9	3,0	3,2	3,4	3,6	3,8	4,1	4,5
Бошқа подавлат мулк шакллари	79,2	96,6	114,2	143,6	158,2	189,4	225,0	297,8	331,4	327,4

#### **Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:**

Биринчидан, республика мустақиллиги даврида корхона ва ташкилотлар сони йилда-йилга ошиб борди. Бу жараён айникса, республика иқтисодиёти баркарор бўлғандан кейинги даврга таалукли. Корхона ва ташкилотлар сони 2000-2009 йилларда 2,8 марта кўпайган.

Иккинчидан, бозор муносабатлари талабларига биноан давлат мулки шаклидаги корхоналар, ташкилотлар чегараланиб, нодавлат

мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар юкори суръатларда кўпайган. Масалан, 2000-2008 йилларда нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлари 2,9 марта кўпайган, кўшма корхоналар ташкил этилган.

Демак, иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш натижасида республикада ҳар хил мулк шаклига асосланган корхона ва ташкилотлар барпо этилмоқда, яъни кўп укладли бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда. Республика иқтисодиётида мулкий ўзгаришлар билан бир қаторда, корхона ва ташкилотларнинг ташкил этилиши, хўжалик юритилиши бўйича ҳам тегишли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

### 3.7.2-жадвал.

#### **Республика корхона ва ташкилотлари турлари (1 январга, минг бирлик)**

	2000й	2001й	2002й	2003й	2004й	2005й	2006й	2007й	2008й	2009й
<b>Жами</b>	178,3	203,3	223,1	260,5	283,9	315,9	347,4	423,3	468,8	503,4
<b>Шу жумладан</b>										
Йирик	18,6	20,3	21,2	21,0	20,1	38,5	38,7	39,2	46,5	50,5
Ўрта	8,9	7,3	7,5	7,6	7,9	-	-	-	-	-
Кичик	23,2	24,6	24,8	27,7	29,2	18,1	18,4	21,4	26,5	34,5
Микро-фирмалар	127,6	151,1	169,6	204,2	226,7	259,3	290,3	362,8	395,8	418,4

Кўриниб турибдики, мустақиллик даврда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш натижасида корхона ва ташкилотларнинг турлари ҳам ўзгариб борди. Республика раҳбариятининг микрофирмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор йўналтирилганлиги натижасида уларнинг сони 3,0 марта кўпайди. Бу вазият Республика иқтисодиётида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг роли ошаётганлигини тасдиқлайди.

Республика таркибий сиёсатини амалга ошириш натижасида етиштирилган ҳом ашёларни республиканинг ўзида қайта ишлаб, уларни яримфабрикатларга, тайёр маҳсулотларга айлантириш ривожланмоқда. Агарда Совет даврининг охирги йилларида республикада етиштирилган пахта толасининг фақат 8 фоизи республикада қайта ишланган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 30 фоизга яқинлашди. Таркибий сиёсатнинг амалга оширилиши ўз ифодасини республика экспорти структурасини такомиллаштиришда ҳам топди. Агарда 1990 йили республика экспорти тар-

кибида тайёр маҳсулот 2,0 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирга келиб республика экспортининг 50 фоизини тайёр маҳсулот ташкил этмоқда.

Таркибий сиёсатни амалга оширишда республика иқтисодиётининг инфратузилма тармоқларини ривожлантиришга ҳам тегишли эътибор берилмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

### *3.7.3-жадвал.*

#### **Республика ялни ички маҳсулот таркиби, фонз**

	1991й	1995й	1997й	1999й	2001й	2003й	2005й	2006й	2007й	2008й	2009й
<b>Жами</b>	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<b>Ду жумладан:</b>											
1. Беесига маҳсулотни чиқариш (саноат, кашлоқ, хўжанди, куриниш)	71	52,1	51,1	50,3	50,2	49,0	50,6	51,3	50,1	47,3	46,1
2. Хизмат курсанчи	27	34,4	36,3	36,3	38,0	37,3	38,4	39,3	42,7	45,3	47,2
<b>Ду жумладан:</b>											
Ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари (транспорт, савдо ва зуқо)	12,0	17,0	17,8	18,2	20,3	20,3	20,6	20,0	20,7	21,9	21,9
Социал инфратузилма соҳалари (маориф, солидарият саклаш, коммунал хўжанди ва доказо)	10,0	17,4	18,5	18,1	17,7	17,0	17,8	22,0	19,1	21,5	26,2
3. Маҳсулот зарға соғ соликчар	5	13,2	12,1	13,4	11,8	13,7	11,0	9,4	10,1	9,3	6,7

Маълумки, бозор муносабатлари шаклланган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш тармоқлари яъни ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари ва социал инфратузилмаси соҳалари ташкил этади. Меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолининг 65-70 фоизи бу тармоқларда банд бўлиб, улар ялпи ички маҳсулотнинг 60-65 фоизини барпо этишади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бу муаммо Ўзбекистонда ҳали ечишгани йўқ, лекин бу муаммони ечишга йўналтирилган ишлаб чиқариш тараққиёти сезилмоқда.

1991-2008 йилларда иқтисодиётда бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш 73,0 фоиздан 46,1 фоизгача қисқартирилди, умуман хизмат кўрсатиш тармоқларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоги 27,7 фоиздан 47,2 фоизгача кўтарили. Шу жумладан ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари 12,0 фоиздан 21,0 фоизга кўтарили, социал инфратузилма соҳалари салмоги 10,0 фоиздан 26,2 фоизгача кўтарили.

Бу таркибий ўзгаришлар республикада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар сиёсатининг натижасидир.

Республикада таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш натижасида кўп укладли бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда.

Таркибий ўзгариш сиёсатини амалга оширишда инвестициялар орқали иқтисодиёт асосий капиталини такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга.

Шундай килиб, республика мустақиллиги даврида иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилди, бунинг учун республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳар томонлама асосланган таркибий сиёсат ишлаб чиқиб, амалга оширилди.

Бу даврда бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари давлат ва давлатдан ташқари социал-иктисодий секторлари ўртасидаги мутаносибликлар, республика экспорти ва импорти таркибини такомиллаштириш билан бирга яна қўйидаги таркибий ўзгартиришлар бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди:

- республика реал иқтисодиётида, айникса саноат соҳасида устувор тармоқларни юқори суръатлар билан ривожлантириш;

- республика халқ хўжалиги эҳтиёжларини, аҳоли эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган хом ашё ишлаб чиқариш билан бирга уларни қайта ишлаш соҳаларини юқори суръатларда ривожлантириб, республиканинг иқтисодиётини хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигини камайтириб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлигини кучайтириш;

- республика табиий ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида республикага импорт қилинадиган маҳсулотларни республикани ўзида ишлаб чиқаришни кучайтириш;

- республика экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини кўтариш ва бу маҳсулотлар ракобатдошлигини кўтариш;

– республика минтақаларини, вилоятларни ҳар хил социал-иктисодий даражада эканлигини эътиборга олиб, республикада регионал иктисодий сиёсатни амалга ошириш, яхши социал-иктисодий ривожланмаган мінтақалар иктисодиётини юкори суръатлар билан ривожлантириш;

– республика иктисодиётіда кичик бизнес ва тадбиркорликни юкори суръатлар билан ривожлантириб, бу соғаны республика иктисодиётининг асосий секторига айлантириш;

– республика иктисодиётіда фойдаланилаётган асосий ишлаб чыкарыш фондларини ҳаддан ташқари жисмоний ва маънавий эскирганлигини эътиборга олиб республикада тегишли инвестицион сиёсатни амалга ошириш ва бунинг учун янги корхоналарни барпо этиш билан бирга фаолият кечираётган корхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– республика реал секторининг алоқида тармоқлари таркибини такомиллаштириш: саноатда қазиб олувчи, қайта ишловчи тармоқлар, оғир ва енгил саноат нисбати, қишлоқ хўжалигидаги деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари ўртасидаги нисбат ва хоказо.

Кўриниб турибдики, иктисодий ислоҳотларни амалга оширишда республикада кўп қиррали таркибий сиёсат амалга оширилмоқда ва бу борада ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Лекин республика иктисодиёті олдига қўйилган таркибий сиёсат ҳали тўлиқ амалга оширилгани йўқ. Шу сабабли И.А. Каримов тъқидлайдиларки:

«...биз учун иктисодиётда аниқ мақсадларни кўзлаб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш стратегик аҳамиятга эга. Бу борада биз аниқ-равшан таркибий сиёсатни олиб боришимиш керак. Ушбу сиёсат аввало, мамлакатимизнинг иктисодий қудратини янада мустаҳкамлаш, бой табиий, хом ашё ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор»<sup>1</sup>

Демак, келгусида иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида хам республика таркибий сиёсати уларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади ва у амалга оширилади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 12-жилд. Тошкент. 2004. 198 бет.

### **3.8. Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш**

Иттифок даврида ҳам Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда бўлган. Республика маҳсулотлари 100 дан ортиқ мамлакатларга сотилган. Республика бошқа мамлакатлардан ўз эҳтиёжларини кондириш максадида ҳар хил маҳсулотларни сотиб олган.

Лекин республика мустақил ташки иқтисодий алоқалар сиёсатига эга бўлмаган. Республиканинг ташки иқтисодий алоқалари бевосита унинг эмас, умуман мамлакатнинг – СССРнинг манфаатларини қондиришга йўналтирилган эди.

Республикада бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий шарт-шароитларидан бири бўлиб ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, республикага хорижий инвестицияларни жалб килиш чора-тадбирлари тўғрисида меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Демак, республика мустақилликка эришиши билан ташки иқтисодий алоқаларни ташкил этиш, ривожлантириш республика социал-иктисодий таракқиётининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Республика ташки иқтисодий алоқаларини тубдан ўзгартириб, уларни республика мустақиллик шароитларига, республика халқ хўялигини бозор муносабатларига ўтказишга мослаш керак эди. Бу муаммо республикада кун тартибига қўйилди ва керакли даражада ечилди, республиканинг ташки иқтисодий алоқалар сиёсати шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар сиёсати куйидаги принципларга асосланди:

- республика иқтисодиётини ташки иқтисодий алоқалардан беркитилганлигини бартараф этиш;
- республика иқтисодиётининг очиклик негизи фундаментини шакллантириш;
- ташки иқтисодий алоқаларни бошқаришда бевосита республика бошқарув тизимини шакллантириш;
- республика ташки иқтисодий алоқалар фаолиятини эркинлаштириш;
- республиканинг мустақил равишда жаҳон ҳамкорлигига кириб боришини таъминлаш;
- республика ташки иқтисодий сиёсатини тенг ҳукуклида, ўзаро фойда кўришга асослаш;

- бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни икки томонлама, кўп томонлама иқтисодий шартномаларга асослаб амалга ошириш;
- республиканинг халқаро ижтимоий меҳнат тақсимотида қатнашишини таъминлаш;
- республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини республикада социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга мослаш;
- республиканинг ҳамма халқаро молия-иқтисодий ташкилотларига аъзо бўлишини таъминлаш;
- республика экспорти, импортини ривожлантириш суръатларини кўтариш, уларнинг таркибини такомиллаштириш;
- республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда хорижий мамлакатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кредит ва сармояларидан кенг фойдаланиш.

Юқорида таъкидланган принципларга асосланиб республика ташқи иқтисодий алоқалар сиёсатини ташкил этиш, ривожлантириш максадида республикада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди, амалга оширилмоқда.

Авваламбор, республика ташқи иқтисодий сиёсатининг ҳуқуқий базаси барпо этилди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилиш тўғрисида ва республика ташқи иқтисодий фаолияти асосий принциплари, республика билан хорижий мамлакатлар ўртасида тузиладиган шартномалар, республикада очик иқтисодий зоналарни ташкил қилиш, хорижий инвестициялар, хорижий инвесторлар фаолиятини кафолатлаш ва бошқа муаммоларга бағишлиланган қонунлар қабул қилинди.

Республика ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги қонунда республика ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий принциплари, инвестицияларни, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқларини, манфаатларини ва мол-мулкларини химоя қилиш тартиби ва республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёт тизимиға кириб бориш асослари аникланган.

Қонунда ташқи иқтисодий фаолият объектлари, субъектлари аникланган, ташқи иқтисодий фаолият субъектларини давлат органлари орқали рўйхатдан ўtkазиш тартиби кўrsatilgan ва республика ташқи иқтисодий фаолиятини республикадан ташқари ва республикада хорижий инвесторлар билан биргаликда амалга ошириш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари қонунда ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизими аникланган, ташқи иқтисодий фаолият олиб борувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва улар томонидан валюта бўйича ўзини ўзи оқлаш зарурлиги тасдиқланган.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли республикада хорижий инвестициялар тўғрисида қонун қабул қилинди.

Бу қонунга биноан республикада хорижий инвестиция фаолиятни ташкил қилиш, олиб бориш, қонуний, иқтисодий, ташкилий асослари аникланди.

Қонунда хорижий инвесторлар турлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва шу билан бирга улар фаолиятини давлат томонидан кафолатлаш тартиби аникланди.

Бу қонунларни амалга ошириш йўналишларини аниклаш мақсадида ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш. ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, республикага хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт, импорт операцияларини ривожлантириш, хорижий инвестициялар иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарни ривожлантириш ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қабул қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 1992 йил 24 июнда «Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни химоялаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони алоҳида аҳамиятга эга.

Бу Фармонда товарларни импорт қилишга солинадиган соликлар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари, давлат божхона тизими, импорт қилинган товарларни сотиш, хорижий валюталар курсини аниклаш, экспорт ва импорт қилинаётган товарларни лицензия қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, уни технологик модернизация қилишга, социал дастурларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар бўйича хорижий инвесторларга соликлар бўйича имтиёзлар тасдиқланди.

Фармонга биноан республика иқтисодиётидаги энг устувор ишлаб чиқариш тармоқларини юқори суръатларда ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика ташки иқтисодий алоқаларини ташкил қилиш, ривожлантириш механизмларини шакллантириш мақсадида республика экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, кичик ва ўрта бизнесга хорижий кредитларни бериш, импорт, божхона пошлина ставкаларини такомиллаштириш, экспорт-импорт операцияларида бартер тизимидан фойдаланиш, хорижий инвесторлар фаолиятини давлат томонидан кафолатлаш, ҳалқаро иқтисодий шартномаларни тузиш, очик иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва бошқа масалалар бўйича тегишли Қарорларни қабул қилди.

Кўриниб турибдики, республика ташки иқтисодий фаолияти, сиёсатини ташкил этиш, шакллантириш ва ривожлантириш бора-сида тегишли ҳуқуқий база ҳар томонлама барпо этилди.

Қабул қилинган Конун, Фармон, Қарорларга биноан республика ташки иқтисодий алоқаларини ташкил этиш, ривожлантириш учун тегишли бошқарув органлар, инфратузилма муассасалари ташкил этилди, республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун керакли чора-тадбирлар амалга оширилди, қўшма корхоналар ташкил этилди.

Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга мосланган корхоналарга кенг миқёсда имтиёзлар аниқланди. Бу имтиёзлар куйидагилардан иборат:

- республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни беш йил мобайнида солиқлар тўлашдан озод қилиш;
- қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, модернизация қилишга йўналтирилган даромадларининг бир қисмини солиқка тортишдан озод қилиш;
- қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳеч қандай қаришликсиз, лицензиясиз экспорт қилишга руҳсат бериш;
- мулк шактидан қатъий назар, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таркибида экспорт қилинган маҳсулот улуши 30 фоиздан кам бўлмаса, бу корхоналар фойдасидан олинадиган солик икки маротаба камайтирилади;
- қўшма корхоналарнинг устав фондини кенгайтириш учун импорт қилинган мол-мулкдан божхона пошлинаси олинмайди;
- хорижий мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахсларни республика давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида эркин қатнашишини таъминлаш;

- кўшма корхоналар томонидан импорт қилинган товарларни божхона пошлинасидан озод қилиш ва бу корхоналарнинг ўзида ишлаб чиқарилиб экспорт қилинаётган товарларга пасайтирилган божхона пошлинасини аниқлаш;
- кўшма корхоналарни ташкил этиш жараёнини, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини оддийлаштириш;
- кўшма корхоналар фаолиятига нисбатан уларни ташкил қилиш пайтида қабул қилинган қарорлар 10 йил мобайнида ўз кучини саклади;
- хорижий инвесторларга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга зарур ер участкаларни узоқ муддатга олиб, улардан фойдаланиш хуқуки берилади.

1997 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт -импорт сугурта миллӣ компанийси «Ўзбекинвест»ни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Бу Фармонга биноан «Ўзбекинвест» миллӣ сугурта компанияси олдига қўйидаги вазифалар кўйилди:

- капитал, технология, товарлар ва хизматларни чет элга чиқарувчи миллӣ экспортерларни халқаро бозорларда сиёсий, тижорат ва тадбиркорлик рискларидан сугурта ҳимоясини таъминлаш;
- тижорат банклари томонидан технология, товарлар ва хизматлар экспортини молиялаштириш мақсадида ажратилган экспорт кредитларни қоплаш учун сугурта кафолати бериш;
- республика маҳсулотларини халқаро технология товарлар ва мақсадлар бозорига йўналтириш учун комплекс маркетинг таҳлилини ташкил қилиш ва унинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
- республика халқ хўжалиги устувор тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларни комплекс равишда сугурталаш.

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалари, ташки иқтисодий сиёsatнинг шаклланиши, ривожланиши қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий, молиявий ташкилотларга аъзо бўлиб кириши ва халқаро ҳамкорлик лойиҳаларида иштирок этиши.
2. Республика экспорт ва импорт операцияларини ривожлантириш.
3. Республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва кўшма корхоналарни ривожлантириш.
4. Республика меҳнат ресурсларини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш.

Ўзбекистон Республикаси 20 тадан ортиқ ҳалқаро молия-иқтисодий – ижтимоий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди, улар билан кенг ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон тикланиш ва таракқиёт банки, Европа тикланиш ва таракқиёт банки, Осиё таракқиёт банки, Ҳалқаро молия корпорацияси, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти, Шимолий атлантика ҳамкорлик кенгаши, Пахта бўйича ҳалқаро консультатив қўмитаси, Интиллек-туал мулк ҳалқаро ташкилоти, Ҳалқаро парламентлар кенгаши, Ҳалқаро таракқиёт ассоциацияси.

Ўзбекистон Европарламенти, Европа Кенгаши, Патент коопе-рацияси ҳалқаро келишуви, Нархларни ҳалқаро регистрацияси Мадрид келишуви ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида актив қатнашмоқда.

Республика «Тинчлик учун ҳамкорлик», Ўзбекистон Республикаси билан НАТО ўртасидаги ҳамкорлик Дастурларига имзо кўйди.

Ўзбекистон Саноат мулкини ҳимоялаш Париж конвенцияси, Чўл зоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳалқаро дастури, Бирлашган Миллатлар ташкилоти ПРООН дастури, Европа кенгаши комиссияси ТАСИС дастури, Ҳалқаро таракқиёт бўйича АҚШ агентлиги, технология ҳамкорлиги бўйича Германия Марказига кирди ва уларда кенг фаолият олиб бормоқда.

Демак, Ўзбекистон Республикаси яқин орада – бундан ҳаммаси бўлиб 18 йил муқаддам мустақил давлатга айлантирилганлигига қарамасдан у жаҳон ҳамкорлик тизимиға, жаҳон бозор иқтисо-диётига кириб бормоқда, ҳар томонлама ҳалқаро алоқаларни амалга оширмоқда ва натижада Ўзбекистон жаҳонда юқори обрўга эга бўлган давлатлардан бирига айланмоқда, жаҳон жамияти буни тан олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини 165 тадан кўп хори-жий мамлакатлар тан олди. улардан 150 тасидан кўпи республика билан ҳамкорлик алоқаларни олиб бормоқда, 30 тадан кўп давлатлар Тошкентда элчихоналарни очдилар. 30 га яқин хориҷий давлатларда республиканинг дипломатия элчихоналари фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамкорлигига кириб бориши тўғрисида гап юритилар экан. бу борада республиканинг хусусиятини тилга олиш мақсадга мувофик.

Бу – Ўзбекистон халқаро алоқаларни ривожлантиришда ўзининг мустақиллигини камайтириш, ундан воз кечиш ҳисобига эмас, аксинча, ўзининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустақиллигини янада ривожлантириш, кучайтириш асосида амалга оширмоқда. Бу борада республика Президенти И.А. Каримов таъкидлайдики: «Биз бирон – бир давлатнинг таъсир доирасига кирмаймиз деган қоидага қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва бундан буён ҳам ўз миллий – давлат манфаатларимизга асосланиб, мафкуравий қарашлардан қатъий назар, дунёнинг барча мамлакатлари билан ўзаро муносабатларни мустақил белгилайверишга аҳд қилганмиз.»<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг жаҳонда юкори обрўйга эга бўлганлигини, Жаҳон ҳамкорлик тизимишга кириб борганлигини тасдиқловчи асослардан яна бири Ўзбекистон халқаро конференциялар, форумлар, семинарлар, учрашувлар ўтказиш марказига айланди. Республикада 40 дан ортиқ халқаро конференциялар, 50-дан ошик халқаро семинарлар, 10 дан ошик симпозиумлар ва бир қанча давлат раҳбарларининг учрашувлари ўтказилди. Улар республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий йўналиши бўлиб ташқи савдо обороти, экспорт ва импорт алоқаларини ривожлантириш ҳисобланади.

Мустақиллик даврида республика экспорти, импортининг ривожланиш суръатлари кўтарилди, экспорт ва импортнинг таркибий тузилиши тубдан ўзгартирилди.

Республика ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – бу республикага хорижий инвестициялар ва кредитларни, жалб қилишдан иборат. Бу муаммо ҳам республикада кенг миқёсда қўйилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Республикага жалб қилинган чет эл инвестицияларининг ҳажми ва уларнинг республика иқтисодиётида тутган ўрни куйидаги жадвал маълумотларидан кўринниб турибди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлантириш йўлида. Тошкент, 1995 й., 103-104 бетлар

**Хорижий мамлакатлар инвестиция ва кредитларининг Ўзбекистон Республикаси инвестиция фаолиятидаги ўрни (милрд. сўм)**

	Ўзбекистон Республикаси асосий капиталига киритилган умумий сармоялар	Шу жумладан: чет эл инвестициялари ва кредитлари	
		сумма	фоиз
1995	88,9	12,4	13,9
1996	176,7	28,4	16,1
1997	276,6	48,3	17,5
1998	396,4	78,2	19,7
1999	537,4	122,0	22,7
2000	744,5	171,2	23,0
2001	1320,9	305,1	23,1
2002	1526,6	369,6	24,2
2003	1978,1	479,5	24,2
2004	2629,0	659,9	25,1
2005	3165,2	687,0	27,0
2006	4041,0	748,3	18,5
2007	5903,5	1447,8	24,5
2008	8483,7	1772,1	20,9
2009	13660,6	4394,9	32,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1995-2009 йилларда республика иқтисодиётини ривожлантиришга жалб этилган сармояларнинг умумий ҳажми 153,6 марта, шу жумладан республикага жалб қилинган чет эл инвестиция ва кредитлар ҳажми 354,4 марта кўпайган. Шу билан бирга чет эл инвестициялари ва кредитларининг республика иқтисодиётини ривожлантириш учун сарф қилинган сармоялар таркибидағи салмоғи йилдан-йилга ошиб бориб, 2009 йили 32,2 фоизни ташкил этган. Яна шу нарсани таъкидлаш жоизки, хорижий мамлакатлар сармояларининг республика иқтисодиётига жалб қилинишини юкори суръатларда ўсиши республика иқтисодиётининг барқарор бўлгандан кейинги даврга тўғри келади.

Маълумки, республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлиб баркарорлашди, яъни республика ялпи ички маҳсулотининг камайиши тўхтатилди, унинг йилдан-йилга ўсиши таъминланди. Бу вазият хорижий инвесторларни Ўзбекистон Республикасига бўлган ишончини кучайтирди.

Хорижий мамлакатларнинг инвестиция ва кредитлари республикадаги устувор ишлаб чиқариш тармокларини ривожлантиришга, долзарб муаммоларни ечишга йўналтирилди.

3.8.2-жадвали.

### Ўзбекистон Республикасига жалб қиснинг чет ол инвестиция ва кредитларининг йўналтирилганлик кўрсаткичлари (фоиз)

	1995	1997	1999	2001	2003	2005	2006	2007	2008	2009
Чет ол сармоялари, ҳаммаси:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан тармокларга:										
Саноат	89,8	46,9	63,3	69,4	47,0	46,4	46,7	57,3	47,2	24,7
Кимлок хўжалиги	-	8,0	11,9	4,9	4,2	2,4	5,0	3,7	1,3	0,7
Транспорт	-	19,3	12,7	12,3	27,1	30,6	6,1	5,9	4,0	43,2
Алоқа	1,4	18,9	7,5	1,9	3,0	26,5	24,8	19,4	19,5	9,6
Бошқа тармоклар	8,8	6,9	4,6	11,5	17,8	11,9	17,4	13,7	28,0	21,8

Кўриниб турибдики, хорижий мамлакатлар сармояларининг йўналтирилганлиги йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Бу борада умумий қонуният шундан иборат бўляптики, республика саноатини ривожлантириш учун йўналтирилган сармояларнинг салмоғи 1995-2009 йилларда 89,8 фоиздан 24,7 фоизгача қисқарди ва бунинг хисобидан бошқа йўналишлар салмоқлари кўпайиб бормоқда.

Хорижий сармояларнинг йўналтирилганлиги тўғрисида гап борар экан шуни таъкидлаш керакки, сармояларнинг йўналишлари аниқланганда ҳам инвесторларнинг, ҳам республиканинг манфаатлари эътиборга олинади.

Маълумки, инвестицияларни амалга ошириш учун тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилади. Лойиҳалар амалга ошириш шакллари нуқтаи назаридан икки хил бўлиши мумкин:

Биринчидан, республика ҳукумати гарантияларига асосан амалга ошириладиган лойиҳалар.

Иккинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, яъни республика иқтисодиётига алоҳида хорижий фирмалар, ташкилотлар томонидан бевосита йўналтирилган инвестициялар.

Бир гурух хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этишда, ривожлантиришда меҳнат ресурсларини экспорт қилиш бу алоқаларнинг асосий йўналишларидан бирига айланиши лозим.

Маълумки, республика меҳнат ресурслари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, улардан фойдаланиш учун республикада тегишли

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу түгрисида илгари тегишли фикр-мулоҳазалар келтирилган эди.

Лекин маълумки, республикада нисбий ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд, айниқса қишлоқ жойларда.

Демак, республика учун аҳолининг меҳнат билан бандлигини тъминлаш республикада ҳали ечилимаган муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу муаммонинг ечилиш йўлларидан бирин бу республика меҳнат ресурсларидан бир кисмни хорижий мамлакатларга экспорт этишини расмий давлат дастурига айлантиришдир.

Хорижий тажриба мисолида Туркия республикасини келтиришимиз мумкин.

1980 йиллардан бошлаб хорижий мамлакатларда меҳнат ресурсларидан 4 млн. киши фаолият кечирмоқда. Уларнинг асосий кисми ҳукуматлараро шартномаларга биноан жўнатилган.

Маълумки, Ўзбекистон фуқароларидан ҳам минглаб одамлар хорижий мамлакатларда фаолият олиб бормоқда. Лекин :

Биринчидан, уларнинг асосий қисми ҳукуматлар, ташкилот-фирмалараро шартномаларга асосан эмас, шахсий ташаббускорлик асосида ишга жойлашганлар.

Иккинчидан, хорижий мамлакатларга борганилар кандайdir мутахассисликларда эмас, балки асосан оддий ишчи, коровул, ҳаммол сифатида фаолият кечирмоқдалар.

Фикримизча, бу борада ҳукумат дастури ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши лозим ва республикада иш билан тъминланмаган меҳнат ресурсларини ҳукумат чора-тадбирларига биноан мутахассисликларга, чет эл тилларига ўргатиб, ҳукуматлараро, ташкилот-фирмалараро шартномаларга асосан хорижий мамлакатларга ишга жўнатилса, республика ташқи иқтисодий алокалари самарадорлиги янада кўтарилар эди.

Шундай қилиб, мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алокалар сиёсати шакллантирилди. «Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамојиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди».<sup>1</sup>

Ташқи иқтисодий алокаларни ривожлантириш республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналиш-

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлантириш йўлида». Тошкент, 1995. 103.

ларидан бирига айланиб, у республикада бозор муносабатларини шакллантиришда, социал йўналтирилган кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этишда асосий чора-тадбирлардан биро бўлмоқда ва келгусида ҳам шундай бўлади, чунки «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмоқда. Эшикларимиз дунё учун очик ва дунё эшиклари ҳам биз учун очик бўлишига ҳаракат қиляпмиз» деб таъкидлайди И.А. Каримов<sup>1</sup>.

### **3.9. Миллий валютани барпо этиш ва унинг конвертациясини таъминлаш**

Маълумки, пул, товар ишлаб чиқариш, бозор муносабатлари, бозор иқтисодиётининг асосий қуролларидан биридир.

Бозор муносабатлари даврида пул товарлар қийматини ўлчашда, товарлар алмашувидаги, жамғармаларнинг шаклланишида, баҳолаш қуроли сифатида хизмат қиласади.

Алоҳида давлат миллий пули – бу давлатнинг байроги, мадхияси, герби сингари мустақиллик белгисидир.

Миллий пул орқали давлат ўзининг пул муомалаларига раҳбарлик қилиш имкониятига эга бўлади.

Миллий пул орқали давлат иқтисодиётга раҳбарлик қилишда, молия-пул тизимининг иқтисодиётга таъсирини оширишда фойдаланади.

Миллий пул орқали ҳар бир давлатнинг ички истеъмол товарлар бозори ҳимоя қилинади.

Демак, миллий пул давлатнинг иқтисодий мустақиллик белгиси.

Ҳар хил давлатлар ташкил этилиб, жаҳон жамияти шаклланишиб, ривожланишиб бориши билан давлатлар миллий пулларга – валюталарга эга бўлишади.

Лекин давлатлараро иқтисодий алокаларнинг ривожланиши, уларнинг бозор-товар муносабатларига асосланиши билан миллий валюталардан жаҳон пулларига ўтиш, келгусида миллий валюталарни конвертация қилиш муаммоси зарурятта айланди, кунтартибига кўйилди.

Бу жараён 19-асрда ҳамма давлатларга тааллуқли бўлган ва металл пулларнинг барпо этилишига олиб келди. Тилла пуллар

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий иелоҳотларни чуқурлантириш йўлида». Тошкент, 1995, 119 бет.

Англияда 19-асрнинг 20-йилларида барпо этилиб, 19-асрнинг 70-йилларига келиб, жаҳон пулларига айланди.

1891-1910 йилларда тилла ва қумушдан ясалган пуллар товар айланишининг 69-86 фоизини таъминлади. Шу даврда ҳамма миллий пуллар тиллага асосланган, ўзаро алмаштириш хусусиятига эга бўлиб, улар демак, конвертацияга эга бўлган.

Биринчи жаҳон уруши даврида қозоц пулларни тилла пулларга алмаштириш ман қилинди, 20-асрнинг 30-йилларида жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига биноан миллий пулларнинг тилла стандартидан қозоц пул стандартига ўтилди.

Лекин миллий валюталарнинг ягона асоси-уларнинг курслари тиллага нисбатан аниқланиши ман қилингандан сўнг тилла ҳалқаро савдода ҳисоб-китоб қуроли сифатида сакланиб қолди. Миллий валюталарнинг ўзаро атмашуви муаммога айланди, миллий валюталарнинг конвертация қилиниш масаласи пайдо бўлди.

Тилла стандарти ман қилиниши билан алоҳида миллий валюталарни конвертация қилинишидан олдин алоҳида давлатларнинг валюталари зоналари барпо этилди. Бу:

- стерлинг зонаси – Англия, унинг мустамлака, доминионларида пул-товар алоқалар фунтстерлингда олиб борилди;
- Франция франки зонаси – Франциянинг 14 мустамлака давлатларида пул-товар алоқалари Франция франкида олиб борилди.

Бу зоналар билан бирга жаҳон валюта тизимлари барпо этилди. Бу:

- Замонавий Ямай зонаси – бу зонадаги давлатларнинг миллий валюталари тилла мазмунига эга бўлмай, улар жаҳон валюта фонди томонидан чиқарилган умумий валюта – СДРга асосланган эди.

1944 йили ташкил этилган Жаҳон валюта Фондининг Низомига биноан миллий валюталарнинг курслари қуйидагича аниқланади:

- ривожланган капиталистик мамлакатлар валюталари учун эркин сузувчи курслар;
- 30 та ривожланётган мамлакатларнинг валюталари курси америка доллари курсига боғланган;
- Франциянинг 13 та собик мустамлака мамлакатларнинг валюталари Франция франки курсига боғланган;
- Кения, Иордания ва бошқа 12 та мамлакатларнинг валюталари СДРга боғланган;
- Европа валюта тизимиға кирувчи мамлакатларнинг валюталари курси биргаликда сузувчи курс бўлиб, улар учинчи валютага

богланган. Масалан, бир доллар 5 франкка тўғри келса, демак, АҚШда бир долларга Францияда бир франкка нисбатан 5 маротаба кўп товар сотиб олиш мумкин.

Халқаро миқёсда миллий валюталарнинг конвертацияга эга бўлиши қуидаги босқичларда амалга оширилди:

1. 1929 йилгача, яъни жаҳон иқтисодий инқирозигача миллий валюталар тиллага доимий алмаштириш курслари бўйича алмаштирилган.

2. Жаҳон иқтисодий инқирози билан иккинчи жаҳон уруши ўртасидаги даврда валюталар ўзгарувчан курсларга биноан алмаштирилган.

3. Иккинчи жаҳон урушидан кейин миллий валюталарнинг ўзаро алмашуви Марказий банкстар томонидан тасдикланган расмий курслар бўйича алмаштирилган.

70-йиллардан бошлаб мамлакатларнинг тенгиз суръатларда ривожланиши, инфляциянинг кучайиши сабабли миллий валюталар алмашувида тасдикланган валюта курсларидан сузувчи валюта курсларига ўтишга тўғри келди.

Юқорида таъкидланган халқаро миқёсда миллий валюталарнинг алмашуви жараёни билан бирликда алоҳида миллий валюталарнинг конвертация қилиниши кенгайиб борди.

1940 йили Жаҳон валюта фонди Низомининг VIII моддасига имзо кўйган давлатлар 6 та бўлиб, улар жаҳон экспортидан 13,1 фоизига эга эдилар, 1999 йилга келиб бундай давлатлар 150 тага етди ва улар жаҳон экспортининг 90,0 фоизига эга эдилар.

Миллий валюталарнинг конвертация қилиниши – бу бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши натижаси ва иккичидан миллий валюталарнинг конвертация қилиниши бозор муносабатларининг тараққиётини кучайтирувчи омиллардан, шартшароитлардан биридир.

Миллий валюталарнинг конвертация қилиниши – бу миллий валюталарнинг барпо этилиши, ривожлантирилиши натижасидир.

Бир давлат бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқада бўлар экан, демак, бу давлатнинг миллий валютаси бошқа давлатларнинг валюталарига алмашиш хусусиятига эга бўлиши лозим. Яъни давлат миллий валютаси конвертация-қайтарувчанликка эга бўлиши керак.

Миллий валютанинг конвертацияси – қайтарувчанликка эга бўлиши бу:

- миллий валютанинг давлат томонидан бевосита аралашувисиз бошқа мамлакатларниг валюталарига алмашуви;
- бу жараён бўлиб, унда валюта алоқаларига нисбатан давлат томонидан аралашув камайиб боради;
- миллий валютанинг хорижий мамлакатлар валюталарига алмашуви давлат томонидан кафолатланади;
- миллий валютанинг либоси ўзгартирилади;
- ички ва ташки бозорлар ўртасидаги аниқ алтернативни сақлаш ва қўллаб-куватлаш шарт-шароитига айланади;
- миллий иқтисодиётнинг очиқлигини тасдиқловчи омил.

Миллий валюталарниг конвертация қилиниши кўп киррали, мураккаб жараён бўлиб, у ўзининг йўналтирилганлиги, мазмуни бўйича ҳар-хил шаклда бўлиши мумкин.

Ички конвертация – эркин равишда миллий валютани хорижий мамлакатлар валюталарига алмаштириш, ёки аксинча, хорижий мамлакатлар валюталарини миллий валютага алмаштириш хуқуки факат шу давлат резидентларига, фуқароларига берилади.

Ташқи конвертация – эркин равишда миллий валютани хорижий мамлакатларниг валюталарига алмаштириш ёки аксинча, хорижий мамлакатларниг валюталарини миллий валютага алмаштириш хуқуки хорижий мамлакатлар фуқароларига – бу мамлакатнинг норезидентларига берилади.

Тўлиқ конвертация – бир гурӯҳ ривожланган мамлакатларга таалукли бўлиб, уларда валюталар алмашуви чегарасиз ҳамма ички, ташқи иқтисодий алоқалар бўйича, жаҳоннинг ҳамма бозорларида амалга оширилади. Бу мамлакатлар очик барқарор иқтисодиёт, қучли экспорт базасига, ривожланган инвестиция бозорларига эга.

Тўлиқ конвертацияда миллий валюта жаҳоннинг ҳамма минтақаларида, халқаро бозорларида фойдаланилади.

Жаҳон валюта фондининг Низомига биноан «тўлиқ конвертация» жорий операциялар бўйича амалга оширилади. Сармоя операциялари ва бир гурӯҳ миллий валюталар «эркин фойдаланиладиган валюталар» сифатида тасдиқланган.

1970 йили 35 давлатнинг миллий валюталари конвертацияга эга бўлган бўлса, улардан 5 тасида – АҚШ, ГФР, Япония, Англия ва Франция миллий валюталари «эркин фойдаланадиган валюталар» сифатида тасдиқланган.

Жаҳон валюта фондининг квотасига биноан алмаштирилаётган валюталардан 60 фоизи – «эркин конвертираштирилган валюталар», 40 фоизи «эркин фойдаланилаётган валюталардан» иборат бўлган.

Миллий валюталар конвертацияси нотўлик, қисман бўлиши мумкин. Бунда валюталар алмашуви чегараланган бўлади. Конвертация жорий ва капитал, узок муддатли операциялар бўйича бўлиши мумкин.

Миллий валюталар конвертацияга эга бўлмаса халқаро иқтисодий алокаларни ривожлантириш мураккаблашади, миллий валюта курси формал бўлиб қолади, мамлакат иқтисодиёти импортга асосланади, иқтисодиётни ривожлантириш мураккаблашади.

Миллий валюталарни конвертация қилишнинг натижалари ижобий ёки у тайёргарликсиз амалга оширилса, салбий бўлиши мумкин.

Конвертациянинг ижобий натижалари қўйидагиларда ўз ифодасини топиши мумкин:

- ички бозорнинг жаҳон бозори билан алокадорлигини таъминлаб, миллий иқтисодиётда жаҳон техника ва технологияларидан фойдаланишни заруриятга айлантириб, миллий иқтисодиётни ривожлантиради;
- иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришни талаб этиб, самарасиз ишлаб чиқаришдан воз кечишга олиб келади;
- иқтисодиётнинг очислигини амалга оширишни талаб этади;
- мамлакатга кенг миқёсда хорижий сармоялар жалб этилади;
- миллий валютага халқаро талабни ривожлантиради;
- мамлакат валюта курсига ижобий таъсир кўрсатиб, мамлакатда валюта вазиятини яхшилайди;
- мамлакат экспорти, импорти ривожланишини кучайтиради;
- мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги қўтарилади;
- мамлакатда пул муомаласи бошқа давлатлардан мустақилликда амалга оширилади;
- мамлакат истеъмол товарлар бозорини ҳимоя қиласди, чунки четдан келиб товар олувчилар ўзларининг валюталарини миллий валютага алмаштиришади;
- мамлакат халқаро савдо операцияларида кент катнашади;

- мамлакат эркин сифатда ўзининг маҳсулотларини сотишда, маҳсулотлар сотиб олишда самарали ички, ташқи бозорларни танлайди;
- хорижий мамлакатларга сармоялар жойлаштириш имкониятига эга бўлади;
- ташқи рақобат таъсири натижасида миллий иқтисодиётнинг ракобатбардошлиги, самарадорлиги кўтарилади;
- нарх-наво, ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулотлар сифати, техника ва янги технологиялардан фойдаланишда халқаро стандартларга биноан миллий иқтисодиётнинг даражаси ошади;
- мамлакат халқаро ижтимоий меҳнат тақсимотига кириб боради.

Агарда миллий валютани конвертация қилишни вақтидан олдин, тайёргарликсиз амалга оширилса, унинг салбий натижалари қўйидагиларда ифодаланиши мумкин:

- мамлакатга импорт орқали юкори рақобатбардош хорижий капиталнинг кириб келиши;
- мамлакатда рақобатга чидамасдан миллий ишлаб чиқаришнинг камайиши;
- мамлакатни долларлаштириш;
- мамлакатдан сармояларнинг хорижий мамлакатларга чиқиб кетиши;
- рабоқатга чидамаган корхоналарнинг банкрот бўлиши;
- алмашув курсининг девальвация бўлиши ва аҳоли реал даромадларининг камайиши;
- корхоналарнинг банкрот бўлиши натижасида ишсизлар сонининг кўпайиши;
- тўлов балансининг мураккаблашиши;
- мамлакатда валюта захираларининг қисқариши;
- халқаро миёсдаги иқтисодий ислоҳотларнинг мамлакат миллий иқтисодиётига салбий таъсири.

Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан олдин 6 та мамлакатларда миллий валюталар конвертацияга эга бўлган. Лекин иккинчи жаҳон уруши тугаши даврида миллий валюталарни конвертацияга эгалиги фақат иккита давлатда – АҚШ ва Швецарияда сақланган.

Миллий валютани конвертация қилишдан олдин тегишли чоратадбирларни амалга ошириш зарурлигини Буюк Британия мисолида кўришимиз мумкин.

Урушдан кейин Буюк Британия 1947 йили ўзининг миллий валютаси – фунтстерлинг конвертациясини эълон қилди, лекин 35

кун ўтгандан кейин Англия хукумати конвертацияни бекор қилишга мажбур бўлди, чунки фунтстерлинг конвертацияси тайёр гарликсиз, миллий иқтисодиёт тикланмасдан эълон қилинган эди. Бу тадбирдан 35 кунда давлатнинг кўрган зарари 2,5 млрд. долларни ташкил этди.

Келгусида керакли чора-тадбирлар амалга оширилиб фунтстерлингнинг қисман конвертацияси 1958 йилда, тўлиқ конвертацияси 1979 йилда эълон қилинди.

Демак, миллий валюталарни конвертация қилинмасдан олдин тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши, миллий иқтисодиётни керакли даражага кўтариш керак экан.

Миллий валюталарни конвертация қилиш борасида мамлакатларда тўплантан тажрибани таҳлил қилиб, умумлаштирилган ҳолда айтиш мумкинки, миллий валюталарни конвертация қилишдан олдин керакли шарт-шароитларни амалга ошириш объектив зарурият бўлиб, бу шарт-шароитлар қуидагилардан иборат:

- ташқаридан келадиган валюта интервенциясининг олдини олиш учун тилла-валюта захираларининг борлиги;
- кучли монетар ва молиявий сиёсатни амалга ошириш;
- қайд қилинган алмашув курсини ушлаб туришга имкониятларнинг борлиги;
- валютани чегарасиз ҳамма мақсадлар учун фойдаланиш;
- мамлакат валютасини хоҳлаган бошқа валюталарга алмашувини таъминлаш;
- миллий валютани бошқа валюталарга алмашувини расмий алмашув курси бўйича амалга ошириш;
- ташки савдо ва сармоялар ҳаракати чегараланишини йўқ қилиш;
- ҳамма иқтисодий агентларга хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олишга эркинлик бериш;
- алмашув курсини аниқланишида тўлов баланси ҳолатини эътиборга олиш;
- молиявий барқарорликни таъминлаб, мамлакатда накд пул ҳажмини камайтириш;
- давлат бюджетини қаттиқ чегаралаб, давлат томонидан бериладиган дотация ва субсидияларни бекор қилиш;
- хусусийлаштириш сиёсатини амалга ошириб, ташки иқтисодий фаолиятни олиб борища ҳамма хўжалик субъектларига бир хил ҳукуқ бериш;

- мамлакатда иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш;
- мамлакатда пул муаммолари бўйича қонун-қоидаларни ишлаб чиқилғанлиги, тегишли коммуникация, бозор инфратузилимаси ва юқори малакали мутахассисларнинг борлиги;
- мамлакатда товар ва валюта бозорларининг мавжудлиги;
- мамлакатда рақобатбардошлик муҳитини барпо этиш;
- рақобатбардош ишлаб чиқариш тармоқларини юқори суръатлар билан ривожлантириш;
- истеъмол моллари бозорини ривожлантириш, нарх-навони пасайтириш ва аҳоли реал даромадларини кўпайтириш;
- мамлакатда ижобий молиявий баланс бўлиши, аҳолининг меъёрий бандлигини таъминлаш ва тегишли инфляция суръатларини сақлаш;
- миллий жамғармалар ва инвестицион сиёсатни таъминловчи ташки молиявий баланснинг мавжудлиги;
- рағбатлантириш тизимини эркинлаштириш -- савдо, божхона, нарх-наво, банк процентларини асосли аниқлаш;
- мамлакат валютасини конвертация қилиш жараёнининг Жаҳон валюта фонди томонидан тасдиқланганлиги;
- миллий иқтисодиётни интернационаллаштириш, глобаллаштириш;
- ҳамма валюта эгаларига валюталарини ҳеч қандай чегарасиз хорижий валюталарга эркин вазиятда алмаштириш имкониятларини бериш;
- хорижий валюталарга бўлган таклифнинг талабга тўғри келишини таъминлаш;
- хорижий валюталарга талаб кўтарила, давлат валюта захиралидан фойдаланиш ёки алмашув курсини кўтариш;
- хорижий валюталарга талаб камайса, алмашув курси қисқартирилади ва давлат валюта захиралари кўпайтирилади;
- самарали фаолият олиб борувчи тижорат банкларининг ташкил этилганлиги;
- миллий валюта алмашув курсининг ҳар томонлама асосланганлиги;
- миллий иқтисодиётнинг ташки ва ички омилларининг барқарорлиги ва баланслаштирилганлиги;
- миллий иқтисодиёт ривожланишининг импорт операциялари билан мослаштирилганлиги;

- миллий иқтисодиётни ривожлантиришда мамлакатнинг ички эҳтиёжи ва экспорт эҳтиёжининг эътиборга олингандиги;
- экспорт ва импортни ривожлантиришда экспортнинг импорт устидан устуворлигини таъминлаш;
- ташки савдони ривожлантириш суръатларининг миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларидан юқори бўлишини таъминлаш;
- халқаро иқтисодий алоқаларни давлатнинг миллий валютасида амалга оширишга эришиш;
- валюта муносабатларига давлат томонидан бошқарувда мъмурӣ-бюрократик тизимнинг бўлиши ва иқтисодиётда товар, бюджет ва валюта танқислигининг бўлмаслиги;
- инфляция суръатларини тегишли даражада ушлаб, мамлакат ичидаги нарх-наволарни жаҳон нарх-наволарига мослаштириш;
- жорий ва молиявий операциялар бўйича валюта алмашувида чегаралангандикнинг йўқлиги;
- ҳар томонлама асасланган савдо, божхона, валюта сиёсати;
- ҳар томонлама асосланган пул, кредит, бюджет сиёсати;
- давлат томонидан бозор муносабатларининг аниқ бир шакlda тартибга солиб турилиши;
- иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришнинг социал-йўналтирилганлиги, истеъмол моллар бозорини маҳсулотлар билан таъминлаш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни конвенция қилиш орқали миллий иқтисодиётни соғломлаштириш;
- валюта эгаларини товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини кондириш учун имкониятларнинг мавжудлиги;
- мамлакат миллий валютаси реал курсини таъминлаш имкониятларининг мавжудлиги;
- мамлакатда бозор муносабатларининг мавжудлиги;
- иқтисодиётни ривожлантиришда давлат томонидан арадашувнинг меъёрий даражаки бўлишини таъминлаш;
- бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг барпо этилганлиги;
- савдо баланси активлигининг таъминланганлиги;
- давлат томонидан иқтисодиётга бошқарувликда иқтисодий методлардан фойдаланиш;
- мулк муносабатларининг яхши ривожланганлиги;

- корхона ва ташкилотлар иктисадий мустақиллигининг мавжудлиги;
- валюта алоқаларини ташкил қилишда давлатнинг якка ҳукмронлигининг йўқ қилинганлиги;
- мамлакатда очик миллий иктисадиётнинг ташкил этилганлиги;
- мамлакатдаги хорижий фирмаларнинг фойдасини ташқарига олиб чиқишга имконият борлиги;
- мамлакатда валюта захираларининг мамлакатнинг икки ойлик импорти ҳажмидан кам бўлмаслиги.

Юқорида таъкидланганидан кўриниб турибдики, миллий валютани конвертация қилиш учун кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим, валюта конвертацияси ижобий натижалар бериши учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий валютасини конвертация қилиш борасида шошма-шошарликсиз, астасекин тегишли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Болгария, Польша, Чехия, Эстония миллий валюталарининг конвертация қилинишини нарх-наволарни эркинлаштириш билан амалга оширдилар.

Венгрия, Кирғизистон, Латвия, Молдавия ва Россия миллий валюталари конвертациясини валюта захираларни кўпайтириш, тўлов балансини яхшиланишига қараб, импортни чегаралашнинг камайтирилишига биноан амалга оширдилар.

Иттифоқ тарқатилиши ва ҳамма иттифоқдош республикалар мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги республикалар учун миллий валюталарни барпо этиш муаммоси кун тартибига кўйилди. Лекин иттифоқдош республикалар мустақилликнинг биринчи йилларида Россиянинг рубль валютаси зонасида қолишлиарни билдирадилар.

1992 йил 6 июлда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларининг раҳбарлари Москвада йиғилишиб шундай қарорга келишди: агарда бу давлатлардан бири ўз миллий валютасига ўтмоқчи бўлса, ушбу давлат миллий валутага ўтмасдан 3 ой олдин ҳамма давлатларга ахборот бериши керак.

1992 йил сентябрь ойида ҳамма собиқ иттифоқдош республикалар рублни валюта сифатида қабул қылғанлари түгрисида керакли хужжат қабул қылдилар.

1992 йил сентябрь-октябрь ойларда Бирлашган ҳукуматлар комиссиясининг 8 та мажлиси ўтказилди ва уларда мустақил давлатлар ҳамдўстлигига пул муомаласи муаммолари мухокама қилинди.

Лекин Россия Федерацияси бу келишувларни бузиб, 1992 йил декабрь ойида ўзининг 1993 йилги янги пулнин чиқарди ва бу пулдан фойдаланишни ҳаддан ташқари мураккаблаштириди. Бу пул Россия банкларига топширилиб, ундан фойдаланиш учун республикаларга маҳсус ҳисоб-китоб варагалари очилди.

Бу пулдан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси олдига куйидаги талаблар кўйилди:

- олинадиган пулларни ҳалқаро кредит сифатида шакллантириш;

- нақд пулли ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг 50 фоизи даражасида Россия Марказий банкасига республиканинг тилла ва америка доллари захираларини топшириш. Бу республика тилла ва валюта захираларининг 40 фоизини ташкил қиласа эди.

- 1961-1992 йилларда чиқарилган Россия пулларини 1993 йилда чиқарилган янги пулларга 3:1 нисбатда алмаштириш;

- агарда икки томонлама шартнома тасдиқлангандан кейин 6 ой мобайнида Ўзбекистон Республикаси келишилган талабларни бажармаса, 1993 йили чиқарилган янги пулнинг ҳажмига биноан Ўзбекистон 100 фоиз жарима тўлаши керак;

- Ўзбекистон Марказий банкини Россия Марказий банкига бўйсундириш;

- Республикада икки ёқлама фуқароликни амалга ошириш.

Албатта Ўзбекистон бу талабларни қабул қилишдан воз кечди.

Ўзбекистонда миллий валютанинг барло этилиши объектив заруриятга айланди. «...истикболимизни мустаҳкамлаш, уни барқарор иқтисодий йўлга солишимиз учун албатта миллий пулимизни чиқаришимиз керак...

Янги валютага ўтиш-инқилоб билан баробардир»<sup>1</sup> деб таъкидлади И.А. Каримов.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Янги валютага ўтиш инқилоб билан баробардир. Асарлар тўплами, 1-жилд. Тошкент. 1996. 221, 226 бетлар.

Мустакилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистоннинг рубль худудида бўлиши объектив зарурият эди, чунки хўжалик алоқалари, одатда йиллаб йўлга кўйилади ва ҳар қандай ўзгаришлар муайян вактни талаб этади.

Лекин республика рубль худудида бўлган даврда:

- рублнинг қадрсизланиши нихоятда юқори бўлди;
- молиявий ва иқтисодий бекарорлик пайдо бўлди;
- нархларнинг эркинлаштирилиши республикалараро савдо айламасини номутаносибликка олиб келди;
- республика ноэквивалент тарзда товар алмашишга мажбур бўлди.

Республикамиз раҳбарлари ва бошқа кўплаб масъул ходимлар ҳафталаб Москва шахрида хизмат сафарларида бўлиб, катта машиқатлар билан республикамизга зарур микдорда нақд пул маблағларини олиб келишга мажбур бўлган эдилар.

Россия ўз сарф-харажатларини бошқа республикаларга юклай бошлади, масалан, дастлаб Россия давлат банки «рубль зонасидаги» мамлакатларга берилаётган ҳар бир рублнинг 25 фоизи микдорида тўлов белгилаган бўлса, «аста-секин» бу тўлов микдори ошиб борди.

Ундан ташқари Россияга Ўзбекистондан жўнатиладидан пахта ва бошқа маҳсулотларга эҳтиёж ошиб борди, уни қоплаш учун Россиядан келадиган товарларга пул эмас, республика маҳсулотларини сўрай бошлади. Яъни Ўзбекистонга келаётган қадрсизланган рублда баҳоланган товарларга жаҳон бозорида қимматли олтин билан ўлчанадиган пахта толасини ва бошқа маҳсулотларни беришга мажбур эдик.

Бундай шароитда Ўзбекистон ва бошқа собиқ иттифоқдош республикалар ўз миллий валюталарига ўтишга мажбур бўлдилар:

Белоруссия – 1992 йил, май (белорусь рубли)

Эстония – 1992 йил, июнь (крона)

Латвия – 1992 йил, июль (латвия рубли)

Озарбайжон – 1992 йил, август (манат)

Литва – 1992 йил, октябрь (Литва талони)

Украина – 1992 йил, ноябрь (карбованец)

Қирғизистон – 1993 йил, май (сом)

Грузия – 1993 йил, август (купон)

Ўзбекистон – 1993 йил, ноябрь (сўм-купон)

Арманистон – 1993 йил, ноябрь (драм)

Қозоғистон – 1993 йил. ноябрь (тандыр)

Молдова – 1993 йил. ноябрь (лей)

Туркманистон – 1993 йил. ноябрь (манат)

Ўзбекистон – 1994 йил. июль (сўм)

Тожикистон – 1995 йил. май (тожик рубли)

Шундай қилиб, 1992-1995 йилларда ҳамма собиқ иттифоқ республикалари ўз миллий валюталарига эга бўлди.

Рубль ҳудудида қолиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республикада пул-кредит соҳасининг ривожланиши устидан тўлиқ назоратни мустақил равишда амалга ошира олмас эди. чунки республика сиёсий мустақилликка эга бўлиб, автоматик равишда иқтисодий жиҳатдан мустақил бўла олмас эди. Мавжуд иқтисодий алоқаларни давом эттириб, республика корхоналарини умуман тўхтаб қолишдан сақлаб қолиш керак эди.

Лекин республикада миллий валютани жорий этиш табиий холда объектив заруриятга айланди ва амалга оширилди.

Бундай мавжуд бўлган шароитда Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий валютасини барпо этиб унга ўтишга мажбур бўлди ва керакли чора-тадбирларни амалга ошириди.

1992 йил 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси истеъмол товарлар бозорини ҳимоя қилиш тўғрисида», 1992 йил 30 март ойида «Истеъмол товарларини купонлар бўйича сотиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Қарорлари қабул қизинди.

Қабул қилинган қарорларга биноан:

- 1993 йил 15 ноябрдан бошлаб 1961-1992 йилларда чиқарилган пулларнинг республикага олиб келиниши ман қилинди, ҳалқ истеъмол товарлари факат сўм-купонларга сотиладиган бўлди (нон, ун, шакар, чой, совун, ўсимлик ёғи, умумовқатланиш маҳсулотлари);

- 1993 йил 22 ноябрдан бошлаб 25 минг рублгача бўлган товарлар рублга сотилади, ундан қиммат товарлар-факат республика фуқароларига чекларга сотилади;

- 1993 йил 25 ноябрдан бошлаб Россиянинг 5000 ва 10000 рубль банкнотлари савдо муомалаларида қабул қилинмайди, агарда улар республика аҳолисида бўлса, улар омонат кассаларга топширилади;

1993 йили Марказий банк ҳузурида Давлат ишлаб чиқариш бошқармаси қоғоз фабрикаси, босмахона ташкил қилинди. Янги

технологиялардан фойдаланиб, сифатли қоғозлар ишлаб чиқарила бошлади.

Шу билан бирга импорт ўрнини олувчи ва экспортга мүлжалланган кўшма корхоналарни ривожлантириш, солиқ-бюджет, пул-кредит сиёсатини яхшилаш, олтин-валюта захираларини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

1993 йил 22 ноябрдан бошлаб бир марталик купонлар бекор қилинди. 1961-1992 йиллар 1,3, 5, 10, 25, 50, 100 рубль банкнотлари сўм-купонлар билан бирга чегараланишсиз фойдаланилди;

- 1993 йил 10 январдан бошлаб купонлар пул муомаласига киритилди;

- 1993 йил 10 маіда республика фуқаролари учун пул муомаласига чек ва чек китобчалари киритилди, улардан фойдаланиш учун паспорт кўреатилиши керак эди;

- 1993 йили 10 майдан бошлаб бошқа республика фуқароларининг омонат кассалардаги жамғармалари бўйича операциялар тўхтатилди ва бу жамғармалар уларнинг эгаларини бошқа республикалардаги яшаш жой – адресларига жўнатилди.

- 1993 йил 10 майдан бошлаб республикадан мол ва күш маҳсулотларини экспорт қилиш ман қилинди;

- 1993 йил 26 июндан бошлаб 1961-1992 йиллар банкнотларини тўлов учун кабул қилиш ман қилинди;

- 1993 йил 26 июлдан бошлаб республикага келтирилаётган 15 минг рублдан кўп Россия банкнотлари мусодара қилинди;

- республикада накд пуллар факат накд пулсиз амалга оширила бошлади;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини умумдавлат эҳтиёжлари учун харид қилиш ҳам накд пулсиз ўтказила бошлади;

- меҳнат унумдорлигининг ҳар бир фоизига иш хақи фондининг ўсиши 0,7 фонз даражасида тасдиқланди;

- 1994 йил 1 июлдан сўм-купон чиқариш тўхтатилди;

- 1994 йил 1 июлдан 1994 йил 1 августргача сўм-купонлар чегараланмасдан 1000:1 нисбатда республиканинг расмий валютаси сўмга алмаштирилди;

- 1994 йил 1 августрдан бошлаб сўм республикада ягона пул муомала воситаси сифатда тасдиқланди;

– 1994 йил 1 июля Республика Президенти «Муомалага миллий валюта сўмни киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди, унга биноан муомаладаги сўм-купонлар 1000:1 нисбати асосида сўмга алмаштирилди.

Шундай қилиб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўм шаклланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг хусусияти шундан иборат эдик, миллий валютанинг барпо этилиши унинг конвертациясини таъминлаш билан биргаликда амалга оширилди. Шу мақсадда тегишли қарорлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил июль ойида «Ўзбекистон Республикаси миллий валютанинг ички конвертациясини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит мұносабатларини барқарорлаш ва тижорат банклари мустақиллигини кенгайтириш тўғрисида», «Республикада валюта бозорини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда миллий валютани конвертация қилиш босқичлари ва бу чора-тадбирни амалга оширишда тижорат банкларининг роли ва фаолияти ёритиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил октябрда «Патент эгаларининг операцияларини кенгайтириш тўғрисида» Қарор қабул қилди ва бу қарорда қўйидаги муаммолар ечилди:

- юридик ва жисмоний шахсларга Республика Марказий банкининг патентларини бериш;
- сўмни СКВга – эркин конвертация қилинадиган валютага конвертация –алмашувини ваколатланган тижорат банклари оркали амалга ошириш;
- республикага олиб келинадиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқатларни чегаралаш;
- республикага олиб келиб сотишдан тушган тушумни конвертация қилинишини таъминлаш;
- қўшимча алмаштирув пунктларини ташкил қилиш, шу жумладан бозорларда.

Маълумки, миллий валютани конвертация қилишнинг икки йўли бор эди:

Биринчи йўл – бир вактда миллий валютани конвертация қилиш ва валюта режимини – эркинлаштириш.

Иккинчи йўл – миллий валютани конвертация қилиш шартшароитларини барпо этиш ва кейин валюта режимини эркинлаштириш, конвертациялаш.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий валютасини иккинчи йўл билан амалга оширди.

Республика миллий валютаси конвертация қилиниши бир қанча боскичларда амалга оширилмоқда:

– 1994 йил миллий валютани барпо этиш ва унинг ички конвертациясини таъминланиши;

– 1995 йил – ваколатланган тижорат банкларининг тасдиқланиши ва корхона ташкилотларнинг валюта бозорида қатнашуви нинг кенгайтирилиши;

– 1995 йили 27 июнда Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички конвертациясини янада кенгайтириш тўғрисида» Фармони қабул қилинди, унда:

– накд сўмларни СКВга алмаштириш бўйича чегараланган ҳажми бекор қилинди;

– алмашув суммаларини фуқаролар паспортида ифодаланиши бекор қилинди;

– республика валюта бозори фаолияти янада эркинлаштирди;

– миллий валютани конвертация қилишда кўшма корхоналарга, аҳоли истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга, экспортга ишловчи корхоналарга устунлик бериш;

– кўшма корхоналарнинг фойдасидан бир қисмини хорижга ўтказиш учун конвертация қилиш;

– корхона ва ташкилот, жисмоний шахсларни кредитлашни факат миллий валютада амалга ошириш;

– 1995 йил 12 авгуустда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Накд сўмларни СКВга алмаштириш бўйича алмаштириш чегарасининг чекланишини бекор қилиш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

– 1997 йил – биржадан ташқари валюта бозорининг ташкил этилиши ва унда ваколатланган тижорат банклари орқали сўмнинг СКВга – эркин конвертация қилинадиган валютага алмашувини таъминлаш.

– 1998 йил 1 июлда Республика Президентининг «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва эркинлаштириш

тўғрисида» Фармони қабул қилинди ва унга биноан Марказий банкнинг расмий алмашув курсига нисбатан ваколатланган тижорат банкларидан олинадиган 12 фоизли маржа бекор қилинди ва тижорат банкларнинг молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш ва банк тизимини баркарорлаш мақсадида республика Марказий банки томонидан олиб бориладиган банк назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари аникланди.

– 2000 йил 1 майдан бошлаб давлат томонидан қабул қилинган миллий валюта алмаштириш курси ва тижорат банклари томонидан аникланадиган алмашув курси тенглаштирилди.

– 2000 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бюджетдан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва кучайтириш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

– 2000 йил 1 июлдан бошлаб ваколатланган тижорат банкларга чет эл валюталарини сотишда, сотиб олишда валюталар алмашув курсларини мустақил равишда аниклаш хуқуки берилди.

– сўмни конвертация қилиш Республика валюта биржасидан биржадан ташқари валюта бозорига ўтказилди.

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензия эгаларига валюта сотиш, экспортерлардан валютани эркин сотиб олиш валюталарнинг талаб ва таклиф курсларига биноан аникланади.

Республикада миллий валюта конвертациясини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яна қуидаги қарорларни қабул қилди:

2000 йил 24 март «Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

2000 йил 30 июнь «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»

2001 йил 17 январь «Валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

2001 йил 22 июнь «Накд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

2001 йил 12 июнь «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

2001 йил 8 июль «Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

2004 йил 25 февраль «Ўзбекистон Республикаси нақд миллий валютасини четга олиб чиқиши тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқалар.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати кўйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган:

- нақд пулни эмиссия килиш суръатларини қисқартириш;
- инфляция суръатларини қисқартириш;
- валюта биржасини ривожлантириш;
- миллий валютанинг қадрсизланишига йўл қўймаслик;
- кредит ресурсларидан, авваламбор, устувор ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш учун фойдаланиш;
- миллий иқтисодиётни ривожлантиришда банк тизими таъсирини кучайтириш.

Ўзбекистон Республикасида миллий валютани барпо этиш, унинг конвертациясини таъминлаш жараёнини таҳлил килиш бизни кўйидаги хуносатарга олиб келди:

- республиканинг бу борадаги тажрибаси, унинг танлаган йўли ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб улар кўйидагилардан иборат.

Биринчидан, республика миллий валютани барпо этишда, унинг конвертациясини таъминлашда шошма-шошарликсиз, астасекинлик, эволюция йўлини танлаб олди.

Иккинчидан, миллий валютани конвертациялашда асосий муаммо бўлган валюталар алмашув курсини танлашда таъкидланган курс эмас, сузувчан курсни танлаб, уни амалга оширмоқда.

Чунки республиканинг ўша даврдаги шарт-шароитларида – инфляциянинг юкори суръатларда бўлиши, республиканинг бошқа республикага қарамлиги, нефть ва дон бўйича қарамлик реал алмашув курсининг кўтарилишига, экспортни ривожлантириш суръатларининг на сайишига, миллий валютанинг қадрсизланишига, валюта савдо-сотигининг ривожланишига олиб келиши мумкин эди.

Учинчидан, миллий валютанинг конвертация қилиниши миллий иқтисодиётнинг ҳали оғир ахволда эканлигига амалга оширилди. Республика ҳали иқтисодий инқороздан чиқмаган эди, инфляция ва давлат бюджети танқислиги юкори даражада эди.

Тўртинчидан, юкорида қайд этилган сабабларга кўра республика миллий валютасининг конвертация қилинганлиги 1994-1995 йилларда амалга оширилиб, кейин у Халқаро валюта фондининг қаттиқ огоҳлантиришларига қарамасдан чегараланди ва республика

Халқаро валюта фонди битимлар келишувининг VIII моддасига 2003 йилгача имзо чекмади.

Кейинчалик Халқаро валюта фонди Битимлар Келишувининг VIII моддасида кўзда тутилган мажбуриятларни қабул қилиш учун Республикада тегишли шарт-шароитлар барпо этилди.

Халқаро Валюта Фонди Битимлар Келишувининг VIII моддаси том маънода жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини кўзда тутади. Бирок унда бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам ўз ифодасини топган.

Халқаро Валюта Фонди Битимлар Келишувининг VIII моддаси «Аъзо давлатларнинг умумий мажбуриятлари» деб номланиб, у ўз ичига 7 та бўлимдан иборат бўлган йирик моддани қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 15 октябрда ўз миллий валютасини жорий халқаро операциялари бўйича конвертациясини таъминлаш мақсадида Хақаро Валюта Фонди Битимлар Кенгашининг VIII моддасининг 2 (а), 3 ва 4 бўлимлари бўйича тегишли мажбуриятларни қабул қилди.

Иккинчи бўлим «Жорий тўловлар бўйича чекловлар ўрнатмаслик мажбурияти», деб номланган бўлиб, унинг а бандида «VII моддасининг 3 (б) банди ва XIV модданинг 2 кисмидан келиб чиққан ҳолда ҳеч қандай аъзо мамлакат фонднинг рухсатисиз (розилигисиз) халқаро жорий операцияларга доир тўловлар ва ўтказмалар бўйича чекловлар ўрнатиш ҳукуқига эга эмас» дейилган.

Битимлар Келишувининг VIII моддасининг учинчи бўлими «Чекловни (дискриминацион) валюта амалиётчилигидан воз кешиш» деб номланган бўлиб, унда ҳеч қандай аъзо мамлакат ва у вакил қилган фискал агентлар валюта келишувларига оид бирор-бир чекловларда қатнашиши ёки бир нечта валюта айирбошлиш курсларини қўллаш амалиётидан фойдаланиши мумкин эмаслиги таъкидланади.

Битимлар Келишувининг тўртинчи бўлими «Чет элда сакланаётган валюта қолдиқларининг конвертацияси» деб номланган бўлиб, у «а» ва «б» бандлардан иборат.

Бу бўлимнинг «а» бандида «Ҳар битта аъзо мамлакат ўзининг бошқа аъзо мамлакатлардаги валюта қолдиқларини сотиб олинишини таъминлашга мажбурдир» дейилган.

Бу бўлимнинг «б» бандида «а» бандидаги ҳолатлар бўйича юзага келган мажбуриятларнинг қайси ҳолатларда содир этмаслиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, республика миллий валютаси Битимлар Кенгашининг VIII моддасига биноан ҳозирча қисман конвертация қилиниб, демак, республика миллий валютасининг жорий халқаро операциялар бўйича тўлиқ конвертация қилиниши республика иқтисодий ислоҳотларининг келгуси вазифаларидан биридир.

Маълумки, миллий валютани конвертация қилишнинг асосий шарт-шароити, омили-бу мамлакат иқтисодиётининг ривожланганини ва унинг юқори самарадорлигидадир.

1996 йилдан бошлаб мамлакат миллий валютани конвертациялаштирганининг чегараланганини сабаби шундан иборатки, мамлакат халқ хўжалиги ҳали барқарорлашмаган, мамлакат иқтисодиёти ҳали иқтисодий инқирозда эди.

Кейинчалик, 1996 йилдан бошлаб мамлакат халқ хўжалигининг барқарорлаширилишига қарамасдан республика яна кўп йиллар давомида ўзининг миллий валюта конвертациясини тикламади. Чунки ташки иқтисодий омилларнинг салбий таъсири остида республика иқтисодиёти ривожланиши мураккаблашди.

Республиканинг социал-иктисодий ривожланишида давлат даромадларининг 65% пахта, тилла, уранни экспорт қилишдан тушарди.

1999 йилдан бошлаб бу табии ресурсларга жаҳон бозорида нарх-наволар пасайиб борди. Бунинг натижасида давлатнинг ҳар йилда кўрган зарари 2 млрд. америка долларини ташкил эди. Демак, халқаро бозордаги вазият республика иқтисодиётини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатди. Республика миллий валютасини конвертация қилиш жараёнини яна қолдиришга сабаб бўлди.

Лекин миллий валютани конвертация қилиш ниятида керакли чора-тадбирларни амалга ошириш давом этди. Республиканинг миллий валюта конвертациясини таъминлашни Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки бир қанча йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасидан расмий равишда талаб этганлар.

Ўз вактида миллий валютани конвертация қилишда республика иқтисодиётида ҳали тегишли шарт-шароитлар барпо этилмаганинги тасдиқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 14 тадан иборат асосларни кўрсатиб берган эди.

Бу валютани конвертация қилиш халқаро тажрибадан келиб чиқкан ҳолда кўп вактни талаб этади, республика валютасини конвертация қилишда шарқ мамлакатлари манфаатлари эътиборга олинмоқда, шундай яхши ривожланаётган мамлакатлардан Россия

ва Қозогистонда ҳам реал конвертация амалга оширилгани йўқ, хорижий валюталарни миллий валютага алмаштирмасдан республика ўзининг валюта захираларини кўпайтирмоқда, республика капитални четга чиқиб кетишининг олдини олмоқда, республика 2004 йил миллий валютани факат ички конвертациясини амалга ошириб, инфляция суръатларини қисқартириди, саккизинчи моддага имзо чекиш учун ҳалқаро валюта фондининг талабига биноан ягона алмашув курси кабул қилиниши лозим, унга ҳали республика тайёр эмас, америка долларининг юкори қадрлигини эътиборга олган ҳолда валютани конвертация қилиш долларга интилишни кучайтириб, миллий валютанинг қадрсизланишига олиб келади, бу ўз навбатида инфляция суръатларининг кўтарилишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келади, республикага хорижий мамлакатлардан паст сифатли товар маҳсулотлари келтирилади, республикада устувор тармоқлар корхоналарининг банкрот бўлишига олиб келади.

Лекин ҳозирги замон ҳалқаро иқтисодий ва сиёсий алокаларга биноан Ҳалқаро валюта фонди, Жаҳон банки билан ҳамкорликда бўлиши – бу объектив замон талабидир. Шу сабабли республикада миллий валютани конвертация қилиш борасида аник чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикада 2002 йилда мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, республика иқтисодиётини ривожлантиришда таркибий чора-тадбирларни амалга ошириш ва валюта муносабатларини эркинлаштириш борасида, Ҳалқаро валюта фонди билан келишилган ҳолда 2002 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган дастур кабул қилинди.

Республика миллий валютаси конвертациясини таъминлаш республика социал-иктисодий ривожланишида объектив заруриятга айлангани тўғрисида И.А. Каримов 2001 йили шундай деган эдилар: «Миллий валюта- миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир...

Бугунги энг муҳим вазифа – валютамизни бакувват, дунёда обрўли валютага айлантиришdir. У юксак қийматта ва катта кучга эга бўлиши лозим»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида». Ташкент, 1995, 217, 218 бетлар

Пировардида 2004 йил октябрь ойида миллий валютанинг конвертация қилингандиги эълон килинди, республика Халқаро валюта фонди Низомининг VIII моддасига имзо чекди ва жорий валюта операциялари бўйича чегаралаш бартараф этилди.

Халқаро валюта фонди Низомининг VIII моддасида жорий валюта операциялари бўйича чегаралашларниң бўлмаслиги валюта амалиётида дискриминация бўлмаслигини таъминлаш, хорижий мамлакатлардаги миллий валюта қолдиқларини конвертация қилишни таъминлаш, тегишли мълумотларни бериб туриш, мавжуд халқаро келишувлар бўйича фонд аъзолари – давлатлар билан маслаҳатлар олиб бориш. Фонд актив захиралари бўйича ҳамкорлик олиб бориш кўрсатилган.

Республикада демак, миллий валютанинг конвертация қилиниши тўлиқ эмас, қисман амалга оширилмоқда.

Жорий валюта операциялари бўйича чегаралашни бартараф этиш, бу:

- ҳамма валюта муносабатлари агентларининг республика валюта бозорида эркин қатнашишини таъминлаш;
- валюталар алмашувида ягона алмашув курсини тасдиқлаш;
- миллий валютани тўлов баланси бўйича эркин конвертация қилишни таъминлашдир.

Жорий валюта операциялари бўйича миллий валютани конвертация қилиш ўз таркибига қўйидагиларни киритди:

- товарларни экспорт ва импорт қилиш операциялари;
- валюталарни сотиш ва сотиб олиш операциялари;
- банклардаги жамғармалар, кредитлар, инвестициялар ва бошка молиявий операциялар бўйича процент, дивиденд ва бошка даромадларни хорижий мамлакатларга, хорижий мамлакатлардан республикага эркин равишда ўтказиш;
- нотовар характерга эга бўлган операциялар бўйича операциялар – таълим олиш учун тўловлар, соғлиқни саклаш, сугурта, наслдорчилик ва бошқаларни амалга ошириш.

Республикада демак, жорий валюта операциялари бўйича миллий валюта конвертацияси амалга оширилмоқда.

«Капитал счети» бўйича миллий валюта ҳозирча конвертация килинмай, келгусида бу масала ҳам албатта ечилади.

Мълумки, мамлакатлар ўз миллий валюталарини конвертация қилишда конвертация қилиш жараёнида пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф этиш мақсадида стабилизацион фондни ташкил

этиш учун халқаро молиявий ташкилотларнинг – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланишади.

Ўзбекистон Республикаси эса бу молиявий ёрдамдан фойдаланмасдан ўз миллий валютасини жорий валюта операциялари бўйича конвертациясини амалга ошироқда.

Юқорида кайд этилганидек, мамлакат миллий валютасини конвертация қилиш учун унинг меъёрий-хукуқий базасини барпо қилиш мақсадида Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари қабул қилинган.

Ундан ташқари хорижий инвесторларнинг процент ва дивидендерларини, бошқа даромадларини республикадан эркин равишда олиб чиқиб кетиш имкониятлари кафолатланган ҳолда улар республикада қабул қилинган «Хорижий инвестициялар тўғрисида», «Хорижий инвесторларнинг ҳукукини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисида», «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги Конуларда ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ўзининг барпо этилган, жорий валюта операциялари бўйича конвертациялаштирилган миллий валютасига эга.

Келгусида республика олдида миллий валютанинг ички конвертациясини тўлиқ амалга ошириш ва ташки конвертациясини таъминлаш масаласи турибди.

Бу масалани ечиш учун халк хўжалиги барқарорлигини саклаб, макроиктисодиётни юкори суръатларда ривожлантириб, миллий валютанинг керакли даражада ички ва ташки конвертациясини аникловчи шарт-шароитларни барпо этиш лозим ва шунда миллий валютанинг конвертация қилинганлиги республиканинг социалиқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланади.

## **IV боб. РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **4.1. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари**

Маълумки, иқтисодий ислоҳотлар бир вақт мобайнида ишлаб чиқилади ва улар амалга ошириш даврида доимо таомиллашиб боради. Бу табиий холат, чунки иқтисодий ислоҳотлар амалга ошириш даврида янги социал-иқтисодий мақсад, вазифалар пайдо бўлади, жамиятни ривожлантиришда янги шарт-шароитлар барпо этилади ва табиийки, иқтисодий ислоҳотларнинг бир ечимлари амалиёт синовидан ўтмай қолади, иқтисодий ислоҳотларнинг янги йўналишлари, ечимлари пайдо бўлади. Худди шундай вазият Ўзбекистон Республикасига ҳам тааллукли.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асослари республикада 1990-1993 йилларда ишлаб чиқилди.

Республиканинг иқтисодий ислоҳотлари 1990-1995 йиллардан биринчи синовдан ўтди ва уларнинг асосланганлиги амалиётда тасдиқланди.

Юқорида таъкидланганидек, шу даврда республикада бозор иқтисодиётининг асоси барпо этилди, республика халқ хўжалиги барқарорланди, у иқтисодий инқироздан чиқа бошлади.

Республиканинг шу даврдаги социал-иқтисодий ривожланиш натижаларини таҳлил этиш шуни тасдиқладики:

Биринчидан, республикада ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларнинг тўғрилиги амалда кўрилди.

«... биз танлаб олган ўз янгиланиш ва таракқиёт йўлимиз ҳамда андозамиз тўғрилигини ҳаётнинг ўзи якъол тасдиқлади, ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларимиз одамларнинг манфаатларига мос бўлиб тушаётганлигини исботлади».<sup>1</sup>

Иккинчидан, республикада ишлаб чиқилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш объектив заруриятлиги сезилди. Буни эътиборга олиб И.А. Каримов кўрсатдиларки: «Хозир республика

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 141-142 б.

жамиятни ислоҳ қилишнинг навбатдаги боскичига изчил суръатда қадам кўйди. Иккинчи боскич – бу конуниятли ва бизнинг бош стратегиямиздан мантиқан келиб чиқадиган тараққиёт ва янгила-ниш йўлидан олға томон илгарилаб бориш давридир. Бу жамияти-миз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма томонларини ислоҳ қилиш жараёнини кенг қамраб олиш давридир»<sup>1</sup>.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг республика социал-иктисодий тараққиётининг асосий нати-жалари, қўлга киритилган ютуқлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги асосий йўнатишлари И.А. Каримов томонидан маҳсус ёзилган ва 1995 йилда чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли асарида ўз ифода-сини, ечимини топди.

Ўзбекистон республикаси иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш вазифалари сифатида И.А. Каримов қўйнагиларни асослаб берди:<sup>2</sup>

- давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасидаги бошланган ишларни охирига етказиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макро-иктисодий барқарорликни таъминлаш, ҳам корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш;
- миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётнинг структурасини тубдан ўзгартириш, ҳом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифати ва ракобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш;
- кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор толтириш.

И.А. Каримов ўз асарида бу вазифаларни бажаришда республика иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш, республиканинг социал-иктисодий тараққиётидаги асосий йўналишларни кўрсатиб берди.

Лекин 1995-1999 йилларда асосан республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш давом этди, уларни чуқурлаштириш

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 174 б.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 174-179 б.

жараёни 1999-2000 йилларда кенг миқёсда бошланди. 1999 йилдан бошлаб И.А. Каримовнинг аниқ кўрсатмаларига биноан республика иқтисодий ислоҳотлари чуқурлаштирила бошлади.

Бу борада И.А. Каримовнинг кўрсатмалари унинг 1999 йил 14 апрелда «Ўзбекистон Республикаси XXI асрга интилмоқда» деб аталган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чакириқ ўн тўртнинчى сессиясидаги, 2000 йил 1 февралда Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувоғиклаштирувчи Кенгащ йигилишидаги ва 2000 йил 11 февралда 1999 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида, 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir» ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузаларида янада ривожлантирилди.

И.А. Каримов 1999 йил 14 апрелдаги маърузасида таъкидлади: «Ислоҳотларнинг айнан босқичма-босқич амалга оширилиши, демократик ва бозор ислоҳотларини кучли ижтимоий сиёsat, аҳолининг ночор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб боришли ижобий натижалар бермоқда»<sup>1</sup>

Бу ижобий натижалар И.А. Каримовнинг фикрича қуйидаги лардан иборат:

- Республика мустақиллика эришди. Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.
- Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик социал тизимига барҳам берилди.
- Республика бозор тамойилларига асосланган демократик давлатнинг ҳуқукий ва амалий асосларини яратди.
- Республика бозор муносабатларига асосланган янги социал-иқтисодий тизимни барпо этишга эришди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 7-жилд. Тошкент, 1999, 379 б.

- Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамаятидаги нуфузи ва ўрнини олишга хизмат қиласиган ташқи ва ички сиёсат шакллантирилди ва амалга оширилмоқда.
- Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминловчи мутлақо янги тизим яратилди.
- Республика халқларининг тарихий, миллый ва ахлоқий қадриятлари тикланди.
- Республикада иқтисодий, сиёсий барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик шаклланди.
- Республикада иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулқдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқен ва ўрни мустаҳкамланмоқда.
- Республика фуқароларининг тафақкури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда.

Республика ютуклари билан бирга унинг олдида турган муммомлар борлиги табиий ҳол эди. Бу муммомларни ечиш учун республика иқтисодий ислоҳотлари чуқурлаштирилиши лозим эди. Бунинг учун унинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилиши керак эди.

Бу устувор йўналишлар тўғрисида тўхталиб, И.А. Каримов улар таркибида жамиятнинг барқарорлигини саклаш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, валюта бозорини эркинлаштириш, иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, кадрлар масаласини ечиш, жамият маънавиятини янада юксалтириш вазифаларининг объектив зарурлигини асослаб бердилар.

2000 йил 1 февралдаги, 2000 йил 11 февралдаги маърузаларида бу фикр-мулоҳазаларни янада конкретлаштириб, аниқлаштириб И.А. Каримов тъкидладиларки: «...биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иқтисодиётни ислоҳ килишнинг устувор йўналишлари бўйича ўз олдимизга кўйган мақсад ва вазифаларни асосан амалга ошириб бўлдик»<sup>1</sup>.

Лекин Ўзбекистон Республикасининг 1999-2006 йиллардаги социал-иктисодий ривожланишида, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида, замон талабларига жавоб берадиган, социал йўналти-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асаарлар тўплами, 8-жилд. Тошкент, 2000, 362 б.

рилган, кўп уқтадли бозор иқтисодиётини шакллантиришда ҳали ечилмаган муаммолар кам эмас эди. Улардан асосийлари қуидагилар:

- ҳафқ хўжалигининг ишлаб чиқариш, социал ва бозор иқтисодиётининг инфратузилмалари тўлиқ микёсда шакллантирилмаяпти;
- иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда расмиятчиликка, формализмга йўл қўйиш давом этмоқда;
- маъмурий бошқарув давом эттирилиб, бозор муносабатларига мосланган бошқарув принциплари тўлиқ шаклланмаяпти;
- жамият лъзолари, корхона, ташкилотлар фаолиятида бокимандалик психологияси йўқ қилинмаяпти;
- корхона, ташкилотлараро ракобат мухити тўлиқ шакллантирилмаяпти;
- корхона ва ташкилотлар фаолиятида давлат, ишлаб чиқариш ва технология интизоми тўлиқ таъминланмаяпти;
- фонд бозори, биржалар тизими бозор муносабатлари талаблар даражасида фаолият олиб бормаяпти;
- республика банк тизими замон талаблари даражасида ҳали шакллангани йўқ ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришда самарали таъсири ҳар томонлама амалга оширилмаяпти;
- корхона ва ташкилотлар фаолиятига давлат, хукумат органлари томонидан асоссиз аралашувлар давом этмоқда;
- республикада қабул қилинган қонун, фармон, қарорлар жойларда тўлиқ амалга оширилмаяпти;
- корхона ва ташкилотлар фаолиятида маркетинг ва менежмент тизимлари тўлиқ амалга оширилмаяпти;
- давлат, хукумат органлари ва юқори ташкилотларда коррупция ва порахўрлик йўқ қилинмаяпти;
- фермер хўжаликларини ташкил қилишда, ер ва бошқа ресурсларни тақсимлашда адолатсизликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди;
- республика лизинг компаниялари самарали фаолият кечирмаяпти;
- иқтисодий ислоҳотларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти;
- иқтисодиётта бошқарувда прогнозлаш, мувофиқлаштириш, баланслаштириш тизимларидан жуда кам фойдаланилмоқда;

– умуман кредит олишда, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлар томонидан имтиёзли кредитларни олишда түсікслар йўқ қилинмаяпти.

Бу муаммоларни бартараф этиш ва муаммоларни ечиш учун республика раҳбарияти томонидан аникланган йўналиш – бу республика иқтисодий ислоҳотларини ҳар томонлама янада чукурлаштиришдан иборатdir.

«Ҳозир бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз, – дейдилар И.А. Каримов – амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, сифат жиҳатидан янги босқичда ислоҳотларни чукурлаштиришнинг янги стратегиясини қабул қилишдан, унинг асосий фазифалари ва мақсадларини белгилаб олишдан иборат».<sup>1</sup>

Республиканинг келгусидаги истикболи республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш билан боғлиқлигини тасдиқлаб кўрсатдиларки: «Мен оддий бир ҳакиқатни тушуниб олишни истайман: эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш – бу бизнинг олға интилишишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни хал қилинишининг асосий шартидир».<sup>2</sup>

Бу маърузаларида И.А. Каримов республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни истиқболий чукурлаштириш йўналишларини: сиёсий, иқтисодий, давлат қурилиши, жамият манавияти, суд-хуқук соҳаси, республика ташқи сиёсати ва республиканинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича асослаб бердилар.

И.А. Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлиланган қўшма мажлисидаги маърузаларида республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг объектив зарурлигини тасдиқлаб дейдиларки: «Ўз-ўзидан аёнки, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз ҳалқининг тинчлиги ва фаронлигини таъминлашга интилаётган бошка давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага кўяётган талаб ва саволларга жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи такозо этмоқда...

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида Тошкент, 1995. 15 б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 8-жидд. Тошкент, 2000. 365 б.

Фақат ана шундай сиёсатгина ўз олдимизга қўйган узок муддатли мақсад-муддаоларимиз – Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришиш борасидаги зарур шарт-шароит ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат килиши мумкин»<sup>1</sup>

Шундай қизиб, республикада И.А. Каримовнинг юкорида таъкидланган кўрсатмаларига биноан иқтисодий ислоҳотлар қўйдаги устувор йўналишларда чукурлаштирилмоқда:

- Республика иқтисодиётини янада эркинлаштириш.
- Бозор иқтисодиёти инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш.
- Ташки иқтисодий алоқаларни янада эркинлаштириш, ривожлантириш.
- Агросаноат соҳасида иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш.
- Кичик бизнес ва тадбиркорлик тараққиётини рагбатлантириш.
- Кучли социал сиёсат самарадорлигини янада ошириш.
- Республика иқтисодиёти таркибини янада такомиллаштириш.

Юкоридаги барча устувор йўналишлар бўйича республикада иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштирилмоқда.

#### **4.2. Республика иқтисодиётини янада эркинлаштириш**

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш борасида республика иқтисодиётини янада эркинлаштириш катта аҳамиятга эга.

И.А. Каримов таъкидлайдиларки: «Ички сиёсатимиздаги энг муҳим йўналиш эса бу жуда чукур принципиал аҳамиятта эга – ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштириш, ўзбекча айтганда, эркинлаштириш ва яна бир бор эркинлаштиришдир».<sup>2</sup>

Республика иқтисодиётини эркинлаштириш – бу республика хўжалик субъектларининг фаолиятига давлат ва ҳукумат органларининг аралашувини чеклаш, камайтириш ва хўжалик субъектлари – корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, ҳуқукий мустақиллигини янада кенгайтиришдан иборатdir.

«Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади, – дейдилар И.А. Каримов, – биринчи навбатда давлатнинг бошқарув

<sup>1</sup> «Адолат» газетаси, 2007 йил, 21 август.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 12-жилд, 2004, Тошкент, 92 б.

ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавкеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир».<sup>1</sup>

Республика иқтисодиётини эркинлаштириш кўп қиррали, мураккаб бўлиб, у И.А. Каримов кўрсатмаларига биноан, қўйидагиларни ўз таркибига олади:

– мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш;

– ҳақиқий ракобат муҳитини шакллантириш;

– бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

– ташқи иқтисодий фаолиятни тубдан қайта кўриб чиқиш;

– валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш;

– хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш;

– давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашибни чеклаб қўйиш.

Маълумки, республика мустақиликка эришгандан сўнг мамлакат иқтисодиётини кенг миқёсда эркинлаштиришга тегишли эътибор ажратилмоқда ва бу борада керакли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Лекин республика ҳалқ хўжалиги баркарорлашгандан, республика иқтисодий инқироздан чиққандан сўнг, айниқса XXI аср бошланиши билан республика иқтисодий ислоҳотларининг чуқурлаштирилиши муносабати билан иқтисодиётни эркинлаштиришда янги босқич бошланди. Бу босқичда иқтисодиётни эркинлаштириш янги хусусиятларга, амалга ошириш янги услубларга эга ва бу босқичда янги вазифалар ечилмоқда. Уларни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштиришнинг асосий мақсади мулкдорлар синфини шакллантириш ва кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат. Бу муаммони ечишда асосий йўналиш – бу корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришdir.

Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бўйича ўзининг алоҳида сиёсатига эга.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 7-жисд. Тошкент, 1999. 381 б.

Республика иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни янада амалга оширилар экан, унинг хукукий базаси такомиллаштирилиши лозим эди ва бу масала республикада керакли даражада ечилди – Республика Қонунлари, Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

2000 йил 25 майдан «Гадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», 2003 йил 11 декабрда «Хусусий корхона тўғрисида», 2003 йил 24 апрелда «Банкротлик тўғрисида» (янги таҳрири) Республика Қонунлари қабул қилинди, 2006 йил 16 октябрда «Давлат корхонаси тўғрисида Низом» тасдикланди.

2001 йил 9 марта «2001-2002 йилларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», «2003-2004 йилларда Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Даствури тўғрисида», 2003 йил 26 октябрда «Паст рентабелли зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий иочор корхоналар ва объектларни хусусийлаштиришни тезлаштириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 йили 20 апрелда «Давлат мулки бўлган алоҳида иншоотларни бирламчи қийматда сотишни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 йил 25 июнда «Акциядорлик жамиятлари ва компанияларида давлат акциялари улусидан самарали фойдаланиш учун мониторинг фаолияти ташкил қилиш тўғрисида», 2003 йил 24 январда «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор аҳамияти ва улушини кескин ошириш тўғрисида», 2005 йил 14 июня «Бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва 2005 йил 14 марта «2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Даствури тўғрисида». 2006 йил 10 июля «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида», 2006 йил 11 января «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Республика Президенти Қарорлари қабул қилинди.

Юкорида қайд этилган Қонун ва Фармонларни амалга ошириш механизмларини аниклаш мақсадида 2000 йил 15 июля «Давлат мулкини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да», 2003 йил 18 апрелда «Иқтисодий ночор корхоналарни реструкциялаш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 йил 5 майда «Давлат мулки айрим обьектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2006 йил 16 октябрда «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даржада хисобга олиннишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2006 йил 10 марта «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳакида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари кабул қилинди.

Кўриниб турибдики, корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўли билан республика иқтисодиётини, эркинлаштириш борасида кўшимча ҳуқуқий база барпо этилди, уларга асосланиб республикада кенг микёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу қабул қилинган Конун, Фармон, Қарорларда республика корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасидаги сиёсати янада такомиллаштирилди, республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш, республика иқтисодиётини янада эркинлаштириш даврида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш йўналишлари, хусусиятлари ўз ифодасини топди.

1999 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 511-сонли «2000-2001-йилларда чет эл инвесторларини жалб қилиш йўли билан корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул килди, унда куйидаги муаммоларни ечиш кўзда тутилди:

- тендер ва биржа савдоси орқали бир гурӯҳ корхоналарни эркин конвертация қилинадиган валютага (СКВ) сотиш;
- хорижий инвесторлар фойдасини чет элга чиқиб кетишига (репортисидия) рухсат бериш;
- якка хусусийлаштириладиган корхоналар рўйхатини аниглаш;
- чет эл инвесторларига бевосита хусусий мулкка сотиладиган корхоналар рўйхатини ёки акциялар пакетини аниглаш;

- йирик корхоналарни якка хусусийлаштириш сиёсатига асосан амалга ошириш;
- тасдиқланган рўйхатга биноан хорижий инвесторларга давлат корхоналарини тўлиқ хусусий мулкка сотиш;
- Республика Президенти ҳузурида ислоҳотлаштириш ва инвестициялар бўйича тормоклараро мувофикалаштириш Кенгашини ташкил қилиш;
- якка хусусийлаштиришни амалга оширища халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш.

Кўриниб турибдики, республикада корхона, ташкилотларни давлат тасарруфидан чикариш, хусусийлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг учинчи босқичида асосий эътибор куйидаги йўналишларга сафарбар этилган:

Биринчидан, республикадаги бир гурӯҳ йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш.

Иккинчидан, йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чикариша, хусусийлаштиришда якка хусусийлаштириш шаклидан фойдаланиш.

Учинчидан, йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чикариш, хусусийлаштиришда хорижий инвесторларни кенг микёсда жалб қилиш.

Шу мақсада 400 дан ошиқ халқаро компаниялар республика давлат мулкини хусусийлаштиришда қатнишиш учун чакирилди.

Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки, Европа тараққиёт ва ривожланиш банки, Халқаро валюта фонди, Осиё ривожланиш банки ва бошқа халқаро ташкилотлар билан музокаралар ўтказилди.

Республикада амалга оширилаётган якка хусусийлаштириш шаклининг хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

- акциялар пакетини сотиш бўйича Давлат тендер комиссияси тайинланди;
- хусусийлаштириш тартиби Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банки билан келишилди;
- хусусийлаштириш жараёни кўп босқичли муроҳаза, келишувлар орқали ўтказилди;
- инвестицион банклар тендер ўтказишда консультацион ёрдам кўрсатишади;
- хусусийлаштириладиган корхоналар бўйича олдиндан индустрисл ва молиявий аудит ўтказилади;

- хусусийлаштириш бўйича тайёрланган хужжатлар потенциал сотиб олувчиларга тарқатилади;
- хусусийлаштириладиган корхоналар истиқболини эътиборга олувчи стратегик инвесторлар танланади;
- республикада якка хусусийлаштириш учун 18 та йирик корхоналар ажратилди.

Якка хусусийлаштириш шаклида бу корхоналар давлат тасарруфидан чикарilmокда, хусусийлаштириlmокда.

2003 йили 26 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб фаолият кечираётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларни хусусийлаштиришни янада жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карорида республикада амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнига, амалиётига янгилик киритилди. Унга биноан паст рентабелли, зарар кўриб фаолият кечираётган ва иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларни инвесторлар томонидан бўйнига олган инвестицион мажбуриятлар эвазига уларга бепул бериш амалга оширила бошлади.

**Корхона ва объектларни инвесторларга бепул бериш учун:**

- инвесторлар томонидан тавсия қилинган инвестицион мажбуриятларнинг асосланганлиги конкурс ўtkазиш йўли билан кўриб чиқилади;
- хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг кредиторлик қарзлари инвесторлар томонидан қопланиши лозим;
- инвестицион мажбуриятлар сифатида инвесторлар томонидан ўtkазилаётган маблағлардан солик ва тўловлар олинмайди.

Бундай янгиликни киритишдан мақсад – республикада амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнига ҳам хорижий, ҳам республикадаги инвесторларнинг маблағларини кенг миқёсда жалб қилишдан иборат.

Ундан ташқари бу хусусийлаштирилаётган корхоналар ва объектлар илгари барпо этилиб, уларнинг техникавий, моддий, ташкил қилиниш даражаси замон талабларига жавоб бермайди ва уларни тубдан соғломлаштириш учун республика ҳозирги пайтда тегишли имкониятларга эга бўлмаганлиги эътиборга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йили 17 апрелда қабул қилинган «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш Дастури тўғри-

сида»ги қарорида давлат тасарруфидан чиқарилаётган, хусусий-лаштирилаётган корхоналар тўрт гурӯҳга бўлинган:

- хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг устав фондидаги давлат улуши ва жойлаштирилмаган акцияларни биржада ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотилиши лозим корхоналар;
- биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотиладиган давлат корхоналари ва объектлари;
- хусусийлаштириладиган корхоналарнинг устав фондидаги давлат улуши 25 фоиздан 51 фоизгача сакланадиган корхоналар;
- стратегик аҳамиятга эга хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг устав фондидаги давлат улуши 51 фоиз ва ундан юқори даражада сакланадиган корхоналар.

Бу қарорга биноан, бозор муносабатларининг талабларидан келиб чиқиб, хусусийлаштирилаётган корхоналарни хусусийлаштириш жараёнига олдиндан тайёрлаш, уларни ишлаб чиқариш ва молиявий согломлаштириш чора-тадбирлари кўтарилган.

Ундан ташқари инвесторларни рағбатлантириш мақсадида тендер савдоларни ўтказиш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига биноан инвесторлар томонидан хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг техникавий даражасини кўтаришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга мўлжалланган инвестицион мажбуриятларини эътиборга олиб, сотилаётган корхона ва объектларнинг номинал нархи қисқартилиши мумкин.

Шу қарорга биноан хусусийлаштирилаётган корхоналарда сакланаётган давлат активларидан фойдаланиш самарадорлигини кўтариш чора-тадбирлари ҳам кўзда тутилган.

2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида хусусий корхоналарнинг тарифи, уларнинг ташкил қилиниши, давлат рўйхатидан ўтказилиши, меҳнат муносабатлари, хусусий корхоналарнинг фаолияти эркинлигининг кафолатлари, хусусий корхоналарнинг бирлашуви ва тугатилишининг хуқуқий асослари ўз ифодасини топган.

2004 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат мулкининг алоҳида объектларини бепул сотишни тезлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида:

- конкурс асосида қабул қилинган инвестицион мажбуриятлар эвазига бепул сотиладиган корхона ва объектлар рўйхати тасдиқланди;

– бепул хусусийлаштиришга ажратилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш жараёнига тайёрлаш максадида бу корхона ва объектларни ва улар жойлашган ер участкаларни реструктуризация қилиш, улардан йирикларини алоҳида кичик корхоналарга бўлиш ва бу корхоналарни хусусийлаштириш шарт-шароитларини тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссияси орқали чет эл инвесторларига етказиш кўзда тутилди;

– бу ажратилган корхона ва объектларни ўз вактида ва самарали хусусийлаштириш мақсадида тендер савдоларини ўтказувчи Давлат комиссиясига инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестицион мажбуриятларнинг ўз вактида амалга оширилиши, хусусийлаштириш тартибини амалга ошириш устидан мониторинг ташкил қилиш вазифалари топширилди;

– республика миқёсида 300 дан ошиқ корхоналар ва объектлар қабул қилинган инвестицион мажбуриятлар эвазига бепул хусусийлаштириш режалаштирилди.

2005 йил 14 июнда қабул қилинган «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш соҳасида устувор йўналишларни реализация қилишни тезлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида республикада бозор ислоҳотларини чукурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар маъқулланиб, бу жараённи янада жадаллаштириш мақсадида республикада тайёрланган янги 8 та Ўзбекистон Республикаси Конунлари, 13 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари, 9 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, 8 та идоралар меъёрий хужжатлари тасдикланиши кўзда тутилди ва шу муносабат билан илгари қабул қилинган 15 та Республика Конунлари, 3 та Республика Президенти Фармонлари, 11 та Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 10 та идора меъёрий хужжатлари бекор қилинди ёки уларга ўзгартиришлар киритиш кўрсатилди.

Ундан ташқари бу Фармонда И.А. Каримовнинг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузалида кўтарилиган муаммоларни бажариш мақсадида республикада қабул қилинган 14 та Республика Президенти Қарорлари ва Фармонлари, 5 та Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва

4 та идора меъёрий ҳужжатлари эътиборга олиниб, уларни амалга ошириш зарурияти кўрсатилди.

2006 йил 10 июлда қабул қилинган «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига биноан:

– хусусий мулкка сотиладиган давлат активлари жойлаштирилмаган корхона ва объектлар (117 та), 2006-2007 йилларда қабул қилинган инвестицион мажбуриятлар эвазига бепул сотиладиган корхона ва объектлар (105 та), 2006-2009 йилларда тендер савдолар ўтказиш Давлат комиссиясининг Қарорларига биноан давлат активлари жойлаштирилмаган, стратегик ахамиятта эга бўлган хусусий мулкка сотиладиган корхона ва объектлар (121 та) рўйхатлари тасдиқланди.

– Республика ва йирик корхоналар касаба уюшмаларига топшириладиган ва тугатиладиган, биржалар орқали сотиладиган, болаларни соғломлаштириш лагерлари рўйхати тасдиқланди.

Қабул қилинган қонун, фармон, қарорларга биноан ва Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган нутқларида кўйилган вазифалардан келиб чиқиб, республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, модернизациялаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни янада чукурлаштиришга бағишлиган Дастур тузилди ва у амалга оширилмоқда. Бу Дастурга биноан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш учун 3728 йирик давлат корхоналари ва объектлари аниқланиб, улар беш гурухга ажратилди:

– илгари хусусийлаштирилган ва давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам бўлган 1391 (37,3 фоиз) та корхоналарни хусусийлаштириш;

– давлат улуши 50 фоиз ёки ундан ортиқ бўлган 645 (17,3 фоиз) та корхона ва объектларни фонд биржаси ва иккиламчи бозор орқали хусусийлаштириш;

– давлат улуши 25-50 фоиз даражасида сакланган ҳолда 638 (18,3 фоиз) та корхоналарни хусусийлаштириш;

– 644 (17,3 фоиз) та иқтисодий стратегик корхоналарни индивидуал график асосида, авваламбор, хорижий инвесторларга, дав-

лат улуши 51 фоиздан ортиқ даражада сақтаб қолищ шарти билан хусусийлаштириш;

– охирги йилларда иқтисодий ночор ҳолатда фаолият кечирайтган 365 (9,8 фоиз) та корхоналарни ноль қийматда хусусийлаштириш.

Бу Дастанни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида 2005 йил 14 июнда Республика Президентининг «Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Бу Фармонга биноан қабул қилинган Дастанни амалга ошириш учун яна керакли қонун ҳужжатлари, норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни тегишли тартибда тасдиклаш ва уларни ижро этиш вазифалари аникланди.

Бу вазифаларни бажариш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2006 йил 10 июлда «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштириш тўғрисида»ги Қарор қабул қилиб, унда:

– давлатнинг жойлаштирилмаган активлари тўлалигича хусусий мулк қилиб сотиладиган корхона ва объектлар аникланди;

– давлатнинг жойлаштирилмаган активлари инвесторлар томонидан олинадиган инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган корхоналар ва объектлар тасдикланди;

– устав жамғармасида жойлаштирилмаган давлат активлари Давлат тендер комиссияси қарори бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш билан хусусий мулк қилиб сотиладиган стратегик аҳамиятга эга корхоналар аникланди.

Хозирги пайтда бир гурӯҳ йирик корхоналар, шу жумладан стратегик тармоқлар корхоналари давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган экан, уларнинг республика иқтисодиётидаги ўрнини, хусусиятларини эътиборга олиш мақсадида 2007 йил 27 июнда Республика Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнини чукурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва республикада амалга оширилаётган корхоналарни хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни янада кенгрок жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июнда Республика Президентининг «2007-2010 йилларда хусусийлаш-

тириш жараёнларини янада чукурлаштириш ва хорижий инвесторларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

Шундай килиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнидаги ўзгаришлар, қуйидагилардан иборат:

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни амалга ошириш суръатлари жадаллаштирилди.

2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвестицияларни жалб этиш кенгайтирилди.

3. Иқтисодий стратегик корхоналар индивидуал график асосида хорижий инвесторларга давлат улуши 50 фоиздан ортиқ даражада саклаб қолиниши шарти билан хусусийлаштирилмоқда. Бу чора-тадбир республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиниши объектив заруритлигидан келиб чиқиб, хорижий мамлакатлардан янги техника ва янги технологияларни стратегик тармокларга кенг микёсда келтириш ниятида амалга оширилмоқда.

4. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга мўлжалланган заар кўриб фаолият кечираётган, иқтисодий начорликка учраган корхоналарни олдиндан молиявий соғломлаштириб, оёққа кўйиб, кейин давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Бу боради И.А. Каримов 1995 йили таъкидлаган эдиларки: «Давлат иқтисодиётининг кўпинча иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим рол ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни кўллаб-куватлаш ҳамда уларни саклаб туриш ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олиши керак».<sup>1</sup> Ҳақиқатан ҳам ҳозирги пайтда давлат тасарруфидан чиқарилгаётган, хусусийлаштирилаётган иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. лекин бу чора-тадбирлар ҳали замон тажрибаси даражасида эмас.

5. Илгари давлат тасарруфидан чиқарилган, хусусийлаштирилган, акциядорлар жамиятларига айлантирилган корхоналарнинг акциялари таркибидаги давлат улушкини камайтириш ва республика иқтисодиётидаги хусусий сектор саломгини кўтариш. Шу мақсадда илгари хусусийлаштирилган ва давлат улушки 25 фоиз ёки ундан кам бўлган корхоналар, давлат улушки 50 фоиз ёки ундан кўп

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида, Тошкент, 1995, 44 6.

бўлган корхоналар, давлат улуши 25-50 фоиз даражасида сакланган холда корхоналар, давлат улуши 51 фоиздан ортиқ даражада сакланниб қолиши шарти билан стратегик корхоналар ва иқтисодий начор корхоналар хусусийлаштирилмоқда.

6. Маълумки, республикада ўз вактида барпо этилган, ишлаб чиқариш ускуналари жисмоний ҳамда маънавий эскирган, жозибадорлик хусусиятига эга бўлмаган корхоналар кам эмас. Уларни модернизация қилиш, жозибадорлик даражасини кўтариш учун ҳозирги пайтда давлат маблаглари ва бошқа манбалар чегараланганд. Бу корхона ва объектларни сақлаб қолиш ниятида уларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш эвазига ноль қийматда хусусийлаштириш республика амалиётида биринчи марта амалга оширилмоқда.

7. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхона ва объектларни салоҳиятли инвесторлар томонидан сотиб олишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мол-мулк кўмитасига бу корхона ва объектларни бирламчи қийматда, бозорда сотиб олиш нархини камайтириб бериш хукуклари юкланганд. Шу мақсадда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида қатнашаётган инвесторларга нисбатан солиқ ва божхона муаммолари бўйича қўшимча преференциялар аниқланди ва хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlар олдидаги ишончсиз қарзларини кечириш тўғрисида тегишли ёрдам кўрсатилмоқда.

8. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида қатнашаётган инвесторга нисбатан юқорида қайд этилган шарт-шароит ва имтиёзлар билан бирга уларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Масалаи, бу инвесторларда сотиб олинган корхоналарнинг истиқболи бўйича асосланиб тузилган Бизнес – режаларнинг борлиги ва олинган инвестицион мажбуриятларни ўз вактида бажариш. Бу талабларни амалга ошириш мақсадида инвесторлар томонидан олинган инвестицион мажбуриятларни бажариш устидан мониторинг ташкил этилган.

Хорижий инвесторлардан самарали фойдаланиш тўғрисида гап борар экан, яна бир нарсага этибор бериш лозим. Жалб қилинаётган инвесторлар икки турда бўлиши мумкин: «портфелли» ва «стратегик» инвесторлар.

«Портфелли» инвесторлар корхона акцияларини сотиб олиб, уларга ажратиладиган дивидендлар билан қаноатланади, корхона фаолиятида фаол қатнашмайды, «стратегик» инвесторлар корхона фаолиятида актив қатнашиб, унинг самарадорлигини күтаришга ўзларининг ҳиссаларини кўшадилар.

Демак, республикада кенг равишда «стратегик» инвесторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кўриниб турибдики, республикада корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳотларнинг алоҳида йўналиши бўлиб, у иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришда, республика иқтисодиётини эркинлаштиришда асосий омиллардан бирига айланди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш давлатнинг хўжалик субъектлар фаолиятига аралашувини камайтириш орқали ҳам ўз ифодасини топади, амалга оширилади.

Давлатнинг аралашувин у мумдавлат миқёсида, алоҳида тармоқлар – вазирликлар, идоралар миқёсида, алоҳида корхона, ташкилотларга нисбатан бўлиши мумкин.

У мумдавлат миқёсида давлат аралашувининг чегараланиши республикада икки йўлда амалга оширилмокда.

1. Давлат вазифа, функцияларининг бир қисмини маҳаллий бошқарув органларларига йўналтириш.

2. Давлат вазифа, функцияларининг бир қисмини нодавлат, жамоа органларига йўналтириш.

Бу жараённинг табиийлигини таъкидлаб, И.А. Каримов шундай дейдилар: «Янги жамиятимиз ривожланган, юксак босқичларга кўтарилган сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли, аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўринини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, у жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур»<sup>1</sup>.

Республика иқтисодиётининг алоҳида тармоқлари: саноат, кишлок хўжалиги, қурилиш, социал соҳалари: ҳалқ таълими, сонглиқни саклаш бўйича бу тармоқ соҳаларни ривожлаштириш, уларга бошқарувликни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган карорларда, тасдиқланган дастур ва концепцияларда бу тармоқлар корхоналарининг, бу соҳалар муассасаларининг фаолияти эркинлигини кенгайтириш, улар фаолиятига давлат органлари томонидан ўринсиз аралашувни чегаралаш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами, 10-жилд, Тошкент, 2002., 157 б.

Алоҳида корхона ва ташкилотларга нисбатан бошқарув тизимиини такомиллаштириш, уларга нисбатан давлат аралашувини чегаралаш, демак, улар иқтисодий эркинлигини кенгайтириш максадида республикада чора-тадбирлар қуйнадаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

– янги ташкил қилинаётган хўжалик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши ташкил қилиш, бу жараённи доимо такомиллаштириш ва соддалаштириш;

– давлат мамлакатда асосий ислоҳотчи функциясини бажаарар экан, хўжалик субъектлари томонидан республикада қабул қилинган қонун-қарорлар, меъёрий хужжатлар бажарилиши устидан назоратни ташкил қилиш ва бу назорат тизимиини доимо енгиллаштириб бориш;

– бозор муносабатлари даврида умуман иқтисодиётга бошқарувликда давлат қўлидаги иқтисодий, сиёсий қуроллар пул-кредит, солик, молия ва нарх-наво сиёсати ҳисобланади;

– корхона ва ташкилотларнинг фаолиятига давлат банк фоизларини ўзгартириш, солик сиёсати орқали таъсир кўрсатади;

– бозор муносабатлари даврида маълумки, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга кўрсатилган хизматларга нарх-наволар давлат томонидан тасдиқланмасдан, асосан эркин равишда талаб ва таклифдан келиб чиқиб аникланади. Лекин шунга қарамасдан бозор муносабатлари шароитида ҳам давлатнинг нарх-наво сиёсати аниқ бир шаклда сакланиши лозим ва бу сиёсат орқали давлатнинг корхона ва ташкилотлар фаолиятига таъсири табиийdir.

Хўжалик субъектлари томонидан солик тўлаш табиий ҳол. лекин давлат солик юкини тегишли даражада ушлаб туриб, солик сиёсати орқали давлат ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириши лозим.

Республика иқтисодиётини эркинлаштириш иқтисодиётда бошқарув тизимиини такомиллаштириш орқали ҳам амалга оширилмоқда. Бу борада ҳам республикада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, бошқарув органлари қисқартирилмоқда.

Факат 2001-2005 йиллар мобайнида бошқарув ходимларининг умумий сони 75 минг кишига ёки 35,5 фоизга, шу жумладан республика органлари бўйича 21 фоиз, маҳаллий бошқарув органлари бўйича 63,5 фоиз, хўжалик бошқарув органлари бўйича 30,5 фоизга қисқартирилди.

Кўриниб турнибди, республикада бошқарув орқали давлат органлари томонидан хўжалик юритувчилар фаолиятига аралашувни камайтириш, такомиллаштириш кўп киррали жараён бўлиб, бу борада республикада керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикада қабул қилинган Президент Фармонлари, Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига биноан ташкил қилинаётган корхона ва ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими такомиллашмоқда, шу мақсадда тайёрланадиган хужжатлар сони камайтирилмоқда, топшириладиган хужжатларни кўриб чиқиши муҳлати қисқартирилмоқда.

Республика корхона ва ташкилотларининг ташкил қилинишини бозор муносабатларига мослаш нуктаи назардан республикада 1990 йили қабул қилинган «Корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни бекор қилиниб, 2003 йил 11 декабрда «Хусусий корхона тўғрисида»ги Конун қабул қилинди ва «Давлат корхонаси тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Бу хужжатлар давлат ва но-давлат корхоналарига нисбатан бошқарувни ташкил қилишда катта аҳамиятта эга.

Иқтисодий – ижтимоний ривожланишда умуман, бозор иқтисодиётида айниқса, хўжалик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратининг бўлиши бу табиий ҳолат. Айниқса, бу ҳолат бозор муносабатларига ўтиш даврига тааллуқли. Чунки бу даврда жамият ривожланиши, бозор иқтисодиёти шаклланиши ҳукуқий базаси аста-секин барпо этилади ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг онги ҳукуқий базага нисбатан аста-секин мослашиб боради. Шу сабабли хўжалик субъектлари томонидан қабул қилинган Конун, Фармон, Қарор ва бошқа меъёрий хужжатларни бажариш устидан назорат олиб бориш объектив зарурият ва катта аҳамиятга эга бўлади.

Республикада назорат тизимини замон талабларига жавобан шакллантириш мақсадида Республика Президентининг тегишли Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди, улар аматга оширилмоқда.

Маълумки, республикада назорат вазифасини бажарувчи ташкилотлар 40 тага яқин. Бу шароитда назорат жараёнини йўлга кўйинш, аниқ бир тизимга айлантириш жуда оғир масала. Лекин бу борада қилинган ишлар кам эмас. Йилдан-йилга текширишлар сони камаймоқда, улар республика, вилоятлар, соҳалар бўйича режалаштирилмоқда. Бутун текшириш жараёнини мувофикалаштириш Ўзбе-

кистон Республикаси Давлат Солиқ Кўмитасига юқлатилган. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан назорат соҳасида давлат органларининг хўжалик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашуви давом этмоқда.

«...давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин камайтириш бўйича юқорида қўйилган мақсадларга эришиншта давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувига тўла барҳам бериш мухим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда...

Бизнинг асосий мақсадимиз шундан иборатки, ўз сармоясини аниқ бир ишга йўналтириб, ўзининг мулки ва маблагини ўртага қўяётган тадбиркор ҳар қандай даражадаги давлат амалдори, ҳеч қандай текширувчи унинг мулки ва бизнесига даҳт килишга ҳаки йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак»,<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар И.А. Каримов.

2005 йили 2001 йилга нисбатан текширувлар сони 2.5 баробардан кўпроқ камайди. Хўжалик субъектлари томонидан топшириладиган давлат статистик ҳисботларининг умумий сони икки баробар, ойлик ҳисботлар сони 5 баробар қисқарди, рухсат бериш билан боғлиқ 12 та процедура бекор килинди.

Ягона солиқ тўловларининг жорий этилиши муносабати билан солиқ идораларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоб-китоблари бўйича ҳужжатлар сони 10 баробар қисқартирилиши лозим.<sup>2</sup>

Маълумки, илгари корхона ва ташкилотлар давлат режаларига биноан маҳсулот ишлаб чиқарганлар, ишлаб чиқарилган маҳсулот асосан давлат буюртмалари бўйича харид қилинган.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан бу ҳолат ўзгарди. Масалан, қишлоқ хўжалигида давлат буюртмалари фақат дон ва пахтага қисман сақланди. Бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш эркин равишда аниқланиб, шу билан бирга давлат эҳтиёжлари эътиборга олинади. Демак, бу борада ҳам давлат органларининг аралашуви йилдан-йилга камаймоқда.

Юқорида таъкидланганидек, давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришга аралашуви маҳсулотларга нарх-наво сиёсати орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистоннинг бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидан фарқи давлат томонидан тасдиқланадиган нарх-наво тизимидан

<sup>1</sup> Ўзбекистон овози газетаси, 13 февраль 2007 й.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 14-жилд. Тошкент. 2006, 165-167 6.

эркин, шартнома нархларга бир вактда эмас, 1992-1994 йилларда аста-секин ўтилди.

Лекин ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг аксарият кўп қисми бўйича эркин – шартнома нархларга ўтилди.

Давлат томонидан иқтисодиётга таъсир кўрсатиш қуролларидан бири – бу пул-кредит сиёсатидир.

Мамлакатда банк сиёсати умуман давлат томонидан шакллантирилади. Лекин банк тизими орқали давлатнинг иқтисодиётга аралашуви банк ставкаси сиёсати орқали амалга оширилади.

Маълумки, банклардан олинган кредитларга кредит олувчилар аниқ даражада фоиз тўлайдилар. Лекин бу фоизлар давлат томонидан қайта молиялашга тасдикланган ставкаларга боғлиқ. Бу ставкалар юқори, паст бўлиши, ўзгариб туриши мумкин.

Қайта молиялаштириш фоизи давлат томонидан аниқланиб, банк тизими фаолияти йўналишини аниқлайди. Масалан, 1991-2008 йилларда республикада қайта молиялаштириш ставкаси 32 дан 14 фоизгача қискартирилди. Демак, шу даврда берилган кредитларга олинадиган фоизлар доимо камайиб борди ва хўжалик субъектлари кредитлардан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Бу тенденциянинг кейин хам давом этиши замон талабидир.

Пировардида давлатнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири, аралашуви солик сиёсати орқали амалга оширилмоқда ва давлат ўзининг солик сиёсатини доимо такомиллаштириб бориши натижасида корхоналар фаолиятига солик юки доимо камайиб бормоқда, буни қўйидаги жадвал маътумотларидан кўришимиз мумкин.

#### 4.2.1-жадвал.

##### Ўзбекистон Республикасцда солик юки (солик суммаси язни ички маҳсулотга ишбатан, фоиз хисобида)

Йил	Солик юки даражаси	Йил	Солик юки даражаси	Йил	Солик юки даражаси
1991	49,1	1998	31,0	2005	22,6
1992	31,6	1999	29,3	2006	21,3
1993	36,0	2000	28,0	2007	20,9
1994	29,2	2001	25,7	2008	23,2
1995	29,8	2002	25,0	2009	22,6
1996	34,3	2003	23,8	2010	21,8
1997	30,0	2004	22,6		

Кўриниб турибдики, 1991-2010 йилларда республикада солик юки – республикада йигилаётган соликларни республика ялпи ички маҳсулотига нисбати икки маротабадан кўпга қисқартирилди. Демак, республикада олиб борилаётган давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтиришга доир сиёсати натижасида иқтисодиётга солик юкини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган.

Республикада солик юки даражасини камайтириш, соликларни ҳисоблаш механизmlарини такомиллаштириш, соликларнинг фискал функцияларини қисқартириш ва соликларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш билан бирга амалга оширилмоқда.

Солик юкини камайтириш оқибатида корхона ва ташкилотларнинг пул жамғармалари тежалмоқда ва тежалган маблағлардан корхона ва ташкилотларнинг техникавий даражасини, фаоллигини кўтариш учун фойдаланилмоқда.

Солик юкини камайтириш натижасида 2005 йили корхоналар ихтиёрида 130 млрд. сўм, 2006 йилда 250 млрд. сўм маблағлар қолдирилди ва улар корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдиришга ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланилди. Бундай чора-тадбирлар кейинги йилларда ҳам амалга оширилди.

И.А. Каримов ўзларининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги мърузаларида таъкидладиларки: «Инқирозга карши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солик имтиёzlари ва проференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортик маблағ хўжалик субъектлари тасаррufида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди».<sup>1</sup>

Республикада иқтисодий ислоҳотлар келгусида чуқурлаштирилар экан, демак, республиканинг солик сиёсати ҳам такомиллашиб боради. «Солик сиёсатини янада эркинлаштириш ва солик органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади» – дейди И.А. Каримов.<sup>2</sup>

Шу мақсадда 2005 йил 7 январда С-2108-сонли Ўзбекистон Республикаси Солик Кодексининг янги таҳририни тайёрлаш тўғри-

<sup>1</sup> «Халқ сўми» газетаси, 2010 йил, 30 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон овози газетаси, 2007 йил, 13 февраль.

сида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг Фармони қабул қилинди, ва унга биноан республикада солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича қуидаги асосий йўналишлар аниқланди:

- солиқ тизимини шакллантиришда аниқ аҳамиятли текширилган тамойиллар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш;
- солиқ юкини янада пасайтириш;
- соликларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш;
- самараисиз солиқ ва йигимларни бекор килиш;
- солиқ кодексининг тўғридан-тўғри амал қилинишини тъминлаш;
- соликларни ҳисоблаш қоидалари ва тўлаш тартибини унификация қилиш йўли орқали солиқ тизимини соддалаштириш;
- солик тўловчилар учун соликка тортиш шартларини тенглаштириш;
- соликлар бўйича асоссиз имтиёзларни бекор килиш;
- тадбиркорларга бизнесларини прогноз қила олиш имконини берадиган барқарор солиқ тизимини барпо қилиш;
- солик маъмуриятини такомиллаштириш;
- соликларни йигувчанлик даражасини ошириш;
- давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фонdlарга тегишли соликлар ва йигимларнинг тўлиқ ҳажмда тушимини тъминлаш;
- соликка тортишдан қочищ имкониятларини қисқартириш.

И.А. Каримов иқтисодиётни эркинлаштириш, давлат аралашувини камайтириш жараёни факат ҳозирги эмас. келгуси даврнинг вазифаси экантигини тасдиқлаб шундай дейдилар: «Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошкарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига, аралашувини чеклашдан иборат.

...Бунинг учун тегишли ҳукукий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиз керак».<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг алоҳида йўналиши сифатида республика иқтисодиётини янада эркинлаштириш амалга оширилмоқда ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар 1999-2009 йилларда республикада макроиктисодиёт барқарорлигини сақлаб қолиб, республика иқтисодиётини юқори суръатларда ривожлантиришни тъминламоқда.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами 8-жилд. Тошкент, 2000, 337 б.

#### **4.3. Бозор иқтисодиёти инфратузилмасини тўлиқ шакллантириш**

«Инфраструктура комплекси – иқтисодиётимизнинг бутун структураси таянадиган пойдеворидир» деб таъкидлайди И.А.Каримов.<sup>1</sup>

Шу сабабли бозор иқтисодиёти инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари мустакиллик даврида ҳамма вакт Республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, айниқса Республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида кенг микёсда, комплекс равишда амалга оширитмоқда.

Бу борада бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг асосий элементи бўлмиш Республика банк тизимини янада такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштиришда асосий устувор йўналишга айланди.

Бозор муносабатларига мосланган банк тизимини шакллантириш мақсадида кенг микёсда хуқуқий-меъёрий хужжатларнинг қабул қилинишига қарамасдан Республикада банк тизимини такомиллаштириш учун янги хуқуқий – меъёрий хужжатлар қабул қилинмоқда.

1999-2009 йилларда – Республика иқтисодий ислоҳотларини янада чуқурлаштириш даврида 2003 йил 5 марта «Фукароларнинг банклардаги пул маблағларини кафолатлаш тўғрисида»<sup>2</sup>ги, 2003 йил 11 декабрда «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (янги таҳрири), 2002 йил 4 апрелда «Кредит уюшмалари тўғрисида»<sup>2</sup>ги, 2006 йил 6 майда «Истеъмол кредити тўғрисида», 2006 йил 15 сентябрда «Микромолиялаш тўғрисида», 2006 йил 4 октябрда «Ипотека тўғрисида», 2008 йил 22 июля «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуналари қабул қилинди ва уларни амалга ошириш йўналишларини аниклаш мақсадида 2005 йил 15 апрелда «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 6 майдан «Ипотека кредити беришни қўллаб-куватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 5 августда «Банклардаги

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлдида Тонкент, 1995, 240 б.

депозит хисобвараклардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз тъминлаш кафолати тўғрисида», 2005 йил 15 апрелда «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташкари айланмасини кискартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2006 йил 27 сентябрда «Қимматли қоғозларнинг иккиласмчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 12 январда «Ахоли ва хўжалик субъектларини банк тизимиға ишончини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 12 июлда «Банкларнинг капиталлашуви янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 7 ноябрда «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 11 январда «Давлат-тижорат халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 20 февралда «Тижорат банкларида ахоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини тъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2008 йил 27 марта «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни тъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2008 йил 13 августда «Ўзбекистон акциядорлик – тижорат саноат қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлар тўғрисида», 2008 йил 8 октябрда «Пахта-банк ва Галла – банк акциядорлик – тижорат банкларнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 31 октябрда «Ахоли омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўtkазиш тўғрисида», 2008 йил 13 ноябрда «Асака давлат акциядорлик – тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 30 марта «Қишлоқ қурилиш банк тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида», 2009 йил 30 марта «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва 2006 йил 25 апрелда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида», 2008 йил 28 ноябрда «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини тъминлашга онд чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 20 февралда «Тижорат банкларида ахоли омонатларини либераллаштириш

ҳамда кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2008 йил 10 ноябрда «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари қабул қилинди. Уларни амалга ошириш механизмларини аниклаш мақсадида 1999 йил 15 январда «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида», 2001 йил 22 январда «Накд пул муомаласини кучайтириш ва тижорат банкларнинг жавобгарлигини кўтариш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2002 йил 7 ноябрда «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган кишлоп хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 4 февралда «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 24 сентябрда «Пластик карточкаларга асосланган ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 йил 23 апрелда «Қарз олувчилярнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 9 июлда «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 19 февралда «Микромолия хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 8 июня «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Банк тизимини ислоҳотлаштиришнинг учинчи босқичи 1999 йилдан бошланиб, бу босқич Республика Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳотлаштириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳотлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бу қарор билан тасдикланган «2000-2003 йилларда банк тизимини ислоҳотлаштириш хукумат Дастури» билан боғлиқ.

Банк тизимининг бу босқичи йўналишлари, мазмуни, шу даврдаги республика ижтимоий-иктисодий ривожланиши хусусиятлари билан аникланди. Бу хусусиятлар юйидагилардан иборат эди:

– бу давр республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш давридир;

- халқ хўжалигининг барқарорлашганлиги ва макроиктисодиёт тараққиётининг таъминланганлиги;
- республикада ижтимоий йўналтирилган кўп укладли бозор иқтисодиётининг шаклланганлиги;
- бозор иқтисодиёти, банк тизими инфратузилмаларининг мавжудлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий бирлашмасига, жаҳон бозор иқтисодиётига кириб борганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия-банк ташкилотлари билан хамкорлигининг кучайганлиги.

Республиканинг бу мавжуд хусусиятлари банк тизимини ислохотлаштиришни мураккаблаштиради ва банк тизими олдига янги вазифаларни кўяди.

Республика банк тизими ислохотларини чукурлаштиришда куйидаги вазифалар кўтарилиган:

- банкларни давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш ва бу жараёнга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш билан амалга ошириш;
- тижорат банклар фаолиятида корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва тижорат банкларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш;
- фоизлар ставкасини такомиллаштириш, тижорат банклари ликвидигиня тартибга солиш, кымматли когозлар бозори ликвидигини кўллаб-куватлаш мақсадида молиявий бозорни тартибга солиш, пул – кредит методларини такомиллаштириш;
- банклараро алокаларни такомиллаштириб, банклараро ракобатни ривожлантиришга шарт – шароитлар яратиш;
- тижорат банкларининг фаолияти учун ахборот базасини шакллантириш ва тижорат банклар фаолияти очиқлигини таъминлаш;
- тижорат банкларининг кредит-инвестиция фаолиятини кучайтириш, улар фаолиятини универсациялаш, коммерсациялаш, ва кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш;
- банклар фаолиятини такомиллаштириш ва банклар фаолиятида стратегик ва тактик дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;
- республика банк тизимини такомиллаштириш дастурининг бажарилишини таъминлаш ва банк тизимининг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги таъсирини кучайтириш.

Республика банк тизимини ислоҳотлаштиришни мувоғиқлаштириш, унинг йўналганинги, асосий вазифаларини, муаммоларини ҳар томонлама асослаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январда қабул қилинган «Банк тизимини янада ислоҳотлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан банк тизимини ислоҳотлаштириш Республика Комиссияси ташкил этилди, бу комиссия ўз таркибига 14 та кичик (ёрдамчи) комиссияларни олган эди.

Булар:

1. Банк тизимини тартибга солиш ва банк назорати самадорлигини тъминлаш.
2. Тижорат банкларни тартибга солиш.
3. Банк рақобатини ривожлантириш ва мижозлар билан шериклик алоқаларини такомиллаштириш.
4. Тижорат банкларини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш.
5. Иқтисодиётдаги ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқларни молиялаштиришда тижорат банклари ролини кучайтириш.
6. Банк операцияларининг суғурта килиш тизимини ривожлантириш.
7. Банк тизимига хизмат қилувчи молиявий инфратузилмани ривожлантириш.
8. Тижорат банклари фаолиятини хуқукий тъминлаш.
9. Банк тизимининг ахборот – компьютер инфратузилмасини ривожлантириш.
10. Банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.
11. Минтақа банк муассасаларини ривожлантириш.
12. Банк тизими менеджментини такомиллаштириш ва банк соҳасининг институционал асосларини кучайтириш.
13. Экспорт – импорт операциялар ва халқаро корреспондентлик алоқаларини ривожлантириш.
14. Банклар валюта ликвидлигини кучайтириш.

Бу кичик комиссияларнинг вазифалари аниқланган.

Республика Президентининг 2000 йил 21 марта қабул қилинган «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳотлаштириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 марта 104-сонли «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-

тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва бу қарорга биноан «2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури» тасдикланди ва амалга оширилди.

Бу Дастурниг амалга оширилишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрда «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги Фармонига биноан тузилган Республика банк Кенгаши ўзининг 2003 йил 17 июндаги 2-сонли баённомаси билан тасдикланган «2003-2004 йилларда банк тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги дастурини ишлаб чиқиб, унда яна кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилди. Бу чора-тадбирлар куйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак эди:

1. Пул-кредит сиёсати инструментларини янада такомиллаштириш ва нақд пулсиз хисоб-китобларни рағбатлантириш.
2. Банк томонидан чакана хизматлар кўрсатишни кенгайтириш ва истеъмол кредитлари тизимини ривожлантириш.
3. Банк назорат тизимини такомиллаштириш ва кредит институтлари фаолиятини тартибга солиш.
4. Корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва банк тизимининг шаффоғлигини ошириш.
5. Молия тизимининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш.
6. Тижорат банклари устав капиталларидаги давлатнинг бевосита ва билвосита улушини камайтириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш.
7. Банклараро бозорни янада такомиллаштириш.
8. Банк – молия тадқикот институтлари фаолиятини, менежментини, банк соҳасида кадрлар тайёрлаш технологияларини такомиллаштириш.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти республика банк тизимини бозор муносабатларининг талабларига биноан шакллантиришга, унинг фаолияти самарадорлигини кўтаришга жуда кенг миқёсда эътибор ажратмоқда.

2000 йил 24 марта «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди. Бу қарорга биноан:

- тижорат банкларининг иқтисодий мустақиллиги кенгайтирилди;
- тижорат банкларининг хусусий капиталини кенгайтириш зарурияти тасдикланди;

- тижорат банклар томонидан тадбиркорлик, йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнини кенгайтириш вазифаси кўйилди;
- банкларга аҳоли жамғармаларини кенг миқёсда жалб қилиш мақсадида бу борада самарали фаолият олиб бораётган тижорат банкларига тегишли имтиёзлар аниқланди;
- 2000-2003 йилларда банк тизимини янада ислоҳ қилиш Даствури тасдикланди ва бу Дастурда республика банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш йўналишлари, банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, аҳоли ва хусусий тадбиркорларни микрокредитлашни ривожлантириш, банк менеджментини такомиллаштириш ва кадрлар тайёрлаш, банк назоратини кучайтириш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари ўз ифодасини топди.

2001 йил 22 июнда қабул қилинган «Накд пул муомаласини кучайтириш ва тижорат банкларининг жавобгарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида республика пул муомаласида мавжуд камчиликлар, ечилмаган муаммолар келтирилди ва уларни ечишга бағищланган чора-тадбирлар аниқланиб. уларни амалга ошириш йўналишлари аниқланди.

Республика ахолисининг ортиқча маблағларини банк тизимиға жалб қилинишини рағбатлантириш мақсадида 2003 йил 5 апрелда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди. Бу конунга биноан республика банкларида фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фондини барпо этиш, унинг Кузатувчи кенгашини ташкил қилиш, банклар томонидан фондга мажбурий йўналтириладиган бадаллар, фонд олдида банкларнинг мажбуриятлари, фуқароларнинг банклардаги омонатларини қоплаш йўллари аниқланган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши сабабли республика ахолиси бошқа давлатлар амалиётида рўй берган ҳар хил «Пирамидалар» тизимидан сакланмоқда.

Республикада иктисадий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиши ва банк тизимини такомиллаштириш, республика Марказий банки фаолиятини ташкил этиш даражаси ва самарадорлигини ошириш, республика тижорат банкларининг ривожланишига, ҳамда барқарор

фаолият кўрсатишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Банк Кенгашини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Бу Фармонга биноан тасдиқланган Республика Банк Кенгаши олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиши;
- пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;
- миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш;
- аҳолининг банк тизимиға нисбатан ишончини мустаҳкамлаш, фуқаролар омонатларини ҳимоя этиш кафолатларининг кучли механизмини яратиш;
- тижорат банкларининг инвестиция жараёнида ва иқтисодиётининг таркибий ўзгаришларида иштирокини кенгайтириш;
- валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш;
- банклараро муносабатлар механизмини ривожлантириш, республика банкларининг ҳалқаро молия-кредит тизимиға кенг қўламда қўшилишини таъминлаш.

Республика банк тизими фаолиятини такомиллаштиришда валюта муносабатларининг тутган ўрни, ролидан келиб чиқиб 2003 йил 11 декабрда «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Қонунда валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, валюта бойликлари, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, валюта операциялари, жорий ҳалқаро операциялар, капитал ҳаракати билан боғлик валюта операциялари, чет эл валютаси билан боғлик бўлган молиявий воситалар, Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солувчи давлат органи, ваколатли банклар, валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар, жисмоний шахсларининг валюта бойликлари ва улардан фойдаланиши, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курси, резидентларнинг ҳисобвараклари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида норезидентларнинг ҳисобвараклари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида ҳисоб-китоблар ва тўловлар, нақд чет эл валютаси ва миллий

валютани олиб келиш ҳамда олиб чиқиш, валютани назорат қилувчи органлар, валюта операциялари бўйича ҳисбот низоларни ҳал килиш, валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини мустаҳкамлаш мақсадида 2004 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси нақд миллий валютасини олиб кириш ҳамда олиб чиқиши тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва унга биноан 2004 йил 1 марта бошлаб жисмоний шахслар – резидентлар ва норезидентлар томонидан республикага олиб кирилаётган ҳамда республикадан олиб чиқилаётган республика нақд миллий валютанинг ҳажми республикада тасдиқланган бир ойлик минимал иш ҳакидан 50 мартадан кўп бўлиши мумкин эмаслиги аниқланди. Ундан кўп бўлган нақд миллий валюта факат Марказий банкнинг рухсатига асосан республикадан олиб чиқилиши мумкин. Юридик шахслар томонидан республика нақд миллий валютаси республикадан ташқарига факат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар рухсати билан амалга оширилади.

Банк тизимини янада ислоҳ килиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банклари фаолияти иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашув даражасини кўтариш, инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, иктисадиётнинг таркибий ўзгаришларида иштирокини кенгайтириш мақсадида 2005 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ килиш ва эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Бу қарорга биноан:

- банк тизимидағи ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари аниқланди;
- 2005-2007 йилларда Банк секторини ислоҳ килиш ва ривожлантириш дастури тасдиқланди;
- янгидан ташқия қилинадиган банклар устав фондининг минимал миқдори аниқланди;
- тижорат банкларини капиталлаштириш даражасини кўтариш йўналишлари кўрсатилди;
- тижорат банклари активлари таркибида банкларнинг ўз капитали салмоғи 10 фоиздан кам бўлмаслиги тасдиқланди;
- тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш зарурияти ва амалга ошириш йўллари кўрсатилди;

– 2005-2006 йилларда «Асака» банкини ва 2005-2009 йилларда Ташки ىқтисодий фаолият миллий банкини хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш аникланди;

– тијорат банкларида инвестицион ғаолиятни кучайтириш мақсадида хорижий банклар капиталини жалб қилиш ва бошқа чора-тадбирлар ўз ифодасини топди.

2005-2007 йилларда банк секторини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш дастурида пул-кредит сиёсати воситаларини янада такомиллаштириш ва самарали ғаолият олиб борувчи пул бозорини ташкил қилиш. инвестицион жараёнларда, ىқтисодиёт субъектларини кредитлаш ва давлат корхоналарини хусусийлаштиришда банклар иштирокини кенгайтириш, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш, банкларни молиявий мустаҳкамлаш ва капиталлаштириш даражасини кўтарниш, хусусий ва хорижий капиталлар иштирокида янги банкларни ташкил қилиш. кредит ташкилотлари ғаолияти устидан назорат тизимини ва тартибга солишни такомиллаштириш, банк тизими учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш ва илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кредит уюшмаларининг ҳуқукий асоси, кредит уюшмаларининг мазмuni, уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, кредит уюшмасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, кредит уюшмасининг устави, устав фонди, уюшмаларининг кафолатланиши, кредит уюшмаси кенгаши, кредит бериш тартиби масалалари аникланган. Қонунни қабул қилишдан мақсад-бу кредит уюшмаларини ташкил этиш, уларнинг ғаолиятини тартибга солишдан иборат.

Республикада 2007 йили ташкил этилган кредит уюшмалари сони 27 га, ломбардлар сони эса 22 тага етди. Улар ўзларининг аъзоларидан депозитларни қабул қилмоқда, истеъмол ва ипотека кредитлари беришда қатнашмоқда. Асосан кредитлар хусусий тадбиркорларга, микрокорхоналарга, бизнесни ривожлантириш ва савдо ғаолиятини амалга ошириш учун берилмоқда.

2006 йил 6 майда қабул қилинган «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонунда истеъмол кредитининг ҳуқукий асослари, истеъмол кредитининг мазмuni, шакллари, молиявий ва товар истеъмол кредитининг ташкил этилиши, берилиши, кредит берувчи ва кредит

олувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, истеъмол кредитини олиш тартиби, кредит олиш шартномаси ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари аниқланган. Конунни қабул қилишдан максад – истеъмол кредити беришни тартибга солишдан иборат.

2006 йил 5 майда қабул қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Республика Президенти Фармонинга биноан «Тадбиркор» акциядорлик тижорат банки негизида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди ва унинг олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш ва бошқа хизматларни кўрсатиш;
- микрокредит бериш ва лизинг йўли билан микрофирмалар, оиласий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш;
- кредит олувчиларнинг молиявий ҳолатини, улар томонидан тузилган бизнес-режаларни ҳар томонлама таҳдил қилиш йўли билан берилган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш;
- микрокредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатища халқаро молиявий институтларнинг, хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб қилиш;
- қишлоқ хўжалигига кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредит беришдан ташқари, уларга хизмат кўрсатувчи филиаллар, минибанкларни ташкил этиш;
- микрокредитни расмийлаштиришда бюрократизм ва расмиятчилик ҳолларига йўл қўймаслик.

«Микрокредитбанк» фаолиятини таъминлаш учун банк ресурсларини шакллантириш манбалари аниқланган.

«Микрокредитбанк» фаолиятини самарали амалга ошириш борасида Республика Марказий банки томонидан ёрдам кўрсатиш йўналишлари аниқланди.

«Микрокредитбанк» 2011 йил 1 январгача даромад (фойда) солиги тўлашдан, олиб келинадиган банк ускуналари ва технологиялари учун божхона тўловларидан, банк фойдасига ундирилган мулкни сотищдан қўшилган қиймат солиги тўлашдан озод қилиниши кўзда тутилган.

«Фуқароларнинг банклардаги жамғармаларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига биноан Банклардаги жамғармаларни кафолатлаш фонди ташкил этилди ва бу фонд аъзоси қилиб республика худудида фаолият олиб борувчи банклар тасдиқланди.

Тижорат банкларининг капиталланиш даражасини кўтариш мақсадида 2006 йил 19 декабря 3831-сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди ва унга биноан 2007 йил 1 январдан 2010 йил 1 январгача юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича олинган дивидендлари соликка тортишдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки янгидан барпо қилинаётган банклар учун устав фондининг минимал ҳажмларини тасдиклади: хусусий банклар учун 2,5 млн. доллар, бошқа банклар учун – 5,0 млн. доллар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олтин – валюта захиралари ҳозирги пайтда халкаро Валюта Фонди томонидан аниқланган минимал талаблардан 5 марта ортиқ.

Кўриниб турибдики, республикада иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида республика банк тизимини такомиллаштиришга республика раҳбарияти томонидан кенг миқёсда эътибор ажратилмоқда, тегишли қўшимча Конунлар, Фармонлар, Қарорлар қабул қилинди ва улар амалга оширилмоқда.

Лекин бу эътибор, айникса 2007-2009 йилларда кучайтирилди, чунки республика банк тизимини иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотивига айлантириш ва банк тизимини республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги таъсирини яна кучайтириш муаммоси ечилмоқда.

Бу даврда банк тизимини янада такомиллаштириш аниқ хусусиятларга эга бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- республика иқтисодиётининг ҳозирги замондаги тараққиётида кимматли қоғозлар бозорининг тутган ўрнини тубдан ўзгартириш. Шу мақсадда «Кимматли қоғозлар бозори тўғрисида» Республика Конуни қабул қилинди. Бу бозорни янада ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни барпо этиш мақсадида 2008 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди;

- республика тижорат банкларининг фаоллик базасини кучайтириш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш. Шу мақсадда 2007 йил 12 июнда Республика Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» ва Халқ

банки, Саноат-қурилиш банкининг капиталлашув даражасини ошириш тўғрисидаги Қарорлари қабул қилинди:

– тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ривожлантириш. Шу мақсадда юкорида келтирилган Республика Президентининг бутун тижорат банкларига нисбатан қабул қилинган Қароридан ташқари Республика Президентининг маҳсус Қарорларига биноан Паҳтабанк, Галлабанк ва Асакабанкларнинг инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари аниқланди;

– республика иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги банкларни ташкил қилиш ва бошқа бир хил банкларнинг йўналтирилганлигини ўзгартериш. Шу мақсадда Республика Президентининг Қарорларига биноан «Қишлоқ қурилиш банки» ташкил этилди ва унинг олдига қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш масаласи қўйилди, Паҳтабанк асосида «Агробанк» ташкил этилди ва унинг олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

1) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва бошқа хизматлар;

2) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, шу жумладан пахта ва пилья маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган корхоналарга кредит бериш;

3) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат тармоғида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий техника, технологияларни жалб қилишга йўналтирилган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқовқат товарлари билан тўлдириш;

4) банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, аҳоли ва корхоналар маблағларини жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш;

5) ҳалқаро молия институтлари билан ҳамкорликда бўлиш, уларнинг инвестиция ва грантларига жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш;

– республика банкларига республикадаги нақд пул маблағларни янада кенгроқ жалб қилиш. Шу мақсадда Республика Президентининг нақд пул маблағларини банкларга жалб қилиш, унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш ва аҳолининг, хўжалик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш тўғрисида Қарорлари қабул қилинди;

– республика банкларидаги ахоли омонатларини химоялаш кафолатларини такомиллаштириш. Шу мақсадда фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари түғрисидаги Республика Конунига ўзгартишлар киритилди ва тижорат банкларидаги ахоли омонатларини либераллаштириш ва уларни кафолатлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича Республика Президентининг тегишли Қарорлари қабул қилинди;

– республикада кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва бу борада тижорат банклари таъсирини кучайтириш. Шу мақсадда ўз вактида «Тадбиркорбанк» «Микрокредитбанк»ига айлантирилди. 2007 йил 8 июня 2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолияштиришни ривожлантириш дастури түғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва 2008 йил 10 ноябрда «Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада ошириш чора-тадбирлари түғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

Юкорида таъкидланган Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, тузилган Дастурлар амалга оширилди. Шубҳасиз амалга оширилган чора-тадбирлар республика банк тизимини янада такомиллаштиришга, республика банк тизимининг республика иктисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсирини кучайтирмоқда.

Шундай қилиб, республикада банк тизими шаклланди. Республика банк тизими 35 та банклардан иборат. Унинг таркибида 4 та давлат; давлат-тижорат; давлат – акциядорлик банклари, 11 та акциядорлик – тижорат, 13 та хусусий, битта шуъба, 6 та хорижий инвесторлар иштирокидаги банклар, шу жумладан хорижий инвесторлар маблағларининг 100 фоиз иштирокида – 2 та, 50 фоиздан 100 фоизгача иштирокида – 3 та ва 50 фоизгача иштирокида – 1 та кўшма банк фаолият олиб бормоқда. Улардан ташқари республикада чет эл банкларининг 13 та ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда. Республикада мавжуд банкларнинг жойларда ташкил қилинган филиалларининг сони 800 дан ошди, минибанклар – 2161 та, маҳсус кассатар – 1411 та. Республикада нобанк кредит ташкилотлари сони 138 та, шу жумладан кредит уюшмалар – 78 та, микро-кредит ташкилотлари – 26 та, ломбардлар – 34 та.

Республика банклари ташкилий такомиллашиб бормоқда. Бир хил банклар ёпилемоқда, бошқалари бир-бири билан қўшилмоқда.

Натижада республикада 2006 йил апрель ойида қўйидаги 28 тижорат банклари фаолият олиб бормоқда. Улар қўйидагилардан иборат:

I. Давлат банклари:

1. Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият миллий банки.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат – акциядорлик халқ банки.

3. Давлат акциядорлик – тижорат «Асака» банки.

II. Акциядорлик – тижорат банклари:

4. «Агробанк» акциядорлик – тижорат банки.

5. Ўзбекистон акциядорлик – тижорат саноат қурилиш банки.

6. Акциядорлик – тижорат «Ипотека – банки».

7. Республика акциядорлик – тижорат «Галлабанки».

8. Акциядорлик – тижорат «Алоқа банки».

9. Акциядорлик – биржа «Трастбанки».

10. Акциядорлик – тижорат «Турон» банки.

11. Савдо ва тижоратни қўллаб-қувватлаш акциядорлик – тижорат «Савдогар» банки.

12. Акциядорлик – тижорат «Микрокредит» банк.

13. «Ипак йўли» акциядорлик инновация – тижорат банки.

14. Акциядорлик – тижорат «Хамкорбанки»

15. Акциядорлик – тижорат «Капиталбанки».

III. Хусусий акциядорлик банклари:

16. Хусусий очиқ акциядорлик – тижорат «Равнақ» банки.

17. Хусусий ёпик акциядорлик – тижорат «Давр» банки.

18. Хусусий ёпик акциядорлик – тижорат «Самарқанд» банки

19. Хусусий очиқ акциядорлик – тижорат – инновацион «Туркистан» банки

20. Хусусий очиқ акциядорлик – тижорат «Универсал» банк.

21. Хусусий очиқ акциядорлик – тижорат «Кредит – стандарт» банки.

22. Хусусий очиқ акциядорлик – тижорат «Ўқтам» банки.

IV. Хорижий инвесторлар иштирокида ташқил этилган банклар:

23. Ўзбекистон миллий банкининг акциядорлар жамияти «АБН Амро» банки

24. Ёпик акциядорлар жамияти туридаги «ЎзДЭУ Банки».

25. Ёпик акциядорлар жамияти туридаги «Ўзбек – Турю» банки

26. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги Эрон Содерот шуъба банки.

Кўриниб турибдики, 2000-2009 йилларда банк тизими соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида кўп киррали, ҳар томонлама асосланган қонун-қарорлар қабул қилинди ва улар республика банк тизимини янада такомиллаштиришда ва банк тизимининг республика иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир қўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Банк тизими соҳасида қабул қилинган меъёрий актлар, уларнинг амалга оширилиши республика банк тизимини янада такомиллаштиришга, ривожлантиришга, банк тизимининг республика иқтисодиётини таракқиётини тезлаштиришига ёрдам берди.

Республикада банк тизими билан бирга умуман кредит тизими шакллантирилмоқда. Кредит тизими банк тизимидан кенг, у ўз таркибига банклардан ташқари нобанк кредит ташкилотларни олади.

Нобанк кредит ташкилотлари мажмуаси мураккаб бўлиб, унинг таркибиغا қўйидагилар киради:

- Махсус молия-кредит муассасалари: жамғарма кредит уюшмалари. Улар жамғарма ҳисобваракларни очиш йўли билан маблагларни жалб қилиб, улар ҳисобидан аниқ мақсадга мўлжалланган гаровли кредитлар беради.
- Кредит уюшмалар – майда кредит муассасалари бўлиб, истеъмол кредитлари беради. Устав фонди – капитали аъзоларининг бадалларидан ташкил топади. Кредитлар уюшма аъзоларига берилади.
- Лизинг компаниялар – лизинг операцияларини олиб боради, ижара муносабатларини амалга оширади.
- Микрокредит ташкилотлари – микрокредит, микроқарз, микролизинг операцияларини амалга оширади. Улар юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади, лекин уларнинг омонатларини қабул килмайди.
- Инвестиция муассасалари – улар юридик шахслар бўлиб, акциялар чиқариш, уларни жойлаштириш ва инвесторлар маблагларини жалб қилиш билан шугулланади.

Республика банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш банк тизимини ҳам миқдоран, ҳам мазмунан ривожлантириш имкониятини бермоқда, банк тизими фаолияти кенгайтирилмоқда, республика иқтисодиётини таракқиётини таъминлашда банкларнинг фаоллиги кучайтирилмоқда. Бу холатни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг айрим кўрсаткичлари<sup>1</sup>**  
**(шундай охирда, милион)**

№	Кўрсатчар	1991	1992	1993	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1.	Банктар союни	16	21	22	32	39	31	25	35	38	33	31	29	28	30	30	30	30	
	Фарнгизлар союни	343	465	661	727	773	792	746	790	805	805	749	788	799	800	800	800	800	
	Минибанскалар союни	-	-	-	-	-	-	-	-	-	286	795	1122	1450	2054	2161	2318	-	
	Халк банкимиз шахсийларди	1835	1879	1924	2156	2210	2299	2578	2477	2488	2523	2554	2569	2573	2593	2593	2593	2593	
	Валията эъзаснотирсан шахсийларни союни	-	-	-	-	-	-	356	967	1021	1382	1558	1602	1650	1674	1686	-		
	Кредит мурожаатларни союни	-	-	-	-	-	-	-	-	-	14	20	24	35	38	45	-		
2.	Банкдарни бемарказлар союни	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	1	1	1	-	
	Умумий кампаниялари	11	141	609	23598	32013	64851	123326	143750	16249	790614	824104	939408	1542633	2104324	3010360	-	-	
	Хизмат кампанийи	12	78	341	1325	18487	31128	62873	80687	391600	552057	581806	647173	927778	1595701	1722776	-	-	
	Жами акционер	209	1507	16144	21669	317235	482632	846363	93258	198811	4616222	5064232	5630664	9276132	12064744	15705015	-	-	
3.	Банклар инвесторлари союни	62	93	8756	34541	73415	78223	86525	126643	148575	17491	176627	185123	197231	217869	226375	-	-	

<sup>1</sup> Жадвали маълумотларни бечвостига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкитан олингага

Юрий шахсепар	99984	107856	126521	146236	187419	245482	312219	383112	414821	583971	656267	733158	961385	1027575	1101482		
Жисмоний шахсепар	912368	995632	1018245	1115895	1186874	1215874	1349625	1484882	2154863	562358	81231541	1115631	15635460	15736215	1645166		
Абдусаладар шахсепар	12	12	13	13	14	15	17	20	21	30	35	41	45	46	48		
ДПИ Оқибатлар	5	16	22	65	75	95	120	154	168	266	289	301	31	379	415		
Берилган кредитлар шахсепар	54	467	3798	58941	348103	4181300	608304	2205800	3161221	3595515	3876305	4777631	6374405	8558207			
ДВКСНДЛН шахсепар	43	35	2877	45185	94852	2510457	2816277	3155353	377784	615308	693640	746869	1065619	1587191	1845807		
Секретар шахсепар	13	115	65	14911	35712	496556	195625	297746	1458011	2556251	3610111	3126104	3712622	4087214	6705309		
Кунак бондесга шахсепар	-	-	-	-	-	-	49301	162906	205754	293866	353448	419908	715701	1250750	1851666		
Хорижий валюта	10	78	570	15685	36392	104431	204895	359356	1563712	2409515	2662554	3755514	1350631	2382275	3011787		
Моменталан гасасик карточкалар шахсепар	-	-	-	-	-	-	-	1885	72665	13805	405734	428849	21096488	2711021	4498784	6058890	
Үрнаптуман жазханалар шахсепар	-	-	-	-	-	-	-	-	512	615	872	2782	11187	11487	179222	24890	60631
Терниналар шахсепар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-		
Банковмат-тар шахсепар	-	-	-	-	-	-	-	-	98	102	124	151	171	171	318	363	
Деноминтар шахсепар	89	159	5423	75512	90654	106562	184208	252784	411655	906511	1122211	168807	382619	5771614	8763123		

## Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:

– Республика мустақиллиги даврида республика банклари сони деярли 2 марта, уларнинг филиаллари сони 2,4 марта кўпайган, 2001 йилдан бошлаб ташкил қилинган минибанклар сони 2001-2009 йилларда 286 тадан 2318 тага кўпайтирилган. Миялий валюта муомаласи билан боғлиқ валюта алмаштириш шохобчалари сони 1999 йилдан ташкил қилиниб, 1999-2009 йилларда 356 тадан 1686 тага кўпайтирилди. Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, ломбардлар 2004 йилдан бошлаб ташкил қилиниб, 2009 йили 48 тага етди.

– Республика банкларининг салоҳияти, иқтисодий кучи йилдан-йилга ривожланиб борди. Банкларнинг умумий капитали 1991-2009 йилларда 21 млн. сўмдан 3010360 млн. сўмга, устав капитали – 12 млн. сўмдан 1723776 млн. сўмга, жами активлари – 209 млн. сўмдан 15703103 млн. сўмга кўпайган. Банклар салоҳиятининг юқори суръатларда ривожланиши 2001-2009 йилларга, яъни республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш даврига ҳам тааллуклидир.

– Демак, тасодифан эмаски, республика банкларининг фаолияти йилдан-йилга кучайтирилиб, ошиб борган. Банклар акциядорларининг сони, кўрсатиладиган хизматлар ва ташкил этиладиган омонатлар тури юқори суръатларда кенгайтирилган.

– Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида банкларга нисбатан ахоли ва ташкилотлар ишончи тикланмоқда, ривожланмоқда. Республика банкларига жалб қилинган депозитлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. 1991-2009 йилларда депозитларнинг умумий ҳажми 80 млн. сўмдан 8703123 млн. сўмга, шу жумладан юридик шахслар депозитлари – 70,0 млн. сўмдан 5788905 млн. сўмга, жисмоний шахслар депозитлари 10 млн. сўмдан 2914218 млн. сўмга кўпайтирилди.

– Республика банклари республика иқтисодий тараккиётида фаол қатнашмоқдалар. 1991-2009 йилларда банклар томонидан берилган кредитлар 56,6 млн. сўмдан 8558207 млн. сўмга ошган, шу жумладан қисқа муддатли кредитлар 43 млн. сўмдан 1852807 млн. сўмга, узок муддатли кредитлар 13 млн. сўмдан 6705399 млн. сўмга кўпайган. Бозор муносабатлари ва республика иқтисодиёти хусусиятларидан келиб чиқиб, республика банклари 2001 йилдан, яъни иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида узок муддатли кредитларни беришни кучайтирди. Агарда 2000 йили берилган

кредитлардан кисқа муддатли кредитлар 51,9 фоизни, узок муддатли кредитлар 48,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичлар охирги йилларда 21,0 фоиз ва 79,0 фоизга ўзгартирилди.

– Республика иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналиш бўлиб хисобланар экан, республика банклари уни амалга оширишга тегишли эътибор ажратмоқдалар. 1998-2009 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилган кредитлар 104 марта кўпайтирилган.

– Республика банклари накд пулсиз операцияларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор ажратмоқда. Муомалага киритилган пластик карточкалар сони 1999-2009 йилларда 31885 тадан 6058890 тага кўпайтирилди. Улар бўйича операцияларни амалга ошириш учун терминаллар сони 512 тадан 60631 тага, банкоматлар сони 98 тадан 363 тагача кўпайтирилди.

Келгусида ҳам республика банк тизими такомиллашиб, унинг республика иқтисодиётига ижобий таъсири кучайиб боради.

Кўриниб турибдик:

1. Ислоҳотларни чукурлаштириш даврида республика банк тизими янада ривожланиб борди. Минибанклар сони 10 марта кўпайди. Кредит уюшмалари барпо этилди. Банкларнинг устав фонди, капитали, активлари ўсиб борди.

Демак, республика тижорат банкларининг капиталлашув даражаси кўтарилимоқда.

Банклар томонидан республика иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар ошиб борди.

Берилган кредитлар таркибида узок муддатга берилган кредитлар 80 фоиздан кўпини ташкил қилмоқда. Демак, банк тизими республика иқтисодиётининг узок муддатларга мўлжалланган дастур ва лойиҳаларининг амалга оширилишда фаол қатнашмоқда.

Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилиш ва уларни республика иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтириш йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

2. Республикада умуман пул муаммосини тартибга солишда, ривожлантиришда ҳам банк тизимининг, айниқса Марказий банкнинг ташкил қилиш, мувофиқлаштириш роли самарали амалга оширилимоқда.

Банк тизимининг монетар сиёсати – бу борада алохида эътиборга молик.

Маълумки, хорижий мамлакатларда уларнинг мавжуд объектив шарт-шароитларидан килиб чиқиб монетар коэффициенти-накд пуллар ҳажмининг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбати 60-70 фоизгача бўлади.

Ўзбекистонда эса унинг хозирги пайтдаги шарт-шароитларидан келиб чиқиб монетар коэффициенти 10 фоизгача қисқартирилган эди. Лекин охирги йилларда республика макроиктисодиёти барқарорлиги, макроиктисодиётни ривожлантириш суръатларининг юкорилигини ҳисобга олган ҳолда монетар коэффициенти республикада кўтарилимоқда. Агарда бу кўрсаткич 2003 йилда 11,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йили у 14,2, 2008 йили 18,5 фоизгача оширилди. Бу тенденция келгусида, албатта яна босқичма-босқич давом этади.

Умуман пул муомаласини, кредит сиёсатини тартибга солишда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш сиёсати ҳам катта аҳамиятга эга. Бу борада ҳам самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, Марказий Банк томонидан аникланадиган қайта молиялаштириш ставкаси 2000 йили 25, 2003 йили 20 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилга келиб 14 фоизгача пасайтирилди. Демак, 2000-2008 йилларда қайта молиялаштириш ставкаси деярли икки маротаба камайтирилди. Бу ҳолат республикада тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларга олинадиган фоизларни пасайтиришга ва кредитлар беришни кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатди.

Бу берилаётган кредитларнинг ўртacha фоизи 2004-2008 йилларда 18 фоиздан 15 фоизгача қисқартирилди.

Накд пулларнинг банк кассаларига қайтиш даражаси 1996-2002 йилларда 80-93 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йили бу кўрсаткич 96,3 фоизгача кўтарилди.

2003 йил 15 октябрда Халқаро Валюта фонди низомининг VIII моддасига имзо қўйилди ва Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм ички конвертацияга эга бўлди.

Республиканинг олтин-валюта захиралари охирги йилларда ҳар йили 30-35 фоизга кўтарилиб, унинг ҳажми 2008 йили республиканинг 7 ойлик импортига тент бўлди.

2004 йил 24 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори

қабул қилинди ва унга биноан 2005-2006 йилларда муомалага 2,3 млн. пластик карточкалар киритилди ва 11,0 минг терминаллар ишга туширилди.

2005 йили пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатувчи шохобчалар 4,5 марта ва улар орқали амалга оширилган операциялар ҳажми 3,0 марта кўпайди. Пластик карточкалардан фойдаланиш аҳоли жамғармаларини банкларга жалб қилишни кучайтириди ва натижада аҳолининг банклардаги жамғармалари деярли 450 млрд. сўмни ташкил этди.

3. 2000-2006 йилларда банк тизимини янада такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида тижорат банкларининг иқтисодий мустақиллиги кенгайтирилди ва уларнинг фаолияти яхшиланди.

Тижорат банкларнинг капитали 2003-2005 йилларда 715 млрд. сўмдан 930 млрд. сўмгача кўпайтирилди. 2005 йили тижорат банклари томонидан берилган кредитлар 58 фоизга, шу жумладан узок муддатли кредитлар 81 фоизгача кўпайди.

Тижорат банкларининг инвестицион фаолияти кенгайтирилмоқда ва натижада тижорат банклари берилган кредитларга олинидиган фоизлар билан бирга инвестиция қилинган маблағларга фойда кўрмокдалар.

Тижорат банклари халқаро лойиҳаларни амалга оширишда ва йирик кредит линияларни амалга оширишда фаол қатнашмоқдалар. Ундан ташкири йирик инвестицион лойиҳалар ва лизинг операцияларини ҳам амалга оширишда қатнашмоқдалар.

Республикада самарали инвестицион мухит ташкил қилинганлиги натижасида тижорат банклари фаолияти орқали республикага хорижий инвестициялар кенг миқёсда жалб қилинмоқда. республикага жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 20 млрд. америка долларини ташкил этди ва улардан 2,5 млрд. доллари – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

И.А. Каримов ўзининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган «Янгилаш ва барқарор таракқиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиздир» номли маъruzасида бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг асосий элементи республика

банк тизимини янада такомиллаштириш борасида кўлга киритилган ютуклар сифатида куйидагиларни таъкидлади:<sup>1</sup>

- жами банк капитали 1 триллион сўмдан ошди ва 2000 йилга нисбатан 7,4 марта ўсди;
- банк муассасалари тармоғи икки баробардан зиёд кўпайди;
- «Микрокредитбанк» ташкил этилди ва у ўтган қисқа давр ичидаги бизнес субъектларига 25 млрд. сўмдан кўп микрокредит ажратди;
- минибанклар тармоғи жадал ривожланмоқда, уларнинг сони 1800 дан ортди;
- факторинг ва лизинг хизматлари каби банк хизматларининг янги турлари ўзлаштирилмоқда;
- аккредитивлар бўйича хизматлар кўрсатиш ривожланмоқда;
- пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилмоқда;
- истеъмол кредитларини ажратиш, омонатларнинг эътиборини тортадиган янги турларини жорий этиш амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга И.А. Каримов банк тизими фаолиятидаги камчиликларга тўхталиб, уларни бартараф этиш максадида куйидаги вазифаларни амалга оширишни таъкидладилар:

- Банкларнинг капиталлашув даражасини кўтариш.
- Банклараро ракобат мухитини барпо этиш.
- Банклар томонидан бериладиган кредитлар таркибида узок муддатли кредитларни янада кўпайтириш.
- Банкларнинг инвестицион фаолиятини кучайтириш.
- Банклар молия-саноат гурӯхлари ташкил этишнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиши.
- Банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириши.
- Умуман инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш.
- Тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча, банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин.
- Накд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш бўйича амалий чоралар кўриш.
- Одамларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш.

Бу вазифаларнинг бажарилиши республика иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ижобий таъсирини кўтаради ва

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 13 февраль, 2007 й.

республика иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлашга ёрдам беради.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлашириш даврида қабул қилинган Конун ва хукуқий-норматив ҳужжатлардан, Республика Президенти И.А. Каримовнинг маърузаларида кўтарилигандан вазифалардан келиб чиқиб республика банк тизими фаоллигини кўтаришга кўшимча имкониятлар барпо этилмоқда ва натижада ҳакиқатан ҳам республика иқтисодиётининг ривожланишига банк тизимининг ижобий тасдиқларни ошиб бормоқда. Бу вазиятни қўйидаги далиллар билан тасдиқлашимиз мумкин:

– Республика банк тизимининг моддий молиявий базаси мустаҳкамланмоқда. Маътумки, банкларнинг капиталлашув даражаси, яъни капитали ҳажми қанчалик юқори бўлса, уларнинг иқтисодиётни кредитлаш имкониятлари ҳам шунча юқори бўлади, рақобатбардошлик даражаси кучаяди, банклар учун дунё бозорига кенг йўл очилади.

Банкларнинг капиталлашув даражасини кўтариш республикада ҳар хил йўллар билан амалга оширилмоқда.

Биринчидан, жисмоний шахслар, хўжалик субъектлари ва инвесторларнинг бўш пулларини банкларга жалб қилишни рағбатлантириш. Корхоналар, ташкилотлар ёки аҳоли томонидан тижорат банкларининг акциялари сотиб олинса, улар ушбу акциялар бўйича дивиденд шаклида оладиган даромадларидан 2010 йил 1 январга қадар даромад солиги тўламайдилар. Хўжалик субъектларининг даромад солиги уларнинг банк акцияларини сотиб олиш учун йўналтирилган маблағлари миқдорида камайтирилади.

Банклардаги аҳоли омонатларига ҳисобланадиган фоизли даромадлар бўйича эса даромад солиги тўланмаслиги Солиқ Кодексида белгилаб қўйилған.

Иккинчидан, тижорат банкларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш. Ушбу банкларнинг Устав капиталини кенгайтириш мақсадида давлат бюджетидан «Микрокредитбанк»ка 42 миллиард сўм, «Пахтабанк»ка 25 миллиард сўм, «Ипотекабанк»ка 25 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ажратилди.

Учинчидан, тижорат банклари томонидан муомалага кўшимча акциялар чиқариш. Шу мақсадда кисқа вақт мобайнида тижорат банклари томонидан муомалага кўшимча 400 миллиард сўмлик акциялар чиқарилди. Хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан 100 миллиард сўм миқдорида, «Пахтабанк» томонидан 86,5 мил-

лиард сўм ва «Ипотекабанк» томонидан 56 миллиард сўмлик кўшимча акциялар чиқарилди.

Кўриниб турибдики, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини кўтариш мақсадида республикада ташки манбалардан-хорижий инвесторлар маблағларидан эмас, асосан ички имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бу йўл, албатта, республика тижорат банкларини халқаро молиявий кризислардан саклаб, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминламоқда.

Тўртинчидан, тижорат банкларнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги иштироки кенгайтирилмоқда. Бу борада тижорат банкларининг 2007 йилдаги фаолияти алоҳида эътиборга сазовор. 2007 йили банклар томонидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жихозлаш мақсадларига жами 860 миллиард сўмлик, шу жумладан, ўз маблағлари ҳисобидан 624 миллиард сўмлик инвестицион кредитлар ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 744 миллиард сўмлик, шу жумладан, тадбиркор аёлларга 90 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, дехқон ва фермер хўжаликларига 839 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши натижасида улар томонидан 2007 йили 3 миллион 700 минг тоннадан ортиқ пахта ва 6 миллион 250 минг тонна ғалла ҳосили етиштирилди.

2007 йили тижорат банкларининг жами капитали 1 триллион сўмдан 1,5 триллион сўмга кўпайди ва аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг 500 миллиард сўмга яқин маблағлари тижорат банклар оборотига жалб этилди.

Бешинчидан, республика тижорат банкларининг ташкил қилиниш, фаолият олиб бориш даражаси халқаро талаблар дараҷасига кўтарилмоқда. Шу сабабли хорижий банклар республика банклари капиталида иштирок этмоқда. Ҳозирги даврда республикада чет эл сармояси иштирок этган 5 та банк фаолият кўрсатмоқда. Ундан ташқари республикада дунёning энг йирик банкларининг ваколатхоналари ҳам фаолият юритмоқда. Чет эл банкларининг республикамиздаги ваколатхоналари сони 13 тага етди. Жорий йилда «Пахтабанк» ва «Ҳамкорбанк» «Fitch Ratings» халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ халқаро рейтингини олди, «Томсон Файнэншил Банк Вотч» халқаро рейтинг компанияси томонидан Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асакабанк»ка қисқа муддатли рейтинглар берилди.

Демак, республика банк тизими такомиллаштирилмоқда, иқтисодиётнинг ривожланишига унинг таъсири кучаймоқда ва бу жароён келгусида ҳам давом этади.

2000-2008 йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бозор иқтисодиётнинг банк тизимидан ташқари инфратузилмасининг бошқа элементлари ҳам такомиллаштирилди, ривожлантирилди.

Бу борада авваламбор, «Тошкент» Республика фонд биржасидаги олиб бораётган фаолияти катта эътиборга сазовор.

Фонд биржанинг айланмаси 2000-2006 йилларда 6,0 млрд. сўмдан 103,0 млрд. сўмга кўтарили.

Умуман республика фонд бозорида айланма ҳажми 2000-2005 йилларда 17,0 млрд. сўмдан 143 млрд. сўмга, шу жумладан бирламчи қимматли қоғозлар бозорида 7,0 млрд. сўмдан 90 млрд. сўмга, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида 12,0 млрд. сўмдан 53,0 млрд. сўмга кўпайтирилди.

Республикада ҳам биржа, ҳам биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозори ривожланмоқда. 2000-2005 йилларда биржа айланмаси 6,0 млрд. сўмдан 43,0 млрд. сўмга, биржадан ташқари айланма 11,0 млрд. сўмдан 100,0 млрд. сўмга кўпайтирилди. Кўриниб турибдики, биржадан ташқари айланма биржа айланмасига нисбатан юқори суръатларда ривожланмоқда. Бу албатта ижобий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Республика фонд биржасида 322 малакали қатнашчилар фаолият олиб бормоқда, улардан 94 таси инвестиция воситачилари, 47 реестр ушловчилар, 25 та инвестиция маслаҳатчилари, 17 инвестиция фондлари, 15 та қимматли қоғозларнинг номинал эгалари, 12 та инвестиция компаниялари, 8 та хусусийлаштириш – инвестиция фондлари.

2005 йил 31 декабрга қимматли қоғозлар эгаларининг умумий сони 1029,4 минг кишидан иборат бўлиб, улардан жисмоний шахслар – 1001,8 минг, юридик шахслар – 27,6 минг, жисмоний шахсларда 77,1 млрд. сўмлик, юридик шахсларда 315,8 млрд. сўмлик қимматли қоғозлар мажуд.

Республика акциядорлар жамиятларининг 2787,3 млрд. сўмлик акцияларидан:

- давлат улуши – 36,4 фоиз;
- акциядорлар жамиятлари, холдинг компаниялар устав фонdlарига ўтказилган давлат активларининг улуши – 19,5 фоиз;

- сотилган давлат активлари ва меҳнат коллективлари томонидан сотиб олинган акциялар улуши – 27,5 фоиз;
- ёпик акциядорлик жамиятлари улуши – 3,7 фоиз;
- нодавлат сектори улуши – 12,4 фоиз.

Нодавлат сектори – бу тижорат банклар. Янгидан ташкил қилинган акциядорлик жамиятлари ва хусусийлаштирилган корхоналар.

Фонд биржасини, умуман қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш мақсадида 2006 йил 27 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида»ги Карори кабул қилинди ва бу қарор Республика Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги қарорига биноан ўзгартирилди. Бу қарорга биноан «2005-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш дастури» тасдикланди.

Бу дастурда корхоналарни тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш ва янги акциядорлик жамиятларини ташкил қилиш ҳисобидан бирламчи қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, иккимчидан қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш ва ривожланишини янада тезлаштириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, фонд биржасининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш ва унинг моддий-техника базасини кучайтириш, қимматли қоғозлар бозори учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмасини ривожлантиришда кўчмас мол-мулк бозорининг ривожланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу бозор республикада 1994 йили ташкил этилиб республикада бозор муносабатлари талабларига жавобан шаклланмоқда.

Республика кўчмас мол-мулк биржасида ҳам биржа, ҳам биржадан ташқари сегмент иштирок этмоқда. Биржа сегментининг салмоғи 80 фоизни ташкил қиласди.

2005 йилда мол-мулк олди-сотди операциялари савдо биржаларида 34,6 млрд. сўмни, биржадан ташқари савдо келишувлари 9,4 млрд. сўмни ташкил этди.

2005 йилда очик аукционлар орқали тендер ва биржа йўллари билан 85,0 млрд. сўмлик мол-мулк сотилди, улардан 30,0 млрд. сўмлиги давлатга тегишли мол-мулклардир.

2005 йилнинг якуни бўйича кўчмас мол-мулк биржасида юридик шахс мақомига эга бўлган, кўчмас мол-мулк бозорида юқори малакати фаолият олиб борувчи 215 та брокерлик компаниялари харакатда бўлган.

2005 йил 1 январга Ўзбекистонда 570 та аудит ташкилотлари бўлиб, улардан 422 таси очик турдаги масъулияти чекланган компаниялар, 28 таси ёпик турдаги акциядорлик жамиятлари, 120 таси хусусий аудит фирмалари дир.

Бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг асосий элементларидан бўлмиш солик тизими, солик органлари ҳам такомиллаштирилмоқда ва унинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рагбатлантириш функцияси кучайиб бормоқда.

Шу мақсадда юқорида таъкидланганидек, ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар, хўжалик юритувчилар фаолиятига солик юки доимо пасайиб бормоқда. 2000-2006 йилларда республика ялии ички маҳсулотига нисбатан солик юки 28,0 фоиздан – 21,3 фоизгача қискартирилди. Умуман солик тизими, соликлар ҳисоб-китоби йилдан-йилга оддийлаштирилмоқда.

1999-2007 йилларда республикада солик ва йиғимлар сони 17 дан 12 гача камайди, иш ҳақи фондидан ҳисобланадиган ягона ижтимоий тўлов ставкаси шу даврда 40 фоиздан 24 фоизгача қискартирилди.

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида соликка тортиш тизими такомиллаштирилмоқда, соликларнинг рағбатлантириш роли кучайтирилмоқда, соликларнинг адресли бўлиши такомиллаштирилмоқда.

Соликлар юкини қискартириш натижасида корхона ва ташкилотларнинг маблағлари тежалмоқда ва тежалган маблағлар инвестиция, айланма маблағларни тўлдириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни кўтариш мақсадларига шилатилмоқда.

Кўриниб турибдики, республика иқтисодий ислоҳотларини янада чукурлаштириш даврида республикада шакланаётган бозор иқтисодиёти инфратузилмасини янада ривожлантиришда, такомиллаштиришда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада бу инфратузилмасининг республика иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсири кучаймоқда.

Бу ҳолатни баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов шундай деган эдилар: «Сўнгти беш йилда сугурта хизматлари 5 марта, лизинг операциялари деярли 6 марта, ауди-

торлик хизмати кўрсатиш, пул билан хисобланганда таҳминин 9 марта ўсгани табиийки, салмоқли натижা сифатида баҳолашга арзийди...

Биржা савдоларидаги айланма маблағлар ҳажми 2001-2005 йиллар мобайнида 5,5 баробар ортди. Ҳозирги кунда улгуржи савдо айланмасининг учдан бир қисми биржা савдоси ҳиссасига тўгри келмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 8,5 фоиздан иборат бўлган эди.<sup>1</sup>

Республика иқтисодиёти инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан бу инфратузилманинг янада ривожланиши замон талабидир. Шу сабабли Республика Президентининг «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Каоррлари қабул қилинди ва улар амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш даврида республика бозор иқтисодиётининг инфратузилмаси янада такомиллаштирилмоқда, ривожлантирилмоқда ва бу вазият республика иқтисодиётини ривожлантиришда, бозор муносабатларини жадаллаштиришда асосий омиллардан бирига айланмоқда ва бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида ҳам давом этирилади.

#### **4.4. Ташқи иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш**

Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш муаммолари ҳамма вакт республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Чунки ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши:

Биринчидан, республиканинг, умуман ижтимоий-иктисодий тараққиётининг натижаларидан биридир. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун унга тегишли салоҳият мавжуд бўлиши зарур, бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва халқаро миқёсда ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш керак. Бу шарт-шароитлар факат республика иқтисодиётини юқори суръатларда ривожлантириш натижасида бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. 14-жилд. Тошкент, 2004, 157 ва 162 бетлар

Иккинчидан, ташки иқтисодий алоқаларининг самарали ривожланиши республика иқтисодиётини ривожлантириш суръатларини янада кўтаришга зарур имкониятларни барпо этади. Экспортдан тушган валюталар хисобидан республика реал иқтисодиётининг техникавий даражаси кўтарилади ва республика импортида республика ишлаб чикаришини ривожлантириш учун зарур бўлган янги техника ва янги технологиялар келтириши мумкин.

Шу сабабли республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ташки иқтисодий алоқалар тараққиётини рағбатлантиришнинг ташкил этилишига тегишли эътибор ажратилмоқда.

Бу борада авваламбор, ташки иқтисодий алоқаларнинг хуқукий базасини янада такомиллаштириш амалга оширилмоқда.

Ташки иқтисодий алоқалар стратегиясини янада такомиллаштириш мақсадида 2000 йил 26 майда «Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолияти тўгрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул килинди.

Ташки иқтисодий алоқаларни самарали ташкил этиш мақсадида 2005 йил 21 июлда «Ташки иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул килинди.

Бу Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил килинди ва бу вазирлик олдига қуйидаги вазифалар кўйилди:

- Ташки иқтисодий фаолият, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, ташки савдони эркинлаштириш, ташки савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш.

- Жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ички ва ташки бозорлар истикболларини ҳамда самарадорлигини хисобга олган ҳолда уларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогноз килиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

- Иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интегралашуви

бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини руёбга чиқаришга кўмаклашиш, мамлакатимиз ташки иқтисодий фаолият субъектларининг хуқук ва манфаатларини таъминлаш.

– Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, ҳалқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, бошқа ҳалқаро хуқук субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш.

– Кулай инвестиция муҳитини шаклантиришга ва Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилиши мониторингини амалга ошириш, хорижий инвесторларга зарур ахборот ёрдами кўрсатиш.

– Ихтисослаштирилган ташки савдо компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини ошириш.

Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш хисобланади. Бу борадаги чора-тадбирларни жадаллаштириш мақсадида 2001 йил 30 августда «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 октябрда қабул қилинган «Кўшма корхоналарни ташкил этишда хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2001 йил 13 марта «Ташки савдо фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 26 июля «Ўзбекистон Республикаси ташки алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2003 йил 2 майда қабул қилинган «Чет эл инвесторларини хукукий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2005 йил 2 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакидаги, 2008 йил 31 декабрда «Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан кўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 27 январда «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси фаолиятини ташкил

этиш чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 29 январда «Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2003 йил 20 июнда «Чет эл инвесторлари иштирокидаги корхоналар томонидан тайёр истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2005 йил 11 апрелда «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвесторлар инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». 2008 йил 2 декабрда «Навоий вилоятида эркин индустрӣал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва 2008 йил 27 марта «Ўзбекистон Республикасининг ташки иктисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида» Республика Президентининг Қарори кабул қилинди ва улар иктисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган эди.

Хукуматнинг охирги қарорида чет эл инвесторларига тасдикланган кафолатларни сўзсиз бажариш зарурияти ва бу борадаги хукумат билан хорижий инвесторлар ўртасидаги келишувлар, шартномалар орқали тасдикланиши таъкидланган.

Ундан ташқари бу қарорда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эл инвесторлари деб қўйидагилар қабул қилинди:

- чет давлатлар, чет эл давлатларининг маъмурий ёки худудий органлари;
- давлатлар ўртасидаги битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки ҳалқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган ҳалқаро ташкилотлар;
- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- чет эл фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Республикага жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг йўналтирилганлигини аниқлаш максадида 2004 йил декабрь ойида 2005-2007 йилларда хорижий инвестицияларни жалб қилишининг монтакавий дастури тасдикланди.

Республика ташки иктисодий алоқаларининг яна бир асосий йўналиши бўлиб экспорт-импорт муносабатлари хисобланади.

Маълумки, республика экспорт-импорт муносабатларини ривожлантиришда сезиларли ютукларга эга бўлмоқда, лекин бу борада тегишли чора-тадбирларни янада жадаллаштириш максадида бу борадаги иқтисодий ислоҳотлар янада чукурлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 майда «Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июнда «Импорт истеъмол молларини олиб келиш воситасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2001 йил 19 июнда «Жисмоний шахсларнинг иақд хорижий валютасини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2002 йил 19 июлда «Республикага истеъмол товарларини ноконуний олиб келиш ва сотишга йўл қўймаслик чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 йил 7 январда «Божхона тарифини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва 2005 йили 11 марта «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Бу қабул қилинган қонун-қарорларда республика ташқи иқтисодий алокалари йўналишларини кенгайтириш, такомиллаштириш, экспорт ва импортни ривожлантириш суръатларини кўтариш, уларнинг таркибини янада такомиллаштириш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини олувчи республика маҳсулотлари рағбатбардошлигини кўтариш, хорижий инвестицияларни республика иқтисодиётини ривожлантиришга янада кўпроқ жалб қилиш, хорижий инвесторларни бу борада янада рағбатлантириш, уларни устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтириш, экспортни импорт устидан устуворлигини янада кучайтириб, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини янада ошириш ва унинг ҳисобидан республика олтин-валюта захираларини янада кўпайтириш ва умуман ташқи иқтисодий алокаларни республика иқтисодиётининг янада ривожланишига ижобий таъсирини ошириш чора-тадбирлари кўзда тутилган ва улар кенг микёсда амалга оширилмоқда.

Ташқи иқтисодий алокаларни ривожлантиришда республика миллий валютасини ташкил қилинишининг таъсири алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли республика иқтисодий ислоҳотларини

янада чуқурлаштириш даврида миллий валюта муомаласига ҳам алохидә эътибор ажратилди.

Бу эътиборнинг доимийлиги ва ҳар томондама амалга оширилганлигини республикада 2000-2009 йилларда бу борада қабул қилинган қонун-қарорлар билан тасдиқлашимиз мумкин.

Авваламбор, 2003 йил 11 декабрда «Валютани тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни (яғи таҳрири) қабул қилинди.

Бу қонунда республикада валюта айланмаси билан боғлиқ бўлган хукукий, ташкилӣ, маъмурий, иқтисодий муаммолар ўзечимини топди. Қонунга биноан:

- юридик шахслар томонидан хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш факат ваколатли банклар орқали амалга оширилади;
- жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани сотиш, сотиб олиш ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва алмаштириш пунктлари орқали амалга оширилади;
- жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси худудига олиб келиш чегараланмайди;
- жисмоний шахслар хорижий валютани республикадан олиб чиқишини тегишли хужжатларни кўрсатмасдан, қонунчиликка биноан аникланган ҳажмда амалга ошириши мумкин;
- бу кўрсатилган ҳажмдан ортиқ хорижий валютани резидентлар томонидан республикадан олиб чиқиш учун Марказий банкнинг ёки кафолатли банкларнинг рухсатига биноан амалга оширилиши мумкин;
- норезидентлар хорижий валютани республикадан олиб чиқиб кетишини республикага олиб келинган валюта ҳажмида амалга ошириши мумкин, ундан ортигини олиб чиқиб кетиши учун Марказий банкнинг ёки ваколатли банкларнинг рухсати бўлиши керак.

Республика миллий валютасини тўлик шакллантириш, муомаласини тартибга солиш, қадрини кўтариш ва ички конвертациясини таъминлаш мақсадида 2001 йил 19 июнда «Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2001 йил 25 октябрда «Ички валюта бозорида алмаштириш курсларини унификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2002 йил 27 июнда «Ўзбекистон Республикасида хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва 2000 йил 29 июнда «Биржа-

дан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2000 йил 30 июнда «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2001 йил 17 январда «Валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2001 йил 22 июнда «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2001 йил 22 июнда «Нақд пул муомаласини кучайтириш ва тижорат банкларининг масъулиятини кўтариш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2001 йил 8 юнда «Биржадан ташқари валюта бозорини эркинлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2002 йил 23 августда «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада кисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2004 йил 25 февралда «Ўзбекистон Республикаси нақд миллий валютасини четга олиб чиқишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Карорлари қабул қилинди.

Бу қабул қилинган қонун-карорларнинг амалга оширилиши республика миллий валютаси муомаласини тартибга солиб, уни ички конвертациясини амалга оширишга, миллий валютанинг қадрини саклашга, миллий валютанинг республика иқтисодиётини ривожлантириш суръатларини кўтаришга ёрдам бермоқда.

Кўриниб турибдики, республика ташқи иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида бу борада иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштирилмоқда, такомиллаштирилмоқда ва бу вазият республика ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш мақсадини аниқлаб, И.А. Каримов шундай деганлар: «Бугун мана шу юксак минбардан туриб айтмоқчиман, давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта-у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир<sup>1</sup>», кейин яна таъкидладиларки: «Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тоникент, 2005 58 б.

<sup>2</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 2007. 13 февраль.

Шундай қилиб 1999-2008 йилларда иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш натижасида республика ташки иқтисодий алоқалари янада ривожланди. Бу ютукларни кўлга киритишида республика миллий валютасининг ички конвертация қилиниши, албатта, катта аҳамиятга эга.

Келгусида ҳам ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш республика ижтимоий-иктисодий тараққиётининг асосий йўналишларидан, омилларидан бири бўлиб қолиши бу замон талабидир.

#### **4.5. Агросаноат секторида иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси учун агросаноат сектори макроиктисодиётининг асосий тармокларидан бири бўлиб қолар экан, унда иқтисодий ислоҳотларни бошқа тармокларга нисбатан янада чукурлаштириш табиий ҳолатдир.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришдан мақсад:

- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида хусусий секторнинг устуворлигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалигида умуман, алоҳида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кўтариш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида корхоналараро ракобат мухитини яратиш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида манфаатдорликка интилишни кучайтириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш секторини, алоҳида қишлоқ хўжалиги корхоналари экспорт салоҳиятини кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалигига нисбатан давлат томонидан бошқарувни такомиллаштириш, молиявий кўллаб-куватлаш, бевосита ишлаб чиқарувчilarни ҳимоя қилиш;
- қишлоқ хўжалигининг иқтисодиёт мажмуасидаги ролини ривожлантириш йўналишларини мувофиқлаштириш;
- қишлоқ хўжалигини моддий техника ва кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўз вактида харид қилишда, уларни қайта ишлашда тегишли ёрдам кўрсатиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари билан үларга ҳар хил хизматларни кўрсатувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхона, ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш тизимини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги соҳасида нарх-наво, солик ва кредитлаш тизимларини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалиги бевосита ишлаб чиқарувчиларни мулкка, меҳнатга, унинг натижаларига бўлган муносабатларини такомиллаштириш;

– қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқаришни юқори суръатларда ривожлантириш ва пировардида қишлоқ меҳнат ахлининг турмуш даражасини кўтариш.

Кўриниб турибдики, бу мақсадларга етишиш учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёни мураккаб, кўп қиррали ва ҳар томонлама асосланган бўлиши лозим. Бу талаб эътиборга олиниб, бунинг учун республикада аграр иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштиришнинг хукукий базаси янада такомиллаштирилмоқда.

Республика қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш давридаги асосий хусусиятларидан бири – бу республика қишлоқ хўжалигини фермерлаштиришdir.

Маълумки, 1998 йили республикада «Фермер хўжалиги тўғрисида» Конун қабул қилинган эди. Ўтган даврда республикада фермер хўжаликларини ташкил қилиш, шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини ҳар томонлама таҳлил қилиб, уни такомиллаштирилиб, 2004 йил 26 августда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини янги таҳрири қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштиришдаги асосий вазифалар 2003 йил 24 марта қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларни чукурлаштиришнинг мухим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида аниқланган.

Республикада илгари ташкил қилинган фермер хўжаликларини ривожлантириш, ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириб, уларни ташкил қилиб, ривожлантириш мақсадида

2002 йил 5 январда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликлариға айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 27 октябрда «2004-2006 йилларда «Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида», 2007 йил 29 декабрда «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари. 2004 йил 4 ноябрда «2005-2007 йилларда «Фермер хўжаликларини жадал ривожлантиришга қаратилган таклифлар бўйича маҳсус Комиссия тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши, 2007 йил 31 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2009 йил 26 январда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари қабул қилинди ва 2002 йил 5 январда «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликлариға айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2003 йил 30 октябряда «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2004 йил 24 декабря «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2008 йил 7 майда «Мелиорация ва сув хўжалиги ишларини бажаришда ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 28 ноябряда «Сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди.

Охиригина йилларда республикада сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

И.А. Каримов бу борада республикада қабул қилинган дастурларни амалга ошириш тўғрисида тўхталиб, ўзларининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида таъкидладиларки: «...ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик

коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж құдуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди, ҳамда реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилған лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сүм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради<sup>1</sup>.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда қишлоқ хўжалиги корхоналарида чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор ажратилмоқда. Шу мақсадда 2006 йил 23 марта «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва 2006 йил 21 апрелда «2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамол сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди. Бу қарорга биноан:

– Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали оиласларга ҳомийлар, нодавлат хайрия ташкилотлари маблағлари хисобидан қарамолларни – (бир бош сигир) бепул бериш шартлари тўғрисида низом тасдиқланди ва бу низом талабларини амалга ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар аникланди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун керакли шарт-шароитларни барпо этиш мақсадида 2000 йил 2 ноябрда «Лизинг асосида қишлоқни техника билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2001 йил 12 июля «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан шартномалар тузиш ва уларни бажариш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Маълумки, республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилған қонун, фармон, қарорлар ўтган даврда ва юқорида

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2010, 30 январь.

кайд қилингандардан кўриниб турибдики, улар охирги йилларда ҳам қабул қилинмоқда. Умуман улар амалга оширилмоқда, лекин жойларда уларнинг ижросини таъминлаш ҳали замон талабларига жавоб бермайди. Бу ҳолатни ўзгартириш мақсадида 2004 йили 11 марта «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

Бу Фармонга биноан Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчиликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хукукларини ҳимоя қилиш бўлимларини ташкил қилиш кўзда тутилиб, улар олдига қуйидаги вазифалар кўйилган:

- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга оид қонун-карорларда баён этилган талаб ва қоидалар ўз вактида, тўлик ижро этилишини назорат қилиш;
- пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўtkазиб туриш, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қабул қилинган ва тасдиқланган шартнома мажбуриятларининг мувофиглигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужожатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш;
- ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланаётган фермер ва деҳқон хўжаликларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- сув, минерал ўғитлар, ёқилги – мойлаш материалларидан, техника ва мелиорация иншоотларидан фойдаланишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида хуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида қонунчилик талабларини кенг кўламда тушунишириш.

Республикада қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликни жадал ривожлантириш билан бирга республика аҳолиси истеъмол эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ

бўлган тармоқларни ҳам юқори суръатларда ривожлантириш максадида 2006 йил 11 январда «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Бу қарорга биноан:

- 2006 йили мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш ҳақидаги таклифлар тасдиқланди;
- фермер хўжаликларига айлантириладиган ширкат хўжаликлар худудида бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг объектларини ташкил этиш бўйича таклифлар маъқулланди;
- ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёни қўйидаги талабларга жавоб берниши аникланди:
  - а) ер участкаси ижараси ҳақидаги шартномада белгилаб кўйилган мавжуд ихтисослашувни сақлаб қолиш;
  - б) фермерларнинг шартномага асосан боғ ва узумзорлардан сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мажбуриятини олиш;
- ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришда танлов ва кимошди савдо орқали ҳакконийлик, очиклик ва адолатлилик принципларига риоя қилиб амалга оширилиши;
- янгидан ташкил қилинаётган фермер хўжаликлири билан қайта ишлаш корхоналари ўртасида мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етказиб берниш тўғрисида шартномалар тузилиши ва уларда ишлаб чиқаришнинг камида 30 фоизи миқдорида аванс тўлашни амалга ошириш;
- тугатилаётган ширкат хўжаликларининг бўшайдиган аъзоларини иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш;
- «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» акциядорлик компаниясининг «Ўзвиносаноат – холдинг» хиссадорлик компаниясига айлантирилиши;
- ташкил қилинаётган мева-боғдорчилик узумчилик, фермер хўжаликларга транспорт ва бошқа хизматларни ўз вақтида кўрсатиши, уларни ягона ер солигини тўлашдан 5 йил муддатга озод қилиш;

– тутатилаётган ширкат хўжаликлар худудида ташкил қилинаётган агросаноат фирмаларининг 3 йил мобайнида даромад солиги, ер солиги, мулк солиги, кўшилган қиймат солиги, ягона солик тўловларини тўлашдан озод қилиниши;

– солик солишдан бўшайдиган маблағларни мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ривожлантиришга, боғ ва узумзорларни янада кенгайтиришга йўналтириш ва бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Фермер, дехқон хўжаликлири, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналарни минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан таъминлаш мақсадида 2006 йил 24 августда «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма савдосини ўтказишни ташкил килиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди. Бу қарорга биноан Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий алокалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермер хўжаликлари уюшмасининг «Ўзэкспомарказ МКК» ОАЖ худудида фермер ва дехқон хўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг доимий ишлайдиган кўргазма – савдосини ташкил килиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдода минитехникалар ва ихчам ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий компанияларни кенг кўламда жалб қилиш ва уларнинг иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилди.

Хорижий компаниялар томонидан кўргазма-савдога келтирилган минитехнологиялар, ихчам ускунларни фермер, дехқон хўжаликларга агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар импорт шартномаларига асосан сотиш ёки лизинг шартномалари бўйича ўтказиш йўллари аникланди.

Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётида тутган ўрнидан, қишлоқ хўжалиги тараққиётининг, умуман республика иқтисодиётига, республика аҳолисининг турмуш даражасига таъсиридан келиб чиқиб, Республика Президенти И.А. Каримовнинг тавсияларига биноан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровоилиги» йили

деб аталиб, Республика Президентининг «Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан ишлаб чиқилган дастур тасдиқланди ва унда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- қишлоқ хўжалигининг манфаатларини яна ҳам тўликрок таъминлаш;
- қишлоқ қиёфасини сифат жихатдан яхшилаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш;
- мамлакатнинг ўзида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- қишлоқнинг мавжуд энергия ва газ таъминоти обьектларини реконструкция қилиш;
- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчил чукурлаштириб бориш;
- қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни янада ривожлантириш;
- инсонлар саломатлиги муҳофаза қилинишини яхшилаш, қишлоқда умумий ва қасб-ҳунар таълими тизимини янада ривожлантириш.

Бу вазифаларни бажариш мақсадида 100 дан ортик чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш давридаги ривожланишининг асосий хусусияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёни кенг миқёсда давом эттириляпти, мавжуд ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантириляпти, хусусий сектор янада ривожлантириляпти.

2003 йил 27 октябрида ПФ-3342-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларга фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида» Фармони қабул қилинди, 2003 йил 30 октябрида 476-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

Бу концепцияда Макроиктисодиёт, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Молия вазирлклари, Дехқон ва фермер хўжаликлари Ассоциа-

цияси томонидан 2004-2006 йилларда қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш күзде тутилди ва амалга оширилди:

- 1020 паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хұжаликларини фермер хұжаликлариға айлантириш;
- 954 машина-трактор паркларини ташкил этиш;
- 925 сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш;
- 889 ёқилғи билан таъминловчи ташкилотларни ташкил қилиш;
- 848 минерал ўғитлар билан таъминловчи пунктларни ташкил қилиш;
- 701 минибанкларни очиш;
- 249 кишлоқ хұжатыги маҳсулотларини заготовка қилиш ташкилотларни ташкил қилиш;
- 216 зооветеринария пунктларини очиш;
- 160 ахборот марказтарини ташкил қилиш.

2007 йилда фермер хұжаликтери улуши ер майдонларида 17 фоиздан 63 фоизге ошиши, маҳсулот ишлаб чыкарышда 25 фоизга күтарилиши күзде тутилган эди.

Концепция амалга оширилиши билан 2003-2006 йилларда кишлоқ хұжалигидә:

- альтернатив машина-трактор парклари – 4,1 марта
- минерал сотиши пунктлар – 4,4 марта
- сувдан фойдаланувчилар уюшмалари – 4,6 марта
- кишлоқ хұжатыги маҳсулотларини заготовка қилиш ташкилотлари – 1,8 марта
- ёқилғи сотиши пунктлари – 4,6 марта
- ахборот органлари – 1,9 марта
- минибанктар – 3,1 марта күпайиши аникланди,
- инфратизилма ташкилотларни сони – 8200 га етказилди.

Күриниб турибдикі, концепцияга биноан амалга ошириладын чора-тадбирлар көнг хажмели, күп кирралы бўлиб, уларни амалга ошириш фермер хұжаликтари, умуман кишлоқ хұжалигини ривожлантиришда шубҳасиз катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика фермер хұжаликларини ривожлантириш мақсадида уларга хизмат кўрсатувчи инфратизилма объектлари көнг миқёсда ташкил этилмоқда.

**Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларига хизмат  
кўрсатувчи инфратузилма объектларининг ташкил этилини**

	2002	2003	2004	2005	2006	жами
Минибанклар	141	105	196	260	273	975
Муқобил МТШлар	129	168	282	402	553	1534
Минерал ўғитлар сотиги шохобчалари	128	135	208	168	243	882
Нефть маҳсулотлари сотиги шохобчалари	140	138	236	321	282	1117
Сувдан фойдаланувчилар узошмалари	141	152	223	379	406	1301
Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиги шохобчалари	-	-	88	136	270	494
Чорва моллари сотиги ва зооветеринария хизмати кўрсатилиш шохобчичари	-	-	91	116	130	337
Ахбороз гаъмиоти ва консалтанш хизмати кўрсатилиш шохобчалари	-	-	60	102	108	270
Транспорт хизмати кўрсатилиш шохобчалари	-	-	-	-	68	68
Тара. идишлар ва қадоқдаш материаллари билан таъминланган шохобчаси	-	-	-	-	72	72
АгроФирмалар	-	-	-	-	195	195

Республика қишлоқ хўжалиги фермерлаштираётган экан табиийки, фермер хўжаликларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун уларга керакли шарт-шароитлар – тегишли инфратузилма яратиш лозим эди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикада иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида бу масалага тегишли эътибор ажратилди – фермер хўжаликларининг инфратузилмаси кенг микёсда ташкил этилди.

Фермер хўжаликларининг молиявий-иктисодий муносабатларини олиб бориш учун 975 та минибанклар, буюртма асосида қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш учун 1534 та машина-трактор парклари, минерал ўғит ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш учун 882 та минерал ўғитлар сотиги шохобчалари, 1117 та нефть маҳсулотлари сотиги шохобчалари ташкил топди.

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида республика қишлоқ хўжалигининг янада таракқиётини таъминлаш билан бирга қишлоқ хўжалиги ижтимоий-иктисодий секторида кўп укладли бозор иқтисодиётини такомиллаштириш, умуман шакллантириш амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб республика қишлоқ хўжалиги секторида иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштирилиб:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш жараёни якунланди.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хусусий секторнинг устуворлиги шаклланди.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигига кўп укладли бозор иқтисодиёти шакллантирилди.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш тараққиёти юқори суръатларда давом эттирилди.

Бешинчидан, фермер ва дехқон хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш мақсадида кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Келгусида бу тенденцияларни янада жадаллаштириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

#### **4.6. Кичик бизнес ва тадбиркорликни янада рағбатлантириш**

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида республика раҳбарияти нодавлат ишлаб чиқариш секториниң ривожлантиришга айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳамма вақт алоҳида эътибор ажратмоқда. Чунки ҳалқаро миқёсда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш даврида бу секторнинг тутган ўрни, ижобий роли ҳар томонлама тасдиқланган ва бу тажрибадан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси учун албатта, катта аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига кўра шу нарса тасдиқландики, бозор иқтисодиётини ривожлантириш даврида нодавлат ижтимоий-иқтисодий сектори тараққиёти алоҳида рол ўйнаган.

Нодавлат секторни ривожлантиришда бевосита рағбатлантирувчи куч, бевосита элемент бўлиб, кичик бизнес хизмат қилади.

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти:

- маҳсулот ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни истеъмолчиларга яқинлаштиради;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси, ассортиментини тез фурсатда ўзгартириб туриш имкониятини беради;
- амалиётда пайдо бўладиган рискларни тезроқ бартараф этиш имкониятини беради;
- ишлаб чиқаришга моддий ва молиявий ресурсларни, айниқса аҳоли жамғармаларини сафарбар қилишга шарт-шароитлар барпо этади;

– аҳолининг меҳнат билан бандлигини, демак турмуш даражасини кўтариади;

– йирик корхоналарнинг буюртмаларига биноан фаолият юритиб, демак замонавий техника ва технологияларга асосланган бўлиб, барқарорлик шароитида амалга оширилади;

– ҳалқаро тажриба шуни кўрсатаяпдики, улар ўрта ва йирик корхоналарни ташкил килишда асос бўлиб хизмат килади Масалан, Япониянинг кўп йирик компаниялари кичик бизнесдан бошланган;

– ҳар битта ташкил қилинадиган қўшимча иш жойига йирик корхоналарга нисбатан кам сармоилар талаб этади;

– ташкил килиниш учун сарф қилинган сармоиларни қисқа муддатда оқлади;

– мамлакат макроиктисодиётини такомиллаштиришга ёрдам беради;

– ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни, кўрсатиладиган хизматларни кўплайтириб, жамият, истеъмолчилар эҳтиёжларини кўпроқ ва тез фурсатда кондириш имкониятини яратади;

– ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга, пенсионерларни, ногиронларни, ўқувчиларни, уй бекаларини меҳнат қобилиятига эга бўлганлардан бир қисмини уларнинг асосий иш фаолиятидан кейин сафарбар қилиш имкониятини яратади;

– маҳаллий хомашё ресурслардан фойдаланиб, маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиради;

– ишлаб чиқаришда ва маҳсулотларни сотишда ракобат муҳинини ташкил этишга ёрдам беради;

– аҳоли бандлигини кўтариб, давлат томонидан ишсизларга бериладиган нафақалар ҳажмини камайтириб, тежалган маблагларни бошқа мақсадлар учун сарф қилиш имконини яратади;

– умуман бозор иқтисодиёти самарадорлигини оширишга ёрдам кўрсатади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда Япония тажрибаси ҳар томонлама эътиборга сазовор.

Хозирги пайтда Япония иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг салмоги уларнинг сони бўйича 99,7 фоизни, аҳоли бандлиги бўйича 69,5 фоизни, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти бўйича 80,0 фоизни ташкил этади.

Японияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг асосий омили унинг таракқиётини таъминлашда мамлакат хукумати, бутун

жамият томонидан кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлашдир. Бу фикрни тасдиқлаш учун Япония давлати, хукумати томонидан кичик ва ўрта корхоналарни шакллантириш, ривожлантиришга бағишлиган қонун, қарорларнинг қабул қилинишини ифодалаш етарлидир.

Бу 1942 йили кичик ва ўрта бизнес соҳасида соликка тортиш тизимини тартибга солиш, 1947 йили монополияга карши қонун – ишлаб чиқаришни ҳаддан ташқари концентрация қилишини бартараф этиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши, 1949 йили кичик ва ўрта корхоналарга маслаҳатлар бериш тизимини жорий қилиш, мамлакат молиявий ҳаёти миллий корпорациясини ташкил қилиш, кичик ва ўрта корхоналар ассоциациясини кооперациялаш тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши, 1950 йил – кичик ва ўрта корхоналарни сугуртлаш ва кредитлаш тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши, 1952 йили – кичик ва ўрта корхоналар консультантларини расмий равишда рўйхатдан ўтказиш. 1953 йил – кичик ва ўрта корхоналар учун Япония молиялар корпорациясини ташкил қилиш, савдо-саноат палатаси тўғрисида ва кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши, 1956 йил – кичик ва ўрта корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қонуннинг қабул қилиниши, 1957 йил – кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш тўғрисида қонун, 1960 йил – савдо ва саноат ассоциацияси тўғрисида қонун, 1963 йил – кичик ва ўрта корхоналарга раҳбарлик қилиш тўғрисида қонун, кичик ва ўрта бизнесни модернизациялашга ёрдам бериш тўғрисида қонун, 1967 йил – кичик ва ўрта корхоналар томонидан ҳукуматнинг ва бошқа ташкилотларнинг буюртмаларини олиш тўғрисида қонун, кичик ва ўрта корхоналарга кўмаклашиш корпорациясини ташкил қилиш тўғрисида қонун, 1970 йил – йирик корхоналар томонидан кичик ва ўрта корхоналар меҳнатига ҳақ тўлашни кечиқтирмаслик тўғрисида қонун, кичик ва ўрта корхоналар билан субподрад алоказаларни ривожлантириш тўғрисида қонун, 1980 йил – кичик ва ўрта корхоналарга бошқарувлик институтини ташкил қилиш ва кичик ва ўрта корхоналар учун ахборот марказларини очиш, 1995 йил – кичик ва ўрта корхоналарда ижодий, ишчанлик ҳаракатларини ривожлантириш тўғрисида қонун ва 1999 йили – кичик ва ўрта корхоналарга кўмаклашиш

ва уларни ривожлантириш тўғрисидаги қонунинг янги вариантининг қабул қилиниши.

Кўриниб турибдики, кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилиш, шакллантириш ва ривожлантириш масалалари ҳақиқатан Япония давлатининг эътибор марказида бўлган.

Япония кичик ва ўрта бизнес таракқиёти ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бир қанча босқичларни босиб ўтган.

1944-1955 йиллар – иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда мамлакат ҳалқ хўжалигини тиклаш билан Япония раҳбарияти томонидан кичик ва ўрта бизнесни барпо этиш асосларини шакллантириш, уни ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитлар яратилди.

1955-1962 йиллар – Япония ҳалқ хўжалиги тиклангандан сўнг кичик ва ўрта бизнес мақоми бутунлай аниқланди, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга раҳбарлик килиш учун хукумат бошқарув тизими барпо этилди.

1963 йилдан бошлаб ҳозиргача – кичик ва ўрта бизнесни Япония иқтисодиётининг асосий элементига айлантириш, кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожлантирилиши умуман Япониянинг иқтисодиёти йирик корхоналарнинг таракқиёти билан боғланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Японияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири – бу уларга раҳбарлик қилиш борасида маҳсус хукумат органлари ва банкларни ташкил қилишдан иборат. Бу кичик ва ўрта корхоналар учун Япония молиялари корпорацияси, молиялаштириш корпорацияси, кредитлаштириш кафолатлари корпорацияси, кичик ва ўрта корхоналарнинг Япония корпорацияси, банклардан савдо ва саноат учун марказий кооперация банки, шахсий бизнесни молиялаштириш корпорацияси, кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш Япония корпорацияси, уй-жойни кредитлаш Давлат корпорацияси. Давлат почта корпорацияси, кичик ва ўрта корхоналар кредитларини сугурталаш корпорацияси, Синкин банклар тизими.

Японияда қабул қилинган қонун-қарорлар ва барпо этилган шарт-шароитлар билан бирга амалиётда кичик ва ўрта корхоналар жамиятда ҳар томонлама ардокланади ва натижада илгариги кичик корхоналар негизида Япониянинг йирик компанияларидан «Тайото», «Панасоник» ва «Сони» компаниялари барпо этилган.

Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда Япония тажрибаси ҳар томонлама ўрганишга ва ундан фойдаланишга сўзсиз арзиди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мавжуд ҳалқаро тажрибадан ва республиканинг тарихий, иқтисодий анъаналаридан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилмоқда.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги боскичи республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даври билан боғлиқ.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу борада илгари қабул қилинган қонун-қарорларга қўшимчалар, янги қонун-қарорлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари хусусий корхона бўлиб, уларнинг ташкил қилиниш асослари, улар фаолиятида меҳнат муносабатлари, эркинлик кафолатлари 2003 йил 11 декабря қабул қилинган «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида аникланган.

Юкорида таъкидланганидек, республикада ташкил қилинаётган, ривожлантирилаётган фермер хўжаликлари кичик бизнес ва тадбиркорликнинг асосий элементларидан бири экан, уларга нисбатан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга йўналтирилган қўшимча қабул қилинган қонун-қарорлар тўғрисида юкорида фикр-мулоҳазалар келтирилган эди. Уларни эътиборга олган ҳолда, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга бағишланган яна бошқа қабул қилинган қонун-қарорлар амалга оширилмоқда.

Аввалинбор, республика мустақиллиги даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида кўлга киритилган тажрибадан келиб чиқиб, бу корхоналарнинг ташкил қилинишини янада такомиллаштириш мақсадида 2000 йил 25 майда «Тадбиркорлар эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», 2003 йил 11 декабря «Хусусий корхона тўғрисида», 2004 йил 26 августда «Фермер хўжалиги тўғрисида», 2007 йил 3 январда «Нодавлат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунлари қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш ва улар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида 2000 йил 4 марта «Фер-

мерларни, хусусий тадбиркорликни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2007 йил 19 январда «Микромолиявий хизматлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2008 йил 1 июнда «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳалла ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бўжарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, 2003 йил 24 январда «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий сектор улушкини кескин ошириш тўғрисида», 2003 йил 23 декабрда «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-куватлаш тўғрисида», 2005 йил 14 июнда «Тадбиркорлик субъектларини хукукий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 20 июнда «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 2008 йил 21 апрелда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 15 майда «Тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Республика Президентининг Қарорлари қабул қилинди.

Республикада бозор муносабатларини янада жадаллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу корхоналарга нисбатан бошқарувликни ҳам такомиллаштириш лозим эди. Бу масалани ечиш мақсадида 2004 йил 3 декабрда «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конуни қабул қилинди, 2002 йил 6 июнда «Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланувчиларни тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 2004 йил 7 июнда Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида», 2005 йил 5 октябрда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари қабул қилинди.

2004 йил 22 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил қилишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисидаги республика қонунида Палатанинг вазифалари, унинг давлат органлари билан ўзаро алоқалари, Палатанинг ташкил қилиниши, Палата фаолиятининг асослари, унинг ҳукуқлари, мол-мулкининг шаклланиши аниqlанган.

Палатанинг вазифалари сифатида қўйидагилар тасдиқланган:

- Ўзбекистон Республикасида умуман тадбиркорликни, биринчи галда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш;
- тадбиркорларга чет эллик ҳамкорлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда ёрдам бериш;
- тадбиркорлар томонидан экспортга мосланган маҳсулотларни хорижий бозорларга йўналтириш;
- фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик корхоналарига рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун бу корхоналарда янги техникани жорий қилиш ва ишлаб чиқаришни янги техника билан жиҳозлаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш;
- хорижий мамлакатларнинг савдо-саноат Палаталари ва тадбиркорларнинг ижтимоий уюшмалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;
- тадбиркорларга кенг миёсда тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ҳамкорлар, тадбиркорлик фаолияти учун керакли янги техника тўғрисида тегишли ахборотларни етказиб туриш;
- тадбиркорликни ривожлантириш борасида қонун ва қарорларни такомиллаштириш, тадбиркорлик тараккиёти учун техникий, иқтисодий ва ташкилий мухитни барпо этиш;
- давлат бошқарув органлари билан муносабатларда тадбиркорларнинг ҳукуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- тадбиркорлик фаолияти учун керакли кадрларни тайёрлашда тегишли ёрдам кўрсатиш.

Савдо – саноат Палатаси нодавлат, нотижорат ташкилоти бўлиб, ихтиёрий равишда мамлакатдаги тадбиркорлик фаолияти би-

лан шуғулланувчи хўжалик субъектларини, шу жумладан микро- фирмаларни, кичик, хусусий корхоналарни, шахсий тадбиркорларни ўз таркибига олади, уюштиради.

Кўриниб турибдики, республикада савдо-саноат Палатасининг ташкил этилиши, унинг олдига кўйилган вазифаларни амалга оширилиши республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга сўзсиз ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини хукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан:

- 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан хукуқий таъсир чораларини факат суд орқали кўлланиш тартиби жорий этилди;
- тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш солик органлари томонидан, солик ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда Республика Бош Прокуратураси хузуридаги солик ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилди;
- назорат органларининг ходимлари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича текширувлар ўтказгандиги учун жавобгарликка тортиладилар;
- ноконуний текширувлар натижасида тадбиркорларга етказилган заарларни унга айбдор назорат органларининг ходимлари қоплаши тасдиқланди.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, умуман республика иқтисодиётида хусусий секторни, айниқса, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда янги шарт-шароитлар барпо этилди ва бу ўз навбатида хусусий секторни республика иқтисодиётидаги тутган ўрнини янада кўтарди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар бу соҳанинг республикада янада юқори суръатлар билан ривожланишига ёрдам берди.

4.6. I-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони, минг бирлик	142,9	170,8	208,7	255,9	277,4	308,7	384,1	392,0	398,6	422,9
Кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар макдори, млрд. сўм		171,5	265,0	282,3	353,7	464,0	607,2	744,0	1251,0	3207,0
Кичик бизнес ва тадбиркорлик маҳсулотининг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуси, фоизда	31,0	33,8	34,6	35,0	35,6	38,2	42,1	45,5	48,2	50,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибди:

- республикада иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида кичик бизнес ва тадбиркорлик узлуксиз ривожланди. 2000-2009 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сони 2,9 марта кўпайди.
- Республикада кичик бизнес ва тадбиркорликни ташкил этиш, уни ривожлантириш ҳар томонлама, шу жумладан молиявий кўллаб-куватланди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар 2001-2009 йилларда 18,6 марта кўпайди.
- иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш борасидаги амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг республика иқтисодиётидаги тутган ўрни йилдан-йилга ошиб борди. 2000-2009 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг Республика ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоги 31,0 фоиздан 50,1 фоизга кўтарилиди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент. 2009. 44,45,89

Маълумки, кичик бизнес ва тадбиркорлик республика иқтисодиётининг ҳамма тармоқ, соҳаларида ташкил этиляпти, ривожлантирилмоқда.

4.6.2-жадвал.

**Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг алоҳида тармоқларигати удуши, фоизда**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Саноат	14,0	14,5	15,9	10,9	10,1	9,4	10,0	13,2	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалик	73,6	36,8	74,9	78,1	88,1	85,7	93,9	97,5	98,7	97,9
Куриливи	36,8	46,1	41,3	46,4	49,8	48,2	51,0	55,4	58,5	41,6
Чакана товар айланмаси	45,3	40,5	43,4	42,4	42,2	43,7	45,3	48,2	47,2	46,5
Ахолига пуллик хизмат	37,9	51,8	41,3	45,4	47,9	52,5	50,8	50,1	49,1	48,7
	50,1	51,8	53,8	56,7	60,3	64,8	69,1	72,1	76,7	74,2

Кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари хусусиятларидан келиб чиқиб, кичик бизнес ва тадбиркорлик улушлари бўйича ҳар хил – саноатда нисбатан паст, қишлоқ хўжалигида – нисбатан юқори, чунки ўз вактида саноатда корхоналар қисман ўрта, лекин асосан йирик бўлган. Охирги пайтда вазият ўзгармоқда. Саноатда ҳам кичик бизнес охирги йилларда юқори суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Бу борада касаначилик тизими ташкил қилиниб, ривожлантирилмоқда. Келгусида кичик бизнеснинг саноатдаги улушининг кўтарилиши шу йўналиш ёрдамида амалга оширилади, яъни кичик бизнес ва тадбиркорлик йирик саноат корхонаси билан кооперациялашиб, уларнинг буюртмалари асосида фаолият кечириши лозим. Масалан. Японияда кичик ва ўрта корхоналарнинг 65 фоизи йирик саноат компанияларининг буюртмасини бажариш билан шуғулланишади.

Қишлоқ хўжалигида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг юқори улушки – бу қишлоқ хўжалигини фермерлаштириш ва дехкон хўжаликларини жадал ривожлантириш билан боғлик.

Лекин қурилиш, чакана савдо айланмаси, ахолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича ҳам келгусида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаси улушининг ўсиб бориши – бу замон талаби, бозор иқтисодиётини шакллантириш талабидир.

Бунинг учун тегишли шарт-шароитлар барпо этилиб, керакли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, улардан асосийлари қуидагилар:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини солиқка тортишда кўшимча имтиёзлар яратиш;
- солиқлар конунчилигини барқарорлаштириш;
- солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тизимини соддалаштириш;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича шуғулланувчиларга рухсат беришни соддалаштириш;
- йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик корхоналарни ташкил қилиш;
- хонадонларда майда хусусий цехларни очишни рағбатлантириш;
- кичик бизнесга моддий-техника таъминоти бўйича, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш бўйича керакли ёрдамни кўрсатиш;
- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналар фаолиятига давлат органлари томонидан асоссиз аралашувни бартараф этиш;
- қабул қилинган конун-қарорларга биноан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналарини давлат органлари томонидан ҳимоя қилиш ва кўллаб-куватлаш.

Шу ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш кичик бизнес ва умуман нодавлат ишлаб чиқариш секторининг республика иқтисодиётининг асосий ишлаб чиқариш секторига айланишини сўзсиз таъминлайди.

#### **4.7. Кучли ижтимоий сиёсатни янада кенгайтириш**

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий – йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда ва республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тамойилларидан бири сифатида республикада аҳолини бозор муносабатларининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда.

Яна маълумки, республикада ҳақикатан ҳам кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда, лекин бозор муносабатларини шакллантириш, бозор иқтисодиётини барпо этиш республикада давом этар экан, бу борадаги чора-тадбирлар жадаллаштирилмоқда, бу

соҳадаги иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилмоқда ва бунинг учун авваламбор, кучли ижтимоий сиёсатни янада кенгроқ миқёсда амалга ошириш ҳуқуқий базаси яратилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига биноан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб зълон қилинди ва 2006 йил 12 декабря «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши кабул қилинди.

Бу Фармойишга биноан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси аникланиб, бу Дастурда кўйндаги масалалар, уларни ечиш чора-тадбирлари ифодаланиши зарурлиги тасдиқланди:

- ижтимоий ҳимоя тизимишининг самарадорлигини ошириш;
- аҳолининг ижтимоий начор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган ҳолда ёндашувни кучайтириш мақсадида янги зарур қонун ҳужжатлар рўйхатини аниклаш;
- ёлғиз кекса фукаролар, ногиронлар, бокувчисини йўқотган, балоғатга етмаган болаларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам нормалари ва ставкаларини макбуллаштириш;
- аҳоли начор қатламларининг турли тоифаларига ёрдам кўрсатувчи муассасаларини таъминлаш учун сарфланадиган норматив моддий харажатлар миқдорини макбуллаштириш;
- 2 ёшгача болалари бўлган оиласарга, кўп болали ва кам таъминланган оиласарга маҳалла қўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқдорини қайта кўриб чиқиш;
- «Мехрибонлик» уйлари ва маҳсус мактаб-интернатларининг моддий-техника базасини кучайтириш;
- бокувсиз қолган болаларга эътиборни янада кучайтириш;
- аҳолининг начор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;
- аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;
- жисмоний соғлом, маънавий бой авлодни шакллантириш чора-тадбирларини янада кучайтириш;
- оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кенгайтириш;
- «Мехрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларининг ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбат-

лантириш ва муносиб баҳолаш механизмини янада такомиллаштириш;

– ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, ёш оиласарни маънавий ва моддий рағбатлантириш;

– хурматли фахрийлар ва пенсионерларнинг соглом ва сермазмун ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

2007 йил 1 июлда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат Даствури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди ва унда республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш билан боғлиқ бўлган 6 та Республика Қонунлари, 6 та Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини тайёрлаш ва қабул қилиш, 4 та Республика Қонунларига, 6 та Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва 100 дан ортиқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада тартибга солиш мақсадида 2007 йил 22 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш республикада соғлиқни саклаш, ҳалқ таълимини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу боғланишдан келиб чиқкан ҳолда 2007 йил 26 февралда «Ҳалқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу Фармонга биноан Ҳалқ таълими муассасаларининг харажатлари ҳисоб-китоби, таъминлашиши ва бу жараён устидан назорат қилиш функциялари Ҳалқ таълими органларидан молия органларига ўтказилди. Энди Ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини молиялаштириш бевосита ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бу чора-тадбирлардан мақсад – Ҳалқ таълимини ривожлантиришга ажратилаётган кенг микёсдаги маблағлардан самарали фойдаланишдан иборат.

2007 йил 22 январда «Соғлиқни саклаш тизимини ислоҳ қилиш ишларининг боришини ўрганиш ва бу борадаги ислоҳотларни янада чукурлаштиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари бўйича ишчи гурӯхни тасдиқлаш тўғрисида» Республика

Президентининг Фармойиши Қабул қилинди, унда ишчи гурӯҳ таркиби тасдиқланди. 1998-2006 йилларда қилинган ишларни таҳлил қилиш ва ечилимаган муаммоларни очиш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси тасдиқланди.

Республика аҳолисини келгусида янада ҳар томонлама ижтиёмий ҳимоя қилишнинг асосий йўналишларини аниклаш мақсадида 2007 йил 19 марта «Аҳолини ижтиёмий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Республика Президентининг Фармони қабул қилинди.

Маълумки, республика аҳолисини ижтиёмий ҳимоя қилиш, унинг фаровонлигини кўтариш республика иқтисодиётининг ижтиёмий соҳаларини аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш билан боғлик. Шу сабабли 2006 йил 17 апрелда «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Бу қарорда республикада хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда амалга оширилган чора-тадбирлар, кўлга киритилган ютуқлар ижобий баҳоланди ва шу билан бирга бу борада мавжуд камчиликлар аникланди ва уларни бартараф этиш мақсадида қўйидаги йўналишлар бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши аникланди:

- хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- 2010 йилга бориб кўрсатилган хизматлар улушкини ялпи ички маҳсулот таркибида ҳозирги 38 фоиздан 49 фоизгача кўтариш;
- 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;
- қишлоқ жойларда истикомат қиласиган аҳолига кўрсатиляётган хизматларни янада кўпайтириш;
- хизмат кўрсатиш соҳалари учун кадрлар тайёрлаш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури тасдиқланди;
- Дастурда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлик харажатларни молиялаштириш манбалари аникланди;
- хизмат кўрсатиш соҳаларининг 2006-2010 йилларда ривожланиш Дастурини республика ҳудудлари бўйича ишлаб чиқиш топширилди.

Республика иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири бўлғанлиги сабабли бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика иқтисодий ислоҳотларини янада чукурлаштиришни амалга оширишда, кўриниб турибдики, ислоҳотларнинг тамойилларидан бири бўлмиш кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга алоҳида эътибор ажратилиб, бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Авваламбор, бу республика иқтисодиётининг ижтимоий соҳаларини янада ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда.

Республикада соғлиқни саклаш соҳасини ривожлантириш концепцияси амалга оширилмоқда.

Республика иқтисодий ислоҳотларини янада чукурлаштириш даврида соғлиқни саклаш соҳасида ислоҳотларни чукурлаштириш куйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- болалар туғилиши, келгусидаги соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида оналик ва болалик масаласида янги концепция ва амалий ёндашувни амалга ошириш;
- бозор муносабатларига мосланган соғлиқни саклаш тизимини барпо этишининг янги ёндашувларини соғлиқни саклаш соҳасида ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жойларда бирламчи тиббий ёрдамни олиш учун тегишли шарт-шаронтларни яратиш;
- эски стернотип, шаблонлардан воз кечиб, соғлиқни саклашни молиялаштиришда янги манбалардан, -- пуллик хизмат кўрсатиш ва хусусий тиббиетдан фойдаланиш;
- қимматга тушадиган касалхоналардаги паст самараали карават фондидан фойдаланиш ўрнига соғлиқни саклаш тизимини молиялаштиришни оптималлаштириш йўли билан бюджет маблағларини бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун йўналтириб, амбулатория-поликлиника тиббий хизматларини ривожлантириш;
- республиканининг бутун худудларида аҳолига тиббний ёрдам кўрсатиш борасида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилиш.

Республикада янги соғлиқни саклаш тизимининг шаклланиши куйидаги тамойилларга асосланган бўлиши лозим:

- инсон таракқиётини амалга ошириш мақсадида соғлиқни саклаш тизимини ҳаммага тушунарлилигини, соддалигини таъмин-

лаш, айниқса бирламчи тиббий ёрдамнинг тушунарлилигини, тикинлигини таъминлаш:

- қишлоқ жойларда яшовчиларга ҳам қишлоқ тиббий пунктларини ташкил қилиш йўли билан олий маълумотли тиббий ходимлар томонидан юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш;
- республиканинг бутун худудларида bemorlarغا мутлақо пулсиз шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш. Бунинг учун ҳамма худудларда яхши жиҳозланган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари ташкил этилиши лозим;
- бюджет маблағлари ҳисобидан соғлиқни сақлашни молиялаштириш ҳар бир bemorга нисбатан ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Шу билан бирга ажратилган маблағлар ностационар тиббий хизмат кўрсатиш, профилактика, амбулатория-поликлиника тиббий ёрдамга йўналтирилиши керак;
- бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга алоҳида касалниклар бўйича яхши жиҳозланган, юқори малакали мутахассислар билан таъминланган тиббий муассасалар ҳам ташкил этилиши лозим;
- хусусий соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш аҳолига тушинарли, оддий тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашни чегараламай, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини кўтаришга йўналтирилган бўлиши лозим.

Республика соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш учун тегишли маблағлар йилдан-йилга кўлайтириб ажратилмоқда.

Республикада соғлиқни сақлашни янада такомиллаштириш, ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш учун 2007 йил 19 сентябрда «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва 2009 йил 2 октябрда «Республика тиббий муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Республика Президентининг Қарори қабул қилинди.

Республика иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида республика маориф соҳасида ҳам ислоҳотлар такомиллаштирилмоқда ва иқтисодиётнинг бу соҳасини ривожлантиришга ҳам тегишли эътибор ажратилмоқда ва кенг микёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республиканинг мустакиллиги даврида хаяқ таълимининг мөхияти ва уни ривожлантириш йўналишларини аниглаш мақсадида «Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Даствури» қабул қилинди. Уларга биноан республикада таълимни ривожлантириш миллий модели барпо этилди ва уч босқичда амалга оширилмоқда:

Биринчи босқич – 1997-2001 йилларни ўз таркибига олиб, бу босқичда республика иқтисодий ислоҳотларини янада чуқурлаштириш даврининг бошланишида республикада узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хукукий, кадрлар, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитларини барпо этиш вазифасини кўзда тутган.

Иккинчи босқич – 2001-2005 йилларни ўз таркибига олиб, бу босқичда таълим соҳасининг миллий дастурини, қўлга киритилган натижатарни эътиборга олиб, республикада меҳнат бозорини ва республиканинг умуман ижтимоий-иктисодий шароитларини эътиборга олиб, миллий дастурни ҳар томонлама амалга ошириш вазифасини кўзда тутган.

Учинчи босқич – 2005 йилдан бошлаб кейинги йилларда республикада узлуксиз таълимни ривожлантиришда қўлга киритилган тажрибани ва республиканинг истиқболдаги тараққиётини таҳдил қилиб, узлуксиз таълимни такомиллаштириш ва янада ривожлантириш вазифаларини кўзда тутган.

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими ўз таркибига мактабгача бўлган таълимни (6-7 ёшгача), умумий ўрта таълимни (1 – 9 синфлар). уч йиллик ўрта маҳсус таълимни, олий таълимни, олий ўкув юртларидан кейинги таълимни, кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш босқичларини олади.

Қабул қилинган конун-қарорларга биноан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврининг бошланишида таълим соҳасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

– халқ таълими соҳасида хорижий мамлакатларнинг тажрибасига биноан бакалавриат ва магистратура тизимлари қабул қилинди;

– таълим соҳасининг йўналтирилганлигини такомиллаштириш мақсадида ихтисослашган коллежлар ва академик лицейлар тизимларига ўтилди. Қабул қилинган миллий Дастурга асосан республикада 1611 коллежлар ташкил этилади. Улардан 796 мавжуд ўрта маҳсус ўкув юртларини реконструкция қилиш асосида ва 815 таси янгидан курилади.

2004-2009 йилларга мўлжалланган Дастурда кўрсатилган 1611 коллеждан, 341 таси саноат, 285 таси қишлоқ хўжалиги, 289 таси хизмат кўрсатиш, 194 таси маҳсулотларни қайта ишлаш соҳаларида ташкил этилади. Бу коллежлар учун 100 минг ўқитувчи кадрлар тайёрланади, улардан 40 фоизи янгидан тайёрланади, 60 фоизи қайтадан тайёрланади.

Бу Дастурни амалга ошириш учун ажратилган маблағлар 1.2 млрд. америка долларини ёки 1,0 триллион 44 млрд. сўмни ташкил этади. Улардан 240 млн.доллари халқаро ташкитотлар томонидан сарф этилади;

- халқ таълимнинг ҳамма босқичларида илм бериш, тарбиялаш сифатини кўтариш ва 12 йиллик пулсиз таълим бериш тизимига ўтишни амалга ошириш;

- олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида кадрлар тайёрлаш мутахассисликларни кенгайтириш;

- хорижий мамлакатларининг олий ўкув юртларини республикада ташкил қилишни кенг миқёсда амалга ошириш;

- мактабдан ташқари таълим муассасаларини ривожлантириш.

Республикада мавжуд 541 мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини яхшилаш, 373 спорт ва 311 мусиқа мактабларининг моддий базасини кучайтириб ривожлантириш;

- 2004-2009 йилларга мўлжалланган Дастурга биноан 1431 спорт иншоотларини қуриш, улардан 711 таси болалар спорти фонди маблағлари. 720 таси мактаб таълимини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳамма мактабдан ташқари таълим муассасаларига республика ёшларидан 4 миллиондан кўпи жалб этилиши лозим.

Республикада яшаётган миллат ва халқларнинг кўплигини эътиборга олиб таълим 7 тилда – ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида амалга оширилмоқда.

Халқ таълимини ислоҳ қилишга республика раҳбариятининг эътибори, айниқса охирги йилларда кучайтирилди.

Бу фикрни тасдиқлаш учун охирги йилларда қабул қилинган меъёрий хужжатларни эсга олиш мақсадга мувофиқ «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги республика Конуналарини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 марта ГФ-3227-сонли «2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация

пул тўловларини жорий этиш тўғрисида», 2004 йил 21 майдан VII 3131-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонлари қабул қилинди.

Қабул қилинган Конун ва Фармонларни амалга ошириш механизмларини барпо этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1999 йил 24 июндан 313-сонли «Мактабдан ташқари нодавлат муассасаларини ташкил қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 19 юнда 352-сонли «Умумтаълим мактабларининг ўқув биноларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1999 йил 3 сентябрида 414-сонли «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2004 йил 7 июнда 263-сонли «Бюджетдан ташқари мактаб таълим жамғармасини ташкил қилиш тадбирлари тўғрисида»ги, 2004 йил 2 юнда 309-сонли «Мехнатга ҳак тўлаш бўйича ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2004 йил 2 юнда 310-сонли «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2004 йил 15 юнда 335-сонли «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳак тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги, 2004 йил 9 юль 321-сонли «2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2004 йил 29 августда 410-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги хузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги, 2004 йил 5 августда 372-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2004 йил 21 октябрда 493-сонли «2004-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебеллар, замонавий ўкув-лаборатория ускуналари, компьютер техникиси ва спорт инвентарлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги, 2004 йил 24 декабрь 313-сонли «Бюджетдан молиялаштириладиган мактабдан ташқари муассасаларда болаларни тарбиялаш учун она-оталар томонидан бериладиган тўловлар ҳажми тўғрисида»ги, 2005 йил 21 декабрь 275-сонли «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳак тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида», 2007 йил 30 марта «Халқ таълими муассасаларининг молиявий-

иқтисодий таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирларини янада ошириш тўғрисида»ги қарорлар кабул қилинди ва улар амалга оширилмоқда.

Демак, охирги йилларда республика раҳбарияти халқ таълимини ривожлантиришга кенгроқ зътибор ажратмоқда. Бунга сабаб шундаки, бу борада олдиндан ҳам, мустақиллик даврида ҳам амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан 2004 йили Ўзбекистон Республикаси мактабларининг 40 фоизи эски биноларда, 9727 мактаблардан 680 таси авария ҳолатидаги биноларда жойлашган. Кўп мактабларда марказлаштирилган иситиш системаси йўқ, ичимлик сув ва газ билан таъминланмаган, ўқувчиларнинг 28 фоизи 2-3 сменада фаолият кечирадиган мактабларда тарбия олишади, мактабларнинг ўқув-лаборатория воситалари билан жихозланиши 29 фоизни, компьютерлаштириш даражаси 15 фоизни ташкил килади.

Халқ таълими соҳасининг моддий базасини кучайтириш мақсадида 2004-2009 йилларда 325 та янги мактаблар қуриш, 2313 тасини мукаммал реконструкция қилиш. 3769 тасини мукаммал таъмирлаш ва 2069 тасини жорий таъмирлаш мўлжалланган. Ундан ташқари 533 та касб-хунар коллежлари, 54 академик лицейлар қуриш режалаштирилган.

Юкорида кўрсатилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида халқ таълимини ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 1997-2004 йилларда халқ таълимини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5,7 фоиздан 7,5 фоизга ошди, умумий бюджет харажатларига нисбатан 23 фоиздан 27 фоизгacha кўтарилиди.

Республикада мактаблар таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ 2006 йили 61 та янги мактаблар қурildи ва фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди.

Демак, республикада иқтисодий исплоҳотларни чукурлаштириш даврида республика халқ таълими янада ривожлантирилмоқда.

Республикада халқ таълими соҳасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳажмини, йўналтирилганлигини ифодалаш учун республика олий таълим соҳасидаги сарф қилинаётган маблағлар алоҳида зътиборга сазовор.

2006 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларининг молиявий маб-

лағлари 102,0 млрд. сўмни ташкил қилиб 2005 йилга нисбатан 24,0 фоизга кўпайган. Бу маблағлардан 40,3 фоизи бюджет маблағлари, 55,3 фоизи талабаларнинг тўлов-контракт маблағлари, 4,3 фоизи тадбиркорликдан тушган маблағлар бўлган.

Кўриниб турибдики, республика олий таълим муассасалар фаолиятида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан фойдаланилади.

Бюджет маблағлари 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 24,1 фоизга, бюджетдан ташқари маблағлар эса деярли икки марта кўпайган.

Бюджет маблағлари таркибида давлат бюджети маблағларидан ташқари талабаларни тўлов – контракт шаклида ўқитишдан тушган маблағлар ва тадбиркорлик асосида ишлаб топилган маблағлардан ҳам фойдаланилган.

Республика халқ таълимининг олий таълим тизимини келгусида янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида 2006 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маъruzасидан келиб чиқадиган вазифаларни олий таълим тизимида амалга оширишнинг комплекс дастури қабул қилинди ва у амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, республика халқ таълими:

Биринчидан, юкори суръатларда ривожлантирилмоқда.

Иккинчидан, бозор муносабатлари талабларига мосланмоқда.

2000-2004 йилларда ижтимоий соҳаларни ривожлантира бориб, 105,8 минг ўқувчи ўринли мактаблар, 600 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 1000 ўринли маданий муассасалар қуриб ишга туширилди.

Республикада амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлиб республикада демографик фаолиятни яхшилаб, аҳоли бандлигини ривожлантириш хисобланади.

Бу муаммони ечиш соҳасидаги вазифаларни аниқлаб И.А. Каримов шундай деган эдилар: «Бундай ҳолат аҳоли бандлиги муаммолари ҳали-бери ижтимоий сиёсатимизнинг зудлик билан ҳал қилиш талаб этадиган ўтқир ва долзарб масаласи бўлиб қолаётганини кўрсатади ва бу соҳада давлат ва жамият ташкилотларини, аввало маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга оширилаётган барча харакатларимизни янада кучайтиришни талаб қиласди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 13 февраль 2007 йил

Бу вазифанинг бажарилиш йўналишларини аниқлаш максадида 2007 йил 6 апрелда «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаоллигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори кабул қилинди.

Аҳолининг бандлик муаммоси республика учун ҳаддан ташқари долзарблигини тасдиклаб, И.А. Каримов шундай деганлар: «Учинчи устувор йўналиш – аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигин оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-куватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат»<sup>1</sup>.

Кўйилган вазифани бажариш максадида республика аҳолиси бандлик даражасини кўтариш учун охирги йилларда ҳар томонлама эътибор ажратилмоқда. Масалан, 2007 йили 638,0 минг янги иш жойлари, 2008 йили 661,0 минг янги иш жойлари ташкил этилди, шу жумладан, кичик бизнес соҳасида қарийб 220 мингга, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш жойлари яратилди.

Ундан ташқари республика фуқароларининг хорижий давлатларда бандлигини эътиборга олиш мақсадида 2008 йил 15 майда «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет злларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори кабул қилинди.

И.А. Каримов республикада меҳнатга лаёқатли аҳолини меҳнат билан таъминлаш муаммоси борлигини тасдиклаб, уни ечиш обьектив заруриятта айланганлигини, кўрсатиб шундай дейдилар: «Аммо бу йўналишда амалга оширилган ишларга қараганда, бугунги кунда мамлакатимизда вактинчалик ишларда банд бўлганлар сони салкам 300 минг нафарни ташкил этганлигига, 560 мингдан зиёд киши, ёки меҳнатга лаёқатли фаол аҳолининг қарийиб 5 фоизи ишга жойлашишга муҳтож эканига алоҳида эътибор каратишимиз зарур»<sup>2</sup>.

Демак, республикада ташкил қилинаётган янги иш жойлардан 70-80 фоизи янгидан ташкил қилинаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига тўғри келади. Бу тажриба республикада яна давом эттирилмоқда.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 9 феврал, 2008 йил

<sup>2</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси, 13 феврал, 2007 йил

Республика Президенти И.А. Каримовнинг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги йўналиш барпо этилмоқда. Бу йирик корхоналар ўзаро кооперация алоқасида бўлиб, уларниң буюртмаларини бажариш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни – касаначилик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Факат 2006 йилда йирик корхоналарнинг буюртмаларини бажариш мақсадида касаначилик фаолияти бўйича 60 минг, 2008 йили 98 минг янги иш жойлари ташкил этилди.

Шундай килиб, республикада кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишда республика аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш алоҳида ўрин тутмоқда.

Бу борада келгусида янги меҳнат ресурсларини республика иктисадиётини ривожлантиришга жалб қилиш билан бирга ривожланган мамлакатлар тажрибасидан, Хитой халқ республикаси, Туркия республикаси ва бошқа мамлакатлар тажрибасига биноан республика меҳнат ресурсларини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш имкониятидан фойдаланиш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, ҳозирги даврда ҳам республика меҳнат ресурсларидан бир қисми хорижий мамлакатларда фойдаланилмоқда, лекин бу иш ҳали ҳукумат миқёсида ташкил қилинаётгани йўқ.

Республика меҳнат ресурсларининг бир қисмини хорижий мамлакатларга экспорт қилиш республика аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш билан бирга республикага хорижий валюталарни жалб қилишга ёрдам беради.

Бунинг учун республикада ортиқча меҳнат ресурслари маҳсус ишлаб чиқилган дастурларга асосан керакли мутахассисликларга ва тегишли чет тилларига ўргатиб, ҳукуматлараро, ташкилот – фирмалараро тузилган шартномаларга биноан хорижий мамлакатларга жўнатилиши лозим.

1980 йиллардан бошлаб Туркия Республикасининг меҳнат ресурсларидан (4 миллион киши) хорижий мамлакатларда фойдаланилмоқда. Хитой халқ республикасидан 30 миллион киши хорижий мамлакатларда ишлаш учун жўнатилган.

Республикада кучли ижтимоий сиёsatни амалга ошириш йўналишларидан бири бўлиб республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражаси мураккаб жараён бўлиб, уни кўтариш йўналишлари кўп қиррали ва унга кенг миқёсдаги омиллар таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиб, бу борада республика аҳолисининг турмуш даражаси кўтарилимоқда.

Кўриниб турибдики, жамиятнинг ижтимоий ривожланиши кўп киррали жараён бўлиб, бу жараён кенг миқёсдаги кўрсаткичлар оркали ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги «Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришdir» номли маъruzасида республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилаётганлиги тўғрисида тўхталиб таъкидладиларки: «Барчамизга маълумки, дунёда «ўзбек модели» деган ном билан тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг негизида турган машхур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.

Мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблаглар давлатимиз бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб кўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу айни ҳақиқатдир»<sup>1</sup>

Бу борада кенг миқёсда чора-тадбирларни амалга оширилганлиги, айниқса 2007 йилга тааллуклидир.

2007 йил ижтимоий кучли сиёсатни давом эттириш, унинг са-марадорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-окибат ва саховат мухитини янада мустаҳкамлаш мақсадида И.А. Каримовнинг ташаббускорлиги билан «Ижтимоий химоя йили» деб тасдиқланди.

Бу йўналишни жорий этиш мақсадида маҳсус давлат дастури ишлаб чиқилди, тасдиқланди унда кўп киррали чора-тадбирлар аниқланди ва улар тўлиқ амалга оширилди.

Авваламбор, 2007 йили кучли ижтимоий сиёсатни янада жадал-лаштириш мақсадида унинг қонуний асослари такомиллаштирилди. Йил давомида 26 қонун ва меъёрий-хукукий хужжатлар қабул

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси 2007 й. 8 декабрь.

қилинди. Улар қаторида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларниг ижтимоий ҳимояси тўғрисида», «Болалар хукукларининг кафолатлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида» ва «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Конунлари қабул қилинди. Бу конунларни амалга ошириш йўналишларини, механизмларини аниклаш мақсадида тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди.

Ишлаб чиқиляган чора-тадбирларни амалга ошириш учун барча маблағлар ҳисобидан жами 488 миллиард 600 миллион сўм, жумладан 213 миллиард 200 миллион сўм бюджет маблағлари, 270 миллиард 400 миллион сўм бюджетдан ташқари маблағлар сарфланди.

И.А. Каримовнинг маърузаларига биноан амалта оширилган чора-тадбирларнинг асосийлари куйидагилардан иборат:

- 15 та маҳсус мактаб-интернат ва «Мехрибонлик уйларида» жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик курилиш-таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари бажарилди;
- давлат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, республикамиздаги 28 та «Мехрибонлик уйи» ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга Самаркандда ишлаб чиқарилган 114 та замонавий автобус берилди;
- 50 мингдан зиёд оиласа бепул қорамол берилди, 10 минг 580 та чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклар орқали 8,5 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлардан фойдаланилди;
- ҳомийлар ва оталик ташкилотлари томонидан 3 миллион 100 минг нафар ёлғиз кекса, ногиронларга, кам таъминланган оиласарга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди;
- пойтахтдаги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фуқарога бепул тиббий хизмат кўрсатилди;
- ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар аравачаси, бир ярим минг дона эшишиш мосламаси, 5000 дона ҳасса ва қўлтиқтаёқ берилди;
- мактаб остонасига илк бор қадам кўйган 485 минг нафар болаларга 5 миллиард 157 миллион сўмлик ўкув анжомлари бепул берилди;
- кам таъминланган оиласарга мансуб 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик қиши кийим-бош билан таъминланди;
- 234 минг нафар болалар оромгоҳларда бепул дам олдилар;

– чора-тадбирларни амалга оширишда хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳам фаол қатнашдилар;

– ижтимоий хизмат кўрсатиши тизимида ишлаётган «Мехрибонли», «Саҳоват» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича ишлар бўжарилди. Хусусан, «Мурувват» уйлари тарбиячи ва ходимларининг иш ҳақини ошириш учун 125 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди ва ҳоказо.

«Юқорида келтирилган далил ва мисоллар, аввало, давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар этганимизни якъол кўрсатиб турибди».<sup>1</sup>

Шундай қилиб, 2000-2008 йилларда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойили бўлмиш – республикада кучли ижтимоий сиёsatни амалга оширишга республика раҳбарияти янада кўпроқ зътибор ажратди ва бу сиёsat қуидаги йўналишларда ўtkазилди:

– меҳнатга лаёқатли аҳолини меҳнат билан бандлик даражасини кўтариш;

– аҳолининг умуман даромадларини кўпайтириш, шу жумладан ўртача иш ҳаки даражасини узлуксиз ошириш;

– аҳоли даромадларини нарх-наво кўтарилиши муносабати билан доимо индексация қилиш;

– инфляция жараёнини паст суръатларда ушлаб туриш;

– аҳолини уй-жой билан таъминлашни кўтариш;

– шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жойларнинг ободончилик даражасини кўтариш;

– қишлоқ жойларда томорка-дехкон хўжаликларини кенгайтириш ва уларни ривожлантириш учун янги шарт-шароитларни барпо этиш.

Республикада буларнинг ҳаммасининг асоси бўлмиш иқтисодий, сиёсий ва маънавий барқарорликни саклаш.

#### **4.8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти таркибини янада такомиллаштириш**

Республика иқтисодиёти таркибини ўзгартириш борасида мустақиллик даврида кенг миқёсда чора-тадбирлар амалга оширил-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил, 8 декабрь.

моқда. Реал иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар, иқтисодиёт ва унинг инфратузилмаси, реал иқтисодиёт тармоқлари такомиллаштирилмоқда, устувор ишлаб чиқариш тармоқлари, экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи тармоқлар юкори суръатларда ривожлантирилмоқда. Лекин бу борада кўрилган чораларга қарамасдан иқтисодиёт таркибини янада такомиллаштириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда, чунки республика иқтисодиётининг ҳозирги даврдаги таркиби ҳали юкори самарали бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Шу сабабли иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга бағишланган иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштирилмоқда.

Республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришда хукуматнинг инвестицион сиёсатининг йўналтирилганлиги катта аҳамиятга эга.

Республика инвестицион сиёсати асосий йўналишларини аниқлаш мақсадида 2006 йил 11 майда «Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу Фармонга биноан «Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» ташкил этилди ва унинг олдига куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари кўйилди:

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;
- иқтисодиётни ривожлантириш, унинг таркибини ўзгартириш ва модернизация қилиш учун муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;
- истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани шаклантириш бўйича миллий давлат дастурлари ва лойиҳаларни молиялаштириш;
- республиканинг ҳалқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;
- ҳалқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларни қўшма молиялаштирилишини ташкил қилиш.

Фармонда Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил қилиш манбалари сифатида куйидагилар аниқланди:

- стратегик ресурсларга жаҳон нархларининг қулай конъюнктураси натижасида олинган маблағлар. Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида белгиланган айрим солиқ ва тўлов турлари бўйича ҳосил бўладиган қўшимча тушумлар;
- ҳукуматнинг хорижий валютадаги активларининг бир қисми;
- давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишдан Давлат бюджети даромадлари режасидан ортиқча тушадиган маблағлар;
- жамғарма активларни бошқаришдан олинадиган инвестиция даромадлари;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушум ва даромадлар.

Фармонга биноан тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг таъсисчилари сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллый банки, Акциядорлик тижорат «Асака» банки, Акциядорлик-тижорат «Ўзсаноатқурилиш» банки, Акциядорлик-тижорат «Ипотека-банки», Акциядорлик-тижорат «Пахта-банки» тасдиқланган. Лекин таъсисчи сифатида бошқа тижорат банклар, ҳалқаро ва хорижий фондлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор структуralар ҳам иштирок этиши мумкин.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт жамғармаси олдига кўп киррали мураккаб вазифалар кўйилган. Уларнинг амалга оширилиши, албатта, республика иқтисодиётини умуман ривожлантиришга, унинг таркибини такомиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

2006 йил 9 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Бу қарорда республикада ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастурида куйидагилар ўз ифодасини топди:

- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан марказлаштирилган капитал кўйилмалар;
- бюджетдан ташқари Республика мактаб-таълими жамғармаси маблағлари ҳисобидан капитал кўйилмалар;
- Ўзбекистон Республикаси тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари;
- корхоналар маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати билан хорижий кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар;
- хўжалик субъектлари ва Ўзбекистон Республикаси йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан касб-хунар коллежларини қуриш ва реконструкция қилиш;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган лойиҳалар;
- Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» билан биргаликда янги бошланадиган қурилишлар бўйича пудрат ишларининг танлов савдоларини ўтказиш;
- янгидан бошланадиган объектлар бўйича пудрат шартномаларини ва қурилишнинг титул рўйхатларини тузиш.

Кўриниб турибдики. Президент Қарорида бутун республика миқёсида инвестицион сиёсатни амалга ошириш мувофиқлаштирилган, конкретлаштирилган ва бу сиёсатни амалга ошириш йўналишлари, манбалари аникланган.

Республика иқтисодиётини такомиллаштириш борасида ҳукумат инвестицион сиёсатига биноан мамлакатда фан ва техникани ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан 2006 йил 7 августда «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори хар томонлама эътиборга сазовор.

Бу қарорда республика иқтисодиётидаги қўлга киритилган фан ва технологиялар даражаси принципиал баҳоланган, таъкидланганки, ҳозирги пайтда мамлакатда фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари соҳасида 25 давлат илмий-техника дастури амалга оширилмоқда, илмий-техника соҳасида ҳалқаро алоқалар жадал ривожланмоқда. Лекин шу билан бирга амалга оширилган ишларга қарамасдан илмий-техника салоҳиятиниң ривожланиш даражаси ортиб бораётган талабларга, мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий – сиёсий ислоҳотлар суръатларига тўлиқ жавоб бермайди.

Давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда тегишли идоралар фаол катнашмаяпти, грант тизимидан самарали фойдаланилмаяпти, олий ўқув юртларида илмий текшириш ишлари керакли даражада ташкил қилинмаяпти.

Қарорда мамлакат ижтимоий-иктисодий ривожланишида фаннинг ролини кучайтириш, илмий-техника тараққиёти бошқарувини

эркинлаштириш, фан-технологиялар ривожланиш суръатларини кўтариш, улардан самарали фойдаланиш мақсадида куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

– Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши ва унинг ижрочи органдари – фан ва технологиялар маркази ҳамда йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш Кенгаши тугатилиб. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кўмитасининг ташкил этилиши ва бу қўмитанинг вазифалари сифатида қўйидагиларнинг аниқланиши;

– мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожланишини тъминлаш мақсадида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

– тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни тъминлаш;

– фан ва технологиялар ривожланишининг натижаларини тегишли соҳаларда қўлланишини самарали мониторинг қилишни ташкил этиш;

– республикада фан ва технологияларни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва республика илмий ташкилотлари, олимлар ва мутахассисларнинг халқаро дастурлар ва илмий лойиҳалар танловларида қатнашиши учун қўмаклашиш.

Қарорда фан ва технологияларни ривожлантиришга йўналтириладиган маблағларнинг манбалари, улардан самарали фойдаланиш йўналишлари, фан ва технологиялар ривожланишига бошқарувлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрсатилган.

Қарорда қўйилган муаммоларнинг ечилиши, вазифаларнинг амалга оширилиши, фан ва техника тараққиётини республика иктисолиёти ривожланишида асосий омилга айлантиради ва бу ўз навбатида республика ижтимоий-иктисодий тараққиётини суръатларини янада кўтаришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августда қабул қилинган қарорида қўтирилган муаммоларнинг янада дол зарблигини, зарурлигини тасдиқлаш мақсадида 2007 йил 14 марта «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рафбатлантиришга оид қўшимга чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди ва унда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва

технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга йўналтирилган манбалардан мустақил фойдаланиш шарт-шароитлари ва бу жараённи амалга оширишдаги имтиёзлар таркибини янада кенгайтириш муаммолари кўрилган.

Республика иқтисодиёти таркибини янада такомиллаштириш жараёнини амалга оширишда умумиқтисодиёт дастурлари билан бирга алоҳида тармоқлар бўйича ишлаб чиқилган, амалга оширилаётган дастурлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бу муаммо ҳам республикада керакли даражада ечишмоқда.

Шу мақсадда 2006 йил 13 ноябрда «2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш дастури тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Бу қарорга биноан:

- 2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури мъкулланди;
- Дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўзда тутилди;
- модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлашга оид барча лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига экспертиза қилиниши тасдиқланди;
- модернизация қилинган ва техникавий қайта жиҳозланган корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбардош бўлиб, улардан 70-80 фоизи экспортга йўналтирилган бўлиши лозим;
- «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳузуридаги енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган идоралараро экспертлар Кенгаши тутатилиб, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган идоралараро экспертлар Кенгаши ташкил этилди;
- модернизация қилинган, қайта техникавий жиҳозланган корхоналарга нисбатан кўшимча солиқ имтиёзлари тасдиқланди ва уларга мувофин бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш техникавий даражасини янада кўтарнишга, айланма маблағларни тўлдириш учун фойдаланиши аниқланди.

Бу қарорнинг аҳамияти шундан иборатки, у республика иқтисодиётини келгусида ривожланиш глобал муаммоларидан бири – республика иқтисодиётида енгил саноат улушини тубдан кўтаришга йўналтирилган. Маълумки, республиканинг келгусидаги ижтимоий-иктисодий таракқиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, енгил саноат тармоқларини ривожлантириш асосий таракқиёт йўналишига айланиши мақсадга мувофик.

Республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришда республикада яна бир долзарб масала – йирик корхоналарнинг умумий салоҳияти, моддий-техника базасидан ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тажрибасидан самарали фойдаланиш ва республикада аҳолини меҳнат билан бандлик муаммосини ечиш мақсадида 2006 йил 5 январда «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди.

Бу Фармонда таъкидландики, республикада касаначиликнинг турли шакларини йирик корхоналар билан кооперациялашган алоқада ривожлантиришга керакли эътибор ажратилмоқда. Касаначилик республика аҳолиси бандлигини кўтаришда, аҳолининг даромадларини кўпайтиришда ёрдам бермоқда.

Фармонга биноан иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган холда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида куйидаги вазифаларни ечиш учун касаначилик фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш:

- аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;
- саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;
- корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хом ашё, материаллар ва ярим-фабрикатларни етказиб бериш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлаш.

Касаначилар фаолияти йирик корхоналар ва касаначилар ўртасида тузиладиган шартномаларга асосан амалга оширилади.

Шундай қилиб, республика иқтисодиёти таркибини янада такомиллаштириш борасида иқтисодий ислоҳотлар янада чукурлаштирилмоқда. таркибий ўзгаришларнинг хуқуқий базаси такомиллаштирилмоқда ва республика амалиётида иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгармоқда. бу ўз навбатида республика ижтимоий-иктисодий ривожланиш суръатларини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришга ёрдам бермоқда.

Республикада юқорида таъкидланган қонун-қарорларга асосланиб, ишлаб чиқиб амалга оширилаётган таркибий сиёsat иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида ҳам кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва бу борадаги чора-тадбирлар республикада:

- макроиктисодий барқарорликни таъминламоқда;
- устувор ишлаб чиқариш тармокларини ривожлантирумокда;
- республика иқтисодида хусусий ишлаб чиқариш сектори ролини кўтармоқда;
- реал иқтисодиёт билан ижтимоий соҳалар ўртасидаги нисбатни такомиллаштирумокда;
- бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, республикада маданийлашган, замонавий бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда;
- республика ижтимоий ишлаб чиқаришини келгусида янада ҳар томонлама тараққиёти ва республика аҳолиси турмуш даражасини кўтаришга янги зарурӣ имкониятлар яратмоқда.

Республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришнинг асосий манбаи – бу иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ва бу инвестицияларнинг ўсиб бориш суръатларидир.

#### 4.8. I-жадвал.

##### **Республика иқтисодиёти асосий капиталига инвестицияларнинг жалб қилиниши ва ялни ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари (фойзда)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
<b>Асосий капиталга инвестицияларни жалб қилиш суръатлари</b>	100,9	104,0	103,8	104,5	105,2	107,0	113,4	123,0	128,3	120,9
<b>Ялни ички маҳсулотнинг Ўсиш суръатлари</b>	103,8	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,3	109,5	109,0	108,3

Жадвал мәлімтларидан күриниб турибеки, асосий капиталга йұналтирилған инвестициялар 2000-2009 йилларда доимо күпайиб, уларнинг ўсиш суръатлари хам йилдан-йилга жадаллашиб борган.

Республика ялпи ички маңсулотини ишлаб чықарып хам шу даврда йилдан-йилга ошиб борган.

Инвестицияларнинг иқтисодиёт таркибини ўзгаришига биринчидан уларнинг ҳажми орқали таъсир күрсатади. Иккинчидан бу таъсир инвестицияларнинг таркибий ўзгаришлари орқали хам таъсир күрсатади.

#### *4.8.2-жадвал.*

#### **Республика иқтисодиёттегі жалб қылыш анык инвестицияларниң таркибий ўзгариши (фоизде)**

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
<b>Жами инвестициялар</b>	100	100	100	100	100	10	100	100	100
<b>Шу жумладан:</b>									
<b>Ички инвестициялар</b>	78,3	75,5	79,6	80,7	75,5	80,8	76,7	70,0	67,8
<b>Хорижий инвестициялар</b>	21,7	24,5	20,4	19,3	24,5	19,2	23,3	30,0	32,2
<b>Улардан:</b>									
<b>кредитлар</b>	18,3	19,7	15,7	12,2	17,1	10,9	17,7	5,9	17,5
<b>Тұғридан-тұғри инвестициялар</b>	3,4	4,8	4,7	7,1	7,4	8,3	5,6	24,1	14,7

2001-2009 йилларда иқтисодиёттегі жалб қилинган ички ва ташки инвестициялар ўртасидаги нисбат деярли ўзгармаган, демек уларнинг ўсиш суръатлари деярли бир хил даражада амалга оширилған. Факат инвестициялар таркибіде тұғридан-тұғри инвестицияларнинг салмоғи бироз күтарилған ва бу албатта ижобий ҳолатдир.

Хорижий инвестицияларни янада күпроқ жалб қилиш мәссауда 2008 йил 24 июля «Хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида» Республика Президентининг Қарори қабул қылнды.

Республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришнинг асоси – бу республика инвестицион сиёсатининг йұналтирилғанлыгыда. Бу йұналтирилғанлик иқтисодиёттің алохыда тармокларини ривожлантириш, иқтисодиёттің алохыда ижтимоий-икти-

содий секторларини ривожлантириш, республика экспорт салоҳиятни кўтариш, республикага импорт қилинадиган товарлар ўрнини олувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётга йўналтирилган маблағларнинг технологик таркибини такомиллаштириш ва бошқа муаммоларни ечиш билан боғлиқдир.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш сабабли режаташтириладиган ижтимоий-иқтисодий тизимдан республикага меросга колган халқ хўжалигини тубдан ўзгартириш, реконструкция қилиш объектив зарурят эди. Бу борада авватамбор, реал иқтисодиётни – ишлаб чиқариш соҳаларини юқори суръатларда ривожлантириш лозим эди. Бунинг учун бу соҳаларга инвестицияларни устувор сифатда йўналтириш керак эди. Бу муаммо бутун республиканинг мустакиллик даврида, айниқса, иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида амалга оширилмоқда.

#### 4.8.3-жадвал.

#### **Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига йўналтирилган инвестициялар таркиби (фоиз)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
<b>Жами:</b>	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<b>Шу жумладан:</b>										
<b>Ишлаб чиқарини соҳалари</b>	57,5	63,1	57,1	63,0	64,1	65,3	68,3	71,5	76,7	76,1
<b>Ундан:</b>										
<b>Саноат</b>	29,7	38,9	32,4	28,0	28,6	29,9	27,0	37,7	34,5	29,6
<b>Кишлоқ хўжалиги</b>	5,7	5,5	5,8	4,3	3,4	3,2	4,6	3,4	2,7	2,9
<b>Курилиш</b>	0,5	0,6	0,4	0,5	0,4	0,8	1,3	2,4	1,9	2,7
<b>Транспорт ва алоқа</b>	16,7	14,0	10,0	20,3	23,1	20,2	20,7	21,6	25,1	30,1
<b>Савдо ва умумий овқатланниш</b>	4,3	1,5	2,6	3,3	1,3	1,3	2,1	2,2	2,7	3,4
<b>Бепоқа соҳалар</b>	0,6	2,6	5,9	6,6	7,3	9,9	12,6	5,9	11,9	7,4
<b>Ноишлаб чиқарини соҳалари</b>	42,5	36,9	42,9	37,0	35,9	34,7	31,7	28,5	23,3	23,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар таркибидан бевосита ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш учун сарф этилаётган инвестициялар салмоғи 2000-2009 йилларда 57,5 фоиздан 76,1 фоизгacha кўтарилди, ноишлаб чиқариш соҳаларига сарф қилинган сармоялар салмоғи 42,5 фоиздан 23,9 фоизгacha қисқартирилди. Келгусида ноишлаб чиқариш соҳаларига ҳам инвестицияларни кўпроқ йўналтириш – бу табиий ҳолатдир.

Республика инвестицион сиёсатида иқтисодиёт секторлари ўртасидаги нисбат ҳам ўз ифодасини топмоқда.

**Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицияларнинг мулк шакллари  
бўйича йўналтирилганлиги (фоиз)**

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
<b>Шу жумладан мулкчиллик шакилари бўйича:</b>											
<b>Давлат</b>	<b>63,3</b>	<b>63,9</b>	<b>47,0</b>	<b>40,8</b>	<b>36,4</b>	<b>39,7</b>	<b>30,9</b>	<b>33,1</b>	<b>27,3</b>	<b>23,3</b>	<b>22,7</b>
<b>Нодавлат</b>	<b>36,7</b>	<b>36,1</b>	<b>53,0</b>	<b>59,2</b>	<b>63,6</b>	<b>60,3</b>	<b>69,1</b>	<b>66,9</b>	<b>72,7</b>	<b>76,7</b>	<b>77,3</b>
<b>Улардан:</b>											
<b>Фукаролар хусусий мулки</b>	<b>15,4</b>	<b>15,6</b>	<b>10,8</b>	<b>12,0</b>	<b>14,4</b>	<b>13,6</b>	<b>12,9</b>	<b>13,7</b>	<b>12,9</b>	<b>10,8</b>	<b>11,8</b>
<b>Ширкатлар</b>	<b>1,6</b>	<b>1,0</b>	<b>1,2</b>	<b>2,4</b>	<b>6,7</b>	<b>6,0</b>	<b>6,0</b>	<b>8,8</b>	<b>5,7</b>	<b>5,5</b>	<b>5,2</b>
<b>Хўжалик бирлашмалари</b>	<b>12,1</b>	<b>12,7</b>	<b>22,9</b>	<b>30,5</b>	<b>27,1</b>	<b>24,1</b>	<b>33,3</b>	<b>26,8</b>	<b>28,7</b>	<b>30,8</b>	<b>27,1</b>
<b>Кўшимча корхоналар, чет эя фукаролари, ташкилотлари</b>	<b>7,0</b>	<b>6,5</b>	<b>16,7</b>	<b>12,5</b>	<b>14,8</b>	<b>16,3</b>	<b>16,6</b>	<b>17,5</b>	<b>25,3</b>	<b>29,4</b>	<b>32,1</b>
<b>Бошقا корхоналар</b>	<b>0,6</b>	<b>0,3</b>	<b>1,4</b>	<b>1,8</b>	<b>0,6</b>	<b>0,3</b>	<b>0,3</b>	<b>0,1</b>	<b>0,1</b>	<b>5,7</b>	<b>0,1</b>

Кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг асосий капиталига йўналтирилган инвестициялар таркибида давлат мулки, корхона, ташкилотларни ривожлантириш учун сарф қилинган инвестициялар 1995 йили 55,1 фоиздан, 1999 йили – 63,3 фоиздан 2009 йили 22,7 фоизгача қискартирилди. Республика халқ хўжалигини барқарорлаш ва унинг таракқиётини тъминлаш, иқтисодий инқизордан чиқиш даврида – 1991-1995 йиллар, давлат мулки корхоналари, ташкилотларини ривожлантириш учун сарф қилинган инвестициялар салмоғи кўпайиб борди, лекин иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш даврида бу салмоқ қисқара бошлади ва нодавлат мулки таркибига кирган корхона ва ташкилотларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар салмоғи ошиб борди. Бу кўрсаткич 1995 йилда 44,9 фоиздан 1999 йилги 36,7 фоизга қисқартирилиб, кейин 2009 йилга келиб 77,3 фоизга кўтарилди.

1999-2009 йилларда иқтисодиётга киритилган инвестициялардан ширкатларни ривожлантириш учун сарф этилган инвестициялар деярли 3,2 марта, хўжалик бирлашмаларини ривожлантириш учун – 2,2 марта, кўшма корхоналарни ривожлантириш учун сарф этилган инвестициялар салмоғи 4,7 марта кўтарилди.

Республикада амалга оширилаётган инвестициялар республика иқтисодиёти технологик таркибини ўзгартеришга ҳам хизмат килмоқда.

#### 4.8.5-жадвал.

#### **Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби (фоиз)**

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:											
Курилыш-монтаж ишлари	58,0	58,1	48,2	49,4	46,2	43,7	48,7	49,6	55,1	42,2	50,8
Асбоб-ускуна жиҳозлар	30,5	30,6	39,5	38,6	42,1	46,2	38,7	38,1	33,4	43,9	39,3
Бошқа капитал ишлар	11,5	11,3	12,3	12,0	11,7	10,1	12,6	12,3	11,5	13,9	9,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республикада ишлаб чиқариш технологик таркиби такомиллаштирилмоқда.

Курилыш-монтаж ишлари учун йўналтирилган инвестициялар салмоғи 1999 йили 58,0 фоиздан 2009 йили 50,8 фоизгача қискарди, лекин шу даврда асбоб-ускуна ва жиҳозлар учун сарф қилинган инвестициялар салмоғи 30,5 фоиздан 39,3 фоизга кўтарилиди. Демак, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш даврида ишлаб чиқариш соҳаларининг техника даражаси кўтарилмоқда.

Республикада амалга оширилаётган инвестициялар асосий капитални такрор ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш учун ҳам йўналтирилмоқда. Буни куйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

#### 4.8.6-жадвал.

#### **Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби (фоиз)**

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Жами:	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:											
Фаолият кўрсатасиган корхоналарни техник жиҳозларнига экиҳозланувча реконструкция қилиш	38,2	41,9	46,8	51,7	49,5	47,9	47,6	42,8	25,1	22,4	22,0

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни кеягайтиришга	9,5	15,6	12,0	10,7	9,5	14,6	19,7	14,3	18,4	12,6	3,8
Янги курилишга	51,8	42,0	40,9	37,1	39,3	35,7	31,9	41,8	42,2	49,3	60,0
Фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг айrim объектларига	0,5	0,5	0,3	0,5	1,7	1,8	0,8	1,1	14,3	15,7	14,2

Кўриниб турибдики, амалга оширилаётган инвестицияларнинг тақрор ишлаб чиқариш таркиби тубдан ўзгартирилмоқда.

Фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишга йўналтирилган инвестициялар салмоғи 1999-2009 йилларда 38,2 фоиздан 22,0 фоизгача қискарди. Янги курилишларга сарф қилинаётган инвестициялар 51,8 фоиздан 60,0 фоизга кўпайтирилди.

Демак, республикада таркибий ўзгаришларнинг негизи бўлмиш инвестицион сиёsat кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва бу чоратадбирлар республика иқтисодиётини таркибий ўзгартиришга, тақомиллаштиришга ёрдам бермоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг асосий кўрсаткичи – ялпи ички маҳсулот бўйича бу ўзгаришлар қўйидаги маълумотларда ўз ифодасини топган:

#### 4.8.7-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотининг таркибий ўзгариш кўрсаткичлари (фоиз)

	1991	1996	1998	1999	2001	2002	2003	2005	2006	2007	2008	2009
Республика ялпи ички маҳсулоти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:												
Саноат маҳсулоти	11,0	17,8	14,9	13,9	14,2	14,5	15,8	20,7	22,1	21,0	22,3	23,6
Қашлоқ хўжалиги маҳсулоти	37,3	22,4	26,6	29,0	29,9	30,1	28,5	25,0	24,1	23,2	19,4	18,2
Курилчи маҳсулоти	10,4	8,3	7,5	6,7	5,8	4,9	4,5	4,9	5,1	5,9	5,6	7,4
Хизматлар	26,2	37,1	36,4	37,0	38,2	38,7	37,4	38,4	39,5	40,6	41,2	47,2
Ундан:												
Транспорт ва азлоқа кізматлари	4,2	8,7	6,8	6,9	7,5	8,2	9,4	11,3	11,4	11,3	12,7	11,9
Савдо ва умумий овқатланниш айланмаси	3,9	7,0	8,4	9,0	10,4	9,9	9,4	9,2	9,5	9,4	9,1	9,1
Соф солвекдиар ҳажми	0,3	14,4	14,4	13,4	11,9	12,6	13,7	11,0	9,2	10,1	9,3	6,7

## Жадвал мәлдү мотларидан күриниб турибди:

- иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида ялпи ички маҳсулот таркиби йилдан-йилга ўзгариб, такомиллашиб бормокда;
- ялпи ички маҳсулот таркибидаги саноат маҳсулоти 11,0 фоиздан 23,6 фоизга кўтарилиди, хизмат кўрсатув соҳалари маҳсулотининг улуши 26,2 фоиздан 47,2 фоизгача кўпайиб, соғ солиқлар улуши 0,3 фоиздан 6,7 фоизга кўпайган.

Транспорт ва алоқа хизматлари улуши 4,2 фоиздан 11,9 фоизгача, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари улуши 3,9 фоиздан 9,1 фоизгача кўтарилиган. Келгусида, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб республикада кўрсатилаётган хизматларнинг ички ялпи маҳсулот таркибидаги салмоги яқин келажакда 55-60 фоизга кўтарилиши лозим.

Республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш давридаги амалга оширилаётган таркибий сиёсатни алоҳида ишлаб чиқариш тармоқлари, айниқса қишлоқ хўжалиги мисолида кўришимиз мумкин.

### 4.8.8-жадвал

#### Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг таркибий ўзгаришлари (фоиз)

	Ширкат хўжаликлари	Фермер хўжаликлари	Деҳқон хўжаликлари
<b>1. Ялпи ички маҳсулот</b>			
1998	35,8	3,5	60,7
2003	23,5	14,1	62,4
2005	15,3	24,5	60,2
2006	6,3	31,4	62,3
2007	2,5	33,4	64,1
2008	2,3	32,6	65,1
2009	2,2	32,6	65,2
<b>2. Ўсимлиқшунослик</b>			
1998	46,4	9,7	43,9
2003	37,8	25,3	36,9
2005	22,6	37,5	39,9
2006	7,7	53,7	38,6
2007	1,5	57,3	41,2
2008	1,3	54,4	44,3
2009	1,3	57,7	41,0
<b>3. Чорважилик</b>			
1998	9,0	1,3	87,9
2003	8,1	2,2	89,7
2005	4,6	2,2	93,2
2006	4,4	3,1	92,5

2007	3,8	3,6	92,6
2008	3,5	4,1	92,4
2009	3,4	3,7	92,9
<b>4.Экил майдонлари</b>			
1998	81,6	8,9	9,5
2003	51,9	36,9	11,5
2005	29,3	58,6	12,1
2006	13,0	74,5	12,5
2007	3,0	84,2	12,8
2008	2,7	84,4	12,9
2009	2,3	84,6	13,1
<b>5.Ахоли бандлиги</b>			
1998	57,1	5,0	37,9
2003	41,1	19,0	39,9
2005	35,6	22,1	42,3
2006	13,0	38,2	48,8
2007	5,9	44,9	49,2
2008	5,4	44,3	50,3

Республика қишлоқ хўжалигидаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида жамоа-ширкат хўжаликларининг улуши камайиб бормоқда, кичик ва хусусий тадбиркорлик – фермер ва дехқон хўжаликларининг улуши ортиб бормоқда.

1998-2009 йилларда ялпи ички маҳсулот етиштириш бўйича ширкат хўжаликларининг салмоғи деярли 5,7 марта, ўсимликшунослик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 36,0 маротаба, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича 2,6 марта, экин майдонлари бўйича 30,0 мартадан кўп, ахоли бандлиги бўйича деярли 10,6 марта камайган. Буларга асосий сабаб-ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнидир. Келгусида ширкат хўжаликларининг роли янада пасаяди, чунки уларнинг деярли ҳаммаси фермер хўжаликларида айлантирилади.

Фермер хўжаликларининг тутган ўрни йилдан-йилга ошиб боряпти.

1998-2009 йилларда уларнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳиссаси 9,3 марта, ўсимликшунослик маҳсулотлари бўйича 5,6 марта, чорвачилик маҳсулоти бўйича 2,8 марта, ер майдонлари бўйича 9,4 марта, ахоли бандлиги бўйича 8,6 мартадан кўпроқ миқдорда кўпайиб борган.

Дехқон, хўжаликларига ўтсак, уларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги тутган ўрни умуман юкори даражада бўлиб, бу даражада 1998-2008 йилларда янада кўтарилган.

Республикада фермер ва деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни барпо этиш мақсадида 2007 йил 8 майда «Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашни давлат томонидан кўллаб-кувватлашга йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва 2008 йил 21 апрелда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлида чорва моллар кўпайтишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

Республика қишлоқ хўжалигида амалга оширилган таркибий ўзгаришларнинг аҳамиятини тушуниш учун келтирилган маълумотларга қараб яна бир муҳим хуносат чиқаришимиз мумкин.

Маълумки, республика иқтисодиётининг келгуси ривожланишида енгил, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари таракқиёти алоҳида ўрин тутиши лозим ва бу республика иқтисодиётини таркибий такомилластириш олдига кўйилган муаммолардан биридир.

Шу мақсадда 2005 йил 27 январда «Республикада тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинди ва унда 2005-2008 йилларга мўлжалланган тармоқни ривожлантириш дастури тасдиқланди. Бу Қарор, Дастурга биноан қўйидаги вазифалар кўйилди:

1. Пахта голасини қайта ишлашда якунланган технологик жараёнларга эга бўлган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.
2. Юқори сифатли, рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
3. Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари умумий ҳажмидан камида 80 фоизи экспорт қилинишини таъминлаш.
4. Тармоқ корхоналарини биринчи навбатда юқори даражада иш билан банд бўлмаган, меҳнат ресурслари мавжуд бўлган министакаларда жойлаштириш.

Дастурда ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун 94 та лойиҳалар бўйича 1,2 млрд. доллар сармоялар сарф этилади.

Жами пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 517,4 минг тонна, материаллар ишлаб чиқариш 144,4 минг погонометр, трикотаж полотноси 34,8 минг тонна, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 311,0 миллион донага кўпайтирилиши кўзда тутилган.

Қайта ишлаш тармоқларининг юкори самарага эгалигини эътиборга олиш учун куйидаги маълумотлардан фойдаланишимиз мумкин.

Бир килограмм пахта толасидан, агарда калава-ин ишлаб чиқарилса, 2,0 долларли маҳсулот, трикотаж материаллар ишлаб чиқарилса, 2,2 долларли, эркаклар футболкалари ишлаб чиқарилса, 12,5 долларли маҳсулот олиш мумкин. Маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши билан олинадиган фойданинг ҳажми ошиб боради.

Республика иқтисодиётини таркиби ўзгартириш борасида чет эл инвестицияларини жалб қилиш катта аҳамиятга эга. шу сабабли бу муаммо республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Республикада «Чет эллик инвесторлар хукукларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Конун кабул қилинган ва унга кўра:

- республикада хорижий инвесторларининг хукуқлари ва молмулки дахлсизлиги ва ҳимоя қилиниши таъминланади;
- хорижий сармояларга нисбатан инвестиция қилинган кундан бошлаб 10 йил мобайнида инвестиция киритилган вақтгача амалда бўлган қонунчилик қўлланизади;
- хорижий инвесторлар янги қонунчиликдан ўз сармояси учун фойдали бўлган қондаларни хоҳишига қараб қўллаши мумкин.

Маълумки, 2003 йил 15 октябрда Ўзбекистон Республикаси халқаро валюта жамғармасининг VIII-моддасига имзо қўйди ва республика миллий валютаси чекловсиз ички конвертация қилинмоқда.

Бу албатта, хорижий инвестицияларни жалб қилишда, республика иқтисодиётини модернизациялаш ва экспортни рағбатлантириш учун алоҳида аҳамиятга эга.

Республика мустақиллиги даврида республикага жалб қилинган сармоялар 20 млрд. америка долларидан ошди, жалб қилинган инвестициялардан 2,5 млрд. доллари – бу тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Хорижий инвестициялар иштирокида республикада ташкил қилинган қўшма корхоналар сони 3500 дан ошди. Хорижий сармоялар

иштирокида 5 та банк, 10 га яқин халқаро сұғурта, аудиторлық компаниялари ташкил этилди.

Охирги 3 йил мобайнида республикага жалб қилинган тұғридан-тұғри сармоялар ҳажми 4 баробар ошди. Бу ҳолат республикада мавжуд сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг натижасидир.

Республикада иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш борасыда республикадаги юқори ривожланмаган худудларни ривожланиш даражасини күтариш, янги, замонавий ишлаб чықаришларни ташкил қилиш, янги маҳсулоттарни ишлаб чықаришни ташкил қилиш, экспортга мүлжалланған маҳсулотларни күплаб ишлаб чықариш, миллий маҳсулотларни, умуман миллий иқтисодиётни ракобатбардошлигини күтариш ва бошқа йўналишлар бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб республика иқтисодиётини таркибий такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда охирги йилларда республика раҳбарияти иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга, такомиллаштиришга ҳар томонлама эътибор ажратмоқда.

Шу мақсадда 2008 йил 18 ноябрда «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тұғрисида», 2008 йил 28 ноябрда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-куватлаш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тұғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, 2009 йил 12 марта «2009-2014 йилларда ишлаб чықаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тұғрисида» Республика Президентининг Қарори қабул килинди ва 2009 йил 31 декабрда «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-куватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида», 2009 йил 9 июнда «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Бу Фармон ва Қарорлар республика иқтисодиёти таркибини янада такомиллаштириш билан бирга республиканинг жаҳон молиявий-иктисодий инқизозининг республика иқтисодиётига салбий таъсирларини юмшатиш чора-тадбирларидан биридир.

Шундай қилиб, республика иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш жараёнида республика иқтисодиёти таркибини такомиллаштиришга ҳам тегишли эътибор ажратилмоқда ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар республика иқтисодиётини ривожлантириш суръатларини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, иқтисодиёт тараққиётининг асосий кўрсаткичи бўлиб ялпи ички маҳсулотнинг ўзгариши хисобланади. Бу кўрсаткич бўйича, юкорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳамдўстлик мамлакатлар таркибида 2001 йили биринчи бўлиб ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми бўйича 1990 йил даражасига кўтарилди ва бу ривожланиш давом этмоқда.

Демак, республика ижтимоий ишлаб чиқариши тараққиёти республика иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш даврига тўғри келмоқда ва буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

4.8.9-жадвал

#### **МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (1991 йилга нисбатан фонда)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Ўзбекистон	98,6	102,7	106,8	111,3	119,8	128,2	137,4	150,4	163,9	177,2
Белоруссия	89,7	93,0	97,7	104,3	115,8	126,4	141,4	152,9	168,2	162,9
Қозоғистон	78,0	88,5	97,2	106,3	115,9	126,6	141,3	153,3	158,1	160,0
Озарбайжон	59,3	65,2	72,1	80,2	88,3	111,6	150,1	187,6	207,9	227,2
Россия	70,8	74,4	77,9	83,6	89,5	95,3	101,7	109,9	118,5	107,3
Кирғизистон	72,2	76,1	76,1	81,2	86,9	86,4	89,3	96,6	103,9	105,5
Грузия	47,6	49,8	52,5	58,4	63,3	68,2	-	83,0	-	-
Украина	47,4	51,7	54,4	59,5	66,7	68,3	73,5	78,9	80,6	68,4
Тоҷикистон	41,0	44,7	49,0	54,0	59,7	63,7	69,1	74,5	80,4	-
Молдава	42,0	45,0	48,0	51,2	55,0	59,6	-	64,2	-	64,5

#### **Кўриниб турибдики:**

Биринчидан, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича 1991 йил даражасига Ўзбекистон 2001 йили, Белоруссия ва Қозоғистон 2003 йили, Озарбайжон республикаси 2005 йили, Россия 2006 йили кўтарилди.

Иккинчидан, мустақиллик даврининг 18 йиллигига қарамасдан ялпи ички маҳсулотни ҳажми бўйича 1991 йил даражасига кўтари-

лиш учун бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни Украинада 31,6 фоизга, Молдова республикасида 34,5 фоизга кўпайтиришлари лозим.

Шундай қилиб, республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштиришда иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш унинг йўналишларидан бири бўлиб, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш омилларидан бири бўлиб, келгусида ҳам шундай бўлиши максаддага мувофик.

## **У боб. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ НАТИЖАЛАРИ**

### **5.1. Республика ислоҳотларининг ижтимоий-сиёсий натижалари**

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йил 1 сентябрдан бутун дунёга ўзининг мустақиллигини эълон қилди, бозор муносабатларига ўтиш мақсадида ўзининг шахсий ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлади, ва иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишида, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришда ижобий натижаларни кўлга киритмокда. Чунки республика иқтисодий ислоҳотлари ҳар томонлама асосланган бўлиб чиқди ва амалиётда ўзини оқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов республика иқтисодиётининг иқтисодий инқироздан чиқиш арафасидаёқ, яъни 1995 йили таъкидлайдиларки: «Ишлаб чиқалган тамойиллар ҳаёт синовидан ўтди. Амалий иш жараёнида уларнинг тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди, энг муҳими, халқимизнинг ўзи уларни қабул қилди ва кўллаб-куватлади. Ҳозирги вақтда мазкур тамойилларни амалга ошириб Республикада ижтимоий – сиёсий барқарорлик, энг муҳими – бозор муносабатларини жорий этиш сари босқичма – босқич илгарилаб боришимиз таъминланмоқда. Шу боис биз бундан буён ҳам ушбу тамойилларга амал қиласкерамиз»<sup>1</sup>.

И.А. Каримовнинг бу фикр-мулоҳазалари тарихан ўзини оқлади, республиканинг бундан буён ижтимоий-иқтисодий ривожлашида амалга оширилаётган ислоҳотлар янада жадаллаштирилди ва улар кенг миқёсда ижобий натижаларни кўлга киритиш имконини берди.

Республика ислоҳотларининг ижобий натижалари қўйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди:

- ижтимоий –сиёсий натижалар;
- ижтимоий-иқтисодий натижалар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларин чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 10 бет.

Республика иктисадий ислоҳотлари натижалари қўрилар экан, кўлланманинг бу бобида республика ижтимоий-иктисадий таракқиётининг асосан 1991-2009 йиллардаги натижалари таҳлил қилинган.

Республика ислоҳотларининг ижтимоий-сиёсий натижалари республика жамиятини демократлаш ва республикада бозор муносабатларига мосланган янги давлатчилик тизимини шакллантиришда ўз ифодасини топмоқда.

Тарихий кўп укладли бозор иктисадиётита асосланган жамият ижтимоий ҳаётни демократлашни кўзда тутади. Шундан келиб чиқиб, республика раҳбарияти республика мустақиллигининг биринчи давридан бошлаб республиканинг ижтимоий-иктисадий таракқиётида демократик принципларни ишлаб чиқишта ва уларни амалга оширишга тегишли эътибор ажратди.

Ўзбекистон «Инсон ҳукуки Декларация»сини кўллаб-куватлади, қабул қилди ва республика кўпчилик инсон ҳукуки тўғрисида ҳалқаро миқёсида, шу жумладан Европада хафвасизлик ва ҳамкорлик (ОБСЕ) тўғрисида қабул қилинган шартномаларни имзолади.

Республикада ижтимоий ҳаётни демократлаш қуйидаги принципларга асосланди:

- жамиятни демократлаштириш борасида мавжуд ҳалқаро тажрибани синчилаб ўрганиш;
- жамиятни демократлаштиришда республикада жойлашган ҳалқлар менталитетини ва ривожланиш хусусиятларини зътиборга олиш. Маълумки, ғарбий мамлакатларда шахспарастлик-индивидуализм, яъни шахсий манфаатларини жамият манфаатларидан юқори қўйиш фалсафаси ва ҳалқ оммасини ҳаддан ташқари сиёслаштириш кенг тарқалган. Ўзбекистонда эса шарқий мамлакатларда тарқалган колективчилик фалсафаси ва ижтимоий фикрнинг устуворлиги кенг тарқалган;
- ижтимоий ҳаётни демократлаштиришнинг адолатли шакларини қуриш ва жамиятни ҳаддан ташқари бой ва камбағалларга қатламланишига йўл қўймаслик;
- республикада демократлаштиришнинг асосий йўналиши сифатида фуқаролар жамиятини қуриш, амалга ошириш;
- жамиятни демократлаштиришнинг отдинги босқичларида давлатнинг кучли ҳукмронлиги сақланади ва келгусида бу ҳукмронлик аста-секин пасайтирилиб, маҳаллий, ўзини-ўзи бошқарув органларига ўтказилади.

Республикада «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга биноан сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бирлашмалари фикр-мулоҳазалар, манфаатлар ва мақсадларнинг умумийлигига асосланган бўлиб, давлат ҳукмронлиги шаклланишида жамиятнинг аниқ бир қисмининг эркинлигини амалга оширишга интидувчи ва давлатни бошқаришда, ижтимоий ишларни олиб боришда ўзларининг вакиллари орқали иштирок этувчилардир.

Республикада тўртта сиёсий партиялар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар. Бу «Халқ-демократик партияси», «Адолат», «Миллий тикланиш» ва «Либерал-демократик» партияси, уларнинг вакиллари Республика Олий Кенгашида бўлиб, унда фракцияларга эгалар.

1996 йил 31 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий Маркази ташкил этилган ва унинг олдига қўйидаги вазифалар қўйилган:

- инсон ҳукуклари бўйича республика конституцияси, қонунлари ва умуман қабул қилинган халқаро ҳукуклар бўйича кўрсатмаларини амалга ошириш мақсадида республика стратегияси ва харатлар режасини ишлаб чиқиши;
- инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг миллий ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириши;
- инсон ҳукуклари бўйича Давлат ва бошқарув органлари томонидан маслаҳатлар бериш вазифасини амалга ошириш;
- инсон ҳукуклари бўйича давлат органларининг кадрларини ўқитиши, пропаганда қилиши, ўқув-услубий адабиётлар чиқариш фаолиятини ташкил қилишини амалга ошириш;
- инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқиши;
- инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш масалалари бўйича илмий текшириш ишларини ташкил қилиш, амалга ошириш.

Миллий Марказ «Ўзбекистонда демократлаш ва инсон ҳукуклари» журналини чоп этади.

1996 йили 3 декабрда мамлакатда демократлаш ислоҳотларини чуқурлаштириш, бу борада республика қонуниятларини халқаро меъёрларга мослаштириш, инсон ҳукукларини амалга ошириш

устидан назорат олиб бориб, унинг мониторингини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузурида республика амалиётидаги қонуниятлар мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида Республика Олий Мажлисингин Қарори қабул қилинди.

Республика Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин VI сессиясидаги маърузасида таъкидладики: «Биз одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантиргомиз лозим. Шундай бўлсинки, ҳар бир киши инсон эркинликлари – айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чукур хис этиб турсин<sup>1</sup>.

Республикада давлатчиликни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш мақсадида республикада тегишли қонунлар қабул қилинди. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисида», «Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» ва бошталар шулар жумласидандир.

Республикада янги давлатчиликни шакллантиришда қуйидаги кардинал вазифалар ечилди:

- Мустакил Ўзбекистонинг Конституциясини қабул қилиш;
- Ҳалқаро муносабатларда Ўзбекистонинг тенг ҳукукли субъект эканлигининг ҳуқуқий меъёрларини барпо этиш;
- Конституцион ўзгаришларни амалга ошириб республикада янги ҳўжалик юритиш тизимини шакллантириш учун керакли шарт-шароитларни барпо этиш;
- Давлат ижтимоий фаолияти йўналтирилганлигини ўзгартириб, унинг адреслигини таъминлаш;
- Республика ва маҳаллий даражаларда давлатнинг бошқарув функцияларини чегаралаш;
- Республика давлат, ижро этувчи ва суд органлари функцияларини чегаралаш;
- Маъмурий бошқарув тизимини бартараф этиб, демократик иқтисодий методларга асосланган давлат бошқарув органларини шакллантириш;
- Республикада жойлашган ҳалқлар, миллатлар, элатлар мустакиллигини таъминлаш;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами 5-жилд. Тошкент, 1997. 120 б.

- Ҳар хил шаклдаги мулкларни, ижтимоий-иктисодий укладларни, республика халқ хўжалигидаги плюрализмни тасдиқлаш;
- Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи мустакиллигига ва фуқоралар эркинлигига асосланган фуқаролар жамиятини барпо этиш;
- Инсон ҳукуқларини Конституцион таъминлаш ва аҳолини кафолатлаш конуний асосларини шакллантириш;
- Республика ижтимоий, демократик институт ва муассасаларини шакллантириш;
- Кўп партияликни, ҳар хил шаклда бўлган ижтимоий ҳаракатларни шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустакиллигининг 16 йиллигига бағишенган қўшма мажлисидаги маърузаларида республикада иктисодий ислоҳотларни амалга ошириб, бозор муносабатларига мосланган давлатчиликни шакллантириш жараёнини ҳар томонлама таҳлил қилиб, бу борада қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширилганлигини таъкидлаб бердилар<sup>1</sup>:

– тарихан жуда қисқа муддатда республиканинг асосий қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу ҳужжатда республикада давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши, инсон ҳукуқларининг давлат манфаатларидан, умум-эътироф этилган халқаро ҳукуқ нормаларининг эса миллӣ ҳукуқий меъёрлардан устунлиги, ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги, ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилмачиллигига асосланиши белгилаб берилди;

– бозор муносабатларига ўтиш даврида қабул қилинган қонуларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини, сиёсий ва иктиносий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмалари шакллантирилди. Марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш органлари ва кўплаб тармоқ вазирликлари тутатилди, маҳаллий ҳокимият органлари ташкил этилди;

---

<sup>1</sup> «Адолат» газетаси, 2007 йил, 31 август.

– суд органларини жазоловчи ва факат давлат манфаатларини химоя қилувчи органдан конун устуорлигини ва инсон ҳуқукларини химоя қилувчи органга айлантирилди. Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари ташкил этилди;

– мамлакатимиз мустақиллиги ва худудий яхлитлигини, конституциявий тизимни ишончли химоя қиласиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, ҳалқаро террорчилик, экстремизм ва наркоаггрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши куршадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

И.А. Каримов республикада миллий давлатчиликни шакллантиришга бағишлиланган, амалга оширилган чора-тадбирларни якунлаб шундай дейдилар: «Мамлакатимизни 1991-2000 йиллар давомида ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қиласар эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикамизни баркарор ривожлантиришда мустаҳкам замин бўлди, деб айтишга асосларимиз бор».<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, республикада амалга оширлаётган ислоҳотларнинг ижтимоий-сиёсий натижалари сифатида республика жамияти демократглашмоқда ва бозор муносабатларига мосланган янги давлатчилик тизими шаклланмоқда ва улар республиканинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида асосий омилларга айланмоқда.

Лекин келгусида ҳам республика жамиятини янада демократлаш ва республикада тўлиқ фуқаролар жамиятини шакллантириш жараёнини янада такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини таъкидлаб, И.А. Каримов шундай дейдилар: «Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур.

Мазмун-моҳиятига кўра, ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини

<sup>1</sup> «Адолат» газетаси, 2007 йил, 21 авгууст

амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда<sup>1</sup>.

Республика ислоҳотларининг ижобий натижалари ижтимоий-сиёсий натижалардан ташқари, албатта, тегишли ижтимоий-иктисодий натижаларга ҳам эга.

Республика ислоҳотларининг ижобий ижтимоий-иктисодий натижалари қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топмоқда:

- Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши;
- Нефть ва дон истеъмоли бўйича республиканинг мустақилликка эришганлиги;
- Республика макроиктисодиёти молиявий ҳолатининг яхшиланганлиги;
- Республика аҳолиси турмуш даражасининг муҳофаза қилинганлиги;
- Республика ташқи иқтисодий алокаларининг ривожланганлиги;
- Республикада ижтимоий-йўналтирилган кўп укладли бозор иқтисодиётининг шакллантирилганлиги;
- Республика иқтисодиётининг жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига бардош бераётганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозор иқтисодиётига кириб бориши ва бозор муносабатларига ўтишдаги «Ўзбек моделининг» жаҳон миқёсида тан олинганлиги.

Шундай қилиб, республика ислоҳотларини амалга оширишда республика мустақиллик даврида ижтимоий-сиёсий натижаларга эга бўлди ва шу билан бирга тегишли ижтимоий-иктисодий натижаларни ҳам кўлга киритди.

## **5.2. Республика иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши**

Маълумки, 80-йилларнинг охирида собиқ иттифоқ иқтисодиётида оғир, мураккаб вазият пайдо бўлди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатлари хаддан ташқари пасайиб кетди ва мамлакат иқтисодиётни иқтисодий инқирозга учради.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил, 30 январь.

Собиқ иттифоқ иқтисодиёти 1990 йили. Ўзбекистон иқтисодиёти эса 1991 йилдан бошлаб иқтисодий инқирозга дучор бўлди. Лекин мамлакатда рўй берган иқтисодий инқироз иқтисодий назарияда қабул қилинган иқтисодий инқироздан тубдан бошка хусусиятга эга бўлди.

Иқтисодий назарияда қабул қилинган иқтисодий инқирознинг келиб чиқишига асосий сабаб – мамлакатда унинг эҳтиёжидан ортиқча маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлган бўлса, иттифоқ иқтисодиётида пайдо бўлган иқтисодий инқирознинг сабаби – ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳаддан ташқари юқори суръатларда ривожлантиришда эмас, аксинча, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши натижасида рўй берди. Бу иқтисодий инқирозга учраш умуман иттифоқка ва унинг таркибидаги ҳамма иттифоқдош республикаларга тааллуқли бўлди. Бу жараён иттифоқ тарқатилиши билан, собиқ иттифоқдош республикаларнинг мустакил давлатларга айлантирилиши билан тезлаштирилди, мураккаблашди. Чунки иттифоқ тарқатилиши билан иттифоқ республикаларро иқтисодий алоқалар қисман тўхтатилди, бузилди, тубдан ўзгарди. Шу сабабли ҳамма собиқ иттифоқ республикалар иқтисодиёти иқтисодий инқирозга учради, ижтимоий ишлаб чиқариш орқага кета бошлади, ҳар йили ўтган йилга нисбатан кам маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади.

Собиқ иттифоқдош республикалар ҳар хил шароитда ривожланганлиги, ҳар хил ижтимоий-иктисодий хусусиятларга эга бўлганлиги, ҳар хил йўлларни танлаб бозор муносабатларига ўтишганлари сабабли уларда иқтисодий инқироз ҳар хил даражада бўлган, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши ҳар хил суръатларда бўлиб, бу иқтисодий инқироздан чиқиш табиий ҳолда ҳар хил даврларда амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бу вазиятни таҳдил килиш максадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил ижтимоий-иктисодий якунлари ва 1996 йил вазифаларига багишлиган мажлисида қилган маътузасида 1990-1995 йилларда Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида асосий ишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб чиқаришни орқага кетаётганини таъкидлаб қўйидаги жадвал маълумотларни келтирдилар.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Экономика ва статистика», журнали 1996, № 3-4 , 3 6 .

**5.2.1-жадвал.**

**1990 – 1995 йилларда МДҲ мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқарни динамикаси (1995 йил 1990 йилга нисбатан, %)**

Мамлакатлар	Ялпи ички маҳсулот	Кишлөк хожалик маҳсулоти	Саноат маҳсулоти
Ўзбекистон	81,1	89,0	99,0
Россия	62,2	67,0	50,0
Белоруссия	60,5	79,0	61,0
Қирғизистон	50,3	57,0	35,0
Қозогистон	45,4	54,0	48,0
Украина	44,4	61,0	53,0

1991-1995 йиллар Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий инқироз йиллари хисобланади. Юқорида айтилганидек, Ўзбекистон иқтисодий инқирозга 1991 йили учради, иқтисодий инқирознинг охирги йили бўлиб 1995 йил хисобланади, чунки 1996 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш кўпая бошлади ва республика иқтисодий инқироздан чиқа бошлади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда 1990-1995 йилларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси 81,1 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотнинг камайиши 18,9 фоизни ташкил этган. Шу даврда юқорида келтирилган бошқа МДҲ мамлакатларида бу камайиш 37,2 –55,6 фоизни ташкил этиб, орқага кетиш Ўзбекистонга нисбатан 2-3 маротаба кўп бўлган.

Жадвалда келтирилган ҳамма давлатлар учун кишлөк хўжалиги тармогини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Бу тармокда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг камайиши Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 11,0 фоизни ташкил этган бўлса, бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида бу кўрсаткич 33,0 –46,0 фоизни ташкил этиб, демак кишлөк хўжалиги маҳсулотларининг камайиш суръатлари Ўзбекистонга нисбатан 3-4 маротаба юқори бўлган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда 1990-1995 йилларда чорвачиликда моллар сонининг, деҳкончиликда экин майдонларининг камайишига йўл қўйилмади, кишлөк хўжалиги маҳсулотларининг республикада камайиши ўтиш даври қийинчиларидан келиб чиқиб, экин маҳсулотларининг ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлигининг пасайиши хисобидан бўлди.

Саноат маҳсулотини оладиган бўлсақ, Ўзбекистонда уни ишлаб чиқариш ҳаммаси бўлиб бир фоизга камайди. бошқа ҳамдўстлик

мамлакатларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиш суръатлари 47 – 65 фоизни ташкил этди.

Юқорида келтирилган жадвал маълумотлари Москвада чоп этиладиган «Независимая газета»да ҳам берилган. Ундан ташқари бу газетада кўйидаги маълумотлар ҳам чоп этилган<sup>1</sup>.

### 5.2.2-жадвал.

#### **1990-1996 йилларда МДҲ мамлакатларида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш динамикаси (1996 йил 1990 йилга нисбатан ,%)**

Узбекистон	106,0
Туркманистон	84,0
Украина	55,0
Қозогистон	48,0
Арманистон	48,0
Россия	47,0
Майдова	43,0
Озарбайжон	41,0
Киргизистон	39,0
Тожикистон	36,0
Грузия	18,0

Илгари «Независимая газета» Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, жамиятни демократлаш жараёни бўйича фақат салбий, танқидий маълумотларни чоп этган, лекин бу гал, мажбуран Ўзбекистонда саноат тараққиёти бўйича ижобий маълумотларни чоп этди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1990-1996 йилларда Ўзбекистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,0 фоизга ошгаи. Шу даврда саноат маҳсулоти Туркманистонда 16 фоизга, Белоруссияда – 37 фоизга, бошқа давлатларда 2-3 маротаба, Грузияда эса 5 маротабадан кўпга камайган.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш маълумотларини таҳлил қиласиз эканмиз кўйидаги жадвалда келтирилган саноат маҳсулоти бир груп турларининг 1991-1995 йилларда ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида эътиборга молик.

<sup>1</sup> «Независимая газета». 22 ноябрь 1996 г.

**1991-1995 йилларда МДХ мамлакатларида алоҳида саноат  
маҳсулотларини ишлаб чиқариш<sup>1</sup>**

	Электро-энергия млрд. кв. соат		Нефть млн. тонн		Газ млрд. куб м		Күмпир млн. тонн		Газлама млн. км.м.		Пойтафзал млн. жуфт	
	1991	1995	1991	1995	1991	1995	1991	1995	1991	1995	1991	1995
Ўзбекистон	64,2	47,2	2,8	7,7	41,9	48,0	5,9	3,1	665	558	45,4	5,7
Озарбайжон	23,5	17,0	11,7	7,0	8,6	4,6	-	-	140	57,6	10,3	0,7
Арманистон	9,6	5,2	-	-	-	-	-	-	36,7	0,9	11,3	0,7
Белоруссия	38,7	24,9	2,1	1,9	0,3	0,3	-	-	46,6	23,0	45,6	12,1
Грузия	13,4	6,8	0,2	0,1	0,04	0,02	0,7	0,03	66,4	3,5	12,2	0,3
Қозогистон	86,0	65,7	26,6	20,5	7,9	5,9	130,0	83,2	249	30,5	34,1	2,1
Қиргизистон	14,2	12,3	0,1	0,1	0,1	0,04	3,5	0,5	143	23,2	9,5	0,7
Молдавия	13,2	1,1	-	-	-	-	-	-	228	0,6	20,8	1,4
Россия	1068	862	462	307	643	585	353	262	7619	1797	336	52,5
Туркменистан	15	10,5	5,4	4,1	84,3	55,6	-	-	49,2	33,1	4,2	1,8
Тоҷикистон	17,7	14,8	0,1	0,03	0,1	0,04	0,1	0,03	183	41,2	8,6	0,6
Украинка	279	182	4,9	4,0	24,3	18,1	136	83,6	1031	168	177	19,7

Жадвал маълумотларидан қўйнаги хуносалар келиб чиқади:

Биринчидан, Ўзбекистон – яккаю ягона давлатки, бу давлатда жадвалда келтирилган 6 та саноат тармоқларидан катта аҳамиятта эга бўлган иккитасида – нефть ва газ ишлаб чиқариш тармоқларида ишлаб чиқариш камаймасдан, ривожланиш давом этган, бошқа ҳамма ҳамдўстлик мамлакатларида 6 та тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш камайиб кетган. Ўзбекистонда нефть қазиб олиш 2,8 миллион тоннадан 7,7 млн. тоннага кўтарилилган, табиий газ ишлаб чиқариш – 41,9 миллиард кубометрдан 48,9 млрд. кубометрга ошган.

Иккинчидан, Ўзбекистонда 1991-1995 йилларда саноат ишлаб чиқариш суръатларининг камайиши бошқа давлатларга нисбатан анча паст бўлган. Масалан, электроэнергия ишлаб чиқариш Ўзбекистонда 13 фоизга камайган, шу даврда Россияда – 20 фоизга, Украина – 31 фоизга, Белоруссияда 35 фоизга камайган, газлама ишлаб чиқариш Ўзбекистонда – 12,1 фоизга, Украина – 86,8 фоизга, Қозогистонда – 81,8 фоизга камайган ва хоказо. Худди шундай вазият кўмири қазиб олиш бўйича ҳам бўлган, демак республикада бошқа мамлакатларга нисбатан ишлаб чиқариш паст суръатларда камайган.

Учинчидан, Ўзбекистонда факат пойабзал ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари камайиб кетган. Бунга сабаб, иттифоқ республикалараро иқтисодий алокаларининг бузилиб кетишидир. Республи-

<sup>1</sup> «Частная собственность» газетаси. № 6, 1996 г., февраль.

када пойабзал ишлаб чиқариш бутунлай бошқа республикалардан олинадиган хом ашё ва ярим фабрикатларга асосланган эди.

Булардан ташқари яна шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда 1990-1995 йилларда машинасозлик маҳсулотлари 57,3 фоизга, ёқилғи саноати маҳсулотлари – 11,3 фоизга, ёғочларни қайта ишлаш саноати маҳсулотлари – 45,5 фоизга, ўрмон маҳсулотлари – 29,8 фоизга, озик-овқат маҳсулотлари 8,3 фоизга, халқ истеъмоли моллари 22,2 фоизга, кўпайган.

Телевизорлар ишлаб чиқариш 0,1 мингдан 58,7 минггача, видеоаппаратлар, магнитофонлар ишлаб чиқариш 2,1 мингдан 25,3 минггача етказилди.

Ўзбекистон Республикаси учун иқтисодий инқироз даври бўлган 1991-1995 йиллардан кейинги даврда хам республика иқтисодиёти бошқа ҳамдўстлик мамлакатларига нисбатан юқори суръатларда ривожланишда давом этди ва республика ҳамдўстлик мамлакатлар таркибида биринчи бўлиб 2001 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1990 йил даражасига кўтарилди.

#### 5.2.4-жадвал.

##### **1991 – 2001 йилларда МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотлари динамикаси (фоизда)**

	Ялпи ички маҳсулот	Саноат маҳсулоти
Ўзбекистон	102,7	131,0
Россия	74,4	59,0
Белоруссия	94,0	108,0
Қирғизистон	76,1	44,0
Қазоғистон	88,5	67,0
Украина	51,5	69,0
Арменистон	84,2	59,0
Озарбайжон	65,1	37,0
Молдова	45,0	44,0
Грузия	48,8	23,0
Тажикистон	45,0	48,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:

– 1991-2001 йилларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикасидан ташқари ҳамдўстлик мамлакатларидан бирортаси ҳам ўз иқтисодиётини 1991 йил даражасига кўтаргани йўқ.

- Украина, Молдова, Грузия, Тожикистон 2001 йилда 1991 йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмисини ишлаб чиқарғанлар.
  - Ҳамдўстлик мамлакатлараро ижтимоий – иқтисодий таракқиётнинг ҳар хил даражадалигини саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан кўришимиз мумкин.
  - 1991-2001 йилларда факат Ўзбекистон ва Белоруссияда саноат ишлаб чиқариш бўйича 1991 йилги даражадан кўтарилиди – Ўзбекистонда – 31,0 фоизга, Белоруссияда – 8,0 фоизга кўтарилиди.
  - Бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 1991 йил даражасига 2001 йили етишилгани йўқ.
  - Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Грузия ва Тожикистонда 1991 йил даражасининг 50 фоизига ҳам етишилгани йўқ.
  - Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, юкори суръатларда ривожланаётган мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 1991-2001 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш суръатларига нисбатан юкори бўлган. Демак, бу мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантириш унинг асосий тармоғи-саноатни ривожлантириш ҳисобидан эмас, бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш аввалимбор, саноатни ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилмоқда.
  - 1991-2008 йилларда ҳамдўстлик мамлакатларида ялпи ички маҳсулот, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотининг динамик ўзгариши қўйидаги жадвалда келтирилган.
- 5.2.5-жадвал маълумотларига биноан, ҳамдўстлик мамлакатларининг мустақиллик давридаги ривожланиш суръатларини таккослаб шуни таъкидлаш лозимки:
- Ўзбекистон иқтисодиёти мамлакатда рўй берган иқтисодий инқироз даврида собиқ иттифоқдош республикалар таркибида ўз иқтисодиётининг ҳаддан ташқари орқага кетишига йўл кўймади.

**Хамдүстлик мамлакаттарда асосий макроинквидий күрсакчишар динамикасы**

	1991	1992	1993	1995	1996	1997	1999	2000	2001	2003	2004	2005	2007	2008	2009
<b>Ўзбекистон</b>															
Ялти ички маҳсулот	160	88,9	86,9	81,6	83,0	87,3	95,0	98,6	102,7	111,5	120,1	128,5	150,3	163,8	177,2
Кишилкок хўжалиги маҳсулоти	100	93,6	94,8	89,8	84,8	89,7	98,6	101,8	106,4	119,5	131,6	139,7	155,6	162,6	171,8
Саноат маҳсулоти	100	93,3	96,7	98,3	100,9	105,0	115,0	122,9	132,2	152,1	166,7	178,9	219,0	246,9	257,0
<b>Белоруссия</b>															
Ялти ички маҳсулот	100	90,4	83,5	66,1	67,9	75,7	84,8	89,7	94,0	105,6	117,6	128,4	152,8	168,1	162,9
Кишилкок хўжалиги маҳсулоти	100	91,5	94,9	77,4	79,3	75,4	68,6	75,0	76,4	2,0	92,3	93,9	101,2	110,2	111,6
Саноат маҳсулоти	100	90,8	82,3	62,0	64,2	76,3	94,6	101,9	108,0	120,8	140,0	154,7	184,7	204,8	199,3
<b>Қазоғистон</b>															
Ялти ички маҳсулот	100	94,7	86,0	69,0	69,3	70,5	71,0	78,0	88,5	106,3	116,5	127,5	153,3	158,1	160,0
Кишилкок хўжалиги маҳсулоти	100	128,7	119,8	71,6	68,0	67,4	70,0	67,1	78,7	82,5	82,1	88,1	103,4	97,6	111,0
Саноат маҳсулоти	100	86,2	73,4	48,5	48,6	50,6	50,7	58,5	66,6	80,3	88,7	92,9	103,1	105,3	107,1
<b>Россия</b>															
Ялти ички маҳсулот	100	85,5	78,1	65,4	63,0	63,9	64,4	70,8	74,4	83,6	89,6	95,4	109,9	116,5	107,3
Кишилкок хўжалиги маҳсулоти	100	90,6	86,6	70,1	66,5	67,5	61,0	65,7	70,7	72,7	74,9	76,4	82,1	91,0	92,1
Саноат маҳсулоти	100	84,0	72,5	54,2	50,1	50,6	52,5	57,0	58,7	65,9	71,3	74,2	88,7	90,6	89,9
<b>Кирғизистон</b>															
Ялти ички маҳсулот	100	86,1	72,8	55,0	58,9	64,7	68,5	72,2	76,1	81,4	87,1	86,6	96,6	103,1	105,5
Кишилкок хўжалиги маҳсулоти	100	94,5	85,2	68,1	78,5	88,1	98,1	100,6	108,0	114,9	119,6	114,5	120,4	121,2	130,1
Саноат маҳсулоти	100	74,2	57,1	27,0	28,0	39,2	39,5	41,9	44,1	46,0	48,1	42,3	49,6	57,0	50,5
<b>Армения</b>															
Ялти ички маҳсулот	100	58,2	53,1	59,8	63,3	65,4	72,5	76,8	84,2	108,6	120,0	136,8	176,1	188,1	159,8

<b>Кишлек хүжлигти махсулоты</b>	100	102,2	97,2	105,0	106,9	100,6	115,3	112,4	125,4	136,6	136,4	173,9	208,2	210,9	210,7
<b>Саноат махсулоты</b>	100	51,8	46,5	49,7	50,4	50,9	52,4	55,8	58,7	77,5	79,3	85,4	87,8	89,6	82,6
<b>Озарбайжон</b>															
<b>Ялтын чинхи махсулот</b>	100	77,4	59,5	42,2	42,7	45,2	53,4	59,3	65,2	80,2	88,3	111,6	187,6	207,9	227,2
<b>Кишлек хүжлигти махсулоты</b>	100	76,2	64,4	52,2	53,8	50,5	57,4	64,4	71,5	80,4	84,1	90,4	101,1	106,9	110,6
<b>Саноат махсулоты</b>	100	69,6	55,9	33,1	30,9	31,0	32,8	35,0	36,8	40,5	42,8	57,1	115,3	122,2	132,7
<b>Украина</b>															
<b>Ялтын чинхи махсулот</b>	100	90,1	77,3	52,3	47,1	45,7	44,7	47,4	51,7	59,6	66,9	68,6	78,9	80,5	68,4
<b>Кишлек хүжлигти махсулоты</b>	100	91,7	93,1	74,9	67,8	66,6	56,0	61,5	67,8	61,1	73,1	73,0	70,8	83,2	83,3
<b>Саноат махсулоты</b>	100	93,6	86,1	55,1	52,3	52,1	53,7	60,3	68,9	85,4	96,0	99,0	110,2	96,0	87,5
<b>Грузия</b>															
<b>Ялтын чинхи махсулот</b>	100	55,1	39,0	35,8	39,8	44,0	46,7	47,5	49,8	58,4	61,8	67,6	-	-	-
<b>Кишлек хүжлигти махсулоты</b>	100	86,6	76,3	96,5	102,3	106,2	106,1	93,3	101,0	109,6	101,8	114,2	-	-	-
<b>Саноат махсулоты</b>	100	54,2	34,3	18,1	19,3	20,9	22,0	24,4	23,2	28,5	30,9	36,0	-	-	-
<b>Молдова</b>															
<b>Ялтын чинхи махсулот</b>	100	71,0	70,3	47,9	45,1	45,8	41,4	42,2	44,8	51,5	55,3	59,2	64,2	69,0	64,5
<b>Кишлек хүжлигти махсулоты</b>	100	83,8	92,2	71,7	62,4	69,7	56,7	54,8	58,3	52,1	63,0	63,6	59,0	70,0	63,0
<b>Саноат махсулоты</b>	100	72,9	73,1	50,8	47,5	47,5	35,7	38,4	43,7	56,0	60,6	64,4	56,4	56,8	44,0

– Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари таркибида биринчи бўлиб ўз халқ хўжалигини барқарорлади, иқтисодий инқироздан чиқди.

– Иқтисодий инқироздан кейинги йилларда республика иқтисодиётининг ривожланиш суръатлари жадаллаша бориб, биринчи бўлиб ўз иқтисодиётини 1990 йилдаги даражага кўтарди.

– Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот бўйича 2000 йили, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича 1999 йили, саноат маҳсулоти бўйича 1996 йили 1990 йилги даражага кўтарилди.

– Ҳамдўстлик мамлакатлари таркибида нисбатан юқори суръатларда ривожланаётган Белоруссия 1990 йилдаги даражага ялпи ички маҳсулот бўйича 2002 йили, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича 2007 йили, саноат маҳсулоти бўйича 2000 йили эришиди. Арманистон Республикаси 1990 йил даражасига ялпи ички маҳсулот бўйича 2003 йили, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича 1994 йили етишиди, лекин саноат маҳсулоти бўйича ҳозиргacha етишгани йўқ.

– Таҳдил учун маълумотлар мавжуд 9 та ҳамдўстлик мамлакатларидан 2008 йилга келиб ялпи ички маҳсулот бўйича 1990 йил даражасига кўтарилганлар 7 та, Украина ва Молдова ҳали у даражага кўтарилганлари йўқ.

– Жадвал маълумотларидан кўрининб турибдики, умуман 1991-2005 йилларда иқтисодий ривожланишда энг юқори суръатлар Ўзбекистонда бўлган. Шу даврда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш динамикаси Ўзбекистонда энг юқори – 128,5 фоиз бўлган, лекин охирги йилларда Белоруссия ва Арманистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари Ўзбекистонга нисбатан юқори бўлиб. 1991-2009 йилларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг умумий динамикаси Белоруссияда 162,8 фоиз, Арманистонда 159,8 фоиз, Ўзбекистонда эса 177,2 фоизга тенг бўлган.

– Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг баркарорлиги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози (2008-2009) йиллари ҳам ўзини оқлади. Шу йилларда республика ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 9,0-8,0 фоизни ташкил этди.

1991-2009 йилларда ҳамдўстлик мамлакатларда иқтисодиётнинг асосий кўрсаткчларидан бўлмиш ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг алоҳида йиллар бўйича ўсиш суръатлари ҳам диккатга сазовор.

5.2.6-жадоол.

**Хамдүстлик мамлакатларда ассоий макроэкономик күрсөткіштердің үсінн суръатлары  
(үтіктан йилге нисбетан)**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
<b>Узбекистон</b>																			
Яттың ичкі маңыздылық	98,9	88,9	97,7	94,8	99,1	101,7	105,2	104,3	103,8	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,5	109,5	109,0	108,1	
Кытай	98,9	93,6	101,3	92,7	102,2	94,4	105,8	104,1	105,6	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	105,4	106,7	106,1	104,5	105,7
Сандарт маңыздылық	101,5	93,3	103,6	101,6	100,1	102,6	104,1	103,6	105,7	106,9	107,6	108,5	106,0	109,4	107,2	110,8	112,1	112,7	104,1
<b>Белоруссия</b>																			
Яттың ичкі маңыздылық	90,4	92,4	88,3	89,6	102,8	111,4	108,4	103,4	105,8	104,7	105,0	107,0	111,4	109,4	110,0	108,6	110,0	100,2	
Кипр	91,5	103,7	85,6	95,3	102,4	95,1	99,3	91,7	109,3	101,8	100,7	106,6	112,6	101,7	106,0	104,0	109,0	101,3	
Сандарт маңыздылық	90,8	90,6	85,4	88,3	103,5	118,8	112,4	110,3	107,8	105,9	104,5	107,1	115,9	110,05	111,0	109,0	111,0	97,2	
<b>Казахстан</b>																			
Яттың ичкі маңыздылық	94,7	90,8	87,4	91,8	100,5	101,7	98,1	102,7	109,8	113,5	109,8	109,3	109,6	109,7	109,7	108,9	103,3	101,2	
Кытай	128,7	93,1	79,0	75,6	95,0	99,2	81,1	128,0	95,8	117,3	103,4	101,4	90,5	107,5	106,0	109,9	94,0	113,8	
Сандарт маңыздылық	86,2	85,2	71,9	91,8	100,3	104,0	97,6	102,7	115,5	113,8	110,5	109,1	110,4	104,8	107,0	105,0	102,0	101,7	
<b>Ресей</b>																			
Яттың ичкі маңыздылық	85,5	91,3	87,3	95,9	96,4	101,4	94,7	106,4	110,6	105,1	104,7	107,3	107,2	106,4	107,7	108,1	105,6	92,1	
Кипр	90,6	95,6	88,0	92,0	94,9	101,5	86,8	104,1	107,7	107,5	101,5	101,3	103,1	102,0	104,0	103,0	111,0	101,2	

<b>Санкт-Петербург</b>	84,0	86,3	78,4	95,4	92,4	161,0	95,2	108,9	108,7	102,9	105,1	168,9	108,3	104,0	104,6	106,0	102,0	99,2
<b>Киргизия</b>																		
Янтарный	86,1	84,5	79,9	94,6	107,1	109,9	102,1	103,7	105,4	105,5	100,6	107,0	107,0	99,8	102,1	108,5	107,6	102,3
Кыштак	94,5	96,2	81,5	98,0	115,3	112,2	102,9	108,2	102,6	107,5	103,1	105,2	104,1	95,8	102,0	102,0	100,8	107,4
Сандар	74,2	77,0	65,0	75,0	103,9	139,7	105,3	95,7	106,0	105,4	89,1	117,0	104,6	87,9	90,0	107,0	115,0	93,6
<b>Армения</b>																		
Янтарный	58,2	91,2	105,4	106,9	108,9	105,5	107,3	105,3	105,9	109,6	113,2	114,0	110,5	114,0	113,3	113,8	106,8	85,6
Кыштак	102,2	95,1	105,2	104,7	101,8	94,1	113,1	101,5	97,5	111,8	104,4	104,5	114,5	111,2	100,4	110,0	101,0	99,9
Сандар	51,8	89,7	105,3	101,5	101,4	101,0	97,9	105,3	106,4	105,3	114,6	115,1	102,4	107,6	99,1	105,0	102,0	92,2
<b>Озарбайжон</b>																		
Янтарный	77,4	76,9	80,3	88,2	101,3	105,8	110,0	107,4	111,1	109,9	116,6	111,2	110,2	126,4	134,5	125,0	110,8	109,5
Кыштак	76,2	84,5	87,2	93,0	105,0	95,9	106,2	107,1	112,1	111,1	106,4	105,6	104,6	107,8	100,9	104,0	106,0	103,5
Сандар	69,6	80,3	75,3	78,6	95,3	100,5	102,2	103,6	106,9	105,1	105,6	106,1	105,7	133,5	137,7	124,6	106,0	108,6
<b>Украина</b>																		
Янтарный	90,1	85,8	77,1	87,8	90,0	97,0	98,1	99,8	105,9	109,2	105,2	109,6	112,1	102,7	107,3	107,9	102,1	85,5
Кыштак	91,7	101,5	83,5	96,4	90,5	98,2	90,4	93,1	109,8	110,2	101,2	89,0	119,7	99,9	103,0	94,0	117,0	106,1
Сандар	93,6	92,0	72,7	88,0	94,9	99,7	99,0	104,0	112,4	114,2	107,0	115,8	112,5	103,1	106,0	110,0	97,0	78,1



Жадвал маълумотларига асосан 1990-2009 йилларда ҳамдўстлик мамлакатларнинг макроиктисодиёти, унинг асосий тармоқлари – қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ривожланишидан келиб чикиб, алоҳида мамлакатлар тўғрисида қўйидаги хуносаларга келишимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасида 1990-2009 йиллардан 4 йил мобайнида ялпи ички маҳсулот камайган, бошқа йилларда уни кўпайиши таъминланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 4 йил мобайнида камайган. Саноат маҳсулоти фақат бир йил – 1992 йили камайган, бошқа йилларда унинг кўпайиб бориши таъминланган.

Белоруссия Республикасида 18 йилда ялпи ички маҳсулот 4 йил мобайнида камайган, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти фақат 6 йил мобайнида, саноат маҳсулоти 4 йил мобайнида камайтирилган.

Қозогистон Республикаси 18 йилда ялпи ички маҳсулот 5 йил мобайнида, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 8 йил мобайнида, саноат маҳсулоти 5 йил мобайнида камайтирилган.

Россия Федерациясида ялпи ички маҳсулот 6 йил, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – 6 йил, саноат маҳсулоти – 6 йил мобайнида камайтирилган.

Қирғизистон Республикасида 18 йилда ялпи ички маҳсулот – 5, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – 5, саноат маҳсулоти 7 йил мобайнида камайтирилган.

Арманистон Республикасининг мустақиллик давридаги иқтисодий ривожланиши алоҳида хусусиятларга эга. Республика баркарорликка ялпи ички маҳсулот бўйича 2001 йилда, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича 1994 йили эришган. Лекин 18 йилдан ялпи ички маҳсулот 3 йил, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 4 йил, саноат маҳсулоти 4 йил мобайнида камайган. Лекин шунга қарамасдан, республика 2001 йили ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулоти бўйича 1991 йил даражасига қўтарилигани йўқ, чунки республика 1991-1993 йилларда ялпи ички ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ҳаддан ташқари – икки маротаба камайтирган эди.

Озарбайжон Республикасида ялпи ички маҳсулот 4 йил, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 5 йил ва саноат маҳсулоти 5 йил мобайнида камайтирилган.

**5.2.7-Жадедар.**

**Ўзбекистон Республикаси асосий индексмой-иктисодий кўрсаатчилашинг ўсии суръатлари  
(ўтган йилга нисбатан фониз хисебида)**

	1991	1992	1993	1995	1996	1997	1999	2000	2001	2003	2004	2005	2007	2008	2009
<b>Ялни ички маҳсулот</b>	99,5	88,9	97,7	99,1	101,7	105,2	104,3	103,8	104,2	104,2	107,4	107,0	109,5	109,0	108,
<b>Саноат маҳсулоти</b>	101,5	93,3	103,6	100,1	102,6	104,1	105,7	105,9	107,6	106,0	109,4	107,2	112,1	112,7	109,0
<b>Истеммол моллари</b>	104,3	99,3	112,0	102,8	108,1	115,4	108,4	106,2	107,6	108,5	113,5	116,6	118,8	117,7	113,9
<b>Кишлек хўжалиги маҳсулоти</b>	98,9	93,6	101,3	102,2	94,4	105,8	105,6	103,1	104,2	107,3	108,9	105,4	106,1	104,5	105,7
<b>Курилиш ишлари</b>	-	-	-	95,8	100,9	102,4	103,7	103,0	103,4	103,7	104,3	-	115,7	108,3	133,1
<b>Чакана савдо</b>	82,3	59,0	127,5	95,7	122,2	112,6	109,5	107,6	109,6	104,2	105,2	105,1	121,0	117,2	116,6
<b>Пуллик хизмат</b>	84,2	57,4	69,4	73,0	109,8	121,4	113,0	115,7	114,7	109,5	113,8	116,3	120,6	120,6	112,9
<b>Ташки савдо айланмаси</b>	60,2	216,0	102,2	124,8	140,8	95,7	93,1	97,9	101,5	117,3	129,6	109,6	140,7	121,4	100,1
<b>Шу жумладан:</b>															
<b>Экспорт</b>	65,5	345,0	102,7	138,3	123,4	95,6	91,7	100,9	97,1	124,6	130,3	111,5	140,7	128,7	102,4
<b>Импорт</b>	57,9	153,0	101,7	110,9	163,2	95,8	94,6	94,8	106,4	109,3	138,7	107,2	140,7	111,5	97,3
<b>Асосий капиталга киритилиган сармоялар</b>	105,0	68,0	95,0	104,0	107,0	117,0	102,0	101,0	104,0	104,5	107,3	108,5	122,9	128,3	124,8

Ўзбекистон Республикаси тез фурсатда ўз халқ хўжалигини баркарорлаб, иқтисодий инқироздан чиқиб, ўз ижтимоий-иктисодий ривожланишини узлуксиз ва юкори суръатларда амалга оширмокда. Буни республика иқтисодиётининг асосий тармоқларининг тараққиёти маълумотларидан яна бир бор кўришимиз мумкин.

Жадвалда умуман иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларининг 1991-2009 йилларда ҳар йили ўтган йилга нисбатан ривожланиш суръатлари келтирилган, уларга асосланиб қуйидаги хуносаларга келшимиз мумкин:

- умуман иқтисодиёт ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи орқали 1996 йилдан баркарорлашди, саноат, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, республика қишлоқ хўжалиги, асосий капиталга киритилган инвестициялар 1995 йилда баркарорлашди ва уларнинг тараққиёти бошланди;
- қурилиш соҳаси, чакана савдо айланмаси, ахолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам 1996 йилдан баркарорлашди;
- республиканинг ташқи савдо алоқалари иқтисодий инқироз даврида ҳам юқори суръатларда ривожланиб борди;
- республика макроиктисодиёти баркарорлашгандан кейинги йилларда ялпи ички маҳсулот тўхтовсиз кўпайиб борди ва ривожланиш суръатлари кўтарилди;
- таҳлил қилинаётган даврда – республика макроиктисодиёти баркарорлашгандан кейин факат республика экспорти 1999-2002 йилларда, импорти 2002 йили камайди, бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари тараққий этиб борди.

Республика макроиктисодиёти ва унинг алоҳида тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг динамикаси қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

5.2.8-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, республика иқтисодий инқироздан чиқиб, ялпи ички маҳсулот бўйича 2001 йили, саноат маҳсулоти бўйича 1996 йили, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича 2000 йили, чакана савдо айланмаси бўйича 2001 йили 1990 йил даражасига кўтарилди. Факат ахолига пуллик хизматлар кўрсатиш, иқтисодиётга капитал қўйилмалар бўйича 2001 йили ҳам 1990 йил даражасига кўтарилмаган эди. Лекин кейинги йилларда бу муаммолар ҳам республикада ўз ечимни топди.

5.2.8-жадоғат.

**Ўзбекистон Республикаси асосий макроэкономик күрсакчилардың динамикасы  
(1990 йылға нисбеттән фоиз ҳисобида)**

	1991	1992	1993	1995	1996	1997	1999	2000	2001	2003	2004	2005	2007	2008	2009
Ялын ички малсылык	98,9	87,9	85,9	80,7	82,1	86,3	93,9	97,5	101,6	110,1	118,2	126,5	148,9	162,3	176,4
Саноат малсылык	161,5	94,7	98,1	99,8	102,4	106,6	116,7	124,8	134,2	154,1	168,6	180,7	224,5	253,0	273,4
Кишилек хўжайити малсылык	98,9	92,6	93,8	88,8	83,9	88,7	97,5	100,6	104,8	119,2	129,8	136,8	154,9	161,8	171,1
Негемъмол малсылари	104,3	103,6	116,0	116,5	125,9	145,3	169,8	180,4	194,1	228,3	259,1	302,1	432,4	509,0	579,7
Чакана савдо	82,3	48,6	61,9	53,6	65,5	73,7	92,2	99,2	108,7	115,6	121,6	127,8	169,4	209,5	229,2
Пуллик хизмат	84,2	48,3	33,5	18,8	20,6	25,0	31,2	36,1	41,4	49,2	56,0	65,1	93,8	117,0	126,7
Камитаж кўнгилмалар	105,0	71,4	67,8	55,0	58,9	68,9	80,8	81,6	84,9	92,1	98,9	104,5	143,7	192,7	233,0
Ташкин савдо айланмаси	60,2	130,0	132,9	193,0	271,8	260,1	185,3	181,4	184,1	195,2	253,0	277,3	458,8	618,5	618,7
Шу жумладан															
Экспорт	65,5	226,0	232,1	359,8	444,0	424,5	312,9	315,8	306,6	360,2	469,8	523,8	870,3	1112,3	1138,6
Импорт	57,9	88,6	90,1	121,0	197,5	189,2	130,1	123,3	131,2	124,1	159,7	171,2	281,5	406,0	394,2

1990-2009 йилларда республика ялпи ички маҳсулоти динамикаси 176,4 га етди, бу кўрсаткич саноат маҳсулоти бўйича 273,4, қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича – 171,1, истеъмол моллари бўйича – 579,7, чакана савдо бўйича – 239,2, пуллик хизматлар бўйича 126,7, капитал кўйилмалар бўйича 233,0, ташки савдо айланмаси бўйича – 618,7, шу жумладан экспорт бўйича 1138,6 ва импорт бўйича – 394,2 фонзни ташкил этди.

Шундай қилиб, 1990-2009 йиллар мобайнида республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий натижаларидан бири – бу республика иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишидир.

Келгуси йилларда республикада иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштирилиб, республика иқтисодиётида барқарорлик сақланиб, ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиёти давом эттирилди.

### **5.3. Нефть ва дон бўйича республиканинг мустақилликка эришганлиги**

Маълумки, Иттифок даврида мамлакат иттифоқдош республикалар ягона мажмуаси бўлиб, иттифоқдош республикалараро ижтимоий меҳнат тақсимотига биноан иттифоқдош республикалар ўзларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишини амалга оширганлар.

Мамлакат миқёсида ижтимоий-иктисодий ривожланиш ҳаддан ташқари марказлаштирилган, режалаштириш принципларига асосланган бўлиб, унда марказнинг эҳтиёжлари, умумиттифоқ эҳтиёжлар кўзда тутилиб, алоҳида иттифоқдош республикаларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари тўлиқ эътиборга олинмас эди.

«Марказда ишлаб чиқылган дастурлар ва ислохга оид чора-тадбирларда, – деди И.А. Каримов, – федерация субъектлари бўлмиш республикаларнинг манфаатлари эътиборга олинмай келинди»<sup>1</sup>

Иттифоқдош республикаларда аниқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун бу маҳсулотларга нисбатан уларнинг эҳтиёжини қоплашга тегишли шарт-шароитлар, имкониятлар борлигига қарамасдан бу эҳтиёжларни четдан олиб келтириладиган маҳсулотлар билан қоплаш режалаштирилиб, амалга оширилар эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистон – бозор муносабатларига ўтишпиннинг ўзига хос йўли. – Т., 1993, 13 б.

Натижада иттифоқ миңесида бир гурух республикалар индустрисал ривожланган мамлакатларга айлантирилди – Россия Федерацииси, Болтиқбүйи республикалари ва бошқа республикалар иттифоқнинг хом ашё базасига айлантирилди.

Бу вазиятни тубдан ўзгартириш учун республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш лозим эди.

Бу мақсадга етишиш учун иттифоқдош республикалар таркибида мустақиликка эришиш харакати бошланди. Бу харакат икки йўналишда амалга оширилди:

Биринчидан, иттифоқни сақлаб қолиб, унинг таркибида бўла туриб, иттифоқдош республикаларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш.

Иккинчидан, иттифоқ тарқатилиши муносабати билан иттифоқдош республикаларнинг сиёсий мустақиллигига етишиши.

Биринчи йўл Болтиқбүйи республикалари томонидан кўтарилиган эди. Бу йўлга биноан иттифоқдош республикалар иттифоқ таркибида бўлатуриб, уларнинг фаолияти хўжалик ҳисоби принципларига асосланган бўлиши кўзда тутилган эди. Яъни иттифоқдош республикалар иқтисодиёти хўжалик ҳисобига-регионал хўжалик ҳисобига ўтказилиши керак эди. Бу шароитда иттифоқдош республикалар ўз иқтисодиётини ривожлантиришда кўп иқтисодий муаммоларни мустақил равишда ечиши мумкин эди. Лекин иттифоқ тарқатилиши билан бу мақсад табний равишда амалга оширилди.

Маълумки, иттифоқ тарқатилиши муносабати билан собиқ иттифоқдош республикалар сиёсий мустақилликка эга бўлдилар.

Сиёсий мустақилликка эга бўлиш бир вақт мобайнида амалга ошириладиган чора-тадбир эди.

Иқтисодий мустақилликка эришиш ҳуқуқий нуқтаи назардан эмас, амалий нуқтаи назардан мураккаб жараён бўлиб, уни амалга ошириш учун вақт талаб этилар эди. Бу муаммо иттифоқдош республикалар томонидан мақсад килиб қўйилди, амалга оширилди, амалга оширилмоқда.

Назарий нуқтаи назардан, халқаро амалиётдан келиб чиқиб, алоҳида давлатларнинг мутлақ мустақил фаолият олиб бориши мумкин эмас.

Хозирги тараққиёт шароитида ҳамма давлатлар бир-бири билан алоқадор ва бу алокалар келгусида янада ривожланиб боради.

Масалан, Иттифоқ даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг 70 фоизи иттифоқдош республикалар, бошқа давлатлар муносабатлари билан боғланган эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилиниши, иттифоқ тарқатилиши билан сиёсий мустақиллик муаммоси ечилиб, кун тартибиға иқтисодий мустақилликка етишиш муаммоси кўйилди.

Иқтисодий мустақилликка эришиш икки шаклда амалга оширилиши мумкин эди.

Биринчидан, ички ва ташқи иқтисодий сиёсатни мустақил равишда амалга ошириш.

Иккинчидан, алоҳида маҳсулотлар бўйича мамлакат эҳтиёжини ўзида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш йўли билан қондириш.

Юкорида таъкидланганидек, мамлакатнинг бутун маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини ўзидаги ишлаб чиқариш билан қоплаш бу албатта, нисбий интилишдир.

Алоҳида давлатлар учун алоҳида маҳсулотларга нисбатан эҳтиёжлар одатда, бошқа давлатлар билан алоқалар орқали қопланилган ва келгусида ҳам шундай бўлиши бу объектив заруриятдир.

Чунки ҳар бир мамлакатда эҳтиёжга керакли ҳамма маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун ёки табиий ёки ишлаб чиқариш имкониятлари бўлиши мумкин. Бундай шароитларда бу маҳсулотларни давлат миқёсида ишлаб чиқариш, албатта, самаралидир.

Иттифоқ даврида иттифоқдош республикалар шундай шароитларга эга бўлсаларда, улардан фойдаланиш имконига эга бўлмаганлар.

И.А. Каримов 1992 йили таъкидлаган эдиларки: «Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имкониятини берадиган етарли потенциалга эга»<sup>1</sup>, лекин «Республика айrim ҳом ашё турларини, ёқилғи, асбоб-ускуналар ва технологияларгина эмас, балки, ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, ҳалқ истеъмол молларини четдан келтиришга мажбурдир»<sup>2</sup>.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бу муаммолар кун тартибиға қўйилди ва ечила бошлади. Жумладан, республика

<sup>1</sup> Каримов И.Л., Ўзбекистоннинг ўз истикол-таракқиёт йўли. Тошкент, 1992 й. 14 б.

<sup>2</sup> Шу манба, 41 б

авваламбор нефть ва истеъмол дони бўйича ўзини-ўзи таъминлаш имкониятларига эга бўлиб, улар амалга оширилди.

И.А. Каримов 1993 йили таъкидлаган эдиларки: «Республика нефть ва бошқа энергетика манбалари билан ўзини-ўзи таъминлаш бўйича катта имкониятларга эга»<sup>1</sup>.

Лекин Иттифоқ даврида бу имкониятлардан фойдаланиш иложи бўлмаган, бунга рухсат бўлмаган. Ҳаддан ташқари марказлаштирилган режалаштириш тизимиға биноан республиканинг нефтга бўлган эҳтиёжи республикалараро ижтимоий меҳнатни тақсимлаш принципларидан келиб чиқиб, нефть ишлаб чиқаришга ихтисослашган республикалар иқтисодиётини кўллаб-қувватлаш мақсадида асосан четдан келтирилган нефть ҳисобидан қондирилган.

Маълумки, республика халқ хўжалигининг нефтга бўлган йиллик эҳтиёжи 8 миллион тоннани ташкил этган, ундан 3 млн. тоннага яқини республикада қазиб олинган, қолгани ташкаридан келтирилган. 1990 йили республиканинг ўзида қазиб олинган нефть 2,8 млн. тоннани ташкил этган.

Четдан келтирилган нефть Иттифоқ даврида республикалараро иқтисодий алоқаларга биноан, марказнинг лимитларига асосан олинарди.

Иттифоқ тарқатилиши билан, собиқ иттифоқдош республикалараро иқтисодий алоқаларнинг бузилиши, мураккаблашиши билан ҳамма республикалар ўзларининг миллий валюталарига эга бўлишлари, ўзбек сўмининг конвертацияга эга бўлмаганинги муносабати билан четдан нефть сотиб олиш учун республика валюта захираларидан, олтин захираларидан харажат қилиши лозим эди.

Республика раҳбарияти бу йўл билан юрмади. Республика олдига тез фурсатда нефть бўйича мустақилликка эришин муваммоси кўйилди, ва бу муаммо самарали ечили.

Бунинг учун республика табиий имкониятларидан фойдаланилди. Ҳозирги пайтгача тасдиқланган маълумотларга биноан республикада аниқланган нефть захиралари 350 млн. тоннадан ошикдир.

Республикада нефть бўйича мустақилликка етишиш жараёни жадвал маълумотларида ўз ифодасини топган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. Тошкент, 1995 й., 17 б.

**Ўзбекистон Республикасининг нефть ва донишлаб чикарини кўрсаткичлари**

	1990	1991	1992	1996	1997	1998	2000	2001	2002	2004	2005	2006	2008	2009
<b>Нефть ишлаб чикарини минг т.</b>	2811	2832	3292	7622	7891	8210	7536	7213	7234	6580,4	5449,3	5412	4807,4	4455,2
<b>Ўзни суръати – ўтган йилга ишбетан, фониз</b>	100	100,7	116,2	100,5	103,5	104	75,4	95,7	100,3	92,3	82,8	90,3	97,6	92,7
<b>1990 йилга ишбетан, %</b>	100	100,7	117,1	271,1	280,7	292,1	268,1	256,6	257,3	234,1	193,9	192,5	171,0	158,5
<b>Донишлаб чикарини минг т.</b>	1899	1908	2257	3562	3776	4148	3929	4072	3551	3869	6401,8	2546,7	6621,2	7391,5
<b>Ўзни суръати – ўтган йилга ишбетан, фониз</b>	100	100,4	118,3	110,8	106,0	109,9	90,7	105,6	136,3	96,2	109,1	39,8	99,6	111,6
<b>Унинг ишлаб чикарини динамикаси</b>	100	100,4	118,7	187,3	198,5	218,2	206,6	214,0	291,7	308,4	336,4	133,8	347,9	388,4
<b>Дон экин майдонлари, минг га.</b>	1008	1080	1212	1741	1838	1687	1614	1394	1533	1667	1615,2	1616,5	1559,5	1610,5
<b>Ўзни суръати – ўтган йилга ишбетан, фониз</b>	100	107,1	112,2	105,1	105,5	91,8	93,8	86,4	110	93,1	96,9	100,1	101,5	103,3

Үнүүгүүсүн динамикасын	100	107,1	120,2	172,6	182,1	167,2	159,9	138,2	152	165,4	160,3	160,4	154,7	159,8
Пахта етиштирилүү минг т.	4878	4645,8	4126,3	3350,1	3645,6	3206,2	3002,4	3264,6	3122,4	3536,8	3728,4	3600,6	3400,5	3401,5
Үсүүн сурьаты - үтгөн иккя нисбетан фоиз	100	92,2	88,8	85,3	108,8	87,9	83,4	108,7	95,6	126,2	105,4	96,6	92,5	100
Үсүүн динамикасын	100	92,2	81,9	66,5	72,4	63,6	59,5	64,6	61,8	70,0	73,8	71,3	67,4	67,4
Пахта майдандары минг га	1830	1745	1665	1487	1513	1537	1445	1452	1421	1456	1472	1448	1452	1347
Үсүүн сурьаты - үтгөн иккя нисбетан фоиз	100	95,1	95,4	99,6	101,7	101,6	95,3	100,5	97,9	104,5	101,1	98,4	100,3	92,8
Үсүүн динамикасын	100	95,4	91,0	81,5	83,5	84,0	79,2	79,6	77,9	79,8	80,7	79,4	79,6	73,8

И.А. Каримовнинг тасдиклариға биноан 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон нефтни хорижий давлатларга экспорт қилмоқда.

Охирги йилларда республикада нефть қазиб олиш камайиш тенденциясига эга. Бу вазиятдан чиқиш максадида Ўзбекистон Республикасида Россия Федерацияси «Лукойл» нефть компанияси ва бошқа компаниялар билан шартномалар тузиб, фаолият кечираётган нефть қазиб олиш корхоналари ишини яхшилаш ва янги нефть қазиб олиш қўшма корхоналарини ташкил қилиш чоратадбирлари ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш республикада нефть ишлаб чиқариш тармогини янада ривожлантириш гаровидир.

Нефть билан бирга республикада истеъмол дон бўйича ҳам мустақилликка эришиш муаммоси кўтарилиди ва у самарали ечилди.

Республикада дон ишлаб чиқариш учун бутун табиий ва ишлаб чиқариш шарт-шароитлари мавжудлигига карамасдан республиканинг донга бўлган эҳтиёжи ҳам асосан четдан келтирилган дон ҳисобидан қондирилар эди.

Республиканинг истеъмол донига бўлган йиллик эҳтиёжи 4 млн. тоннани ташкил этган. Иттифоқ даврининг охирги йилларида республикада етиштирилган дон 1,5–2,0 млн. тоннани ташкил этган, қолгани республикалараро иқтисодий алоқаларга биноан улардан келтириларди ва хорижий мамлакатлардан сотиб олинар эди.

Бунга сабаб, республикалараро ижтимоий меҳнатнинг тақсимланганлиги ва унинг натижасида Ўзбекистонда пахта якка хукмронлиги мавжуд эди.

Дон экиш учун ажратилган экин майдонлари ҳамма вақт чегараланган бўлиб, экин майдонларининг асосий қисми ҳам ўзлаштирилаётган янги ерлар ҳам асосан пахта билан банд эди.

Республика учун истеъмол дон муаммоси икки йўл билан ечилиши мумкин эди.

Биринчидан, экин майдонлари структурасини ўзгартирмасдан, пахта хукмронлигини саклаб колиб, пахта толасини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан четдан дон сотиб олиш ва республиканинг донга бўлган эҳтиёжини қоплаш.

Бу йўналишнинг асоси шундан иборатки, пахта якка хукмрон бўлсада, у донга нисбатан ҳар бир гектар ердан олинадиган маҳсулотга нисбатан 5–6 марта кўпроқ даромад келтиради. Демак, пахтадан олинган даромадлар ҳисобидан донга бўлган республика эҳтиёжини четдан дон сотиб олиш ҳисобидан қоплаш мумкин эди.

Иккинчидан, республика экинзор майдони структурасини ўзгаририб, бошқа экинлар, айниқса, пахта майдонларини қисқартириб, дон экинзорларини кенгайтириш йўли билан дон ишлаб чиқаришни кўпайтириб, бунинг хисобидан донга бўлган республика эҳтиёжини қоплаш.

Бу йўл жамиятда олинадиган даромадларни қисқартиришга олиб келади. Шунга қарамасдан Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, шахсан Республика Президенти И.А. Каримовнинг тавсиясига биноан республика иккинчи йўл билан бориб, дон бўйича мустақилликка эришди.

Бу мақсадга етишиш учун республика экинзорлар майдонлари мустақиллик даврида тубдан ўзгаририлди.

### 5.3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикি:

Биринчидан, мустақиллик даврида экинзорлар таркиби тубдан ўзгаририлди.

Иккинчидан, экинзорлар таркибида пахтанинг якка ҳукмронлиги бартараф этилди.

Учинчидан, пахта билан банд майдонлар 1990-2008 йилларда 483 минг гектарга қисқартирилди.

Тўртинчидан, дон экинзорлар эса шу даврда 603 минг гектарга кенгайтирилди.

Бешинчидан, шу даврда озиқа экинлар майдонлари 737 минг гектарга қисқартирилди.

Олтинчидан, демак дон экинзорларининг кенгайтирилиши фақат пахта майдонларини қисқартириш хисобидан эмас, озиқа экинлар майдонини қисқартириш хисобидан ҳам амалга оширилган.

Маълумки, озиқа экинзорлар сугориладиган ерларнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Кўриниб турибдикি, 1990-2008 йилларда умумий экинзорлар таркибида озиқа экинлари салмоғи 24 фоиздан 8.4 фоизгача камайди. демак республикада алмашлаб экиш тизими деярли бузилди. Бу ҳолат фақат вақтинча бўлиши мумкин ва бу ҳолатни ўзгаришиш объектив заруритdir.

Келгусида республикада дон муаммоси ечилган экан, республикада алмашлаб экиш тизимини тиклаш замон талабидир.

Республикада истеъмол дон бўйича мустақилликка эришиш жараёнини юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўкалиқ экинлари майдони таркиби**

	1990	1992	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Барча экин майдонлари, мингга.	4194	4222	4241	4165	4007	4141	4030	4020	3778	3445	3541	3790	3696	3646	3634	3561	3609	3606
Фонд хисобчига	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	
Шу жадалан																		
Дон экинчандар	1008	1212	1522	1657	1741	1838	1687	1721	1614	1394	1533	1791	1667	1615	1617	1536	1560	1611
Фонд хисобчига	24	28,7	35,9	39,8	43,4	44,4	41,9	42,8	42,7	40,5	45,3	47,3	45,1	44,3	44,5	45,1	45,2	44,7
Пахта	1830	1665	1539	1493	1487	1513	1532	1517	1445	1452	1421	1395	1456	1472	1448	1452	1347	
Фонд хисобчига	43,6	39,4	36,3	35,4	37,1	36,5	38	37,7	38,2	42,1	40	36,8	39,4	40,4	39,8	40,7	40,2	37,4
Озика экинлар	1040	1004	650	732	522	508	498	455	429	331	329	317	284	290	296	296	303	
Фонд хисобчига	24,8	23,8	15,3	17,6	13	12,3	12,3	11,3	11,4	9,6	9,3	8,4	7,7	8,0	8,1	8,3	8,0	8,4
Бонка экинлар	316	341	530	300	254	282	313	329	290	268	258	289	289	268	274	278	308	348
Фонд хисобчига	7,6	8,1	12,5	7,2	6,5	6,8	7,8	8,2	7,7	7,8	7,3	7,6	7,8	7,4	7,5	7,8	8,5	9,7

1990-1998 йилларда дон етиштириш 1899 минг тоннадан 4148 минг тоннага кўпайтирилди.

Шу даврда дон етиштириш йилдан-йилга ошиб борди. Бир хил йилларда бу ўсиш суръати 30-35 фоизни ташкил этди.

Дон етиштиришнинг ошиб бориши иккى йўналишда амалга оширилди:

1) дон экин майдонлари 60 фоизга кенгайтирилди. Шу даврда пахта билан банд майдонлар 26,4 фоизга қисқартирилди.

2) дон экинлари билан банд майдонлар ҳосилдорлигини ошириш йўли билан.

Кўриниб турибдики, республикада етиштирилган дон маҳсулотлари 1998 йили 4,0 млн. тоннадан ошди, демак республика 1998 йили истеъмол дон бўйича мустақилликка эришиди. кейинги йилларда қишлоқ аҳолиси республика эҳтиёжидан кўп дон етиштирмоқда, демак республика дон маҳсулотларини ҳам экспорт қилмоқда.

Демак, республика қишлоқ хўжалигининг келгусидаги ривожланишида донга бўлган мустақилликни дон экинлари ҳосилдорлигини кўтариш ҳисобидан сақлаб қолиб, республика қишлоқ хўжалигига алмасиб экиш тизимини тўлиқ тиклаш замон талаби ва мақсадга мувофиқдир.

Шундай килиб, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий ижобий натижаларидан бири бўлиб, республика истеъмол дон бўйича мустақилликка эришиш экан, бу ўз навбатида республикада аҳоли турмуш даражасини ўтиш даврининг қийинчиликларига карамасдан, хаддан ташқари орқага кетишига, пасайишига йул қўймасликда асосий омиллардан бири бўлди ва келгусида ҳам шундай бўлиши лозим.

#### **5.4. Иқтисодиётнинг молиявий ҳолати**

Халқ хўжалигининг молиявий ҳолати ҳамма жамиятларда катта аҳамиятга эга бўлган. Лекин бозор муносабатлари даврида иқтисодиётнинг молиявий ҳолати энг долзарб муаммога айланади. Чунки бозор муносабатларининг мақсадларига биноан корхона ва ташкилотларнинг, умуман иқтисодиётнинг молиявий ҳолати, улар фаолиятининг энг асосий кўрсаткичларига айланади.

Молиявий ҳолат түғрисида гап кетар экан, унинг икки шаклини эътиборга олиш лозим.

Биринчидан, иқтисодиётнинг ажралмас қисмлари бўлмиш корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолати. Бу ҳолат, маълумки, корхона ва ташкилотларнинг фойдага эгалиги ва рентабеллик даражаси билан аниқланади.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиётининг молиявий ҳолати кенгроқ, мураккаброқ бўлиб, у қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топади:

- мамлакат иқтисодиётининг фойдага эгалиги ва рентабеллик даражаси;
- давлат бюджетининг танқислилик даражаси;
- иқтисодиётда инфляция даражаси.

Маълумки, фойда кўриш ишлаб чиқаришнинг ҳамма жамиятлардаги талабларидан бирадир.

Фойда ва фойда кўриш умуминсоний иқтисодиёт категорияларидан бири бўлиб, у қуйидаги объектив заруриятлардан келиб чиқади:

– Бу кўп жамиятларда ҳаракатда бўлган қиймат конунининг талабларидан биридир. Қиймат қонуни ишлаб чиқарувчилар олдига шундай вазифани кўйганки, улар маҳсулотларни ижтимоий – зарурий даражадаги, ундан камроқ даражадаги харажатлар билан барпо этишлари лозим. Харажатлар ижтимоий – зарурий даражада бўлса, меъёрдаги фойдага эга бўладилар, агарда узарнинг харажатлари ижтимоий – зарурий харажатлардан паст бўлса, улар ўрта меъёрли фойدادан юқори фойдага эга бўладилар.

Демак, қиймат конунининг асосий талаби – корхоналар ва ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолияти натижасида фойдага, яъни ижобий молиявий ҳолатга эга бўлишлари лозим. Бу талаб, айниқса, бозор муносабатлари даврида, энг долзарб муаммога айланади.

– Маълумки, ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш принципларига асосланган бўлиши керак. Ишлаб чиқаришни тўхтовсиз кенгайтириб туриш учун тегишли кўшимча маблағлар бўлиши лозим. Бунинг учун корхоналар тегишли фойдага, ижобий молиявий ҳолатга эга бўлишлари керак.

– Бозор муносабатлари рақобат принципларига асосланган. Демак, корхоналар рақобат талабларига жавоб бериш учун мав-

жуд ишлаб чиқаришни доимо модернизациялаб, унинг технологик ва техникавий даражасини кўтариб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиқ даражасини кўтариб туриши лозим ва бунинг учун ҳам кўшимча молиявий ресурсларга эга бўлиши керак.

– Бозор иқтисодиёти бутун жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, ижтимоий йўналтирилган ишлаб чиқаришга айланмоқда. Бу бозор иқтисодиётининг талабларига жавоб бериш максадида корхоналар бевосита ишлаб чиқариш қатнашчиларини рағбатлантириш учун кенг миқёсда ижтимоий чора-тадбирларни амалга ошириб туришлари лозим. Бунинг учун ҳам улар тегишли даражадаги молиявий ҳолатга эга бўлишлари объектив заруриятдир.

Буларни эътиборга олган ҳолда. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантиришда унинг молиявий ҳолатини яхшилашга керакли даражада эътибор ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий инқироз давридаги кийинчиликларига қарамасдан 1990-1995 йилларда ҳалқ хўжалигида олинган фойда 5 маротаба кўпайди ва шу даврда заарар кўриб фаолият кечираётган корхоналарнинг сони 10 марта камайди.

Лекин савол туғилиши мумкин, ҳалқ хўжалиги молиявий ҳолатининг бундай яхшиланиши нарх-навонинг кўтарилиши натижаси эмасми?

Биринчидан, иқтисодиётнинг, корхона, ташкилотларнинг молиявий ҳолати ҳамма вақт шаклланган жорий нарх-наволарда аниқланади.

Иккинчидан, нарх-наволарнинг шаклланиши табиий ҳолат. Айнқса, бозор муносабатлари даврида нарх-наволар асосан талаб ва таклиф ўртасидаги тафовут билан аниқланади. Маълумки, Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб давлат томонидан тасдиқланган нарх-наволардан умуман эркин ва шартномалар билан аниқланадиган нархларга ўтилди. Демак, республика ҳалқ хўжалигига, макроиқтисодиётда қўлга киритилган молиявий ҳолат – бу табиий жараён бўлиб, у ҳақиқатни ифодалайди.

Ҳалқ хўжалигининг, макроиқтисодиётнинг молиявий ҳолати республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг, иқтисодий инқироздан кейинги даврда ҳам республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келди. Бу сиёsatнинг натижалари қуйидаги жадвал маълумотларида ўз ифодасини топган:

**Ўзбекистон Республикаси макроэкономикада ишленинг молияният холати кўрсатиччалари**

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1. Инфосоюз тадомааралга муроно фонд (Эйлан муроно фонд)	73,7	85,7	95,1	124,1	161,8	285,3	449,8	585,4	687,7	932,6	1837,2	1837,4	3202,4	4557,7	6055,7
II. Хизматлар															
Саноат	42,4	56,8	52,3	71,0	69,6	84,4	117,3	277,8	354,5	549,8	1246,7	1063,3	2178,6	2699,1	3820,6
Кинжол нуждати	3,7	-16,3	-12,5	-18,0	-3,4	18,6	121,4	-22,7	-30,6	-16,4	-48,9	-2,4	23,1	21,1	13,6
Курилли	7,0	10,9	12,1	12,0	15,7	16,0	22,3	26,6	30,7	36,2	43,6	61,2	70,8	43,6	64,2
Савдо ва имчи- ловкаданини	2,6	6,2	11,6	11,7	18,1	28,4	36,7	55,9	60,6	54,4	40,2	73,7	144,9	242,5	218,1
2. Яхши иччи максудотининг усин сурʼали фонд	-0,9	1,7	5,2	4,3	4,4	4,8	4,2	4,0	4,2	7,7	7,0	7,3	9,5	9,0	8,1
Инфлация инфляция харакет фонд															
3. Инфлация инфляция харакет фонд	76,8	25,2	22,8	26	24	24	19,2	3,6	3,6	3,3	3,2	6,8	7,8	7,4	
4. Давлат бюджети танкислиги, фонд	-4,1	-7,3	-2,2	-1,8	-1,8	-1,0	-1,0	-0,8	-0,4	-0,1	-0,5	+1,1	+1,5	+0,2	

1995-2008 йилларда иқтисодиётда олинган фойда 62,0 марта кўпайди.

Иқтисодиёт самарадорлигининг ошиб бориши, молиявий ҳолатининг яхшиланиши макрониқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлмиш саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларга тааллукли.

1995-2009 йилларда республика иқтисодиётида олинган фойда 82 марта, саноатида олинган фойда 90 марта, қурилишда олинган фойда 92 марта, савдо ва умумий овқатланишдан тушган фойда – 84,0 марта кўпайган.

Маълумки, республика бюджетининг тақчиллиги 1994 йили 12 фоизни ташкил этган, лекин ундан кейинги йилларда бюджетнинг тақчиллиги даражаси тубдан қисқартирилди ва охирги йилларда давлат бюджетининг бажарилиши профицит билан якунланмоқда, яъни давлатнинг даромадлари унинг харажатларидан ортмоқда.

Иқтисодиётнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи инфляция кўрсаткичи ҳам яхшиланмоқда. Агарда унинг йиллик даражаси 1992-1994 йилларда 800-1200 фоизни ташкил этган бўлса, охирги 6 йил мобайнида инфляция даражаси 7-8 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий фаолияти кўп йилларда заар кўриш билан якунланмоқда. Лекин 2007-2009 йилларда қишлоқ хўжатиги ҳам фойда келтириш билан фаолият олиб бормоқда.

Маълумки, иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларининг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич бўлиб рентабеллик даражаси ҳисобланади.

Республика иқтисодиёти ва унинг алоҳида тармоқларининг рентабеллик даражаси қўйидаги жадвал маълумотларида ўз ифодасини топган.

#### 5.4.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикি:

Республика иқтисодиёти ва унинг алоҳида тармоқлари ижобий молиявий ҳолатга – рентабелликка эга.

Солик тўлангунга қадар фойданинг сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аникланган рентабеллик кўрсаткичи 1996-2008 йилларда, яъни республика иқтисодиётининг барқарорлиги йилларида 8-10 фоиздан 15-17 фоизга кўтарилиди.

5.4.2-жадоеват.

**Ўзбекистон Республикаси иктисолдёти ва унинг алоҳида тармоқларининг рентабеллик даражаси**  
 (солик тўлангунга кадар фойда(-зарар)нинг сотилиган махсулот таниархига нисбати, %да)

	1992	1994	1996	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Икисолдёт бўйича	29,6	38,9	11,9	8,1	8,2	10,1	10,2	9,2	8,4	9,8	13,5	11,1	15,4	17,3
Шу жумладан:														
Саноат	39,9	49,6	20,5	11,1	8,7	7,5	6,7	9,7	9,1	10,4	16,6	10,2	17,0	18,8
Кишлак хўжалиги	22,3	14,1	-7,5	-0,8	-1,4	5,3	21,0	-2,8	-3,3	-1,8	-5,8	-0,4	4,8	4,1
Ундан:														
Дехкончилик	-	-	-9,7	-3,4	-3,6	4,1	23,5	-6,9	-7,1	-4,0	-1,5	-9,0	8	17,5
Чорвачилик	-	-	-9,2	-1,4	6,8	10,6	22,7	9,8	6,5	1,6	1,4	6,9	6,1	5,5
Курилиш	12,4	25,9	15,6	10,4	10,6	7,3	6,9	7,0	8,2	9,4	8,7	10,3	8,7	4,1
Транспорт	10,5	37,2	20,6	16,8	13,3	35,0	18,8	23,9	16,6	18,6	23,6	24,1	24,6	33,8
Алока	29,8	70,2	33,5	54,0	41,4	70,3	53,1	27,6	18,1	37,0	38,7	45,9	38,1	23,2
Савдо ва умумий овқатланниш	26,8	45,4	8,1	7,6	7,9	7,7	6,1	9,1	7,7	5,5	2,0	4,2	5,7	6,6

Саноат тармоғи ҳамма вақт ижобий молиявий ҳолатта эга бўлиб, охирги йилларда унинг рентабеллик даражаси 7,0 фоиздан деярли 19,0 фоизга кўтарилиган.

Молиявий ҳолатни кўтаришда транспорт тармоғи катта ахамиятга эга. Унинг рентабеллик даражаси мустақиллик даврида узлуксиз кўтарилиб борган.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида 1996-2006 йилларда заарли кўрсаткичи 17,5 фоиздан 0,4 фоизгача қисқартирилган ва 2007-2008 йилларда республика қишлоқ хўжалиги рентабелликка эга бўлди.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида 1995-2006 йилларда дехқончиликнинг заарли даражаси 19,7 фоиздан 9,0 фоизгача қисқартирилди, 2007-2008 йилларда рентабелликка эришди, чорвачилик эса 1999 йилдан бошлаб молиявий ҳолати яхшиланиб, рентабелликка эга бўлди.

Рентабеллик даражаси қурилиш, алоқа тармоқларида кўтарилиш, савдо ва умумий овқатланиш тармоғида пасайиш тенденциясига эга.

Республика иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири бўлмиш саноат тармоқларининг молиявий ҳолати ҳам тегишли эътиборга сазовор.

5.4.3-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб қўйидаги хуносаларга келишимиз мумкин:

- Республика саноати, унинг алоҳида тармоқлари ижобий молиявий ҳолатга – рентабелликка эга.
- Махсулот сотищдан тушган ялпи фойданинг сотилган маҳсулот таннархига нисбатан аниқланган рентабеллик даражаси республика саноатида, умуман мустақиллик даврида, шу жумладан республика иқтисодиётининг барқарорлиги даврида кўтарилиб борган.
- Рентабелликни кўтарилиш тенденцияси қазиб чиқарувчи, ёқилғи, металлургия, кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоқларига тааллукли.
- Шу билан бирга қайта ишловчи, электроэнергетика, кора металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат тармоқларида рентабеллик даражаси пасайган.

5.4.3-жосал.

**Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқларида рентабеллик кўрсаткичлари\***  
(максулот сотишдан тушибган ялти фойданинг сотилган махсулот таннахига нисбати, %да)

	1992	1994	1996	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Бу тун саноат	37,1	36,7	32,1	31,9	30,3	33,3	31,6	30,9	30,2	33,6	42,1	43,1	45	42,2	43,9
Шу жумладан:															
казиб чиқарувчи	-	-	48,6	82,6	81,3	97,0	87,9	86,7	81,2	82,4	138,6	165,2	126	109,4	133,9
кайта ишловчи	-	-	29,5	25,4	24,0	24,6	23,4	22,3	21,4	26,1	26,4	25,0	31,8	30,9	29,5
Саноат тармоқлари бўйича															
Электроэнергетика	19,1	35,6	57,1	23,4	24,8	5,3	5,8	4,5	13,6	17,0	27,4	23,2	19,5	17,5	25,0
Бекли	44,1	44,2	61,7	71,7	54,0	71,4	79,6	97,7	72,1	89,3	105,5	96,1	109	122,3	141,8
Кора металлургия	46,9	50,1	32,5	48,9	39,4	42,0	51,0	45,2	40,9	41,7	35,1	35,5	41,3	34,9	28,9
Рангли металлургия	76,8	114,0	29,6	43,9	55,3	71,2	63,0	71,8	72,0	80,2	109,2	140,6	102,7	63,9	72,4
Кимё ва нефть-химё	60,6	46,7	29,0	21,1	26,7	27,1	22,7	29,7	25,6	22,1	27,2	31,5	27,6	39	28,1
Машинасозлик ва металла ишлов бесриш	45,5	64,3	39,2	38,2	42,3	38,2	36,8	31,7	28,7	28,9	15,8	18,6	26,8	23,4	23,3
Куришиш материалари	27,7	30,8	39,2	37,0	35,8	31,7	32,7	32,0	33,2	44	47,5	72,0	125,8	109,5	83,8
Еннил	24,4	32,3	13,8	14,6	15,3	17,4	15,6	13,2	12,1	12,1	10,8	11,5	11,4	13,2	13,5
Озик-овкат	30,0	17,7	22,6	22,2	25,0	26,	24,4	21,8	22,7	23,0	23,9	30,8	40,1	41,6	40,9

\* Бюджет, сугурута ташкилотлари, банклар, китобкорхона ва микрофирмалар, чет эл инвестициялари катнашган корхоналар, фермер ва дехкон хўжаликлари кирмаган.

– Саноат тармоқларида рентабеллик даражаси 2009 йили енгил саноатда 13,5 фоиз, машинасозлик ва металлга ишлов бериш – 23,3 фоиз, кайта ишловчи саноатда – 29,5 фоиз, рангли металлургияда – 72,4 фоиз, қазиб чиқарувчи саноатда 133,9 – фоизни, электроэнергетикада – 141,8 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>.

– Бу ҳолат алоҳида саноат тармоқларида ишлаб чиқаришини ташкил қилиш, техникавий даражада ҳар хил бўлиши ва нарх-наво сиёсатини амалга ошириш ҳар хил эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, мустақиллик даврида ишлаб чиқаришнинг молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткич - рентабеллик умуман ошиб бормокда. Шу билан бирга алоҳида тармоқларда рентабелликка эришиш, унинг даражасини кўтариш ва тармоқлараро рентабеллик кўрсаткичини мувоғиқлаштириш республика ишлаб чиқаришининг келгусидаги долзарб вазифаларидан биридир.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш натижасида макроиктисодиёт тараққиёти республика давлат бюджети танқислигини пасайтиришга, охирги йилларда уни умуман бартараф қилишга олиб келди.

Бюджет танқислиги – бу давлат харажатларининг давлат даромадларидан кўплигига ўз ифодасини топади ва республика иқтисодиётини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири хисобланади.

Давлат бюджет танқислиги муаммоси назарий нуқтаи назардан инглиз иқтисодчи олимларидан Дж.Кейнс томонидан тадқик этилган. У ўзининг «Бандлик. фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1933 й.) номли асарида бюджетдаги танқисликининг бўлишлигини тасдиқлаб берди.

Бу назарияга биноан давлат бюджетининг танқислиги бу давлат сиёсати бўйича давлат харажатларининг олдиндан, атайлабдан

---

<sup>1</sup> Охирги иккита жадвалларда республика саноатининг рентабеллиги соликкача бўлган фойда ва сотилган маҳсулотлардан олинган фойда кўрсаткичларига асосан аниқланган ва бир-биридан тубдан фарқ қиласиган даражада чиқкан. Саноат рентабеллиги, масалан, 2008 йили сотилган маҳсулотдан олинган фойда бўйича 42,2 фоизни, солик тўлангунга қадар фойда бўйича 18,8 фоизни ташкил қиласиган.

Бунга сабаб, солик тўлангунга қадар фойданни аниқлаш учун сотилган маҳсулотдан олинган фойдадан «давр харажатлари» олиб ташланган. Масалан, 2008 йили сотилган маҳсулотдан олинган 6137 млн сўмлик фойдадан 4280 млн сўмлик давр харажатларни олиб ташланган, чунки бу харажатлар маҳсулот таннархига киритилмаедан харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга биноан корхоналарда олинган фойда хисобидан контланади.

режалаштирилган мақсад бўйича харажатлар давлат даромадларидан кўплигидир. Демак, давлат томонидан режалаштирилган харажатлар бевосита давлат даромадлари билан қопланмайди ва бу даромадлар билан қопланмаган харажатлар қисми давлат бюджетининг танқислиги ҳисобланади.

Лекин давлат бюджетининг танқислиги табиий ҳол, чунки жамиятнинг ривожланишида шундай давр бўлиши мумкинки, давлат бюджетининг танқислигисиз жамият аниқ бир шароитларда фаолият кечира олмайди. Бу ҳолат айниқса, жамиятнинг иқтисодий инқирози даврида, алоҳида мамлакатларнинг бир ижтимоий-иктисодий тизимдан иккинчи ижтимоий-иктисодий тизимга ўтиш даврида бўлиши мумкин. Масалан, иқтисодий инқирозга тўғри келган 1975 йили АҚШда давлат бюджетининг танқислиги 42 млрд. доллардан 64,4 млрд. долларга кўтарилди, Японияда – 600 млрд. иендан 6800 млрд. иенга кўтарилди.

Демак, давлат бюджети танқислиги ривожланган давлатларга ҳам тааллуқлидир.

Ундан ташкири давлат бюджети танқислиги бу мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда давлат аралашуви, тартибга солувчи ролининг шаклларидан биридир.

Давлат бюджети танқислиги, давлат харажатларининг устуворлиги мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда аниқ рол ўйнайди, давлат эҳтиёжларини кенгайтиради, давлат харажатлари орқали янги иш жойлари барпо этилади, аҳолининг меҳнат билан бандлиги кўтарилади.

Лекин шу билан бирга давлат бюджети танқислигининг борлиги, унинг доимийлиги, ўсиб бориши:

биринчидан давлат қарзининг кўпайиб боришига;

иккинчидан, инфляция даражасининг кўтарилишига;

учинчидан, аҳолининг реал даромадларининг камайишига олиб келади;

тўртинчидан, иқтисодиётнинг ривожланишини чегаралайди, чунки давлат бюджети танқислигини қоплаш учун ҳозирги давр даромадларини харажат қилишга тўғри келади;

бешинчидан, демак давлат бюджети танқислиги – бу келгуси авлодлар эҳтиёжини қоплашни қисқартириш, улар ҳисобидан фаолият кечириш демакдир.

Шу билан бирга давлат бюджети танқислигининг камайиб кетиши ва ундан умуман фойдаланмаслик салбий натижаларга олиб

келиши, масалан, ишсизлик даражасининг кўтарилишига, узок муддатга мўлжалланган демографик вазифаларни ечишини қийинлаштиришга олиб келиши мумкин.

Бюджет танқислиги ҳам давлат ҳам маҳаллий бюджетларда бўлиши мумкин.

Давлат бюджети танқислиги икки манба хисобидан қопланиши мумкин:

- накд пулни эмиссия қилиш йўли билан;
- давлат қарзини кўпайтириш йўли билан.

Накд пул эмиссияси нарх-навонинг, инфляция даражасининг кўтарилишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Ўз навбатида давлат қарзини кўпайтириш куйидаги манбалардан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади:

- марказий банкдан қарз олиш;
- тижорат банклардан қарз олиш;
- мамлакат ичкарисидаги нобанк ташкилотлардан қарз олиш;
- мамлакат валюта захираларидан ишлатиш;
- хориж давлат ва ташкилотлардан қарз олиш;
- давлат мулкини сотишдан тушган маблағлардан ва бошка ноинфляцион манбалардан фойдаланиш;
- қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш, тарқатиш йўли билан.

Давлат бюджети танқислиги бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат бюджети танқислиги мавжуд.

Бу танқислик мустақилликка эришилгандан кейинги биринчи даврда - иқтисодий инқирозга учраган даврда катта муаммога айланган эди. Лекин кейинчалик, тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида республикада бу муаммо ечилди.

Юқорида қайд этилганидек, бозор муносабатлари шароитида давлат бюджетининг танқислиги табиий вазият бўлиб, у ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган давлатлар учун тааллукли.

Бюджет танқислиги бир хил давлатларда юқорироқ, бир хил давлатларда пастроқ, бир хил давлатларда вақтинча бўлмаслиги ҳам мумкин.

Бозор муносабатлари учун бюджет танқислиги табиий хол экан, демак унинг меъёрий даражаси бўлиши лозим.

Халқаро миқёсда қабул қилинган бюджет танқислигининг меъёрий даражаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан иборат бўлиб, бу кўрсаткич Европа барқарорлик тўғрисидаги Пактда аниқланган.

Бу тасдиқланган меъёрий даражадан юқори давлат бюджетининг танқислиги айниқса, иқтисодий инқироз даврига тааллуқли. Масалан, 21-аср бошланишидаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида 2008 йили 27 Европа Ҳамкорлик давлатларидан 20 тасида давлат бюджетининг камомади 3 фоиздан кўп бўлган. АҚШ давлат бюджетининг камомади 2008 йили 1,409 трилион доллар бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 9.9 фоизини ташкил этган, яъни меъёрий даражага нисбатан 3 мартадан юқори бўлган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи йилларида республикада давлат бюджетининг танқислик даражаси меъёрий даражага нисбатан 3-4 – маротаба кўп бўлган.

Бу вазиятни табиий хол деб тушуниш лозим. Чунки мустақилликнинг бошланғич даврида иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашиб кетганлиги, давлатнинг иқтисодий имкониятлари камайиб кетганлиги сабабли, республика раҳбарияти республикада мавжуд иқтисодиётни сақлаб қолиш, уни ҳаддан ташқари орқага кетишига йўл қўймаслик мақсадида давлат бюджетининг танқислик даражасини кўтаришга мажбур бўлган.

Республика иқтисодий инқироздан чиқиши муносабати билан 1997 йилдан бошлаб давлат бюджети танқислик даражаси оптимальлаштирилди, тубдан кисқартирилди.

1991-1997 йилларда бюджет танқислигини камайтириш Марказий банк маблағлари ҳисобидан, кейинчалик давлат облигациялари ва ноинфляцион манбалар ҳисобидан копланди.

Давлат бюджети танқислигини камайтириш ҳам давлат даромадларини қўпайтириш, ҳам кам самарали давлат харажатларини камайтириш ҳисобидан амалга оширилди.

Давлат даромадларини қўпайтириш республика халқ хўжалигини барқарорлаш ва республика иқтисодиётини ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилди.

Давлат бюджети танқислигини қисқартириш ва уни умуман бартараф этиш республика халқ хўжалигининг молиявий ҳолатини яхшилашда асосий омиллардан бирига айланди.

Келгусида давлат бюджети танқислигига йўл қўймаслик, ёки унинг паст, меъёри даражада бўлишини таъминлаш учун давлат харажатлари қисқартирилиши ҳисобидан эмас, давлат даромадларини кўпайтириш ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Халқ хўжалиги барқарорлигини саклаб қолиб, республика иқтисодиёти тараққиётини таъминлашда давлат бюджети танқислигини меъёрий даражада ушлаб туриш ва унинг даражаси кўпаймаслигини саклаб қолиш келгусида республика иқтисодиёти молиявий ҳолатини яхшилашда асосий омиллардан бирига айлантирилиши лозим.

Республика мустакиллиги даврида халқ хўжалиги молиявий ҳолатининг яхшиланиши республикада инфляция даражасини пасайтиришда ҳам ўз ифодасини топди.

Инфляция бозор муносабатлари даврининг кўп қиррали мурракаб иқтисодий муаммоларидан, вазиятларидан биридир. Инфляция бу:

- пул бирлигининг кадрсизланиши;
- нарх-навонинг ошиб кетиши;
- муомаладаги нақд пулларнинг кўпайиб кетиши;
- товар-маҳсулотларга бўлган талабнинг таклифдан ошиб кетиши;
- классик иқтисодий назарияга биноан муомалага йўналтирилган нақд пулларнинг кўпайиб кетиши натижасида ўртача нархларнинг кўтарилиб кетиши;
- замонавий иқтисодий назарияга биноан инфляция факат муомаладаги нақд пулларнинг кўпайиши натижаси эмас, ундан бошқа омилларнинг таъсири натижасидир;

Инфляциянинг келиб чикиш сабаблари:

- корхоналараро тўловларнинг ўз вактида амалга оширилмаслиги;
- иқтисодиёт таркибини яхши асосланмаган дастур бўйича таомиллаштириш;
- нарх-наво сиёсатини эркинлаштириш;
- мамлакат иқтисодиётини очик иқтисодиёт деб эълон килиниши;

– миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига кириб бориши;

– ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши;

– маҳсулотларга талабнинг ошиши, таклифнинг камайиши;

– муомаладаги маҳсулотларга нисбатан нақд пулларнинг кўпроқ чиқарилганлиги;

– мамлакат миллий валютаси реал қийматининг пасайиши;

– давлат харажатларини қоплаш учун нақд пул эмиссиясидан фойдаланиш:

– ишлаб чиқаришнинг қисқартирилиши;

– валюта захираларининг қадрсизланиши ва натижада уларга сотиб олинадиган импорт товарларнинг камайиши;

– мамлакат ресурсларини уларга нисбатан талабдан камлиги.

Инфляция даражасига ҳар хил омиллар таъсир кўрсатади, улардан асосийлари қўйидагилар:

– талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат;

– талаб ва таклиф ҳажми ва таркибининг асосланганлиги;

– давлат томонидан нарх-наво сиёсатини тартибга солиш;

– давлат томонидан иш хаки ва нархларни бир даражада ушлаб туриш;

– давлатнинг монетар сиёсати;

– давлатнинг инвестицион сиёсати;

– мамлакатдаги кредит тизими;

– муомаладаги нақд пулларни тартибга солиш;

– давлат бюджети танқислиги ва уни қоплаш йўллари;

– чет эл инвестицияларининг мамлакатга жалб этилиши.

Кўриниб турибдики, инфляция мураккаб жараён бўлиб, у ҳар хил турларда шаклланади, амалга оширилади.

Инфляция ўзининг мазмуни ва амалга ошириш даражаси бўйича қўйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

– ўрмаловчи шаклда – нархлар меъёрий суръатларда кўтарилади;

– йўргаловчи шаклда – нархлар тез фурсатда ошади;

– гиперинфляция шаклда – нархлар ҳаддан ташқари юқори суръатларда кўтарилади. Масалан, Германияда 1922 йили инфляция 5470 фоизни ташкил этган. 1993 йили инфляция Украинада 10155 фоиз, Арманистонда – 10896 фоиз. Туркманистонда 9750 фоиз. Тожикистонда – 7344 фоизни ташкил этган.

Инфляция кутилган, кутилмаган, кўриниб турган, кўринмаган, сирғанувчан ва тезлаштирилган бўлиши мумкин:

- талаб инфляцияси шаклида – талабнинг таклифдан кўплиги;
- таклиф инфляцияси шаклида – таклифнинг талабга нисбатан камлиги;
- эркин инфляция шаклида – нархлар давлат аралашувисиз кўтарилади;
- бостирилган инфляция шаклида – давлат маъмурий йўллар билан нархлар ўсишини чегаратаб туради.

Инфляция халқаро миқёсда тарқалган вазият. Масалан, 90-йилларда Жаҳон валюта фонди маълумотларига биноан 182 та мамлакатдан 58 тасида ўртacha йиллик инфляция даражаси 28 фоизни, 82 тасида – 10 фоиздан ошикни ташкил этган.

Жаҳонда инфляцияни жиловга солиш мақсадида ҳар хил методлардан фойдаланилмоқда:

- Япониянинг илгариги ривожланнишидаги модели – иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш, иқтисодиётнинг юқори самарадорлиги шароитида инфляцияни паст суръатларда амалга ошириш;
- иттифоқ тарқатилишидан кейинги даврда собиқ иттифоқ республикалар модели – иқтисодиётни паст суръатларда ва паст самарадорликда ривожлантириб, инфляцияни юқори суръатларда амалга ошириш.
- Юқори ривожланган мамлакатлар, шу жумладан, Япониянинг ҳозирги давр модели – иқтисодиётни паст суръатларда. лекин юқори самарадорликда ривожлантириб, инфляцияни паст суръатларда амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси учун энг интилишга сазовор модел бўлиб, биринчи модел ҳисобланиши лозим. Мақсадимиз иқтисодиётни юқори суръатларда ва юқори самарадорликда ривожлантириб, инфляцияни паст суръатларда амалга ошириш.

Инфляция жараёни бозор иқтисодиётини шакллантиришда, ривожлантиришда табиий бўлиб, у ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларга эга.

Инфляциянинг салбий таъсирлари – бу аҳолининг реал даромадларининг камайтирилиши, аҳоли омонатларининг қадрсизланиши, янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда товар ишлаб

чиқарувчилар томонидан зиён кўрилиши, кам таъминланган аҳоли табақалари турмуш даражасининг пасайиши, фуқаролар ва инвесторлар томонидан эртанги кунга ишонмаслик.

Демак, жамиятнинг ривожланишида инфляцияни тартиба солиб туриш объектив заруриятдир. Инфляция даражасини иложи борича пасайтириб, уни меъерий даражада ушлаб туриш лозим.

Инфляцияни пасайтириш ва унинг даражасини тегишли меъёрда ушлаб туриш учун ишлаб чиқариш тегишли суръатларда ривожлантирилиб, у юкори самарага эга бўлиши, самарали инвестицион сиёсат амалга оширилиши, самарали валюта тизимини ташкил этиш лозим.

Инвестиция даражаси ўртacha нархларнинг ўзгариши билан аникланади. Ўзбекистон Республикасида Жаҳон банкининг тавсияларига биноан ўртacha нархларнинг индекслари 1994 йилдан бошлаб илгари 260, кейинчалик 300 товар-маҳсулотлар бўйича 4050 оиласарнинг маълумотларига асосан аникланади. Хорижий мамлакатларда бундай товар-маҳсулотларнинг сони 1500 гача боради.

Демак, инфляция даражаси қўйидаги йўл билан аникланади:

$$\frac{Y_1^n - Y_0^n}{Y_1^n}$$

$Y_1^n$  – жорий даврда товар-маҳсулотларнинг ўртacha нархи;

$Y_0^n$  – ўтган даврда товар-маҳсулотларнинг ўртacha нархи.

Инфляция даражаси бир йилга ёки ойлар бўйича аникланиши мумкин. Инфляция йўналишини тартиба солиш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- реструктив кредит-пул сиёсатини амалга ошириш;
- соликка тортишни прогрессив шакллар ёрдамида даромадларни чегаралаш;
- давлат харажатларини тартиба солиш;
- эркин валюта бозорини татбиқ этиш;
- тасдиқланган валюта курсларидан воз кечиш;
- марказий давлат субсидияларини қисқартириш;
- соликлар бўйича имтиёзларни камайтириш;
- нархлар устидан давлат назоратини пасайтириш.

Республикада макроиктисодиёт баркарорлашиши билан инфляция даражаси тубдан қисқартирилди ва охирги йилларда инфляциянинг йиллик даражаси 7-8 фоизни ташкил қилмоқда.

Шундай қилиб, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижаларидан бир шакли – бу республика макроиктисодиёти молиявий холатининг яхшиланишида ўз ифодасини топган.

Демак, макроиктисодиёт молиявий холатининг яхшиланиши иқтисодиётда олинган фойда йилдан-йилга кўпайиб боришида, рентабеллик даражасини кўтаришда, давлат бюджети таңқислигининг пасайишида, оптималлаштиришда, умуман бартараф қилишда, иқтисодиётда инфляция даражасини пасайтиришда ўз ифодасини топади.

Республиканинг келгуси тараққиётида бу жараён янада жадаллаштирилиши лозим.

## 5.5. Ташки иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши

Юқорида таъкидланганидек, республика иқтисодий ислохотларини амалга оширишда, уларни янада чуқурлаштиришда асосий йўналишлардан бири республика ташки иқтисодий алоқалар тараққиётини таъминлаш бўлган. Шу мақсадда республикада:

– ташки иқтисодий алоқалар ривожланиш йўналишларини аниқловчи хукуқий база барпо этилган – тегишли республика Конунлари, Республика Президентининг Фармонлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

– Республиканинг табиий-ишлаб чиқариш салоҳиятига асосланиб, республика иқтисодиётини бозор муносабатларига мослаш заруриятидан келиб чиқиб, республика ташки иқтисодий алоқалар сиёсати ишлаб чиқилди.

– Ишлаб чиқилган ташки иқтисодий алоқалар сиёсатидан келиб чиқиб, республикада ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган кўп қиррали чора-тадбирлар амалга оширилди ва улар, албатта, ижобий натижалар берди.

Ташки иқтисодий алоқалар тараққиётининг асосий йўналиши бўлиб республика ташки савдо алоқаларини ривожлантириш ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси ташки савдо фабрикити кўрсаткичлари (миллион АҚШ доллари)**

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Ташки савдо айланмаси, ҳаммаси	4456,4	4554,6	5299,4	9311,3	8910,5	6816,9	6212,1	6507,3	5700,4	2669,0	9506,1	11171,4	19077,0	21269,0				
Ш. жумладан-Мустақарлар жавлатлар хамдустлик	2613,9	2630,2	3062,4	2568,5	2776,8	1832,6	2297,8	2258,7	1825,8	3002,6	3403,4	4746,1	7014,5	8006,2				
-бонка моллақатлар	1832,5	1924,4	2237,0	6743,0	6135,7	4984,3	3914,3	4048,6	3876,6	5606,4	6096,7	6425,3	11862,5	13202,8				
Экспорт, моллақатлар	2356,8	2399,6	2689,9	4590,2	4387,5	3528,2	3264,7	3170,4	2988,4	4853,0	5408,8	6389,8	11572,9	11771,3				
ИЖАМЛАДАН-МДХ	1466,9	1466,6	1669,3	1050,6	1508,6	917,1	1172,2	1090,6	823,5	1528,4	1722,6	2685,5	4016,8	3921,3				
-бонка моллақатлар	889,9	933,0	1029,6	3539,6	2878,9	2611,1	2092,5	2079,8	2164,9	3524,6	3686,2	3704,3	7562,1	7850,0				
Импорт, моллақатлар	2119,6	2155,0	2609,5	4721,1	4523,0	3288,7	2947,4	3136,9	2712,0	3816,0	4091,3	4781,6	7504,1	9438,3				
ИЖАМЛАДАН-МДХ	1177,0	1163,6	1402,1	1517,7	1268,2	915,5	1125,6	1168,1	1090,3	1474,2	1680,8	2060,6	3203,7	4084,9				
-бонка моллақатлар	942,0	991,4	1207,4	3205,4	3254,8	2373,2	1821,8	1968,8	1711,7	2341,8	2410,5	2721,0	4300,4	5353,4				
Экспорт-импорт салъоси, ҳаммаси	+217,2	+244,6	-80,4	-136,9	-135,5	+239,5	+317,3	+33,5	+276,4	1631,0	1317,5	1608,2	4068,8	2333,0				
Ш. жумладан-МДХ	+269,9	+303,0	+258,2	-467,1	+240,4	+1,6	+46,6	-77,5	-176,8	+54,2	+41,8	+624,9	807,1	-163,6				
-бонка моллақатлар	-52,7	+58,4	-177,8	-336,2	-375,9	+237,9	+270,7	+111,	459,2	982,8	1275,7	983,3	3261,7	2494,6				

### **5.5.1-жадвал мәсьлумотлари күрсатыпти:**

– Республика ташқи савдо бўйича ҳамма кўрсаткичлар 1992-2009 йилларда ошиб борган.

– 1992-2009 йилларда республика савдо айланмаси 4,8 марта, шу жумладан, республика экспорти – 5,8 марта, импорт – 4,5 марта кўпайди;

– Республика ташқи савдоси МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатлар билан ҳар хил суръатларда олиб борилган.

– МДҲ мамлакатлари билан савдо алоқалар бошқа хорижий мамлакатларга қараганда юқорироқ суръатларда амалга оширилган.

1992-2009 йилларда республика экспортида МДҲ мамлакатларининг улуши 61,9 фоиздан 33,3, импортида 55,5 фоиздан 43,3 фоизга қисқарди ва бошқа хорижий мамлакатларининг улуши ошиб борди.

1992-2009 йилларда ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1996 ва 1997 йиллардан ташқари даврда таъминланди. Шу даврда бу ижобий сальдонинг ҳажми 11,0 марта кўпайган ва 2008 йили унинг ҳажми 4,0, 2009 йили 2,3 млрд. америка долларидан ошиб кетган.

Лекин ташқи савдонинг ижобий сальдоси асосан бошқа хорижий мамлакатлар билан савдо алоқалари ҳисобидан амалга оширилган.

Демак, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш даврида ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши таъминланган ва унинг самараси ошиб борган.

Республикада амалга оширилаётган инвестицияларнинг ҳажми ошиб борган ва шу билан бирга уларнинг таркиби ҳам бозор муносабатларининг талабларидан келиб чиқиб – такомиллашиб бормокда.

Республика ташқи савдо айланмасини, умуман, республика экспорти ва импорти самараси кўтарилганлиги республика экспорти ва импорти таркиби ўзгаришида ўз ифодасини топган.

**5.5.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 1992-2009 йилларда республика экспорти таркиби тубдан ўзгартирилди.**

**Ўзбекистон Республикаси экспортни таркиби (фонизда)**

	1992	1995	1997	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Республика экспортни	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:														
Пакта тонаси	62,8	48,4	36,0	27,3	27,5	22,0	22,4	19,8	18,1	19,1	17,2	12,5	9,2	8,6
Озик-овкаллар	2,6	1,7	3,7	6,4	5,4	3,9	3,5	2,7	3,8	3,8	3,8	8,5	4,4	6,0
Киммә маҳсулотлари,	6,1	2,5	1,7	3,1	2,9	2,7	3,0	3,1	4,7	5,3	5,6	6,8	5,6	5,0
Энергия маҳсулотлари	6,7	1,2	12,0	11,5	10,3	10,2	8,1	9,8	12,4	11,5	13,1	20,2	25,2	34,2
Рангили ва кора металлар	9,2	4,7	4,6	4,3	6,6	7,0	6,4	6,4	8,6	9,2	12,9	11,5	7,0	5,0
Машинна ва асбоб-ускуналар	7,0	2,0	6,3	3,3	3,4	3,9	3,9	5,9	7,4	8,4	10,1	10,4	7,5	2,9
Хизматлар	3,0	7,7	8,2	9,5	13,7	14,6	15,9	14,4	11,8	12,2	12,1	10,7	10,4	8,8
Бошқа маҳсулотлар	2,6	21,3	27,4	34,7	30,2	35,7	36,8	37,9	33,2	30,5	21,1	19,4	30,7	29,5

Республика экспорти таркиби ўзгаришининг энг ижобий томони – бу республика экспорти таркибидан пахта толаси улушининг камайиб боришидир. 1992-2009 йилларда бу улуш 62,8 фоиздан 8,6 фоизга камайди. Демак, республикада етиштирилган пахтани республиканинг ўзида қайта ишлаб, ундан тегишли яримфабрикатлар, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жадаллаштирилмоқда.

Бу борада яна эътиборга сазовор ютуқлардан бири-бу республика экспортида рангли ва қора металлар, машина ва ускуналар улушининг ошиб боришидир. Келгусида бу кўрсаткични янада кўтариш учун республикада ишлаб чиқариш салоҳияти етарлидир.

Ўзбекистон Республикасининг импорти таркиби ҳам такомиллашиб бормоқда.

Республика импорти таркибини такомиллаштиришнинг асосий натижалари куйидагилардир:

Биринчидан, 1991-2009 йилларда республика импортида озиқовқатларнинг улushi 46,4 фоиздан 11,1 фоизга камайтирилди. Юкорида қайд қилинганидек, мустақилликка эришишимиздан олдинги даврда республика импортида озиқ-овқат маҳсулотлари 86 фоизни ташкил этган эди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашёларнинг республикада мавжудлигига кара-масдан, уларнинг асосий қисми четдан келтирилар эди. Мустақиллик даврида амалга оширилган чора-тадбирларга биноан бу муаммо республикада ечишмоқда.

Иккинчидан, республика импортининг асосий қисмини республикага келтирилаётган янги асбоб-ускуналар, янги техника ва янги технологиялар эгалламоқда. Уларнинг республика импортидаги улushi 1991-2009 йилларда 5,2 фоиздан 56,6 фоизга кўтарилди.

### Ўзбекистон Республикаси импортининг таркиби (фотиза)

	1991	1995	1997	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Республика импорти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:														
Озик-овлагат маҳсулотлари	46,4	18,2	19,3	13,1	12,3	10,8	12,5	9,9	9,5	7,0	8,1	7,2	8,1	9,0
Кимё маҳсулотлари ва пластника	5,7	9,3	12,5	11,7	13,6	12,7	15,1	12,8	12,5	13,6	15,0	13,1	13,0	11,1
Энергия маҳсулотлари	13,3	1,9	0,6	2,1	3,8	1,9	1,3	2,7	2,1	2,5	4,3	3,5	2,1	3,5
Корга за рангли металдар	8,8	5,7	7,5	7,9	8,6	10,9	8,0	7,9	10,3	10,4	9,1	7,5	6,8	6,3
Машина ва ускунадар	5,2	47,9	45,9	44,8	35,4	41,2	41,4	44,4	46,0	43,3	40,3	49,6	53,3	56,5
Хизматлар	6,6	5,0	7,5	8,7	8,5	10,3	10,6	10,2	11,1	10,4	9,1	5,8	5,7	4,4
Бошқа маҳсулотлар	14,0	12,0	6,7	11,7	17,8	12,2	11,1	12,1	11,2	12,9	12,8	13,3	11,0	9,2

Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг катта аҳамиятга эга бўлган йўналишларидан бири бўлиб республикага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади.

*5.5.4-жадвал.*

**Ўзбекистон Республикасига чет эл инвестицияларининг жалб қилинishi (млрд. сўм)**

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Асосий капиталга киритилган чет эл инвестицияларини дебети	122,0	369,6	172,4	306,2	479,5	605,8	687,0	748,3	975,7	1772,1	4394,9
Фоиз ҳисобида	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан, мулкник шаклини бўйича:											
Давлат	62,8	35,6	69,1	31,7	40,1	48,4	21,3	23,6	27,3	23,3	9,5
Фукаролар хусусий мулкни	1,2	0,3	3,0	0,1	0,1	0,0	0,3	-	12,9	10,8	-
Хўжалик бирлашмалари	15,0	19,2	10,9	25,7	21,9	14,9	26,4	11,0	28,7	30,8	6,3
Кўшма корхоналар, чет эл фукаролари таъсиюатлари	20,9	43,7	16,9	35,0	33,8	36,3	51,8	65,4	25,3	29,4	84,2
Бошқалар	0,1	1,2	0,1	7,5	4,1	0,5	0,2	0,0	5,8	5,7	-

1999-2009 йилларда асосий капиталга йўналтирилган чет эл инвестициялари 36,0 марта кўпайган. Улардан давлат корхоналарига киритилган инвестицияларининг салмоғи 62,8 фоиздан 9,5 фоизга камайган, фукаролар хусусий мулк обьектларига киритилган инвестициялар салмоғи деярли 10 марта, хўжалик бирлашмалари обьектларига киритилган инвестициялар икки марта кўпайиб, 2009 йили тубдан камайган.

Шу даврда кўшма корхоналар орқали киритилган инвестициялар 4 марта кўпайган.

Кўриниб турибдики, республикага жалб қилинаётган чет эл инвестициялари йилдан-йилга ошиб бормокда. Бунга сабаб хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш учун бутун шарт-

шароитлар барпо этилмокда. Бу республика мустақилликка эришган даврдан бошлаб республикада сиёсий барқарорликнинг, 1996 йилдан бошлаб иқтисодий барқарорликнинг таъминланганини ва чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш максадида хорижий инвесторларга нисбатан имтиёзларнинг кенг миқёсда тасдиқланганинидири.

Бу вазиятни таъкидлаб, Республика Президенти И.А. Каримов айтадиларки: «...юртимизда яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли 2006 йил ҳолатига иқтисодиётимизга жами 20 млрд. АҚШ долларидан зиёд миқдордаги хорижий инвестиция жалб этилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми эса факатгина 2000–2006 йиллар мабайнида 9,3 марта ошиди ва 2,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди».<sup>1</sup>

Маълумки, чет элдан жалб қилинаётган инвестициялар икки шаклда бўлиши мумкин:

1. Давлат кафолати остида жалб қилинган инвестициялар.

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар томонидан республикага йўналтирилган инвестициялар.

Республика учун самарали инвестициялар – бу тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Лекин хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш бу мураккаб жараён бўлиб, уни амалга ошириш учун тегишли мухит, шарт-шароитлар барпо этилиши лозим. Бу республикада – ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорлик, бозор инфратузилмасининг шаксланганини, бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган банк, солик, молия сиёсати. Бу шарт-шароитларни барпо этиш учун кўп вақт талаб этилади. Шу сабабли хорижий инвестицияларни республикага жалб қилиш учун давлат кафолати тизимидан фойдаланишга тўғри келади. Маълумки, давлат кафолати остидаги инвестициялар давлат ташки қарзига таъсир кўрсатади, уни кўпайтиради.

Ўзбекистонга жалб қилинган чет эл инвестициялари илгари асосан давлат кафолати остидаги инвестициялар бўлган, лекин иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 13 февраль.

**Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган чет эл  
инвестициялари таркиби (фоизда)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Хорижий инвестициялар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:										
Давлат кафолати остида жалб қилинган инвестициялар	85,5	83,0	76,8	71,4	59,1	31,5	27,7	16,0	17,0	13,7
Тўғридан-тўғри инвестициялар	14,5	17,0	23,2	28,6	40,9	68,5	72,3	84,0	83,0	86,3

И.А. Каримов республикага хорижий инвестицияларни жалб қилишда тўғридан-тўғри инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш зарурлигини тасдиқлаб 2000 йили шундай деган эдилар: «Бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита ҳукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаётгани бизни қониктирмайди»<sup>1</sup>.

Жадвалда келтирилган мълтумотлардан кўринниб турибдики, Республика Президентининг бу кўрсатмаси эътиборга олиниб, чет эл инвестицияларининг таркиби тубдан ўзгартирилди.

2009 йили республикага жалб қилинган чет эл инвестицияларидан 13,7 фоизи давлат кафолати остидаги, 86,3 фоизи эса – тўғридан-тўғри инвестициялар бўлди ва бу кўрсаткичлар 2000 йили 85,5 ва 14,5 фоизларни ташкил этган эди.

Умуман олганда республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлаштириш даврида республиканинг инвестицион сиёсати тубдан ўзгарди, чет эл инвестицияларини республикага жалб қилиш жадаллаштирилди.

Ташки иқтисодий алоқаларнинг бевосита яна бир йўналиши бўлиб, кўшма корхоналарни ташкил қилиш хисобланади.

Хорижий инвесторлар иштирокида ташкил қилинадиган кўшма корхоналарнинг объектив зарурлиги, самарадорлиги қуйидагилар билан аникланади:

- кўшма корхоналар ташкил қилишда республикага хорижий инвестициялар жалб қилинади;
- ташкил қилинаётган кўшма корхоналар ракобатбардош бўлиши учун уларга янги техника ва янги технологиялар келтирилади;

<sup>1</sup> «Ўзбекистон овози» газетаси 2007, 13 февраль.

– ташкил қилинаётган қўшма корхоналарда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ташкил қилиш учун энг замонавий методлардан фойдаланилади;

– одатда қўшма корхоналарнинг фаолияти ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган бўлади, демак, улар орқали республикага хорижий валюта келади;

– тузиладиган шартномаларга биноан қўшма корхоналар республика иқтисодиёти учун зарур, устувор тармокларда ташкил этилади.

Шу сабабли қўшма корхоналарни ташкил қилиш умуман ва айниқса, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлашириш даврида республика раҳбарияти эътибор марказида бўлиб келмоқда ва бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада бу муаммонинг ечилишини қўйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

### 5.5.6-жадвал.

#### Ўзбекистонда ташкил қилинган қўшма корхоналар фаолиятининиң асосий кўрсаткичлари

	1999	2000	2002	2003	2004	2005	2007	2008	2009
Фаолият кўрсатилган корхоналар	1910	1795	2087	2209	2412	2627	3579	3995	4124,1
Ишлаб чиқаришан маҳсулот, млрд. сўм	266,6	386,7	1044,2	1437,2	1958,4	2523,9	5786,3	9230,0	11928,7
Экспорт, млн. АҚШ доллари	371,5	451,6	443,0	564,4	785,2	823,1	2063,4	2863,2	3264,3
Импорт, млн. АҚШ доллари	1027,8	760,5	704,8	858,4	1165,7	1592,9	3134,6	4426,8	4836,1
Ходимлар сони, минг киши	88,7	91,1	94,0	101,4	112,4	131,3	149,5	156,7	158,0
Кўйима корхоналарнинг улуғи, фонт.									
Республика тапти савдо айланмасида		19,5	20,1	21,9	26,6	25,4	33,1	34,4	38,2
Экспортда		13,8	14,8	14,6	15,8	15,2	22,9	24,9	27,7
Импортда		25,8	25,9	28,9	40,6	41,9	46,6	45,6	51,2

Республикада ташкил этилган қўшма корхоналар сони 4,5 мингдан ошди, лекин улардан 4124 таси фаолият олиб боряпти (2009), қолганлари ташкилий масалаларни ечиш даражасида.

Кўшма корхоналар таркибида 400 га яқини Россия Федерацияси, 350 га яқини АҚШ, 300 га яқини Турция Республикаси, 160 дан кўпини Буюк Британия, 130 дан кўпини Корея, 100 дан кўпини Германия инвесторлари билан биргаликда ташкил этилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иктисадий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида кўшма корхоналар сони 2,1 марта, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 44,7 марта кўпайган.

Кўшма корхоналар фаолиятининг асосий хусусияти шундан иборатки, улар экспорт ва импорт операцияларини кенг микёсда амалга оширмоқдалар. Таҳлил қилинаётган даврда экспорт 8,8 марта, импорт 4,7 марта кўпайган. Кўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий кисми экспорт қилинмоқда ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2000 йили экспорт қилинган маҳсулот умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 37,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2009 йили бу кўрсаткич 39,3 фоизгача кўтарилиди.

Кўшма корхоналарнинг республика ташқи савдо алоқаларидағи ўрни йилдан-йилига ошиб бормоқда. Уларнинг улуши республика савдо айланмасида 2000-2009 йилларда 19,5 фоиздан 38,2 фоизгача, республика экспортида 13,8 фоиздан 27,7 фоизгача, республика импорти 25,8 фоиздан 50,1 фоизгача ошди. Бу тенденция келгусида ҳам давом этиши лозим.

Республикада ташкил қилинган кўшма корхоналарнинг фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда ва бу ўзгаришлар аввалимбор, кўшма корхоналарнинг экспорти ва импортиning таркибий ўзгаришида ўз ифодасини топган.

#### 5.5.7-жадвал.

#### **Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг экспорт таркиби (млн. доллар.)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Экспорт жами	451,6	416,9	443,0	564,4	785,2	823,1	1133,5	2063,4	2863,2	3264,3
Фонз ҳисобида	100	100	100	100,0	100,0	100,0	100,0	100	100	100
Пахта толаси, ҳажми	21,8	10,0	4,4	18,6	18,6	8,4	52,0	71,4	64,1	32,2
Фонз ҳисобида	4,8	2,4	1,0	3,3	2,3	1,0	4,7	3,5	2,2	1,0
Озиқ-овқатлар, ҳажми	33,4	18,4	18,2	27,3	30,6	37,4	45,0	61,9	69,5	103,9
Фонз ҳисобида	7,4	4,4	4,1	4,2	3,9	4,5	4,0	3,0	2,4	3,2
Кимс махсулотлари, ҳажми	6,6	11,0	9,2	13,6	20,4	34,7	16,7	50,9	72,5	100,0

Фонд хисобида	1,5	2,6	2,1	2,3	2,6	4,2	1,5	2,5	2,5	3,0
Энергетика маҳсулотлари, ҳажми	16,6	19,4	12,8	18,6	28,3	29,1	31,2	563,6	1332,6	2176,5
Фонд хисобида	3,7	4,7	2,9	3,3	3,6	3,6	2,8	27,3	46,6	66,7
Қора ва ранг из металл. ҳажми	1,4	0,8	2,3	4,5	5,5	10,0	32,4	33,4	41,8	35,3
Фонд хисобида	0,3	0,2	0,5	0,8	0,7	1,2	2,8	1,6	1,5	1,1
Машина ва ускуналар, милодж	72,1	87,9	73,2	109,5	28,3	356,4	587,7	825,4	789,6	283,9
Фонд хисобида	16,0	21,1	16,5	19,5	28,4	43,3	51,8	40,0	27,6	8,7
Хизматлар, ҳажми	17,7	18,5	16,8	24,8	39,3	40,4	60,7	90,9	123,5	156,6
Фонд хисобида	3,9	4,4	3,8	4,4	5,0	4,9	5,4	4,4	4,3	4,7
Бортика маҳсулот, ҳажми	282,0	250,9	306,1	351,6	420,1	306,7	306,9	365,9	369,6	379,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кўшма корхоналар ҳар хил маҳсулотлар бўйича республика экспортида катнашмоқдалар ва кўшма корхоналарнинг экспорт таркиби йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Бу ўзгаришда энг асосий ижобий натижа шундан иборатки, экспорт таркибида машина ва ускуналарнинг салмоғи 2003-2009 йилларда 16,0 фониздан 2006 йили 51,8 фонизгача кўтарилди, лекин кейинги йилларда қисқартирилди.

Худди шундай ижобий ўзгаришлар кўшма корхоналарнинг импорти таркибий ўзгаришларида ҳам амалга оширилмоқда. Уларнинг импорти таркибида ярмидан кўпини машина ва ускуналар салмоғи ташкил этмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида кўшма корхоналарни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга республикада тегишли эътибор ажратилмоқда ва кўшма корхоналар фаолияти республика ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда асосий омиллардан бирига айланмокда.

Республика ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда республика иқтисодиётининг умуман тараққиёти асосий омил бўлиб, уни амалга оширишда республикада қабул қилинган инвестицион сиёsat катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш даврига нисбатан жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, куйидаги хulosаларга келишимиз мумкин:

– республикада асосий капиталига киритилаётган инвестициялар умуман ва алоҳида манбалари бўйича йилдан-йилга ошиб

бормокда. 2001-2009 йилларда амалга оширилган инвестициялар хажми умуман 10 марта, шу жумладан, марказлашган манбалар бўйича 4 марта, марказлашмаган манбалар бўйича 17 марта кўпайган.

### 5.5.8-жадвал.

#### **Ўзбекистонда асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари**

	2001		2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
	Млрд. сум	%	Млрд. сум							
<b>Жами инвести- циялар</b>	1320,9	100	1526,6	1867,4	2473,2	3012,9	3838,3	5479,7	8483,7	13660,6
<b>Шу жумладан:</b>										
<b>1. Марказ- лашган инвести- циялар</b>	669,5	50,7	594,5	696,5	786,5	705,0	864,5	1099,7	1717,0	2688,5
<b>Ундан:</b>										
<b>Бюджет маблаглари</b>	284,1	21,5	365,0	330,5	368,5	382,6	409,5	492,9	761,8	1019,8
<b>Бюджетдан ташкари фондлар</b>	4,5	0,1	3,8	7,5	59,4	141,6	264,5	334,8	533,6	1068,7
<b>Давлат кафолати остиддати инвести- циялар ва кредитлар</b>	305,8	23,2	225,7	358,5	358,6	181,0	190,5	272,0	421,6	600,0
<b>2. Марказ- лашмаган инвести- циялар</b>	651,4	49,3	932,1	1170,9	1686,7	2300,0	2973,8	4380,0	6766,7	10972,1
<b>Ундан:</b>										
<b>Корхоналар- нинг ўз маблаглари</b>	410,1	31,0	629,2	780,0	1068,4	1461,3	1854,0	2610,0	3741,1	5034,0
<b>Тиқорат банклари- нинг кредитлари</b>	41,4	3,1	49,1	50,4	64,3	93,4	131,8	172,4	425,5	789,6
<b>Тўғридан- тўғри чет эл инвести- циялари ва кредитлари.</b>	63,7	4,8	80,5	132,6	247,0	397,7	539,9	975,7	1772,1	3794,6
<b>Аҳоли манбалари</b>	136,2	10,3	173,3	207,3	307,0	347,6	448,1	621,9	828,0	1333,6

– Шу даврда инвестицияларнинг алоҳида манбаларининг роли ўзгарган. Масалан, кўрилаётган даврда марказлашган манбаларнинг

улуши 50,7 фоиздан 19,7 фоизгача камайган, марказлашмаган манбаларнинг улуши 49,3 фоиздан 80,3 фоизга кўтарилиган. Бу ўзгариш бозор муносабатларига таалкукли вазият. Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида мамлакат иқтисодиётида давлат секторининг улуши камайиб боради, давлат корхона ва ташкилотлари ҳам тижоратлаштирилиб, уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлаш камайиб боради.

– Ўз навбатида марказлашган ва марказлашмаган инвестиция манбаларининг таркиби ҳам такомиллашиб боради. Кўриниб турибдики, марказлашган инвестиция манбалари таркибida давлат бюджети маблағларининг улуши, давлат кафолати остидаги инвестициялар ва кредитлар улуши камайиб, бюджетдан ташқари фондларнинг улуши кўтарилиган. Шу билан бирга марказлашмаган инвестиция манбаларининг улуши ошиб бориб, бу ошиб бориш марказлашмаган инвестиция манбаларининг ҳаммасининг улуши кўтарилиши – яъни корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан, тижорат банкларининг кредитлари ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси ҳисобидан амалга оширилган. Келгусида ҳам бу тенденция давом эттирилиб, айниқса тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини кучайтириш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Шундай қилиб, республика мустақиллиги даврида республика ташқи иқтисодий алоқалари – хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналарни ривожлантириш, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, республика экспорти ва импорти таркибини такомиллаштириш борасида тегишли ижобий натижаларни қўлга киритди ва бу алоқалар келгусида ҳам юқори суръатларда амалга оширилиши лозим.

## **5.6. Республика аҳолиси турмуш даражасининг муҳофаза қилиниши**

Маълумки, бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият иқтисодий инқирозга учрайди, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида табиий равишда кийинчиликлар пайдо бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг оркага кетиши, корхона, ташкилотлар молиявий ҳолатининг оғирлашиши муносабати билан республика аҳолиси турмуш даражаси барқарорлигини сақлаб қолиш, унинг даражасини кўтариш учун жамиятнинг, давлатнинг

молиявий имкониятлари камаяди. Бу вазиятда, агарда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмаса, бозор муносабатларининг салбий таъсири остида ахолининг турмуш даражаси хаддан ташкари пасайиб кетиши мумкин.

Республика аҳолисининг турмуш даражасини ўтиш даврининг қийинчиликларидан саклаб қолиш мақсадида республикада, авваламбор, бу жараённинг ҳуқукий базаси яратилди. Шу мақсадда фуқароларни пенсия билан таъминлаш, истеъмолчилар ҳуқукини ҳимоя қилиш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни саклаш, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш, фуқаролар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, давлат уй-жой сиёсати асослари, таълим, ахолининг бандлиги, бюджет тизими, фуқароларнинг жамғармаларини кафолатлаш тўғрисида Республика Қонунлари қабул қилинди ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш учун Республика Президентининг тегишли Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинди, улар амалга оширилди.

Бунга сабаб – бозор муносабатларига ўтиш борасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири – бу бозор муносабатларининг салбий таъсирларидан республика аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида республикада комплекс рашидда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш қабул қилинган эди.

Ҳақиқатан ҳам республикада кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда ва натижада республика аҳолиси турмуш даражаси муҳофаза қилинмоқда. Буни қуйидагилар билан исботлашимиз мумкин.

#### 5.6.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:

– ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан республика аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ахолининг йиллик ўсиш суръатлари 1,5-1,2 фоизни ташкил этмоқда. 1995-2009 йилларида республика аҳолиси 21,7 фоизга кўпайди.

– республика аҳолисининг таркиби ўзгариб, республика ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун объектив негизни барпо этмоқда. Масалан республика аҳолиси таркибидаги меҳнатга лаёқатли ахолининг салмоғи 1995 йили 49,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йил бу кўрсаткич 60,5 фоизга кўтарилди.

*5.6.1-жадъсан.*

**Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасининг умумий кўрсаткичларни**

	1995	1996	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2005	2006	2007	2008	2009
Аҳоли сони, минг кинн	23001.6	23443.7	24230.6	24582.8	24908.2	25210.8	25523.0	25802.0	26312.7	26663.8	27072.2	27533.4	28001.4
Иктисолётла банд бўлан аҳоли минг кинн	8449,2	8561,0	8800,0	8895,0	8983,0	9136,0	9333,0	9589,0	10196,3	10367,0	10735,4	11035,7	11328,1
Утарини донмий аҳолизаги саломон %	36,7	36,6	36,3	36,0	35,9	36,2	36,6	37,2	38,8	38,9	39,6	40,1	40,7
Аҳоли тўл заромаллари, милил сўм	145,6	319,6	935,2	1505,3	2327,4	3605,6	5196,7	6490,4	9728,6	12845,9	15250,0	18615,0	31212,6
Хар бир киннга, минг сўм	6,3	13,6	38,6	61,2	93,5	143,1	203,8	251,6	369,7	481,8	586,5	687,6	1124,1
Фойдаланчшага топширилган уй-жой маидони, мин. м <sup>2</sup>	5,0	6,1	9,0	7,8	8,0	7,1	7,6	6,8	6,1	6,5	7,0	7,2	7,3
Донмий аҳолининг ўслини суръати %	101,9	101,9	101,5	101,5	101,3	101,2	101,1	101,1	101,3	101,5	101,7	101,7	101,7
Иктисолётла банд аҳолининг ўслини суръати %	100,8	101,3	101,4	101,0	101,1	101,7	102,2	102,7	102,9	102,7	102,6	102,8	118,7

Ахоли түзүлдөрмөлдөрдүн түзүлүштөрдөрдүн сурьзаты %	3,3 р.	2,2 р.	148,4	161,0	157,9	151,7	144,1	124,9	125,0	132,0	130,2	130,0	136,3
Мехнатта лаекаты ахоли, мянг кийин	11357,3	11656,4	12359,5	12740,1	13142,9	13564,8	13991,3	14436,5	15241,4	15663,9	16101,9	15458,7	16951,6
Учынгы докмий ахолдатын саломоти, %	49,4	49,7	51,0	51,8	52,8	54,2	54,8	55,9	54,2	54,8	59,5	56,1	60,5
Үчүмий бардак %	74,4	73,4	71,2	69,7	68,3	66,9	66,7	66,4	70,5	70,6	65,1	66,7	66,8
Ахоли менен табииттүү күтпүйшил жөнүл кийин	532,6	490,0	413,2	414,3	392,0	380,4	395,5	372,5	392,9	416,3	471,5	507,3	517,7
1000 ахолига насыбатын %													
Түркістантар	29,8	27,3	23,0	22,3	21,3	20,4	21,0	19,8	20,3	20,9	22,6	23,6	23,4
Вадиг эттантар	6,4	6,2	5,8	5,3	5,5	5,3	5,4	5,3	5,4	5,3	5,1	5,0	4,8
Табиит үстүшүшүнүүлүштөрдөрдүн сурьзаты %	23,6	21,1	17,2	17,0	15,8	15,1	15,6	14,5	14,9	15,6	17,5	18,6	18,6
Расмий шешендер, мини-кишит	25,4	27,5	33,3	39,1	35,4	37,5	34,8	32,2	27,7	25,5	23,2	16,9	17,5
Улардан нафака олуктар	12,5	13,8	20,6	21,8	20,2	21,2	19,3	17,9	15,7	13,8	11,4	6,6	6,5
Иктисолиёттээ шеше жойлаштырылган жөнүл кийин	153,4	178,8	207,9	246,4	280,6	318,1	322,2	317,4	325,1	320,7	486,5	546,6	566,3

– Республика иқтисодиёти тегишли меҳнат ресурслари билан таъминланмоқда. 1995-2009 йилларда республика аҳолиси 21,7 фоизга ёки 4999 минг кишига кўпайган бўлса, республика меҳнат ресурслари 5596 минг кишига кўпайган. Республика иқтисодиётида банд аҳолининг салмоғи аҳолининг умумий таркибида 1995 йили 36,7 фоиздан 2009 йили 40,4 фоизга кўтарилди.

– Республика аҳолисининг умумий таркибидаги меҳнат билан банд бўлган аҳоли салмоғининг ошишига қарамасдан республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий бандлик даражаси пасайиш тенденциясига эга. Шу сабабли охирги йилларда республика раҳбарияти республика аҳолиси бандлигини кўтаришга кенг миқёсда эътибор бермоқда. Шу мақсадда 2008 йили 915 минг, 2009 йили 940 минг янги иш жойлари ташкил этилди. 2010 йили бу кўрсаткич 950 мингни ташкил этиши керак.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири – бу аҳоли пул даромадлари ва уларнинг таркибий ўзгаришидир. Бу ҳолатни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

5.6.2-жадвалда келтирилган маълумотларига асосланган ҳолда қўйидаги хуносаларга келишиниз мумкин:

Биринчидан, аҳоли даромадлари йилдан-йилга кўпайиб бориб, 1995-2009 йилларда 214,4 маротаба кўпайган. Ҳар бир кишига нисбатан шу даврда пул даромадлари 93,6 маротаба кўпайган. Маълумки, пул даромадлардан ташқари республика аҳолиси натура шаклдаги даромадлар билан ҳам таъминланган, улар ҳам йилдан-йилга ошиб борган.

Иккинчидан, таҳлил қилинаётган даврда пул даромадларининг алоҳида шакллари ҳам кўпайиб борган ва пул даромадлари таркиби бозор муносабатларининг талабларига биноан ўзгариб борган. 1995-2009 йилларда меҳнатга ҳак тўлов 169,1 маротаба кўпайиб, уларнинг пул даромадлари таркиbidагi салмоғи 46,8 фоиздан 36,9 фоизгача камайган, ижтимоий трансферлар – 192,5 маротаба кўпайиб, уларнинг салмоғи 17,9 фоиздан 16,0 фоизгача камайган ва мол-мулк, тадбиркорликдан олинган пул даромадлари – 285,5 маротаба кўпайиб, уларнинг салмоғи 35,3 фоиздан 47,0 фоизгача кўтарилган.

Учинчидан, аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири аҳолининг банклардаги жамғармаси шу даврда 77,0 маротаба кўпайган.

**Ўзбекистон ахолиси пул даромадлари ва уларниң таржий ўзгариши**

	1995	1996	1998	1999	2001	2002	2004	2005	2007	2008	2009
Пул даромадларин мурд-сүм	145,6	319,6	935,2	1505,3	3605,6	5196,7	7781,6	9728,6	16872,7	22894,1	31212,6
Хар бир кишига бир ойда, сўм	525	1333	3216	5100	11925	16983	24841	30808	52382,2	69880,0	93673,0
Хар бир кишига физиқчисобида даромадлар тартиби:											
Механика ҳак тўлано:	68,2	139,5	317,2	481,7	987,6	1358,9	2100,2	2733,7	5360,7	8882,5	11532,1
Фонз хисобида	46,8	43,7	33,9	32,0	27,4	26,1	27,0	28,1	31,8	38,8	37,0
Иккитиной трансферлар:	26,0	58,2	132,5	207,1	441,9	639,2	1059,0	1507,9	2666,2	3645,5	5006,6
Фонз хисобида	17,9	18,2	14,2	15,8	12,2	12,3	13,6	15,5	15,8	15,9	16,0
Молчукт, тадбиркорлик даромадлари ва бошқалар:	51,4	121,9	485,5	816,5	2176,1	3198,6	4622,4	5486,9	8843,8	10366,8	14673,9
Фонз хисобида	35,3	38,1	51,9	54,2	60,4	61,6	59,4	56,4	52,4	45,3	47,0
Банкгардаги ахоли жамгармалари, м.н. сўм	5900,0	6960,7	11281,0	16244,4	64706,7	273304	313445	402150			
Нафака ўрлар сони, минг киши	2773,1	2859,1	2971,7	3034,5	3203,8	3256,7	3224,8	3220,0	3286,3	3327,6	3314,7
Ўргача ойлик нафака, сўм	780	1472	2992	4876	10909	14428	22100	31710,5	67257,5	102084,0	136597,0
Узумчан нафака ойчилизар, минг киши	291,8	303,6	317,5	330,5	350,3	360,9	373,5	395,0	447,5	245,8	243,9
Ижтимоний нафакаларниң ўртаси миждори, сўм	555,5	994,0	1938,2	3132,4	6437,0	8546,0	12402,6	17909,2	35696,8	53810,8	72441,6

Тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг йўналишларидан бири бу республика аҳолисини нафака билан таъминлашдан иборат. Республикада 1995-2009 йилларда нафака-хўрлар сони 19 фойзга кўпайган, ўртача ойлик нафака 175,0 марта, умуман нафақаларнинг ўртача ойлик миқдори 130,0 марта кўпайган.

Республика аҳолисининг турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб уй-жой шароитларини яхшилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳисобланади.

5.6.3-жадвалда кўриниб турибдики, ўтиш давринг қийинчиликларига қарамасдан республика мустақиллиги даврида республикада уй-жой курилиши тўхтатилмасдан, камайтирилмасдан доимо ривожлантириб борилди.

1995-2009 йилларда республикада кенг миқёсда уй-жой майдонлари қурилиб эксплуатацияга топширилди. Ҳар-бир кишига нисбатан уй-жой майдони  $12,9 \text{ м}^2$ дан  $15,0 \text{ м}^2$ га кўтарилиди.

Уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси водопровод бўйича 42,0 фойздан 58,0 фойзгacha, канализация бўйича 23,9 фойздан 32,0 фойзга, марказий иситиш бўйича 25,3 фойздан 41,0 фойзгacha кўтарилиди. Бу кўрсаткичлар ҳам шаҳар, ҳам кишлоқ жойларда кўтарилиш тенденциясига эга.

Республикада корхона, ташкилотларни, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш уй-жой соҳасида ҳам амалга оширилди ва натижада республика фукаролари хусусий уй-жой мулкига эга бўлдилар.

1995-2008 йилларда деярли бутун уй-жой фонди давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди. Бундай уй-жой фонди 80562 уй-жойларни ташкил этди.

Республикада кабул қилинган давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш сиёсатига биноан уй-жой фондини хусусийлаштириш икки йўналишда амалга оширилди:

Биринчидан, хусусийлаштирилаётган давлат уй-жой фонди аҳолига сотилди. Лекин уй-жойга олинадиган тўловлар ҳакиқатан ҳам паст ставкаларда амалга оширилди. Аҳоли томонидан бу жараён ҳеч қандай қийинчиликлариз амалга оширилди.

5.6.3-Жадеан.

Ўзбекистон ахолини ўй-жай шароити кўрсаткичлари

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Республика Уй-жой фонды, млнг м <sup>2</sup>	291,8	303,6	309,5	317,5	330,3	339,9	350,3	360,2	365,7	373,5	379,3	386,9	393,3	405222,7	412722,1
Бир киши хисобига м <sup>2</sup>	12,9	13,1	13,1	13,3	13,6	13,8	14,0	14,3	14,4	14,5	14,6	14,6	14,6	14,8	14,9
Шахар уй-жой фонди минг м <sup>2</sup>	122,4	123,1	124,6	128,2	131,4	134,1	136,0	140,1	139,8	142,1	142,9	146,0	147,2	153024,3	215719,3
Бир киши хисобига м <sup>2</sup>	14,0	14,0	14,2	14,4	14,6	14,7	15,0	14,9	15,1	15,1	15,3	15,3	14,8	15,0	
Кундулук уй-жой фонди минг м <sup>2</sup>	196,4	180,5	184,9	189,3	198,9	205,8	214,3	220,8	225,9	231,4	236,4	240,9	246,1	252198,4	197002,8
Бир киши хисобига м <sup>2</sup>	12,1	12,6	12,6	12,7	13,1	13,3	13,6	13,8	14,0	14,1	14,2	14,2	14,3	14,9	14,7
Уй-жой фонди ободонлаштирил. фониз хисобига:															
водопровод	42,0	42,4	51,9	51,5	52,0	55,0	55,1	57,8	68,5	59,1	61,4	61,9	62,8	81,8	88,0
канализация	23,9	2,5	27,7	27,9	27,4	27,9	27,3	27,7	28,4	29,0	31,0	31,3	31,5	27,0	32,0
Марказий иситиш	25,3	25,0	24,2	29,5	31,9	33,5	30,2	27,8	36,7	37,0	37,4	37,9	38,4	36,5	41,0
Габиний газ	82,0	68,1	69,0	71,8	74,2	73,5	74,3	78,3	79,1	79,4	80,1	80,7	82,8	82,0	
Шахар уй-жой фонди минг м <sup>2</sup>															
водопровод	69,5	73,4	75,5	76,9	77,9	79,8	81,2	81,1	82,9	81,8	84,2	83,9	84,5	83,4	82,0
канализация	53,4	55,3	53,9	53,1	55,6	55,8	56,2	56,3	59,8	59,1	60,0	60,6	61,0	56,7	58,0
Марказий иситиш	62,9	59,8	58,3	60,5	64,0	68,2	62,4	61,8	63,7	64,7	65,3	65,3	65,6	61,4	67,0
Габиний газ	90,4	83,9	88,7	87,8	88,1	90,3	91,1	90,8	90,7	91,0	91,2	91,4	92,2	87,2	88,0
Кундулук уй-жой фонди минг м <sup>2</sup>															
водопровод	25,5	23,9	36,8	36,9	37,2	40,6	40,4	44,7	47,0	41,5	44,1	45,1	46,3	50,6	52,0
канализация	5,1	3,0	12,4	12,8	11,2	11,7	11,0	11,6	10,6	8,6	8,7	9,0	9,1	9,0	10,0
Марказий иситиш	2,8	4,3	4,2	11,0	19,5	15,0	12,1	15,4	19,2	15,6	16,1	17,0	17,7	18,4	19,9
Габиний газ	78,6	58,6	57,5	59,2	62,5	64,8	63,7	64,4	63,7	69,9	70,4	71,4	72,0	73,8	74,0

Иккинчидан, давлат уй-жой фондининг бир қисми республика аҳолисига бепул хусусийлаштирилиб, улар аҳолига хусусий мулкка айлантириб берилди.

1995-2008 йилларда республикада хусусийлаштирилган 80562 уй-жойлардан 22560 уй-жойлар республика аҳолисига бепул берилди.

5.6.4-жадвалда келтирилган маълумотларидан кўриниб турибдики, 1995-2008 йилларда хусусийлаштирилган уй-жой фондидан сони бўйича 25,2 фоизи, майдони бўйича 26,6 фоизи республика аҳолисига бепул берилди.

Республикада аҳоли турмуш даражасини муҳофаза килишни таъминлаган яна бир йўналишлардан бири бўлиб республика қишлоқ жойларда томорқа – деҳкон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобланади.

Юқорида таҳлил этилганидек, бу борада республикада юкори баҳога сазовор чора-тадбирлар амалга оширилди.

1990 йили республикада томорқалар учун ажратиб берилган ерлар ҳаммаси бўлиб 200 минг гектарни, яъни республика суғориладиган умумий ер майдонларининг 5 фоизини ташкил этган эди.

Республикада томорқа хўжаликларини тубдан ривожлантириш объектив зарурятлигини тушунган ҳолда бу муаммо республикада унинг мустақилликка етишмасдан олдинги даврдан бошлаб кун тартибига кўйилди ва амалга оширилди.

1989 йилдан бошлаб мустақилликка етишилган кунгача республикада бевосита қабул қилинган карорларга биноан томорқа хўжаликларини ривожлантириш учун 360 минг гектар мустақилликка етишилгандан кейин яна 140 минг гектар ерлар ажратилди ва бўлиб берилди.

Демак, уч йил мобайнида кўшумча 500 минг гектар ерлар ажратилди ва томорқаларни ривожлантириш учун бўлиб берилди.

Натижада янгидан 600 минг томорқа хўжаликлири ташкил этилди. Томорқаларнинг ўртача майдони 8 сотикдан 25 сотиккача кенгайтирилди, қишлоқ аҳолисидан 9 млн. киши турмуш даражаси кўтарилиди.

5.6.4-жадсан.

**Ўзбекистон аҳолиси томонидан хусусийлаптирилган уй-жойлар**

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Хусусийлаптирилган уй-жойлар сони, бирлик, минг	14990	16038	9162	9025	9948	5926	4584	3220	3331	1498	4861	1590	1700	1200	900
Улардан аҳолига бетуғ берилган:															
сони	3436	3019	2332	3232	2614	1242	1019	1276	961	429	2519	549	500	200	100
фонд	23,0	18,8	15,5	35,8	26,3	21,0	22,2	39,6	28,9	28,6	51,8	34,5	27,8	17,4	10,1
Хусусийлаптирилган уй-жойлар майдони															
минг м <sup>2</sup>	842,3	913,8	529,4	487,0	665,2	384,4	218,9	249,0	219,4	81,4	80,1	79,0	78,2	59,3	45,7
Улардан аҳолига бетуғ берилган:															
минг м <sup>2</sup>	217,7	179,7	141,2	201,2	170,1	81,9	56,0	75,3	67,6	25,9	24,1	22,0	23,4	8,5	5,6
фонд	25,8	19,7	26,7	41,3	25,6	21,3	25,6	30,2	30,8	31,8	30,0	27,9	29,9	14,3	12,4

Республика аҳолисининг турмуш даражаси республикада таълим кўрсаткичларида ҳам ўз ифодасини топади. Бу борада ҳам ўтиш даврнинг қийинчиликларига қарамасдан республикада таълим соҳаси мустақиллик даврида доимо ривожланиб борди (5.6.5-жадвал).

#### 5.6.5-жадвал.

#### Ўзбекистон халқ таълимни тизимишинг ривожланиши

Йиллар	1998-1999	1999-2000	2000-2001	2001-2002	2002-2003	2003-2004	2004-2005	2005-2006	2006-2007	2007-2008	2008-2009
Доимий кшлийдиган мактабгача тарбия муассасалар	6911	6742	6704	6805	6899	6746	6603	6495	6413	6370	6318
Умумтаълим мактаблар	9860	9849	9802	9788	9799	9834	9835	9826	9816	9792	9792
Академик лицейлар	15	30	46	47	51	54	65	77	99	119	128
Касб-хунар коллежлар	20	120	241	303	414	533	827	878	953	1073	1206
Хунар- техника билим юргизлари	448	374	316	274	227	159	-	-	-	-	-
Ўрта маҳсус билим юргизлари	250	224	194	181	141	95	-	-	-	-	-
Олий ўкув юргизлари	60	61	61	61	61	62	63	62	62	62	62

1990-2008 йилларда умумтаълим мактабларининг сони 8500 дан 9792 гача кўпайди, олий ўкув юргизлари сони 52 дан 62 гача кўпайди, 1998-2009 йилларда академик лицейлар сони 15 дан 128 гача, касб-хунар коллажлари сони 20 дан 1206 гача кўпайди.

#### 5.6.6-жадвал маълумотларидан кўрининиб турибдик:

– республикада таълим соҳаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

– Республикада умуман таълим олувчилар сони 1995-2009 йилларда 6170 мингдан 7214,0 мингга кўлайган. Шу жумладан, олий ўкув юргизлари студентлари сони 192 мингдан 286 мингча кўлайган.

– Республика таълим соҳасида бозор муносабатлари билан боғлиқ ўкув юргизлар ташкил этилди. Бу академик лицейлар, уларда таълим олувчилар 1998-2009 йилларда 1,8 мингдан 106,3 мингга кўлайган, касб-хунар коллажлари ўкувчиларининг сони шу даврда 3,8 мингдан 1404,5 мингга етган.

5.6-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида таълим турлари бўйича ўкувчилар сони (минг кинни)**

	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Жами таълим олгандар	6170,8	6316,0	6473,2	6703,1	6833,4	7075,0	7154,2	7463,0	7529,0	7515,5	7457,0	7416,9	7214,0		
Шу жумладан:															
Умумтаълим мактабларидан	5145,2	5293,5	5496,4	5686,0	5820,9	6037,4	6076,4	6329,1	6263,1	6151,4	5961,3	5715,1	5394,1	5141,1	4909,1
Академик тизайтар	-	-	-	1,8	7,3	9,8	17,5	20,5	26,2	30,5	37,5	53,1	75,6	93,9	106,3
Касб-хунар коллежларидан	-	-	-	3,8	30,9	59,5	216,8	366,9	531,6	757,6	853,3	1021,9	1119,7	1286,6	1404,5
Хунар-техника бузиги юртларидан	221,5	219,9	227,4	236,9	231,8	208,5	105,0	63,7	4,4	6,1	-	-	-	-	-
Урта-махсус бузиги	194,8	197,2	224,8	249,1	266,8	254,8	211,9	158,2	126,2	-	-	-	-	-	-
Олий ўқув юртларидан	192,1	165,6	158,2	158,7	166,5	183,6	207,2	292,3	254,4	263,6	278,7	286,5	296,6	297,9	286,2
Янги касб-хунарга ўчитантар ва ўз маддасини оширганчар, бошқа таълим турлари бўланганлар	417,2	439,7	366,4	366,8	308,2	321,4	319,4	297,0	323,1	306,5	326,4	340,5	328,0	327,5	326,3

Республика таълим соҳасини ривожлантириш келгусида ҳам республика аҳолиси турмуш даражасини ифодаловчи омиллардан бири бўлиб колаверади. демак бу соҳа таракқиётини таъминлаш республика учун келгусида ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб колаверади.

Республика аҳолисининг турмуш даражасини ифодалайдиган омиллардан, йўналишлардан бири – бу соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдир. Бу масала ҳам мустакиллик даврида республика раҳбариятининг эътибор марказида бўлиб келди.

#### 5.6.7-жадвал.

#### **Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблаглар (млрд. сўм)**

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Бюджет маблаглари	41,7	59,7	81,9	125,6	180,6	234,2	277,4	361,9
Пуллик хизматлар	1,7	2,5	4,4	8,1	12,3	16,9	27,1	34,7
Ҳомийлик ёрдами	0,1	1,1	1,2	2,5	1,6	3,0	2,4	2,2
Стационарда пуллик овқат	0,6	0,8	0,7	0,9	1,2	1,57	1,3	1,7
Жами:	43,9	63,8	87,4	134,7	195,73	256,3	308,1	393,3
Бюджетдац тагиқари маблаг	5	6,4	6,3	6,7	7,7	8,6	10,0	8,6

1998-2005 йилларда давлат бюджети ҳисобидан соғлиқни сақлашга йўналтирилган маблаглар 41,7 млрд. сўмдан 361,9 млрд. сўмга, яъни 8,8 марта кўпайтирилди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан бу борада пуллик хизматлар кўрсатиш ҳам 1,7 млрд. сўмдан 34,7 млрд. сўмга ортди.

Республика аҳолиси сиҳат-саломатлигини кўтариш мақсадида ҳалқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар ва республика тадбиркорлари томонидан ажратилаётган маблағлар 2,5 марта кўпайди.

Умуман 1998-2005 йилларда республика соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга сарф қилинган маблағлар 9,0 марта ошди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига кўрсатилаётган пуллик хизматлар ҳам давлат, ҳам хусусий соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга оширилмоқда.

5.6.8-жадвал.

### Соғлиқни саклаш муассасаларида кўреатилаётган пуллик хизматлар

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Пуллик хизматлар- нинг умумий ҳажми (млн.сўм)	3619,0	5552,0	12349,0	16905,0	27088,0	34658,2	56734,7	75536,2	112526,0
Шу жумладан (%)									
а) давлат секторида	63,9	65,4	51,1	49,5	41,0	41,5	40,9	43,6	41,1
б) нодавлат секторида	36,1	34,6	48,9	50,5	59,0	58,5	59,1	56,4	58,9

2000-2008 йилларда соғлиқни саклаш соҳасида амалга оширилаётган пуллик хизматлар 3,6 млрд. сўмдан 112,6 млрд. сўмга, яъни 31,0 марта кўпайди. Бозор муносабатларидан келиб чиқиб, ўтган даврда давлат соғлиқни саклаш муассасаларида кўреатилаётган пуллик хизматлар салмоғи 63,9 фоиздан 41,1 фоизгача қисқартирилди, нодавлат соғлиқни саклаш муассасаларида кўреатилаётган пуллик хизматлар салмоғи 36,1 фоиздан 58,9 фоизга кўтарилди.

Демак, республикада давлатга тегишли соғлиқни саклаш муассасалари билан бирга нодавлат соғлиқни саклаш муассасалари ҳам керакли даражада ривожлантирилмокда.

5.6.9-жадвал.

### Ўзбекистонда хусусий соғлиқни саклаш муассасаларининг ривожланиши

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
1.Хусусий касаҳона- лар сони	89	96	113	136	141	144	173	196	237	280
2.Улардаги ўринилар сони (минг)	2,1	2,2	2,5	2,8	3,0	2,6	4,1	4,4	4,2	4,7
3.Амбула- тория- поликлини- калар сони	145	1089	1159	1188	1220	1142	1107	1360	1422	1513
4.Улардаги катноялар сони (минг)	1997,9	1719,1	1898,2	1982,2	1919,7	1017,0	1272,4	1310,4	1489,4	1606,9

Кўриниб турибдики, соғлиқни саклаш соҳасида ҳам бозор муносабатлари ривожланиб бормокда, республикада кўп укладли соғлиқни саклаш сектори шаклланмокда.

2000-2009 йилларда хусусий касалхоналар сони 3,1 марта, хусусий амбулатория-поликлиникалар сони 10,4 марта күпайған.

Маълумки, республикада республика аҳолисини согломлаштиришда касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасаларининг ривожланиши ўртасидаги нисбат такомиллашиб бормоқда. Амбулатория-поликлиника муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар касалхона муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматларга нисбатан юқори суръатларда амалга оширилмоқда. Бу холатни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

#### 5.6.10-жадвал.

##### **Давлат бюджетининг соглиқни саклашта йўналтирилган харажатлари таркиби (фоиз)**

	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Стационар ёрдам	72,0	68,4	46,4	45,7	46,8	46,0	45,3	43,6
Амбулатория-поликлиника ёрдами	20,3	23,7	42,8	44,8	43,7	43,2	44,2	45,3
Профилактика иши	4,2	4,8	4,9	4,9	5,0	4,9	4,9	5,1
Эпидемия иши	0,6	0,7	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,5
Бошқа харажатлар	2,9	2,4	5,5	4,2	4,1	5,5	5,2	5,5

Кўриниб турибди. 1998-2005 йилларда касалхоналарда аҳолига кўрсатиладиган стационар ёрдам салмоги амалга оширилган харажатлар ҳажми бўйича 72,0 фоиздан 43,6 фоизга қисқартирилган, амбулатория-поликлиника ёрдами эса 20,3 фоиздан 45,3 фоизга, яъни 2,2 марта кўпайтирилди.

Демак, республикада кўп укладли соғлиқни саклаш тизими шакллантирилмоқда. Мустақиллик даврида 1075-соғлиқни саклаш давлат муассасалари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди.

Шу жумладан:

- қишлоқ- участка касалхоналари – 31 та;
- қишлоқ тиббиёт амбулаториялари – 39 та;
- фельдшер-акушерлик пунктлари – 146 та;
- ҳўжалик ҳисобидаги поликлиникалар, уларнинг бўлимлари – 84 та;
- стоматология поликлиникалари – 439 та;
- физико-терапия соғломлаштириш муассасалари – 30 та;

- бўш ётган соғлиқни саклаш бинолари – 207 та;
- болалар сут ошхоналари – 55 та.

Республикада амалга оширилаётган соғлиқни саклаш соҳасидаги чора-тадбирлар ва улар сифатини яхшилаш натижасида республика аҳолиси соғломлаштирилмоқда.

*5.6. II-жадвал.*

### **Ўзбекистон аҳолисини согломлаштириш кўрсаткичлари**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Аҳолининг умумий ўлим коэффициенти (1000 кишига нисбатан)	5,5	5,5	5,4	5,3	5,0	5,4	5,3	5,1	5,1	4,8
Гўдакларнинг ўлим коэффициенти (1000 болага нисбатан)	20,2	19,2	18,4	16,4	15,2	14,9	14,5	13,6	12,5	11,7
Оналар ўлими коэффициенти (1000 оналарга нисбатан)	38,8	41,9	26,6	25,0	22,9	29,2	24,8	23,5	22,4	30,4
Ўртача яшаш муддати	70,8	71,3	71,2	71,6	72,5	71,8	72,5	72,7	72,9	72,9

Жадвалда келтирилган кўрсаткичлар – аҳолининг умумий ўлим коэффициенти, бир ёшгача ва беш ёшгача бўлган гўдакларнинг ўлим коэффициенти ва оналарнинг ўлим коэффициенти камайиб, ўртача яшаш муддати йилдан-йилга ошиб бормоқда ва бу кўрсаткичлар республика аҳолисининг соғломлаштирилишини ҳар томонлама ва яққол ифодалайди.

Республикада иқтисодий ислохотларни амалга ошириш даврида республика соғлиқни саклаш соҳаси ривожланишининг натижалари куйидагилардан иборат:

Мустакиллик даврида ўтиш шароитининг қийинчиликларига қарамасдан республикада соғлиқни саклаш соҳаси ривожланиши давом этди. Эски тиббий муассасалар реконструкция қилинди, янгилари қурилди, фойдаланишга топширилди, тиббий ходимларнинг сони ўсиб борди.

**Республика соглиқни сақлаш соҳасининг  
ривожланиши кўрсаткичлари**

	1991	1995	1997	1999	2001	2005	2006	2007	2008	2009
Олий ўкув юртларини битиргандар (юни)	3262	4807	4989	3080	2139	2949	3145	3464	3814	3707
Ўрта маҳсус ўкув юртларини битиргандар	20703	21569	18240	19830	21673	36819	37650	44752	48282	51124
Жами шифокорлар (минг кешни)	75,0	76,2	81,6	81,2	81,4	76,5	75,8	76,9	77,1	80,4
Улар 10000 аҳолига (кешни)	35,5	32,6	34,3	33,2	32,4	29,1	28,4	28,4	28,0	28,7
Жами ўрта тиббий ходимлар (минг. кишин)	242,2	249,6	256,4	256,9	263,1	271,0	274,4	280,3	287,3	301,6
Улар 10000 аҳолига (кишин)	114,7	108,3	107,9	104,9	104,7	103,0	102,9	103,5	104,3	107,7
Касалхона мусассасалар сони	1388	1357	1230	1178	1159	1149	1150	1133	1086	1132
Касалхоналардаги ўринотар сони (минг)	258,8	177,8	155,3	138,1	140,1	142,4	143,6	138,8	137,5	139,6
Улар 10000 аҳолига	125,5	79,0	65,3	56,4	55,8	54,1	53,9	51,3	49,9	49,8
Аҳолига амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатувчи мусассасалар	3027	3410	4074	4643	5047	5507	5352	5810	5754	5869
Ўларнинг қуввати, бир сменада катиончилар сони (минг)	282,2	315,3	353,5	380,3	402,9	401,7	408,5	414,5	413,6	415,5
Ўтиш тизак касалзиклари (минг)	127,5	400,2	358,9	238,3	170,0	36,6	35,5	32,5	33,4	32,7
Гисхэндлик ва токсикомания	3,2	30,8	38,4	49,5	73,6	9,4	10,1	9,5	9,2	8,3

**Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:**

- Ўтиш даврининг қийинчилклариiga қарамасдан республика соглиқни сақлаш тизими доимо ривожланиб келди.
- 1991-2009 йилларда бу соҳада ўкув юртларини битиргандар 3262 дан 3707 га кўпайди, ўрта маҳсус ўкув юртларини битиргандар – 20703 дан 51124 гача кўпайди.
- Шу даврда фаолият олиб бораётган ўрта тиббий ходимлар сони 242,5 мингдан 301,6 мингга ошди, жами шифокорлар сони 75,0 мингдан 80,4 мингга ошди.
- Республикада мавжуд касалхоналар сони 1388 дан 1132 га камайди, лекин шу даврда аҳолига амбулатория-поликлиника ёрда-

ми кўрсатувчи муассасалар сони 3027 дан 5869 га кўпайди, чунки республикада қабул қилинган дастурларга биноан стационар даволашдан асосан амбулатория даволанишига ўтилмоқда.

– Республика тиббий муассасаларининг моддий техника базаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Лекин республикада шаклланган соғлиқни сақлаш тизими ҳали замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. 10 минг аҳолига тўғри келадиган шифокорлар, ўрта тиббий ходимлар сони камаймоқда.

Бир хил кассалликлар бўйича – ичкилик ва ичкиликбозлик, руҳий касаллик, сил касаллиги, гиёҳвандлик ва токсикомания касалликларига чалиниш кенгаймоқда ва бу борада вазият оғирлашмоқда.

Демак, республикада соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, такомиллаштириш замон талабидир ва бу вазият эътиборга олинниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикада аҳоли турмуш даражасининг ҳаддан ташқари орқага кетмаганлиги чора-тадбирларидан бири бу аҳоли жамғармалари, иш хақи, пенсия, нафака стипендияларни индексация қилиб, уларни нарх-наво кўтарилишидан, инфляциядан сақлаб қолишидир.

Мустақиллик даврида иш хақи, пенсия, нафака ва стипендияни индексация қилиш мақсадида Республика Президентининг 30 дан ортиқ Фармонлари, Республика Вазирлар Махкамасининг Қарорлари қабул қилинди.

Ундан ташқари кам таъминланган онлаларга нафака бериш ташкил қилинди ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, республикада бозор муносабатлари шаклланиши даврида уларнинг республика аҳолисининг турмуш даражасига салбий таъсирини чегаралаш мақсадида республикада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада республика аҳолиси турмуш даражасининг ҳаддан ташқари пасайишига йўл кўймасдан, унинг ошиб бориши амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий натижаларидан бири бу республика аҳолиси турмуш даражасини бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан уни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, кўтариш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, аҳоли турмуш даражаси кўтарилиб бормоқда.

Республика бозор муносабатларини шакллантиришдан мақсад ахоли фаровонлигини таъминлашдан иборат экан, республикада иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш дастурида ҳам республика ахолиси турмуш даражасини кўтариш республика раҳбаријатининг эътибор марказида бўлиб қолаверади.

### **5.7. Республикада кўп укладли бозор иқтисодиётининг шаклланиши**

Республикада бозор муносабатлари шаклланар экан, кўп укладли бозор иқтисодиёти барпо этилиши лозим эди. Шундан келиб чиқиб, республика иқтисодий ислоҳотларини амалга оширишда кўйилган мақсадлардан бири бу республикада ижтимоий йўналтирилган, кўп укладли бозор иқтисодиётини қуришдан иборат эди.

Бунинг учун республика корхона ва ташкилотлари давлат тасарруфидан чиқарилди, хусусийлаштирилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилди, дехкон хўжаликлари ривожлантирилди, кўшма корхоналар барпо этилди.

Натижада республикада кўп укладли бозор иқтисодиёти шаклланиб, республика иқтисодиётининг таркиби такомиллашиб бормоқда.

*5.7.1-жадвал.*

**Республика иқтисодиётига тарқибий ўзгаришлар (Фоиз)**

	1995	1996	1998	1999	2000	2002	2003	2004	2006	2007	2008	2009
Ялий ички маҳсулот, жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан												
Давлат сектори	46,1	43,6	32,7	30,8	27,4	25,6	23,9	24,3	22,8	21,7	20,6	18,7
Нодавлат сектори	58,4	56,4	67,3	69,2	72,6	74,4	76,1	75,7	77,2	78,3	79,4	81,3
Иқтисодиётда ахоли бандлиги	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан												
Давлат секторида	31,0	28,6	25,8	25,1	24,1	23,4	23,2	23,1	22,4	22,0	21,3	21,0
Нодавлат секторида	69,0	71,4	74,2	74,9	75,9	76,6	76,8	76,9	77,6	78,0	78,7	79,0

Республикада ҳам ялпи ички маҳсулот, ҳам аҳолининг меҳнат билан бандлиги бўйича кўп укладни бозор иқтисодиётини шакллантириш жадвал маълумотларидан кўринниб турибди. 1995-2009 йилларда республика иқтисодиётида банд аҳоли давлат секторида 31,0 фоиздан 21,0 фоизгача қисқариб, нодавлат секторида банд аҳолининг салмоғи 69,0 фоиздан 79,0 фоизгача кўтарилган ва на-тижада республика ялпи ички маҳсулотида давлат сектори корхоналари салмоғи 46,5 фоиздан 18,7 фоизгача камайган, нодавлат корхоналари маҳсулотининг салмоғи 58,4 фоиздан 81,3 фоизгача кўпайган.

Республика кичик бизнес корхоналарининг ривожланиш йўналишлари республика иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш даврида қўйидаги жадвалда келтирилган маълумотларда ўз ифодасини топган.

#### 5.7.2-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесининг ривожланиш кўрсаткичлари

	1999	2001	2002	2003	2005	2006	2007	2008	2009
Рўйхатга олинган корхоналар минг	118,0	170,8	208,7	255,9	308,7	384,1	422,3	435,8	503,4
Уларда банд ходимлар, минг киши	4162,5	4842,5	4911,8	5436,7	6679,0	7234,1	7743,1	8071,1	8370
Банд ходимларини умумий аҳоли бандлигидаги улуши, фоиз	49,3	53,0	55,0	56,1	65,5	69,1	72,3	72,7	74,2
Кичик бизнесининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи, фоиз	29,1	33,8	34,6	35,5	38,2	42,1	45,7	48,2	50,1
Шу жуналадан:									
Кичик корхона ва микро-фирмалар	12,6	14,8	15,7	16,4	21,5	23,5	27,4	29,5	31,2
Янга тадбиркорлар	16,5	19,0	18,9	19,1	16,7	18,6	18,3	18,7	18,9
Кичик бизнесда яратилган янги иш жойлар, минг	145,0	372,0	369,3	375,4	434,2	425,5	344,2	374,3	391,8

Жадвал маълумотларига асосланиб қўйидаги хуносаларга келишимиз мумкин:

– 1999-2008 йилларда кичик бизнес корхоналари сони 3,7 марта кўпайган;

– кичик корхоналарда банд ходимларнинг сони 4162,5 мингдан 8071,1 мингга ошган, яъни икки марта кўпайган;

– кичик корхоналарда банд ходимларнинг умумий республика аҳолиси бандлигидаги саломги 49,3 фоиздан 74,2 фоизгача кўтарилиган. Демак, кичик бизнеснинг ривожланиши республикадаги меҳнат қобилиятига эга аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлашда катта рол ўйнамоқда.

– 1999-2009 йилларда кичик бизнесни ривожлантириш йўли билан 3925,0 минг янги иш жойлари барпо этилди. Демак, кичик бизнесни ривожлантириш республика аҳолиси турмуш даражасини кўтаришда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

– кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республика ялпи ички маҳсулоти таркибида 29,1 фоиздан 50,1 фоизгача кўтарилди.

Демак, республика иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида ҳам республикада кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш, улар фаолиятини ривожлантириш давом эттирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тегишли ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари таркибида ошиб борди.

### 5.7.3-жадвал.

#### **Республика иқтисодиёти тармоқлари маҳсулотига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (фоиз)**

	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Саноат	11,3	14,5	14,5	16,6	10,1	9,0	10,0	12,9	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалити	72,4	75,6	76,4	76,8	81,1	84,7	93,9	97,5	97,8	97,9
Чакана товар айирбоилиши	45,9	45,8	43,8	45,0	42,2	44,0	45,7	48,3	47,2	46,5
Пуллик хизмат кўреатиш	37,0	39,9	41,3	45,0	47,9	52,0	50,8	50,2	49,1	48,7

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, асосан қишлоқ хўжалиги ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш со-

ҳаларидаги ривожланмоқда. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотдан 2000 йили 72,4 фоизи, 2008 йили 97,8 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига – фермер ва дехқон хўжаликларига, пуллик хизмат кўрсатиш бўйича 2000 йилга 37,9 фоизи, 2008 йилга 49,1 фоизи тўғри келади.

Лекин республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш вазифаси қўйилган.

Хорижий мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодиётда тутган ўрни Ўзбекистонга нисбатан юқори ва республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланиши – бу замон талабидир ва бу вазифа ушбу соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш кун тартибига қўйилган.

Республикада кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда, чунки қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг асосий ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланади. Натижада республика қишлоқ хўжалиги узлуксиз ривожланмоқда.

Республика иқтисодий ислоҳотларини амалга ошириш даврида республика қишлоқ хўжалигида уч турдаги хўжалик субъектлари ривожлантирилмоқда – қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва дехқон хўжаликлари. Улар тегишли хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг ривожланиши табиий равишда ҳар хил суръатларда амалга оширилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан республика қишлоқ хўжалиги орқага кетмади ва охирги ўн йиллар мобайнида йилдан – йилга ривожланиб бормоқда.

5.7.4-жадвал маълумотлари тасдиқлаяпдик. республика қишлоқ хўжалигининг ривожланиши фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликларининг йиллик ривожланиш суръатлари ҳар йили 50-30-10 фоиздан кам бўлаётгани йўқ. Дехқон хўжаликларининг ривожланиш суръатлари ҳар йили 8-10 фоизни ташкил этмоқда.

5. 7.4-жылдат.

**Ўзбекистон Республикаси кирилк хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик юриттиш шакслари  
бўйича ўсни суръатлари (оддинги йилга нисбатан, фоиз)**

	1991	1992	1994	1995	1996	1997	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Жами кишилк хўжалиги бўйича	98,9	93,6	92,7	102,2	94,4	105,8	105,6	103,1	104,2	106,0	107,3	108,9	105,4	106,7	106,1	104,5	105,7
Шу жумладан																	
Кишилк хўжалиги корхоналари	91,0	89,3	98,1	99,5	86,6	101,5	105,2	94,3	102,7	99,5	87,8	92,6	80,6	47,1	44,5	94,7	90,6
Фермер хўжаликтари	125,6	404,9	149,5	125,6	119,7	151,3	110,7	119,7	151,7	140,1	139,8	130,7	146,6	117,8	100,4	107,8	
Деҳқон хўжаликлари	119,2	102,1	95,3	104,2	100,2	108,8	103,7	107,2	103,6	110,0	107,2	105,5	104,5	106,3	107,0	104,6	

Республика қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар республикада кўп укладли иқтисодиётни барпо этишга кўмаклашиш билан бирга қишлоқ хўжалигининг ўзида ҳам кўп укладли аграр иқтисодиётни барпо этишга олиб келяпти. Буни куйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

#### 5.7.5-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги таркиби

	1991	1993	1995	1997	1999	2001	2003	2006	2007	2008	2009
Махсулотнинг мулк шакллари бўйича таркиби (фоиз)	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан											
Давлат мулки	34,0	12,0	2,4	1,4	1,1	0,9	0,3	0,3	0,2	0,2	0,1
Нодавлат мулки	66,0	88,0	97,6	98,6	98,9	99,1	99,7	99,7	99,8	99,8	99,1
Кишлоқ хўжалиги махсулотлари таркиби (фоиз), барча тоифадаги хўжаликлар	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:											
кишлоқ хўжалиги корхоналари	69,7	57,2	48,1	35,0	32,9	27,3	14,0	6,1	2,5	2,2	2,2
Деҳкон хўжаликлари	30,2	42,1	49,3	61,3	62,5	65,4	61,7	61,6	64,1	65,2	63,3
Фермер хўжаликлари	0,1	0,6	2,6	2,8	4,6	7,3	24,3	32,3	33,4	32,6	34,5

Кўриниб турибдики, 1991-2008 йилларда давлат мулкидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган махсулотлар 34,0 фоиздан 0,1 фоизгача камайди, нодавлат мулкидаги корхоналарнинг махсулот ишлаб чиқариш бўйича улуши 66,0 фоиздан 99,9 фоизгача кўтарилди, демак, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти умуман нодавлат иқтисодий секторига айлантирилди.

Нодавлат аграр сектори таркибida маҳсулот етказиш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналар салмоғи 69,7 фоиздан 2,2 фоизгача қисқарди, деҳкон хўжаликлари салмоғи 30,2 фоиздан 63,3 фоизга, фермер хўжаликлари салмоғи 0,1 фоиздан 34,5 фоизга ошиди.

5.7.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики:

- фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда;
- фермер хўжаликларига биркитилган ерлар кенгайтирилмоқда;
- фермер хўжаликларида банд ходимлар сони ошиб бормоқда;
- ҳамма қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришда фермер хўжаликлари иштироқи ошиб бормоқда;
- фермер хўжаликлари республика қишлоқ хўжалигига асосий хўжалик субъектларига айланмоқда;
- республика фермер хўжаликлари йириклиштирилмоқда.

**Республика Фермер хұжалықтарынан күрсаткышлар (йыл охирегінде)**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
<b>Фермер хұжалықтары</b>	1.9	7.6	18.8	21.4	23.0	31.1	45.8	55.4	72.4	103.9	125.7	189.2	217.1	218.4	218.4	218.4	218.4	20.6	
<b>Уарта</b>	13.7	76.6	351.6	413.3	446.5	605.7	889.7	1054.7	1391.7	2935.4	3775.3	4953.2	5787.8	5896.0	5828.5				
<b>Бір фермер хұжалықтарының тұрағы</b>	7.3	9.4	18.7	19.3	19.4	21.4	26.3	19.0	22.0	28.2	30.0	26.2	26.7	27.0	27.0	27.0	27.3		
<b>Алдоңда Махсұлаттарынан алынған ер. га</b>																			
<b>Найтиб чыгарылған макеттүрділіктердің сұмасы</b>	6.036	12.6	5.4	11.2	19.2	41.2	76.4	154.2	325.6	857.7	1453.5	2367.5	3111.0	3686.0	4366.7				
<b>Есептегендегі майдаған</b>	5.3	27.3	207.4	261.8	346.5	482.5	632.3	696.5	991.6	1762.6	2140.7	2710.6	2996.8	3645.2	3953.3				
<b>Алдоңда Махсұлаттарынан алынған тоннада:</b>																			
<b>Паша</b>	0.05	6.4	138.1	235.8	352.0	509.4	549.0	709.3	896.7	1825.1	932.0	1181.5	3645.5	3371.0	3375.9				
<b>Дон</b>	1.8	17.2	166.0	22.4	319.5	435.6	568.9	744.7	1480.0	2717.7	1034.5	1280.1	5404.2	5327.5	6016.3				
<b>Картошка</b>	-	4.2	9.6	16.9	19.8	22.5	30.8	30.6	29.9	44.5	45.9	108.3	178.2	226.6	226.6	226.6	226.6	277.0	
<b>Сабаков</b>	-	9.5	52.8	63.9	77.4	148.1	129.4	180.6	218.6	389.7	480.3	1305.4	1552.1	1717.8	1997.3				
<b>Ноғыз экшилдері</b>	2.1	6.7	27.6	26.0	46.0	62.1	50.5	56.2	78.9	174.1	205.7	325.7	415.4	461.9	536.5				
<b>Гүлш</b>	-	4.5	10.8	6.7	6.3	6.2	6.6	7.3	10.2	22.6	22.7	24.2	38.7	44.2	51.1				
<b>Салт</b>	-	24.9	56.1	49.2	51.1	51.1	54.1	57.9	81.6	88.8	94.7	111.1	125.4	151.6	190.9				
<b>Тұхым мен шемолдау</b>	-	2.6	4.8	4.1	7.2	7.8	12.0	41.4	46.1	77.4	71.6	76.7	88776	15729	22811				
<b>Жұн тонна</b>	-	-	183.0	137.0	141.0	161.0	180.0	193.0	259.0	395.0	415	428	1152	1285	1439				
<b>Чорвачник күрсакшылары (бонн болы)</b>																			
<b>Корамол</b>	22.4	67.9	214.4	198.4	179.2	171.2	174.8	198.1	220.5	311.9	332.3	375.6	375.6	421.1	496.7				
<b>Чычка</b>	2.4	2.5	4.8	3.5	4.2	5.7	8.6	9.1	9.5	15.1	13.0	15.0	15.0	15.0	15.0	15.0	15.0	10.0	
<b>Күйін ачқылдар</b>	8.5	67.9	221.2	230.7	181.8	169.2	171.4	195.8	234.0	419.5	501.1	649.4	649.4	872.3	1097.7				
<b>Парранда</b>	-	78.7	132.3	135.1	112.2	194.1	228.5	423.7	546.8	767.9	787.8	795.0	875.8	1333.3	3475.3				
<b>Олар</b>	0.3	1.8	9.1	9.5	8.6	8.4	7.7	8.0	7.3	10.0	10.7	10.8	13.8	16.3	17.7				

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш даврида ҳам илгаридек, республика раҳбарияти дехқон хўжаликларига катта эътибор бермокда.

5.7.7-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида дехқон хўжаликларининг  
фаолият кўрсаткичлари**

	1999	2000	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Етишлигидек маҳсулот, амалайтдаги нархларда, млрд. сум	557,1	925,5	2087,3	2559,5	2869,8	3689,4	4507,1	5959,7	7367,3	7997,6
Экин майдонлари, минг га	394,0	401,5	404,1	421,2	433,3	441,4	454,8	458,0	466,7	472,8
Шу жумладан:										
Дон эквиваленти	192,7	195,4	188,6	198,5	200,0	208,2	215,8	217,4	222,2	222,3
Техника эквиваленти	8,3	7,0	7,1	7,8	10,4	10,1	9,7			
Картошка, сабзавот, полиз эквивалентлари	139,8	143,0	149,4	153,5	157,9	160,4	165,7	168,7	173,4	177,6
Алоҳида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, минг тоин:										
Дон	782,4	758,6	878,5	973,8	1020,8	1118,5	1175,6	1248,4	1316,0	1283,9
Картошка	534,1	585,5	688,2	751,2	803,5	850,8	898,1	1004,4	1166,8	1241,2
Сабзавот	1750,0	1982,7	2229,7	2321,9	2577,9	2716,0	2818,6	3081,4	3470,0	3669,2
Полиз эквиваленти	283,4	286,8	306,0	331,7	351,3	376,5	392,7	411,3	506,0	517,5
Гўшт	436,3	458,4	479,0	525,7	562,6	598,0	643,9	687,7	728,9	776,0
Тухум, минг дона	714,9	751,8	763,5	873,1	1000,6	1165,8	1278,0	1383,3	1500,8	1657,0
Жун, тоини	11,2	11,8	12,5	13,5	14,7	16,0	17,3	18,5	19,7	20,7

Кўриниб турибдики, 1999–2009 йилларда республика дехқон хўжаликлида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етишириладиган экин майдонлари 394,0 минг гектардан 472,8 минг гектарга, яъни 12,0 фоизга кенгайтирилди, шу жумладан, дон эквивалентлари 11,5 фоиздан кўпга кенгайтирилди. Демак, дехқон хўжаликлари дон бўйича республика мустакиллигини таъминлашда бевосита қатнашмоқдалар.

1999–2009 йилларда республика дехқон хўжаликлида дон етишириш 1,7, картошка етишириш 2,2 марта, сабзавот 2,0 марта, полиз маҳсулотлари етишириш 1,8 марта оширилди.

**Махсүлөт ишлаб чыкарыш бүтінша республика деңгөн хұжалықтарының ривожтанның суръатлары  
(олдинги йылға нисбетан, фоны)**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Жасынан																			
ДОЛ	119,2	102,1	106,3	95,3	104,2	100,2	108,8	106,8	103,7	107,2	102,6	103,8	110,0	107,2	105,5	104,5	106,3	107,0	104,6
Бүйірек																			
ЦА																			
Акиматтар																			
Денгөнчилик	117,7	106,1	97,5	100,8	102,6	105,5	107,2	115,3	105,2	113,0	105,5	106,7	106,1	109,9	108,2	101,6	109,7	109,8	105,3
Чорва-чилик	119,7	100,6	109,6	93,5	104,8	98,9	109,7	103,7	103,0	104,0	102,6	102,0	111,8	106,1	104,4	106,0	104,8	105,4	105,0

Деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулот йилдан-йилга купайиб борган ва маҳсулотнинг кўпайиши бир хил йилларда 10 фоиздан ҳам юқори бўлган. Бу албатта катта аҳамиятга эга бўлган ижобий натижадир. Шу билан биргаликда деҳқон хўжаликларида ҳам деҳқончилик, ҳам чорвачилик тармоқлари шу тарзда ривожланган.

Деҳқон хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларнинг кўпайиши қишлоқ хўжалиги экинлари маҳсулдорлигини ошириш йўли билан амалга оширилган.

Республика мустақилити даврида деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга бўлган эътибор натижасида деҳқон хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги саломги йилдан-йилга ошиб борди. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

#### *5.7.9-жадвал*

#### **Республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликларининг ҳиссаси (фоиз)**

	Дон	Картошка	Сабзавот	Гўшт	Сут	Тухум
1991 й	8,6	47,8	53,4	59,1	71,0	37,2
1992 й	9,0	51,9	55,9	65,1	75,7	49,1
1993 й	10,4	43,2	62,6	68,1	75,8	55,1
1994 й	11,2	55,4	62,6	73,2	76,3	58,1
1995 й	11,2	66,3	63,5	75,4	80,8	65,6
1996 й	13,7	66,7	68,7	80,1	87,7	69,0
1997 й	17,2	68,9	70,1	87,5	90,9	69,5
1998 й	17,9	76,0	69,8	90,0	91,7	64,5
1999 й	18,1	81,2	65,6	90,7	92,6	57,7
2000 й	19,3	80,1	75,0	91,4	93,6	59,9
2001 й	18,8	85,1	74,5	91,6	94,8	60,3
2002 й	15,7	88,6	76,0	93,1	95,2	55,8
2003 й	15,9	90,0	70,3	93,7	95,9	53,5
2004 й	17,4	89,7	77,3	93,9	96,4	53,8
2005 й	17,5	92,1	77,2	94,5	96,8	59,3
2006 й	18,0	88,0	65,6	94,6	97,0	60,1
2007 й	18,4	84,5	65,7	94,9	97,1	62,3
2008 й	19,5	83,4	66,5	95,0	96,8	61,7
2009 й	17,4	81,1	64,3	95,0	96,2	60,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотлари бўйича деҳқон хўжаликларининг

салмоғи йилдан-йилга ошиб борган. 1991-2009 йилларда дон етиштириш бўйича бу салмоғ- 8,6 фоиздан 17,4 фоизга, картошка бўйича – 47,8 фоиздан 81,1 фоизга, сабзавот маҳсулотлари бўйича – 53,9 фоиздан 64,3 фоизга, гўшт етиштириш бўйича- 59,1 фоиздан 95,0 фоизга, сут ишлаб чиқариш бўйича 71,0 фоиздан 96,2 фоизга, тухум етиштириш бўйича 37,2 фоиздан 60,0 фоизгача кўтарилиган. Демак, бир гурӯҳ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича дехқон хўжаликлари қишлоқ хўжалигига асосий хўжалик субъектларига айланмоқда.

Дехқон хўжаликлари республика қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш укладига айланмоқда. Дехқон хўжаликларининг ривожланиши жараёни қуйидаги маълумотлардан кўриниб туриди.

Мустақиллик йилларида дехқон хўжаликлари учун ажратилган экин майдонлари кенгайиб бориб, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар йилдан-йилга кўпайиб борди ва дехқон хўжаликларининг маҳсулотлари ҳисобидан қишлоқ аҳлиниң маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қопланмоқда ва дехқон хўжаликлари дехқон бозорлари фаолиятида фаол қатнашмоқдалар.

1991-2009 йилларда дехқон хўжаликлари сони 2,2 миллиондан 4,7 миллионга кўпайди. улардаги экин майдонлар 293 минг гектардан 472 минг гектарга кенгайтирилди, шу жумладан дон майдонлари 4,0 марта, картошка майдонлари 2,5 марта кўпайди.

Шу даврда дехқон хўжаликларида етиштирилган дон маҳсулотлари 7,9 марта, картошка – 6,9 марта, сут – 2,2 марта, тухум етиштириш 1,9 марта кўпайтирилди.

Куйида таъкидланганидек, мустақиллик даврида дехқон хўжаликларини ривожлантиришга нисбатан ҳукумат сиёсати тубдан ўзгарди, дехқон хўжаликлари юкори суръатларда ривожлантирилди ва ҳозирги лайтда дехқон хўжаликлари республика қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг 65 фоизини етиштирмоқда.

Келгусида дехқон хўжаликларини ривожлантириш республика иқтисодиётини ривожлантириш шарт-шароитларидан бири бўлиш билан бирга, у қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтариш омилидир.

5.7.10-жадсан.

### Республика Дәккон хұқалыктары күрсаткышлары

	1991	1992	1996	1997	1998	2000	2001	2002	2003	2005	2006	2007	2008	2009
Деденов жұмылған- жара соны	2210430	2579542	2833221	2855432	2931410	3090063	3243602	3312345	4177619	454420	4631675	4703433	4673410	4759174
Ұйдаруры жыныс майдони. ЖШНГ ГА	292,7	341,4	387,4	391,0	392,3	401,5	386,8	404,1	421,2	441,9	454,8	458,0	466,7	472,8
<b>Іштегіндең:</b>														
Ден	54,1	73,6	151,9	189,5	188,2	195,4	180,2	188,6	198,5	208,5	215,8	217,4	222,7	222,3
Картопка	18,0	20,3	31,9	40,4	39,5	40,8	41,8	42,3	43,6	45,9	46,7	47,4	49,6	51,4
Сабзабол	85,1	93,1	92,0	85,9	85,8	86,7	90,1	91,2	94,0	99,4	102,9	104,7	105,0	105,9
Пелік	21,4	24,5	18,7	14,2	14,8	15,5	13,8	15,8	15,8	15,8	16,1	16,6	16,8	20,3
<b>Макеттөт шылдағыштары:</b>														
Аманатай верхінде. Марта сүні	9,0	840,7	93,8	245,0	345,6	925,5	1175,9	2087,9	2577,4	3689,4	4698,6	5929,7	7367,3	7997,6
<b>Натура шақылда мінг тоннада:</b>														
Ден	164,7	223,0	487,0	649,9	742,5	758,6	766,8	873,5	973,8	1138,5	1175,6	1284,4	1346,0	1383,9
Картопка	167,7	204,2	342,4	477,1	528,0	585,5	633,3	688,2	751,2	850,8	898,1	1001,4	1166,8	1241,2
Сабзабол	1788,3	1902,4	1715,5	1671,4	1677,1	1982,7	2070,0	2229,7	2321,9	2516,0	2818,0	3081,4	3470,0	3667,2
Пелік	400,3	436,8	319,8	217,1	247,1	286,8	290,3	306,0	331,7	376,5	392,7	411,3	306,0	517,5
Гүшт. сүббетан														
Василь	295,7	343,2	369,4	410,6	428,0	458,4	466,1	479,0	525,7	598,0	641,9	687,7	728,9	776,0
СЫ	2366,2	2853,8	2982,9	3694,1	3206,9	3401,9	3476,5	3544,4	3865,7	4409,2	4769,1	4949,7	5250,2	5582,2
Т.Х.М. МТН	875,6	985,7	730,0	747,7	751,1	751,8	776,2	763,5	873,1	1165,8	1278,0	1383,3	1500,8	1657,0
ЖШНГ	17,1	18,9	11,8	11,1	11,2	11,8	12,3	12,5	13,5	16,0	17,5	18,5	19,7	20,7

Юқорида көлтирилған маълумотлардан күриниб турибиди, республика мустакиллиги даврида қишлоқ хұжалиги тармоқларини, уларда фермер ва деңқон хұжатыларини ривожлантиришга катта зытибор ажратылмокда ва бу борада аграр иқтисодий ислоҳотлар чукурлаштирилмокда. Натижада республиканинг аграр сектори узлуксиз тараққий этмокда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан күришимиз мумкин.

#### 5.7.11-жадвал маълумотларидан күриниб турибиди:

Биринчидан, қишлоқ хұжалиги маҳсулоти йилдан-йилга күпайиб бормоқда, айниқса охирги йилларда қишлоқ хұжалиги маҳсулотининг ўсиш суръатлари ошиб бормоқда.

Иккинчидан, республика 1998 йили ғалла бүйича мустакилликка эришиши билан ғалла етиштириш йилдан-йилга янада күчайиб борди.

Учинчидан, ғалла етиштиришни күпайтириш 1998 йилгача, яъни ғалла бүйича мустакилликка эришишгача асосан унинг экин майдонларини кенгайтириш ҳисобидан олиб борилған бўлса, 1999 йилдан бошлаб экин майдонларини бир-оз қисқартириб, ҳосилдорликни ошириш йўли билан амалга оширилди.

Тўртингидан, маълумки республикада ғалла бүйича мустакилликка эришиш асосан пахта экин майдонларини камайтириб, унинг ҳисобидан ғалла майдонларини кенгайтириш ҳисобига амалга оширилди. Бу чора-тадбир ҳам республиканинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги хусусиятларидан биридир.

Бешинчидан, 1999 – 2009 йилларда пахта экин майдонлари камайиб борди, лекин пахта етиштиришни амалга ошириш, уни бироз күпайтириб туриш пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобидан кўлга киритилмокда.

Олтинчидан, қишлоқ хұжалиги бошқа маҳсулотларини күпайтириш асосан улар бүйича ҳосилдорликни ошириш, чорвачиликда унинг маҳсулдорлигини ошириш йўли билан амалга оширилмокда.

5. 7. 11-жадсат.

**Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги ривожланнишнинг асосий кўрсаткичлари**

	1999	2000	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
<b>1 Максулот хажми (млрд. сум, амалдаги нарҳларда)</b>	891,5	1387,2	2104,8	3255,3	4083,3	4615,8	5978,3	7314,0	9304,9	11310,7	12642,6
<b>2 Максулотнинг ўсииш суръати (ўтган йилга нисбатан, фойзда)</b>	105,6	103,1	104,2	105,0	107,3	108,9	129,5	122,3	106,1	104,5	105,7
<b>3 Дехкончилик максулоти галла (минг тонна)</b>	4331,2	3929,4	4072,4	5550,8	6103,1	5868,8	6401,8	6546,7	6643,1	6621,6	7394,8
<b>Унлан буғдой (минг тонна)</b>	3601,8	3532,0	3689,8	4967,4	5436,8	5377,5	5927,8	5963	61150,0	6149,1	6639,8
<b>Пахта (минг тонна)</b>	3600,0	3002,4	3264,5	3122,4	2803,3	3536,8	3728,4	3600,6	3683,4	3400,5	3401,9
<b>Картошка (минг тн)</b>	657,8	731,1	744,4	777,2	834,4	895,7	924,2	1021,0	1189,0	1398,7	1530,9
<b>Сабзавот (минг тонна)</b>	2680,0	2644,7	2778,8	2935,6	3301,4	3336,1	3517,5	4294,1	4691,9	5221,3	5710,3
<b>Полиэтинлар (минг тонна)</b>	517,5	451,1	466,1	479,1	587,3	572,5	615,3	744,1	840,9	981,3	1071,3
<b>4 Чорвачилик максулоти (минг тонна)</b>											
<b>Гўйт</b>	481,0	501,8	507,6	519,1	561,3	998,3	1061,2	1139,6	1299,6	1381,3	1484,0
<b>Сут</b>	3543,0	3632,5	3635,2	3721,3	4031,1	4280,5	4554,9	4855,6	5097,5	5426,3	5802,5
<b>Тукум (мин.дана)</b>	1239,6	1234,4	1287,8	1368,9	1632,4	1860,3	1966,7	2128,1	2220,4	2431,5	2760,8
<b>Жун</b>	15,7	15,8	16,0	16,6	17,8	19,0	20,1	21,4	22,5	23,8	25
<b>Коракўлтери (минг дана)</b>	712,0	747,6	728,8	688,1	690,8	674,8	688,8	726,8	781,0	897,0	897,4

Республика қишлоқ хўжалигининг узлуксиз ривожланиши билан бирга унинг республика ялпи ички маҳсулоти, аҳоли бандлигидаги улуши камайиб бормоқда. Бу вазиятни қўйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин:

### 5.7.12-жадвал.

#### Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг тутган ўрни (ҳақиқий нархларда, млрд. сўм)

	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009
Республика ялонички маҳсулоти	4925,3	7450,2	9844,0	12261,0	15923,4	21124,9	28190,0	37759,4	48097,0
Шу жумладан									
Кишлоқ хўжалиги маҳсулоти	1476,4	2244,2	2801,8	3242,3	3801,6	7314,0	6109,1	7134,6	12642,6
Ундан ялонички маҳсулотдаги саломоти (%)	30,0	30,1	28,4	26,4	26,3	25,1	23,2	19,7	18,2
Асосий қадига таъсирниланган инвестициялар	1320,9	1526,6	1978,1	26290,0	3165,2	3898,3	5479,7	8483,7	13660,6
Шу жумладан қишлоқ хўжалигига	71,8	102,2	98,5	113,6	137,9	164,2	200,6	260,7	402,8
Унинг саломоти (%)	5,5	6,7	5,0	4,3	44,4	4,6	3,7	3,0	2,9
Республика иқтисодиётида баён бўйнан аҳоли (минг кинот)	9136,0	9333,0	9589,0	9910,0	10196,3	10467,0	10735,4	11035,4	11328,1
Унда қишлоқ хўжалигидаги баён бўйлагачлар (минг кинот)	3054,0	3038,3	3055,0	3035,0	2961,1	2928,8	2990,9	3029,7	2891,8
Унинг саломоти (%)	33,4	32,6	31,9	30,6	29,1	28,3	27,9	27,5	25,5

Кўриниб турибдики, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида, уларнинг ижобий таъсири остида республика қишлоқ хўжалиги янада ривожланмоқда.

**Жадвал маълумотлари яна шу нарсани тасдиқлаяпдики:**

Биринчидан, республикада иқтисодиётни индустриялаш жараёни давом этаяпти, республика иқтисодиётидаги ижтимоий тармоқлар юкори суръатлар билан ривожланяпти ва натижада республика ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти салмоғи камайиб бормоқда.

Иккинчидан, жаҳон тажрибасидан, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигига банд аҳолидан бир қисмини бу соҳада ишлаб чиқаришни механизациялаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш методларини такомиллаштириш ва пи-ровардида меҳнат унумдорлигини кўтариш йўли билан тежаб уни бошқа ишлаб чиқариш тармоқларига ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда. Шу сабабли 2001-2009 йилларда қишлоқ хўжалигига банд бўлган аҳоли салмоғи 33,4 фоиздан 27,5 фоизгача қисқарди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг республика ялпи ички маҳсулоти таркибидаги салмоғи шу даврда 30,0 фоиздан 18,2 фоизга камайтирилди. Бу ижобий тенденция қелгусида ҳам давом этирилиши лозим.

Шундай қилиб, республика мустақиллиги даврида иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели» амалга оширилди ва жараённинг ижобий натижаларидан бири, бу республикада кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш бўлди. Қелгусида бу шаклланган бозор иқтисодиёти яна ривожланиб, такомиллашиб бориши лозим.

## **5.8. Иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг жаҳон миқёсида таин олинганилиги**

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш борасида режалаштириладиган ижтимоий-иқтисодий тизимдан возкечиб, кўп укладли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиб, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириб, жаҳон бозор иқтисодиётига, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб бормоқда. Демак, республика замонавий цивилизация, маданий йўналишда ўз ижтимоий тараққиётини амалга оширмоқда.

Республика амалиётида бу муаммо қўйидаги йўллар орқали амалга оширилмоқда:

– бозор иқтисодиётини шакллантиришда унинг асосий талабларини эътиборга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётини бозор муносабатлариға ўтказишни ҳар томонлама асосланган «Ўзбек модели»га биноан амалга ошириб, мамлакатда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлаш;

– республиканинг умумий салоҳияти ва бозор муносабатлариға ўтиш борасида унинг фаол ҳаракатига асосланиб, республиканинг бутун ҳалқаро сиёсий – иқтисодий-ижтимоий ташкилотларга аъзо бўлиш ва улар билан ҳамкорликда бўлиш;

– хорижий давлатлар билан иқтисодий – сиёсий – маданий алоқаларни ҳар томонлама, узлуксиз ва юқори суръатларда амалга ошириш;

– республиканинг жаҳонда жуғрофий жойлашганлигидан, унинг жаҳон, Марказий Осиёда тутган ўрни, ҳозирги замондаги имкониятларидан фойдаланган ҳолда республикани кўп муаммоларни ениш марказига, кўп ҳалқаро йиғилишларни ўтказиш марказига айлантириш;

– республиканинг, унинг раҳбариятининг кўп ҳалқаро муаммоларни кўтаришда, ечишда ташвиқотчилигини амалга ошириш.

Юқорида таъкидланганидек, республикада ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»га асосланиб, республикада ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий нуқтаи назардан замон талаблариға жавоб беридиган бозор иқтисодиётини шакллантирилди.

Республикада шакллантирилган бозор иқтисодиётининг ижобий хусусиятлари шулардан иборатки:

Биринчидан, бозор муносабатлариға ўтиш давридаги иқтисодий инқирозда республикада ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари орқага кетмади.

Иккинчидан, ҳамдўстлик давлатлар таркибида Ўзбекистон биринчи бўлиб ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожтанишида 1990 йил даражасига кўтарилди.

Учинчидан, Ўзбекистон биринчилар қаторида макроиктисодиётини барқарорлади ва уни узлуксиз, тўхтовсиз таракқиётини таъминламоқда.

Тўртинчидан, республикада мавжуд макроиктисодиётнинг таркиби тубдан ўзгартирилган, республикадаги хом ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёт тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётга айлантирилмоқда.

Республиканинг ижтимоий тараққиётида унинг фақатгина иқтисодий ижобий натижалари, ютукларидан ташқари унинг ижтимоий натижалари, ютуклари ҳам тасдиқланмоқда, тан олинмоқда.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан мамлакатлар ривожланишининг ижтимоий натижалари баҳоланганда улар аҳолисининг ижтимоий фаровонлик даражаси аниқланади, бунинг учун ижтимоий фаровонлик индекси ҳисобланади. Бу кўрсаткич комплекс характерга эга бўлиб, у ўзида ижтимоий ривожланишининг бир қанча натижаларини ифодалайди.

Бу кўрсаткични умумлаштириб «Социал фаровонлик индекси»ни аниқлаш учун қўйидаги кўрсаткичлар гурухи бўйича маълумотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан таҳлил этилади:

1. Демография ва сиҳат-саломатлик, умр кўриш даражаси, болалар ва оналар ўлими ва умумий ўлим даражаси.

2. Таълим: саводлилик даражаси, аҳолини асосий таълимга жалб этиш.

3. Ҳаётни (тирикликни) таъминлаш: ичимлик сув билан таъминланганлик, санитар шарт-шароитлари.

4. Оила институтининг ривожланганлиги: никоҳсиз болалар туғилиши даражаси, оиласдан ташкарида тарбияланаётган болалар ва никоҳланганларни ажралиш даражаси.

5. Ҳаёт даражаси: аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот.

6. Бандлик: ишсизлик даражаси.

7. Озиқ-овқат билан таъминланганлик хавфсизлиги: мамлакатнинг умумий истеъмолида импорт килинган товарларнинг улуши.

8. Жиноятчилик: аҳоли таркибида жиноятчилик даражаси.

9. ВИЧ-СПИДнинг тарқалганлиги.

10. Иқтисодий хавфсизлик: мамлакат миллий даромадига нисбатан унинг ташки қарзининг улуши.

11. Асосий ижтимоий эҳтиёжларга ҳаражатлар: бюджетдан соғлиқни сақлашга, таълимга ажратилган ҳаражатларни мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан улуши.

12. Даромадлар бўйича аҳолининг табакалаштирилганлиги: 20 фоиз энг кам таъминланган аҳоли қатламларини мамлакат аҳолисининг умумий даромадларидаги улуши.

Юкорида келтирилган кўрсаткичлар бўйича 2003 йил учун «Социал мониторинг», UNICEF, 2003, Жаҳон банки «Жаҳон тараккёти тўғрисида маъруза» 2002, маълумотларидан келиб чиқиб, ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича ҳисоб-китоблар қилиниб қўйидаги натижалар аниқланди.

### 5.8. I-жадвал.

#### **Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ижтимоий фаровоилик индекси**

Давлатлар	Социал фаровоилик индекси (умумий кўрсаткич)	Рейтинг
Ўзбекистон	0,736	1
Белоруссия	0,719	2
Озарбайжон	0,717	3
Қозогистон	0,667	4
Туркменистан	0,652	5
Россия	0,626	6
Украина	0,622	7
Тоҷикистон	0,619	8
Грузия	0,601	9
Киргизистон	0,598	10
Арманистан	0,585	11
Молдава	0,580	12

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси юкорида келтирилган кўрсаткичлар эътиборга олинса, ижтимоий ривожланиш бўйича мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида энг юкори даражада деб тасдикланган.

Ҳақиқатан ҳам республика мустақиллиги даврида янги иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, кенг миқёсда иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада:

- давлат бюджети танқислиги, инфляция даражалари замон талабларига жавоб берадиган даражаларга туширилди;
- республиканинг ташки қарзи кам даражада бўлиб, республика ялпи ички маҳсулотига нисбатан 13,0 фойзни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Киргизистонда 80,0 фойзни, Россияда 100 фойзни, Қозогистонда 90 фойзни ташкил этган;

– республикадаги мавжуд хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиёт тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётга айлантирилмоқда, ҳозирги пайтда республика экспортида тайёр маҳсулотлар 50 фоизгача кўтарили ва бу кўрсаткич илгари 2 фоизни ташкил этган эди;

– республика истеъмол товарлар билан ўзини таъминлаш бўйича ҳам ижобий кўрсаткичларга эришди. Агарда илгари республика импортида истеъмол товарлар 86 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 9 фоизга туширилди, қолган истеъмол товарлари республиканинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда;

– республика бюджети маблағларининг деярли ярмиси мамлакатнинг ижтимоий тараккиёти ва республика аҳолисини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда ва 80 фоизидан ортиги таълим, соғликни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга сарф этилмоқда;

– республика мустақиллиги даврида республика аҳолисини табиий газ билан таъминлаш 19 фоиздан 75 фоизга ва ичимлик сув билан таъминланиш 55 фоиздан 75 фоизга кўтарилди;

– республика мустақиллиги даврида меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолини иш жойлари билан таъминлаш мақсадида 4,0 миллиондан кўп янги иш жойлари ташкил этилди ва республикада ишсизлик муаммоси ечилимоқда;

– республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожлантирилмоқда ва улар ишлаб чиқарган маҳсулот 2009 йили республика ялпи маҳсулотининг 50 фоизидан ошиб кетди.

Бу ва бошқа ижтимоий-иқтисодий натижалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро мустақил хорижий илмий марказлар томонидан тан олинмоқда ва халқаро миқёсида Ўзбекистон Республикасининг тутган ўрни, обрўйи ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига, халқаро бозор иқтисодиётига кириб боришини тасдиқловчи омил – бу республиканинг ҳозирги пайтда фаолият юритаётган бутун халқаро иқтисодий, молиявий, ижтимоий ташкилотларга аъзо бўлиб киришидир.

Ўзбекистон Республикаси:

- Бирлашган миллатлар ташкилотига.
- Шимолий атлантик ҳамкорлик кенгашида.
- Пахта бўйича халқаро консультатив кўмитасига.

- Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига.
- Жаҳон парламентларо кенгашта.
- Халқаро тараққиёт ассоциациясига.
- Инвестицияларни кафолатлаш бўйича халқаро агентлигига.
- Халқаро меҳнат ташкилотига.
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига.
- Жаҳон банкига.
- Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкига.
- Халқаро молия ассоциациясига.
- Халқаро валюта фондига.
- Европа – Осиё фондига.
- Европада хавфсизликни, ҳамкорликни ташкил қилиш кенгашига (ОБСС).
- Европа кенгашининг Европа ҳамкорлик сессиясига.
- Жаҳон тарифлар ва савдо Бош Битимига аъзо қилиб қабул килинди.

Ўзбекистон Республикаси қўйидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашмокда:

- Патент кооперацияси тўғрисидаги халқаро шартномада.
- Саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенциясида.
- Савдо белгиларини халқаро қайд қилиш тўғрисидаги Мадрид шартномасида.
- НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик Дастири»да.

Ўзбекистон Республикаси қўйидаги халқаро Дастурларни амалга оширишда қатнашмокда:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Марказий Осиёда иқтисодий ислоҳотлар лойиҳаси» (ПРОН)да.
- Оғир муҳитли мамлакатларда ва чўл зonasida қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш халқаро институти Дастирида.
- Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача ривожлантириш ва модернизация қилиш миллий Дастирида.
- Европа ТАСИС комиссияси Дастирида.

Юқорида келтирилган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, халқаро ташкилотларнинг фаолиятида фаол қатнашиш, халқаро ташкилотларнинг дастурларини республикада амалга ошириш республика учун жуда самарали бўлиб, улар орқали Ўзбекистон жаҳон бозор иқтисодиётига, жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда ва

ундан ташқари республика халқаро ташкилотларининг тажриба ва молиявий имкониятларидан фойдаланиб, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини, кўп укладли бозор иқтисодиётини куришини жадаллаштирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, суверен давлатга айлангандан кейин, юкорида таъкидланганидек, ҳар томонлама асосланган ташқи сиёсатини ишлаб чишиб, уни амалга ошириш борасида хорижий мамлакатлар – яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар, собиқ социалистик мамлакатлар ва собиқ иттифоқдош республикалар, ривожланган капиталистик мамлакатлар билан умуман иқтисодий, савдо алоқаларини юкори суръатларда амалга оширмоқда.

Республиканинг халқаро миқёсда тутған ўрни, жуғрофий жойлашганилиги, иқтисодий – ижтимоий салоҳияти эътиборга олиниб, Ўзбекистон, унинг маркази Тошкент халқаро учрашув, келишув, баҳслашув марказига айланди.

1991-2005 йилларда Тошкентда бозор муносабатларига ўтиш, минтақаларни ривожлантириш, ҳавфсизлик, ҳамкорлик ва сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий муаммолар бўйича ўнлаб анжуманлар, симпозиумлар, семинарлар, форумлар, икки томонлама, кўп томонлама учрашувлар ўтказилди.

Юкорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар, амалга оширилган чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг ўз олдига қўйган стратегик мақсадлардан бирини амалга оширишга йўналтирилган эди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов 1995 йили «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» номли асарида айтган эдиларки: «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишга интилмоқда, эшикларимиз дунё учун очиқ ва дунё эшиклари ҳам биз учун очиқ бўлишига ҳаракат киляпмиз»<sup>1</sup>

Ўтган даврда республика жаҳон жамиятида ўзига муносиб ўрининг эга бўлди ва дунё эшиклари, хорижий мамлакатлар эшиклари республика билан ҳамкорлик учун очилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги 170 дан ошиқ мамлакатлар томонидан тан олини, улардан 130 тадан ошиғи билан

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент. 1995. 119 б.

ҳамкорлик алоқалари, 100 тадан ошиғи билан савдо алоқалари олиб борилмоқда.

Қўлга киритилган бу вазиятга етишишда республика раҳбариятининг шахсан Республика Президентининг кўшган ҳиссаси таъкидлашга сазовор.

Биринчидан, И.А. Каримов, таъкидлаш жоизки, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш максадида республика ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишда фаол қатнашмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов 350 тадан ортиқ хорижий мамлакатлар вазирлиги, ҳалқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар – компаниялари, фирмалари раҳбарлари билан учрашиб, тегишли муаммолар мухокамасини ўtkазди. Юзга яқин хорижий мамлакатлар делегацияларини қабул килди, 150 дан кўп марта хорижий мамлакатларда бўлди, 100 дан ортиқ хорижий мамлакатлар давлат ва хукумат раҳбарлари билан учрашди, 120 дан кўп марта хорижий мамлакатлар фавқулоддаги элчилари билан учрашди, 15 та хорижий, ҳалқаро журнал ва рўзномалар раҳбарларининг саволларига жавоб берди, интервью ўtkазди, кўп ҳалқаро форум ва йиғилишларда иштирок этди ва уларда хорижий мамлакатларни республика билан алоқалар ўрнатишга чакириб республика имкониятларини ҳавола килди, унинг манфаатларини ёритиб берди ва бир қанча ҳалқаро муаммоларни кўтариб, уларни ечиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этди.

Иккинчидан, И.А. Каримов давлат арбоби, сиёсий раҳбар сифатида бир қанча глобал масалаларни ишлаб чиқиб, уларни ҳалқаро миқёсда мухокамага тавсия этди, уларни ечиш борасида фаол хизматда бўлди.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-Бош ассамблеясида Тошкентда Ўрта Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимо ҳаракатда бўлувчи семинар-йиғилишини ташкил қилиш ва Орол денгизи муаммосини глобал ҳалқаро муаммолардан бири сифатида қабул қилиш бўйича ўз тавсияларини билдирилар ва бу тавсиялар кейинчалик амалга оширилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-сессиясида И.А. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг вако-

латларини кенгайтириш, Афғонистонда урушни тұхтатишиң ва бу мамлакатта қорол-аслақалар жүннатиши устидан мониторинг ташкил қилиш тұғрисида тавсиялар кирилдилар. Улар хам әзтиборга олинди.

Марказий Осиёни ядро қоролидан холи зона деб әзлон қилиш тұғрисидаги таклифлари хам тұлық амалға оширилди.

Ундан ташқари И.А. Каримов халқаро форум ва учрашувларда халқаро терроризмға қарши, нарко-бизнес, қора дори савдо-сотиғига қарши кураш бүйіча халқаро ва минтайкалар мікёсіда хавфсизликни саклаш ва бир қанча бошқа муаммолар бүйіча үз фикр-мулоҳозаларини, тавсияларини изхор этди ва улар халқаро мікёсда әзтиборга сазовор бўлди.

Демак, республикада амалға оширилган умуман ислоҳотлар, айниқса, иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларидан бири – бу Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозор иқтисодиётіга, жаҳон ҳамжамиятига кириб боришидир.

Шундай қилиб қўлланманинг ушбу бобида республикада амалға оширилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, чоратадбирлар кўп киррали ижобий натижалар үз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан бозор муносабатларига ўтиш йўлининг тұғрилиги, бозор муносабатларига ўтиш мақсадида республикада ишлаб чиқилған «ўзбек модели»нинг асосланганлиги, халқаро мікёсда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида ёк тан олинган эди. Буни таъкидлаб, И.А. Каримов 1995 йили шундай деган эдилар: «Хозирги кунда МДҲдаги кўпгина мамлакатларда бизнинг янгиланиш ва тараққиёт йўлимизни ғоят дикқат билан кузатиб бормоқдалар, ислоҳотларни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган кучли тадбирлар билан чамбарчас боғлик холда ўтказиш усулини чуқур ўрганмоқдалар».<sup>1</sup>

Республикада 1996 йилдан бошлаб амалға оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи танлаб олинган йўлнинг тұғрилигини, бозор муносабатларига ўтиш усулларини ҳар томонлама асосланганлигини янада жаҳонга намойиш этди. «Кейинги йиллар давомида – дейди И.А. Каримов – юртимизда амалға оширилаётган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995, 164 б.

туб ўзгариш ва ислохотлар натижасида иқтисодиётимиз тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини, сўнгти беш-олти йил мобайнида макроиктисодий барқарорликка эришганимизни кўпгина нуфузли халқаро иқтисодчи ва кузатувчилар ҳам эътироф этмоқда»<sup>1</sup>.

Иқтисодий тараккиётнинг «ўзбек модели»нинг асосланганлиги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида ҳам ўзини кўрсатди.

2009 йил май ойида Тошкентда ўтказилган «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этган 60 хорижий давлатлар вакиллари томонидан иқтисодий тараккиётнинг «ўзбек модели»нинг асосланганлиги тан олинди.

Бу вазиятни тасдиқлаб, И.А. Каримов шундай дейдилар: «Биз кўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили – Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин биз ҳеч кимдан нусха олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, «ўзбек модели» деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий тараккиёт йўлини хаётимизда жорий этиб келаётганимиз ва айни шу модель бугунги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида ҳам ўзининг тўғрилигини ва ҳаётбахш кучини исботлаб бораётганида, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз»<sup>2</sup>

Шундай килиб, иқтисодий тараккиётнинг «ўзбек модели»нинг асосланганлиги юкорида келтирилган республика иқтисодий ислоҳотларининг ижобий натижаларида ўз ифодасини топди ва унинг ҳақиқатан ҳам асосланганлиги халқаро миқёсда тан олинди. Келгусида ҳам бу модель янада чукурлаштирилиб амалга оширилади. Шу нуқтан назардан республика истиқболини аниқлаб И.А. Каримов шундай дейдилар:

«Мухтасар килиб айтганда, Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъек-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асарлар тўплами. Тошкент, 13-жилц, 106-107 б

<sup>2</sup> Президент Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига багишланган тантанали мажлисидаги нутки, «Халқ сўзи» газетаси. 2 сентябрь 2009.

тига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустаҳкам ўрнига эга бўлган – Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустаҳкам пойdevор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантикий босқичи изчил давом этмоқда»<sup>1</sup>.

Республикада ишлаб чиқилган иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг ҳар томонлама асосланганлиги ва уни амалиётда самарали амалга оширилаётганлиги илгари ҳам халқаро миқёсда тан олинган эди.

Лекин Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш давридаги социал-иқтисодий тараққиётига юқори баҳо бериш яна бир бор расмий равишда Тошкентда бўлиб ўтган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари», «Инқирозга қарши чоралар дастурининг самарадорлигини ва инқироздан кейинги ривожланишининг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида) мавзулаидаги халқаро илмий-амалий конференцияларда ва Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг 43 йиллик мажлисида тасдикланди.

Бу конференциялар, Кенгаш мажлиси иштирокчилари иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек модели»ни тўғри ишлаб чиқилганлиги, уни самарали амалга оширилаётганлиги, бошқа давлатлардан фарқли равишда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмаганлиги ва бу модельдан бошқа давлатларда фойдаланиш зарурияти ва имконияти борлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этдилар.

«Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган машхур беш тамойизга асосланган тараққиёт модели жаҳонда кўпчиликда катта қизикиш уйғотмоқда ва ҳақли равишда эътиборга сазовор бўлмоқда, – дейди Хитой Халқ Республикаси ташки ишлар вазирининг Европа ва Марказий Осиё Масалалари Департаменти директорининг ўринbosари Чжан-Хань-Хуэ. Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш йўли накадар тўғри танлангани ва пухта

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. «Адолат» газетаси, 31 август 2007.

ишлиб чиқилгани жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида янада яқолроқ намоён бўлмоқда.

Бу ютуқларнинг бош омили менимча, иктиносидий ривожланиш йўлининг Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ишилб чиқилгани ва уни амалга оширишнинг пухта ташкилий-ҳуқуқий тизими яратилгани ҳамда ислоҳотларни тадрижий босқичма-босқич, изчил амалга оширилаётганидир. Қисқа муддат ичида Ўзбекистонда саноатнинг янги-янги тармокларига асос солинди, инфратузилмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Инқирозга қарамай Ўзбекистон жаҳондаги кам сонли давлатлар қаторида юқори иктиносидий ўсишга эришгани таҳсинга сазовордир<sup>1</sup>.

«Кўплаб давлатлар глобал инқироздан азият чеккан бир пайтда Ўзбекистон иктиносидий ўсишга эришди, – деб таъкидлайди Жанубий Корея Президенти Ли Мён Пак... Инқирозга қарши чоралар борасида Ўзбекистон, ўйлайманки, кўплаб мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин.<sup>2</sup>

Франция сенатидаги Франция-Марказий Осиё дўстлик гурӯҳи раиси, сенатор А.Дюле таъкидлайдики: «Ўз миллийлиги ва урғодатларини сақлаган ҳолда, Ўзбекистон барча йўналишларда ривожланишни давом эттирмоқда. Жаҳон молиявий-иктиносидий инқирози боис Марказий Осиёдаги иктиносидий вазият ҳам ўзгарди. Бироқ Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама ўйланган иктиносидий, ижтимоий ва банк сиёсати туфайли муаммони катта талофатсиз енгиб ўтмоқда. Кўплаб ҳалқаро кузатувчилар иктиносидий ривожланишнинг «ўзбек модели» ни катта қизиқиши билан ўрганмоқда. Молиявий-иктиносидий инқирозни енгиб чиқиш учун кўплаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса арзиди.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг айрим давлатлардан қолган ҳар хил сиёсий ва иктиносидий қарамликларни четлаб ўтиш борасидаги оқилона қарори, – дейди Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси президенти Норазита Борхон Хонум, – энг юқори баҳога муносибdir. Бундай давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон табиий заҳираларини гаровга тикмади ва уларнинг нархлар коти-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил. 2 февраль.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2010 йил. 27 февраль.

<sup>3</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил. 11 август

ровкаси гаровида қолмади, балки аксинча, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий сармоялар воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, табиий ва стратегик ресурсларни таҳсимлаш масала-сига оқилона ёндашилди.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, иқтисодий таракқиётнинг «ўзбек модели»нинг асосланганлиги, улар асосида республикада ишлаб чи-килган ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширилиши шуни тасдикляяптики, Ўзбекистон Республикаси келгусида ҳам ўз социал-иқтисодий таракқиётини юкори суръатларда амалга ошириш салоҳиятига эга ва бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш гарови – бу иқтисодий таракқиётнинг «ўзбек модели» дир.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил, 15 сентябрь.

## **VI боб. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ҲОЛАТИ**

### **6.1. Иқтисодий инқирозлар ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётида**

Ўзбекистон сабик иттифоқнинг тарқалиши муносабати билан марказлаштирилган маъмурий бошқарув тизимиға асосланган, режалаштирилган иқтисодий тизимдан воз кечиб, бозор муносабатларига ўтишнинг «Ўзбек моделини» ишлаб чиқди ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий тарққиётида юқори натижаларга эришди. Жумладан, Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари ичидаги биринчи бўлиб 2000 йилда ўз иқтисодий таракқиётини 1990 йил даражасига кўтарди ва барқарор иқтисодий ўсиш таъминлаб келинди.

Хозирги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози рўй бериб турган шароитда Президентимиз И.А. Каримов қайд қилиб ўтгандаридек: «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, ва юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат»<sup>1</sup>.

И.А. Каримовнинг бу кўрсатмаларидан келиб чиқиб, хозирги замон молиявий иқтисодий инқироз мазмунни, унинг келиб чиқиш сабабларини, мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини аниqlаш, ундан чиқиш чора-тадбирларини белгилаш, инқироз даврида Ўзбекистон иқтисодиётининг таракқиёти хусусиятларини очиб бериш катта аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Бу масалаларга назарий ва амалий жавоб топиш учун биринчи манба бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари «асари ҳисобланади».

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 й. 4 бет.

Маълумки, биринчи жаҳон иқтисодий инқирози 1857 йилда бўлиб ўтган. Бу инқироз АҚШ темир йўллари компанияларининг банкротга учраши ва акция бозорларининг барбод бўлиши билан боғланган. Шу йили инқироз Англия ва Европа давлатларини камраб олган.

Инқироз даврида АҚШда темир рудаси ишлаб чиқариш 20%га, пахта толаси истеъмол қилиш 27%га камайди. Буюк Британияда корабллар ишлаб чиқариш 26%га, Германияда темир рудаси истеъомли 25%га, Францияда уни ишлаб чиқариш 14%га камайган.

20-асрнинг охири ва 21-асрнинг бошларида, кўпчилик дунёнинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий ишлаб чиқариш, реал иқтисодиёт билан бирга хизмат кўрсатиш соҳалари, айниқса, банкомолия тизимлари юкори суръатларда ривожлана бошлади. Айрим мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда давлат аралашувини кучайтириш билан бирга халқаро миқёсда иқтисодий таракқиётни мувофикаштириш зарурияти келиб чиқиб, уни амалга ошириш учун Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Жаҳон савдо ташкилотлари ташкил этилди.

Бирок бу ўзгаришлар жамият таракқиётига хос иқтисодий инқирозларни бартараф қилишга олиб келмади, аксинча мазкур иқтисодий тўфонлар яна қайтарилиб, уларни бартараф қилиш муракаблашиб борди.

1914 йили биринчи жаҳон уруши бошланиши муносабати билан АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия ҳукуматлари чет эл эмитентларининг акцияларини ҳарбий харажатларини қоплаш мақсадида кенг миқёсда сота бошлади ва бу жаҳон молиявий инқирозига олиб келди, ҳамда товар ва пул бозорларида номувофиқликлар кучайди.

1920-1922 йилларда Дания, Италия, Финляндия, Голландия, Норвегия, АҚШ ва Буюк Британияда банк ва валюта тизимларининг инқирози бўлиб ўтди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари ишлаб чиқаришига энг даҳшатли ва қамровли таъсири қўрсатган инқироз бу 1929-1933 йилларда бўлиб ўтган, «Буюк депрессия» номига эга бўлган жаҳон иқтисодий инқирози ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 1957-1958 йилларда АҚШ, Буюк Британия, Канада, Бельгия, Нидерландия ва бошқа бир гурӯҳ

давлатларда иқтисодий инқироз бўлиб ўтди, уларда ишлаб чиқариш хажми кескин қисқарди.

1973 йили АҚШ да бошланган иқтисодий инқироз бошқа давлатларга тарқалди. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш АҚШ да 13%га, Японияда 20%га, Германияда 22%га, Буюк Британияда 10%га, Францияда 13%га, Италияда 14%га камайди. Акцияларнинг курси АҚШ да 33%га, Италияда 28%га пасайди ва ишсизлар сони 15 млн. кишига етди.

Иқтисодий инқирозлар жараёни мураккаблашиб бориши билан бирга, унга қарши курашиш, улардан чиқиш йўллари ва усууллари ўзгариб борди.

XIX аср ва XX асрнинг бошланишида истеъмолга нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш тан олиниб, инқироз даврида, ортиқча товарларни йўқотиш методларидан кенг фойдаланилди.

XX асрда инқироз шароитида ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жойлаштириш мақсадида капитални экспорт қилиш, янги бозорларни ўзлаштиришдан фойдаланилди.

XX асрнинг охирида ва XXI асрнинг бошланишидан Жаҳон савдо ташкилоти ва Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки иштирокида капитал экспорти, жаҳон молия тизимини тартибга солиш амалиётидан фойдаланиш бошланди.

## 6.2. 1929–1933 йилларда бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий инқирози – «Буюк депрессия»

Инқирозларнинг келиб чиқиш сабабларини, унинг мамлакатлар иқтисодиётiga таъсири, ундан чиқиш чора-тадбирларини тушуниб олиш учун халқаро миқёсда 1929-1933 йилларда бўлиб ўтган энг даҳшатли «Буюк депрессия» деб номланган халқаро иқтисодий инқироз тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофикдир. Чунки бу жаҳон инқирозининг келиб чиқиш сабабларини, оқибатларини ва унга қарши белгиланган чора-тадбирларини ўрганиш ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини яққолроқ тушунишга ёрдам беради.

1929-1933 йиллардаги инқироз фақат иқтисодиётни эмас, балки банк, молия соҳаларини қамраб олди ва мамлакатлар иқтисодиётiga салбий таъсиrlари бўйича инсоният тараққиётида

энг даҳшатли инқироз бўлиб, тасодифан эмаски унга «Буюк депрессия» деб ном берилди.

«Буюк депрессия»нинг мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсирини қуидаги маъту мотлардан билишимиз мумкин:

– 1929 йил 27 октябрь, «Қора пайшанба»да Нью-Йорк фонд биржасида қимматли қоғозларнинг ўртача қиймати 60-70 фоизга қискарди ва кўрилган зарар 40 млрд. долларни ташкил этган;

– иқтисодий инқироз даврида АҚШ саноат компаниялари акцияларининг курси 87%га пасайди ва акция эгаларининг умумий зарари 60 млрд. долларни ташкил этган;

– саноат компаниялари акциялари курси Буюк Британияда-48, Германияда-64, Францияда-60 фоизга пасайди;

– 1929-1933 йилларда саноат маҳсулотининг ҳажми АҚШда-46, Францияда-32, Буюк Британияда-24, Германияда-41 фоизга камайди;

– АҚШнинг ялпи ички маҳсулоти 830 млрд. доллардан 640 млрд. долларга қискарди;

– АҚШда 1929-1933 йилларда очарчиликдан 2 миллион киши вафот этди. Шу даврда ҳар куни 4 та банк ўз фаолиятини тўхтатган, ҳар ойда ишсизлар сони 200 минг кишига кўпайган;

– фонд бозоридаги инқироз 25 миллион кишининг хаётига салбий таъсир кўрсатган;

– АҚШда 130 минг савдо ва саноат фирмалари, 19та темир йўл компаниялари, 5760дан кўп банклар банкротга учраб, миллионлаб омонатчилар хонавайрон бўлишган;

– Америка давлатининг қарзи 13 триллионга етган;

– 32 йирик мамлакатлarda ишсизлар сони 30 миллионга, АҚШда эса 14 миллионга етган;

«Буюк депрессия»дан чиқишида турли мамлакатлар тегишли чора-тадбирларни амалга оширган бўлсада, бу борада АҚШнинг тажрибаси эътиборга сазовор.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида давлат ва хусусий корпорациялар манфаати уйғунлашиб «давлат-монополистик капитализм» деб номланувчи иқтисодий тизим шаклланди.

АҚШ Президенти Франклин Рузвельтнинг давлат аралашувига асосланган «Янги курси» ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш натижасида АҚШ «Буюк депрессия»дан чиқиб кета олди. Бунда АҚШ давлатининг инқироздан чиқиш чора-тадбирлари қўйдагилардан иборат бўлган:

- АҚШ президенти Франклин Рузвельт декретига (1933 йил 5 марта эълон қилинганд) биноан Америка долларининг олтинга нисбатан курси икки марта камайтирилди;
- шу декретга биноан Америка аҳолиси ўзида мавжуд олтин қўймалар, буюмлар ва тангаларни давлатга топшириш мажбурияти тасдиқланди;
- банклар фаолиятида танаффуслар эълон қилинди ва бу пайтда омонатлар берилиши тўхтатилди;
- бир қанча банклар миллийлаштирилди;
- тадбиркорларнинг даромадларига нисбатан солиқ ставкалари кўтарилиди;
  - иш ҳаки, пенсия даражаси оширилди;
  - аҳоли бандлигини кўтариш мақсадида кенг миқёсда давлат ишлари амалга оширилди. Улар ҳисобидан умумий йўллардан 10, янги мактаблардан 35, шаҳар бошқарма биноларидан 65 фоизи курилди.

Кўриниб турибдики. АҚШ Президенти Франклин Рузвельт иқтисодий инқироздан чиқиши мақсадида кўп қиррали ва муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий сиёsatни амалга ошириди.

### **6.3. Ҳозирги жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг келиб чиқиши сабаблари**

1929-1933 йыллардан кейин ҳам бир қатор жаҳон ва минтақавий миқёсдаги иқтисодий инқирозлар бўлиб турди.

Лекин улар ичида 2007 йилда бошланган жаҳон иқтисодий инқирози ўзининг келиб чиқиши сабаблари, мураккаблилиги, кўп қирралиги ва салбий таъсири бўйича аҳамиятга ва тарихий ўринга эга.

Янги жаҳон иқтисодий инқирозининг келиб чиқиши сабаблари, сифатида қайдагиларни кўрсатиш мумкин:

- иқтисодий инқирозларнинг анъанавий асосий сабабини – ишлаб чиқариш салоҳиятининг жамият ишлаб чиқариш ва жисмоний эҳтиёждан ортиқчалигининг саклаб қолиниши ва унинг янада жадаллаштирилиши;
- иносоният тараққиётининг глобаллашуви, миллий ва халқаро ташкилотлар ва корпорациялар иштирокида халқаро бизнесни

ривожлантириш натижасида алоҳида мамлакатлар миқёсида ҳукуматлар томонидан иқтисодиётни тартибга солишининг мураккаблашуви ва миллий иқтисодиётни мувофиқлаштириш имкониятининг пасайиши;

– Жаҳон савдо ташкилоти, Халқаро валюта фонди. Жаҳон банки томонидан умумжаҳон иқтисодий, молиявий алоқаларни тўлиқ тартибга солишининг чекланганлиги;

– Халқаро валюта фонди ва Америка Федерация Захира тизими томонидан асоссиз ва кўп миқдорда долларларнинг эмиссия килиниши;

– кредит бериш тизимининг ҳаддан ташқари ривожланганлиги ва асоссиз, кафолатсиз берилган кредитларнинг кўпайиб бориши. Масалан, АҚШда 2002-2006 йилларда бундай кредитларни салмоғи 6 фоиздан 20 фоизгacha кўтарилиган;

– ипотека кредитининг ҳаддан ташқари ривожланганлиги. АҚШда 2004-2007 йилларда берилган ипотека кредитлар ҳажми 8 триллион доллардан 46 триллион долларга ошган;

– қимматли қоғозлар бозоринининг ҳаддан ташқари ривожланиши. Халқаро миқёсда чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми уларнинг реал асосига нисбатан 10 маротаба кўплиги;

– мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида реал сектор устуворлигининг йўқотилиши. АҚШда 70-йилларда тузилган шартномалардан 90 фоизи иқтисодиётнинг реал секторига тааллукли ва узоқ муддатли бўлган бўлса, XXI аср бошланишида 90 фоиз тузилган шартномалар олди-сотди, қисқа муддатли ва молиявий операциялар бўйича бўлган;

– кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётининг Америкага боғлиқлиги ортиши. 1971 йилдан бошлаб Америка доллари жаҳон захира валютасига айланди. Американинг доллар сиёсати бошқа давлатлар мафаатини эътиборга олиб эмас, балки фақат Америка давлати мафаатини хисобга олиб амалга оширилмоқда. Маълумки, АҚШ жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 20 фоизини ишлаб чиқаради, 40 фоизини истемол қиласи. Демак, Америка импортининг ўзгариши экспортёр давлатларнинг иқтисодиётига таъсир қўрсатиши табиийdir;

– давлат томонидан иқтисодиётни назорат қилиш, уни тартибга солишдаги камчиликлар. Давлат органлари ўз эътиборларини реал иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириб, нореал соҳалар,

хизмат кўрсатиш ва молия-банк алоқаларини мувофиқлаштириш, бозор муносабатларини такомиллаштиришга тегишли эътибор қаратилмади;

– Давлат ва корпоратив қарзларнинг ҳаддан ташқари ошиб бориши. Қарзга ҳаёт кечириш ҳар кунги одатга айланди. АҚШ аҳолисининг Америка Федератив Захира тизими олдидаги карзи 35 триллион долларни ташкил этиб, улар бўйича ҳар йили тўланадиган фоиз 700 млрд. долларни, ёки ялпи ички маҳсулотига нисбатан 7 фоизни ташкил этмоқда. Бу вазиятнинг келиб чиқиш сабабларидан бири-бу олинадиган қарзларга бериладиган фоиз ставкаларининг камайтирилганлигига. Масалан, кўп мамлакатларда қарзлар сиёсатини аниқловчи қайта молиялаштириш фоиз ставкалари 5-6 фоиздан I фоизгача кисқартирилди ва натижада «қарзга яшаш» тизими ривожланиб кетди;

– АҚШ давлат бюджетининг танқислиги 2007-2008 йилларда 161 млрд. доллардан, 407 млрд. долларга кўтарилди;

– миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда табиий ресурслардан ўйламай фойдаланиб хом ашё ҳолида экспортга йўналтирилган тармокларни устувор сифатида ривожлантириш. Бу вазиятда жаҳон бозорларида табиий ресурсларга шакллантирилаётган нарх-наволарнинг ҳаддан ташқари ўзгариб туриши бу йўналишда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига катта таъсири кўрсатмоқда;

– янги молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабабларидан яна бири – бу бир гурӯҳ давлат арбоблари, олимларининг янги жаҳон иқтисодий инқирозининг келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр мулоҳазаларини эътиборга олинманганлиги. Шундай фикр – мулоҳазалар ўз вақтида Рим Папаси Бенедикт 16, Америка Федератив захира тизимининг раҳбари Аллан Гриненен, Россия Федерацияси давлат арбобларидан Егор Гайдар ва Анатолий Чубайлар томонидан айтилган эди.

Кўриниб турибдики XXI аср бошланишидаги иқтисодий инқирознинг сабаблари мураккаб, кўп киррали бўлиб, комплекс характерга эга, у ҳам иқтисодий ҳам молиявий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олиб, унинг мамлакатлар иқтисодиётини ривожланишига салбий таъсири ҳаддан ташқари кучли бўлмоқда. Буни АҚШ ва Россия мисолида кўришимиз мумкин.

## **6.4. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг оқибатлари**

### **а) АҚШ иқтисодиёти мисолида: инқироз оқибатлари, унга қарши чора-тадбирлар.**

– 2798 та компанияларнинг акциялари муомалада бўлувчи Нью-Йорк фонд биржасида акцияларнинг ўртача қиймати 30% га пасайди ва бир йиллик кўрилган зарарлар ҳажми 5 триллион долларни ташкил этди;

– автомобиль ишлаб чиқариш 6 миллиондан 5 миллионга қисқартирилиши оқибатида бу тармоқ билан алоқадор соҳаларда ҳам ишлаб чиқариш қисқарди. Форд компаниясининг икки йил ичида инқироздан кўрган зарари 20 млрд. долларни ташкил этди;

– АҚШ фонд бозорларида акциялар қийматининг пасайиши компаниялар активлари қийматини 10 триллион долларга камайишига олиб келди;

– ишсизлар сони 2 млн.га кўпайиб, 10 фоиздан юкори бўлди. Фақатгина 2008 йилда млн. ишдан бўшатилганларнинг сони молиявий тизимда 111, машинасозлик тармоғида 95, транспорт 62, чакана савдода 51, коммуникация соҳасида 28 минг кишини ташкил этди. 2007-2009 йилларда АҚШда ишсизлар даражаси 4,6 фоиздан 10,2 фоизга, Японияда 3,8 фоиздан 4,4 физга, Буюк Британияда 5,5 фоиздан 6,4, Германияда 7 фоиздан 9,2 фоизга кўтарилиди;

– 300 млн. аҳолидан 14 фоизи қашшоқликда, 27 фоизи қамбағалликда ҳаёт кечирмоқда;

– 2003 йил сентябрдан кейинги ўтган даврларда долларнинг бошқа валюталарга нисбатан қиймати 25 фоизга пасайди ва бу Америка савдо айланмасининг қисқариши ва давлат қарзларининг кўпайиши оқибатидир;

– йиллик инфляция даражаси 15 фоиздан ошиб кетди;

– Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Америка иқтисодиётига салбий таъсири янада даҳшатли бўлиши мумкин эди, лекин жаҳон социалистик тизимнинг емирилиши, собиқ СССР давлатининг тарқатилиши АҚШ нинг умумий ривожланишига, унинг дунё иқтисодиётига таъсирини кучайтиришга янги имкониятлар яратди.

– 2007-2009 йилларда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарishning ўсиш суръатлари АҚШ да 2 фоиздан 0,05 фоизга, Японияда

2 фоиздан 0,4 фоизга камайди. Буюк Британияда эса 2007-2008 йилларда бу күрсаткыч 3 фоиздан 0,9 фоизга пасайиб, 2009 йил ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 0,1 фоизга камайди. Германияда ишлаб чиқарышнинг ривожланиши 2007-2008 йилларда 2,5 фоиздан 0,58 фоизга пасайиб, 2009 йили 2008 йилга нисбатан 0,5 фоизга камайди.

Кўриниб тарибдикি, АҚШ ипотека тизимида бошланиб, бошқа соҳаларни қамраб олган янги жаҳон иқтисодий инқирози, кейинчалик бошқа мамлакатларга тарқалиб, улар иқтисодиётига кенг миқёсда салбий таъсир кўрсатмоқда.

### **АҚШ хукуматининг чора-тадбирлари**

– АҚШ молия вазири Генри Полсон томонидан 219 бетдан иборат инқирозга қарши чора-тадбирлар лойиҳаси ишлаб чиқилди ва уни амалга ошириш мақсадида 700 млрд. доллар ажратиш режалаштирилди.

– Терроризмга (2001 йил 11 сентябрь воқеаси) ва атом куролига эга янги мамлакатлар пайдо бўлишига қарши курашиб мақсадида ҳарбий саноат комплекси ривожлантирилмоқда ва бу чора-тадбир мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиб, ишлаб чиқарышни ривожлантириб, аҳоли бандлигини кўтариб, мамлакатда ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол жараёнини кенгайтироқда.

– Америка давлати оғир ахволга тушиб колган компания, банк, қурилиш ва сутурта ташкилотларини миллийлаштирунганда.

– 2003-2008 йилларда Америка доллари курси 25% га қиқартирилди ва бу ўз навбатида мамлакатга товарлар импорт қилинишини камайтириб, экспортни кенгайтириб, қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш имкониятини бермоқда.

– Мамлакатда кенг миқёсда ижтимоий лойиҳалар – иш ҳақини ошириш, ишдан бўшатилганларга кўп вақт мобайнида нафака сифатида иш ҳақи тўлаб туриш, соликқа тортиш бўйича янги имтиёзлар бериш, ижтимоий ишлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатда ишсизларни иш жойлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Қабул қилинган лойиҳаларга биноан янги 3 миллионга яқин иш жойларини барпо этиш

режалаштирилган. Ўз вактида бўлиб ўтган «Буюк депрессия» жаҳон инқирозидан чикиш учун фойдаланилган тажрибадан келиб чиқиб, бу гал ҳам давлат харажатлари тизимидан фойдаланилмоқда, яъни давлат маблағлари ҳисобидан мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини кўтариш ва товархизматларга бўлган ички талабни кучайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Лекин бу инқирозга қарши чора бўлиб, шу билан бирга у давлат карзларининг кўпайишига олиб келмоқда. Ҳозирги даврда Америка давлатининг карзи 13 триллиондан ошибкетди.

– Молия тизимини монополлаштириш амалга оширилмоқда, яъни мамлакат миқёсида молия тизими органлари фаолиятини мувофиқлаштириш АҚШ Федерал Захира тизими зиммасига топширилмоқда.

– АҚШ конгрессининг қарорига биноан мамлакатдаги энг ийрик ипотека компанияларидан бўлган FANNIE MAE ва FREDDIE MAC ларни саклаб қолиш учун 200 млрд. доллар маблағ ажратилди.

Америка Молия вазирлиги Федерал ипотека ассоциацияси ва Уй-жой ипотека кредити Федерал Корпорациялари устидан раҳбарликни ўз зиммасига олди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида бу компанияларнинг капитализацияси 62 млрд. доллардан 10,9 млрд. долларга камайди. Бу компаниялар мамлакатдаги ипотека операцияларидан 70 фоизини амалта ошираётган эди.

– Америка ҳукуматининг қарорига биноан жаҳонга машхур бўлган ALG суғурта компанияси банкрот бўлиш арафасига тушиб қолганлиги сабабли давлат суғурта ташкилотига айлантирилди.

– АҚШда жаҳон инқирозига қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар мамлакатга Барак Обама Президент лавозимига сайланиши муносабати билан янада кенгайтирилмоқда.

Барака Обама сайловдан олдинги дастурига биноан жаҳон инқирозига қарши чора-тадбирларга 825 млрд. доллар ажратмоқчи эди. Ундан 550 млрд. долларни мамлакатни инфратузилмасини ривожлантиришга, 275 млрд. долларини солиқ юкини камайтиришга ва янги иш жойларини ташкил этишга режалаштирилган эди. Сайлов ўтгандан сўнг АҚШ конгресининг қарорига биноан

инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун 787 млрд. доллар ажратилди.

Ажратилған маблағлар ижтимоий соҳалар бўйича таълим, соғлиқни саклашни ривожлантиришга, ишсизликни камайтиришга, иқтисодиёт соҳа бўйича энергетика, транспорт тармоқларини, кишлөк хўжалигида йўл хўжалигини ривожлантиришга, кичик бизнесга кафолатланган кредитлар беришга ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга мўлжалланган.

Америка ҳукуматининг бу чора-тадбирларини амалга ошириш хозирни ўзидаёқ ижобий натижаларга олиб келмоқда демак бу гал ҳам «Буюк депрессия» давридек АҚШ жаҳон молиявий – иқтисодий инқироздан чиқиш имкониятига эга.

### **Россия Федерацияси иқтисодиёти мисолида: инқироз оқибатлари ва унга қарши чора-тадбирлар**

- 2008 йил 19 майдан 25 ноябргача Россиянинг фонд бозорларида акцияларнинг курси 72 фойзга пасайди ва умуний кўрилган заарлар 1 триллион долларни ташкил қилди;
- фонд бозорларида акцияларнинг курси пасайиши натижасида Россия олигархларининг капиталлари 70 фойзга камайди;
- Россия олигархларидан Олег Дерибасийнинг капитали 18 млрд. долларга, Владимир Лисиннинг капитали 75% га, Дмитрий Дашибачевнинг капитали 90% га камайди;
- 25 та йирик Россия компанияларининг инқироздан кўрган зиёни 230 млрд. долларни ташкил этди;
- 2008 йил февралидан 2009 йил февралигача автомобил ишлаб чиқариш 35% га камайди;
- Россиянинг экспорти қисқармоқда, чунки улар сотадиган рангли металларга нарх-наво 2 марта, алюминийга 60% га, никельга 75% га, бир баррель нефтга 2008 йил июндаги 147 доллардан 2008 йил декабрда 39 долларга пасайди;
- маълумки қайта молиялаш ставкаси ўртacha Россияда 12%, хорижий мамлакатларда 2% атрофида. Шу сабабли Россия банклари, компаниялари кредитларни кўпроқ хорижий мамлакатлардан олмоқдалар. Уларнинг ҳажми 400 млрд. доллардан ошиб кетди;
- Россиянинг 60 та банклари банкротликка учради, кўплаб корхоналар ўз фаолиятини тўхтатди;

– ишсизлар сони 2 миллионга кўпайди, уларнинг даражаси 10% дан ошиб кетди, бу кўрсаткичнинг ҳалқаро қабул қилинган меъёр даражаси 5-6% дир.

– ўтган йилларда Россия давлат бюджети профицит билан якунланаётган эди, лекин жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсири билан давлат бюджети яна танқисликка учраб, унинг даражаси 10% дан ошиб кетди. Бу кўрсаткич бўйича қабул қилинган ҳалқаро меъёр 3% ни ташкил этади;

– ипотека кредити ҳаддан ташқари ривожлантирилди. Асоссиз берилган кредитлар кўплиги ва кредитларга юкори бўлмаган фоизлар белгиланганлиги. Кейинчалик бу фоизлар кўтарилиди, бериладиган кредитлар камайди, уй-жойга нарх-наво пасайди, кредит олганлар кредитларини ўз вақтида қайтариб бериш қобилиятига эга эмас.

Янги молиявий-иктисодий инқироз АҚШ ва Россиядан ташқари бошқа мамлакатлар иктисодиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмокда.

Бу инқироздан бутун жаҳонда кўрилган зарар бугунги кунга келиб 2 триллион долларни ташкил этди, лекин уларнинг ҳажми 5 триллион долларга етиб бориш эҳтимоли бор.

Кўриниб турибдики XXI аср бошланишига тааллуқли жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг оқибатлари кўп қиррали ва оғир, лекин тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмаса бу натижалар янада оғирлашиш эҳтимоли бор. Бунга жавобан АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларда тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### **Россия хукуматининг чора-тадбирлари**

– 55 моддадан иборат жаҳон молиявий-иктисодий инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури тузилган, тасдиқланган, унда реал секторга ёрдам кўрсатиш, давлат буюртмаларини амалга ошириш ва ипотекани молиялаштириш кўзда тутилган;

– Россия Федерацияси молиявий тизимини қўллаб-куватлаш тўғрисидаги Конун қабул қилинган. Унга биноан Ташқи иктисолиёт банкига Россия ташкилотлари томонидан 2008 йил сентябргача хорижий ташкилотлардан олинган кредитларни қайтариб бериш учун хорижий валютада кредит бериш хукуқи аниқланган;

- Россия иқтисодиётининг 2020 йилгача ривожланиш дастури тузилган ва тасдиқланган;
- солик юкини камайтириш, алохидар тармоқ, корхоналарнинг жаҳон инқирозининг салбий таъсиридан сақлаб қолиш учун 50 млрд. рубль, кичик бизнесни қуллаб-кувватлаш учун 10,5 млрд. рубль, ташки иқтисодиёт банкига ёрдам сифатида 30 млрд. рубль ажратилди;
- курилиш даражаси юкори бўлган уй-жой объектларини давлат томонидан адолатли бозор нархларида сотиб олиш;
- умумий иш ҳаки фондини 30 фоизга, минимал иш ҳакини 2300 рублдан 4330 рублига, ишсизлик бўйича нафақани 4900 рублгача, пенсияни 34 фоизгача кўтариш;
- Роснефть компаниясига 3 млрд. доллар, Лукойлга 2 млрд. доллар, Газпромга 1 млрд. доллар миқдорида ёрдам кўрсатиш;
- Россия банкларига муддати 10 йиллик 1 трл. рубль ҳажмида субординация қилинган кредит ажратилди;
- банклар банкрот бўлса давлат томонидан омонатчиларнинг омонатларини беришни кафолатлаш;
- мамлакатда мавжуд меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўли билан хорижий иш кучига Россиянинг талабини 3 млн. кишидан 1,5 кишига камайтириш;
- хукумат захира фондидан жаҳон инқирози шароитида қўллаб-кувватлаш учун пенсия фондига, мажбурий тибиёт сугурта фондига ва ижтимоий сугурта фондига 500 млрд. рубль ажратилди;
- мамлакат экспорти ва импорти ўртасидаги муносабатни такомиллаштириб, мамлакат ички талаби ривожини рағбатлантириш режалаштирилди;
- юкори технологик ва юкори самарали тармоқларни юкори суръатларда ривожлантириш;
- Мехнат кобилиятига эга ахолини меҳнат билан бандлик даражасини кўтариш мақсадида давлат маблаглари ҳисобидан меҳнат ресурлари малакасини ошириш ва уларни янги мутахассисликларга тайёрлаш.

Мамлакат фонд бозорини қўллаб-кувватлаш учун 500 млрд. рубль ажратиш ва умуман инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун 1,5 триллион рубль ажратиш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз бутун дунё мамлакатларига таъсир кўрсатмоқда. Бунга жавобан ҳамма мамлакатлар,

албатта, инқирозга қарши чора-тадбирларга тегишли маблағларни ажратмоқдалар.

Масалан, дунёдаги йирик мамлакатлар инқирозга қарши лойиҳалар, чора-тадбирларни амалга ошириш учун 9,4 триллион доллар хажмида маблағ ажратганлар.

Давлатларнинг ташки қарзлари салмоғи 2005-2008 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан Россияда 33 фоиздан 38 фоизгача, Қозоғистонда 58 фоиздан 100 фоизга, АҚШ да 80 фоиздан 85 фоизгача, Украинада 42 фоиздан 62 фоизга кўпайган. Шу даврда Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 31,3 фоиздан 13,3 фоизга пасайтирилган. Демак, Республика иқтисодиётининг хорижий мамлакатларга қарамлиги йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Юкорида келтирилганидек, янги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Россия Федерацияси иқтисодиётига фожеали таъсир кўрсатмоқда. Лекин мамлакатда инқирозга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижобий натижаларни бера бошлади. 2008 йили Россия банкларига аҳоли томонидан кўйилган омонатлар 180 млрд. рублга кўпайиб, уларнинг умумий хажми 5,7 трлн. рублдан ошиб кетди. Шу йилги Россия иқтисодиётига йўналтирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2007 йилга нисбатан 3 марта кўпайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини жаҳондаги энг йирик давлатлардан бўлмиш АҚШ ва Россия Федерацияси иқтисодиёти мисолида кўриб чиқиш бизни шундай хulosага олиб келдики. XXI аср бошланишидаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози «Буюк депрессия»га нисбатан ҳам кўп қиррали, чуқур, мураккаб ва кенг кўламли, салбий таъсирли бўлиб чиқмоқда. Бу хulosадан келиб чиқиб ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг хусусиятлари фикримизча қўйидагилардан иборат:

- классиклар таълимотининг ҳаққонийлиги тасдиқланди. Улар бундан 150 йил олдин иқтисодий инқирозлар жамиятнинг унинг йўлдоши эканлиги ва Уолл-Стритни қўллашини тасдиқлаб берган эдилар;

- жамият эҳтиёжига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, жамиятнинг тул маблағларига бўлган эҳтиёжига нисбатан кўпроқ пуллар, қимматли қоғозлар ишлаб чиқариш билан бирга амалга оширилмоқда;

- иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг асосий қисми реал иқтисодиётни эмас, хизмат кўрсатиш соҳаларини банк-молия тизимларини ривожлантириш учун ажратилганлиги;
- даромад даражаси бўйича аҳолининг ҳаддан ташқари табаклашганлиги. Масалан, АҚШ да 1 фоиз аҳоли мамлакатнинг 45 фоиз молиявий ресурсларига эгалик қиласиди;
- жаҳон иқтисодиётининг Америка иқтисодиёти билан чамбарчас боғланганлиги. Америка доллари жаҳон захира валютаси ҳисобланади. Америка долларининг 10 фоизи миллий валюта, 90 фоизи эса жаҳон валютаси сифатида фойдаланилади;
- жаҳонда ижтимоий ишлаб чиқариш глобаллашмоқда ва натижада алоҳида давлатлар раҳбарияти ўз мамлакатлари миқёсида у ёқда турсин, халқаро ташкилотлар Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фондлари ҳам халқаро миқёсда иқтисодий ривожланишни мувофиқлаштириш имкониятига эга бўлмаяптилар;
- ижтимоий меҳнат тақсимотига биноан алоҳида мамлакатлар ҳом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришга ихтиослашмоқда (нефть, газ, олтин ва ҳоказо) ва уларга жаҳон бозорида нарх-наво ҳаддан ташқари кўтарилиб, ёки қисқариб бориши салбий таъсир кўрсатмоқда;
- Ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози барча мамлакатлар иқтисодиётига таъсир кўрсатмоқда. Бу вазиятда Ўзбекистон республикаси иқтисодиётига бу инқироз таъсирини баҳолаш ва бу инқироз шароитида республика иқтисодиёти ҳолатини таҳлил қилиш долзарб муаммога айланди.

## **6.5. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти**

**а) И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асарида ҳозирги замон молиявий-иктисодий инқирозга берилгани тавсиф.**

Ўзбекистон Республикаси сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиб, ўз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида «Ўзбек модели»ни ишлаб чиқиб, уни кенг миқёсда амалга

ошириб, ўзининг ижтимоий-иктисодий тараққиётида ижобий натижаларни кўлга киритмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан иктисодий алоқаларни юкори суръатларда ривожлантирмоқда, жаҳон бозор иктисодиётига фаол кириб бормоқда.

Жаҳондаги ишлаб чиқариш тараққиёти ҳозирги пайтда: биринчидан, алоҳида мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш натижасидир, иккинчидан, жаҳон мамлакатларида интеграциялашув жараёнининг ривожланиб бориши ва учинчидан, жаҳон иктисодиётининг глобаллашув асосида ҳар томонлама ривожланishi натижасидадир.

Ҳозирги даврда жаҳон иктисодиётининг тараққиётида ҳалқаро, миллий иктисодиётлардан устун турдиган иктисодий йўналишлар кескин амалга оширилмоқда.

Натижада алоҳида, айниқса иктисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ва жаҳон иктисодиётидан барпо бўлаётган жиддий ўзгаришлар ҳалқаро жараёнлар орқали бутун дунё мамлакатлари иктисодиётига кескин ва бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Шундай салбий жараёнлардан бири, албагта, ҳозирги даврда юз берастган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозидир.

Шу боисдан табиийки савол туғилди. Янги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози Ўзбекистон Республикаси иктисодиётига таъсир кўрсатяптими, бу таъсир қандай даражада ва бу инқирознинг салбий таъсирларини пасайтириш, инқироздан чиқиб кетиш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?

Бу саволларга жавоб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш-давр талаби» мавзусидаги ва «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарраф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида батагфисил жавоблар берилди.

Ўзбекистон Республикаси иктисодиёти жаҳон иктисодиёти, алоҳида мамлакатлар иктисодиёти билан чамбарчас боғланган.

Жаҳон миқёсида, алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида бўлаётган иқтисодий ўзгаришларни Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири табиий. Бу вазият ҳозирги замон жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози даврига тааллукли.

Бу вазиятни аниклаш учун биринчи манба бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари «Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асари ҳисобланади.

И.А. Каримов ўз асарида ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, унинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири, инқироз шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳолати ва республикада инқирозга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёритилган.

И.А. Каримов таъкидлайдики: «Бу инқироз Америка Кўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»<sup>1</sup>.

И.А. Каримов жаҳон молиявий-иктисодий инқирози асосий сабабини ва унинг оқибатларини аниклаб шундай дейдилар: «Молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик қўламининг чекланиши, талаб ва ҳалқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талофатлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда» ва «...авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия – банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009, 4 бет.

иш юритиб келган, кредит ва қимматли қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўклигини ҳам тасдиклади.»<sup>1</sup>

Дунё мамлакатлари ўзларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши ҳар хил даражада бўлганлиги ва улар ўз ижтимоий тараққиётида ҳар хил тизимлардан, методлардан фойдалангани сабабли, уларнинг иқтисодиётига жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳар хил таъсир қилиши мумкинлигини кўзда тутиб, И.А. Каримов шундай дейди: «...молиявий-иктисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, қўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни бу аввало, ана шу давлатнинг молия – валюта тизими нечоғлик мустахкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви, ликвидлиги, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканлигига, шунингдек, олтин валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард – натижада – мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатбардошлиқ даражасига боғлиқ».<sup>2</sup> Бу фикр-мулоҳазаларнинг асосланганлиги Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар мисолида тўлиқ тасдикланмоқда.

Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидан чиқиш шартшароитларида тўхталиб И.А. Каримов тасдиқлайдиларки: «...жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чоратадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйгуниллигига боғлиқ»<sup>3</sup>.

И.А. Каримов ўз асарида жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида республика иқтисодиёти ҳолатини баҳолаб, инқирознинг республика иқтисодиётига салбий таъсирини енгиллаштириш ва ундан чиқиш йўлларини кўрсатиб бердилар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари . Тошкент: 2009, 5 бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда 5 – 6 бетлар.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 6 бет.

И.А. Каримов жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг мазмун-моҳиятига тўхталиб унинг қуидаги хусусиятларга эга эканлигини кўрсатиб бердилар:

- инқироз бутун дунё мамлакатларини қамраб олмоқда;
- инқироз инвестицион фаолликни чеклаб, ишлаб чиқаришни кисқартирмоқда;
- мавжуд молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар борлиги ва бу тизимни ислоҳ қилиш зарурлиги;
- корпоратив манфаатларни кўзлаб, спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан тегишли даражадаги назоратнинг йўқлиги;
- жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг мамлакатлар иктисолдиётига салбий таъсирининг даражаси, уларда мавжуд молия-банк тизимининг мустаҳкамлик даражаси, олтин-валюта захираларининг ҳажми, кредит институтларининг капиталлашув, ликвидлик даражаси ва мамлакат иктисолдиётининг барқарорлиги билан боғлиқлиги;
- жаҳон молиявий-иктисодий инқирозидан чиқиш алоҳида мамлакатларда ва ҳалқаро миқёсда амалга ошириладиган чоратадбирлар билан боғлиқлиги;
- эндиликда жаҳон молиявий-иктисодий инқирозини олдини олиш эмас, балки унинг салбий таъсиrlарини юмшатиш, уларни бартараф этиб, инқироздан чиқиш чора-тадбирларни амалга ошириш.

И.А. Каримов жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида тўхталиб, улар сифатида инқирознинг мазмун-моҳияти, хусусиятларидан келиб чиқиб қуидагиларни кўрсатдилар:

- ҳозирги замон банк тизимининг такомиллашмаганлиги;
- жаҳон валюта тизимини ташкил қилишдаги камчиликларнинг мавжудлиги;
- миллий кредит институтлари капиталлашув даражасининг пастлиги;
- миллий банкларнинг хорижий банкларга қарамлиги;
- мамлакатларда олтин-валюта захиралариниг етишмаслиги;
- кўп қарздорларнинг олинган миллий ва хорижий кредитларни қайтариш қобилиятига эга эмаслиги;
- иктисолиёти нобарқарорлик хусусиятига эга бўлган мамлакатларнинг мавжудлиги.

## **б). Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида республика иқтисодиёти ҳолати, уни аниқловчи омиллар.**

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига таъсири тўғрисида И. А. Каримов таъкидлайдиларки: «Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмайдиган ҳато бўлар эди.

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий иқтисодий бозорнинг ажralмас тарқибий қисми ҳисобланади... Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди».<sup>1</sup>

Лекин бу таъсир бир қанча бошқа мамлакатларга ўхшаб ҳаддан ташқари эмас. Жаҳон бозорида Ўзбекистон экспорт қиласидиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи пасайиб бормоқда. Бу вазият республика экспортига, бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш суръатлари ва улар билан боғлиқ бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Шунга қарамасдан Республика иқтисодиёти, унинг мустақиллик йилларида, айниқса жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг асосий даври бўлмиш 2008 йилда бошқа мамлакатларга нисбатан юқори ижобий суратларда ривожланди.

2008 йилда республика ялпи ички маҳсулоти 9% га, саноат маҳсулоти 12,7%, истеъмол товарлар ишлаб чиқариш 17,7% га, хизмат кўрсатиш 21,3% кўпайди.

Давлат бюджетининг тақчиллиги бартараф этилиб, профицит даражаси 1,5% ни ташкил этди. Йиллик инфляция даражаси 7,8% да сақлаб қолинди.

Ўртacha иш ҳақи бюджет ташкилотларида 50% га, бутун иқтисодиёт бўйича 40% га кўтарилди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари . Тошкент 2009, 11 – 12 бетлар.

Инқирознинг салбий таъсирига қарамасдан 2008 йилда Республика савдо айланмаси 21,4% га, экспорти 28,7% га кўпайди. Республика экспорти ва импортининг таркиби такомиллаштирилмоқда.

Республика иқтисодиётига йўналтирилган хорижий инвестициялар 46% га кўпайтирилди. Шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар 74%га ошди.

Меҳнатга лаёқатли республика аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш мақсадида 661 мингга яқин, шу жумладан кичик бизнес соҳасида 374 минг, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 220 минг, касаначилик ҳисобидан эса 97 800 та янги иш жойлари яратилди.

Мамлакат банкларининг жами капитали 40% га кўпайди.

Республика Президентининг Фармонига биноан фуқароларнинг банклар депозитларидағи омонатлари, уларнинг микдоридан қатъий назар, давлат томонидан тўла кафолатланди.

2009 йилнинг 1 январигача Ўзбекистон Республикасининг жами ташқи карзи республика ялпи ички маҳсулотига нисбатан 13,3% ни ташкил этади, ва бу кўрсаткич халқаро мезонлар бўйича «ҳар жихатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида ҳам юқори суръатлар билан ривожланмоқда.

Республика Президенти И. А. Каримов Республикасининг 2008 йилги ижтимоий-иктисодий тараққиётини баҳолаб шундай дедилар: «Мұхтасар қилиб айтганда 2008 йил биз учун биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун, ғоят мураккаб ва оғир йил бўлди. Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафакат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришдик»<sup>1</sup>.

Табиийки, савол туғилади, бунга сабаб нимада? Бунга сабаб – Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтиш борасидаги хусусиятлари ва Президентимиз И.А. Каримов томонидан асосланган ва амалга оширилаётган бозор муносабатларига

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009, 14-15 бет.

ўтишнинг «ўзбек модели» ва уни амалга оширилиши натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлайдиларки. «Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизациялаш модели орқали биз ўз олдимизга узоқ ва давомли миллий манбаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало «шок терапия» деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасавурлардан воз кечдик»...

«Биз истиқлонинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб нақадар тўғри ва пухта эканлигини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели» ҳамма тамойиллари бўйича жаҳон молиявий-иктисодий инкиrozига қарши чора-тадбирлар сифатида чиқди.

Жумладан иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодиётни сиёsatдан устувор бўлиши тамойилини амалга оширишда, ижтимоий-иктисодий таракқиёт йўналишини аниқлашда Республика раҳбарияти томонидан эътибор марказида аввалимбор, реал иқтисодиётни ривожлантириш муаммосига эътибор қаратилди ва у амалга оширилмоқда.

Давлатнинг асосий ислоҳотчилиги тамойили асосида Республикада бозор муносабатларига ўтиш учун иқтисодий ислоҳотлари концепцияси ишлаб чиқилди, ва амалга оширила бошланди ҳамда бу борада ҳар-хил иқтисодий-социал-ижтимоий зиддиятларга олиб келувчи ҳаракатларга йўл қўйилмаяпти. Бу вазиятни тасдиқлаб И. А. Каримов таъкидлайдиларки: «Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манбаатларини тақозо этган ҳолатларида ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланилди ва бундай ёндашув охир-окибатда ўзини оқлади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009, 7, 30-31 бет

<sup>2</sup> Ўша жойда, 8 бет.

Конуннинг устуворлиги тамойил асосида бутун жамиятнинг ривожланишида айниқса, банк-молия тизимида, ноконуний фаолиятларни амалга оширишга йўл қўйилмаяпти. Жумладан банк тизимида, кафолатсиз кредитлар берилишига йўл қўйилмади. Бундай кредитлар Америкада барча берилган кредитлар таркибини 20% ни ташкил этган.

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш тамойилига асосланиб республикада кенг миқёсда аҳолини меҳнат билан бандлик даражасини ошириш ва республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Социал йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш «шок терапия» йўли билан эмас эволюцион тарзда аста-секинлик билан, бозор иқтисодиётини шаклантириш жараёнида аҳолининг даромадлар бўйича ҳаддан ташқари табақаланишига йўл қўймасдан, ижтимоий зиддиятларни кучайтирмасдан амалга оширилмоқда.

Республикадаги бу вазиятни баҳолаб И.А. Каримов айтадиларки: «Бугунти кунда мамлакатимизни, аввало иқтисодиётимизни ислох этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошка таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиласиган кучли тўсиқ айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди»<sup>1</sup>

### **в) Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарши республикада амалга оширилаётган чора –тадбирлар.**

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига ҳаддан ташқари кучли салбий таъсир кўрсатмаганligининг яна бир сабаби бу – ўз вактида республикада инқироз бошланганligини сезиб, унинг хавфлилигини эътиборга олиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширила бошланганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашуви ва уларни иқтисодиётни модернизациялаш бўйича инвестициялаш жараёнларида фаол катнашувини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори қабул қилинди. Унга биноан давлат

<sup>1</sup> Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009, 31 бет.

бюджетига ўтказиладиган Марказий банк фойдасидан Микро кредитбанк Устав фондини 32 млрд. сўмга, Пахта банк, Ипотека банк Устав фондларини 15 млрд. сўмга кўлайтириш учун маблағлар ажратилди.

2008 йил 28 ноябрда «Иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналарнинг барқарорлик фаолияти ва экспорт салоҳиятини кўллаб-кувватлаш бўйича» Республика Президентининг Фармони қабул қилинди. Бу Фармонга биноан куйидаги муаммоларнинг ечилиши кўзда тутилди:

- иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва компанияларини модернизациялаш, техникавий ва технологик қайта куроллантириш;
- экспортга йўналтирилган, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш тармоқларини юкори суръатларда ривожлантириш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни бузмаган ҳолда сарф-харажатларни камайтириш;
- республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рақобатбар дошлигини кўтариш;
- республика аҳолиси эҳтиёжларини кондирувчи маҳсулотларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш.

Ундан ташқари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши курашиш ва ундан самарали чиқиш мақсадида республикада бир қатор қарорлар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг: «Реал секторни кредитлашни кенгайтириш ва корхоналарнинг экспорт салоҳиятини кўтариш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «2009-2013 йилларда электроэнергетикани модернизациялаш, энергия харажатларини қисқартириш, энергияни тежаш тизимини жорий қилиш дастури тўғрисида»ги, «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг инвестиция фаолиятини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг: «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредит билан таъминланганлик ва инвестицион фаоллигини кўллаб-кувватлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Республика ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари рақобатбардошлигини кўтариш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинди.

Демак, Республикада жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига карши, унинг салбий оқибатларини юмшатиш ва ундан чиқиш мақсадида кенг микёсда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўриниб турибдики, бу чора-тадбирлар республика иқтисодиётини жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Республикадаги бу вазиятни ифодалаб, И.А. Каримов шундай дейдилар. «Интеграциялашган глобал иқтисодий маконининг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларини хис этаётгани ва бундан кейин ҳам хис этишини биз яхши тасаввур қиласмиш. Шундан келиб чиқкан ҳолда, биз иқтисодиётимиздаги реал ахвол ва шароитларни хисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаск инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришган эдик...»

Мухтасар айтганда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди ва 2009 йилнинг январь ойи якушлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, аммо ишончли натижаларини берадиганини кўрсатмоқда».<sup>1</sup>

2009-2012 йилларга мўлжалланган республиканинг инқирозга қарши Дастури 2008 йил 2 декабрда қабул қилинди.

Демак, Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш даврида ўзининг ижтимоий-иктисодий тараккиёти натижасида жаҳон бозор иқтисодиётига кира бораётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсирларини ўз вактида ишорга олган давлатлардан биридир.

Шундай экан, республика иқтисодиёти шу даврда қандай ҳолат, ҳусусият ва қўреаткичлар билан тавсифланади? – деган савол туғилади.

1991-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси ички иқтисодий инқирозга учраган йиллар, яъни ижтимоний ишлаб чиқарни орксага кетган йиллар ялпи ички маҳсулот 18,9% га камайсанг онка ҳамдўстлик мамлакатларида бу кўреаткич 35-55 % ни ташкил этиш

1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакати тар тикибida биринчи бўлиб иқтисодий инқироздан чиққан 1996-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация кичин ва янгилашни ишинг тарафида. «Ўзбекистон овози» газетаси, 14 февраль 2009 йил

йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш олдинги даврга таққосланганда кўпая бошлаган. Олдин бу кўпайиш 2-5 % ни ташкил қилган бўлса, охирги 5 йил мобайнида бу кўрсаткич 8-9 % ни ташкил этмоқда.

2001 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш натижалари бўйича даражаси 1990 йил даражасига кўтарилиди, яъни республика барча ҳамдўстлик давлатлари орасида яна биринчи бўлиб ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мустақилликдан олдинги даражага кўтарилиди. 2001-2009 йилларда ҳамдўстлик мамлакатлардан яна 8 таси бу ютуқни кўлга киритдилар ва мазкур мамлакатлардан қолган 3 тасида иқтисодиёт даржаси 1990 йилги даражасига эришилгани йўқ.

Республикада иқтисодиётни саноатлаштириш жараёни жадаллаштирилмоқда. 2001-2008 йилларда республикада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот таркибида саноат маҳсулотининг салмоғи 14,2% дан 22,3% га кўтарилиди.

Бу иқтисодий тараққиёт республиканинг асосий капиталига йўналтирилган инвестициялар натижасидир. Мустақиллик йилларида республика асосий капиталига киритилган инвестициялар хар илини олдинги 5-10% ўрнига, кейинги йилларда 10-30% га ошиб бормоқда.

Республика аҳолисининг турмуш даражаси ҳам ошиб бормоқда. Масалан, бюджет соҳасида фаолият юритувчи ходимларнинг иш ҳақи ҳажми ўсиши ҳар йили 20-30% ни ташкил этган бўлса, охирги йилларда 40-50% га кўтарилиб бормоқда.

Республика ташки савдо айланмаси, экспорти, импорти мустақиллик даврида доимо ривожланиб бориб, уларнинг ҳар йилги ўсиш суръатлари 20-30% ни ташкил этмоқда. Республика 1994 йилдан бошлаб ташки савдо айланмаси бўйича ижобий сальдога эга ва бу сальдо 1994 йили 80,4 млн. доллар, 2007 йили 2,3 млрд. доллар, 2008 йили 4,1 млрд. долларни ташкил этди.

Республика кишлоқ хўжалиги ҳам юқори суръатларда ривожлантирилмоқда. Кишлоқ хўжалигига фермерлаштириш сиёсати амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда фермер хўжаликлар республикада етиштирилаётган пахтанинг 99,1% ини, ғаллани 79,2% ини ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон банк тизими янада такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Республика тижорат банкларининг умумий

капитали 2004-2008 йилларда 824,1 млрд. сўмдан, 2104,3 млрд. сўмга кўпайди.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар ҳажми 2001-2008 йилларда 171,5 млрд. сўмдан 1251,0 млрд. сўмга кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республика иқтисодиётининг асосий ишлаб чиқариш секторига айлантирилмоқда. 2000-2008 йилларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 142,9 мингдан 308,6 мингга етказилди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот республика ялпи ички маҳсулот таркибида 2000-2008 йилларда 31% дан 48,2 % га кўтарилди.

Республикада хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг республика ялпи ички маҳсулот таркибидаги салмоги 2000-2008 йилларда 37,2% дан 45,3% га кўтарилди.

Республикада банк тизимини такомиллаштиришга, ривожлантиришга алоҳида эътибор ажратилмоқда. 2000-2008 йилларда республика банкларининг ялпи капитали 1 триллион сўмдан 2,1 триллион сўмга ошди, активлари 1,8 триллиондан 12 триллионга, жалб килинган депозитлар 0,2 триллиондан 4,5 триллионга, берилган кредитлар 1 триллиондан 6,2 триллион сўмга кўпайди.

Республикада амалга оширилаётган чора-тадбирлар, тамойиллардан келиб чиқиб, 2009 йилда ҳам мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий тараккиёти бўйича нисбатан юқори даражадаги кўрсаткичлар режалаштирилган. 2009 йилда республикада ялпи ички маҳсулот 8,0, бюджет даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,2, саноат маҳсулоти 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти 5,0 ва асосий капиталга киритиладиган инвестициялар 18% га ўсиши лозим. Давлат бюджетининг профицит даражаси 1% ни, йиллик инфляция даражаси 7-9% ни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараккиётида бозор муносабатларига ўтиш максадида «Ўзбек модели» ни ишлаб чиқиб уни амалиётга жалб этиб, кенг миқёсда ижобий натижаларни қўлга киритилмоқда. Лекин Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви шароитида хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда бўлар экан, жаҳонда юз бераётган молиявий-

иқтисодий инқироз жараёнини четлаб ўтиб кетолмайди. Шу сабабли республикада инқирозга қарши чора-тадбирлар келгусида ҳам иқтисодий тараккиёт талабларини хисобга олиб кенг миқёсда амалга оширилиши лозим.

Республика Президенти И.А. Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағищланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби» маъruzасида унинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» рисоласида Республиканинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарши қурашиб ва келгусида бу инқироздан чиқиш чора-тадбирларининг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган ва улар қўйдагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш;
- экспортёр-корхоналарнинг ҳаддан ташқари ёмонлашаётган жорий конъюнктура шароитида хорижий бозорларда ракобат-бардошлигини кўтариш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархини пасайтиришни такомиллаштириш;
- электроэнергетика соҳасини модернизациялаш, энергия харжатларини камайтириш, корхона ва ташкилотларни энергия билан таъминлашда самарадор тизимни жорий этиш;
- ҳалқаро бозорларда товарларга талабнинг қисқариши муносабати билан миллий ишлб чиқарувчиларни рағбатлантириб, республика ички талабини ривожлантириш;
- республика инвестицион сиёсатини ривожлантириш, кенг миқёсда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган карор ва дастурларга биноан республикада инқирозга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш учун 24,5 млрд. доллар инвестициялар қилиниши кўзда тутилган. Улардан: 18,5 млрд. доллари янги стратегик лойиҳаларга, 6 млрд. доллари ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ускуналарни янгилаш учун ажратилади.

Бундан ташқари яқин йилларда республика иқтисодиётини ривожлантириш учун, ривожланиш ва реконструкциялаш фондининг 2,5 млрд. долларли кредити ва 13,5 млрд. долларли хорижий инвестициялар ва кредитлар сарф этілади:

- республикада бошланған таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириб республика иқтисодиётини диверсификациялаш;
- республика қишлоқ хұжалигіда иқтисодий ислоҳотларни, چукурлаштириб тегишли қонун-қарорларни такомиллаштириш, қишлоқ хұжалик маңсулотларини қайта ишлеш соҳаларини ривожлантириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ аҳли түрмуш даражасини күтариш;
- республика иқтисодиётининг ишлаб чықарыш ва ижтимоий инфраструктураны янада ривожлантириш;
- республика банк тизимини янада такомиллаштириб, банкларнинг инвестицион фаолиятини ривожлантириб, ахоли омонатларини банкларга жойлаштиришни янада көнгайтириш.

«Инқирозга карши чоралар дастурида күзда тутилған тәдбиrlарни изчиллік билан амалға ошириш жағон молиявий-иктисодий инқирозининг тақдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизге салбий таъсирининг олдини олиш имконини берди» дейдилар И.А. Каримов.<sup>1</sup>

Халқаро нұғузли эксперталарнинг фикрига күра янги жағон молиявий-иктисодий инқирозининг 2010 йилда ҳам давом этиш зерттесін бор.

«Шундан келиб чиккан ҳолда – дейдилар И.А. Каримов, – ўз-үзидан аёнки, мамлакатимизда жағон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бүйича 2009-2012 йилларга мүлжаллаб қабул қилинган инқирозга карши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланишининг әнгустувор йўналиши бўлиб қолади».<sup>2</sup>

«Айни пайтда бу дастур инқироздан сўнг, Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чикиш, жағон бозоридаги ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фарованиелигини янада

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жағон молиявий-иктисодий инқироза, Ўзбекистон шаронтида уни бартараф этиленипг йўлларини ва чоралари Тошкент 2009, 54 бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда 30 бет

ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффакиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади» деб якунлайдилар И.А. Каримов ўзларининг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» асарларида.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, шу давргача бўлиб ўтган инқирозлардан фарқланиб, иктиносидиётнинг барча соҳаларини, тармоқларини камраб олиб, кенг миқёсдаги салбий оқибатларга эга бўлиб, уни бартараф этиш учун алоҳида давлатларнинг чора-тадбирлари билан бирга жаҳон миқёсида ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлигини кўрсатади. Бу чора-тадбирлар, фикримизча, куйидаги йўналишларда бўлиши мақсадга мувофик:

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш истиқболини прогнозлашибдиришда йирик мамлакатлар факат ўзларининг хусусий манфаатларини кўзламасдан жаҳон миқёсида атрофни муҳофаза қилиш, аҳоли бандлигини ва унинг турмуш даражасини кўтаришга эътибор бермоқлари лозим.

2. Бирлашган миллатлар ташкилоти раҳбарлигига Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ёрдамида ривожланган, ривожланаётган, қолок мамлакатлар ривожланиш иктиносидиёти мувофиқлаштирилиб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш зарур.

3. Жаҳон ижтимоий-иктисодий таракқиётида молиявий механизми тартибга солиш мақсадида халқаро, миллатлараро, қитъалараро бошқарув тизими ташкил этилиб, жаҳон таракқиётини умумисоний манфаатлардан келиб чиқиб аниқланиши лозим.

4. Жаҳон иктиносидиёти тараққиётида иктиносидий қонунларнинг объектив талабларидан келиб чиқиб, такрор ишлаб чиқариш босқичлари ўртасидаги, реал ва молиявий иктиносидиёт соҳалари ўртасидаги, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқалар ўртасидаги оптимал нисбатларни асосли аниқлаш мақсадга мувофик.

5. Жаҳон иктиносидиётида ягона стандартларни ишлаб чиқиш, жаҳон молиявий бозорлар фаолияти тамойилларини унификация қилиш, регион захира валюталарини шакллантириб бериш лозим.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009, 54 бет.

6. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашувида алоҳида мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти билан чегараланмасдан, аксинча жаҳон хўжалиги даражасида янада ривожланиб бориш йўллари амалга оширилиши керак.

7. Инсонийлик тамойилларидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти талаблари ҳисобга олиниб мамлакатларда ижтимоий йўналтирилган жамият қурилиши лозим.

8. Ҳозирги замон иқтисодий таракқиёти шуни тасдиқладики, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи бошқарадиган тизим бўлолмас экан, демак, бозор иқтисодиётининг ривожланишида уни давлат томонидан тартибга солиб туриш замон талабидир.

### **Алоҳида мамлакатлар иқтисодиёти миқёсида**

1. Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш тизимини такомиллаштириб, авваламбор, алоҳида хўжалик субъекти, компаниилар манфаатларини эмас, макроиктисодиёт манфаатини амалга ошириш.

2. Умумиктисодий, умумдавлат манфаатларини амалга оширишда хўжалик субъектлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

3. Хусусий мулкдорлар, тадбиркорлар томонидан ўзлаштирилган фойдалар асосан шахсий самолётлар, виллалар, спорт клублари ва хоказоларни сотиб олиш учун эмас, тегишли соҳаларни ривожлантириш, жамият ижтимоий таракқиёти учун сарф этилишини тъминлаш лозим.

4. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг асосини – фан-техника таракқиёти ва фан-техника таракқиётини барпо этувчи инсон омили эгаллар экан. демак, келгусида инсон омилини ардоқлашга, уни тарбиялашга, мутахассисликларга ўқитишга, унинг малакасини оширишга, қайта тайёрлаш ва меҳнат билан тъминлашга эътибор юкори бўлиши зарур.

5. Бозор иқтисодиётининг асоси тижорат принциплари экан, лекин бу принципларни амалга ошириш алоҳида колективларни, умуман жамиятнинг ижтимоий таракқиёти билан бирга амалга оширилиши лозим.

6. Социал йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилар экан, уни амалга ошириш учун зарур бўлган, (10-20 йилга) умумий

ва соҳавий ижтимоий-иктисодий тараққиёт дастурлари тузилиб, амалга оширилиши керак.

7. Макроиктисодиёт таркибини янада такомиллаштириб, мамлакатнинг иктисодиёт тараққиётида реал иктисодиёт, унинг инфратузилмаси ва хизмат қўрсатиш соҳаларини мувофикаштириб ривожлантириш йўналишларини ҳар томонлама аниқлаб туриши зарур.

8. Давлат раҳбарлигига бозор иктисодиёти инфратузилмаси, айниқса банк, молия, биржалар тизимларининг самарали фаолияти таъминланиши лозим.

9. Рақобат бозор иктисодиётини ривожлантириш механизмидан бири экан, миллий иктисодиётни ривожлантиришда умуман миллий иктисодиётни, ишлаб чиқарилаётган алоҳида маҳсулотлар рақобатбардошлигини доимо ошириб бориш мақсадга мувофик.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳозирда рўй берәётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг салбий таъсирини юмшатиш, унинг оқибатларини бартараф этиш ва ундан чиқиб кетиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг мазмунни, моҳияти, келиб чиқиши сабаблари, унинг салбий оқибатлари ва инқироз шароитида Ўзбекистон Республикаси иктисодиётининг ривожланиш ҳолатининг таҳлили куйидаги хуносаларни чиқаришга олиб келди:

- иктисодий инқирозлар ҳар қандай жамиятнинг қонуний йўлдоши эканлиги яна тасдиқланди;
- иктисодий инқирозларнинг келиб чиқишининг бирламчи сабаби – жамият эҳтиёжига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш ўз кучида қолмоқда;
- иктисодий инқирозлар кенгайиб, мураккаблашиб, баъзи ҳолатларда жаҳон инқирозларига айланиб, фалокатли салбий оқибатларга олиб келмоқда;
- жаҳон иктисодиёти тараққиётида, 1929-1933 йиллардаги «Буюк депрессия» номи билан машхур бўлган жаҳон иктисодий инқирозидан кейин ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози алоҳида салбий оқибатларни қолдирмоқда;
- ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози келиб чиқиши сабаларига кўра кенг қамровли бўлиб, у иктисодиёт, молия, банк, биржа, суғурта, ижтимоий соҳаларни қамраб олди;

– ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамма мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда, ишлаб чиқаришлар қисқартирилмоқда, кўплаб йирик компаниялар, банк, молия, суғурта ташкилотлари банкрот бўлмоқда, ишсизлар сони купаймоқда;

– жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси нисбатан юқори суръатларда ривожланмоқда. Бунга сабаб республикада ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган бозор муносабатларига ўтиш борасидаги «Ўзбек модели» мазмунан иқтисодий инқирозларга қарши йўналтирилган бўлиб, ундан ташқари республикада инқироз хавфини сезиб ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширилмоқда, натижада жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг республика иқтисодиётига таъсири унчалик кучли эмас;

– жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг барча мамлакатлар иқтисодиётига, шу жумладан, республикамиз иқтисодиётига салбий таъсири табиий экан, демак унинг таъсирини юмшатиш ва ундан чиқиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Бу муаммони ечиш йўллари Республика Президенти И.А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида хар томонлама кўрсатиб берилган.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Тошкент, 1992 й.
2. Каримов И.А. Янги валютага ўтиш инқилоб билан баробардир. Тошкент, 1993 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, 1993 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, Тошкент, 1993 й.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент, 1995 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. Тошкент, 1995 й.
7. Каримов И.А. Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик. Тошкент, 1995 й.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, 1997 й.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент, 1997 й.
10. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш энг муҳим вазифамиз. Тошкент, 2000 й.
11. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш-фаровонлик пойдевори. Тошкент, 2000 й.
12. Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Тошкент, 2003 й.
13. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, 2005 й.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Тошкент, 2006 й.
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараққиёт йўли. Тошкент, 2007 й.

16. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод. фаровон хаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом этиришдир. Тошкент, 2008 й.

17. Каримов И.А. Инсон манбаатлари устуворлигини таъминлаш-барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. Тошкент, 2008 й.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари, Тошкент, 2009.

**Э.А. Акрамов:**

19. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. Ташкент, 1993 год.

20. Экономические реформы Республики Узбекистан. Москва, 1998 год.

21. Главные рычаги повышения эффективности сельскохозяйственного производства журнал «Жизнь и экономика», 1992, №11.

22. Турецкая модель социально-экономического развития. Журнал «Экономика и статистика», 1993 год № 4 и 5 вып.

23. Турция Республикаси (ёки унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли). «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1993 й. 4-5 сонлар.

24. Путь, которым идет нам. Журнал «Экономика и статистика», 1994 г. 4-5 вып.

25. Бозор муносабатларига ўтиш. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1994 й. 7-8, 9-12.

26. Ислоҳотларимизни жаҳон таи олмоқда. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1996 й. 9-сон.

27. Верным курсом. Журнал «Экономика и статистика», 1996 г. 10-вып.

28. Экономические реформы в АПК. журнал «Экономика и статистика», 1997 г. 2-вып.

29. Янгилашиш ва тараккиёт. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 1998 й. 2-сон.

30. Ислоҳот натижалари. «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1998 й. 3-сон

31. Ахоли манбаатларини кўзлаб. Мақола, «Иқтисод ва ҳисобот» журнали, 1998 й. 3-сон.

32. Независимость ход экономических реформ. Журнал «Экономика и статистика». 1998 г. 4,5,6-вып.
33. Иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар. Мақолалар тўплами, «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда». Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият курилиш академияси. Тошкент, 2000 й.
34. О некоторых аспектах аудиторской деятельности в Республике Узбекистан. Журнал «Обзор финансового рынка», 2000 г. 4-вып.
- Цикл статей по проблеме «Реформирование сельского хозяйства Узбекистана» (соавтор Кудратов Г.):
35. Задачи, принципы и основные направления реформ. Законодательная основа землепользования и земледелия. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана», 2000 г. 6-вып.
36. Фермерские (дехканские) хозяйства. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана», 2001 г. 2-вып.
37. Личные подсобные хозяйства. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана», 2001 г. 3-вып.
38. Структура управления сельским и водным хозяйством. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана», 2001 г. 5-вып.
39. Создание кооперативов. Журнал «Сельское хозяйство Узбекистана», 2001 г. 6-вып.
40. Экономические реформы Республики Узбекистана. Статья, журнал «Реформа», Киргизская Республика, Бишкек, 2002 г. 3-вып.
41. Важнейшие результаты экономических реформ в Узбекистане. Журнал «Экономический вестник Узбекистана», 2002 г. 3-вып.
42. Банковская система Японии. Журнал «Рынок, деньги и кредит» 2003 г. №12.
43. Роль финансовой системы в развитии экономики Японии. Журнал «Рынок, деньги и кредит». 2004 г. №3
44. Проблемы финансирования сельского хозяйства Каракалпакистана. Журнал «Рынок, деньги и кредит». 2004 г. №4.
45. Из опыта Республики Узбекистан по переходу на рыночные отношения. Доклад. Материалы научно-теоретической конференции. Институт политологии и управления. Ташкент. 1992 г.
46. Ўзбекистон ташки иқтисодий сиёсати хусусиятлари. Маъруза «Миллий иқтисодиёт ислоҳотлари даврида маркетинг» Халқаро конференция материаллари. ТДИУ, Тошкент, 1998 йил.

47. Проблемы дальнейшего развития ценных бумаг Узбекистана. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Применение международного опыта в процессе институционального развития банковско-финансовой системы Республики Узбекистан», БФА, Ташкент, 2002.
48. Новый этап реформирования банковской системы Республики Узбекистан. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Проблемы углубления реформирования банковско-финансовой системы Узбекистана и усиление её воздействия на развитие экономики», БФА Республики Узбекистан, Ташкент, июль 2003 г.
49. Основные принципы и направления оценки эффективности деятельности коммерческих банков. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Проблемы повышения эффективности финансово-кредитных механизмов в обеспечении экономического роста Республики Узбекистан», БФА РУ. Ташкент, июль 2004.
50. Сильная социальная политика Республики Узбекистан. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Социально-экономические проблемы переходной экономики», ТФИ, Ташкент, май 2005.
51. Проблемы и перспективы конкурентоспособности национальной экономики Узбекистана. Доклад. Материалы Научного семинара института Экономики АН РУз. «Конкурентоспособность национальной экономики Узбекистан», Ташкент, май 2005.
52. Проблемы повышения роли банковской деятельности в развитии экономики Узбекистана. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана, 2007 год. БФА, Ташкент 2006.
53. Ўзбекистон Республикаси инвестицион сиёсати ва уни тақомиллаштириш муаммолари. Маъруза. Халқаро илмий-амалий конференция «Инвестицион ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, самараадорлигини баҳолаш ва уларни амалга ошириш». ТМИ. Тошкент. 2006 й.
54. Повышение роли банковской деятельности в реформировании экономики Узбекистана. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Развитие банковско-финансовой системы Республики Узбекистан», БФА, Ташкент, 2006 г.

55. Инвестиционная политика Республики Узбекистан и пути её совершенствования. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Разработка, оценка эффективности и реализации инвестиционных и инновационных проектов». ТМИ, ноябрь, 2006.

56. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўналишлари. Маъруза . Республика илмий-амалий конференция «Ўзбекистон 15 йил мустақил тараққиёт йўлида: эришилган ютуқлар ва муаммолар», Тошкент, 2007 й.

57. Особенности и проблемы развития современной экономики Республики Узбекистан. Доклад. Материалы Международной научно-практической конференции «Совершенствование финансового механизма развития экономики республики Казахстан как фактор конкурентоспособности». Международный Казахско-Турецкий университет им. Х.А.Яссавий. Шымкентский институт. Шымкент, 2007.

58. Эволюция теории социально-экономического развития общества и особенности её проявления в Республике Узбекистан. Доклад, Материалы Международной научно-практической конференции «Илм фан ва замонавий тафаккур ижтимоий иқтисодий тараққиёт гаровидир», май 2007, ТМИ, Тошкент 2007.

59. Стратегия дальнейших преобразования. Статья, газета «Частная собственность», №8, 1998 год.

60. Как повысить привлекательность акции. Статья, газета «Частная собственность», №28, 1999 год.

61. Дело всего общества, дело каждого из нас. Статья, газета «Народное слово», 31 октября 2001 года.

62. Ўзбекистон барқарорлик ва тараққиёт йўлида. «Деловой партнер» газетаси, 2002 йил. 7 феврал, 21 феврал, 7 март.

63. Реформирование банковской системы. Статья, газета «Деловой партнер» 5 июня 2002 г.

64. Формирование и развитие рынка ценных бумаг. Статья, газета «Деловой партнер» 10 января 2002 г.

65. Важнейшие результаты реформирования Республики Узбекистан. Статья, газета «Деловой партнер». 5 июня 2002 г.

66. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, 1997 й.

67. Абдурахмонов К.Х., Холмуминов Ш.Р., Хайтов А.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асослари. Тошкент, 2007 й.

68. Бекмурадов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Тошкент, 2007 й.
69. Беркинов Б.Б., Тошматов Р.Х. Ўзбекистонда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари. Тошкент, 2007 й.
70. Беркинов Б.Б., Пўлатов Н.Ф. Акциядорлик жамияти. Тошкент, 2007 й.
71. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. Тошкент, 2001 й.
72. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития, Ташкент, 2008.
73. Вахабов А.В., Абдуллаев Е.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма, «Иктисолид-молия», Тошкент, 2009.
74. Гуломов С.С. Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Тошкент, 1996 й.
75. Гуломов С.С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Тошкент, 1997 й.
76. Гуломов С.С., Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. Тошкент, 2001 й.
77. Газибеков Д.Г., Носиров Э. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Тошкент, 2007 й.
78. «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009 йил 5 май, Тошкент, 2009.
79. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: мөхияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири, Тошкент, 2009.
80. Кудратов Г. Экономические проблемы малого бизнеса в аграрном секторе. Ташкент, 2007 г.
81. Кудрин А. Мировой финансовый кризис и его влияние на Россию. Ж. Вопросы экономики, 2009. № 6.
82. Каримов И. Банк тизими, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. Тошкент, 2006 й.
83. Каримова Г. Политико-экономические реформы в Узбекистане: реалы и перспективы. Ташкент, 1995.

84. Маликов Т. Солик юки оғирлигини кескин камайтириш керакми? Тошкент, 2006 й.
85. Май В. Драма 2008 года: от экономического чуда к экономическому кризису. Ж. Вопросы экономики, 2009, № 2.
86. Муаллифлар. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт. Тошкент, 2006 й.
87. Рашидов О.Ю., Тожиев Р.Р. Ўзбекистон Республикасида микрокредитлаш тизими ва уни ривожлантириш йўллари. Тошкент, 2007 й.
88. Солимов Б.Т., Абдуганиев А., Юсупов М. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг асосий йўллари. Тошкент, 2007 й.
89. Смирнов А. Кредитный «пузырь» и перлокация финансового кризиса. Ж. Вопросы экономики, 2009, № 10.
90. Тухлиев Б., Азизов О. Солик юкини камайтириш-иқтисодиётни юксалтириш омили. Тошкент, 2007 й.
91. Ўлмасов А., Шарифхаджаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент, 1995 й.
92. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Тошкент, 1997 й.
93. Фаттахов А.А. Тижорат-воситачи ташкилотлар иқтисодиёти. Тошкент, 2000 й.
94. Гафарли М.С., Касаев А.Г. «Узбекская модель» развития: мир и стабильность – основы прогресса. – М., 2000.
95. Гафарли М.С., Касаев А.Г. Ривожланишнинг «ўзбек модели»: тинчлик ва барқарорлик – тараккиёт асоси. – Т., 2001.
96. Ходиев Б.Ю., Бекмурадов А.Ш., Фопуров У.В., Тухлиев Б.К. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.
97. Хошимова Д.П., Назарова Ф.Э., Гимранова О.Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш бўйича таълим технологияси, «Иқтисодиёт», Тошкент, 2009.
98. Чжен В.А. Основы приватизации. Тошкент, 1996 год.
99. Шарифходжаев М.М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. Ташкент, 2002 г.
100. Шарифходжаев М.М. Годы, равные векам. Ташкент, 2002 г.

101. Юсупова Н. Макроэкономические вопросы разгосударствления и приватизации. Ташкент, 2000 г.
102. «Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар тўплами, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
103. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
104. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўкув кўлланма, Тошкент молия институти, 2009.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b>	3
<b>I бөб. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ</b>	7
1.1. Бозор муносабатлариининг назарий асослари ва иқтисодий йўналтирилганлиги.....	7
1.2. Бозор муносабатларидан фойдаланишида жаҳон тажрибаси .....	13
1.3. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг объектив зарурлиги.....	30
<b>II бөб. И.А.КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАНЛИГИ</b>	36
2.1. «Ўзбек модели»нинг шаклланиш асослари.....	36
2.2. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги.....	43
2.3. Давлат асосий ислоҳотчи .....	46
2.4. Конун устуворлиги.....	51
2.5. Кучни ижтимоий сиёсат.....	55
2.6. Бозор муносабатларига ўтишини босқичма-босқич амалга ошириш.....	60
2.7. «Ўзбек модели»нинг устувор муаммолари.....	63
2.8. «Ўзбек модельи»нинг шаклланиш босқичлари.....	88
<b>III бөб. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ</b>	103
3.1. Бозор муносабатларига ўтишда «ўзбек модельи»ни амалга ошириш босқичлари.....	103
3.2. Иқтисодий ислоҳотларниң ҳуқуқий базасини барпо этиш.....	110
3.3. Бозор муносабатларига мослајдган бошқарув тизимини шакллантириши.....	122
3.4. Кучли социал сиёсатни амалга ошириш.....	132
3.5. Кўп уқлади бозор иқтисодиётини барпо этиш.....	147
3.6. Бозор иқтисодиётни инфратузилмасини шакллантириш.....	176
3.7. Макроиктисодиёт таркибини такомиллаштириш.....	222
3.8. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш.....	230
3.9. Миллий валютани барпо этиш ва унинг конвертациясини таъмишланиш.....	240

<b>IV таб. РЕСПУБЛИКА ИКТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРИНИ ЧУКУРДАШТИРИВ ЙУНАЛИШЛАРИ</b>	263
4.1. Иктиносиди послодоларни чукурданитирий асослари .....	263
4.2. Республика иктиисодинин янада оржизантириши .....	269
4.3. Бизорлик иктииси инфраструктурамини түлүк шакынантириш .....	288
4.4. Сандыкто-иктиисиб азоталарни тақомиллаштириш .....	316
4.5. Агробиотик секторда иктиисодий ислохотларни рөлөөлөнүптириши .....	323
4.6. Иктиносиди салбиркорчуккинин янада рагбатлантириш .....	333
4.7. Газдо-иктииси мөлдөмийт спесияни янада көнгайтириш .....	343
4.8. Көсүлдөс Республикасын иктиисодиети таркибинин янада жүйөлдүнүптириши .....	358
<b>V таб. ИКТИСОДИЙ ТАРАККИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИ АМАЛ АФИРИПНИНГ ИЖТИМОЙ-ИКТИСОДИЙ НАТИЖАЛАРИ</b>	378
5.1. Республика иктиисодийларининг ижтимоий-сийесий натижалари .....	378
5.2. Республика иктиисодиётинин юкори суръатларда риележаптиши .....	384
5.3. Нефть, газ жана сұнның реснубликанинг мустақилликка риележаптиши .....	400
5.4. Иктиисодинин молиявий ҳолати .....	409
5.5. Гашткы иктиисодий азоталарининг ривожланиши .....	425
5.6. Республика ахтасын тұрмұнды даражасининг мухофаза риележаптиши .....	438
5.7. Республикада күнуктадан бозор иктиисодиетининг шарттанышы .....	456
5.8. Иктиисодий тараккисинин «ўзбек модель»нинг жағон ханкесіндеған оғандашыны .....	471
<b>VI таб. ЖАҚОН МОЛИЯВИЙ-ИКТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИКТИСОДИЁТИНИНГ ҲОЛАТИ</b>	484
6.1. Иктиисодий инқирозлар ижтимоий ицілаб чиқарылы тарақкестіда .....	484
6.2. 1929-1933 йылдарда бұлып үтган жағон иктиисодий инқирози – «Бүкіл дегрессия» .....	486
6.3. Ҳозирги жағон молиявий-иктиисодий инқирозининг келиб чиқын сабаблари .....	488
6.4. Жағон молиявий-иктиисодий инқирозинин оқибатлари .....	491
6.5. Жағон молиявий-иктиисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси иктиисодиети .....	498
Адабиётлар рўйхати .....	517
Мундарижа .....	525

**Эргаш Акрамович АКРАМОВ**

**ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
«ЎЗБЕК МОДЕЛИ» АМАЛДА**

*(Ўқув қўлланма)*

Муҳаррир Ҷ. Азамова

Бадиий муҳаррир М. Одилов

Компьютерда саҳифаловчи А. Шафиуллина

Нашр лиц. АI № 174, 11.06.2010. Териғига 11.04.2011 да берилди.

Босишга рухсат 23.06.2011 да берилди. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>

Офсет қоғози №2. Таймс гарнитураси.

Шартли б.т. 30,4. Нашр-хисоб т. 33,0. Алади 300 дона.

Буюртма № 18

«IQTISOD-MOLIYA» натириётида тайёрланди.  
100084, Тошкент. Кичик ҳалка йўли, 7-уй

«HUMOYUNBEK-ISTIQLOL MOJIZASI» босмахонаси  
100003, Тошкент. Олмазор, 171-уй



**Эргаш Акрамович Акрамов**  
1931 йили Тошкентда туғилган.  
1949 йили Тошкент Молия –  
кредит техникуми, 1953 йили  
Ленинград молия иқтисод инсти-  
тутининг педагогика факуль-  
тетини битирган, 1956 йили шу  
институтнинг аспирантурасида  
үқиган, 1956 йилдан бошлаб  
Тошкент Молия институти,  
кейинчалик Тошкент халқ хўжа-  
лиги институти Статистика

кафедрасида асистент, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири  
лавозимларида ишлаган. 1973-1981 йилларда Тошкент халқ хўжалиги  
институтида илмий ишлар бўйича ректор муовини, 1982-1984 йилларда  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига давлат  
инспекцияси бўлими бошлиғи, 1985-1991 йилларда Тошкент олий партия  
мактабида кафедра мудири, илмий ишлар бўйича декан, 1992-2002 йилларда  
Тошкент молия институти хузуридаги Молия – банк ходимлари малакасини  
ошириш тармоқлараро институтида кафедра мудири, 2003-2005 йиллар Банк –  
молия академиясида илмий марказ раҳбари, 2005-2010 йилларда яна Молия –  
банк ходимлари малакасини ошириш институтида кафедра мудири ва 2011  
йил январдан бошлаб Тошкент Молия институти “Молиявий таҳлил”  
кафедраси профессори.

Э.А. Акрамов 1958 йилдан иқтисод фанлари номзоди, доцент, 1976  
йилдан иқтисод фанлари доктори, профессор, 1981 йилдан Ўзбекистон  
Республикасида Хизмат кўрсатган фан арбоби, 2010 йилдан ANTIQVE  
WORLD халқаро фанлар академияси академиги.

Акрамов Э.А.нинг бевосита раҳбарлигига 25 нафар иқтисод фанлари  
номзоди, 10 га яқин иқтисод фанлари докторлари тайёрланган.

Республика мустақиллиги даврида республика тараккиётининг «Ўзбек  
модели» (Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асрлари  
асосида) муаммолари ва корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили соҳасида  
илмий тадқиқот ишлари олиб борди ва шу даврда бу муаммолар бўйича илмий  
конференцияларда 25 дан ортиқ маъruzalар қилди. Республика журналларида  
20 дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинди ва нашриётларда «Узбекистан  
на пути к рынку», «Экономические реформы Республики Узбекистан» номли  
монографиялари ва «Иқтисодий тараккиётининг «Ўзбек модели» амалда»  
номли ўқув кўлланмалари чоп этилди.

ISBN 978-9943-13-329-7



9 789943 133297